ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

А. Солиев, М. Назаров, Ш. Қурбонов

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИ ИЖТИМОИЙ–ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Монография

Тошкент
«MUMTOZ SO'Z»
2010

65.04(5Ў)
С77
Солиев, А.
Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши / А.Солиев, М.Назаров, Ш.Қурбонов; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. 348 б.

I. Назаров М. II. Қурбонов Ш.

ББК 65.04(5Ў)

Китобда Ўзбекистон минтақалари – вилоятлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг ҳозирги ҳолати, табиий шароити ва ресурслари, аҳолиси ва демографик вазияти, инвестициялар ва инфратузилмалар энг сўнгги статистик манбалар асосида ёзилган бўлиб, қишлоқ туманлари географияси ҳақида ҳам тегишли ахборий маълумотлар келтирилган.

Монография географ ва минтақавий иқтисодиёт йўналишидаги бакалавр, магистр ва аспирантлар, шунингдек, республика иқтисодиётининг ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари ва муаммолари билан қизиқувчи мутахассис ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Тақризчилар: и.ф.д., профессор Абдусаломов М.;
г.ф.д., профессор Қаюмов А.

ISBN 978-9943-398-01-6

© А.Солиев, М.Назаров, Ш.Қурбонов, 2010
© «MUMTOZ SO'Z», 2010

ЎзМУ Ижтимоий география,
минтақавий иқтисодиёт ва
демография (иқтисодий география)
кафедрасининг 70 йиллигига
бағишланади

Сўзбоши

Мустақил Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантириш, унинг барча соҳалардаги хавфсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини яхшилаб бориш кўп жиҳатдан унинг ички геосиёсий тузилмаси – вилоятлар (минтақалар) салоҳиятидан ҳар томонлама фойдаланишга боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳозирги даврда мамлакатимиз олдида турган устивор вазифалар қаторида "Жаҳон молиявий – иқтисодий инкирози ҳалибери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур", деб таъкидлайди[1].

Ушбу якин келажакка мўлжалланган стратегик мақсадларга эришиш республика ва унинг ҳудудларида мавжуд меҳнат ва агроиқлимий ресурслар, минерал хом ашё ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Шу нуктаи назардан караганда, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилмасини ташкил этувчи Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва унинг пойтахти – Тошкент шаҳрининг ҳар бири ва биргаликда мамлакатимизнинг ягона геоиқтисодий тизимини шакл-лантиради. Уларнинг республика меҳнат тақсимотидаги ўрни, демографик ва экологик вазияти, хўжалигининг тармоклар ва ҳудудий таркиби, ихтисослашуви муҳим географик хусусият касб этади.

Бинобарин, минтақалар инвестицион салохиятини ошириш, уларда ўсиш кутб ва марказларини аниклаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб муаммолари ва устувор йўналишларини белгилаш кенг кўламдаги илмий тадқикотларни тақозо этади.

---

[1] Каримов И. А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир - Т.: "Ўзбекистон", 2010, б. 18.

Китобда вилоятлар маълум бир тартибда ёзилган. Бунда уларнинг табиий ресурс ва демографик салоҳияти, иқтисодиёти ва унинг тармоқлар ҳамда ҳудудий таркиби, ихтисослашуви, ижтимоий соҳалар ривожланиши, транспорт ва бошқа инфратузилмаси батафсил баён этилган. Энг сўнгги статистик маълумотлар таҳлили асосида қишлоқ туманлари даражасида саноат, халқ истеъмол моллари, қишлоқ хўжалиги, инвестиция ва қурилиш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва чакана савдо кабиларнинг вилоятда тутган ўрни, салмоғи ҳисоблаб чиқилган ва махсус индикаторлар келтирилган.

Шунингдек, китобда бозор ислоҳотлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, агроиқтисодиёт тизимида фермер хўжаликларининг ривожланиши масалаларига, минтақалар ташқи иқтисодий алоқаларига ҳам эътибор қаратилган, вилоятлар доирасида ижтимоий-иқтисодий районлар ажратилган. Ушбу масалалар республикамизда 2009 йилда қабул қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Мазкур монография ОТ Ф6 – 045 фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида ёзилган. У Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий география, минтақавий иқтисодиёт ва демография кафедраси профессори А.С.Солиев илмий раҳбарлиги ва таҳрири асосида тайёрланган.

Китобнинг 2, 3, 4, 6, 7, 9, 10, 11, 13, 14 боблари А. С. Солиев томонидан, 5 ва 8 боблар А. С. Солиев ва М. И. Назаров, 1 ва 12 боблари А.С.Солиев ва Ш.Қурбонов ҳаммуаллифлигида ёзилган. Статистик жадвалларни тузиш ва китоб матнини компьютерда саҳифалаш Ш. Қурбонов томонидан бажарилган.

Монографиядан республика олий ўқув юртлари география йўналишида "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси" ҳамда "Минтақавий иқтисодиёт" фанларини ўқитишда қўлланма сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Шу боис китобнинг таркиби ва мазмунини янада яхшилаш, такомиллаштиришга қаратилган қимматли маслаҳат ва кўрсатмаларингизни кутамиз ва бунинг учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Муаллифлар

Биринчи боб. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси (ҚР) Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен давлат сифатида 9 январ 1992 йилда эълон қилинган. Пойтахти - **Нукус** шаҳри.

Унинг таркибига 14 та кишлоқ туманлари, 12 та шаҳар ва 26 та шаҳарча киради. Майдони 166,6 минг км^2, аҳолиси 1.01.2010 й. дастлабки маълумотига кўра, 1634 минг киши.

1.1 - жадвал

Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ туманлари ҳақида айрим маълумотлар

т/р	Қишлоқ туманлари номи	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони, минг кв.км.	Аҳолиси, минг киши
1	Амударё	18.12.1957	Манғит ш.	1,02	163,6
2	Беруний	03.07.1927	Беруний ш.	3,95	159,1
3	Кегейли	03.09.1928	Кегейли ш-ча	2,21	79,5
4	Мўйноқ	19.09.1931	Мўйноқ ш.	37,88	28,3
5	Нукус	25.12.1968	Оқманғит ш-ча	0,95	46,9
6	Тахтакўпир	29.12.1965	Тахтакўпир ш-ча	21,12	39,3
7	Тўрткўл	13.07.1927	Тўрткўл ш.	7,48	175,4
8	Хўжайли	03.07.1927	Хўжайли ш.	0,85	143,4
9	Чимбой	03.07.1927	Чимбой ш.	2,20	101,4
10	Шуманой	09.01.1967	Шуманой ш.	0,64	40,6
11	Элликқалъа	23.03.1977	Бўстон ш.	5,42	129,9
12	Конликўл	07.12.1970	Қонликўл ш-ча	0,74	43,8
13	Қораўзак	26.09.1975	Қораўзак ш-ча	5,89	45,1
14	Қўнғирот	22.02.1964	Қўнғирот ш.	76,00	115,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикаси ичидаги меҳнат тақсимотида асосан деҳкончилик, хусусан шоли етиштириш, жун - гўшт чорвачилиги ҳамда кисман озиқ-овкат ва енгил саноатнинг баъзи тармоклари билан ажралиб туради. Шунингдек, нефть - газ саноати ҳам сўнгги йилларда ривожланиб бормоқда.

ҚР Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 5,8 фоизини эгаллагани ҳолда, унинг ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 2,6 фоизи, саноат махсулотининг 1,2 фоизи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 3,0, пуллик хизмат ҳажмининг 2,4,

чакана савдонинг 3,1, экспортнинг 0,8 фоизи ва импортнинг 0,4 фоизи тўғри келади (2009 й).

География ўрни ва табиий бойликлари. ҚР Ўзбекистоннинг чекка шимоли-ғарбида, Қуйи Амударё минтақасида жойлашган. Унинг ЎзР марказий районларидан анча олисда ўрнашганлиги минтака иқтисодий ривожланиш йўналишига ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан бирга ҚР нинг геосиёсий мавқеи, яъни Қозоғистон Республикаси ва Туркманистон давлати билан қўшничилиги, Ўзбекистоннинг Европа мамлакатларига чиқиш жойида эканлиги унинг ривожланишига қулай имкониятлар яратиб беради. Бу борада у республикамизнинг асосий **"дарвозаси"** ҳисобланади.

Қорақалпоғистон ер усти тузилиши мураккаб эмас: энг баланд нуқтаси Султонувайс тизмаси бўлиб, у денгиз сатҳидан 473 м баландликда жойлашган. Сариқамиш ва Ассака чўкмалари эса анча паст минус - 30 м атрофида. ҚРнинг ғарбий қисми Устюрт платоси, қолган ҳудуди Турон пасттекислиги билан банд.

Минтақа турли хил қазилма бойликларга эга. Бу ўринда, энг аввало, Султонувайс (Султонуизтоғ) тизмасини кўрсатиш жоиз. Майдони унча катта бўлмаган мазкур ҳудудда рангли ва қора металлар, қурилиш ва бошқа саноат тармоқлари хом ашёси кўп. Улар жумласига мармар, оҳактош, гипс, мергел, фосфорит, олтин, темир рудаси, мис, қимматбаҳо тошлар, барит, талк, абразив материаллар ва бошқалар киради. Бироқ бу бойликларнинг заҳираси ва техник иқтисодий жиҳатлари саноат ишлаб чиқаришини ташкил қилиш учун ҳали мукаммал ўрганилмаган. Баъзилари эса, масалан, Тебинбулоқ темир рудаси кони аниқланган заҳиралар камлиги ва унинг сифат кўрсаткичларининг юқори эмаслиги сабабли (рудадаги темирнинг улуши 20 фоизга ҳам етмайди) ҳозирча саноат аҳамиятига эга эмас.

ҚР тоғ - кон кимёси заҳираларига ҳам бой: Чимбой яқинидаги Қўшқоноттов ва Қўнғирот атрофидаги Борса - келмас ҳамда Қораумбет каби конларда сульфат - магний, тош ва ош тузларининг жуда катта заҳиралари мавжуд.

Қорақалпоғистоннинг Устюрт қисмини табиий газ ва айниқса, нефть конларига бой эканлиги башорат қилинмоқда. Ҳозирги кунда Оқшолоқ, Шоҳпахта, Қувониш конларидан табиий газ қазиб олинади. Келажакда эса ушбу ёқилғи турларининг йирик конлари топилиши кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда бу ҳудудга республика геологик қидирув ишларига мўлжалланган инвестиция ҳажмининг

асосий қисми ажратилмоқда ва бунда Россиянинг **"Лукойл"** компанияси билан иш олиб борилмоқда.

Иқлими ўта континентал; йиллик ёғин-сочин миқдори 90-200 мм атрофида. Албатта, минтақада бу жиҳатдан қурғоқчилик кескин сезилиб туради - мумкин бўлган парланиш амалдагисидан 9 - 10 марта зиёд. Бинобарин, Қорақалпоғистон Республикасида ер майдони катта бўлсада (у бу хусусда Ўзбекистонда биринчи ўринда туради), суғорма деҳқончиликни ривожлантириш имкониятлари анча чекланган.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасининг табиий шароити, минерал хом ашё ҳамда агроиқлимий ресурслари асосан тоғ - кон кимёси, қурилиш ва ёқилғи саноати, чорвачилик ва полизчилик учун қулайроқ. Айни вақтда бу ерда сув заҳираларининг етишмаслигидан электр станцияларни қуриш, дарё транспорти, интенсив суғорма деҳқончилик ва балиқчиликни ривожлантиришга тўскинлик қилади.

Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудлари бевосита Орол денгизи билан туташ. Маълумки, ушбу денгиз сўнгги 40-45 йил давомида мунтазам равишда қуриб бормоқда ва унинг қуриган қисмида катта майдонда Оролқум пайдо бўлган. Агар 1964 йилда Орол денгизининг майдони 66,0 минг кв.км.ни ташкил этган бўлса (Қозоғистон қисми билан бирга), 2001 йилда бу рақам деярли 3 марта қисқариб 21,1 минг кв. Км.га тушиб қолган. Ҳозирги вақтда эса (2009 й.) денгизнинг майдони атиги 8.9 минг кв. км.га ёки 1964 йилги кўрсаткичга нисбатан бор - йўғи 13,5 фоиз. Шунга мос ҳолда бу даврда денгизнинг сув ҳажми ҳам 1083 куб км дан 87 куб км гача қисқарган.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Аҳоли сони 1989-2010 йилларда 1211 минг кишидан 1634 мингга етган ёки шу даврда у 134,7 фоизга ўсган (Ўзбекистон Республикаси бўйича бу кўрсаткич ўртача 141,3 фоизга тенг); жами аҳоли сонининг 14236,0 минг киши ёки 51,7 фоизи шаҳар жойларда яшайди. Қолган қисми 1200 га яқин овул ва қишлоқларга тўғри келади. Аҳоли зичлиги 1 км^2 га атиги 9,8 кишидан иборат. Табиийки, бу «ўртача» кўрсаткич Нукус шаҳри атрофида ҳамда интенсив деҳқончилик ривожланган ҳудудларда анча юқори (1.2 - жадвалга қаранг).

Кейинги йилларда аҳоли жойлашувида жанубга нисбатан «силжиш» кузатилмоқда. Бу асосан Орол бўйи минтақасидаги нохуш

1.2 - жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ туманларининг аҳолиси

(2010 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Аҳолиси, минг киши			Зичлиги, 1 кв.км га, киши
		2000 й.	2010 й.	Ўсиш, %	
1	Амударё	141,8	163.6	115,4	160,4
2	Беруний	144,1	159,1	110,4	40,3
3	Кегейли	58,7	79,5	135,4	36,0
4	Мўйноқ	29,1	28,3	97,0	0,7
5	Нукус	43,2	46,9	108.8	49,3
6	Тахтакўпир	44,3	39,3	88,7	1.9
7	Тўрткўл	155,0	175,4	113,2	23,4
8	Хўжайли	145,8	143,4	98,4	168,7
9	Чимбой	91,1	101,4	111,3	46,1
10	Шуманой	41,7	40,6	97,4	63,4
11	Элликқалъа	113,8	129,9	114,1	24,0
12	Қонликўл	39,4	43,8	111.2	59,2
13	Қораўзак	43,8	45,1	103,0	7,6
14	Кўнғирот	110,2	115,5	104,8	1,5

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

экологик вазият туфайли вужудга келмоқда. Масалан, Мўйноқ туманида 1989 йилда 27,4 минг аҳоли яшаган бўлса, 2010 йилга келиб у атиги 900 кишига кўпайган, холос. Ваҳоланки, Беруний, Тўрткўл, Амударё каби туманларда демографик ўсиш анча юқори бўлган. Келтирилган 1.2-жадвалдан маълум бўлишича, Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли жойлашуви (зичлиги) турли туманларда ҳар хил: энг юқори кўрсаткич Хўжайли туманида кузатилса (168,7 киши), унинг энг паст даражаси Мўйноқ туманига тўғри келади. Ушбу туман Қорақалпоғистоннинг 23,0 фоиз майдонини эгаллагани ҳолда, ҳар бир кв. км майдонига 0,7 киши тўғри келади, холос. Жадвалда аҳолининг табиий ҳаракати тўғрисида ҳам маълумотлар акс эттирилган. Чунончи, ҚР бўйича туғилиш 2009 йилда 24,6 ва ўлим 4,9 промиллега тенг бўлган (1.3 - жадвал).

1.3 - жадвал

Қорақалпоғистои Республикаси қишлоқ туманлари аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси

(ҳар минг аҳолиға нисбатан, 2009 й.)

т/р	Туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғи лиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	мигра ция қолдиғи
1	Амударё	26,5	5,0	21,5	1,5	5,3	-3,8
2	Беруний	25,2	5,0	20,2	3,5	11,4	-7,9
3	Кегейли	24,5	5,4	19,1	8,9	20,2	-11,4
4	Мўйноқ	23,4	6,1	17,3	7,1	33,7	-26,6
5	Нукус	28,8	5,7	23,1	13,3	16,7	-3,4
6	Тахтакўпир	22,9	5,6	17,3	23,1	58,1	-35,0
7	Тўрткўл	26,0	4,7	21,3	3,0	6,1	-3,2
8	Хўжайли	23,2	5,4	17,8	10,7	30,0	-19,2
9	Чимбой	27,0	5,1	21,9	8,3	23,0	-14,7
10	Шуманой	21,4	4,1	17,3	10,2	30,4	-20,2
11	Элликқалъа	25,0	3,8	21,2	6,9	11,2	-4,2
12	Қонликўл	25,8	4,5	21,3	11,3	15,1	-4,0
13	Қораўзак	24,8	5,8	19,0	12,7	24,8	-12,1
14	Қўнғирот	25,2	5,5	19,7	0,7	13,5	-12,8
	Қорақалпо-ғистон Республикаси	24,6	4,9	19,7	8,0	18,5	-10,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ушбу демографик жараёнларда ҳудудий фарқлар унча катта эмас: энг юқори туғилиш коэффициенти Нукус туманида, энг пасти - Шуманойда (улар орасидаги фарқ 7,4 ‰). Ўлим коэффициенти кўрилаётган йилда Элликқалъа туманидаги 3,8 промилледан экологик ночор ҳудуд – Мўйноқда 6,1 промиллегача фарқланади. Шунингдек, бундай жойларда оналар ва болалар касалланиши, уларнинг ўлим кўрсаткичлари юкорироқ .

Экологик вазиятнинг ноқулайлиги сабабли аҳолининг миграция ҳаракатлари ҳам бу ерда салбий натижаларга эга. Жумладан, биргина 1998 йилда ҚРнинг шаҳар жойларида миграция қолдиғи, яъни келганлар билан кетганлар нисбати минус 3 минг, қишлоқ жойларда эса минус 1750 кишига баробар бўлган. 1997 йилда бу рақамлар, юқоридагиларга мос ҳолда, минус 3168 ва 1729 кишини

ташкил қилган. Минтақада кейинги йилларда ушбу жараённинг асосий кўрсаткичлари ҳам бироз ўзгариб бормоқда. Масалан, ҳар минг кишига ҳисоблаганда, 2009 йилда кетганлар 18,5, келганлар 8,0, миграция қолдиғи минус 10,5 промилле ёки 1,05 фоиз. Бу анча юқори кўрсаткич ҳисобланади. Миграция айланмаси хусусан, Тахтакўпир, Хўжайли, Шуманой ва Мўйноқ туманларида катта, унинг натижаси ҳам катта салбий кўрсаткичларга эга. Чунончи, миграция сальдоси Тахтакўпирда минус 35,0, Мўйноқда 26,6, Шуманойда 20,2, Хўжайлида 19,2 промилле. Бу борада энг паст даража Нукус, Амударё, Элликқалъа туманларида қайд этилади. Мазкур туманлар экологик вазияти бирмунча қулай бўлган марказий ва жанубий районларда жойлашган.

Жами аҳолидан 738 минг киши 15 та шаҳар ва 16 та шаҳарчаларда, 789 минг киши қишлоқ жойларда яшайди. Энг катта шаҳар - ҚР пойтахти Нукус бўлиб, унда 211 минг аҳоли истиқомат қилади (2010 й.). Хўжайли, Беруний ва Тахиатош ўрта шаҳарлар қаторига киради; Чимбой, Тўрткўл, Манғит ва Қўнғирот шаҳарларининг ҳар бирига 30-50 минг аҳоли тўғри келади. Қолган шаҳарларда аҳоли сони бундан кам. 2009 йилда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастури доирасида бу ерда 11 та қишлоқ аҳоли манзилгоҳига шаҳарча мақоми берилган. Умумий урбанизация кўрсаткичи 2008 йилдаги 48,5 фоиздан 50,4 фоизга ўзгарган.

Қорақалпоғистонда 1131 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўртача 711 кишидан тўғри келади. Қишлоқлар демографик сиғимининг камлиги минтақанинг "чўллик" хусусиятини акс эттиради. Бундай шароитда "Қишлоқ" дастуридаги чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш анча қийинчиликларни юзага келтиради. Айниқса, бу муаммо 250 кишигача аҳоли сонига эга бўлган ҳудудларда ниҳоятда долзарбдир (Қорақалпоғистон Республикасида мазкур тоифадаги қишлоқ аҳоли пунктлари 375 та ва уларда 54,4 минг киши истиқомат қилади). Майда қишлоқлар Кегейли, Шуманой, Чимбой ҳамда Қораўзак туманларида нисбатан кўп учрайди. Агар Қорақалпоғистон бўйича 250 кишигача аҳоли сонига эга бўлган аҳоли пунктлари жами қишлоқларнинг 33,2 фоизини ташкил қилса, бу туманларда мазкур кўрсаткич 50 фоиз атрофида (1.4-жадвал).

1.4 - жадвал

Қорақалпоғистон қишлоқ аҳоли пунктларининг таркибий тузилиши

(01.01.2009 й. аҳоли сони киши ҳисобида)

Қишлоқ туманлари	250 кишигача		250-500 киши		500-1000 киши		1000-2000 киши		2000-3000 киши		3000 киши ва ундан ортиқ		Жами	
	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли
Амударё	13	2168	29	10256	32	23133	34	47893	8	19629	3	9938	119	113017
Берунний	4	536	7	2720	16	12393	22	31661	13	30125	5	18596	67	96031
Кегейли	85	12732	39	13821	24	15178	3	4243	1	2482	-	-	152	48456
Мўйноқ	6	855	4	1348	3	2252	7	9094	1	2030	-	-	21	15579
Нукус	10	1872	9	3328	12	9062	6	7982	2	5367	2	9914	41	37525
Тахтакўпир	18	2706	5	1679	11	7802	6	9338	1	2131	-	-	41	23656
Тўрткўл	12	1619	9	3756	22	16533	29	43727	9	21649	5	17504	86	104788
Хўжайли	24	4162	34	12507	28	17450	19	26191	4	8854	-	-	109	69164
Чимбой	72	9759	45	15903	6	3693	7	9603	-	-	3	10873	133	49831
Шуманой	48	5673	25	8630	16	10129	3	3383	-	-	-	-	92	27815
Эллиққалъа	7	910	7	2757	17	12696	37	53122	15	37745	2	6746	85	113976
Қонликўл	8	1288	11	3896	11	8039	5	7779	-	-	3	10862	38	31864
Қораўзак	63	9309	29	9789	9	5552	3	4541	1	2340	-	-	105	31531
Қўнирот	5	835	12	5094	8	5931	14	20797	1	2228	2	6767	42	41652
Жами	375	54424	265	95484	215	149843	195	279354	56	134580	25	91200	1131	804885

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Бирмунча йирик қишлоқлар сув билан яхшироқ таъминланган, суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларда кўпдир. Қорақалпоғистон Республикасида мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан фарқ қилиб, бу ерда катта ва йирик қишлоқлар сони кам. Масалан, жами қишлоқ аҳоли пунктларининг бор - йўғи 5,0 фоизи катта, яъни 2000-3000 аҳоли яшайдиган қишлоқларга тўғри келиб, уларда минтақа қишлоқ аҳолисининг 16,7 фоизи мужассамлашган. Йирик қишлоқларда эса бу рақамлар, мос ҳолда, 2,2 ва 11,3 фоизга тенг (1.5 - жадвал).

2010 йил маълумотларига кўра, ҚРда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг сони 928 минг киши, меҳнат ресурслари 931 минг киши, иқтисодиётда банд бўлганлар эса 571 минг киши.

1.5 - жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ аҳоли пунктлари сони ва аҳолиси (01.01.2009 й.)

Аҳоли пунктлари гуруҳлари сони (аҳоли киши)	Қишлоқ аҳоли пунктлари		Аҳоли сони	
	сони	фоиз	сони	фоиз
250	375	33,2	54424	6,8
250-500	265	23,4	95484	11,9
500-1000	215	19,.0	149843	18,6
1000-2000	195	17,2	279354	34,7
2000-3000	56	5,0	134580	16,7
3000 киши ва ундан ортиқ	25	2,2	91200	11,3
Жами	1131	100	804885	100

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари бўйича тузилган.

Жами банд бўлган аҳолининг тахминан 1/3 қисми қишлоқ хўжалигига, 10 фоизга яқини саноатга тўғри келади. 2009 йилда меҳнат бўлимига ишга жойлаштиришга ёрдам беришни сўраб 47,3 минг киши мурожаат қилган. Бу борада Нукус шаҳри ҳамда Тўрткўл, Беруний туманлари ажралиб туради. Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганларнинг 90,8 фоизи иш билан таъминланган. Жами янги ташкил этилган иш жойларининг 64,4 фоизи ёки 27,7 минг иш жойи қишлоқ жойларда қайд этилган.

Хўжалиги. Минтақа иқтисодиёти аграр-индустриал йўналиши билан тавсифланади. Бошқа ҳудудларда бўлганидек, бу ерда ҳам бозор ислоҳотлари амалга оширилмоқда. Жумладан, жами саноат

маҳсулотининг 94-95 фоизи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 98-99 фоизи нодавлат секторига тўғри келади. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 8,2 фоизи саноат ишлаб чиқаришида, 21,0 % қишлоқ хўжалигида, 8,2 фоизи қурилишда, 7,5 фоизи транспорт ва алоқада, 6,6 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳасида яратилган (1.6-жадвал).

1.6 - жадвал

Қорақалпоғистон Республикасининг ялпи ҳудудий маҳсулоти

Кўрсаткичлар	2008 йил.			2009 йил.		
	ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %	жамига нисбатан фоизда	ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %	жамига нисбатан фоизда
Ялпи ҳудудий маҳсулот	993,0	108,3	100,0	1246,1	108,2	100,0
шу жумладан:						
саноат	82,8	107,0	8,4	102,9	100,2	8,2
қурилиш	78,4	115,0	8,3	104,3	114,4	8,4
қишлоқ хўжалиги	220,6	100,1	22,4	261,7	107,2	21,0
транспорт ва алока	66,8	135,6	7,3	87,2	111,0	7,0
савдо ва умумий овқатланиш	61,8	120,2	6,3	81,6	113,0	6,6
соликлар	60,6	107,9	5,3	71,9	106,4	5,8
бошқа моддий соҳаларда	248,2	106,8	25,0	298,4	107,2	23,9
номоддий соҳаларда	173,8	106,5	17,0	238,1	109,8	19,1

Манба: Қорақалпоғистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

ЯҲМнинг 60 фоизга якини кичик бизнес улушига тушади. Бу соҳада жами иқтисодиётда бандларнинг 70,4 фоизи хизмат килади, уларнинг 2/3 қисмига якини хусусий секторда ишлайдиганлардан иборат. Кичик бизнес субъектлари жами саноат ишлаб чиқаришнинг 18,0 фоизини, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 95,6 фоизини таъминлайди. Қурилишда ушбу секторнинг ҳиссаси 65,9 %, савдода 43,2% ва пуллик хизматларда 49,6 % (2009 й.).

Сўнгги йилларда республикамизда бозор инфрагузилмасини шакллантириш, қулай инвестиция маконини яратиш, геоэкологик

ҳолатни соғломлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, ёқилғи саноатига, айниқса, нефть-газ заҳираларини қидиришга катта ҳажмда хорижий инвестициялар киритилган.

Саноати. ҚР саноати ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 8 %дан кўпроғини беради. Саноат мажмуида қурилиш материаллари енгил, озиқ-овқат ва ёқилғи саноати кабилар нисбатан яхши ривожланган. Енгил саноат ҚР ялпи маҳсулотини 34,3 %ни озиқ-овқат 26,6 %ни, ёқилғи саноати 19,6 фоизини таъминлайди. Булардан ташқари, кимё, нефть - кимё, қурилиш материаллари саноат тармоқлари ҳам ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда бу ерда, яъни Қўнғирот туманида республикамиз учун ниҳоятда зарур бўлган сода ишлаб чиқарувчи замонавий корхона қурилган. Ушбу завод маҳсулоти ҳозирги кунда хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Шу билан бирга кимёгарлар шаҳарчаси - Элобод ҳам барпо этилди.

2009 йил якунларига кўра, Қорақалпоғистонда 2465 млн. кВт/с электр энергия, 79,1 минг тонна нефть ва газ конденсати, 76,4 минг тонна кальцийлаштирилган сода, 35,2 минг куб метр йиғма темир бетон конструкциялари ва деталлари, 56,8 минг тонна пахта толаси, 1,3 млн. кв.м газлама, 13,2 минг тонна ўсимлик ёғи, 74,8 минг тонна ун, 50,2 минг тонна омухта ем ишлаб чиқарилган.

ҚР электр энергетикаси Тахиатош ИЭСига асосланган. Албатта, бу унча катта бўлмаган иссиқлик электр станцияси Қуйи Амударё минтақа иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун етарли эмас. Шунингдек, қазиб олинаётган нефть ва газ конденсати, табиий газ миқдори ҳам келажакда кўпайиши керак.

Машинасозлик ва ўрмон саноати яхши ривожланмаган. Машинасозлик кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва йўл қурилиши машиналарини таъмирлашга ихтисослашган. Айни вақтда қурилиш саноати (оҳак, мармар, ғишт ишлаб чиқариш) бирмунча юксалмоқда. Ушбу тармоқларнинг ривожланиши қишлоқ жойларда уй-жой ва бошқа объектларнинг қурилиши билан ҳам боғлиқ.

Енгил саноат таркибида тўқимачилик ва пахта тозалаш корхоналарининг ўрни катта. Қорақалпогистоннинг қатор шаҳар ва туман марказларида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тўқимачилик корхоналари қурилган. Улар маҳаллий хом ашё асосида турли хил халқ истеъмол молларини ишлаб чиқармоқда. Айни пайтда бу корхоналар аҳоли бандлигини оширишга ҳам кўмак беради. Пахта етиштирувчи Беруний, Тўрткўл, Амударё, Эллик-

қалъа, Хўжайли ва бошқа туман марказларида пахта тозалаш заводлари ишлаб турибди.

Озиқ-овқат саноатида, асосан, ўсимлик ёғи (Хўжайли, Нукус, Қўнғирот, Чимбой, Беруний), консерва (Нукус) ишлаб чиқариши товар аҳамиятига эга. Дон маҳсулотлари ва емнинг кўпчилик қисмини «Қораўзак-дон» акционерлик жамияти беради. Ун саноати корхоналари Беруний, Чимбой, Тўрткўлда жойлашган.

Саноатнинг худудий таркиби ўзига хос: тахминан 27,1 фоиз саноат маҳсулоти Нукус шаҳрига, деярли 5,6 фоизи Тахиатош шаҳрига тўғри келади (1.7-жадвал). Булардан ташқари Мўйноқ, Элликқалъа, Чимбой, Беруний ва Амударё туманларида ҳам саноат ишлаб чиқариши бирмунча ривожланган. Айни вақтда Қораўзак, Тахтакўпир, Қонликўл туманларида бу соҳа жуда суст. Мўйноқ тумани ҚР жами саноат маҳсулотининг 17,3 %, Хўжайли - 10,0 %, Беруний ва Амударё тахминан 8,0 % ни беради (2009 й.). Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш географияси хам шунга ўхшаш: бу борада Нукус ва Тахиатош шаҳарлари қаторида Хўжайли, Беруний, Қўнғирот туманлари ажралиб туради.

Қишлоқ хўжалиги. Агроиқтисодиёт тизимида пахта, шоли, гўшт, жун маҳсулотларини ишлаб чиқариш нисбатан ривожланган. Минтақанинг қишлоқ хўжалигини бундай соҳаларга ихтисослашуви, асосан, унинг агроиқлимий шарт-шароитларига боғлиқ.

2009 йил якунларига кўра ҚР Ўзбекистон Республикасининг 3,0 фоиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини берган. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида чорвачиликнинг улуши бирмунча юқорироқ - 50,4 %, бироқ деҳончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ўзаро нисбати йиллар давомида бироз ўзгариб туради.

Маълумки, ҚР катта ер майдонига эга. Аммо сув танқислиги сабабли бу табиий имкониятдан фойдаланиш даражаси паст. Масалан, жами ер майдонининг 12,4 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади, холос (2008 й.).

Ўз навбатида, суғориладиган ерлар умумий қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 22,5 фоизини ташкил қилади. Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 20,2 фоизини экин экиладиган ерлар ва 79,8 фоизини пичанзор ва яйловлар эгаллайди.

1.7 - жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг ҳудудий таркиби

(2009 й., %)

т/р	Қишлоқ туманлари ва шаҳарлар	Саноат маҳсулоти	Истеъмол товарлари	Асосий капиталга қўйилган инвестициялар	Чакана савдо айланмаси	Пуллик хизматлар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт
	Жами ***шу жумладан:***	100	100	1001	100	100	100	100	100
1	Амударё	7,8	3,3	2,1	8.0	5,1	7,2	10,2	-
2	Беруний	8,0	11,3	1,7	11,2	4,8	7,0	9,0	-
3	Кегейли	6,3	1,1	1,2	2,6	2,1	7,9	11,2	-
4	Мўйноқ	17,3	0,3	8,4	0,5	1,1	-	-	-
5	Нукус	0,3	0,6	0,6	1,0	1,3	0,06	0,09	-
6	Тахтакўпир	0,2	0,5	0,1	3,2	1,4	-	-	-
7	Тўрткўл	0,6	3,8	2,3	8,3	4,9	6,2	8,6	0,4
8	Хўжайли	10,0	7,4	1,9	8,8	6,0	6,7	8,9	1,4
9	Чимбой	2,0	4,5	1,5	4,9	3,5	3,1	1,8	6,3
10	Шуманой	0,1	0,4	0,2	1,4	1,2	-	-	-
11	Элликқалъа	5,8	1,8	2,3	5,6	4,0	6,4	8,8	0,8
12	Қонликўл	0,2	0,5	0,4	2,4	1,6	-	-	-
13	Қораўзак	0,3	0,6	0,8	2,3	1,2	0,5	0,02	1,5
14	Қўнғирот	2,9	7,2	13,5	8,6	7,1	3,0	4,2	0,01
15	Нукус ш.	27,2	43,5	8,8	27,7	52,2	41,4	37,0	52,3
16	Тахиатош ш.	5,6	13,2	1,3	3,4	2,5	0,08	0,03	0,2

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Қишлоқ туманлари миқёсида суғориладиган ерлар Амударё, Қонликўл, Хўжайли, Элликқалъа ва Нукус туманларида кўпдир. Уларнинг энг оз миқдори ёки улуши Қораўзак, Мўйноқ, Тахтакўпир, Тўрткўл туманларига тўғри келади (1.8-жадвал).

Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларнинг 61,7 фоизи деҳқон хўжалигида, 37,0 фоизи фермер хўжаликларида яратилади. 2009 йилда қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 202,6 минг гектар, бундан 38,4 минг гектари бошоқли дон экинлари билан, 100 минг гектарга яқини пахта билан банд (1.1 - расм).

1.1 - расм

Қорақалпоғистон Республикаси экин майдонлари таркиби
(2009 й. минг га)



2009 йил якунлари бўйича барча тоифадаги хўжаликларда 183,2 минг тонна бошоқли дон, 25,1 минг тонна картошка, 124,0 минг тонна сабзавот, 67,4 минг тонна полиз маҳсулотлари, 21,3 минг тонна мевалар етиштирилган. Бироқ таъкидлаш жоизки, бу ерда агроиқтисодиёт тизимининг ҳосилдорлиги паст. Масалан, дон экинлари бўйича мамлакатда ўртача ҳосилдорлик бир гектар ердан 45,2 центнерни ташкил қилса, ҚРда бу кўрсаткич 30,8 ц/га тенг. Ҳосилдорлик сабзавот етиштириш бўйича мос ҳолда 254,3 ва 126,4, картошка 197,9 ва 79,4 центнер.

ҚРда яйлов чорвачилиги ривожланган, ем-ҳашакдан асосан беда етиштирилади. Умуман, беда етиштириш бу ерда катта ва анъанавий аҳамиятга эга. Собиқ Иттифоқ даврида Чимбой ўзининг бедачилиги билан машҳур бўлган.

2010 йил 1 январ ҳолатига кўра Қорақалпоғистонда 715,8 минг бош йирик шохли қорамол (Ўзбекистон Республикасида - 8510,8 минг), 724,3 минг бош қўй ва эчкилар (мамлакатда -14438,3)

1.8 - жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

(2008 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Майдони, минг		Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, га	Шу жумладан суғорилади ган ерлар, га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
		кв/км	га			экин ерлари	кўп йиллик дарахтзор лар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
1	Амударё	1,02	102,1	41,2	34,0	78,9	3,8	-	17,3
2	Беруний	3,95	395,2	101,4	29,7	28,4	1,05	-	70,6
3	Кегейли	2,21	220,7	113,6	51,2	32,2	0,15	0,48	67,2
4	Мўйноқ	37,88	3788,1	159,9	15,3	3,2	0,01	0,07	96,8
5	Нукус	0,95	952,9	41,8	29,9	54,5	7,9	5,9	31,7
6	Тахтакўпир	21,12	2112,2	474,3	33,3	6,9	0,01	0,12	92,9
7	Гўрткўл	7,48	748,3	280,8	27,2	9,2	0,3	0,21	90,3
8	Хўжайли	0,85	85,3	43,1	32,4	74,6	0,7	-	24,7
9	Чимбой	2,20	219,8	113,9	49,3	38,4	0,10	2,2	59,4
10	Шуманой	0,64	63,6	48,9	26,6	54,3	-	-	45,7
11	Элликқалъа	5,42	541,9	37,9	30,1	75,1	2,4	1,0	21,5
12	Қонликўл	0,74	74,4	43,6	33,6	75,2	0,33	0,32	24,2
13	Қораўзак	5,89	589,1	414,2	33,5	7,8	0,02	0,04	92,0
14	Кўнғирот	76,0	7599,6	152,1	39,1	25,3	0,08	0,3	74,3
	Жами	166,6	16635,6	2065,9	465,4	20,2	0,41	0,42	78,9

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана". - Ташкент, 2008.

мавжуд. 2009 йилда 54,2 минг тонна гўшт, 171,2 минг т сут, 40,5 млн. дона тухум, 69,4 минг дона қоракўл тери олинган.

Юқорида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон хўжаликларига тўғри келади. Фермер хўжаликларига бириктирилган ерлар майдони 590,8 минг га ва бу соҳада 85,8 минг аҳоли хизмат қилади. 2009 йилда фермер хўжаликларида 132,8 минг т. бошоқли дон, 7,0 минг т картошка, 65,5 минг т. сабзавот, 9,2 минг т сут етиштирилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича Элликқалъа, Беруний, Тўрткўл ва Амударё туманлари ажралиб туради. Масалан, Элликқалъа тумани 14,1 %, Тўрткўл - 13,5 % , Беруний - 14,2 %, Амударё - 13,1 % Қорақалпоғистон аграр соҳа маҳсулотини етиштириб беради. Айни вақтда Мўйноқ туманида макроиқтисодиётнинг бу тармоғи суст ривожланган.

Ғалла етиштириш Элликқалъа, Тўрткўл ва Амударё туманида яхши йўлга қўйилган. Бу уч туман ҳиссасига ҚРда 2009 йилда олинган бошоқли дон ҳосилининг 40,1 фоизи тўғри келади. Пахтачиликка эса асосан, сув билан яхши таъминланган жанубий районлар ихтисослашган. Шу ўринда айтиш жоизки, ҚР дунё пахтачилигининг энг шимолий минтақаси ҳисобланади.

Сабзавот маҳсулотлари ҳосили бўйича Нукус (Нукус агломерацияси доирасида) ҳамда Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманлари етакчи. Биргина Нукус туманига ҚРда 2009 йилда олинган сабзавотнинг 28,4 фоизи тўғри келади. Картошка ҳам асосан, Амударё туманида кўпроқ етиштирилади.

Чорвачилик соҳасида, масалан, йирик шохли қорамоллар сонига кўра Беруний, Тўрткўл, Амударё, Элликқалъа туманлари олдинда туради. Қўй ва эчкилар сони бўйича эса Қораўзак, Кўнғирот, Тахтакўпир, Тўрткўл, Элликқалъа туманлари ажралиб туради (1.9 - жадвал).

ҚРда **ижтимоий соҳалар** ҳам ривожланиб бормоқда. Ушбу муаммо Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш минтақавий дастури доирасида ҳал этилиб борилмоқда. 2009 йил якунларига биноан, ҚР бўйича жами 489067 млн. сўмлик чакана савдо амалга оширилган. Унинг 27,7 фоизи биргина Нукус шаҳри зиммасига тушади. Бу соҳа Кўнғирот, Тўрткўл, Хўжайли туманларида ҳам яхшироқ ривожланган. Қишлоқ инфратузилмасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Марказлаштирилган ҳолда тоза ичим-

1.9 - жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳудудий таркиби

(2009 й., жамига нисбатан фоизда)

т/р	Қишлоқ туманлари ва шаҳарлари	Жами қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Бошокли дон	Сабзавот	Картошка	Гўшт	Сут	Тухум	Йирик шохли қорамол лар	Қўй ва эчкилар
1	Амударё	13,1	14,2	13,0	24,1	9,6	9,3	9,4	12,4	3,3
2	Беруний	14,2	9,0	8,9	13,7	16,7	12,6	38,3	12,7	7,6
3	Кег(е)йли	5,3	4,6	2,5	3,4	7,5	4,0	4,1	8,6	5,0
4	Мўйноқ	0,4	0,02	0,3	0,1	0,9	0,4	0,3	2,1	1,6
5	Нукус	6,0	10,6	28,4	12,1	1,9	3,2	4,3	3,7	2,4
6	Тахтакўпир	3,7	4,1	1,5	0,8	5,6	2,5	0,3	3,1	13,8
7	Тўрткўл	13,5	13,5	13,2	13,2	11,1	19,8	3,2	10,5	13,4
8	Хўжайли	8,4	6,4	5,1	13,2	6,2	10,4	6,1	6,8	3,4
9	Чимбой	5,4	5,9	3,4	3,5	6,8	5,6	5,3	6,6	5,6
10	Шуманой	2,9	3,7	1,3	1,1	3,5	3,2	2,2	7,0	6,7
11	Элликқалъа	14,2	12,4	14,4	10,0	14,3	18,2	5,6	11,6	14,3
12	Конликўл	4,4	7,0	2,6	2,1	4,3	4,5	0,6	3,1	2,4
13	Қораўзак	4,0	5,9	1,5	1,6	5,6	2,6	1,6	3,5	9,1
14	Кўнғирот	3,3	3,5	3,2	0,9	3,9	3,0	1,4	6,2	9,7
	шаҳарлар:									
	Нукус	0,3	0,01	0,4	0,2	0,6	0,3	2,0	1,2	1,0
	Тахиатош	0,8	0,01	0,2	0,01	1,5	0,3	0,9	0,9	0,7
	Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

лик суви билан таъминланиш даражаси мунтазам ортиб бормоқда. Шу билан бирга мазкур соҳаларнинг аҳволи Амударё, Беруний ва Шуманой туманларида (сув бўйича) ҳамда Беруний туманларида (табиий газ) коникарли даражада эмас.

Шунингдек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳалари ҳам ривожланиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти - Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Давлат университети, Нукус педагогика, Қишлоқ хўжалиги ва Тиббиёт институтлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоқ бўлими илмий тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда. Барча қишлоқ туманларида касб-ҳунар коллежлари мавжуд. Шу билан бирга, минтақада рекреация ва туризмни ривожлантириш имкониятлари озроқ. Туризм соҳасида Нукус шаҳри ва унинг музейлари Тупроққалъа харобалари, Султон Увайс - бобо қадамжо ва зиёратгоҳи муҳим аҳамият касб этади.

2009 йил якунларига кўра, чакана савдо айланмаси 251387 млн. сўмни ташкил этган ва у олдинги йилга нисбатан 26,8 фоизга ўсган. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 148413 млн. сўм бўлиб, у 2008 йилга қараганда 13,6 фоизга кўпайган (ҚР статистика бошқармаси маълумотлари).

Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар. 2009 йилда барча транспорт воситалари билан 31,1 млн. тонна халқ хўжалиги юклари ташилган (юк айланмаси 533,2 млн. тонна / км). Ушбу кўрсаткичлар деярли тўлиқ даражада автомобил транспорти улушига тўғри келади.

Қорақалпоғистон ҳудудидан Ўзбекистонни Россия билан боғловчи Тахиатош – Бейнов темир йўли ўтади. Шу билан бирга кейинги йилларда Нукус – Чимбой темир йўли ҳам курилиб ишга туширилган ва Қўнғирот – Нукус – Чимбой йўналиши бўйича йўловчилар ташилмоқда. Айни вақтда Учқудуқ – Мискин – Нукус темир йўлининг қуриб ишга туширилиши мамлакатимиз транспорт мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу борада Нукус - Бейнов магистрал автомобил йўлининг қурилиши, республикамизда қабул қилинган махсус Давлат дастурининг амалга оширилиши ҳам катта мазмун касб этади.

Ташқи савдо айланмаси 132 млн. АҚШ долларига тенг, шу жумладан, экспорт 93,8 ва импорт 38,2 млн. доллар. Экспортнинг

53,6 фоизи пахта толасига, 22,6 фоизи энергия манбаларига ва нефть маҳсулотларига тўғри келади, импортда эса машина ва ускуналар 46,7 фоиз озиқ-овқат маҳсулотлари (24,6 %) асосий ўринни эгаллайди. Таъкидлаш лозимки, йилдан-йилга пахта толасининг экспортдаги улуши камайиб бормоқда. У 1998 йилда жами экспорт қийматининг 92,6 фоизини, 1999 йилда 86,5 фоизини ташкил қилган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 53,6 фоизга тенг бўлди. Иқтисодий алоқалар Ҳамдўстлик мамлакатлари ва қисман "Узоқ хориж" давлатлари билан олиб борилади (Россия, Украина, Хитой, Бангладеш ва бошқалар).

ҚР ташқи иқтисодий алоқаларида энг аввало Нукус шаҳри, шунингдек, Кегейли, Тўрткўл, Хўжайли, Беруний, Элликқалъа, Амударё туманлари фаол иштирок этади. Айни пайтда Қонликўл, Мўйноқ, Тахтакўпир ва Шуманой туманларида 2009 йил маълумотлари бўйича ташқи савдо олиб борилмаган.

Маълумки, ташқи иқтисодий алоқалар, аввало, қулай инвестиция муҳити ва шу асосда қўшма корхоналар қурилиши билан боғлиқ. 2009 йилда асосий капиталга жами 652358 млн. сўмлик инвестиция киритилган. Унинг 8,8 фоизи пойтахт – Нукус шаҳрига йўналтирилган. Қишлоқ туманлари орасида эса Элликқалъа, Қўнғирот, Мўйноқ туманлари ажралиб туради. Шу билан бирга Тахтакўпир, Шуманой ҳамда Чимбой туманлари мамлакатимизда дотация оладиган ҳудудлар ҳисобланади (2010 й.).

Таъкидлаш жоизки, ҚРда сўнгги йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бироз қисқарган. Масалан, 2009 йилда бу минтақага киритилган инвестиция Ўзбекистон Республикасига нисбатан 5,2 фоизни ташкил қилган ва у 2008 йилга қараганда пасайган. Қисман шу сабабдан минтақанинг мамлакатимиз ташқи савдо айланмасидаги улуши ниҳоятда паст (2009 йилда атиги 0,7 %).

Ички тафовутлари. Қорақалпоғистон ҳудуди тўртта асосий иқтисодий районларга бўлинади: Ғарбий, Шарқий, Марказий ва Жанубий. Бундан ташқари, Мўйноқ тумани доирасида Шимолий район ҳам ажратилиши мумкин.

Белгиланган ҳудудий таркиблар орасида Ғарбий, Шимолий ва Шарқий районларнинг иқтисодий ва демографик салоҳияти анча паст, Марказий ва Жанубий минтақалар эса бирмунча ривожланган.

1. ***Ғарбий район*** таркибига Қўнғирот ва Шуманой туманлари киради; район Қорақалпоғистон ҳудудининг 46,0 ва аҳолисининг 9,5 фоизини ташкил қилади. Ғарбий район ҳиссасига Қорақалпоғистоннинг 3,0 фоиз саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 6,2 фоизи тўғри келади. Ушбу районнинг «норасмий» маркази Қўнғирот шаҳри (35,2 минг киши). Бу ерда асосан, яйлов чорвачилиги бирмунча ривожланган. Шу билан бирга ёқилғи ва кимё саноати ҳам юксалиб бормоқда.

2. ***Шимолий район*** Мўйноқ туманидан ташкил топган бўлиб, унга ҚРнинг 22,7 фоиз майдони ва аҳолисининг атиги 1,7 фоизи тўғри келади. Район Қорақалпоғистон саноат маҳсулотининг 17,3 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 0,4 фоизини беради. Ягона шаҳри - Мўйноқ (13,6 минг киши). Районнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бевосита Орол муаммоси билан боғлиқ.

3. ***Марказий район*** Нукус шаҳри ҳокимияти, Нукус, Кегейли, Қонликўл ва Хўжайли туманларини бирлаштиради. Ҳудуди ҚРнинг 2,6 фоиз, аҳолисининг 35,9 фоиз, саноат маҳсулотининг 44,0 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 24,4 фоизига тенг. Бу Қорақалпоғистонда нисбатан ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Маркази – Нукус шаҳри. Минтака асосини Нукус – Хўжайли саноат тугуни ва шу номдаги шаҳар агломерацияси ташкил қилади. Мазкур районда озиқ-овқат, тўқимачилик, электр-энергетика саноати, шоличилик, шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган.

4. ***Шарқий район*** Қораўзак, Чимбой, ва Тахтакўпир туманларидан иборат. Унинг ҚРда тутган ўрни: майдони 17,5 фоиз, аҳолиси 11,4 фоиз, саноати – 2,5, қишлоқ хўжалиги бўйича 13,1 фоиз. Асосий шаҳри Чимбойда 33,1 минг аҳоли яшайди. Районда яйлов чорвачилиги, шоли етиштириш катта аҳамиятга эга. Дотацияда турган қишлоқ туманлари ҳам айнан шу районда; инвестиция муҳити яхши эмас.

5. ***Жанубий район*** таркибига Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманлари киради. Район ҚР ҳудудининг 7,1 фои-ини, аҳолисининг эса 38,5 фоизини ташкил қилади. Бу ерда агросаноат мажмуаси, шу жумладан, пахта ва шоли етиштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ривожланган. Район Қорақалпоғистонда саноат маҳсулотининг тахминан 27,5 фоиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг 55 фоизини таъминлайди. Асосий шаҳарлари Беруний (53 минг) ва Тўрткўл (49 минг киши).

Йирикроқ масштабда, яъни қишлоқ туманлари микёсида қаралганда Қорақалпоғистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ички тафовутлари янада яққолроқ намоён бўлади. 1.10 – жадвал маълумотлари кўрсатишича, саноат ишлаб чиқариш индекси, Нукус ва Тахиатош шаҳарларини ҳисобга олмаганда, Мўйноқ, Хўжайли ва Кегейли туманларида юқорироқ. Қишлоқ хўжалиги борасида ўртача даражадан паст индикаторлар Мўйноқ, Хўжайли, Қўнғирот ва Чимбой туманларида қайд этилади.

Капитал қўйилмаларда 2009 йилда Мўйноқ ва Қўнғирот туманлари ажралиб туради, қурилишда – Тахиатош ва Нукус шаҳарлари, шунингдек, Қўнғирот тумани олдинда. Айни вақтда ижтимоий соҳалар, яъни аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳалар асосан шаҳарларда мужассамлашганлиги сабабли, бу борада индекс барча қишлоқ туманларида паст (1.10 - жадвал).

ҚР ички иқтисодий районларининг муаммолари ва истиқбол йўналишлари ҳам ҳар хил. Масалан, Марказий район ўзининг мавқеини сақлаган ҳолда яқин келажакда Жанубнинг ривожланиши янада жадаллашади. Бунга Учқудуқ – Султонувайс – Мискин - Нукус темир йўлининг очилиши ҳам сабаб бўлади. Шунингдек, Ғарбий район ҳам Устюрт қазилма бойликларидан фойдаланиш асосида (нефть - газ, кимё саноати) ривожланиб боради.

Шарқий район истиқболи узоқроқ келажакда Тахтакўпирдан шарққа - Қозоғистоннинг туташ ҳудудига темир йўл қурилиши, Чимбой туз конларининг ишга туширилиши билан бошланса ажаб эмас. Шимол эса анча вақт **"муаммоли"** район бўлиб қолади ва унинг ривожланиши кўп жиҳатдан Орол тақдиридан келиб чиқади. Ҳудудларнинг бундай гараққиёт хусусиятлари ҚР нинг минтақавий сиёсатида ўз аксини топади.

Иккинчи боб. **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**

Ўзбекистон Республикасининг майдони энг кичик, бироқ аҳолиси энг кўп бўлган минтақаларидан бири Андижон вилояти 1941 йилда ташкил топган. Ўтган асрнинг 60-йилларида у қўшни Наманган вилояти билан бирлашиб, Андижон вилояти номида мавжуд бўлган ва сўнгра яна аввалги расмий мақоми ва ҳудуди қайта тикланган.

1.10 - жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари

(аҳоли жон бошига, 2009 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари ва шаҳарлар	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Халқ истеъмол моллари	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик савдо
	ҚР	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
1	Амударё	0,789	1,310	0,334	0,218	0,655	0,807	0,516
2	Беруний	0,822	1,453	1,162	0,179	0,638	1,151	0,496
3	Кегейли	1,301	1,088	0,227	0,242	0,315	0,543	0,435
4	Мўйноқ	9,890	0,024	0,162	4,827	0,220	0,277	0,608
5	Нукус	0,103	2,095	0,202	0,219	0,345	0,333	0,442
6	Тахтакўпир	0.087	1,545	0,217	0,050	0,315	1,344	0,562
7	Тўрткўл	0,553	1,256	0,349	0,219	0,950	0,776	0,445
8	Хўжайли	1,137	0,095	0,839	0,215	0,522	1,001	0,675
9	Чимбой	0,316	0,867	0,728	0,239	0,186	0,779	0,559
10	Шуманой	0,062	1,184	0,153	0,098	0,110	0,577	0,465
11	Элликқалъа	0,735	1,777	0,223	0,292	0,915	0,711	0,512
12	Қонликўл	0,064	1,635	0,183	0,160	0,392	0,888	0,594
13	Қораўзак	0,093	1,452	0,212	0,271	0,317	0,819	0,011
14	Қўнғирот	0,410	0,468	1,019	1,911	1,954	1,219	1,006
	Нукус ш.	1,636	0,021	2,627	0,531	1,855	1,668	3,147
	Тахиатош ш.	1,896	0,261	4,488	0,437	4,539	1,148	0,849

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Вилоят майдони 4,30 минг кв. км ва бу нуқтаи назардан у мамлакатимизда Сирдарё вилоятидан (4,28 минг кв. км) олдинда туради, холос. Атиги 0,96 фоиз республика майдонини эгаллаган ушбу ҳудудда 2530,3 минг киши ёки мамлакат жами аҳолисининг 9,0 фоизи яшайди. Ўзининг демографик салоҳиятига кўра Ўзбекистонда у Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидан кейинги 5-ўринда туради.

Андижон вилояти ҳудуди ва аҳолиси нисбий кўрсаткичларини таққослашнинг ўзи минтақа ижтимоий-иқтисодий вазиятининг асосий хусусиятларини яққол намоён қилади. Бунда, энг аввало, вилоят демографик сиғимининг жуда юқорилиги, аҳолининг ўта зич жойлашуви, ер ресурсларининг танқислиги кўзга ташланади. Айнан ана шундай вазият унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегик йўналишларини белгилаб олишни тақозо этади.

Маъмурий жиҳатдан Андижон вилояти вилоятга бўйсунувчи 3 та шаҳар, 14 қишлоқ туманлари, 8 та туманга бўйсунувчи шаҳарлар ҳамда 89 та шаҳарча ва 90 та қишлоқ фуқаролар йиғинларидан иборат. Қишлоқ аҳоли пунктлари 458 та. 2.1-жадвалда келтирилган маълумотлар кўрсатишича, вилоятнинг 7 та, яъни жами қишлоқ туманларининг тенг ярми бир санада - 1962 йилда ташкил этилган. Энг "янги" қишлоқ тумани Булоқбоши бўлиб, у 1992 йилда асосан Хўжаобод туманидан ажралиб чиққан.

Вилоят географиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бу ерда қишлоқ туманлари "зич" ва майдони деярли бир текис таксимланган. Шунчалик миқдорда, яъни 14 та қишлоқ туманлари республикамизда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳам мавжуд, аммо уларнинг ҳудуди Андижон вилоятидан бир неча марта катта. Вилоятда ҳар бир туманга атиги 0,31 минг кв. км.дан майдон тўғри келади. Бу мамлакатимиз бўйича энг оз кўрсаткичдир. Бу ерда "географийлик коэффициенти" 2,61 га тенг. Бошқача қилиб айтганда, энг катта туман - Қўрғонтепа энг кичик туман - Булоқбошидан 2,6 марта катта, ваҳоланки, бундай ҳудудий тафовутлар бошқа минтақаларда, ҳатто кўшни Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳам сезиларли даражада кўпроқ.

Унча катта майдонга эга бўлмаган вилоят республика ҳудудий меҳнат тақсимотида, миллий иқтисодиётнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. У мамлакатимизнинг 6,7 фоиз ялпи ички

2.1 - жадвал

Андижон вилояти қишлоқ туманлари ҳақида баъзи маълумотлар

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони, минг кв. км	Аҳолиси, минг киши		1989 - 2010 йилларда ўсиш,%	Аҳоли зичлиги, 1 кв. км киши
					1989й	2010й		
1	Андижон	24.12.1962	Куйганёр ш.	0,37	125,3	206,4	164,7	557,8
2	Асака	24.12.1962	Асака ш.	0,26	118,8	199,3	167,8	766,5
3	Баликчи	24.12.1962	Баликчи ш.	0,34	104,6	156,8	149,9	461,2
4	Булокбоши	09.04.1992	Булокбоши ш.	0,18	-	114,5	-	636,1
5	Бўз	26.12.1964	Бўз ш.	0,20	28,5	56,5	198,2	198,2
6	Жалолкудук	12.04.1973	Охунбобоев ш.	0,37	86,1	152,1	176,6	411,1
7	Избоскан	24.12.1962	Пойгуг ш.	0,28	111,5	193,2	173,3	690,0
8	Мархамат	07.12.1970	Мархамат ш.	0,32	76,7	138,7	180,8	433,4
9	Олтинкўл	03.04.1978	Олтинкўл ш.	0,21	98,6	140,3	142,3	677,6
10	Пахтаобод	07.12.1970	Пахтаобод ш.	0,26	101,1	153,3	151,6	589,6
11	Улуғнор	26.12.1973	Оқолтин ш.	0,42	32,7	49,8	152,3	118,6
12	Хўжаобод	24.12.1962	Хўжаобод ш.	0,23	118,2	90,2	76,3	392,2
13	Шаҳрихон	24.12.1962	Шаҳрихон ш.	0,29	99,8	236,5	237,0	815,5
14	Қўрғонтепа	24.12.1962	Қўрғонтепа ш.	0,47	82,6	170,1	205,9	361,9
	Вилоят жами	15.01.1938	Андижон ш.	4,30	1721,0	2530,3	147,0	588,4

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

маҳсулотини, 12,7 % саноат ва 9,7 фоиз қишлоқ хўжалик маҳсулотини таъминлайди. Вилоятнинг хўжалиги индустриал-аграр йўналишга эга бўлиб, у энг аввало, машинасозлик (автомобилсозлик), тўқимачилик саноат тармоқларига, пахта ва пилла етиштиришга ихтисослашган.

География ўрни ва табиий бойликлари. Вилоят ҳудуди Фарғона иқтисодий райони ва Ўзбекистон Республикасининг чекка шарқида жойлашган. У Қирғизистон Республикасининг Жалолобод ҳамда Ўш вилоятлари билан чегарадош. Республикамиз доирасида эса Андижон вилояти жануби-ғарбда Фарғона ва шимоли-ғарбда Наманган вилоятлари билан қўшни.

Ер усти тузилиши баландлик, адир ва текисликлардан иборат, энг баланд нуқталари жануб ва чекка шарқда – Хўжаобод ва Қўрғонтепа туманларида жойлашган (1350-1550 м.). Андижон гуруҳ районларини вилоятнинг жануби-шарқда жойлашган ҳудудларидан 800-900 метр баландликдаги адир зонаси ажратиб туради. Шу адирнинг (Тешиктош адирлари) жанубий қисмида Полвонтош, Андижон, Жанубий Оламушук каби унча катта бўлмаган нефть конлари мавжуд. Бироқ таъкидлаш лозимки, вилоятда бошқа қазилма бойликлар деярли йўқ даражада. Фақат қурилиш материаллари саноати-ғишт ишлаб чиқариш учун хом-ашёлар мавжуд, холос. Вилоятнинг ғарбий ва шимолий-ғарбий, нисбатан янги ўзлаштирилаётган ҳудудларининг баландлиги 400-420 м. Бу икки орографик шакллар ўртасида қишлоқ хўжалиги ва аҳоли жойлашуви учун ниҳоятда қулай бўлган пасттекислик бор.

Иқлими континентал; йиллик ёғин-сочин миқдори водийнинг бошқа қисмларига қараганда кўпроқ (500 мм. атрофида). Асосий гидрографик элементлари Қорадарё ва унинг ўнг ирмоқлари - Мойлисув ва Тентаксойдан иборат. Улардан ташқари, вилоят хўжалиги ва аҳолисини ҳудудий ташкил этишда Оқбўра ҳамда Аравансой дарёларининг ҳам аҳамияти бор. Чекка жануби-шарқда Қирғизистон ҳудудига туташ жойда Андижон сув омбори ва 100 минг кВт қувватга эга бўлган Андижон ГЭС қурилган. Вилоят ҳудудида Жанубий Андижон, Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона, Жанубий Фарғона каналлари мавжуд.

Шундай қилиб, Андижон вилоятида қазилма бойликлар оз, сув захиралари эса бирмунча кўп. Айнан ана шу агроиқлимий имкониятлар бу ерда қадимдан суғорма деҳқончилик ва шу асосда ҳў-

жаликнинг бошка гармокларини ривожлантиришга сабаб бўлган. Суғорма деҳқончиликда юқоридаги асосий ирригация инфратузилмаларидан ташкари нисбатан кичикроқ сув омборлари, канал ва ариқлар ҳам катта аҳамиятга эга. Улар жумласига Асака, Отчопар сув омборлари, Норин чапқирғоқ, Улуғнор, Озод, Кўтарма, Халқобод, Кишкиш, Хўжақатортол, Янгиарик каби канал ва ариқлар киради. Қорадарёдан бошланган Шаҳрихонсой ва Андижонсой шу номли шаҳар ва туманларга ўз сувларини етказади.

Кўриниб турибдики, вилоятда сунъий ва табиий гидрографик шахобчалар жуда кўп ва зич. Бинобарин, Андижон вилояти ҳам Фарғона ёки Хоразм вилоятларидек канал ва ариқлар кўп бўлган минтақа ҳисобланади. Асосий дарё - Қорадарёнинг, умуман Сирдарё сингари, Ўзбекистоннинг Фарғона водийси қисмида бевосита ерларни суғоришда аҳамияти деярли йўқ. Аксарият дарёлар трансчегаравий хусусиятга эга бўлиб, уларнинг бош тўйиниш ва бошланиши кўшни Қирғизистон ҳудудида жойлашган. Энг катта Андижон сув омборининг асосий қисми ҳам шу мамлакат доирасига тўғри келади. Бинобарин, сув муаммоси, сув масаласини халкаро тартиб-қоидалар, меъёрлар асосида ҳал қилиш муҳим иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Мелиорация тизими ҳам вилоятда анча ривожланган. Унинг "қуйи" қисмида, кўпроқ янги ўзлаштирилган ҳудудларда, масалан, Улуғнор, Бўз туманларида қатор коллектор ва зовурлар қазилган (Зовур, Ёзёвон, Сариқсув, Шеркўрғон, Сарижўға, Шаҳрихон, Қорагуна ташламаси, Мазгилсой ва б.).

Аҳоли географияси ва демография. Андижон вилоятининг энг муҳим географик жиҳати бу ерда аҳолининг зич жойлашувидир. Аҳоли сони кейинги 21 йил мабойнида яқин 1,5 марта кўпайган. Бу эса аҳоли зичлигининг янада кўтарилишига олиб келган.

Ҳозирги вақтда қишлоқ туманларининг аҳолиси Бўз туманидан 56,5 минг кишидан Шаҳрихон туманидаги 236,5 минг кишигача фарқ килади (тафовут 4.18 га баробар). Шаҳрихон тумани ўзининг демографик салоҳияти бўйича мамлакатимизнинг бу борадаги энг йирик ҳудудлари каторига киради.

Аҳоли динамикаси нуктаи назаридан кўрилаётган даврда Шаҳрихон ва Қўрғонтепа туманларида ўсиш анча юкори бўлган: мос ҳолда, 237,0 ва 205,9%. Шунингдек, бу ўсиш Бўз ва Марҳамат туманларида ҳам юқорироқ. Айни вақтда демографик ўсиш кўрсаткичи Балиқчи ва

Олтинкўл туманларида бирмунча паст. Хўжаобод туманидаги аҳоли сонининг 1989 йилга нисбатан камайиши эса унинг таркибидан Булоқбоши туманини ажралиб чиқиши сабабли юз берган.

Вилоят бўйича аҳоли зичлиги 1 кв кмга 588 киши - бу нафақат Ўзбекистонда, балки бутун МДҲ мамлакатлари бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Шаҳрихон (815,5 киши) ва Асака (766,5 киши) қишлоқ туманлари эса зичлик кўрсаткичига кўра республикамизда энг олдинги ўринларда туради. Шу билан бирга зичлик Олтинкўл, Булоқбоши, Избоскан туманларида ҳам юқори, фақат янги ўзлаштирилган чўл ҳудудларда - Улуғнор ва Бўзда у нисбатан паст. Бирок уларнинг кўрсаткичлари хам мамлакат ўртача даражасидан 2-3 марта зиёд.

Кўриниб турибдики, вилоят ҳудудида антропоген босим, демографик юк ниҳоятда юкори. Бундай демографик вазият катор муаммоларни, жумладан, миллий халқ анъаналаридан келиб чиққан ҳолда уй-жой курилиши, фермер хўжаликларини оптималлаштириш каби соҳаларда муайян қийинчиликларга олиб келади.

Таҳлиллар кўрсатишича, вилоятда аҳолининг ўсиш суръати мамлакатимизнинг баъзи минтакалари, масалан, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах каби вилоятларига караганда, сўнгги йилларда бироз паст. Чунончи, 2009 йилда у 30,6 минг кишига ёки олдинги йилга нисбатан 1,2 фоизга ўсган.

Бошқа ҳудудларда бўлганидек, бу ерда хам аҳоли сонининг ўсиши тўлиқ табиий кўпайиш асосида бўлмоқда. Масалан, 2009 йилда ҳар 1000 кишига нисбатан тугилиш 24,8, ўлим 5,0 промиллени, табиий кўпайиш 19,8 ‰ ёки 1,98 фоизни ташкил килган. Ваҳоланки, реал кўпайиш 1,21 % бўлган, демак, 0,7 фоиз атрофидаги аҳолининг мумкин бўлган кўпайишини ташки миграция "ютиб" юборган.

Аҳолининг табиий ҳаракатида энг сўнгги йилларда туғилиш ва табиий кўпайиш кўрсаткичларининг юқорилаб бориши кузатилмоқда. Туғилишнинг умумий кўрсаткичи 1995 йилда Андижон туманида 31,0, 2000 йилда 20,1 промилле бўлган ҳолда, у 2005 йилда 20,1 ва 2009 йилда 26,6 промиллега тенг бўлган, ёки Қўрғонтепа туманида улар юқоридагиларга мос ҳолда 31,4; 20,9; 20,7 ва 26,4 ‰ бўлган. Худди шундай жараённи ёки туғилиш динамикасидаги ўзгаришларни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам кузатиш мумкин. Ўзгариш ёки демографик бурилиш, барқарор демографик ўсишга, фикримизча, 2006 йилдан ўтилган.

2005 йилда энг юқори туғилиш кўрсаткичи Шаҳрихон туманида қайд этилган - 22,9 ‰, энг паст Жалолқудуқда - 19,7 ‰, фарқ 3,2 ‰. 2009 йилга келиб энг юқори кўрсаткич Пахтаобод туманида кузатилган – 26,7 ‰ (2005 йилда 21,7 ‰), энг паст туғилиш коэффициенти Булоқбоши туманида - 23,0 ‰. Бундай тарихий – демографик таққослаш кўрсатадики, туманлараро фарқлар бироз ортиб борган. Яна шуни таъкидлаш лозимки, 2009 йилнинг энг паст туғилиш кўрсаткичлари 2005 йилнинг энг баланд даражасида бўлган.

Ўлим коэффициентида сўнгги 10-15 йил мобайнида мунтазам пасайиб бориши кузатилади. Масалан, 1995 йилда вилоят қишлоқ туманларида ўлимнинг умумий коэффициенти 3,7 ‰ (Улуғнор) дан 6,3 промиллегача (Олтинкўл) фарқ қилган. 2.2-жадвалда келтирилган 2009 йил натижаларига кўра ҳам энг паст даража яна Улуғнорда (3,2 ‰), унинг нисбатан юқориси Андижон туманида (5,0 ‰) қайд этилган.

2.2 - жадвал

Андижон вилояти қишлоқ туманлари аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси

(ҳар минг аҳолига нисбатан, 2009 й.)

т/р	Туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
1	Андижон	26,6	5,0	21,6	4,9	1,7	3,2
2	Асака	24,8	4,6	20,2	4,1	2,0	2,1
3	Балиқчи	25,3	4,4	20,9	2,1	1,3	0,8
4	Булоқбоши	23,0	4,9	18,1	0,9	1,7	-0,8
5	Бўз	24,5	3,8	20,7	3,3	2,5	0,8
6	Жалолқудуқ	25,2	4,8	20,4	0,6	2,3	-1,7
7	Избоскан	25,0	4,7	20,3	0,6	1,0	-0,4
8	Марҳамат	23,4	4,4	19,0	2,3	3,1	-0,8
9	Олтинкўл	26,1	4,6	21,5	3,3	1,5	1,8
10	Пахтаобод	26,7	4,5	22,2	1,1	1,0	0,1
11	Улуғнор	24,3	3,2	21,1	0,6	2,4	-1,8
12	Хўжаобод	24,4	4,7	19,7	0,5	1,4	-0,9
13	Шаҳрихон	26,0	4,2	21,8	0,6	1,5	-0,9
14	Кўрғонтепа	26,4	4,7	21,7	6,5	3,4	3,1
	Вилоят бўйича	24,5	4,6	19,9	2,4	2,7	-0,3

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Юқорида таъкидланганидек, ташқи миграция минтақа аҳолисининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмайди. Масалан, 1997 йилда миграция қолдиғи вилоят бўйича минус 970, 1998 йилда 960 кишига тенг бўлган ҳолда, шу йилларда қишлоқ жойларда у бироз кўпроқ, минус 1690 ва 1555 киши бўлган.

Энг сўнгги йилларда умумий вазият ижобий томонга бироз ўзгарган. Масалан, 2009 йилда хар минг кишига ҳисоблаганда, қишлоқ туманларида келганлар Хўжаобод туманида 0,5 дан Қўрғонтепа туманида 6,5 промиллега баробар бўлган. Кетганлар Избоскан, Пахтаободда 1,0, Қўрғонтепада 3,4 ‰, миграция қолдиғи Улуғнор туманида минус 1,8, Андижон туманида плюс 3,2 промиллени ташкил қилган. Демак, вилоят қишлоқ туманларининг аксариятида ташқи миграция сальдоси ижобий натижаларга эга. Шу билан бирга, миграция қолдиғи айрим туманларда, жумладан, Олтинкўл, Пахтаобод, Асака, Баликчи, Бўз ижобий бўлсада, унча катта эмас. Кузатилаётган жараён қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини ривожлантириш ва худудий ташкил этишда эътиборга олиниши керак.

2009 йилда амалга оширилган урбанистик ислоҳотлар туфайли вилоят шаҳарчалари 5 тадан 78 тага кўпайди. Ҳозирги кунда жами 11 шаҳар ва 83 та шаҳарчаларда жами аҳолининг 53,5 фоизи яшайди. Бу кўрсаткич бўйича Андижон Наманган ва Фарғона вилоятларидан кейинги 3-ўринга чиқиб олди. Таккослаш учун: 2008 йилда урбанизациянинг умумий кўрсаткичи 29,2 % ёки республика даражасидан 6,6 пунктга паст бўлган, энди эса вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори туради.

Ташкил этилган 78 та янги шаҳарчаларнинг 18 таси биргина Андижон туманига тўғри келади; 11 та шаҳарча Олтинкўлда, 9 та Марҳаматда, Жалолқулуқ ва Хўжаободда 6 тадан пайдо бўлган; биттадан агрошаҳарчалар Улуғнор ва Қўрғонтепа туманларида ташкил этилган.

2009 йилгача Олтинкўл, Баликчи ва Улуғнор туманларида бирорта шаҳар жойлар бўлмаган. Андижон туманида ҳозирги шаҳар аҳолисининг 93,1 %, Булоқбошида 85,1 %, Марҳаматда 82,2 фоизи айнан шу йилда шаклланган. Шундай қилиб, энг сўнгги шаҳарлар таркибидаги ўзгаришлар асосан қишлоқ ёки "маъмурий" урбанизация хусусиятига эга бўлган.

Андижон вилояти кўп қишлоқли эмас, катта қишлоқларга бой ҳудуд ҳисобланади. Қишлоқлар сони бўйича у республикамизда энг охирги ўринларда (фақат Сирдарё ва Наманган вилоятларидан олдинда), ваҳоланки, аҳоли сони бўйича Андижон 5-ўринда туради. Ўртача ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктига 2008 йилда 3236 киши, 2009 йилда 2535 киши тўғри келган. Агар янги шаҳарлар ташкил этилганида қабул қилинган меъёр, яъни энг камида 2000 киши аҳоли сонига эга бўлиши (тегишли шаҳарсозлик талаблари мавжуд бўлган ҳолда) эътиборга олинса, вилоятнинг кўпчилик қишлоқлари шаҳарча мақомини олган бўлар эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, баъзи вилоятларда **"иккиминглик"** қишлоқлар деярли қолмаган, бу ерда эса уларнинг сони жуда кўп.

Андижон вилоятида аҳоли сони 250 кишигача бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари деярли йўқ даражада; 500 кишигача аҳоли сони бор қишлоқлар вилоятда атиги 23 та ва уларда бор-йўғи 0,6 % аҳоли истиқомат қилади. Бу синфдаги қишлоқларнинг асосий қисми Бўз ва Избоскан туманларида жойлашган, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Олтинкўл, Хўжаобод, Қўргонтепада эса улар умуман йўқ.

Ҳар бирида 500-1000 кишилик қишлоқлар географияси Жалолкудуқ, Бўз ва Улуғнор, ундан кейинги гуруҳ қишлоқлар таркибида Қўрғонтепа, Балиқчи, Жалолкудуқ ва Бўз туманлари ажралиб туради. Катта қишлоқлар, яъни 2000-3000 аҳолиси бор манзилгоҳлар Шаҳрихон, Избоскан ва Жалолкудуқда кўпроқ учрайди. Йирик қишлоқлар географияси асосан Шаҳрихон, Асака туманларида, жумладан, Асакада жами шу тоифадаги қишлоқларнинг 31 таси жойлашган.

2.3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Андижон вилоятида 32 та энг йирик, яъни ҳар бирида 5000 ва ундан ортиқ аҳоли жойлашган қишлоқлар мавжуд. Уларга жами қишлоқ аҳолисининг 1/5 қисмига яқини тўғри келади. Бундай йирикликдаги қишлоқлар биргина Шаҳрихон туманида 8 та: Дўрмон, Хўжаобод, Аҳмад Хўжа, Оқолтин, Сарой, Янги Найнов, Янгийўл, Назармаҳрам; Қўрғонтепада 5 та: Қўрғонтепа, Қўштепа, Маъмуробод, Чироқтамға, Хонобод; Избоскан ва Асака туманларида 3 тадан. Улар жумласига Ойим, Булоқбоши, Уйғур, Миробод каби "мегақишлоқлар" ҳам киради. Фақат Бўз, Улуғнор ва Хўжаобод туманларида энг йирик қишлоқлар йўқ, холос.

Қишлоқлар географияси шаҳарларга қараганда жойларнинг табиий шароити, хусусан, ер-сув, агроиқлимий ресурсларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Интенсив суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларда қишлоқлар ғуж ёки асосий йўл ва канал - ариқлар бўйида занжирсимон жойлашган, ўзига хос "қишлоқ агломерацияларини" вужудга келтирган.

Бевосита урбанистик таркибга келсак, вилоятда 1 та йирик - Андижон шаҳрида 365 минг киши аҳоли бор; Асакада 57, Шаҳрихонда 65 минг киши яшайди. Демак, республикамизнинг айрим минтақаларидан фарқ қилиб, бу ерда ўрта бўғин шаҳарлар ҳар ҳолда мавжуд. Хонобод, Охунбобоев, Пойтуғ, Қорасув, Қўрғонтепа ва Пахтаободнинг ҳар бирида 20-30 мингдан аҳоли истиқомат қилади. Колган 85 шаҳар жойлар кичик шаҳар манзилгоҳларини ташкил қилади.

Вилоят маркази - Андижон негизида йирик шаҳар агломерацияси шаклланмоқда. Унинг "йўлдошлари" орасида, энг аввало, ўзбек автомобилсозлари шаҳри Асака ҳамда Шаҳрихон, Марҳамат, Пойтуғ кабилар ажралиб туради.

Минтақа шаҳарлари турли функцияларни бажаради: Андижон - кўп функцияли, иқтисодий, сиёсий, маданият ва фан маркази; Асака ва Шаҳрихон - саноат марказлари, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Охунбобоев, Пахтаобод, Пойтуғ, Улуғнор, Баликчи, Булоқбоши, Бўз, Оқолтин, Олтинкўл, Куйганёр - агросаноат шаҳар ва шаҳарчалар, туман маъмурий марказлари, Қорасув, Хонобод - транспорт ва савдо марказлари. Қолган шаҳар жойларнинг аксарияти агрошаҳарчалар ҳисобланиб, уларнинг айримларида ҳозирча шаҳар пайдо қилувчи тармоқлар суст ривожланган.

Андижон вилоятининг иккинчи муҳим бойлиги - бу унинг меҳнат ресурсларидир (биринчиси - агроиқлимий ресурслар). 1 январ 2010 йил маълумотларига кўра, вилоятда меҳнатга лаё-қатли ёшдаги аҳоли сони 1491 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 1115 ва иқтисодиёт тармоқларида банд аҳоли 1079 минг кишини ташкил қилади. Жами банд бўлганларнинг 71,4 фоизи моддий ишлаб чиқаришда, қолганлари номоддий соҳаларга тўғри келади. Саноатда 12,0 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 38,9 %, транспорт ва алоқада 2,6 %, курилишда 5,3 %, савдо, умумий овқатланиш, моддий техника таъминотида 7,8 % банд.

2.3 - жадвал

Андижон вилояти қишлоқ туманлари аҳоли пунктларининг таркибий тузилиши

(2009 й.)

т/р	Туманлар	500 киши		500 – 1000 киши		1000 – 2000 киши		2000 – 3000 киши		3000 – 5000 киши		5000 кишидан ортиқ		Жами	
		сони	аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони	аҳолиси
1.	Андижон	3 16,7	927 2,0	1 5,5	985 2,1	6 33,3	8449 18,0	1 5,5	2244 4.8	3 16,7	12492 26,7	4 22,3	21702 46,4	18 100,0	46799 100,0
2.	Асака	-	-	2 3,8	1485 0,8	4 7,7	6619 3,8	12 23,1	32272 18,4	31 59,6	117769 67,2	3 5,8	17190 9,8	52 100,0	175335 100,0
3.	Баликчи	-	-	4 9,3	3313 3,3	19 44,2	29276 30,2	11 25,6	25980 26,7	7 16,3	28457 29,3	2 4,6	10223 10,5	43 100,0	97249 100,0
4.	Бўз	9 24,3	2950 8,1	10 27,0	7272 20,0	15 40,5	19357 53,1	3 8.2	6848 18,8	-	-	-	-	37 100,0	36427 100,0
5.	Булокбоши	-	-	5 27,8	3984 6,5	3 16,7	4162 6,8	1 5,5	2696 4,4	7 38,9	26156 42,8	2 11,1	24108 39,5	18 100,0	61106 100,0
6.	Жалолқудуқ	1 2.1	464 0.5	13 27,1	10873 12.4	16 33,3	24767 28,2	13 27,1	30095 34,3	4 8,3	15012 17,2	1 2.1	6461 7,4	48 100,0	87672 100,0
7.	Избоскан	4 8,2	1396 1,1	3 6,1	2485 1,9	10 20,4	14413 11,3	18 36,7	45372 35,6	11 22,8	43473 34,1	3 6,1	20381 16,0	49 100,0	127523 100,0

8.	Марҳамат	2 14,3	564 2,2	4 28,6	2770 11.0	2 14,3	2941 11,6	4 28,6	9990 39,6	1 7,1	3361 13,3	1 7,1	5627 22,3	14 100,0	25253 100,0
9.	Олтинкўл	-	-	2 7,7	1544 2,1	8 30,8	11864 16,1	5 19,2	13721 18,6	10 38,5	41370 56,1	1 3,8	5206 7,1	26 100,0	73705 100,0
10.	Пахтаобод	1 3,3	347 0,4	6 19,3	4718 5,5	6 19,3	10291 11,9	5 19,3	11703 13,6	10 324	40342 46,8	3 6,4	18821 21,8	31 100,0	86222 100,0
11.	Улуғнор	1 4,0	410 0,9	7 28,0	4396 10,1	6 24,0	9217 21,2	11 44,0	29441 67,8	-	-	-	-	25 100,0	43464 100,0
12.	Хўжаобод	-	-	-	-	-	-	7 41,2	18951 36,4	10 58,8	33104 63,6	-	-	17 100,0	52055 100,0
13.	Шаҳрихон	2 4,1	433 0,3	2 4,1	1624 1,0	7 14,3	10675 6,8	19 38,7	47430 30,0	12 24,5	40909 25,9	7 14,3	56761 36,0	49 100,0	157832 100,0
14.	Кўрғонтепа	-	-	1 3,0	898 1,0	16 48,5	25161 27,2	5 15,2	11803 12,8	6 18,1	21283 23,0	5 15,2	33323 36,0	33 100,0	92468 100,0
15.	Жами вилоят бўйича	23 5,0	7491 0,6	60 13,3	46347 4,0	118 25,4	176992 15,2	115 25,0	287646 24.8	112 24,3	423131 36,4	32 7,0	219403 19,0	460 100,0	1161010 100,0

Изоҳ: каср суратида мутлоқ рақамлар, махражида - жамига нисбатан фоизда.
Жадвал Андижон вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳаларидан таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизматларда 11,1 %, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда 6,0 %, уй хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда 2,5 % иқтисодий фаол аҳоли ишлайди[1]. Бир йилда жами 77,9 мингта иш ўринлари яратилган бўлиб, уларнинг 81,6 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади.

Вилоят иқтисодий географияси. Андижон вилояти хўжалиги, аввал эътироф этилганидек, индустриал - аграр йўналишга эга. Бу турдаги минтақалар мамлакатимиз иқтисодий маконида унча кўп эмас. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 26,7 фоизини саноат, деярли шунчасини қишлоқ хўжалиги таъминлайди; транспорт ва алоқанинг улуши 6,5 %, савдо ва умумий овқатланишники 6,3 %, қурилишники - 4,5 % ва ҳ.к (2009 й.).

Агар юқоридаги рақамлар аҳолининг бандлик таркиби билан таққосланса, хўжалик тармоқларининг иқтисодий самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Масалан, саноатда банд бўлган 12,0 % аҳоли ЯҲМ нинг 2 баробаридан кўпроғини яратса, аграр соҳада, аксинча, 38,9 фоиз ишловчилар ундан кам, яъни 26,4 фоиз маҳсулот ишлаб чиқаради. Транспорт ва алоқада бу нисбат 2,4 ва 6,5 %, қурилишда 5,3 ва 4,5 %, савдо ва умумий овқатланишда 7,8 ва 6,3 фоизга тенг. Демак, иқтисодиёт тармоқлари орасида саноат, транспорт ва алоқада меҳнат унумдорлиги юқорирок.

Аҳоли жон бошига 1275 минг сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулот тўғри келади, халқ истеъмол моллари эса 1010,3 минг сўмга тенг. Вилоят республика халқ истеъмол молларининг (ХИМ) 29,0 фоизини беради ва бунга асосан ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобидан эришилади.

Фаолият кўрсатилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони ҳам ошиб бормоқда. Уларнинг умумий сони 33976 та, шу жумладан кичик корхоналар 4183 та ва микрофирмалар 29793 та. Ушбу секторнинг ЯҲМ улуши 51,0, саноатда, 17,2 %, қишлоқ хўжалигида 99,4 %, қурилишда 93,0,

[1] Таққослаш учун: 2000 йилда саноатда 12,0 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 43,5 %, қурилишда 5,4%, савдо, умумий овқатланишда 8,5 %, таълим, маданият, санъат ва фанда 11,2 фоиз меҳнат ресурслари банд бўлган.

чакана савдода 47,3 %[1]; бу соҳанинг 14,3 фоиз маҳсулоти экспорт қилинади. Жами кичик бизнес субъектлари томонидан 2009 йилда 53955 янги иш ўринлари яратилган. Демак, вилоятда яратилган иш ўринлари асосан шу сектор зиммасига тушади.

Саноати. Мустақиллик йилларида Андижон вилояти саноати тез ривожланиб борди ва республика иқтисодий маконида ўзига хос ўсиш қутбига айланди. Бу, энг аввало, вилоятнинг Асака шаҳрида жойлашган аввалги "УзДЭУ авто" – ҳозирги "GM Ozbekiston" қўшма корхонаси асосида рўй берди. Навоий вилояти саноат ишлаб чиқаришида бу ердаги йирик тоғ-металлургия комбинатининг аҳамияти қандай бўлса, Андижон вилоятида ҳам ушбу автомобилсозлик заводи мавқеи шундай. Уларсиз мазкур вилоятлар иқтисодиёти бутунлай бошқача кўринишда бўлади.

Асакадаги завод қурилиши 1994 йилда бошланиб, ундан 1996 йилда биринчи ўзбек автомобили ишлаб чиқарилган. Умумий лойиҳа қуввати бир йилда 200 минг дона. Завод конвейеридан турли русумдаги замонавий автомобиллар: "Тико", "Нексия 1 ва 2", "Матиз", "Дамас", "Ласетти"лар жаҳон бозорида, хусусан МДҲ мамлакатларида яхши мавқеларни забт этган. Ҳозирги вақтда айтиш мумкинки, республикамизда Андижон деганда Асака, Асака деганда енгил автомобиллар тушунилади.

Шундай қилиб, машинасозлик, аниқроғи автомобилсозлик вилоят саноати ва умуман минтақа иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Унинг ҳиссасига жами яратилган саноат маҳсулотининг 77,7 фоизи тўғри келади. Енгил саноат маҳсулотининг қиймати 9,6 %, озиқ-овқат - 2,3 % (2.4 - жадвал).

Жадвал маълумотларининг қиёсий таҳлили Андижон вилояти саноатининг ўта тор ихтисослашуви томон боришини кўрсатади. Чиндан ҳам вилоят ҳозирги саноат маҳсулотида машинасозлик мавқеи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу, албатта, нисбий кўрсаткич, бироз унинг замирида икки жараён ётибди: биринчидан, автомобилсозликнинг юқори суръатда ривожланиши бўлса, иккинчидан, бошқа саноат тармоқларида бу кўрсаткичларнинг пастлигини англатади. Бинобарин, вилоятда анъанавий, хусусан енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқларини ҳам жадал ривожланиши талаб этилади.

---

[1] Таққослаш учун: республикада бу кўрсаткичлар, мос ҳолда, 16,9; 97,9; 41,6 ва 46,5 фоизга тенг. Бундан ташқари, инвестиция ҳажмининг 23,7, чакана савдонинг 48,7 фоизи ҳам шу секторга тўғри келади.

2.4 - жадвал

Андижон вилояти саноатининг тармоқлар таркиби

(жами маҳсулот қийматига нисбатан фоизда)

Саноат тармоқлари	2000 й.	2009 й.	Шу даврда ўзгариш, +, -
Жами саноат маҳсулоти	100,0	100,0	-
шу жумладан:			
Электр энергетика	1,3	0,6	-0,7
Кимё ва нефть кимёси	2,7	2,5	-0,2
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	53,3	77,7	+24,4
Қурилиш материаллари саноати	2,0	0,8	-1,2
Енгил саноат	17,8	9,6	-8,2
Озиқ-овқат саноати	6,4	2,3	-4,1
Ун-крупа, омухта ем саноати	13,1	2,7	-10,4
Бошқа саноат тармоқлари	3,4	4,0	+0,6

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Бундай сиёсат мавжуд меҳнат ресурсларидан кўп меҳнат талаб қилувчи тармоқларда кенгроқ фойдаланиш ҳамда минтақа иқтисодиётини диверсификация қилиш жиҳатидан ҳам тўғри ҳисобланади. Қолаверса, вилоятнинг демографик вазиятидан келиб чиққан ҳолда, халқ истеъмол моллари, айниқса, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир. Ваҳоланки, 2009 йилда жами ХИМ таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари 4,8 фоиз ва енгил саноат маҳсулотлари 2,5 фоизни ташкил қилади, холос. Бу, табиийки, жуда паст кўрсаткич. Шу боис, бу тармоқларни ҳам ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастури нуқтаи назаридан ривожлантириш зарур ҳисобланади.

Саноат тармоқлари доирасида ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий саноат корхоналари турлича. Вилоятда жами йирик саноат корхоналари 53 та. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Андижон вилояти саноат корхоналарида ишлаб чиқариш мужассамлашуви жуда юқори; бу ерда, бошқа қатор минтақаларга қараганда саноат корхоналарининг сони оз, лекин "оз бўлсада - соз", аксарияти катта корхоналардир.

Вилоятда тахминан 500-600 млн. кВт соат электр энергия ишлаб чиқарилади. Бу 100 минг кВт қувватига эга бўлган Андижон ГЭСидан олинади. Кимё ва нефть-кимё саноатида Жанубий Оламушук, Андижон, Полвонтош конларидан оз миқдорда (90-100 минг т атрофида) нефть қазиб олинади ва у Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига жўнатилади. Ушбу тармоқда "Уз Коран Ко" ва "Уз Донгжу Пэинг Ко" қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг энг йирик корхонаси, албатта, "GM Ozbekiston" ҚК ҳисобланади. У тармоқнинг 82,3 фоиз маҳсулотини таъминлайди. Шунингдек, бу ерда "Прицеп" АЖ, "УзКоджи ", "УзТонг Хонг КО", "Уз Донг Янг Ко", "Уз Сам Юнг Ко", "Уз Донг Вонг Ко" қўшма корхоналари мавжуд (аксарияти Жанубий Корея республикаси билан ҳамкорликда яратилган). Юқоридагилардан ташқари, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноат тармоғига қарашли қатор тажриба ва таъмирлаш механика ва бошқа заводлар бор ("Марҳамат - ЭТЗ", "Андижонкабел", Авиа механика заводи ва ҳ.к).

Бу корхоналар ичида маҳсулот қиймати бўйича "УзДонг Янг Ко" қўшма корхонаси автомобил ишлаб чиқарувчи заводидан кейинги иккинчи ўринда туради - у тармоқнинг 5,7 фоиз маҳсулотини беради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Асака автомобил заводи нафақат вилоят, балки бутун Фарғона водийси саноатининг ривожланишига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Завод эҳтиёж қисмлари маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига кўпроқ тайёрлаш мақсадида қўшни вилоятларда ҳам унга турдош ёки ёрдамчи саноат корхоналари барпо этилган (масалан, Наманганда, Қувасойда ва бошқа шаҳарларда).

Қурилиш материаллари саноати суст ривожланган, у асосан ғишт ишлаб чиқарувчи заводлардан иборат. Илгари катта мавқега эга бўлган енгил саноатда ҳам ўсиш суръатлари унча катта эмас. Тўғри, хорижий сармоялар ҳисобидан қатор тўқимачилик корхоналари барпо этилган (уларнинг энг йириги Шаҳрихондаги "Антекс" ҚК ҳисобланади). Бироқ, бу суръатлар мавжуд хом-ашё, меҳнат ресурслари ва эҳтиёж нуқтаи назаридан қониқарли эмас. Бухоро тўқимачилик комбинатига ўхшаш, собиқ Иттифоқ даврида қурилган Андижон тўқимачилик комбинати ҳам ҳозирги кунда чуқур депрессив ҳолатда.

Пахта тозалаш заводлари барча қишлоқ туманларида жойлашган. Улар бир йилда об-ҳаво, пахта ҳосилига қараб 95-100 минг

тонна пахта толаси ишлаб чиқаради. Худди шундай шароитда 20-23 минг тонна тозаланган ўсимлик ёғи олинади (Андижон ва Асака шаҳарлари). Умуман олганда, бир йилда 250,0 минг автомобил, 718 минг дона подшипник, 6184 дона велосипед (уни "Авиа механика заводи" АЖ беради), 8362 тонна лак бўёғи ("УзДонгжу Пэинг Ко" ҚК) ишлаб чиқарилади. Шунингдек, ўртача бир йилда 103-120 минг тонна атрофида ун олинади. Уни Андижон ва Асака, Қўрғонтепа дон маҳсулотлари АЖ беради. Фарғона водийсида Қўқондан ташқари Андижонда ҳам спирт заводи - "Биокимё" АЖ бор.

Таҳлиллар кўрсатишича, сўнгги йилларда тўқимачилик саноатидаги вазиятлар таъсирида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бирмунча камайиб бормоқда. Масалан, 2009 йилда 5589 минг кв.м ип газлама (2008 йилда 6327 минг кв.м), 561 минг кв. м нотўкима материаллар (1096 минг кв. м) тайёрланган. Айни вактда пайпоқ ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилмоқда, тикилган буюмлар, трикотаж маҳсулотлари ҳам сезиларли даражада кўпаймоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларидан 2009 йилда 16,8 минг тонна ўсимлик ёғи (2008 йилда -20,5 минг т), 5285 минг шартли банка мева ва сабзавот консервалари, 21,2 минг т гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 35,1 минг т сут ва сут маҳсулотлари олинган. Омухта ем ишлаб чиқариш 56,8 минг тоннани ташкил килган.

Саноат географиясига қараганда Андижон шаҳри вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 16,1, Асака 65,8 фоизини, демак, бу икки шаҳар унинг 4/5 кисмидан кўпроғини беради. Қишлоқ туманлари орасида Андижон, Шаҳрихон, Асака, Жалолқудуқ бироз ажралиб туради. Хонобод шаҳрининг улуши 2009 йилда 3,9 фоизга тенг бўлган.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, вилоят бўйича ўртача 1404,8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳолда, бу кўрсаткич Асака шаҳрида 39792,8, Хонободда 3612,0 минг сўмга баробар. Қишлоқ туманлари кўрсаткичлари ўртачадан паст, энг паст даража Улуғнор (13,7 минг сўм), Пахтаобод (66,8 минг сўм) ва Булоқбошида (72,8 минг сўм) қайд этилади.

ХИМ бўйича олганда, уларнинг 89,6 фоизи биргина Асака шаҳрига тўғри келади. Вилоят марказининг бу борадаги ҳиссаси 4,0 %, Хўжаобод туманиники 1,2 %, Қўрғонтепаники 1,0 % (2.7 - жадвал). Қолган қишлоқ туманларида салоҳият йўқ даражада. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳам худди шундай тафовутлар

кўзга ташланади - энг юкори кўрсаткич Асака шаҳрида, қолган ҳудудларда бу кўрсаткич паст даражада.

Қишлоқ хўжалиги. Андижон вилоятида нафақат саноат, балки қишлоқ хўжалиги ҳам яхши ривожланган. Буни вилоят ўзлаштирилган ерларнинг деярли қолмаганлиги ҳам исботлаб беради. Агар ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини аниқлаш лозим бўлса, яратилган ялпи маҳсулотни минтака майдонига бўлиб топиш мумкин. Албатта, мазкур вилоятда бу кўрсаткич ниҳоятда катта бўлади ва у ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти юксаклигидан, иқтисодиётининг юқори зичлигидан дарак беради. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ҳам бу ерда интенсив ривожланиш хусусиятига эга.

Вилоят қишлоқ хўжалиги республикамизнинг айрим минтақаларидан фарқ қилиб, ялпи аграр маҳсулотда деҳқончиликнинг улуши катталигида (65,2 %) ўз аксини топади. Ер танкислиги сабабли фермер хўжаликлар ривожланишига ҳам имкониятлар минтақада бироз чекланган. Мулкчиликнинг бу шакли ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 1/3 қисмини беради.

Андижон вилояти умумий ер майдони 420,3 минг гектар, шундан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 251,5 минг га ёки 59,8 % - бу жуда юкори кўрсаткич. Бундай ерлар ҳиссаси фақат Улуғнор туманида бироз кичикроқ.

Қишлоқ хўжалигининг интенсивлиги бизнинг шароитимизда суғориладиган ерларнинг мавжудлигида ҳам ўз ифодасини топади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда бу кўрсаткич ниҳоятда юкори - суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ерларга нисбатан улуши 91,2 %. Жумладан, Балиқчи, Бўз, Избоскан, Олтинкўл, Пахтаобод туманларида улар 100 фоизни ташкил қилади (2.5-жадвал).

Вилоятда экин экиладиган ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 79,5 фоизига тенг; унинг 8,2 % пичанзор ва яйловлардан иборат, холос. Экин ерларнинг ҳиссаси, хусусан Балиқчи, Бўз, Избоскан, Пахтаобод, Улуғнор каби туманларда катта, пичанзор ва яйловлар эса нисбатан Андижон, Хўжаобод, Марҳамат ва Асака туманларида кўпрок майдонни эгаллайди.

2009 йилда вилоятда жами экин майдонлари 230 минг гектар бўлган (2000 йилда 231 минг га). Шундан донли экинлар 93,3 минг га майдонда стиштирилган. Ялпи ҳосил 605,2 минг т (580 минг т) ёки республика ғалласининг 8,2 фоизига баробар. Донли экинлар

2.5 - жадвал

Андижон вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

(2008 й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғорилади ган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзор лар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Андижон	37,4	21,9	16,8	58,6	19,8	3,2	18,4
Асака	25,8	16,0	13,6	68,5	15,6	1,6	14,3
Баликчи	33,9	20,8	20,8	93,4	6,1	-	-
Булоқбоши	18,2	9,6	8,8	76,8	13,2	4,9	9,2
Бўз	20,0	13,1	13,1	95,0	4,9	-	-
Жалолқудук	36,9	24,0	20,8	71,6	14,3	1,2	12,9
Избоскан	27,7	18,3	18,3	91,9	8,0	-	0,08
Марҳамат	31,9	19,0	15,9	70,5	12,2	2,1	15,2
Олтинкўл	21,3	12,9	12,8	88,9	10,0	0,6	0,5
Пахтаобод	26,0	16,1	16,1	90,3	9,5	0,2	-
Улуғнор	41,9	22,3	21,4	91,4	3,8	0,5	4,3
Хўжаобод	22,9	11,8	9,5	53,7	25,8	3,0	17,5
Шаҳрихон	28,8	19,7	17,7	82,2	7,8	0,3	9,7
Қўрғонтепа	47,4	26,7	23,5	77,9	10,1	2,3	9,7
Вилоят бўйича	420,3	251,5	229,4	79,5	11,1	1,2	8,2

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана". - Ташкент-2008.

таркибида бугдой етакчи: 88,6 минг га, ялпи ҳосил 555,5 минг т, ҳосилдорлик 62,7 ц/га. Пахтазорлар 100 минг гектарга яқин бўлиб, у 2000 йилга қараганда 6 минг гектарга қисқарган. Ялпи ҳосил ҳам бироз камайган ва 306 минг тоннани ташкил қилган, ҳосилдорлик 30,7 ц/га (2000 йилда 31,8 ц/га). Пахта деярли тўлиқ фермер хўжаликларида етиштирилади.

2.1 - расм

Андижон вилоятининг экин майдони (жамига нисбатан фоизда)



Бошқа техника ва мойли экинлардан кунгабоқарга жуда катта эътибор берилмоқда. У 2009 йилда 2022 гектарга экилган ва олдинги йилга қараганда 7,2 марта кўп бўлган. Кунгабоқар асосан ёғ олиш мақсадида етиштирилади. Шу мақсадда 63 гектарга ер ёнғоқ ҳам экилган.

Вилоятда картошка етиштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Кўрилаётган йилда у 4,0 минг гектарга экилиб, 151 минг тоннага яқин ҳосил олинган (республикамизда 1524,5 минг тонна). Сабзавот 15,0 минг гектарни эгаллаган, ялпи ҳосили 754 минг тонна. 2009 йилда ем-ҳашакка ажратилган ер майдони аввалги йилга нисбатан 144,1 фоизга ўсган ва 13,0 минг гектарга баробар бўлган, унинг ярмидан кўпроғи силос учун экиладиган маккажўхори билан банд. Боғдорчилик майдони ўтган ўн йил мабойнида 8 минг гектарга кўпайиб, 27,1 минг гектарни ташкил қилган; узум 5,4 минг гектарда етиштирилган.

Чорвачилик маҳсулотларидан 2009 йилда тирик вазнда гўшт 86,1 минг т, сут 506,5 минг т, тухум 200,4 млн. дона, жун 1755,1 тонна, пилла 3070,0 тонна олинган (республикада пилла шу йили 23972,6 тонна бўлган). Йирик шохли қорамоллар сони 665,8 минг

бош, қўй ва эчкилар 817,6 минг бош. Таққослаш учун: 2000 йилда 2700 тонна атрофида пилла тайёрланган, йирик шохли қорамоллар 440 минг бош, қўй ва эчкилар 500 минг бошга яқин бўлган. 2009 йилда Ўзбекистонда йирик шохли қорамоллар сони 8510,8 минг, қўй ва эчкилар 878,9 минг бош бўлган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда Андижон, Баликчи, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Пахтаобод, Избоскан туманлари олдинда (7,0-8,8 %). Шу билан бирга, Улуғнор, Хўжаобод, Бўз ва Булоқбоши туманларининг улуши пастроқ (2.7-жадвал). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2009 йилда вилоятда бир кишига 485,9 минг сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган. Энг юқори кўрсаткич Бўз ва Улуғнор туманларида қайд этилади - 1041,9 ва 964,0 минг сўм; Марҳамат, Пахтаобод, Хўжаобод туманларида ҳам бу кўрсаткич ўртача даражадан кўпроқ – 600-640 минг сўм.

Юқорида таъкидланганидек, вилоятда фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ва ривожланиши ўзига хос минтақавий хусусият касб этади. 2009 йилда бу ерда жами 7296 та фермер хўжаликлари бўлиб, уларга 250825,0 минг гектар ер бириктирилган; ишлайдиган ходимлар сони 135191 киши (2.6-жадвал).

2.6-жадвал маълумотларига кўра 2009 йилда вилоятда ҳар бир фермерга ўртача 34,4 гектар ер тўғри келган ва 18,5 киши ишлаган. Энг катта ер майдони ёки нисбатан каттароқ фермер хўжалиги, энг аввало, янги ўзлаштирилган Улуғнор туманида кузатилади; ишчилар сони ҳам бу ерда кўпроқ (63,8 га, 25,2 киши). Асака, Бўз, Шаҳрихон, Избоскан туманларида ҳам бу кўрсаткичлар анча юқори, хусусан, Избоскан ва Шаҳрихон фермерларида ишлайдиган ходимлар энг кўп: 34 ва 32 киши. Майдони энг кичик фермер хўжаликлари Пахтаободда - 21,2 га, энг кам ходимлар сони эса Жалолкудуқда - 12,4 киши.

Таҳлил этилаётган йилда вилоят бўйича фермер хўжаликлари жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 33,7 фоизини берган. Қизиғи шундаки, янги ўзлаштирилган Улуғнор туманида фермер хўжалигининг иқтисодий самародорлиги энг юқори (47,9 %). Шунингдек, Балиқчи, Бўз, Қўрғонтепа туманларида ҳам бу кўрсаткичлар сезиларли даражада катта. Айни пайтда нисбатан паст кўрсаткичлар Шаҳрихон, Хўжаобод, Олтинкўл ва Асака қишлоқ туманларида қайд этилади. Бундай тафовутлар қисман аҳоли зичлиги билан боғлиқ.

2.6 - жадвал

Андижон вилояти фермер хўжаликлари ҳақида баъзи маълумотлар

(2009 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Фермер лар сони	Уларга бирикти рилган ер майдони, га	Уларда ишлайдиган ходимлар сони, киши	Ҳар бир фермерга тўғри келадиган		Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотида фермер хўжаликлари улуши, %
					ер майдони, га	ишчилар, киши	
1	Андижон	711	18840	9560	26,5	13,4	34,6
2	Асака	250	13095	6645	52,4	26,6	29,6
3	Баликчи	625	22960	12816	36,7	20,5	45,8
4	Булокбоши	270	9379	5241	34,7	19,4	33,3
5	Бўз	317	15070	5602	47,5	17,7	43,4
6	Жалолқудук	715	21406	8853	29,9	12,4	34,0
7	Избоскан	430	19495	14735	45,3	34,3	32,4
8	Мархамат	619	16520	10209	26,7	16,5	33,9
9	Олтинкўл	399	14196	6937	35,6	17,4	27,5
10	Пахтаобод	865	18386	12356	21,2	14,3	38,0
11	Улуғнор	398	25408	10033	63,8	25,2	47,9
12	Хўжаобод	529	10254	7845	19,4	14,8	28,8
13	Шахрихон	357	19255	11244	53,9	31,5	27,2
14	Қўрғонтепа	811	26561	13115	32,7	16,2	43,3
	Вилоят бўйича	7296	250825,0	135191	34,4	18,5	33,7

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Ижтимоий соҳалар географияси. Аҳоли зич, аҳоли пунктлари катта бўлган Андижон вилоятида ижтимоий соҳалар ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, мавжуд меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш орқали унинг турмуш шароитларини яхшилаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан саналади.

Одатда, аҳолининг сифат жиҳатидан ривожланиши, баркамол даражада шаклланиши унинг ҳар томонлама соғлом, билимли бўлишини талаб қилади. Шу нуқтаи назардан соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларига алоҳида аҳамият бериш керак бўлади.

Вилоятда тиббиёт муассасаларининг умумий сони 75 та бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи бюджет тизимида фаолият кўрсатади. Ҳар 10000 кишига 47,3 та бемор ўринлари тўғри келади.

Амбулатория - поликлиникалар сони 481 та, врачлар ҳар 10000 минг кишига 24,1, ўрта медицина ходимлари 93,4 та. Бу рақамлар минтақа соғлиқни сақлаш соҳаларининг яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) 339 та ёки ҳар бир қишлоқ туманида 24,2 тадан. Агар вилоятда жами 458 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжудлиги эътиборга олинса, ушбу соҳанинг муҳим географик хусусиятлари яққол намоён бўлади: деярли ҳар бир аҳоли пунктида биттадан ҚВП мавжуд. Бу ҳам бўлса қишлоқ аҳоли пунктларининг катталигини натижасидир.

Қишлоқ туманлари кесимида касалхонадаги ўринлар сони Қўрғонтепа ва Марҳамат туманларида ўртача кўрсаткичдан кўпроқ - 62,5 ва 42,5. Шу билан бирга, 2009 йил якунлари мазкур соҳанинг Асака, Бўз ва Избоскан туманларида бироз паст ривожланганлигини кўрсатади. Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория - поликлиника муассасалари ўртача 151,8 бўлган ҳолда, у Асака шаҳрида 227,9 та, Қўрғонтепа туманида 251,0 та тенг, нисбатан пастроқ кўрсаткичлар Олтинкўл (125,7), Андижон (104,8) қишлоқ туманларида ҳамда Хонобод шаҳрида (98,3) кўзга ташланади. Бошқа минтақаларда бўлганидек, бу ерда ҳам вилоят маркази ёнида жойлашган қишлоқ туманларида ижтимоий соҳалар билан таъминланганлик бироз паст бўлади, сабаби бу жойларнинг аҳолиси катта шаҳар имкониятларидан фойдаланади.

Андижон вилоятида доимий мактабгача тарбия муассасалари 557 та, умумтаълим мактаблари 740 та бўлиб, уларда ўқувчилар

сони 2009-2010 ўқув йилида 433 минг ёки ҳар бир мактабда ўртача 585 кишиданга тўғри келган.

Академик лицейлар жами 12 та, уларнинг кўпчилиги Андижон шаҳрининг ўзида жойлашган; талабалар сони 8750 та. Вилоятнинг барча қишлоқ туманлари ва шаҳарларида касб-ҳунар коллежлари мавжуд: умумий сони 117 та, талабалар – 125,2 минг киши.

Андижон шаҳри мамлакатимизда олий маълумотли кадрлар етказиб беришда муҳим мавқега эга. Бу ерда 5 та олий ўқув юрти, шу жумладан университет, тиббиёт институти бор; Андижон туманининг маъмурий маркази Куйганёр шаҳарчасида Қишлоқ хўжалиги (аввалги пахтачилик) институти жойлашган. Вилоят олий ўқув юртларида жами 16417 нафар талаба таҳсил олади.

Ижтимоий соҳалар орасида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва чакана савдо ҳам катта аҳамиятга эга. 2009 йил якунларига кўра, вилоятда аҳоли жон бошига гўғри келадиган пуллик хизматлар ҳажми 222,6 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Андижон шаҳри ҳисобидан шаклланган; вилоят марказида 602,9 минг сўмга тенг. Қишлоқ туманларида эса мазкур кўрсаткич Хўжаобод, Балиқчида бирмунча юқорирок. Салоҳият нуқтаи назардан ҳам Андижон шаҳри, албатта, олдинда - унинг бу борадаги ҳиссаси 39,8 %. Шунингдек, Шаҳрихон туманида вилоят пуллик хизматининг 5,6, Андижон туманида - 5,5 ва Балиқчида - 5,3 фоизи амалга оширилган (2.7 - жадвал).

Чакана савдода: Андижон шаҳри 34,0 %, Асака 4,5 %, Қўрғонтепа тумани 7,1 5, Шаҳрихон 16,4 % ва ҳ.к; энг паст кўрсаткичлар Улугнор туманида 0,9 %. Жон бошига олганда вилоят марказида бир йилда чакана савдо ҳажми 1151,0 минг сўм, Асака шаҳрида 999 минг сўм (ўртача 498 минг сўм).

Аҳолининг яшаш шароити кўп жиҳатдан ижтимоий инфратузилма шахобчаларининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ. Бу борада айникса аҳолининг тоза ичимлик суви, газ ва муттазам электр энергия билан таъминланиши катта мазмун касб этади. Андижон вилоятида 2009 йил якунлари бўйича, аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлиги 88,8 фоиз бўлган. Шаҳар жойларда бу вазият, албатта, яхши, қишлоқ туманлари миқёсида эса айрим муаммолар бўлиши мумкин. Чунончи, Улуғнор туманининг 73,0 фоиз аҳолиси бундай имкониятларга эга.

Марҳамат, Пахтаобод туманларида ҳам мазкур кўрсаткич юқорироқ бўлишини талаб қилади (78,4 ва 79,3 %).

Табиий газ билан таъминланиш ичимлик сувига нисбатан пастроқ. Хонобод шаҳрида йирик газхона барпо этилишига қарамай вилоятда газ билан таъминланганлик ўртача 73,2 %. Жумладан, Пахтаобод туманида 56,9 %, Балиқчи туманида 60,0 %, Хўжаободда 61,3 %. Вазият айниқса Жалолқудуқ ва Избоскан қишлоқ туманларида ночорроқ. Бу ҳудудларда табиий газ билан таъминланганлик, мос ҳолда, 44,1 ва 49,5 фоизни ташкил қилади, холос. Бинобарин, 2009 йилда қабул қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида айнан шу туманларга устуворроқ аҳамият бериш зарур бўлади.

Вилоятда ер танқислиги боис, уй-жой билан таъминланганлик республиканинг бошқа минтақаларига қараганда пастроқ - ўртача бир кишига 10,0 кв.м; нисбатан юқорироқ кўрсаткич Марҳамат (13,1 $м^2$) ва Хўжаобод (12,0 $м^2$), Олтинкўл (11,0 $м^2$) ва Балиқчи туманларида (10,6 $м^2$) кузатилади. Булоқбошида эса атиги 7,8 $м^2$ га тенг, холос. Бундай ижтимоий муаммо, энг аввало, аҳоли зичлигининг юқорилиги ва ер ресурсларининг камлиги туфайли юзага келган.

Инвестиция, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар. Ҳар қандай мамлакат ёки минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши асосини инвестиция, капитал қўйилмалар белгилаб беради. Айтиш жоизки, Андижон вилоятида капитал қўйилмалар ва қурилиш ишлари яхши олиб борилмоқда. Масалан, 2009 йилда жами инвестициялар ҳажми 445,2 млрд сўмни ташкил қилган. Унинг 1/5 қисмидан кўпроғи Андижон шаҳрига, 3,0 фоизи Асака шаҳрига, 5,8 фоизи Хонободга, 4,5 фоизи Шаҳрихон туманига йўналтирилган. Айни вақтда Бўз ва Улуғнор қишлоқ туманларининг инвестиция муҳити унча қулай бўлмаган (2.7 - жадвал).

Таҳлил этилаётган йилда вилоятда 253,5 млрд сўм ҳажмида қурилиш ишлари амалга оширилган. Унинг 24,0 фоизи Андижон шаҳрига тўғри келади. Бу ишлар кўлами Балиқчи, Андижон, Шаҳрихон туманларида ҳам бироз кўпроқ бўлган ҳолда, Асака шаҳри ва Улуғнор туманида қурилиш шу йилда камроқ эканлиги қайд этилади.

2009 йилда рўйхатга олинган хорижий сармоялар ёрдамида қурилган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 91 та бўлган. Уларнинг 28 таси Андижон шаҳрида, 13 таси Андижон туманида,

2.7 - жадвал

Андижон вилояти иқтисодиётининг ҳудудий таркиби
(2009 йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Андижон ш.	16,1	4,0	2,9	21,0	24,0	34,0	39,8	1,5	13,0
Асака ш.	65,8	89,6	1,2	30,0	1,7	4,5	3,8	70,1	77,6
Хонобод ш.	3,9	0,09	0,89	5,8	4,4	0,8	1,1	6,2	3,3
туманлар:									
Андижон	2,4	0,5	7,7	3,8	7,5	3,2	5,5	0,9	0,4
Асака	1,6	0,8	7,4	2,6	5,8	3,4	4,1	-	0,5
Балиқчи	1,2	0,3	8,0	2,7	8,9	3,7	5,3	1,6	0,1
Булоқбоши	0,2	0,2	4,6	2,6	4,0	4,0	2,9	-	0,1
Бўз	0,7	0,06	4,8	1,4	3,5	0,8	1,1	-	-
Жалолқудуқ	1,5	0,2	8,8	3,9	4,5	3,2	4,8	1,6	0,2
Избоскан	1,2	0,3	7,4	3,1	3,7	3,2	4,5	0,7	0,5
Марҳамат	0,7	0,3	7,1	1,8	5,9	3,3	3,9	0,1	0,2
Олтинкўл	0,7	0,2	6,3	2,9	5,6	3,2	3,9	0,3	0,2
Шахтобод	0,3	0,1	8,0	3,7	3,9	4,7	4,6	0,3	0,1
Улуғнор	0,02	0,03	3,9	1,6	1,7	0,7	0,9	-	-
Хўжаобод	0,9	1,2	4,5	2,0	3,5	3,7	3,4	0,4	0,3
Шаҳрихон	1,6	0,9	4,0	4,5	6,5	16,4	5,6	1,5	0,4
Қўрғонтепа	1,2	1,0	8,2	3,0	4,6	7,1	4,7	0,9	0,1

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

11 таси Шаҳрихонда, 8 таси Избосканда ва х.к. Шу билан бирга, Бўз ва Улуғнор туманларида бирорта қўшма корхоналар йўқ, Булоқбоши, Пахтаобод, Хўжаободда атиги биттадан, холос. Маълумки, қўшма корхоналар мамлакат ва минтақалар экспортида фаол иштирок этишлари талаб қилинади. Шу йилда мазкур корхоналар томонидан 271,9 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт ишлари бажарилган бўлиб, унинг 86,4 фоизи биргина Асака шаҳрига (автомобил заводига) тўғри келади[1]. Экспорт салоҳияти бўйича кейинги ўринда Хонобод шаҳри (электр техника маҳсулотлари, кабел) туради. Шунингдек, Андижон, Жалолқудуқ, Избоскан, Қўрғонтепа туманлари ҳам минтақа экспортида иштирок этишади.

Мавжуд маълумотларга қараганда, 2009 йилда вилоятда жами 37406,7 минг тонна юк, 283357,4 минг киши йўловчи ташилган. Юк ва йўловчи ташиш айланмаси олдинги йилга қараганда 1,2 марта ортган. Ташилган юкнинг 92,6 фоизини, йўловчиларнинг деярли 100 фоизини автомобил транспорти амалга оширган. Юкнинг ҳам, йўловчининг ҳам аксарият қисмини хусусий автомобил эгалари бажаришган. Юк ташишда, энг аввало, Андижон шаҳри, туманлар орасида эса Андижон ҳамда Пахтаобод ажралиб туради. Йўловчилар ташишда вилоят марказидан ташқари Андижон, Қўрғонтепа ва Асака туманлари олдинда. Ташқи савдо айланмаси 2008 йилда 2060505 минг, 2009 йилда 1521839 минг АҚШ долларига тенг бўлган. Шундан экспорт 821190 ва 337794, импорт 1239405 ва 1184044 минг долларни ташкил қилган. Экспорт таркибида машина ва ускуналар - 88,4 %, импортда - 77,0 фоиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2008 йилда машина ва ускуналар импорти қиймати экспорт ҳажмидан кўп бўлган. Демак, бу борада қўшимча заҳиралар яратилган. Импортда кора ва рангли металлар 8,9 %, кимё саноати маҳсулотлари 8,8 фоиздан иборат. Ушбу импорт товарлари ҳам асосан автомобилсозлик мақсадларида амалга оширилган.

Жами экспортнинг 57,8 фоизи "Узоқ хориж" ва Болтиқбўйи давлатларига тўғри келади (2008 й). Вилоят ичида экспортнинг 70,1, импортнинг 77,6 фоизи Асака шаҳри зиммасига тушади. Қолган ҳудудлардан бу хусусда Хонобод шаҳри, шунингдек, Баликчи, Шаҳрихон, Жалолқудуқ туманларини кайд этиш мумкин (2.7-жадвал).

[1] Хорижий инвестициялар асосида ташкил этилган корхоналар минтақа экспортининг 82,1 фоизини таъминлайди.

Умуман, Андижон вилоятини микроиқтисодий районларга ажратадиган бўлсак, у ҳолда бу ерда уч районни кўрсатиш мумкин: Марказий (Андижон ва Асака шаҳарлари, Андижон, Асака, Шаҳрихон, Пахтаобод, Избоскан туманлари); Жануби-шарқий (Марҳамат, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Булоқбоши туманлари) ва Ғарбий район (Баликчи, Бўз ва Улуғнор). Шубҳасиз, улар орасида Марказий районнинг иқтисодий қудрати катта. Бу борада айниқса Андижон - Асака - Шаҳрихон «учбурчаги» муҳим мавқега эга. Андижон агломерацияси ва саноат тугуни вилоят геоиқтисодий маконининг ўзагини ташкил этади. Шу билан бирга, адир орқасидаги Жануби-шарқий район ҳам анча ривожланган, аммо учинчи, яъни кейинги йилларда ўзлаштирилган Ғарбий районнинг иқтисодий ва демографик салоҳияти ҳозирча юқори эмас.

2.8 - жадвал

Андижон вилояти ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари (2009 йил, аҳоли жон бошига)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Андижон ш.	1,088	0,195	0,269	1,411	1,617	2,289	2,684
Асака ш.	2,832	0,535	3,857	12,929	0,746	1,960	1,650
Хонобод ш.	2,571	0,504	0,059	3,818	2,911	0,507	0,725
туманлар:							
Андижон	0,299	0,946	0,066	0,465	0,923	0,392	0,667
Асака	0,203	0,935	0,103	0,333	0,736	0,436	0,515
Баликчи	0,190	1,286	0,046	0,439	1,445	0,602	0,846
Булоқбоши	0,052	1,029	0,044	0,581	0,889	0,879	0,639
Бўз	0,335	2,144	0,027	0,623	1,590	0,353	0,498
Жалолқудуқ	0,244	1,586	0,034	0,657	0,754	0,536	0,792
Избоскан	0,142	0,968	0,048	0,406	0,485	0,414	0,587
Марҳамат	0,124	1,304	0,059	0,332	1,072	0,606	0,714
Олтинкўл	0,118	1,136	0,041	0,526	1,010	0,574	0,698
Пахтаобод	0,047	1,315	0,002	0,604	0,651	0,773	0,763
Улуғнор	0,010	1,983	0,016	0,822	0,881	0,361	0,486
Хўжаобод	0,252	1,254	0,338	0,554	0,974	1,038	0,964
Шаҳрихон	0,168	0,894	0,095	0,485	0,697	1,749	0,594
Қўрғонтепа	0,186	1,228	0,154	0,434	0,693	1,048	0,702

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълу-мотлари асосида ҳисоблаб чиқилган

Бевосита қишлоқ туманлари даражасида кўриладиган бўлса, қишлоқ жойлар саноати бу жойларда суст ривожланган. Бу борадаги индикаторлар айниқса Пахтаобод, Булоқбоши туманларида паст. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш индекси фақат Андижон, Асака, Избоскан ва шаҳарларда 1,000 дан паст, энг юқори кўрсаткич Бўз туманида – 2,144 (2.8-жадвал). Худди шундай ҳудудий тафовутлар бошқа ижтимоий – иқтисодий соҳаларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, қурилиш ишларида, 2009 йил якунларига кўра, шаҳарларни ҳисобга олмаганда, индикатор Балиқчи, Бўз, Марҳамат ва Олтинкўл туманларида нисбатан каттароқ. Чакана савдода эса Хўжаобод, Шаҳрихон ва Қўрғонтепада вазият яхшироқ, пуллик хизмат кўрсатиш асосан шаҳар жойларда; Андижон шаҳри (2,684) ва Асака (1,650)да амалга оширилади.

1.01.2010 йил маълумотлари бўйича Андижон вилоятида Булоқбоши, Марҳамат, Пахтаобод ва Улуғнор қишлоқ туманлари давлат дотациясида. Чиндан ҳам ушбу ишда олиб борилган таҳлиллар ҳам, умуман олганда, мазкур туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маълум муаммолар борлигини исботлаб беради.

Учинчи боб. **БУХОРО ВИЛОЯТИ**

Республикамизнинг майдони катта бўлган ҳудудларидан бири Бухоро вилояти бўлиб, у 15 январ 1938 йилда ташкил топган. Майдони 40,3 минг кв. км, Ўзбекистон ҳудудининг 9,0 фоизига тенг ва бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навоий вилоятидан сўнг 3-ўринда туради. Одатда, майдони катта вилоятлар табиий шароити хўжалик нуқтаи назаридан ноқулай тоғ ёки чўллардан иборат бўлади. Бухоро вилояти ҳам айнан типик чўл минтақаси ҳисобланади. Аҳолиси 1612,6 минг киши ёки республика аҳолисининг 5,8 фоизи шу ҳудудда яшайди (2010 й.).

Маъмурий жиҳатдан у вилоятга бўйсунувчи 2 та шаҳар ва 11 та қишлоқ туманларидан иборат. Уларнинг энг дастлабкилари Бухоро, Вобкент, Ғиждувон, Когон, Қоракўл, Ромитон ва Шофиркон 29.09.1926 йилда ташкил этилган. Демак, 11 та маъмурий бирликдан 7 таси 1926 йилга, яъни республикамизнинг энг биринчи маъмурий қурилмасига тўғри келади ва бундай ҳолат кўпгина бошқа вилоятларда қайд этилмайди.

Вилоятнинг энг катта гумани Пешку 8,72 минг кв км, энг кичиги Вобкентда 0,29 минг кв. км майдон бор, улар орасидаги тафовут 30 баробар. Бу анча катта ракам ҳисобланади. Қоракўл туманининг ҳам ҳудуди катта, у Пешку билан биргаликда минтақа майдонининг 43,5 фоизини ташкил қилади.

Бухоро вилоятининг маъмурий картасига назар ташласак, унда қишлоқ туманларининг ажойиб, ҳақиқий чўлга хос чегаралари ва ташқи қиёфаси (конфигурацияси) яққол кўринади. Бунда, энг аввало, йирик туманлар, Қоракўл, Жондор, Ромитон ва Пешкунинг "ётиқ" ҳолда шимоли - ғарбдан жануби - шарқ йўналишида чўзилиб ётгани қайд этилади. Ромитон тумани эса уларнинг орасида "лахтаксимон" парча - парча кўринишда, туман марказига нисбатан эксклав ҳолатда жойлашган. Бундай географик манзара бошқа вилоятларда кам учрайди ва уни карталарда акс эттириш ҳам анча кўринарли бўлмайди ёки "картабоп" эмас.

Одатда, маъмурий бирликларнинг ихчам (компакт) бўлмаганлиги уларнинг ичида ишлаб чиқариш ва аҳолини ҳудудий ташкил этиш, унга хизмат кўрсатиш ва бошқарувда бироз қийинчиликлар туғдиради. Бу нуктаи назардан Вобкент ва Когон туманлари анча қулайликларга эга. Бироқ Когон тумани бевосита вилоят марказига туташ бўлиб, уни Бухоро тумани "такасимон" ўраб туради. Бундай маъмурий - географик вазият ҳам камдан - кам учрайди.

Бухоро вилояти республикамиз меҳнат таксимотида ёқилғи, енгил ва озиқ - овқат саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалигида пахта, жун, қоракўл териси етиштиришга ихтисослашган. Унинг туристик имкониятлари ва салоҳияти ҳам катта.

Географик ўрни ва табиий ресурслари. Бухоро вилояти Ўзбекистон Республикасининг ғарбий қисмида жойлашган, унинг кўшни Туркманистон давлати билан чегараси қисман Амударё бўйлаб ўтади. Вилоят шимолда, қисқа масофада Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси билан, шимол ва шимоли - шаркда кенг микёсда Навоий ва жанубда Қашқадарё вилоятлари билан чегарадош. Унинг "қўшничилик" кўрсаткичи 1:5, яъни вилоят 5 та маъмурий бирликлар, шу жумладан хорижий давлатлар билан чегарадош. Бу нисбат қанча катта бўлса, ҳудуд трансчегаравий, ундан халқаро ва магистрал йўлларнинг ўтганлигини, баъзан эса унинг марказийлигини билдиради. Республикамиз ҳам ана шундай сиёсий географик ўринга эга, у 5 та хорижий мамлакатлар билан

3.1 - жадвал

Бухоро вилояти қишлоқ туманлари ҳақида баъзи маълумотлар
(1.01.2010 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Туман маркази	Майдони, минг км	Аҳолиси, минг киши		1989-2010 йй. ўсиш, %	Зичлик 1 кв. км киши (2010 й)
					1989й	2010й		
1	Бухоро	29.09.1926	Галаосиё ш.	1,32	69,0	129,3	187,4	97,9
2	Вобкент	29.09.1926	Вобкент ш.	0,29	62,9	114,5	182,0	394,8
3	Жондор	17.01.1935	Жондор ш-ча	5,17	84,6	138,3	163,5	26,7
4	Когон	29.09.1926	Коган ш.	0,50	42,3	61,1	144,4	122,2
5	Олот	26.12.1989	Олот ш.	3,23	46,4	81,3	175,2	25,2
6	Пешку	03.04.1989	Янгибозор ш-ча	8,72	62,5	98,4	157,4	11,3
7	Ромитон	29.09.1926	Ромитон ш.	2,45	68,5	116,7	170,4	47,6
8	Шофиркон	29.09.1926	Шофиркон ш.	3,72	83,5	147,3	176,4	39,6
9	Қоракўл	29.09.1926	Қоракўл ш.	8,69	73,0	132,6	181,6	15,3
10	Қоровулбозор	12.01.1993	Қоровулбозор ш.	2,20	-	14,2	-	6,5
11	Ғиждувон	29.09.1926	Ғиждувон ш.	3,95	141,3	256,6	188,0	47,6
	Вилоят бўйича	**15.01.1938**	**Бухоро ш.**	**40,3**	**1136,0**	**1612,6**	**141,9**	**40,0**

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

чегарадош. Бинобарин, мамлакатимизни Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашганлиги эътироф этилади. Унинг таркибида бундай қўшничилик нисбати Қашқадарё вилоятида ҳам учрайди.

Ер усти тузилишининг тахминан ярмидан кўпроғи текислик - Қизилқум чўлларидан иборат. Баландлик ва тоғликлар асосан вилоятнинг шимоли - шарқи ва шарқида жойлашган. Энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 800 метрга яқин бўлиб, у Қўлжуқ тоғининг вилоят ҳудудидаги қисмига тўғри келади (Шофиркон ва Пешку туманларининг чеккасида). Вилоятнинг ер майдони катта, бироқ сув ресурсларининг етишмаслиги сабабли ушбу омилнинг минтақа иқтисодиётини ривожланишидаги роли бироз чекланган.

Яқин ўтмишда бу ерда собиқ Иттифоқда донғи кетган Газли табиий газ кони мавжуд эди. Ҳозирги вақтда ҳам Бухоро вилоятида мазкур ёқилғи турининг заҳиралари бор (Жарқоқ, Учқир, Денгизкўл ва бошқа конлар). Газли, Ўртабулоқ ва Жарқоқ конларидан қисман нефть қазиб олинади. Ёқилғи ресурсларидан ташқари вилоят ҳудудида қурилиш материаллари хом ашёси мўл. Жумладан, Когон ва Қоровулбозор атрофида оҳактош ва гипс, Тасқозғонда графит, Жонкелдида минерал бўёқ конлари мавжуд. Шунингдек, жанубда ғишт ва кулолчилик учун тегишли хом ашё. Ғиждувон туманининг чекка шимоли-шарқида рангдор металлар кони (Зафаробод) жойлашган. Умуман, вилоятда аниқланган қазилма бойликлар кўпроқ ёқилғи ва қурилиш саноатини ривожлантиришда аҳамиятлидир.

Вилоятнинг минерал ресурс географияси қуйидагича: Пешку туманида безак тошлари, минерал бўёқлар; Вобкентда безак тошлари, ғишт хом ашёси; Олотда ғишт; Бухоро туманида гипс, ғишт ва бошқа қурилиш материаллари; Ғиждувонда қум, шағал, рангли металлар; Когонда гипс, қум, шағал; Қоракўлда оҳак, силикат хом ашёси ва ҳ.к. Демак, бу табиий қазилмаларнинг кўпчилиги қурилиш ва бинокорлик учун қулай имкониятлар яратади. Айниқса, Когон туманида жойлашган Мамажурғотин гипс конларининг саноат аҳамияти катта.

Иқлими континентал ва чўл минтақасига хос. Январ ойининг ўртача ҳарорати минус 2 даража, июл ойида иссиқлик баъзан 40 даражадан ҳам ошиб кетади. Ёғин-сочин миқдори жуда кам; Газлидан шимолроқда у 100 мм га ҳам етмайди, вилоятда йилига тахминан 150 - 200 мм атрофида ёғин-сочин ёғади.

Кўриниб турибдики, Бухоро вилоятининг иқлими асосан яйлов чорвачилигига қулайроқ, суғорма деҳкончилик учун эса бу ерда шароит унча яхши эмас. Зарафшон дарёси вилоят ҳудудининг шарқий чеккасига етиб келади, холос, суғориш учун эса сув кўпроқ Амударёдан олинади. Айнан шу максадда Аму - Қоракўл, Аму - Бухоро, Ёмонжар каналлари қурилган. Қўшни Навоий вилоятида жойлашган Қуйимозор сув омборларидан шу номли канал бошланади ва у Бухоро, Когон, Жондор туманларининг бир қисмини суғоради. Булардан ташқари Зарафшон, Хайробод, Шофиркон каби каналлар, Шўркул сум омборлари ҳам мавжуд.

Вилоятда жуда кўп коллекторлар (зовурлар) ҳамда оқова кўллар (қора кўллар) жойлашган. Уларга мисол қилиб Шимолий, Оғитма, Парсонкўл зовурлари, Денгизкўл, Шўркўл, Оёқоғитма, Шўрхоқ, Қоракир кўлларини келтириш мумкин.

1993 йилда қурилган Дамхўжа - Бухоро сув қувури вилоят марказини ичимлик суви билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бироқ шунга қарамасдан, бу ерда сув муаммоси кескин. Юзага келган ҳолат нафақат қишлоқ хўжалигига, балки аҳолининг саломатлигига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, юқорида таъкидланганидек, Бухоро вилояти типик чўл минтақасидир. Катта қумликлардан бири - Қизилқум бу ҳудудни ҳам камраб олган. Таниқли чўлшунос олим И.Қ.Назаров чўлларни хўжаликда фойдаланиш нуқтаи назаридан икки қисмга, яъни чўл - яйловлар ва чўл - воҳаларга ажратади. Чўл воҳалар Бухоро вилоятининг жануброк қисмида жойлашган, улар Бухоро, Қоракўл воҳаларидир. Минтақанинг айнан шу қисмидан асосий транспорт инфратузилмалари ўтган ва аҳолининг кўпчилиги мужассамлашган. Шу жиҳатдан Ғиждувон - Олот йўналишини вилоятнинг асосий иқтисодий минтақаси, йўлаги ёки тарихий - географик "ўқи" деб баҳолаш мумкин. У узоқ ўтмишда бу ердан оқиб ўтган Зарафшон дарёсининг ҳавзасига ҳам мос келади. Бу "йўлакнинг" жанубида ҳам шимолида ҳам беноён чўллар ётади.

Вилоятнинг транспорт ва иқтисодий географик ўрнининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унинг ҳудуди, аниқроғи Олот тумани мамлакатимизнинг хорижий давлатларга чиқадиган дарвозаларидан бири саналади. Туркманободга ўтган темир йўл орқали Ўзбекистон Туркманистон, Кавказорти мамлакатлари ҳамда Эрон ва бошқа жанубий, жанубий-ғарбий Осиё (Яқин Шарқ) давлатлари

билан ташқи иқтисодий алоқалар олиб боради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Навоий – Учқудуқ – Нукус темир йўлининг ишга туширилиши Бухоро вилояти транспорт географик ўрнини бироз ўзгартирди, Когон, Қоракўл ва Олот бекатларининг бундай функциялари сусайди.

Демографик вазият. Аҳоли сони 1612,6 минг киши, у 1989 йилга нисбатан (1136 минг) 1,4 мартага ёки 477 минг кишига кўпайган. Биргина 2009 йилда вилоят аҳолиси 24,5 минг кишига ёки 1,5 фоизга ортган. Туғилиш бу ерда ҳар минг аҳолига 21,7 киши, ўлим кўрсаткичи 4,2 кишига тўғри келади. Демак, табиий кўпайиш 17,5 промилле ёки 1,75 фоизга баробар.

Туғилиш коэффициенти фақат Бухоро шаҳрида пастроқ (15,5 промилле), қишлоқ туманлари доирасида эса у катта фарқ қилмайди (20-26 промилле). Аҳоли миграцияси шаҳар ва қишлоқ жойларида манфий натижага эга. Масалан, 1997 йилда миграция қолдиғи шаҳарларда минус 2,0 минг, 1998 йилда эса 1,9 минг кишига тенг бўлган, қишлоқларда мазкур кўрсаткич 800-900 кишини (минус) ташкил қилади.

3.2-жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатишича, туғилиш коэффициенти сўнгги 10 йил мабойнида бироз кўтарилиш жараёнини намоён этмоқда. Масалан, агар вилоят бўйича 2000 йилда туғилиш 20,0 промилле бўлган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 1,7 промиллега ортган. Биргина 2008-2009 йилларда у 0,3 фоизга ошган. Табиий кўпайиш ҳам шунга мос ҳолда ўзгаришларни кўрсатади. Бундай жараён шаҳар жойларда ҳам қайд этилади. Жумладан, Бухоро шаҳрида табиий кўпайиш 2008 йилда 9,5 промилленi ташкил қилган бўлса, 2009 йилда у 11,4 га баробар бўлган. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, бундай анъанавий, маҳаллий миллатлардан иборат аҳолига эга бўлган Бухоро шаҳрида туғилиш унга тенгкур ва турдош марказларга қараганда анча паст.

Ўлим кўрсаткичларида катта ҳудудий фарқлар йўқ; унинг энг баланд даражаси Когон шаҳрида, энг пасти эса Қоровулбозор туманига тегишли. Таҳлилларга кўра, ўлимнинг бундай даражаси тасодифий бўлмасдан, у олдинги йилларда ҳам кузатилади.

Юқорида таъкидланганидек, ташқи миграция, бошқа вилоятларда бўлгани каби бу ерда ҳам салбий оқибатларга эга. Вилоят бўйича миграция қолдиғи 2008 йилда минус 3,3, 2009 йилда эса минус 2,7 промиллени (ёки 4,3 минг киши) ташкил қилган. Қора кўл

3.2 - жадвал

Бухоро вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати

(ҳар минг аҳолига нисбатан, 2009 й.)

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғи лиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	шаҳарлар:						
	Бухоро	15,5	4,1	11,4	3,2	7,1	-3,9
	Когон	17,3	5,5	11,8	2,5	3,6	-1,1
	туманлар:						
1	Бухоро	21,3	4,2	17,1	7,7	3,2	4,4
2	Вобкент	20,6	4,1	16,5	3,6	4,8	-1,2
3	Жондор	25,8	4,4	21,4	0,4	3,4	-3,0
4	Когон	24,8	4,9	19,9	0,2	2,9	-2,7
5	Олот	23,0	4,3	18,7	0,0	5,2	-5,2
6	Пешку	25,8	4,0	21,8	3,7	4,5	-0,8
7	Ромитон	21,8	3,6	18,2	3,0	5,8	-2,8
8	Шофиркон	21,9	4,1	17,8	5,3	6,7	-1,5
9	Қоракўл	23,1	4,4	18,8	0,1	6,7	-6,6
10	Қоровулбозор	18,0	3,2	14,8	21,2	16,3	4,9
11	Ғиждувон	24,4	4,3	20,1	4,6	9,7	-5,1
	Вилоят бўйича	21,7	4,2	17,5	3,4	6,1	-2,7

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

туманида ҳар минг кишидан 7-10 киши миграция ҳисобидан камайган, Олот ва Ғиждувон қишлоқ туманларида ҳам миграцион вазият уларнинг фойдасига эмас. Айни вақтда Қоровулбозор ва Бухоро туманларида у 2009 йилда ижобий натижа берган (3.2 - жадвал). Ташқи миграциянинг динамикаси ва кўлами, унинг натижаси иш ўринларининг мавжудлиги ва қисман аҳолининг миллий таркибига боғлиқ.

Аҳоли вилоят ҳудудида ниҳоятда нотекис таксимланган. Ўртача зичлик 1 кв км га 40 кишига тенг ҳолда, у Бухоро - Қоракўл воҳасида анча юқори даражага эга. Вилоятнинг чўл қисмида аҳоли зичлиги жуда паст. Қишлоқ туманлари доирасида ушбу кўрсаткич Қоровулбозорда 10 кишига ҳам етмайди, Вобкентда эса у 395 киши; фарқ 61 карра. Бундай геодемографик вазият фақат табиий шароити нокулай, чўл ҳудудлари географияси учун хосдир.

Аҳоли сони бўйича Ғиждувон тумани олдинда, бу ерда вилоят аҳолисининг деярли 16 фоизи истиқомат қилади. Ғиждувон Самарқанд вилоятининг Ургут, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва водийнинг баъзи туманлари қаторида демографик салоҳияти катта саналган ҳудудларга киради. Вобкент ва Бухоро туманлари аҳолиси ҳам кўпроқ, Қоровулбозорда эса бор-йўғи 14,2 минг киши бор бу хусусда мазкур туман республикамизда энг кичик ҳисобланади.

Вилоятда яқин йилларгача 11 та шаҳар ва 2 та шаҳарча мавжуд бўлган. 2009 йилда "янги урбанистик тўлқин" туфайли бу ерда 60 та қишлоқлар шаҳарча мақомини олди, натижада, умумий урбанизация даражаси бир йилда 29,2 фоиздан 38,8 фоизга етди. Бироқ шунга қарамасдан, шаҳарликлар улуши вилоятда энг пастлардан бири бўлиб қолмоқда (пастдан Хоразм ва Сурхондарё вилоятларидан олдинда туради).

3.3-жадвалда Бухоро вилоятининг янги шаҳарчалари - собиқ қишлоқлар, уларнинг ҳудудий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган. Уларга қараганда янги агрошаҳарчаларнинг энг кўпи Қоракўл (12 та) ва Ғиждувон (10 та), яъни воҳаларда, суғорма деҳқончилик ривожланган, аҳолиси зич ҳудудларда ташкил топган. Ромитон ва Пешкуда 3 тадан, Вобкентда эса 2 тадан шаҳарча шаклланган.

Бундай ўзгаришлар вилоят урбанистик таркибини янада майдалаштиради. Ҳозирги кунда минтақада 1 та йирик шаҳар - Бухорои Шариф бор, унинг аҳолиси 250 минг атрофида (бу борада Тошкент, Наманган, Самарканд ва Андижондан кейинги 5-ўринда). Вилоятнинг аҳоли сонига кўра иккинчи шаҳри, Бухоро агломерациясига кирувчи Когонда (Янги Бухорода) 55 минг, ҳақиқий "иккинчи" шаҳри Ғиждувонда 42 минг киши яшайди. Қолган шаҳар жойлар орасида фақат Қоракўлда 20 мингдан зиёд аҳоли бор, холос. Демак, 69 та шаҳар жойлар аҳолиси, ҳар бирида бундан кам. Майда шаҳар ва шаҳарчаларнинг кўпчилиги, тарқоқлиги, "ресурс" марказларнинг мавжудлиги (Ғазли, Зафаробод) чўл ҳудуди шаҳарлар географияси учун типик воқеликдир.

Чўл шароитида ҳудудий қарама - қаршилик, "контрастлик" яққол кўзга ташланади. Жумладан, вилоятнинг воҳа қисмида аҳоли ва аҳоли пунктлари зич, Бухоро агломерацияси шаклланмоқда. Унинг таркибига Бухоро шаҳри ва унинг "йўлдошлари" Когон, Вобкент, Жондор, Қоровулбозор, Ғалаосиё ва кўплаб шаҳарчалар киради.

3.3 - жадвал

Бухоро вилояти янги шаҳарчаларининг ҳудудий таркиби

(1.01.2009 й.)

т/р.	Қишлоқ туманлари	Аввалги қишлоқлар – янги шаҳарчаларнинг номи (аҳолиси, киши)	Сони	Аҳолиси, киши
1.	Бухоро	Работак (2583), Подшойи (2072), Арабхона (2767), Дехча (2037), Хуминиболо (2044), Ўрта Новметан (2452)	6	13955
2.	Вобкент	Харгўш (2150), Ширин (2694)	2	4844
3.	Жондор	Далмун (2250), Чорзона (2275), Тобагар(2385), Бўрибоғи (2183), Ҳазорман (2155), Ушот (2086), Самончук (3217), Кулиён (2600)	8	19151
4.	Олот	Ғанчи Чандир (3064), Бўрибек Чандир (2422), Кесакли (2412), Човдур (2710), Киртай (2179), Сола Қоровул (3312), Талкон сайёт (2627), Ўзбекистон (2080)	8	20806
5.	Пешку	Шавғон (2194), Янгибозор (6460), Пешку (2256)	3	10910
6.	Ромитон	Қоқиштувон (4085), Хоса (2790), Юқори Газберон (2202)	3	9077
7.	Шофиркон	Чандир (2423), Талисафед (3486), Искогарс (3996), Мирзоқул (2179), Жўйрабод (3129), Гуломте (2042), Куйи Чукурак (2296), Ундарс (2336)	8	21887
8.	Қоракўл	Бандбоши (2989), Янгикалъа (2453), Қуввача (2455), Солур (2884), Сайёд (2596), Қораҳожи (2441), Дарғабоғи (2442), Чандиробод (2770), Жиғачи (2356), Мирзакалъа (2458), Шўрработ (2286), Якка Аълам (2145),	12	30275
9.	Ғиждувон	Абади (2210), Юқори Ростгўй (3112), Кўли Жаббор (2556), Жовгари (2675), Ғаждумак (2648), Мазрагон (2396), Ўзакон (2681), Бештува (2786), Чағдари (2475), Хатча (2346)	10	25885
	Жами вилоят бўйича:		60	156790

Манба: Бухоро вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари.

Бухоро вилояти республикамизда "серқишлоқ" минтақалардан биридир. 2008 йилда 1519 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлган ва бу хусусда у фақат Самарқанд вилоятидан орқада турган, холос. Кўрилаётган йилда ўртача ҳар бир қишлоққа 730 кишидан тўғри келган, ваҳоланки, бу кўрсаткич мамлакатимизда 1468 га тенг бўлган. Кўриниб турибдики, Бухоро қишлоқлари республиканикига қараганда 2 марта майдароқ. Агар бу рақам Фарғона водийси вилоятларига солиштирилса, унинг кичиклиги янада яққол намоён бўлади.

2009 йилдан кейин ҳам вилоят қишлоқлар географиясидаги умумий хусусият ўзгармади: Бухорода бир қишлоқ аҳоли пунктига 666 киши, республикада 1224 киши. Қолаверса, Бухоро вилояти кишлоқлари янада майдалашди: бу эса қишлоқ жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирларни, воҳа ва водийларга нисбатан анча мушкуллаштирди.

Ҳозирги вақтда вилоятнинг тахминан ҳар 6 тадан битта қишлоғида аҳоли сони 250 кишига ҳам етмайди. Гарчи уларда атиги 3,7 % қишлоқ аҳолиси яшасада, бу ҳолат қишлоқлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларини енгиллатмайди. 250-500 кишилик қишлоқлар 460 та (31,3 %), аҳолиси 17,8 %; 500-1000 кишига эга бўлган қишлоқлар жами бундай тоифадаги манзилгоҳларнинг 1/3 қисмини ташкил қилган ҳолда, минтақа қишлоқ аҳолисининг 35,6 фоизини ўзида мужассамлаштиради.

Шу билан бирга ҳозирда ҳам 2000 кишидан зиёд, келажакда шаҳарча мақомини олишга даъвогар қишлоқлар топилади (уларнинг сони 23 та). Бундай қишлоқ аҳоли пунктларига Олот туманининг Кўл Човдир, Хидрейли ва Буржок; Бухоро туманининг Сўлокиён; Ғиждувоннинг Бештува, Ростгўй, Чагдари, Тодарак, Намадгарон, Қулоқ; Қоракўлнинг Қизилработ, Қандим, Осиё, Қароун; Пешкунинг Толисобун; Шофиркон туманининг Маҳаллаи Қози, Саврон ва Юксунларни киритиш мумкин. Бироқ уларга шаҳарча мақомини беришдан олдин Президентимизнинг бу борадаги кўрсатмасига, яъни вазиятнинг пухта ва атрофлича ўрганилишига, мавжуд шаҳарсозлик қоида ва талабларининг тўлик риоя қилинишига эътибор бериш зарур бўлади.

Вилоят аҳолисининг миллий таркиби ҳам ҳар хил. Бу унинг тарихий-географик ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган. Минтақада ўзбеклар 90,3 фоизни ташкил қилади. Шунингдек,

бу ерда туркман, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Тожиклар Бухоро ва бошқа баъзи шаҳарларда, қозоқлар асосан Ғиждувон туманининг чўл қисмида, туркманлар Олот ва Қоракўл туманларида яшайдилар.

2010 йил 1 январ ҳолатида Бухоро вилоятида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 944 минг ёки жами аҳоли сонининг 58,3 фоизини ташкил қилган. Иқтисодий фаол аҳоли 778 минг, иқтисодиётда банд бўлганлар 751 минг кишига яқин. Жами банд бўлган меҳнат ресурсларининг 69,4 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳаларида хизмат қилишади. Жумладан, саноатда 10,4 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 32,0 %, транспорт ва алоқада 3,4 %, қурилишда 9,4 %, савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техника таъминотида 9,3 %. Номоддий ишлаб чиқариш соҳалари орасида таълим, маданият, санъат, фан ва илмий тадқиқотларда умумий банд аҳолининг 11,8 %, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда 6,4 %, уй хўжалиги ва аҳоли маиший хизмат кўрсатишининг номоддий қисмида 2,0 % ишчи ва хизматчилар банд (Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари, 2009 й.).

Хўжалиги, ихтисослашуви ва ҳудудий таркиби. Бухоро вилояти иқтисодиёти аграр - индустриал йўналишга эга. Мустақиллик йилларида минтақа саноати, хусусан, ёқилғи, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш анча тез ривожланди, қулай инвестиция муҳити яратилди. Ҳозирги кунда вилоят умумиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича республика ўртача даражасидан юқорирок поғонада туради.

2009 йил якунларига кўра, Бухоро вилояти Ўзбекистон Республикасининг 5,4 фоиз ялпи ички маҳсулотини, шу жумладан, 3,8 % саноат, 5,6 % халқ истеъмол моллари, 8,8 % қишлоқ хўжалик маҳсулотини таъминлайди. Шунингдек, унинг зиммасига мамлакатимизда амалга оширилаётган капитал қўйилмаларнинг 19,0 фоизи (республикада биринчи ўринда), қурилиш ишларининг 6,8 %, чакана савдо ҳажмининг 5,8 % ва пуллик хизматларнинг 4,5 фоизи тўғри келади.

Бу рақамларнинг оз ёки кўплигини вилоятнинг мамлакат аҳолисидаги улушига (5,8 %) қиёслаб тегишли хулоса чиқариш мумкин[1].

[1] Таққослаш учун: 2000 йилда вилоят республика ялпи ҳудудий ва саноат маҳсулотининг 6,4 %, қишлоқ хўжалигининг 7,7 %, инвестиция ҳажмининг 4,1 %, чакана савдонинг 4,4 %, пуллик хизматларнинг 5,4 фоизини бажарган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Бухоро вилоятининг ҳозирги экспорт салоҳияти унча катта эмас - атиги 1,7 % (импортда 1,4 %). Бироқ инвестиция ҳажмининг сўнгги йилларда кўпайиши, қурилиш ишларининг катта кўламда олиб борилиши, шубҳасиз, яқин келажакда ўз самарасини беради.

Минтақа иқтисодиётининг таркибига назар солсак, қуйидагиларни кўриш мумкин: саноат вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 12,0 фоизини, қурилиш 10,2 %, қишлоқ хўжалиги 39,7 %, транспорт ва алоқа 5,9 %, савдо ва умумий овқатланиш 5,3 %, солиқлар 15,5 фоизини беради.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик тадбиркорлик (бизнес) улуши 61,4 % бўлиб, бу рақам 2008 йилга қараганда яқин 2,0 пунктга кўпдир. Унинг ярмидан зиёдроғини кичик корхона ва микрофирмалар таъминлайди. Кичик секторда жами 76,3 % иқтисодиётда банд бўлганлар фаолият кўрсатишади. Унинг ҳиссаси саноатда 14,5 %, қишлоқ хўжалигида 98,0 %, асосий капиталга киритилган инвестицияларда 7,2 %, қурилишда 46,4 %, савдо ва пуллик хизматларда 38,2 ва 68,9 %. Демак, кичик тадбиркорлик энг аввало агроиқтисодиёт ва пуллик хизматларда кенг ёйилган.

Кичик тадбиркорлик саноат ва қурилиш ишлари бўйича, хусусан Вобкент ва Бухоро туманларида яхши ривожланган. Масалан, Вобкент туманида бу сектор саноат маҳсулотининг қарийб 70 %, қурилишда 97,0 % эгаллайди. Бу жиҳатдан, Когон, Ромитон ҳамда Қоровулбозор туманлари 2009 йилда анча орқада бўлган.

Маълумки, барча ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, кенгайтирилган ишлаб чиқаришни амалга оширишда энг аввало капитал қўйилмалар асос бўлиб хизмат қилади. Агар 2000 йилда вилоят иқтисодиётига 28,4 млрд. сўмлик инвестиция киритилган бўлса, 2009 йилда у 2443,4 млрд. сўмга етди ва республикамизда бу борада биринчи ўринга чиқиб олди. Ўсиш асосан чет эл инвестициялари ҳисобидан юзага келди. Чунончи, 2000 йилда хорижий инвестициялар ҳажми жами инвестицияларда 12,2 % бўлган бўлса, 2009 йилда у 78,1 фоизга етди; шу йилда вилоятга республикага кириб келган инвестицияларнинг 46,9 фоизи тўғри келган. Бу рақам, ўз навбатида, минтақанинг инвестицион фаоллигини кўрсатади.

Инвестициянинг кўпчилик қисми бевосита ишлаб чиқаришга, энг аввало, ёқилғи саноатига, жумладан, Қандим гуруҳи, Хаузак, Шоди нефть конларини ўзлаштиришга йўналтирилган. Шу мақсад-

да Россиянинг "Лукойл" нефть компаниясидан тўғридан-тўғри инвестиция киритилган. Шунингдек, инвестициялардан енгил саноат корхоналарини, Бухоро вилояти худудидан ўтувчи Ўзбекистон - Хитой газ қувурини куриш, геологик қидирув ишлари олиб бориш, қишлоқ хўжалик, сув қувурларини таъмирлаш ва янгиларини барпо қилишда ҳам фойдалинилмоқда.

Саноати. Мамлакатимиз нефть мустақиллигини таъминлашда Бухоро (Қоровулбозор) нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини куриш катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу замонавий корхона асосан Франция билан ҳамкорликда барпо этилди ва бунинг учун 500 млн. АҚШ долларига яқин маблағ сарфланди. Завод қўшни Қашқадарё нефть - газ конлари асосида ишламоқда. Яқин йилларда Қандим кони негизида 11 млрд. $м^3$ газни қайта ишловчи завод ҳам ишга тушади ва бунинг натижасида Бухорода нефтъ-газ энергия ишлаб чиқариш цикли яна мукаммаллашади ва ривожланади, вилоят худудида ўсиш қутб ва марказлари шаклланади.

Вилоятда саноат корхоналари сони жами 2962 та, уларнинг йириклари 32 та. Саноат корхоналарида 21470 киши банд. Аҳоли жон бошига 2009 йилда 308,7 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган, уларнинг 68,0 фоизи ноозиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келади.

Бухоро вилояти саноати асосан ёнилғи (бензин, керосин, дизел ёнилғиси), мебел, оҳак, гипс, пахта толаси, ип газлама ва бошқаларни ишлаб чиқаради. Бир йилда 52,9 минг т нефть ва газ конденсати, 1110 млн. $м^3$ табиий газ, 768 минг т бензин, 400 минг т атрофида дизел ёқилғиси, 200 минг т яқин мазут, 70 минг т керосин, 7,5 минг т суюлтирилган газ ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, бир йилда ўртача 120-125 минг т пахта толаси, 200 т атрофида ипак толаси, 4,5-5,5 млн. кв. км гилам ва гилам маҳсулотлари, 25-35 минг т ўсимлик ёғи, 110 минг т ун, 40,0 минг т омухта ем ҳам олинади. Бу рақамлар ҳар йили об-ҳаво шароити ва бошқа сабабларга кўра ўзгариб туради.

Корхоналар миқёсида ёқилғини асосан Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи ва қисман "Газлинефтьгаз қазиб чиқариш" ширкат корхонаси; машинасозлик ва металлни қайта ишлашда таъмирлаш механика заводи "Трубодеталь"; "Бухоросозтаъмирсервис", "НЭМ" таъмир механика заводи; енгил саноатда "Бухоро бриллиант шилк"; "Ўзкарпет", "Рамстар", "Қоракўлтекс" қўшма

корхоналари; озиқ-овқат саноати корхоналари орасида энг каттаси Когон ёғ - экстракция заводи, шунингдек, Бухоро ёғ - экстракция заводи, "Евроснар" қўшма корхонаси ҳам етакчилик қилади. Айни вақтда 2009 йилдан бошлаб собиқ Бухоро тўқимачилик комбинати (ўз пайтида у улкан корхона ҳисобланган) - кейинчалик "Бухоротекс" номли корхона ўз фаолиятини тўхтатди.

Вилоятда юқоридагилардан ташқари "Халима бегим Омад", "Сис Бухоро сайилга", Олотда "Мергантекс", Когон ва Шофирконда тўқимачилик, "Бухорогипс", "Когонгипс" қўшма корхоналари, Бухоро ва Ғиждувонда "Накшбандий" ОАЖ тери маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар бор.

Ун ва ун маҳсулотларини Бухоро дон маҳсулотлари, Қоракўл ва Коган ун-дон комбинатлари беради. Пахта етиштирадиган қишлоқ туманлари марказларида пахта тозалаш заводлари жойлашган. Уларнинг энг катталари Ғиждувон ва Вобкент шаҳарларида қурилган. Арақ ва арақ маҳсулотларини "Шохруд" корхонаси беради. Қурилиш материалларининг асосий қисми Когон ва Бухоро туманларида ишлаб чиқарилади.

Ип газлама корхоналари Олот, Шофиркон, Қоракўлда, ўсимлик ёғи Коғонда, ёнилғи турлари Қоровулбозорда, пахта толаси Вобкент, Шофиркон, Ғиждувон, Қоракўл, Олотда, консерва заводи Вобкентда, қурилиш материаллари Когонда, қоракўл териси заводи Бухоро ва Ғиждувонда жойлашган. Шунингдек, Бухоро, Ғиждувон каби шаҳарларда маҳаллий саноат ва миллий ҳунармандчилик яхши ривожланган (зардўзлик, заргарлик, мисгарлик ва х.к.).

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркиби бир хил эмас; бу борада Бухоро ва Когон шаҳарларидан ташқари Қоровулбозор тумани кескин ажралиб туради. Масалан, 2000 йил якунлари бўйича, Бухоро шаҳри вилоят саноат маҳсулотининг 34,8 фоизини, Қоровулбозор тумани 34,5 ва Когон шаҳри 5,3 фоизини етиштириб беради. 2009 йилда биринчи ўринга Қоровулбозор чиқиб олган. У ҳозирда вилоят саноат маҳсулотининг 40,5 фоизини беради, Бухоро ҳиссасига 14,0 %, Когон шаҳрига 8,9 %, Ромитон туманига 7,0 %, Ғиждувонга 7,2 % тўғри келади. Саноат салоҳияти паст туманлар Вобкент ва Когон қишлоқ жойлари ҳисобланади (3.6-жадвал). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳам тахминан шундай манзарани кўриш мумкин. Жумладан, бу борада Қоровулбозор кескин ажралиб турса, Вобкент, Когон, Шофиркон, Жондор туманлари анча орқада туради.

Қишлоқ хўжалиги географияси. Бухоро вилояти республикамизнинг муҳим қишлоқ хўжалиги районларидан биридир. Бу ерда айникса пахта етиштириш, қоракўлчилик яхши ривожланган. Деҳқончилик жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 55,6 фоизини беради; фермер хўжаликлари эса ушбу маҳсулот ҳажмининг 28,5 фоизини таъминлайди.

Вилоятнинг чўллик хусусияти бу ерда "фойдали ер" коэффициентининг пастлигига сабаб бўлади. Масалан, жами 4023,5 минг гектар ердан 2539,4 минг гектари ёки 63,1 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга тўғри келади. Уларнинг катта кисми эса экстенсив чорвачиликка хизмат килувчи пичанзор ва яйловлардан иборат. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар улуши Вобкент, Ромитон, Ғиждувон туманларида нисбатан юқори, Қоракўлда эса уларнинг улуши 34,2 фоизга тенг, холос.

Интенсив қишлоқ хўжалиги, хусусан деҳқончиликни ривожлантиришда суғориладиган ерларнинг аҳамияти катта. Бундай ерлар вилоятда 2008 йилда 224,0 минг га ёки жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 8,8 фоизини ташкил қилади. Кўриниб турибдики, бу рақам ниҳоятда паст бўлиб, юқорида кайд этилган Бухоро вилоятининг энг муҳим чўллик хусусиятини исботлаб беради.

Суғориладиган ерлар воҳаларда, яъни Бухоро - Қоракўл воҳасида жойлашган. Бинобарин, уларнинг ҳиссаси Вобкент, Когон, Бухоро туманларида каттароқ. Энг кам суғориладиган ерлар туманларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларига нисбатан ҳисоблаганда Пешку, Жондор, Ғиждувон. Қоракўл ва бошка чўл туманларида қайд этилади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг атиги 7,8 фоизига экин экилади. Айни вақтда бу кўрсаткич Когон, Вобкент туманларида 64-80 фоизга етади. Пешкуда эса у бор-йўғи 2,0 %, Ғиждувонда 5,7 %, Қоракўлда 6,0 % ва ҳ.к.

Чўлда, албатта, яйлов ва пичанзорлар кўп бўлади. Шу боис, уларнинг ҳиссаси 91,2 фоизга баробардир. Айникса, бу кўрсаткич Пешку туманида юқори - 97,7 %, Вобкент ва Когонда эса у анча паст (3.4 - жадвал).

2000 йилда вилоятнинг жами экин майдони 240 минг га атрофида бўлган. Унинг 81 минг га ғалла, 120 минг га пахта, 16 минг га ем-хашак, 7 минг гектарига сабзавот экилган. Бир йилда ўртача

3.4 - жадвал

Бухоро вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

(2008 й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғорилади ган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Бухоро	132,1	53,4	22,7	35,3	5,9	1,3	57,5
Вобкент	29,2	23,1	20,2	79,9	6,9	0,3	18,8
Жондор	518,0	335,3	28,0	7,2	0,8	0,4	91,6
Когон	50,4	23,9	16,9	64,3	5,1	1,3	29,3
Олот	322,6	158,0	17,1	10,2	0,6	0,08	89,1
Пешку	872,2	803,7	18,5	2,0	0,2	0,04	97,7
Ромитон	245,1	240,8	22,9	8,4	0,8	0,3	90,5
Шофиркон	371,9	175,5	23,0	11,2	1,4	0,5	86,9
Қоракўл	868,5	297,1	19,5	6,0	0,5	0,07	93,4
Қоровулбозор	219,6	130,6	15,1	10,7	0,1	0,7	88,4
Ғиждувон	394,7	297,9	20,0	5,7	0,7	0,3	93,3
Вилоят бўйича	4023,5	2539,4	224,0	7,8	0,8	0,3	91,2

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана" – Ташкент, 2008.

330-350 минг т ғалла, 350-400 минг т пахта, 150 минг тонна турли хил сабзавотлар олинган; ҳосилдорлик ғалла етиштиришда 40,3 ц, пахтада 27,3 ц/га ташкил қилган. Шунингдек, бир йилда 180-190 минг дона қоракўл териси, 2200 тонна пилла тайёрланган.

2009 йилда эса вазият қуйидагича: жами экин майдонлари 242,9 минг га, унинг 200 минг гектари фермер хўжаликларига берилган. Донли экинлар (асосан буғдой) майдони 93 минг га, ялпи ҳосил 615 минг тонна, ҳосилдорлик 59,8 ц/га. Шундан буғдой 541,7 минг т , ҳосилдорлик 58,9 ц/га. Пахта майдони 110 минг га, ялпи ҳосил 2009 йилда 314,6 минг тонна, ҳосилдорлик 28,6 ц/га тенг бўлган. Демак, кўриниб турибдики, сўнгги яқин 10 йил мабойнида жами экин майдонлари кам ўзгарган, ғаллага кўпроқ ер ажратилган, пахта майдони эса бироз қисқарган; ҳосилдорлик ғалла ва пахта етиштиришда ошган (3.1-расм).

Вилоятда картошка етиштириш унча ривожланмаган. Бу экинга 3,5 минг га ер ажратилиб, ундан 100 минг тоннадан кўпроқ ҳосил олинган. Сабзавот майдони эса 8,1 минг га, ялпи ҳосил 315 минг тонна. Уларнинг асосий қисми деҳқон хўжаликларида етиштирилади. Ем-хашак экинларининг умумий майдони 26 минг га ёки жами экин майдонларининг 10,3 фоизини ташкил қилади. Мевазорлар 10,7 минг га (132 минг тонна), узум - 9,7 минг га.

3.1 – расм

Бухоро вилояти экин майдони



1.01.2010 йил ҳолатига йирик шохли қорамоллар сони 827,4 минг бош, қўй ва эчкилар 1450,3 минг бош бўлган. 2000 йилга қараганда бу чорва молларининг сони анча кўпайган. Масалан, ўша йилда йирик шохли қорамоллар 430 минг, қўй ва эчкилар 840 минг бош бўлган (бу борада Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятлари билан бирга республикамизда ажралиб туради).

3.5 - жадвал

Бухоро вилояти қишлоқ хўжалигининг ҳудудий таркиби
(2009 й., жамига нисбатан фоизда)

т/р	Ҳудудлар	бошоқли дон	сабзавот	картошка	гўшт	сут	мева	узум	йирик шохли корамоллар	қўй ва эчкилар	тухум	парранда
1	Бухоро ш.	0,5	3,8	0,7	6,2	3,6	1,2	1,2	2,0	1,2	1,2	0,8
2	Когон ш.	0,0	0,7	2,4	3,0	0,9	0,0	0,0	2,1	1,3	1,0	0,8
	туманлар:											
1	Бухоро	8,9	12,5	14,2	9,4	11,7	10,8	22,8	9,9	6,7	6,8	10,1
2	Вобкент	11,2	7,2	8,3	7,2	10,0	16,8	8,3	8,5	4,1	5,6	7,2
3	Жондор	9,7	13,0	13,9	9,3	10,5	14,5	11,4	10,0	13,9	4,6	8,3
4	Когон	6,0	3,8	9,6	9,7	4,8	2,5	2,6	6,5	4,0	40,6	29,6
5	Олот	9,1	7,4	13,2	6,3	7,0	4,8	5,0	8,1	9,1	5,1	4,7
6	Пешку	8,4	11,5	12,6	7,3	8,8	12,8	8,0	8,5	10,7	4,3	3,3
7	Ромитон	8,2	7,0	2,7	8,8	9,4	7,4	5,1	8,6	8,2	4,3	4,8
8	Шофиркон	9,7	7,6	5,7	8,9	11,2	7,7	13,6	8,9	9,1	4,9	4,9
9	Қоракўл	10,7	12,5	5,5	10,5	11,0	8,9	11,5	14,2	14,1	14,4	11,2
10	Қоровулбозор	5,9	2,5	0,9	2,2	1,1	0,7	0,6	1,1	6,2	0,3	0,7
11	Ғиждувон	11,7	10,5	10,3	11,2	11,4	12,3	9,6	11,6	11,4	6,9	13,6
	Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

2009 йилда гўшт (тирик вазнда) 132.2 минг тонна, сут 507,3 минг т, тухум 162,7 млн. дона, жун 2715 т, қоракўл териси 333 минг дона, пилла 2885 т ҳажмида олинган. Бу рақамлар 2000 йилга солиштирилса, чорвачилик соҳасининг ҳам сўнгги йилларда анча ривожланганлигини кўриш мумкин.

Бевосита агроиқтисодиётга келсак, бунда Бухоро, Ғиждувон, Қоракўл ва Жондор туманларининг вилоят қишлоқ хўжалигида юқори ўринларни эгаллашининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг ҳар бирини улуши 10 - 11 фоизга тенг, энг кам кўрсаткич Қоровулбозор туманига тегишли (3.6-жадвал). Жон бошига ҳисоблаганда эса бироз ўзгача ҳолатлар кўзга ташланади. Масалан, бу кўрсаткичлар Когон, Пешку, Олот ва Қоравулбозор туманларида юқори (Қоровулбозорда атиги 14,2 минг аҳоли бор), Шофиркон, Ғиждувонда пастрок даражага эга.

3.5-жадвалда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудий таркиби келтирилган. Унинг тахлилига кўра, бошоқли дон етиштириш Ғиждувон, Вобкент ва Қоракўл; боғдорчиликда - Вобкент, Жондор, Пешку ва Ғиждувон; узумчиликда Бухоро ва Шофиркон; йирик шохли қорамоллар сони бўйича Қоракўл ва Жондор, қўй ва эчкилар сонида ҳам шу туманлар етакчилик қилади. Паррандачилик асосан Когон туманида, шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги Бухоро ва Вобкент туманларида ривожланган.

Бошка вилоятларда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам фермер хўжалигига катта эътибор қаратилади. 2009 йилда фермер хўжаликларининг умумий сони 15366 та бўлган ва уларга жами 806,7 минг ер ажратилган; ишчи ходимлар сони 111,5 минг киши. Ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 52,5 га ер ва 7,2 кишидан ишчи тўғри келади. Бу рақамлар минтақалар микёсида таққослаганда кўпроқ қўшни Навоий вилоятига яқин туради.

Фермер хўжаликлари вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 28,5 фоизини таъминлайди. Бу борада айниқса Қоровулбозор тумани олдинда - 61,9 %. Шунингдек, Ромитон, Пешку ва Вобкент туманларида ҳам уларнинг мавқеи катта. Айни пайтда Қоракўл ва Когон туманларида фермер хўжаликлари нисбатан суст ривожланган.

Ижтимоий соҳалар. Ҳар қандай ҳудуднинг тўлиқ, атрофлича (комплекс) ривожланиши ижтимоий соҳаларга ҳам боғлиқ, чунки шу соҳалар кишиларнинг ҳаёт кечириши, таълим, соғлиғини яхшилаш, дам олиши ва бўш вақтидан самарали фойдаланишга

қаратилган. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг етакчи, "постиндустриал" давлатларида айнан ижтимоий ёки нон ишлаб чиқариш тармоқлари, ахборот – технологиялар, туризм ва сервис хизматлари жадал ривожланиб бормоқда.

Бухоро вилоятида номоддий ишлаб чиқаришда жами банд аҳолининг 26,6 фоизи ёки 199,2 минг киши хизмат қилади. Бироқ ижтимоий соҳалар фақат шулар билан кифояланиб қолмайди, сабаби мазкур тармоқлар барчага, ёшу-қарига, баркамол авлодни тарбиялашга ва ҳатто моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганларга ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга, бу ерда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳам бор. Бинобарин, ҳар қандай мамлакат ёки унинг таркибий қисми – минтақалар сиёсатида ижтимоий мақсадлар устувор аҳамиятга эга.

Аҳоли, меҳнат ресурслари, улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш, турли хил хизматларни амалга ошириш кабилар ижтимоий ривожланиш доирасига киради. Масалан, 2009 йилда вилоятда 72,9 минг янги иш ўринлари яратилган, унинг 44,7 минги қишлоқ жойларга тўғри келади. Бу эса ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, "Қишлоқ" Давлат дастурини амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

2009 йилда аҳоли жон бошига вилоятда 595,1 минг сўм миқдорида чакана савдо айланмаси тўғри келган. Қишлоқ туманларидан Қоровулбозорда энг юқори кўрсаткич қайд этилади - 797,9 минг сўм. Ҳудудий таркибда эса, Бухоро шаҳрини ҳисобга олмаганда (чунки, у айни вақтда муҳим савдо маркази бўлганлиги сабабли, бу кўрсаткич юқори бўлиши мумкин), Ғиждувон тумани олдинда - 15,4 %.

Пуллик хизматлар ҳар бир кишига 178,0 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткич асосан вилоят марказида юқори, қишлоқ туманларида эса ўртача даражадан паст. Жумладан, Бухоро шаҳрига жами пуллик хизматлар ҳажмининг яқин ярми, Ғиждувон туманига унинг 11,3 фоизи тўғри келади. Айни вақтда бу соҳа Қоровулбозор, Когон, Олот туманларида камроқ ривожланган (3.6-жадвал).

Аҳолининг саломатлиги, уй-жой шароити кўп жиҳатдан табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминланганлигига боғлиқ. Айниқса, чўл шароитида сув масаласи ниҳоятда муҳимдир. Вилоятда

3.6 - жадвал

Бухоро вилояти ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг ҳудудий таркиби

(2009 й., жамига нисбатан фоизда)

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Халқ истеъмол моллари	Пудрат ишлари	Чакана савдо айланмаси	Пуллик хизматлар	Экспорт	Импорт
	Жами:	100	100	100	100	100	100	100	100
	шу жумладан:								
1	Бухоро ш	14,0	3,1	27,2	23,4	46,9	48,0	10,6	45,8
2	Когон ш	8,9	1,3	7,9	10,6	4,2	3,3	8,6	0,5
	туманлар:								
1	Бухоро	3,6	11,0	1,0	6,4	4,3	6,0	7,7	2,8
2	Вобкент	0,9	8,8	1,1	3,3	5,9	4,3	0,1	0,9
3	Жондор	3,7	10,7	2,5	4,0	3,2	4,8	8,4	0,9
4	Когон	1,3	7,1	1,1	15,0	1,3	2,7	0,1	1,6
5	Олот	2,6	7,6	0,8	2,0	2,4	2,9	5,8	0,2
6	Пешку	3,0	9,1	0,4	2,4	2,4	3,2	7,1	1,0
7	Ромитон	7,4	8,4	1,3	5,7	5,0	4,8	8,1	1,6
8	Шофиркон	2,9	9,0	0,7	3,9	3,6	2,7	6,5	1,0
9	Қоракўл	4,1	10,3	4,0	3,0	4,2	4,3	8,8	2,6
10	Қоровулбозор	40,5	2,6	47,7	11,7	1,2	0,8	15,1	29,0
11	Ғиждувон	7,2	11,0	4,2	8,5	15,4	11,3	12,2	0,8

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

марказлашган сув тармоғи билан 83,9 % аҳоли таъминланган. Бу кўрсаткич Қоровулбозор туманида 100 фоиз бўлгани ҳолда, у Қоракўлда атиги 30,7 %, Жондор, Олот, Ғиждувон туманларида эса 50 фоиз атрофида. Мазкур ҳолат, хусусан, ушбу туманларнинг чўл ҳудудларида ночор. Табиийки, бу, ўз навбатида, носоғлом нозогеографик вазиятни ҳам келтириб чиқаради.

Маълумки, қадимдан Бухорога хос эндемик касалликлар айнан сув муаммоси орқали келиб чиққан (безгак, тери касалликлари ва б.). Шунинг учун ҳам вилоятда ҳовуз маданияти, сардобаларни қуриш азалдан ривожланган бўлган[1].

Табиий газ билан таъминланиш ўртача 98,1 % ва бу кўрсаткич, умуман олганда, ёмон эмас. Қолаверса, Бухоро шаҳри ва тумани, Қоровулбозор ва Ғиждувонда у 100 %. Бироқ, Олот ва қисман Шофиркон туманларида табиий газ билан барча хонадонлар ҳам бундай имкониятларга эга эмас (78 ва 86 %). Вилоятда уй-жой ҳар бир кишига 2009 йилда 14,6 кв. метрдан тўғри келган. Шофиркон туманида бу кўрсаткич 17,6, Қоракўлда 16,6, Ромитонда 16,2 $м^2$ га тенг бўлса, Вобкент ва Ғиждувонда у пастроқ 12,4 ва 12,2 кв. км.

Аҳолига жами 70 та тиббиёт муассасалари хизмат кўрсатади, бемор ўринлари ҳар 10 минг кишига 46 та. Шу жумладан, Қоровулбозорда у 56,7. Бухоро шаҳрида 121,5, Когон шаҳрида 64,4 тани ташкил қилади. Қолган ҳудудларда касалхона ўринлари билан таъминланиши бироз паст: Вобкентда 20,2, Жондорда 25,2, Пешкуда 25,4 ва ҳ.к. Албатта, дунёга тиббиёт илмининг машҳур намояндаси - Абу Али ибн Синони берган (Авицена) бу ҳудуд учун бундай вазиятни ижобий баҳолаб бўлмайди[2]. Вилоятда ҳар минг кишига 2,7 та врач, 11,9 нафар ўрта медицина ходимлари хизмат кўрсатишади. Ҳар 100 минг кишига тўғри келадиган касалланиш (яъни поликлиникага мурожаат қилганлар) 65170 кишига тенг. Қоровулбозор, Шофиркон, Бухоро туманларида бу кўрсаткич пастроқ, ваҳоланки, айнан Қоровулбозор туманида сил касалликлари нисбатан кўп учрайди.

Қишлоқ врачлик пунктлари ҳаммаси бўлиб 343 та ёки ҳар бир туманга 31,2 тадан. Агар вилоятда жами 1468 та қишлоқ аҳоли

---

[1] Самарканд, энг аввало, унинг Регистони билан тасаввур қилинса, Бухорои шариф эса кўпроқ ўзининг Минораи калон, Лаби ҳовузи билан, унинг ёнида турган Насриддин Афандиси билан машҳурдир.

[2] Абу Али ибн Сино 980 йилда ҳозирги Пешку туманида таваллуд топган.

пункти мавжудлиги эътиборга олинса, вазият ўз-ўзидан маълум бўлади. Шу нуқтаи назардан, таълим географияси, халқ таълими муассасаларининг ҳудудий ташкил этилишида ҳам шундай муаммолар мавжуд.

Бухоро вилоятида 2009 йилда жами 423 та доимий мактабгача тарбия муассасалари қайд этилган бўлиб, уларда 18,2 % богча ёшигача бўлган болалар камраб олинган. Умумтаълим мактаблари 542 та, уларнинг ҳар бирида ўртача 516 нафардан ўқувчи бор. Бу рақам ҳам унча катта ҳисобланмайди, хусусан "ичкарида", чўл ҳудудларда жойлашган мактабларда ўқувчилар сони жуда озчиликни ташкил қилади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, малакали ишчи кадрларни тайёрлашда касб-ҳунар коллежларининг ўрни катта. Бухоро вилоятида уларнинг сони 80 та, талабалар 73610 киши. Академик лицейлар 8 та, талабалар сони 4273 киши (2009/2010 ўқув йили). Юқори малакали кадрларни вилоятдаги мавжуд 3 та, жумладан, Бухоро давлат университети тайёрлаб беради. Олий таълим тизимида 14381 нафар талаба таълим олади.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг аҳамияти катта. Бухоро шаҳри ва вилоятнинг бошқа туристик марказлари республикамизда Самарқанд, Хива, Тошкент каби маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига жалб этади. Хусусан, Бухоро шаҳрида Арк, Лаби Ҳовуз, Минораи Калон, Сомонийлар мақбараси, вилоят маркази яқинида жойлашган Баҳовиддин Нақшбандий, Ситорои - Моҳи Хосса, Ғиждувон шаҳридаги Абдухолиқ Ғиждувоний мақбараси, шунингдек Вобкент, Ромитон ва бошқа туманлардаги қадамжо ва зиёратгоҳлар туризмни ривожлантиришнинг асосий объектлари саналади.

Кенгроқ географик нуқтаи назардан қаралганда, умуман Зарафшон водийси ўзининг тарихи, шаҳар ва бошқа қадамжолари билан умумий бир туристик районни ҳосил қилади. Қизиғи шундаки, бу районнинг икки асосий маркази Бухоро ва Самарқандни республикамиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан қайта тикланган Имом Бухорий мажмуаси боғлаб туради[1].

---

[1] Имом Бухорий ҳозирги Пойарик туманида таваллуд топиб, Бухорода ўқиган. Ғиждувонлик Садриддин Айний эса ўз меҳнат фаолиятини, ижодини Самарқандда бошлаган.

Ҳозирги вақтда вилоятда 65 та туристларни жойлаштирувчи тармоқлар, шу жумладан 51 та меҳмонхоналар мавжуд, уларда ўринлар сони 2226 та. Бу соҳада хусусий сектор ҳам шаклланиб бормоқда. 2009 йилда жами 126,8 минг сайёҳларга хизмат кўрсатилган, уларнинг 97,9 минг нафари хорижий туристлар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоятнинг туристик имкониятларидан ҳозирча тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бунинг учун бу ерда замонавий туристик индустрия ва инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ жойлар туризм имкониятларини ҳам ишга солиш, тарғиб ва ташфиқ қилиш керак. Бухоро қадимдан ўзининг парварда ва бошқа ширинликлари, миллий таомлари, спорт турлари, санъаткор ва ҳазилчилари билан машҳур. Бу эса, ўз навбатида, туризмни ривожлантиришга ҳам ёрдам беради.

Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари. Одатда, катта ҳудудларга эга бўлган минтақаларда, хусусан уларнинг ички қисмларида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари долзарб бўлади. Бундан Бухоро вилояти ҳам мустасно эмас.

Вилоятнинг асосий транспорт йўллари унинг воҳа қисмидан ўтган. Бу ерда Бухоро - Туркманобод (аввалги Чоржўй), Бухоро - Қарши темир йўллари ўтган, Бухоро шаҳри республика пойтахти - Тошкент шаҳри ўртасида тезюрар электропоезд қатнови йўлга қўйилган. Вилоятда қатор темир йўл бекатлари мавжуд, уларнинг энг каттаси ва қадимийси "поезд гудоги билан туғилган" Когон (Янги Бухоро) ҳисобланади. Ҳозирги кунда у муҳим транспорт тугуни вазифасини ўтайди. Шунингдек, Қоракўл, Олот бекатлари ҳам мавжуд, бироқ Навоий – Учқудуқ - Нукус темир йўлининг ишга туширилиши муносабати билан бу бекатларнинг аҳамияти бироз пасайди.

Бухоро (Коғон) – Самарқанд – Қарши "учбурчагида" Бухоро шаҳри ҳам ўзига хос мавқега эга. Тошгузор – Бойсун - Қумқўрғон йўлининг ишга туширилиши Бухоро – Қарши - Термиз "йўлагининг" шаклланиши ва ривожланишига имкон беради. Айни вақтда Бухоро – Газли - Нукус автомобил йўли – Катта Ўзбек трактининг ҳам аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда қабул қилинган "Ўзбекистон Миллий автомагистрали" Давлат дастури доирасида бу трактда таъмирлаш ва кенгайтириш, йўл бўйи инфратузилма, сервис соҳасини ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. 2009 йилда вилоятда жами 37309,4 минг

тонна юк ва 231764,1 минг йўловчи ташилган. Ички микёсда уларнинг барчасини автомобил транспорти амалга оширган.

Кўрилаётган йилда ташки савдо айланмаси 334,7 млн. АҚШ долларига, шу жумладан, экспорт 202,5 ва импорт 132,2 минг долларга тенг бўлган. Экспорт таркибида пахта толаси 78,2 фоизни ташкил қилади. Сўнгги йилларда хизматлар, энергия ресурслари, қурилиш материалларининг ҳиссалари ҳам ошиб бормоқда.

Импортда асосий ўринларни машина ва ускуналар (35,1 %), озик-овқат маҳсулотлари (30,5 %) етакчилик қилади. Агар машина ва замонавий технологияларни сотиб олиш келажак нуқтаи назаридан ижобий баҳоланса, озик-овкат маҳсулотларининг бу даражадаги импортини, ҳозирги республикамизда олиб борилаётган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури нуқтаи назаридан бундай баҳолаш мумкин эмас. Демак, вилоятда халқ истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқаришга эътибор бермоқ зарур.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий қисми, яъни экспортнинг 88,2 % ва импортнинг 32,3 фоизи "Узоқ хориж" мамлакатлари билан олиб борилади. Бу борада сўнгги йилларда Эрон, Хитой ва Афғонистон, МДҲ мамлакатларидан Россия устуворлик қилади. Ички ҳудудий таркибда Бухоро шаҳри ва Қоровулбозор вилоят ташқи савдосида етакчилик қилади. Улар вилоят жами ташқи савдо айланмасининг 46,3 фоизини таъминлайди. Шунингдек, Ғиждувон ҳамда Қоракўл туманларининг ҳам аҳамияти катта. Экспортда биринчи ўринда Қоровулбозор, иккинчида Бухоро шаҳри, учинчида Қоракўл, тўртинчида Жондор ва бешинчи ўринда Когон шаҳри туради (3.6-жадвал). Айни пайтда Вобкент, Когон туманларининг экспорт салоҳияти анча паст. Инвестиция муҳити ҳам Бухоро шаҳри ва Қоровулбозорда нисбатан яхшироқ. Келажакда вилоятнинг барча қишлоқ туманларида инвестиция муҳитини яхшилаш, инвестициялардан самарали фойдаланиш, қўшма корхоналар сони ва географиясини кенгайтириш зарур.

Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг ҳудудий тафовутлари. Чўл шароитида ички иқтисодий районлаштириш жуда қийин илмий масала ҳисобланади. Сабаби, иқтисодий салоҳият маъмурий бўлинишга бўйсунмаган ҳолда асосан вилоятнинг воҳа қисмида, яъни Бухоро - Қоракўл воҳасида жойлашган. Бунда Бухоро, Когон, Ғиждувон, Қоракўл каби шаҳарларнинг аҳамияти катта, "ресурс" шаҳарлар – Газли ва Зафаробод тор ихтисослашув хусусиятига эга.

3.7 - жадвал

Бухоро вилояти қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индекслари

(2009 й.)

т/р	Шахар ва туманлар номи	Саноат махсулоти	Қишлоқ хўжалик махсулоти	Х И М	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо айланмаси	Пуллик хизматлар
	Жами:	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
1	Бухоро ш	0,843	0,184	0,770	0,255	1,410	2,832	2,889
2	Когон ш	2,590	0,380	1,282	0,640	3,107	1,240	0,921
	туманлар:							
1	Бухоро	0,449	1,376	0,449	0,096	0,804	0,533	0,757
2	Вобкент	0,128	1,238	0,128	0,124	0,464	0,833	0,614
3	Жондор	0,428	1,252	0,427	0,082	0,466	0,370	0,561
4	Когон	0,350	1,881	0,350	0,334	3,954	0,333	0,716
5	Олот	0,518	1,508	0,519	1,270	0,402	0,483	0,582
6	Пешку	0,490	1,501	0,490	0,079	0,039	0,394	0,529
7	Ромитон	1,021	1,158	0,998	0,741	0,793	0,692	0,665
8	Шофиркон	0,321	0,983	0,322	0,071	0,425	0,395	0,433
9	Қоракўл	0,492	1,256	0,494	0,097	0,361	0,518	0,499
10	Қоровулбозор	45,992	2,922	46,777	4,470	13,322	1,341	0,886
11	Ғиждувон	0,450	0,691	0,451	0,126	0,531	0,921	0,713

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Вилоятнинг "ўсиш қутби" сифатида Қоровулбозор шаҳрини кўрсатиш мумкин. Умуман олганда эса, қишлоқ туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бир-биридан катта фарқ қилади (3.7-жадвал). Саноат ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича Қоровулбозор ва Ромитон туманлари етакчи ўринларда турса, баъзи қишлоқ туманларининг (Вобкент, Шофиркон, Когон) бу борадаги улушлари жуда паст. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича деярли барча туманлар (Шофиркон, Ғиждувондан ташқари) юқори кўрсаткичларга эга. Шунингдек, вилоятга киритилаётган инвестициянинг асосий қисми иккита туман Қоровулбозор ва Олот туманларида катта ҳажмдалигини кўриш мумкин. Ижтимоий соҳалар бўйича Бухоро ва Когон шаҳарларидан ташқари фақат Қоровулбозор туманининг улуши юқорироқ.

Истикболда вилоятда сигил ва озиқ-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноати ривожланиб боради. Шу билан бирга олиб борилаётган геологик - қидирув ишлари нефть-газ саноати ривожланишига ҳам ёрдам беради. Бунга мавжуд юксак инвестицион салоҳият ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожланиши ва ҳудудий ташкил этишда, хусусан чўл ҳудудларга катта аҳамият қаратилади. Бу эса яқин йилларда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилиб борилади. Бу борада таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари айниқса муҳим ҳисобланади.

Тўртинчи боб. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах вилояти Ўзбекистон Республикаси таркибида дастлаб 29 декабр 1973 йилда ташкил этилган ва у 6 сентябр 1988 йилда қўшни вилоятлар таркибига киритилган. Ҳозирги ҳолатда эса Жиззах вилояти 16 февраль 1990 йилда қайта тикланган.

Вилоят ўзининг майдонига кўра, мамлакатимизда ўрта мавқени эгаллайди (республикада 13 та маъмурий минтақаларнинг ҳар бирига ўртача 34,5 минг кв км ер тўғри келади). Унинг ҳудуди 21,2 минг кв км бўлиб, бу борада Сурхондарё вилояти билан деярли тенгдош ҳисобланади. Ўзбекистонга нисбатан вилоят майдони 4,7

фоизга баробар ҳолда бу ерда, 2010 йил дастлабки маълумотларга қараганда 1123 минг ёки мамлакатимиз аҳолисининг 4,0 фоиз аҳолиси яшайди. Бу икки нисбий рақамларнинг қиёсий таҳлили Жиззах вилоятида аҳоли жойлашуви республика ўртача кўрсаткичидан бироз пастлигидан гувоҳлик беради. Дарҳақиқат, вилоят аҳолисининг зичлиги 1 кв. км га - 53 киши, мамлакатимизда эса - 62 киши.

Маъмурий жиҳатдан, Жиззах вилояти 12 та қишлоқ туманидан иборат. Уларнинг энг каттаси Фориш тумани ҳисобланади - 9,8 минг кв. км ёки вилоят ҳудудининг 46,2 %, энг кичик майдон эса Зафаробод туманида қайд этилади - 0,33 минг кв. км. Шундай қилиб, вилоят ҳудудининг географийлик коэффициенти, яъни энг катта майдонга эга бўлган туманнинг энг кичигига нисбати 29,7 га баробар.

4.1-жадвал

Жиззах вилояти қишлоқ туманлари ҳақида баъзи бир маълумотлар

г/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган санаси	Майдони, минг кв км	Маъмурий маркази	Аҳолиси (2010 й)	
					Минг киши	Зичлиги, 1 кв км, киши
1	Арнасой	26.12.1975	0,49	Ғолиблар ш-ча	39,1	79,8
2	Бахмал	31.08.1971	1,86	Ўсмат ш-ча	125,6	67,5
3	Дўстлик	16.10.1970	0,45	Дўстлик ш.	55,1	122,4
4	Жиззах	29.09.1926	1,32	Учтепа ш-ча	171,5	129,9
5	Зарбдор	04.12.1973	0,51	Зарбдор ш-ча	53,8	105,5
6	Зафаробод	12.07.1973	0,33	Зафарабод ш-ча	42,2	127,8
7	Зомин	29.09.1926	2,87	Зомин ш-ча	139,0	48,4
8	Мирзачўл	09.01.1967	0,43	Гагарин ш.	41,5	96,5
9	Пахтакор	09.01.1967	0,38	Пахтакор ш.	62,4	164,2
10	Фориш	09.12.1935	9,81	Янгикишлоқ ш-ча	77,1	7,8
11	Ғаллаорол	22.02.1964	1,95	Ғаллаорол ш.	139,1	71,3
12	Янгиобод	15.04.1999	0,72	Баландчақир ш-ча	24,2	33,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Вилоят қишлоқ туманларининг дастлабкиси Жиззах ва Зомин, энг сўнггиси Янгиобод тумани бўлиб, у 1999 йилда қўшни Сирдарё вилоятининг туташ ҳудуди ҳисобидан ташкил этилган. Жиззах вилояти мамлакат ҳудудий меҳнат тақсимотида пахта, полиз, ғалла ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш, чорвачиликнинг жун

ва гўшт йўналишлари билан ажралиб туради. Саноатида тоғ-кон, енгил ва озиқ-овқат тармоқлари республика аҳамиятига эга.

Географик ўрни ва табиий ресурс салоҳияти. Жиззах вилояти Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида жойлашганлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга минтақанинг геосиёсий ўрни ҳам ўзига хос: вилоят шимолда Қозоғистон, жануби-шарқда Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Кўриниб турибдики, Жиззах вилояти географик ўрнининг "марказийлиги" ва трансчегаравийлиги унинг тарихий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Жумладан, Жиззах шаҳрининг Ўрта Осиёнинг қадимий марказлари - Самарқанд, Тошкент, Хўжанд ва Ўратепа оралиғида, Буюк Ипак йўлида ўрнашганлиги ҳам ҳозирги вилоят маркази шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини белгилаб беради.

Ҳудудининг шимолий, шимоли-ғарб ва жанубий қисмлари тоғликлардан, ўрта қисми пасттекисликлардан иборат. Бу ерда Нурота, Писталитоғ, Туркистон, Ғобдинтов тоғлари бор; энг баланд чўққилари Бозорхоним (3401 м, Бахмал туманида) ва Шавкартов (4029 м, Зомин туманининг чекка жанубида). Тоғ ва тоғ олди ҳудудларда Нурота тоғ - ёнғоқ, Зомин тоғ - арча давлат қўриқхоналари ҳамда Зомин халқ боғи ташкил этилган.

Вилоятнинг ҳар хил ландшафт турларига бойлиги табиий ҳолда ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланишида асосий омил бўлган ва шунга мос ҳолда табиий - хўжалик тармоқлари шаклланган. Тоғ ва тоғ-олди ҳудудларида чорвачилик, боғдорчилик, асаларичилик, лалмикор деҳқончилик, рекреация ва туризм ривожланган, текислик қисми эса эски ва янги ўзлаштирилган, кўпроқ пахта экиладиган ҳудудлардан иборат.

Минтақада турли хил қазилма бойликлар ҳам бор. Улар жумласига олтин, вольфрам, қўрғошин, рух, молибден, оҳак, гранит, мармар кабилар киради. Қўйтошнинг вольфрам, Маржонбулоқнинг олтин, Учқулочнинг қўрғошин - рух конлари саноат ишлаб чиқаришида катта аҳамиятга эга.

Иқлими континентал, асосий гидрографик шахобчаси Санг-зор дарёси бўлиб, у суғорма деҳқончиликда фойдаланилади. Шимолда жойлашган Айдаркўл ва Арнасой кўллари баликчиликни ривожлантиришга имкон беради. Туркистон, Нурота, Писталитоғ, Ғўбдин каби тоғ тизмалари ўзига хос ландшафт турларини шакллантирган.

1976 йилда Зомин туманида якин 50 минг гектарни эгаллаган Миллий боғ (парк) ташкил этилган. Шу ҳудудда Зомин кўрикхонаси ҳам мавжуд. Умуман олганда, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш туманларида рекреация ресурслари кўп ва бу ерда экотуризм учун ҳам шароитлар кулай. Ушбу ҳудудларнинг ёзи нисбатан салқинроқ, намгарчилик эса табиий ҳолда лалмикор деҳкончиликни, хусусан буғдой етиштиришга қулайлик яратади.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари географияси. Вилоят аҳолиси 2010 йил маълумотига биноан 1123 минг киши, унинг ярмидан кўпроғи, яъни 52 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади. Мамлакатимизда ўзининг демографик салоҳияти бўйича охирги ўринларнинг бирини эгаллайди (Навоий ва Сирдарё вилоятларидан олдинда, холос). Зичлик 1 кв. км га 53 киши.

Вилоят аҳолисининг ўсиш суръати ҳам республика ўртача даражаси атрофида. Аҳолининг табиий кўпайиши бўйича Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан кейинги, тахминан Хоразм, Наманган ва Бухоро вилоятлари билан бир қаторда туради. 4.2-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги 9 йил мабойнида вилоят аҳолиси 113 фоизга ўсган ҳолда, ўртача бир йиллик кўпайиш 1,40 фоизга тенг бўлган.

4.2-жадвал

Жиззах вилояти аҳолисининг ўсиши ва ҳудудий таркиби.

т/р	Ҳудудлар	Аҳолиси, минг киши		Ўсиши, %	Ўртача бир йиллик кўпайиш, %
		2001й.	2010 й.		
1	Арнасой	38,4	39,1	101,8	0,20
2	Бахмал	102,1	125,6	123,0	2,55
3	Дўстлик	49,5	55,1	132,8	3,20
4	Жиззах	142,3	171,5	120,5	2,10
5	Зарбдор	46,4	53,8	115,9	1,65
6	Зафаробод	40,7	42,2	103,7	0,40
7	Зомин	120,0	139,0	115,8	1,65
8	Мирзачўл	-	41,5	84,5	-1,85
9	Пахтакор	50,2	62,4	111,0	1,15
10	Фориш	72,5	77,1	106,3	0,70
11	Ғаллаорол	119,8	139,1	116,1	1,50
12	Янгиобод	21,5	24,2	112,6	1,35
	Жиззах шаҳри	132,5	146,7	110,7	1,15
	Жами вилоят бўйича	991,0	1123,2	113,3	1,40

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Энг юқори кўрсаткич Дўстлик ва Жиззах туманида кўзга ташланади, бу ҳолат уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Арнасой, Зафаробод ва Фориш туманларида демографик ривожланиш суст роқ, Мирзачўл туманида эса аҳоли сони камайган.

Демографик хусусиятлар ўз навбатида аҳолининг табиий ҳамда механик ҳаракати туфайли юзага келган. Вилоятда туғилиш ва табиий кўпайиш кўрсаткичлари юқори. Жиззах вилояти аҳолиси йилига, масалан 2008 йилда 19,5 минг кишига ёки 1,8 фоизга кўпайган. Бундай кўпайиш тўлиқ табиий ҳаракат натижасида юзага келган, миграция алоқалари эса салбий натижаларга эга бўлиб, табиий кўпайиш бу манфий қолдиғини тўлдирибгина қолмай, умумий аҳоли ўсишини ҳам таъминлаган. 2009 йилда вилоят аҳолисининг табиий кўпайиши 22,9 минг кишидан иборат бўлган, миграция қолдиғи эса минус 3786 киши. Шу йилда ташқаридан кўчиб келганлар 6618 киши, кўчиб кетганлар 10404 киши (Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари).

4.3-жадвал

Жиззах вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати

(ҳар минг кишига нисбатан, 2009 й.)

т/р	Ҳудудлар	Табиий ҳаракат			Механик ҳаракат		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция сальдоси
1	Арнасой	23,6	2,6	21,0	10,1	18,0	-7,9
2	Бахмал	29,0	4,7	24,3	3,6	5,3	-1,7
3	Дўстлик	24,7	3,1	21,7	10,6	12,9	-2,3
4	Жиззах	28,0	3,9	24,1	5,9	5,3	0,6
5	Зарбдор	25,9	3,5	22,4	6,4	8,4	-2,0
6	Зафаробод	24,1	3,1	21,0	5,7	18,5	-12,8
7	Зомин	24,2	4,1	20,1	1,8	3,5	-1,7
8	Мирзачўл	21,7	4,2	17,5	23,4	48,4	-25,0
9	Пахтакор	23,3	3,7	19,6	4,5	9,2	-4,7
10	Фориш	25,1	4,2	20,9	5,4	17,2	-5,8
11	Ғаллаорол	23,7	4,7	19,0	3,9	4,6	-0,7
12	Янгиобод	23,5	4,5	19,0	3,2	7,9	-4,5
	Жиззах шаҳри	31,0	4,7	26,3	7,1	9,6	-2,5

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ҳар минг кишига ҳисоблаганда, туғилиш вилоят бўйича 27,3 кишини, вафот этганлар 4,4 кишини ташкил қилган. 4.3-жадвал маълумотлари кўрсатишича, туғилиш ва табиий кўпайишнинг юқори даражалари Бахмал ва Жиззах туманларида қайд этилади. Қизиғи шундаки, энг юқори туғилиш вилоят маркази - Жиззах шаҳрида кўзга ташланади. Бу эса ҳозирги замон урбанизацияси нуқтаи назаридан кутилмаган ҳолатдир.

Ўлим кўрсаткичлари Зафаробод, Дўстлик ва Арнасой туманларида қолган ҳудудларга нисбатан пастроқ. Табиий кўпайиш эса, ўлим географиясида унча катта тафовут бўлмаганлиги сабабли, асосан туғилиш даражаси билан белгиланади. Вилоятнинг нозогеографик вазияти ҳам ўзига хос; бу ерда, хусусан. Бахмал, Ғаллаорол туманларида тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси пастлиги туфайли турли хил юқумли касалликлар бироз кўп.

Жиззах вилоятида миграция жараёнлари анъанавий хусусиятга эга. Даставвал, ўтган асрнинг 60-70 йилларида Мирзачўл дашгини ўзлаштириш муносабати билан бу ерга республикамизнинг бошқа вилоятларидан, айниқса кўпни Самарқанд вилоятининг Жомбой, Пойариқ, Булунғур, Пастдарғом туманларидан кўплаб аҳоли кўчиб келган. Сўнгги йилларда эса миграция окими тескари йўналишда кучайиб бормоқда. Хусусан, янги ўзлаштирилган ҳудудларда келганларга нисбатан кетганлар кўп.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2009 йилда вилоятнинг деярли барча қишлоқ туманлари ва Жиззах шаҳрида миграция интенсивлиги юқори бўлган ҳолда унинг натижаси манфий бўлган. Жумладан, Мирзачўл туманида ҳар минг кишига 23,4 киши келган, 48,4 киши кетган, миграция колдиғи эса 25,0 промиллга тенг бўлган. Ваҳоланки, бу туманда табиий кўпайиш 20,9 $\%_0$ ни ташкил қилган. Демак, ташқи миграция аҳоли табиий кўпайишини тўлиқ "олиб кетган" ва айни вақтда, аҳоли сонининг камайиб боришига ҳам сабаб бўлган.

Вилоятда 2009 йилда урбанизация даражаси 47,4% (республикада 51,7 %), бир йил олдин, яъни 2008 йилда эса у 29,2 фоиз бўлган. Аҳоли 6 та шаҳар 43 та шаҳарчаларда истиқомат қилади. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижросига биноан вилоятда 34 та қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақоми берилган. Жумладан, Жиззах туманида уларнинг сони 7 та: Жиззахлик, Гандумтош, Қораянтоқ, Токчилик, Мулкан-

лик, Кангли ва Учтепа; Бахмал туманида 6 та: Муғол, Новка - 1, Аламли, Тонготар, Оқтош ҳамда Бахмал; Ғаллаоролда 4 та: Абдукарим, Лалмикор, Чувиллок, Кангли - 1. Қолган туманларда бундай шаҳарчалар озроқ, Пахтакор ва Дўстлик туманларида эса атиги биттадан (Ғулзор ва Наврўз).

Янги шаҳарчалар орасида Ғолиблар (12,0 минг киши), Жиззахлик (15,9 минг), Токчилик (13,5 минг), Мулканлик (13,1 минг), Юксалиш (11,2 минг киши) аҳоли сони бўйича ажралиб туради. Умуман олганда эса, Жиззах шаҳридан ташкари колган шаҳар жойлар кўпроқ кичик синфларга тааллуқли. Бу ерда урбанистик таркибнинг ўрта бўғини ниҳоятда заиф: 50-100 минг аҳолига эга бўлган бирорта шаҳар йўқ, Пахтакор, Ғаллаорол, Даштобод шаҳарлари аҳолиси 20-25 минг атрофида.

Жиззах вилоятида 524 та қишлоқ аҳоли пунктлари бор. Янги шаҳарчалар пайдо бўлганлиги сабабли қолган қишлоқлар янада майдалашган; ҳар бир қишлоққа ўртача 1107 кишидан тўғри келади. Нисбатан йирикроқ қишлоклар Сангзор дарёси ҳамда Тошкент - Самарқанд автомагистрали бўйида, Жиззах шаҳри атрофи ва янги ўзлаштирилган жойларда учрайди.

2010 йил маълумотларига кўра, вилоятда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 614,1 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 387,7 минг, иқтисодиётда банд аҳоли 370,8 минг киши. 2009 йилда жами 43297 та янги иш ўринлари яратилган, уларнинг 77,3 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Бу ўринлар, асосан, чорвачилик ва касаначилик доирасида ташкил этилган.

Банд бўлган аҳолининг 2/3 қисми моддий ишлаб чикариш соҳасига мансуб. Саноатда банд бўлганлар улуши 7,8 %, курилишда 6,7 %, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида 8,0 %, транспорт ва алоқада 2.4 %. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг энг катта қисми қишлоқ ва ўрмон хўжалигида қайд этилади (35,7 %).

Аҳолининг миллий таркибида маҳаллий миллат вакиллари, яъни ўзбеклар кўпчиликни ташкил қилади (86,8 %). Шунингдек, бу ерда қозоқлар (Фориш, Арнасой, Мирзачўл) ва кирғизлар (Дўстлик, Бахмал, Зомин) ҳам бироз кўпрок. Бошқа миллат вакиллари тожик, рус, татарлардан иборат.

Хўжалиги. Жиззах вилояти ўзининг минтақавий иқтисодиёт тузилмасига кўра ривожланиб бораётган аграр-индустриал ҳудуд ҳисобланади. Унинг ҳиссасига республика ялпи ички маҳсулоти

кийматининг 2,5 фоизи, саноат ишлаб чиқаришининг 1,1, ҳалқ истеъмол молларининг 1,5, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 5,4, инвестиция ҳажмининг 1,8, қурилиш ишларининг 2,5, савдо айланмаси ва пуллик хизматнинг 2,5, экспортнинг 0,6 ва импортнинг 0,3 фоизи тўғри келади. Бу нисбий рақамлар вилоятнинг демографик салоҳияти билан таққослаганда (4,0 %) вазият янада ойдинлашади. Демак, айтиш мумкинки, 2009 йил натижаларига кўра, вилоятнинг фақат агроиқтисодиёт тизимида аҳвол бирмунча яхшироқ.

Вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти таркиби эса қуйидагича (2009 й.): саноат ишлаб чиқариши 6,5 %, қурилиш 8,0%, қишлоқ хўжалиги 39,7 %, транспорт ва алоқа 6,4 %, савдо ва умумий овқатланиш 5,4 %, солиқлар 5,9 %, бошқа соҳалар 10,9 %. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, саноат ишлаб чиқаришининг улуши бу йилда 2000 йилга нисбатан пасайган (19,9 %). Бу асосан бошқа тармоқларни устунроқ ўсиши натижасида юзага келган бўлиши мумкин.

Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 1085 минг сўмга, саноат маҳсулоти 314133 млн. сўмга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 687195 млн сўмга тенг. 2009 йилда барча асосий иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш кузатилади. Фақат халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва ташқи савдо айланмасининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган даражалари пасайган.

Кичик бизнес (тадбиркорлик) ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 73,8 фоизини таъминлаган бўлиб, бу соҳада иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 77,8 фоизи хизмат қилади. Унинг ҳиссасига 99,9 % қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, 89,7 %, қурилиш, 49,7 % савдо, 48,0 % пуллик хизматлар, 45,4 % асосий капиталга киритилган инвестициялар ва 37,4 % саноат маҳсулоти тўғри келади. Кичик бизнеснинг асосий қисми хусусий тадбиркорлар фаолиятидан иборат.

Саноати. Жиззах вилояти саноати унча ривожланмаган. Вилоятда жами саноат корхоналарининг сони 673 та, шу жумладан йирик саноат корхоналари 15 та. Бу макроиқтисодий соҳада 9,1 минг киши ишлайди.

Тармоқлар таркибида енгил ва озик-овқат саноати етакчилик қилади. Мазкур икки тармоқ вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 70,6 фоизини беради (4.1-расм). 2009 йилда 71,1 минг тонна пахта толаси, 112,2 минг т чигит, 7,7 минг т ўсимлик ёғи, 52,1 минг т ун, 36,9 минг т омухта ем, 183 минг дона аккумляторлар (2008 йилда 300 дона) ишлаб чиқарилган. Шунингдек, 20,4 минг т гўшт ва гўшт

маҳсулотлари, 24,2 минг т сут, 550 тонна бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам олинган.

Аккумуляторлар "Узэксайд" қўшма корхонасида, ун маҳсулотлари Жиззах ва Дўстлик шаҳарларида жойлашган дон маҳсулотлари комбинатлари, шунингдек, Ғаллаоролда ..... плёнка ва трубалар "Жиззахпластмасса" АЖда ишлаб чиқарилади. Пахтани қайта ишлаш заводлари пахта етиштиришга ихтисослашган қишлоқ туманлари марказларида жойлашган (Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл).

4.1-расм

Жиззах вилояти саноат тармоқлари таркиби (2009 й., фоизда)



Вилоят саноати аккумулятор, пластмасса маҳсулотлари, трикотаж буюмлар, оҳак, гипс, пахта ёғи, ун кабиларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Айни вақтда бу ерда электр энергетика базаси ниҳоятда суст ривожланган; электр энергиясини Сирдарё ИЭС дан олади.

Тоғ-кон саноати Қўйтош (вольфрам, молибден), Маржонбулоқ (олтин), Учқулоч (қўргошин, рух) ва бошқа "ресурс" шаҳарчаларда ташкил этилган. Кимё, ирригация ва мелиорация учун турли ҳажмдаги пластмасса трубалар, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қишлоқ ва йўл хўжалиги машиналарини таъмирлаш, аккумуляторлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Вилоятда қурилиш материаллари саноати ҳам бирмунча ривожланган (Жиззах, Даштобод, Ғаллаорол).

4.4-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатишича, Жиззах шаҳри вилоят саноати маҳсулотининг 1/4 қисмини ва Дўстлик тумани 22,0 фоизини таъминлайди. Бу соҳа Зомин, Пахтакор ва Жиззах туманларида ҳам кўзга кўринарли даражага

4.4-жадвал

Жиззах вилоятида асосий ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ҳудудий таркиби

(2009 й. жамига нисбатан фоизда)

т/р	Ҳудудлар	Саноат ишлаб чиқариш	ХИМ ишлаб чиқариш ҳажми	Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
1	Арнасой	0,9	2,0	5,4	1,2	1,8	2,5
2	Бахмал	3,1	6,0	13,9	9,1	7,4	5,7
3	Дўстлик	22,0	13,5	11,0	11,4	3,9	3,8
4	Жиззах	9,0	7,9	11,0	6,0	5,6	11,3
5	Зарбдор	5,2	3,0	6,8	3,6	2,5	3,7
6	Зафаробод	7,4	2,2	6,0	0,9	0,5	1,9
7	Зомин	9,6	6,3	11,0	7,7	10,7	6,3
8	Мирзачўл	1,8	2,4	6,3	1,2	2,5	2,8
9	Пахтакор	9,6	2,9	8,0	4,9	6,0	3,5
10	Фориш	3,1	3,8	5,4	3,9	3,0	3,0
11	Ғаллаорол	3,1	7,0	12,0	6,0	15,8	8,3
12	Янгиобод	0,5	1,4	3,0	1,7	1,3	2,5
13	Жиззах шаҳри	25,5	40,8	2,0	45,9	38,7	46,5
	Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

эга. Қолган қишлоқ туманларида эса саноат ишлаб чиқариши ривожланмаган (айниқса Арнасой ва Янгиобод туманларида).

Халқ истеъмол молларининг 40,8 фоизи биргина вилоят маркази - Жиззахга тўғри келади. Қишлоқ туманлари орасида Дўстлик ҳамда Жиззах, Ғаллаорол, Бахмал ва Зомин туманлари ажралиб туради.

Умуман олганда эса, вилоят саноатининг тармоқлар ва ҳудудий таркиби унча ривожланмаган. Бинобарин, бу ерда мавжуд хом ашё ва минерал ресурслардан, бой меҳнат заҳираларидан самарали фойдаланиш асосида саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратиш лозим. Бу борада маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификациялаш минтақа саноатини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги. Турли тармоқларга ихтисослашган қишлоқ хўжалиги Жиззах вилояти иқтисодиётининг етакчи тармоғи хисобланади. Минтақа пахта, чорвачилик, боғдорчилик, лалмикор деҳқончилик, асаларичилик, картошка, сабзавот, полиз (қовун, тарвуз) маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Деҳқончилик 48,5 ва чорвачилик 51,5 фоиздан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини беради. Бу нисбат об-ҳаво, иқлим шароитлари ҳамда мамлакатимизнинг аграр сиёсати таъсирида ўзгариб туради.

2008 йил маълумотларига кўра, вилоятда жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 1168,4 минг гектарга тенг бўлган. Унинг 23,6 фоизи суғориладиган ерлардан иборат. Кўриниб турибдики, минтақада интенсив равишда қишлоқ хўжалиги, хусусан суғорма деҳқончиликни ривожлантириш имкониятлари бирмунча чекланган. Суғориладиган ерлар улуши айниқса тоғ ва тоғ олди ҳудудларда жойлашган Фориш, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Янгиобод қишлоқ туманларида оз. Масалан, Фориш туманининг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлардан бор-йўғи 0,35 фоизи, Янгиобод туманининг 7,0, Бахмал туманининг 9,5 фоизи суғориладиган ерларга тўғри келади. Бу кўрсаткич Арнасой, Зафаробод, Мирзачўл туманларида анча юқори, Зарбдор, Пахтакор, Жиззах туманларида эса у деярли 100 фоизга тенг (4.5 - жадвалга қаранг).

Вилоят қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 41,1 фоизи экин майдонлари билан, 57,1 фоизи пичанзор ва яйловлар билан банд. Пичанзор ва яйловлар Бахмал, Зомин, Фориш,

4.5 - жадвал

Жиззах вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби (2008 й.)

Қишлоқ туманлари	Майдо-ни, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдала-ниладиган ер-лар майдони, минг га	Шу жумладан суғорила-диган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахт-зорлар	бўз ерлар	пичан зор ва яйловлар
Арнасой	49,3	35,6	31,8	87,7	1,7	-	10,6
Бахмал	186,4	91,1	8,6	42,4	4,1	2,9	50,6
Дўстлик	45,8	34,3	34,3	98,0	1,9	-	-
Жиззах	132,0	80,3	80,3	59,7	1,2	0,9	37,5
Зарбдор	50,7	35,4	34,1	97,2	-	0,4	1,3
Зафаробод	52,2	32,9	27,3	82,6	2,3	-	15,1
Зомин	287,0	184,9	34,3	37,2	0,2	0,2	62,4
Мирзачўл	48,0	35,1	31,1	86,9	2,4	0,8	9,9
Пахтакор	37,7	27,2	27,2	98,8	1,2	-	-
Фориш	956,5	384,1	1,4	5,3	0,8	0,5	93,9
Ғаллаорол	195,0	163,2	9,8	56,6	1,9	0,8	41,3
Янгиобод	72,1	64,3	4,5	44,1	0,8	1,5	53,6
Вилоят бўйича	2111,4	1168,4	275,4	41,1	1,2	0,7	57,1

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистан". - Ташкент, 2008.

Янгиобод каби тоғ ва тоғ олди ҳудудларда жойлашган қишлоқ туманларида, экин экиладиган ерлар эса пасттекислик ҳудудларда (Арнасой, Дўстлик, Пахтакор, Зарбдор ва бошқалар) кўп.

2009 йил маълумотлари бўйича қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 372,5 минг гектарни ташкил қилган. Унинг таркиби қуйидаги 4.2 - расмда келтирилган. Жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 62,2 фоизи деҳқон хўжалигига, 37,0 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келади. Деҳқон хўжаликларининг улуши хусусан чорвачиликда, богдорчилик, картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштиришда кўпроқ. Фермер хўжаликлари эса, асосан пахтачиликда ривожланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Жиззах вилоятида Сирдарё вилоятида бўлгани каби ҳақиқий тадбиркорлар фермер хўжаликлари билан шуғулланишади. Улар ёки уларнинг ота-боболари бир вақтлар республикамизнинг бошқа вилоятларидан айнан шу мақсадда кўчиб келишган.

Фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони 457,7 минг га, уларда ишлайдиганлар 61,6 минг киши; ҳар бир фермер хўжалигида банд бўлганларга ўртача 7,4 гектардан ер тўғри келади.

Ваҳоланки, бу кўрсаткич Фарғона водийси вилоятлари ҳамда Хоразм вилоятида жуда паст. 2009 йил якунлари бўйича барча донли экинлар майдони 198,4 минг га, унинг 191,5 минг гектари бошоқли дон экинлари билан банд бўлган. Шу жумладан, 120,5 минг га ерга буғдой экилган, умумий ҳосил 411,6 минг т, ҳосилдорлик 34,2 ц/га. Пахта майдонлари 101,9 минг га, ялпи ҳосил 224.0 минг т, ҳосилдорлик 22,0 ц/га. Картошка 1,3 гектарга, сабзавот 9,1 минг гектарга, полиз 6,8 минг гектарга экилган.

4.2 - расм



Ялпи ҳосил, мос ҳолда, 33,4; 203,2; 143,6 минг тоннаданни ташкил қилади. Ем-ҳашак экинлари жами 35,7 минг гектарни эгаллаб, уларнинг аксарият қисми фермер хўжаликларига тўғри келган. Богдорчилик эса 11,0 минг гектарда ташкил этилган, ялпи ҳосил 50,2 минг т. (асосан олма), ҳосилдорлик 62,4 ц/га.

Вилоят қишлоқ хўжалигида 2009 йилда тирик вазнда 116,9 минг т гўшт, 314,5 минг т сут, 97,4 млн дона тухум, 76 тонна жун, 24,2 минг дона қоракўл териси, 588,3 тонна пилла етиштирилган. Йирик шохли корамоллар барча тоифадаги хўжаликларда 571,6 минг бош (кўпчилиги деҳқон хўжаликларда), қўй ва эчкилар 1310 минг бош, отлар 18,7 минг бош бўлган.

Вилоят қишлоқ хўжалиги географиясида сезиларли ҳудудий тафовутлар мавжуд. 4.4-жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича, энг кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (қийматига кўра) Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Дўстлик ва Зомин туманлари беради: мос равишда 13,9; 12,0; 11,0; 11,0;11,0 фоиздан (2009 й.).

Турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳам туманлараро фарқлар яққол кўзга ташланади (4.6-жадвал). Масалан, бошоқли дон кўпроқ Дўстлик, Мирзачўл, Зомин ва

Пахтакор туманларида, полиз - Зарбдор ва Мирзачўлда, сабзавот - Ғаллаорол, Бахмал ва Жиззах туманларида, картошка - Бахмал ва Ғаллаоролда, мева - Бахмалда етиштирилади.

Ижтимоий география. Жиззах вилоятида мамлакатимизнинг бошқа минтақалари сингари, ижтимоий соҳалар ривожланишига устувор аҳамият берилмоқда. Бу республика Президенти томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойилларига мос келади.

2009 йил якунларига кўра, вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси 365,5 минг сўмни ташкил қилиб, у олдинги йилга қараганда 114,3 фоизга ўсган. Пуллик хизматлар ҳажми эса 115,5 минг сўм ва 113,4 фоизга тенг. Чакана савдо ҳажми, Жиззах шаҳридан ташқари, Ғаллаорол, Зомин, Бахмал ва Жиззах туманларида, пуллик хизмат Ғаллаорол, Жиззах ва Бахмал туманларида, нисбий кўрсаткичларда, юкори улушларга эга (4.4-жадвал).

Марказлашган сув таъминоти билан аҳолининг таъминланиши вилоят бўйича ўртача 72,2 %, табиий газ билан - 76,3 %. Кўриниб турибдики, ушбу соҳада тўлиқ ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Жами тиббиёт муассасалари сони 58 та, уларнинг кўпчилиги бюджет тизимида. Бемор ўринлар сони ҳар 10 минг аҳолига 42,3 та, амбулатория - поликлиника муассасалари 247 та.

Вилоятда 2009 йилда жами 2070 врачлар хизмат кўрсатган; ҳар 10000 кишига - 18,5 та врачлар, ўрта медицина ходимлари - 92,7 киши. Ҳар 100 минг аҳолига ҳисоблаганда касалланиш 37568 киши. Қишлоқ врачлик пунктлари 175 та бўлиб, ҳар бир қишлоқ туманига ўртача 17,5 тадан тўғри келади.

Умумтаълим мактаблари 553 та, ўқувчилар - 217 минг киши; ҳар бир мактабда ўртача 392 тадан ўқувчи бор (2009/2010 ўқув йили). Бу кўрсаткич аҳоли зич жойлашган минтақалар – Фарғона водийси, Хоразм ва Тошкент вилоятларига қараганда анча паст, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ёки Навоий вилоятларига нисбатан эса каттароқ. Таълим географиясидаги бундай тафовутлар минтақаларнинг табиий шароит ва ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари билан боғлиқ. Вилоятда академик лицейлар 4 та (талабалар 3842 нафар), касб-ҳунар коллежлари 74 та (талабалар 55160 нафар). Академик лицейлар асосан вилоят марказида, касб-ҳунар коллежлари эса барча қишлоқ туманлари ва шаҳарларида ташкил этилган. Шунингдек, Жиззах шаҳрида

4.6-жадвал

Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш ва чорвачиликниинг худудий таркиби

(2009 й., жамига нисбатан фоизда)

т/р	Худудлар	бошоқли дон	сабзавот	картошка	мева	узум	гўшт	сут	йирик шохли қорамол лар	қўй ва эчкилар	тухум	парранда
	Жиззах шахри	0,07	3,3	2,8	3,1	2,9	3,3	1,6	1,4	1,8	10,5	10,6
	туманлар:											
1	Арнасой	8,0	4,2	3,3	2,9	2,8	4,3	5,4	5,0	1,0	2,3	2,2
2	Бахмал	5,0	15,1	36,4	42,6	14,2	16,4	19,0	20,4	15,3	7,9	9,5
3	Дўстлик	13,7	7,6	3,5	2,9	2,3	8,0	6,8	7,8	1,8	3,6	3,3
4	Жиззах	12,2	11,2	4,1	7,9	11,8	12,0	9,4	8,0	6,2	10,6	10,8
5	Зарбдор	10,6	5,8	1,3	1,8	0,1	4,8	5,4	4,8	2,3	4,3	4,3
6	Зафаробод	5,8	4,6	2,7	3,1	5,3	4,7	5,2	3,6	5,2	3,8	3,5
7	Зомин	10,9	4,6	3,9	6,0	1,7	13,3	12,5	13,0	10,3	8,6	8,4
8	Мирзачўл	11,4	5,2	1,7	5,5	1,8	2,9	3,5	3,8	2,5	3,6	3,2
9	Пахтакор	10,9	7,3	4,2	2,2	1,1	5,8	6,4	5,4	1,7	4,3	4,4
10	Фориш	1,2	1,8	0,2	7,0	18,1	10,0	5,7	5,3	32,2	4,6	5,6
11	Ғаллаорол	7,9	25,9	31,1	9,4	25,7	11,9	13,4	15,5	12,7	33,5	31,9
12	Янгиобод	2,2	3,4	5,1	5,6	12,1	2,5	5,7	5,9	6,9	2,3	2,5
	Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

2 та олий ўқув юрти - педагогика ва политехника институтлари бор. Жами талабалар сони 8331 нафар.

Инвестиция, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар. 2009 йилда вилоят асосий капиталига 230194 млн сўм ҳажмида инвестициялар киритилди. Унинг 22,8 фоизи республика бюджетидан, 46,4 фоизи корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан, 8,1 фоизи эса хорижий мамлакатлар инвестициялари ва кредитларига тўғри келади. Жами инвестициянинг 2/5 қисми ишлаб чиқариш тармоқларига (саноатга 14,1%, қишлоқ хўжалигига 16,3%), 59,0 фоизи ноишлаб чиқариш соҳаларига (28,2 % таълимга, 21,6 % уй-жой қурилишига) йўналтирилган. Албатта, бу қўйилмалар келажакда ўз самарасини беради.

Инвестициялар ҳудудий таркибида Жиззах етакчи - 21,9 %, Ғаллаорол туманига жами инвестиция ҳажмининг 13,8 % тўғри келади. Шунингдек, Бахмал, Жиззах ва Зомин туманларининг ҳам ҳиссаси катта. Айни вақтда бу кўрсаткич Янгиобод, Зафаробод ва Мирзачўл туманларида жуда паст.

Хорижий инвестициялар ёрдамида 53 та қўшма корхоналар ташкил этилган, уларнинг 44 таси фаолият кўрсатмоқда. 2008 йилда 39 та фаолият кўрсатган қўшма корхоналар вилоят ялпи маҳсулотининг 19,7, экспортининг 7,8 % ни таъминлаган. Уларда жами 1910 киши ишлаган, импорт ҳажми 14813 минг АҚШ долларига тенг бўлган.

Вилоятда транспортнинг ҳар хил турлари мавжуд. Юк ва йўловчилар ташиш асосан автомобил транспорти зиммасига тушади. Масалан, 2009 йилда транспортда ташилган юк 39,1 млн. тоннани ташкил этган ҳолда, у тўлиқ автомобил транспорти томонидан амалга оширилган. Юк айланмаси 597,4 млн. т/км; шу йилда транспортда ташилган йўловчилар сони 158,7 млн. кишига тенг бўлган.

Жиззах вилоятининг транспорт географик ўрни қулай. Бу ердан Катта Ўзбек тракти, электрлаштирилган темир йўл ўтган. Вилоят ва унинг маркази - Жиззах шаҳри Тошкент, Самарқанд, Бекобод шаҳарлари билан алоқа қилиш учун қулай имкониятга эга.

Ташқи иқтисодий алоқалар, асосан Хитой (33,6% ташқи товар айланмаси), Россия (17,6 %), Швейцария (11,7 %), Гонконг (8,3 %), Туркия (8,2 %), Сингапур (7,2 %) ва бошқа давлатлар билан олиб борилади. 2009 йилда вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 104,9 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ҳолда, экспорт 73,2 ва импорт 31,7 млн. долларни ташкил қилган. 2008 йилда бу кўрсаткичлар мос тарзда, 131,0; 103,8; ва 27,1 млн. АҚШ доллари ҳажмига тенг бўлган.

Экспорт таркибида пахта толаси 81,6 % (2008 йилда 64,9 %), озиқ-овқат маҳсулотлари 10,8 % (29,0 %) етакчи ўринларга эга. Импорт таркибида эса машина ва ускуналар 35,6 % (53,0 %), кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар 32,4 % (5,3 %), озиқ-овқат маҳсулотлари 7,4 % (13,6 %) фоизни ташкил этган.

Ташқи иқтисодий алоқалар географиясида Дўстлик (экспортда 34,3%) ва Пахтакор (14,3 %) туманлари олдинда туради. Шу билан бирга қулай инвестиция муҳитининг мавжуд эмаслиги ва қўшма корхоналар барпо этилмаганлиги сабабли Фориш, Янгиобод, Арнасой ва Бахмал туманларида экспорт йўқ даражада. Импортда эса, энг аввало, Жиззах шаҳрининг улуши катта - 50,7 %. Фориш тумани ҳам бу борада ажралиб туради – 34,6 % (2009 й.). Айни вақтда Зарбдор, Арнасой, Зафаробод, Янгиобод ва Мирзачўл қишлоқ туманларида кўрилаётган йилда импорт амалга оширилмаган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Жиззах вилоятининг республика ташқи иқтисодий алоқаларида иштироки жуда паст; экспортда атиги 0,6 ва импортда - 0,3 фоиз.

Вилоят хўжалигининг ҳудудий таркиби. Вилоят табиий шароити, агроиқлим ва минерал хом ашё ресурсларининг ҳудудий хусусиятлари бу ерда 2 та асосий табиий - хўжалик районларининг шаклланишига олиб келган. Биринчиси ёки Юқори район тоғ ва тоғ олди ҳудудларда жойлашган Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Жиззах ва Янгиобод туманларини ўз таркибига олади. Район вилоят умумий майдонининг 87,8 фоизи ва аҳолисининг 73,3 фоизини ўзида мужассамлаштиради. Бу ҳудудда лалмикор деҳқончилик, хусусан, буғдой етиштириш, шунингдек, боғдорчилик, асаларичилик, картошка етиштириш, жун ва сут-гўшт чорвачилиги, рекреация ва туризм ривожланган. Унинг ҳиссасига район минтақа ялпи саноат маҳсулотининг 53,9 фоизини, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 57,5 фоизини таъминлайди. Бу ерда вилоят маркази - катта шаҳар ва саноат маркази Жиззах шаҳри жойлашган.

Иккинчи - Қуйи район асосан пасттекисликларда жойлашган, янги ерларни ўзлаштириш негизида ташкил топган Арнасой, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Мирзачўл ва Пахтакор қишлоқ туманларидан иборат. Район вилоятнинг пахтачиликка ихтисослашган ҳудуди ҳисобланади. Шунингдек, бу ерда сабзавотчилик ва полиз маҳсулотларини етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Қуйи районда вилоят умумий майдонининг 12,2 фоизи ва аҳолисининг

26,7 фоизи жойлашган. У минтақа саноат ишлаб чиқаришининг 46,1 ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 42,5 фоизини беради.

Жиззах вилояти иқтисодий-ижтимоий географик хусусиятлари маъмурий қишлоқ туманлари даражасида кўрилганда янада якқолроқ намоён бўлади (4.7 - жадвал).

4.7 - жадвал

Жиззах вилояти ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари (2009 йил, аҳоли жон бошига)

т/р	Ҳудудлар	Саноат ишлаб чиқариш	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	ХИМ	Инвестиция	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пулли хизмат
1	Арнасой	0,240	1,584	0,558	1,112	0,337	0,536	0,712
2	Бахмал	0,277	1,160	0,535	0,905	0,813	0,662	0,509
3	Дўстлик	4,476	2,119	3,158	0,943	0,625	0,803	0,766
4	Жиззах	0,587	0,699	0,511	0,709	0,742	0,371	0,745
5	Зарбдор	1,078	1,413	0,610	1,110	0,750	0,535	0,674
6	Зафаробод	1,944	1,560	0,511	0,549	0,234	0,139	0,517
7	Зомин	0,775	0,814	0,479	1,055	0,624	0,863	0,507
8	Мирзачўл	0,284	1,697	0,655	0,576	0,332	0,676	0,741
9	Пахтакор	1,705	1,441	0,509	0,636	0,877	1,067	0,632
10	Фориш	0,458	0,778	0,526	0,961	0,565	0,436	0,461
11	Ғаллаорол	0,250	0,974	0,559	1,105	0,485	1,263	0,674
12	Янгиобод	0,236	1,407	0,558	0,901	0,519	0,616	0,293
13	Жиззах ш.	1,935	0,164	3,095	1,661	3,487	2,925	3,524
	Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумот-лари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, вилоятда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Дўстлик, Зафаробод, Пахтакор туманлари юкори, Янгиобод, Ғаллаорол, Мирзачўл туманларининг кўрсаткичлари эса, паст даражада. ХИМ ишлаб чиқариш Жиззах шаҳри ва Дўстликдан ташқари барча туманларда вилоят даражасидан камлигини кўриш мумкин.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда Дўстлик, Жиззах, Мирзачўл туманлари бироз юкори бўлса, Янгиобод туманининг улуши анча паст. Қолган туманлар иқтисодий салоҳияти унча юқори эмас.

Келажакда Жиззах вилоятининг ривожланиш стратегияси турли хил омиллар асосида амалга оширилади. Бу борада вилоят-

нинг мавжуд табиий – ресурс салоҳиятидан кенг фойдаланиш, иқтисодиётининг таркибий тузилишини бойитиш ва замонавийлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Вилоятда меҳнат ресурслари кўп, шу боис, бу ерда меҳнатни кўп талаб қилувчи озиқ-овқат ва енгил саноатни ривожлантириш имкониятлари катта.

Шунингдек, Жиззах вилоятининг кулай иқтисодий ва транспорт иқтисодий географик ўрнини ҳам таъкидлаш жоиз. У республикамизнинг Марказий ва Зарафшон минтақаларини боғловчи халқа ва ўзига хос ўсиш қутби сифатида ҳам ривожланиши мумкин. Бинобарин, вилоятнинг ҳудудий сиёсати кўпроқ шу туманларга қаратилиши лозим. 2010 йил маълумотларига кўра, вилоятнинг Арнасой, Бахмал, Зомин, Фориш, Янгиобод қишлоқ туманлари дотацион ҳудудлар саналади. Демак, бу ерда инвестиция муҳитини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни жадал ривожланиши талаб этилади.

Бешинчи боб. НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Вилоят дастлаб 20.04.1982 йилда ташкил топиб, 1988 йилгача шу мақомда мавжуд бўлган. Сўнгги марта эса у 27 январ 1992 йилда қайта тикланган. Майдони 111,0 минг кв. км ёки республика ҳудудининг яқин 1/4 қисмига тенг. Аҳоли сони эса 851,3 минг киши (мамлакат аҳолисининг 3,0 фоизи). Қизиғи шундаки, бу географик кўрсаткичлар Ўзбекистон миқёсида катта қутбийлик характерига эга: майдони бўйича ҳам, демографик салоҳияти бўйича ҳам у иккинчи, бироқ ҳудудига кўра вилоят Қорақолпоғистон Республикасидан кейинги иккинчи, аҳоли сони жиҳатидан эса фақат Сирдарё вилоятидан олдинда, яъни охиридан иккинчи. Ушбу тақкослама кўрсаткичлар Навоий вилоятида аҳоли сони зичлигининг ниҳоятда пастлигидан гувоҳлик беради.

Вилоятнинг ички маъмурий тузилиши ҳам унча мураккаб эмас; бу ерда атиги 8 та қишлоқ туманлари мавжуд, холос. Таъкидлаш жоизки, Сирдарё вилоятида ҳам бундай маъмурий бирликлар сони 8 та, лекин унинг майдони Навоий вилоятига қараганда 23,2 марта кичик. Демак, Навоийда қишлоқ туманлари жуда катта майдонларни эгаллайди ва унинг ҳудуди яхши ўзлаштирилмаган ёки катта иқтисодий сиғимга эга эмас.

Дарҳақиқат, Учқудуқ туманида бу кўрсаткич 46,6, Томдида 42,5 минг кв. км га тенг. Бу борада Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот туманидан сўнг (76,0 минг кв. км) иккинчи ва учинчи ўринларда туради. Шу жойда таъкидлаш кифояки, ушбу икки қишлоқ туманлари Навоий вилоятининг 80,3 фоизини, республика умумий майдонининг яқин 1/5 қисмини эгаллайди.

Энг кичик туман – Кармана ва энг катта туман - Учқудуқ ўртасидаги тафовут 49,1 мартага баробар. Конимех туманининг жойланиши ҳам ўзгача: туман маркази асосий ҳудуддан ажралган ҳолда ўрнашган, туманнинг қолган қисмини эксклав ҳисоблаш мумкин.

Қишлоқ туманлари орасида Кармана ва Нурота республикамизда биринчилар қаторида ташкил этилган ушбу тоифадаги маъмурий бирликларга киради. Навоий вилояти ташкил этилгунга қадар жанубий ҳудудлар – Қизилтепа, Кармана, Навбаҳор туманлари Бухоро вилояти, Хатирчи, Нурота Самарқанд вилояти таркибида бўлган. Бир вақтлар Учқудуқ ва Томди туманлари Қорақалпоғистон Республикаси тасарруфига кирган.

Навоий вилояти республикамиз ҳудудий меҳнат тақсимотида асосан тоғ-кон саноати, хусусан рангли металлургия, кимё, қурилиш материаллари саноати ҳамда қишлоқ хўжалигида гўшт-жун чорвачилигига ихтисослашган. Унинг ҳиссасига республика ялпи ички маҳсулотининг 5,4, саноат ишлаб чиқаришининг 11,2,

5.1 - жадвал

Навоий вилояти қишлоқ туманлари ҳақида айрим маълумотлар (01.01.2010 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони минг кв км	Аҳолиси	
					Минг киши	Зичлиги, 1 кв.км,киши
1	Кармана	09.09.1926	Кармана ш-ча	0,95	101,1	106,4
2	Конимех	29.12.1965	Конимех ш-ча	9,14	37,6	4,1
3	Навбаҳор	12.03.1980	Бешработ ш-ча	1,57	87,8	55,9
4	Нурота	29.09.1926	Нурота ш.	6,53	80,5	12,3
5	Томди	03.07.1927	Томдибулоқ ш-ча	42,49	22,1	0,5
6	Учқудуқ	25.03.1982	Учқудуқ ш.	46,63	36,9	0,8
7	Хатирчи	03.12.1964	Янгиработ ш.	1,42	161,9	114,0
8	Қизилтепа	07.12.1970	Қизилтепа ш.	2,19	120,0	54,8
	Вилоят бўйича	27.01.1992	Навоий ш.	110,99	851,3	7,7

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 4,2, инвестиция ҳажмининг 47,0, чакана савдо айланмасининг 3,6, пуллик хизматларнинг 2,8 фоизи тўғри келади. Экспортда вилоят улуши 4,2, импортда 3,8 фоизга тенг.

Саноат маҳсулотининг қиймати бўйича Навоий вилояти Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Андижон вилоятларидан кейинги 4-ўринда туради (бу ерда Навоий тоғ - металлургия комбинати маҳсулотлари кирмаган бўлиши мумкин).

Вилоятнинг географик ўрни ва ресурс салоҳияти. Навоий вилояти мамлакатимизнинг марказий ва шимолий қисмида жойлашган. У катта масофада Қозоғистон Республикаси билан чегарадош. Шунингдек, вилоят ҳудуди ғарбда Бухоро, жануб ва жанубишарқда Самарқанд ва қисман Жиззах вилоятлари билан, шимолда ва шимоли-ғарбда Қорақалпоғистон Республикаси билан, жанубда жуда қисқа масофада Қашқадарё вилояти билан туташ[1].

Вилоят географик харитада ўзига хос ташки ҳудудий қиёфага эга; унинг асосий юки, аҳолиси, қайта ишлаш саноати – демографик ва иқтисодий салоҳияти нисбатан кичик майдонни эгаллаган чекка жанубда, катта марказий ва шимолий ҳудуллари эса экстенсив, ҳақикий чўл ҳудудларига хос яйлов чорвачилиги ва тоғкон саноатига эга. Чегара чизиқлари кўпгина жойларда деярли тўғри чизиқ шаклида ўтказилган. Иқтисодий ва ижтимоий географияда бундай гографик вазият, одатда, яхши ўзлаштирилмаган, табиий шароти асосан чўллардан иборат мамлакат ёки минтақаларда учрайди ва унга қараб ишлаб чиқариш ҳамда аҳолининг ҳудудий ташкил этиш хусусиятларини дархол англаш ёки пайқаш мумкин (республикамизда шунга ўхшаш ҳолат Қорақалпоғистон Республикасида, мамлакатлар даражасида Чад, Судан, Канада каби давлатлар чегара чизиқларида учрайди).

Навоий вилояти ўзининг орографик хусусиятлари бўйича республиканинг бошқа минтақаларидан кескин фарқ қилади. Унинг ҳудудида кичик-кичик қолдиқ тоғликлар мавжуд. Пасттекисликлар чекка шимол ва шимоли-ғарбда (Қизилқум чўллари), ботиқлар - Мингбулоқ, Молали, Қоратов - вилоятнинг ички қисмида жойлаш-

---

[1] Навоий вилоятининг конфигурацияси ёки геоқиёфаси Россия Красноярск ўлкасининг ташқи кўринишига бироз ўхшаб кетади. Шу боис, унинг иқтисодий – ижтимоий картаси ҳам Бухоро вилояти ёки бошқа чўллик минтақа – Қорақалпоғистон Республикасига ўхшаш унча кўримли ("картабоп") эмас.

ган. Баландликлар денгиз сатҳидан 250-300 м юқорида, тоғликларнинг энг тепа нуқталари эса 1800 метрга яқин (Оқтов тизмасида).

Нурота, Оқтов, Қоратов тизмалари жануб ва жануби-шарқда Туркистон ва Зарафшон тизмаларига қўшилиб кетади. Мазкур тоғлар турли хил қазилма заҳираларга бой. Бу жиҳатдан айниқса кичик қолдиқ тоғларнинг аҳамияти катта (Бўкантов, Етимтоғ Томдитов, Айтимтов, Кўкпатас, Қозоқтов, Қулжуқтов, Белтов, Овминзатов). Бўкантовнинг энг баланд нуқтаси Ирмир тоғи - 764 метр денгиз сатҳидан баландликда, Етимтоғники - 565 м., Томдитовда Оқтов - 974 м., Қозоқтовда - 612 м., Нурота тоғида Авга - 1701 м (бу вилоятнинг энг баланд нуқтаси ҳисобланади.), Қоратовда 1100 м ва ҳ.к. Кўриниб турибдики, бу тоғлар баланд эмас ва уларнинг умумий ландшафт тузилиши қўшни Қозоғистон ҳудудини, айниқса паст ясси тоғларини эслатади.

Унча баланд бўлмаган тоғлар ёки тепаликлар Навоий вилоятида аҳён-аҳёнда учраб туради, қолган катта майдонларни эса чўкмалар (Қоракота, Мулоли, Мингбулоқ) ва қумликлар (Пикатурма, Ёмонқум ва б.) эгаллайди. Баҳор ойларида бу жойлар ям-яшил ўт ва лолақизғалдоқлар билан қопланади ва ажойиб манзара яратади.

Эътироф этиш жоизки, худди шундай ер устининг тузилиши унинг қазилма ресурсларга бойлигини ҳам кўрсатади. Вилоят ҳудуди, энг аввало, ўзининг олтин заҳиралари билан ажралиб туради. Бу ерда уран, фосфорит, асбест, дала шпати, мармар, курилиш материаллари хом ашёси ва бошқа конлар ҳам мавжуд. Айнан ана шу минерал хом ашё ресурслари вилоят иқтисодиётини шакллантириш, унинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Иқлими ниҳоятда қуруқ ва континентал, ёғин-сочин миқдори жуда оз (ўртача 100-200 мм). Бу эса вилоятда қишлоқ хўжалигини, хусусан унинг деҳқончилик тармоғини ривожлантиришга қулай шароит яратмайди. Шу боис, Навоий вилояти асосан яйлов чорвачилиги, қоракўлчиликка ихтисослашган.

Вилоятда гидрографик шахобчалар ривожланмаган; Навоий шаҳри яқинида Зарафшон дарёсининг суви жуда озайиб қолади. Жанубий районларда сугорма деҳқончиликни юритиш максадида Қуйимозор, Шўркўл, Тўдакўл сув омборлари қурилган. Шунингдек, бу ерда Аму - Бухоро, Ўртачўл, Конимех каналлари ҳам мавжуд. Нисбатан катта майдонни эгаллаган Ҳайдаркўлнинг эса

(унинг бошланиш қисми қўшни Жиззах вилоятида) қишлоқ хўжалигида аҳамияти деярли йўқ.

Навоий вилояти ҳудудининг узоқ масофада шимолдан жанубга чўзилганлиги, унинг ўзлаштирилган ҳудудлари ҳамда маъмурий - марказини чекка жанубда жойлашганлиги минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ташкил килиш ва бошқаришда бироз қийинчиликлар туғдиради. Айниқса, вилоятда ички транспорт инфратузилмаси ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш анча мураккаброк.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Навоий вилоятининг демографик салоҳияти унча катта эмас. Ҳудуд сув заҳираларига танқислиги туфайли аҳоли зичлигининг энг паст кўрсаткичларига эга (1 км^2 га 7,7 киши - Ўзбекистонда охирги ўринда).

Ўртача ҳар бир қишлоқ туманига 13,9 минг км^2 дан ер тўғри келади (республикада бу кўрсаткич 2,7 минг км^2 ни ташкил қилади). Қишлоқ туманларининг катта эканлиги ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги ва аҳоли жойлашуви учун қулай шароитга эга эмаслигидан дарак беради. Чиндан ҳам, аҳоли зичлиги бу ерда анча паст. Жумладан, у Учқудуқ туманида 1 кишига ҳам етмайди, Томдида бундан ҳам кам - 0,5 киши. Фақат Хатирчи ва Кармана туманларида аҳоли зичроқ жойлашган (114 ва 106 киши). 5.1-жадвалдан кўринадики, туманларнинг аҳоли сони 22 мингдан (Томди) 162 минг кишигача (Хатирчи) фарқ қилади.

Вилоят аҳолиси 1989-2000 йилларда 130 минг кишига кўпайган, ўсиш суръати 120,0 фоиз, ўртача йиллик кўпайиш 1,70%. Бу борада у Сирдарё вилоятидан устунроқ, холос. 1989-2008 йилларда эса ўсиш қишлоқ туманлари миқёсида қуйидагича бўлган: Нуротада 245,7 %, Учқудуқда 251,0 %, Хатирчида 164,1, Қизилтепада 156,5 фоизни ташкил қилган. Конимехда ҳам бу икки ўн йиллик даврида аҳоли сони бироз кўпайган. Томди ва Кармана туманларида эса у 1989 йилга нисбатан камайган. Кармана туманида бу ҳол маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар туфайли содир бўлган бўлса, Томдида у ташки миграция натижасида юз берган.

Навоий вилоятида туғилиш коэффициенти 1999-2001 йилларда 19-20 промиллега, ўлим 5,0-5,3 га, табиий кўпайиш 14-15 промиллега тенг. Туғилишнинг энг юқори кўрсаткичлари Хатирчи ва Нурота туманларига тўғри келган. Айни вақтда ташки миграциянинг аҳоли сонини ўсишига таъсири айрим йилларда салбий

бўлган. Масалан, 1998 йилда шаҳар жойларда миграция қолдиғи минус 1,3 минг кишини ташкил қилган.

2009 йилда вилоятда туғилиш 21,4, ўлим 4,7 ва табиий кўпайиш 16,7 промилле бўлган (бу кўрсаткичлар ўртача республика даражасига яқин). Қишлоқ туманлари доирасида туғилиш нисбатан Нуротада юқори-24,8, унинг паст кўрсаткичи эса Томди туманида (бу демографик вазият ҳам миграция оқибатлари туфайли вужудга келган бўлиши мумкин). Ўлим коэффициентида катта ҳудудий фарқлар кузатилмайди: Кармана ва Конимех туманларида у юқорироқ, Томдида эса пастроқ (5.2-жадвал). Табиий кўпайиш коэффициентини асосан туғилиш даражаси белгилаб беради - Нурота туманида 20,5 промилле ёки 2,05 %, Учқудуқ 18,2 (1,82 %), Томдида эса 11,0 промилле.

Аҳоли миграцияси кўрилаётган 2008-2009 йилларда ҳам манфий натижага эга бўлган. Чунончи, ҳар минг кишига нисбатан ташқи миграция қолдиғи вилоят бўйича минус 4,4 ва 2,5 ни ташкил қилган. Энг катта миграцион "йўқотиш" Томди ва Конимех туманларида қайд этилади. Фикримизча, бу, энг аввало, қозоқ миллатининг Қозоғистон мамлакатига кўчиб кетиши туфайли содир бўлган. Ташқи миграция фақат Зарафшон ва Навоий шаҳарларида ижобий, Навбаҳор туманида 0,0 $\%_0$, Хатирчида минус бўлсада, у озроқ (5.2-жадвал).

Аҳоли миллий таркибида асосий миллат вакиллари ўзбеклар 81,8 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, қозоқ 6,5 %, руслар 3,9 %, қорақалпоқлар 2,5 %, тожиклар 1,5 фоиз истиқомат қилишади (2008 й.)

Вилоятда 6 шаҳар ва 38 шаҳарча мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида жами аҳолининг 49,6 фоизи яшайди. Кўриниб турибдики, умумий урбанизация кўрсаткичи бу ерда анча юқори. Мазкур ҳолат, бир томондан, ҳудудда чиндан ҳам саноатнинг нисбатан яхши ривожланганлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, интенсив қишлоқ хўжалиги учун имконият чекланганлиги билан боғлиқ.

Умумий урбанизация даражаси 2008 йилда 39,5 % бўлган, унинг 10 % дан кўпроққа ортиши эса 2009 йилнинг "урбанистик тўлқини" натижасида юзага келган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, агар вилоят бу кўрсаткич бўйича (40,4 %) 2000 йилда Қорақалпоғистон Республикасидан кейинги ўринда турган бўлса, у ҳозирда мамлакат ўртача кўрсаткичидан ҳам пастроқда. Сабаби,

5.2 - жадвал

Навоий вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати
(ҳар 1000 кишига нисбатан)

т/р	Қишлоқ туманлари	Аҳоли табиий ҳаракати						Аҳоли миграцияси					
		2008 й.			2009 .й			2008 й.			2009 й.		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
1	Кармана	18,3	5,3	13,0	21,1	5,2	15,9	7,0	10,1	-3,1	7,7	8,4	-0,7
2	Конимех	20,1	5,3	14,8	21,8	5,3	16,5	9,4	29,1	-19,7	8,5	26,6	-18,1
3	Навбаҳор	23,4	4,7	18,7	22,4	4,4	18,0	10,5	11,3	-0,8	10,0	10,0	0,0
4	Нурота	25,9	5,1	20,8	24,8	4,3	20,5	5,0	9,2	-4,2	4,3	10,0	-5.7
5	Томди	16,5	4,2	12,3	14,4	3,4	11,0	4,6	35,8	-31,2	6,3	22,7	-16,4
6	Учқудуқ	21,7	4,9	16,8	23,1	4,9	18,2	24,4	47,1	-22,7	27,1	38,8	-11,7
7	Хатирчи	22,5	4,5	18,0	22,3	4,2	18,1	9,3	10,8	-1,5	8,1	10,3	-2,2
8	Қизилтепа	21,1	4,3	16,8	21,2	4,6	16,6	7,6	8,8	-1,2	8,5	8,7	-0,2
	Вилоят бўйича	21,4	4,8	16,6	21,4	4,7	16,7	14,5	18,9	-4,4	13,6	16,1	-2,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

бошқа минтақаларга қараганда бу ерда янги шаҳарчалар озроқ ташкил қилган. Вилоятда 2009 йилда қабул килинган "Қишлоқ" дастури туфайли 30 та аҳоли пунктига шаҳарча мақоми берилган. Бундай агрошаҳарчаларнинг энг кўпи, яъни 8 таси биргина Қизилтепа туманида жойлашган. Хатирчи ва Навбаҳор туманларида уларнинг сони бештадан, Томдида эса атиги битта (5.3-жадвал). Ҳаммаси бўлиб янги шаҳарчаларда 85107 киши аҳоли яшайди, бу жами шаҳар аҳолисининг 20,4 фоизи демакдир. Шаҳар жойларнинг аксарият аҳолиси 5 минг кишигача бўлган синфга мансуб. Вилоят маркази - Навоийда 125 минг, Зарафшонда 60 минг аҳоли яшайди; Нурота, Учқудуқ, Карманада 20-30 мингдан киши бор.

Навоий шаҳри ўзининг демографик салоҳиятига кўра агломерация маркази бўлишига лойиқ, бироқ унинг атрофида "йўлдош" шаҳарчалар озроқ (Қизилтепа, Кармана, Бешработ, Конимех, Тинчлик, Маликработ). Бу шаҳар республика бошқа вилоят марказларидан ўзининг архитектураси, қурилиши ва, хусусан юксак саноат салоҳияти билан фарқланиб туради. Шу нуқтаи назардан у Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Қўқон, Марғилон, Бекобод шаҳарларига функционал жиҳатдан турдош ҳисобланади.

Навоий вилоятида жами 594 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Бу жиҳатдан у, ҳатто, аҳолиси бир неча марта кўп бўлган Наманган (403 та), Андижон (458 та) ва Хоразм (561 та) вилоятларидан ҳам олдинда туради. Демак, вилоят қишлоқлари асосан майда ва кичик аҳоли пунктларидан ташкил топган. Ўртача бир қишлоққа 711 кишидан аҳоли тўғри келади, унинг тахминан 8-9 фоизи мактаб ёшигача, 22-23 фоизи мактаб ёшидагилар бўлса, бундай жойларда таълим муассасаларини ташкил этиш нақадар қийинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Нисбатан каттароқ қишлоқлар вилоятнинг жанубий қисмида, суғорма деҳкончилик ривожланган ҳудудларда жойлашган.

Вилоятда, 1 январ 2010 йил ҳолатига кўра, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 512,4 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 573,5 минг киши, иқтисодиётда банд бўлганлар эса 520,7 минг киши. 2009 йилда жами 39,9 минг янги иш ўринлари (асосан қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва тадбиркорликда) ташкил этилган. Шу йилда меҳнат органларига иш сўраб 30,3 минг киши мурожаат қилган, уларнинг 26,8 минг кишисини эхтиёжи қондирилган. Расман ишсизлар сифатида 3590 киши қайд этилган.

5.3 - жадвал

Навоий вилояти янги шаҳарчаларининг аҳолиси

т/р	Шаҳарчалар номи	Жойлашган қишлоқ тумани	Аҳоли сони, *(2009 й., киши)*
1	С. Умаров	Кармана	3300
2	Подкороп	Кармана	2541
3	Т. Ғофуров	Кармана	2538
4	Пахтаобод	Кармана	2000
5	Шўртепа	Конимех	2435
6	Момиқчи	Конимех	2320
7	Болақарок	Конимех	2319
8	Кескантерак	Навбаҳор	4713
9	Ижант	Навбаҳор	2818
10	Қуйи Бешработ	Навбаҳор	2684
11	Қалконота	Навбаҳор	2288
12	Сарой	Навбаҳор	2064
13	Темирковук	Нурота	3368
14	Қизилча	Нурота	3383
15	Чуя	Нурота	2845
16	Янгибино	Нурота	2036
17	Томдибулоқ	Томди	6834
18	Тасмачи	Хатирчи	3650
19	Сарой	Хатирчи	3296
20	Жалоир	Хатирчи	2216
21	Жалоир	Хатирчи	2051
22	Полвонтепа	Хатирчи	2034
23	Қалъайи Азизон	Қизилтепа	3500
24	Ванғози	Қизилтепа	3200
25	Зармитон	Қизилтепа	2700
26	Ғойибон	Қизилтепа	2600
27	Баланд Гардиён	Қизилтепа	2600
28	Оқмачит	Қизилтепа	2400
29	Хусбиддин	Қизилтепа	2204
30	Оқсоч	Қизилтепа	2200

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Инвестиция ва қурилиш географияси. Маълумки, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожланишининг асоси, энг аввало, капитал қўйилмалар ва қурилиш объектлари ҳисобланади. Шу боис, вилоятларда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, қурилиш индустриясини ривожлантириш катта аҳмиятга эга.

Мавжуд маълумотларга қараганда, 2009 йилда Навоий вилоятига 587,7 млрд. сўм ҳажмида инвестиция киритилган, унинг 77,2 фоизи ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган. Хорижий инвестициялар ёрдамида жами 43 та қўшма корхоналар қурилган ва улар томонидан 97994 млн. сўмлик ишлаб чиқариш ҳажми ва хизматлар амалга оширилган. Қўшма корхоналарнинг вилоят экспортидаги улуши 6,8 %. Бу, албатта, анча кам, бинобарин, қўшма корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кўтариш талаб этилади.

2009 йилда Навоий вилоятида 311,8 млрд. сўм доирасида қурилиш ишлари олиб борилган, бу республикага нисбатан 4,5 фоиз демакдир. Фикримизча, яқин йилларда қурилиш ишлари янада жадаллашади. Жами қурилишларнинг 30,7 фоизи Зарафшон шаҳрида бажарилган, Навоий шаҳрининг улуши 20,9 %. Қишлоқ туманлари орасида 2009 йилда қурилиш кўпроқ Кармана ва Қизилтепа туманларида олиб борилган (11,2 ва 12,9 %). Энг паст кўрсаткич Томди ва Учқудуқ туманларида кузатилади (5.5-жадвал).

Иқтисодиёт географияси. Вилоят иқтисодиёти индустриал - аграр йўналишга эга. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 46,5 фоизини саноат, 6,9 фоизини қурилиш, 14,0 фоизини қишлоқ хўжалиги, 7,9 фоизини транспорт ва алоқа беради (2009 й.).

5.1 - расм

Навоий вилояти хўжалигининг тармоқлар таркиби (2009 й., фоиз ҳисобида)



Таҳлиллар кўрсатишича, Навоий вилояти барча соҳаларда ўзига хос мавқени эгаллайди. Масалан, ЯҲМда саноатнинг улуши бўйича республикамизда биринчи, бироқ қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, солиқлар, кичик бизнес ҳамда хизматлар улуши бўйича ҳам биринчи, фақат вилоят рўйхатлари охиридан. Дарҳақиқат, вилоят ЯҲМнинг атиги 1/3 қисмига яқини кичик бизнес ҳиссасига тушади, ваҳоланки, бу кўрсаткич республика бўйича ўртача 50,1 фоизга тенг. Бундай минтақавий хусусиятлар кўпрок вилоятнинг табиий шароит ва ресурсларидан келиб чиққан ҳолда, хўжалигининг тармоқлар таркиби ва ихтисослашуви, демографик вазиятига боғлиқ.

Навоий вилоятида 01.01.2010 йил ҳолатида рўйхатга олинган кичик бизнес ва микрофирмалар сони 5933 та. Уларнинг ЯҲМ даги улуши 31,2 %, саноатда атиги 2,7 % (республикада энг кам), қурилишда - 50,2 %, чакана савдода - 53,7 %, пуллик хизматларда - 59,5 %. Саноатда кичик бизнес ва микрофирмалар ҳиссасининг озлигини сабаби ушбу макроиқтисодиёт тармоғининг оғир, стратегик аҳамиятга эга бўлган йўналишларга ихтисослашганлигидир.

Юқорида таъкидланганидек, минтақа иқтисодиётида саноат етакчи ўринни эгаллайди. 2009 йил якунларига кўра, кимё саноатининг ялпи саноат маҳсулоти қийматидаги улуши 31,2 %, қурилиш материаллари саноати 32,0 %, енгил саноат 9,9 %, рангли металлургия 11,8 % ни ташкил қилади. Айни вақтда бу ерда машинасозлик ва ёғочни қайта ишлаш саноат тармоқлари ўта паст даражада. Республиканинг бошқа минтақаларига таққослаганда вилоятда енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам суст ривожланган.

Мустақиллик йилларида вилоят саноатида таркибий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат тармоқлари тезроқ ўсди, кимё ва рангли металлургия улуши бирмунча пасайди (5.4 - жадвал).

Аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 203,4 минг сўм. ХИМнинг 61,3 фоизи ноозиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келади, жумладан енгил саноат уларнинг 6,9 фоизини таъминлайди.

2009 йилда Навоий вилоятида 953,5 минг тонна аммиак селитраси, 472,2 минг т синтетик аммиак, 25,4 минг т ишқорли кис-лота, 11,9 минг т нитрон толаси. 17,7 минг т натрий цианисти, 7,2 минг т аралаштирилган хлор ишлаб чиқарилган. Шунингдек, бу ерда бошқа

5. 4 - жадвал

Навоий вилояти саноатининг тармоқлар таркиби

(саноат маҳсулоти бўйича, фоизда)

Тармоқлар	1991 йил	2000 йил	2009 йил
Жами саноат маҳсулотлари	100	100	100
Шу жумладан, электр энергия	4,8	12,2	4,5
Рангдор металлургия	10,5	13,2	11,8
Кимё саноати	69,4	59,6	31,2
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	0,8	0,7	1,7
Қурилиш материаллари саноати	3,1	6,0	32,0
Енгил саноат	7,2	3,7	9,9
Озиқ-овқат саноати	1,5	1,6	4,5
Ун- крупа, омухта ем саноати	2,5	2,4	3,7
Бошқа тармоқлар	0,2	0,6	0,7

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

кимё маҳсулотлари, масалан, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, сирка, гипохлорид натрий кабилар олинади. Асосий корхоналари "Навоийазот", "Электрохимсаноат" ҳисобланади, улар мамлакатимиз экспортида ҳам фаол қатнашишади. Айниқса, мамлакатимиз хўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган суперфасфат заводи хом ашёси - фосфоритлар ҳам Навоий вилояти ҳудудида ишлаб чиқарилади. Маълумки, авваллари мазкур хом ашё қўшни Қозоғистон Республикасининг Жамбул вилоятидан (Қоратов конларидан) келтирилар эди, асосий корхоналар эса Самарқанд ва Қўқонда жойлашган.

Навоий вилоятининг кимё саноати республикамизда олдинги мавқеларни эгаллайди. Бу ҳусусда қурилиш материаллари саноатининг хам аҳамияти катта. Жумладан, энг йирик цемент заводи айнан шу ерда, яъни Навоий шаҳрида жойлашган. Бир йилда 3151 минг т атрофида цемент олинади (республикамизда 6853 минг т, демак, унинг ярмига яқини айнан шу вилоятда ишлаб чиқарилади)[1]. Цементдан ташқари темир-бетон маҳсулотлари, мармар плиталари, оҳак, шағал тош каби қурилиш материаллари олинади. Навоий қурилиш ташкилотлари республикамизда катта бинокорлик ишларини бажаради.

[1] 2000 йилда бу ерда 1300 минг т цемент олинган.

Халқ истеъмол молларидан 55-60 минг т ун, 39-41 минг т омухта ем, 4-5 минг т ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилади. Пахта толаси бўйича вилоят республикада охирги ўринда туради.

Жами саноат корхоналари 1081 та, йириклари 24 та, саноатда банд бўлган ишчи ва ходимлар сони 81,3 минг киши (бу анча юқори кўрсаткич, 2000 йилда у 23 минг кишини ташкил килган). Асосий саноат корхоналари, юқоридагилардан ташқари. Навоий ИЭС, "Қизилқумцемент", "Қизилқум – Рус - Нур", "Зарафшон - Ньюмонт" ва бошқалар. Уларнинг айримлари қўшма корхоналар ҳисобланади.

Таъкидлаш ўринлики, Навоий вилоятида мамлакатимиз учун энг муҳим ва стратегик аҳамиятга эга бўлган саноат тармоқлари ривожланган. Бу срда олтин ва ураннинг асосий қисми олинади, миллий иқтисодиёт учун энг зарур ҳисобланган фосфорит комбинати ҳам 2001 йилда ишга туширилган.

Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда вилоят саноати худудий таркибида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлиб ўтган. Масалан, агар 2000 йилда Навоий шаҳри минтақа саноат маҳсулотининг 51,0 фоизини берган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич бироз пасайган. ХИМ ни ишлаб чиқаришда Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамон етакчи (5.5-жадвал). Масалан 2009 йилда бу шаҳарлар ҳиссасига, мос равишда, 67,1 ва 8,8 фоиздан ХИМ тўғри келган. Қишлок туманлари орасида Қизилтепа ва Кармана бироз ажралиб туради, энг паст кўрсаткич Томди туманида кайд этилади.

Асосий саноат марказ ва пунктлари Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Қизилтепа ҳамда "ресурс" шаҳарчалар: Гозғон, Мурунтов, Шалкар, Лангар кабилар. Янгиробот ва Маликрабодда пахта тозалаш заводлари бор. Навоий шаҳри борган сари йирик саноат тугуни ва республикамизнинг ўсиш қутбига айланмоқда. Бу ерда, аниқроғи шаҳар аэропорти асосида мамлакатимизда илк бор республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 2 декабр 2008 йил фармонига биноан эркин иқтисодий-индустриал зона яратилмоқда. Бунда Жанубий Корея ва бошка давлатлар билан ҳамкорлик қилинади, жуда катта терминал яратилади. Бу эса, ўз навбатида, янги муқим иш ўринларини шакллантиришга ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, минтақа саноати чиндан ҳам "оғир". Буни вилоят саноат салохиятининг юксаклиги ва, айни

5.5 - жадвал

Навоий вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (жамига нисбатан фоизда, 2009 й.)

т/р	Ҳудудлар	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
1.	Навоий ш.	67,1	0,3	19,8	20,9	27,3	47,7
2.	Зарафшон ш.	8,8	0,3	19,9	37,0	12,5	9,2
	туманлар:						
1.	Кармана	5,5	15,3	16,9	11,4	17,2	10,2
2.	Конимех	1,3	4,3	0,8	2,2	3,4	3,7
3.	Навбаҳор	1,3	16,6	1,6	3,9	2,7	6,7
4.	Нурота	2.0	7,8	2,3	6,1	3,7	2,4
5.	Томди	0,6	3,0	0,6	0,6	3,0	1,7
6.	Учқудук	1,2	2,4	21,5	1,1	7,1	6,0
7.	Хатирчи	4,6	30,9	3,3	4,2	11,1	5,1
8.	Қизилтепа	7,5	18,9	3,2	12,9	11.8	7,3
	Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

вақтда, уни асосан оғир саноатга, тоғ-кон, ундирувчи тармоқларга ихтисослашгани маъносида ҳам тушуниш мумкин. Бинобарин, бу ерда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса халқ истеъмол моллари ҳамда технологик жараёнларни замонавийлаштириш негизида қайта ишловчи тармоқларни ривожлантириш, хотин-қизлар учун ҳам иш ўринларини кўпайтириш долзарб масалалар ҳисобланади.

Албатта, шу ўринда геоэкологик муаммоларни ҳам эътибордан қолдирмаслик керак. Экологик муаммолар, айниқса, Навоий шаҳри ва унинг атрофи учун кескиндир. Катта шаҳарда қатор улкан, экологик жиҳатдан анча "хавфли" саноат корхоналарининг (улар кимё, рангли металлургия, қурилиш материаллари ва электроэнергетикага тегишли) ҳудудий - урбанистик мужассамлашуви, албатта, атроф-муҳитга, хусусан атмосфера ҳавоси ва сувга катта таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ҳам саноат ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, чиқиндиларни ҳам утилизация қилиш, яъни қайта ишлаш бундай катта саноат маркази истиқбол ривожла-

нишининг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи даркор. Шунингдек, бу хусусда Навоий шаҳрининг, энг аввало, вилоят маъмурий - сиёсий маркази эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

Агроиқтисодиёт географияси. Модомики минтақа хўжалиги асосан саноатга, кўпроқ унинг оғир тармоқларига ихтисослашган экан, табиийки, бу ерда қишлоқ хўжалигига кам ўрин қолади. Бунинг энг асосий сабаби вилоят ҳудудининг чўллик хусусияти, агроиқлимий ресурсларнинг танқислиги ёки йўқлиги, тупроқ қатламининг ривожланмаганлиги, намгарчиликнинг, сув манбаларининг етишмовчилигидир. Бинобарин, бу ҳудудда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш имкониятлари жуда чекланган, "фойдали ер коэффициенти" ҳам ўта паст даражада.

Қишлоқ хўжалиги вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг атиги 14,0 фоизини, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг бор-йўғи 4,2 фоизини беради. Агроиқтисодиёт тизимида чорвачилик, асосан унинг жун - гўшт йўналиши етакчилик қилади. Унинг ҳиссасига жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 57,8 фоизи тўғри келади. Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ¼ қисмидан зиёдроғини таъминлайди (2009 й.).

Қизиғи шундаки, экин майдонларининг асосий қисми, яъни 77,6 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келсада, яратилган маҳсулотнинг атиги 25,5 фоизини ушбу мулкчилик шакли беради. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, фермер хўжаликлари кўпроқ экстенсив йўналишга мослашган.

Қуйида келтирилган жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, вилоятда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 5187,4 минг гектарни ёки умумий ҳудуднинг 46,8 % ни ташкил қилади. Бу республикамизда энг паст кўрсакичлардан биридир (Қорақалпоғистонда ҳам вазият шундай). Айниқса, Томди, Учқудуқ, Конимех ва қисман Нурота туманларида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг улуши жуда паст. Бу борада Хатирчи, Қизилтепа, Кармана ва Навбаҳор туманлари бирмунча юқори кўрсаткичларга эга.

Умумий экин майдонлари 109,2 минг га ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 2,1 фоизига тенг (2008 й.). Интенсив қишлоқ хўжалиги нисбатан жанубий районларда ривожланган. Жумладан, Хатирчи туманида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 32,7 фоизи экин майдонлари билан банд. Ушбу кўрсаткич Карманада 28,4 %, Қизилтепада 14,8 %, Навбаҳор тума-

нида 14,9 %. Аксинча, яйлов ва пичанзорлар марказий ва шимолий ҳудудларда кўп. Бу ерларда яйлов чорвачилиги, асосан қўй, жумладан, қорақўл қўйлари боқиш учун шароит қулайроқ. Томди ва Учқудуқ туманларида пичанзор ва яйловлар жами экин майдонининг 99,9 %, Конимехда 99,5 % ташкил қилади (5.6-жадвалга қаранг).

5.6 - жадвал

Навоий вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

(2008 й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Кармана	95,3	57,0	18,0	28,4	1.9	1,3	68,4
Конимех	914,0	104,8	5,3	0,5	0,01	0,04	99,5
Навбаҳор	157,1	148,0	20,0	14,9	1,8	0,2	83,4
Нурота	653,0	486,6	3,6	3,9	0,1	-	96,0
Томди	4249,0	2801,0	0,3	0,01	-	-	99,9
Учқудуқ	4663,0	438,3	0,1	0,03	-	-	99,9
Хатирчи	142,0	88,1	30,3	32.7	4,9	1,0	61,4
Қизилтепа	218,5	146,8	28,3	14,8	1,4	3,1	80,7
Вилоят бўйича	11091,4	5187,4	106.8	2,1	0.2	0,1	97,6

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана" – Ташкент, 2008.

Вилоятда жами экин майдони 2009 йилда 105 минг гектардан иборат бўлган. Унинг ярмига яқини, яъни 51,5 минг гектари донли экинлар билан банд шу жумладан бошоқли экинлар 50,4 минг га. Бу экинлар таркибида асосий майдонларни бугдой эгаллайди (48,2 минг га). Буғдой етиштиришда фермер хўжаликлари устунлик килади. Кўрилаётган йилда жами 229 минг т бугдой олинган, ҳосилдорлик 50,1 ц/га. Шунингдек, дон учун маккажўхори ҳам экилади, унинг майдони 1,0 минг гектардан озроқ. Пахтачилик ҳам сустроқ ривожланган. Ушбу техника экинига 36,0 минг га ер ажратилган ва ундан 95,5 минг т пахта хом ашёси олинган; ҳосилдорлик 26,5 ц/га. Пахта етиштириш, асосан, Хатирчи, Қизилтепа ва

Навбаҳор туманларида йўлга қўйилган. Пахтанинг ер майдони ҳам, унинг ҳосилида ҳам фермер хўжаликлари етакчилик қилади ёки деярли тўлиқ улар шуғулланишади.

Бошқа техника экинларидан қисман масхар (2,5 минг га, ҳосил 1,2 минг т), шунингдек, кунгабоқар ҳамда зиғир ва кунжут экилади. Айни вақтда картошка етиштириш ҳам бу ерда бошқа вилоятларга масалан, Самарқанд, Жиззах вилоятларига қараганда сустроқ ривожланган. 2009 йилда у атиги 1,2 минг га ерни эгаллаган ва 40 минг тонна атрофида ҳосил олинган.

5.2 - расм

Навоий вилоятининг экин майдони (фоиз ҳисобида)



Сабзавотчиликнинг умумий майдони 3,5 минг га, ялпи ҳосил 132 минг т. Мазкур соҳа асосан жанубий туманларда ривожланган. Шаҳар атрофи хўжалигига ихтисослашган Кармана туманида бу тармоқ кўпроқ аҳамиятга эга.

Табиийки, чорвачиликка ихтисослашган минтақаларда ем-ҳашак базаси ҳам мустаҳкам бўлмоғи лозим. Бироқ, Навоий вилоятида асосан яйлов чорвачилиги ривожланган, ем-ҳашак экинлари эса 9,5 минг гектарга экилади. Бу ерда ҳам фермер хўжалиги олдинда. Ем-ҳашакдан пичан учун беда (2,6 минг га), силос учун маккажўхори (2,7 минг га) экилади.

Мевачилик ҳам сустроқ ривожланган - асосан жанубда. 2009 йилда 5,3 минг га ер боғдорчилик билан банд, 6,6 минг га узумчиликка ажратилган бўлган. Боғдорчилик ва хусусан узумчилик Хатирчи туманида яхшироқ йўлга қўйилган.

Бир йилда қишлоқ хўжалигида 88,1 минг т гўшт (тирик вазнда), 256 минг т сут, 130 млн дона тухум, 2846 тонна жун, 253,5 минг бирлик қоракўл териси, 903 тонна пилла олинган. Жун ва қоракўл

терисини етиштиришда Навоий вилояти республикада олдинги ўринларда туради (2009 йилда Ўзбекистонда 24980 т жун, 898 минг дона қоракўл териси тайёрланган). Демак, республикада етиштирилган жуннинг 11,4 фоизи ва қоракўл терисининг 28,3 фоизи айнан шу вилоят зиммасига тушади.

Йирик шохли қорамоллар сони, 1.01.2010 йил ҳолатида, 312 минг бош, шу жумладан, сигирлар 141 минг бош, қўй ва эчкилар (асосан қўйлар) 1711 минг бош. Қўйчилик борасида Навоий вилояти республикамизда кескин ажралиб туради.

Агроиқтисодиётнинг ҳудудий таркибида Хатирчи, Қизилтепа, Кармана ва Навбаҳор туманлари етакчи. Ушбу қишлоқ туманлари ҳиссасига вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 2/3 қисми тўғри келади. Биргина Хатирчи тумани 30,9 % қишлоқ хўжалик маҳсулотини таъминлайди. Нурота ва Конимех туманларининг ҳам мавқелари бироз сезиларли даражада, бироқ Томди ва Учқудуқ туманларининг бу борадаги салоҳияти анча паст - 3,0 ва 2,4 % (5.5 - жадвал).

Навоий вилоятида жами фермер хўжаликлари сони 2437 та бўлиб, уларга 247,8 минг га ер бириктирилган; банд бўлган аҳоли 31,4 минг киши (1.01.2010 й.). Ушбу хўжалик шаклларини миқдор жихатдан Хатирчи, Қизилтепа ва Навбаҳор туманларида кўпроқ; мос ҳолда 599, 573 ва 487 тадан. Ер майдони бўйича эса Қизилтепа (60,2 минг га), Хатирчи (46,4 минг га), Навбаҳор (33,7 минг га) ва Кармана (33,5 минг га) туманлари кўзга ташланади. Уларда ишлайдиган ходимлар сонида ҳам худди шундай географик хусусиятлар кузатилади.

Умуман олганда, хар бир фермер хўжалигига вилоятда 101,7 га ер ва 12,9 кишидан ишчи ходим тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, бу ерда бошқа минтақаларга қараганда, хусусан, водий ва воҳаларга нисбатан фермер хўжалигининг ерлари катта, ишловчилар сони эса анча оз. Бу ҳам бўлса вилоят қишлоқ хўжалигини кўпроқ экстенсив йўналишга эга эканлигидан яна бир бор далолат беради. Келажакда ҳам агроиқтисодиёт тизимининг ривожланиши асосан жанубий ҳудудлар зиммасига тушади.

Социал география. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва умуман ишлаб чиқаришнинг "эгаси", амалга оширувчиси инсон, меҳнат ресурслари ҳисобланади. Ижтимоий соҳаларда ҳам аҳоли хизмат қилади, бироқ бу хизмат инсоннинг ўзига, унинг соғлиғи, таълими,

дам олиши, даволаниши ва бошқа эҳтиёжларини кондиришга қаратилади. Шу нуқтаи назардан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўзаро чамбарчас боғлиқ ва уларни бир-биридан кескин ажратиб бўлмайди.

Ижтимоий соҳаларга, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим тизимлари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари киради. Уларни замонавий талаб даражасида ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этишга, баркамол авлодни тарбиялашга "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида ҳам катта эътибор берилган.

Навоий вилоятида 2009 йилда чакана савдо айланмаси аҳоли жон бошига 705 минг сўмданни ташкил этган. Ушбу ижтимоий соҳанинг ҳудудий таркибида Навоий шаҳрининг ҳиссаси 27,3 %, Зарафшонники 12,5 %, қишлоқ туманлари миқёсида Кармана етакчилик қилган - 17,2 %. Шунингдек, бу салоҳият Қизилтепа ва Хатирчи туманларида ҳам нисбатан каттароқ, Навбаҳорда эса у энг паст (5.5 - жадвал).

Аммо ижтимоий соҳаларнинг ҳақиқий ҳолати салоҳиятда ёки уларнинг улушларида эмас, кўпроқ аҳоли жон бошига ҳисоблаганда аниқроқ намоён бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, энг катта кўрсаткичлар, юқоридаги икки шаҳарларни ҳисобга олмаганда, Учқудуқ ва Кармана туманларида қайд этилади. Учқудуқда бу ўртача кўрсаткич 1158 минг сўм, Карманада 1024 минг сўмни ташкил қилган. Айни вақтда у Хатирчида 413 минг сўм ва Нурота туманида 276 минг сўмга тенг бўлган, холос.

Пуллик хизматлар аҳоли жон бошига 207,8 сўмдан ташкил қилган ҳолда бу кўрсаткич фақат Учқудуқ туманида ўртачадан юқори бўлган (Навоий ва Зарафшон шаҳарлари бундан мустасно). Учқудуқда ҳар бир кишига 287 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, Нуробод туманида уларнинг ҳажми 52 минг сўм, Хатирчида 55 минг сўмга баробар. Қизиғи шундаки, аҳоли зичлиги ва юки энг кўп ҳисобланган Хатирчи туманида бу аҳвол яхши эмас. Туманда вилоятнинг 19,0 % аҳолиси яшайди, пуллик хизматлар ҳажми эса 5,1 %. Бу борада нисбатан юқори даражага Кармана тумани эга - 10,2 %, анча паст улуш Томди (1,7 %) ва Нурота (2,4 %) туманларида қайд этилади.

Соғлиқни сақлаш тизимида жами 42 та муассасалар мавжуд, уларда бемор ўринлари 4296 та (ҳар 10000 кишига 50 та). Амбулатория – поликлиникалар 251 та, ҳар 10 минг аҳолига врачлар со-

ни 30 киши, ўрта медицина ходимлари сони 129 киши. Вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари сони 136 та ёки, 8 та туманга ҳисоблаганда, 17 тадан, 594 та қишлоқ аҳоли пунктларига нисбатан ҳисоблаганда эса 4,4 та қишлоққа 1 та ҚВП тўғри келади. Табиийки, бундай майда қишлоқлар кўп ва улар ўртасидаги масофа чўл шароитида катта бўлган ҳудудда ушбу муаммонинг кескинлиги ўзўзидан равшан бўлади.

Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган касалхона ўринлари Навоий шаҳри ҳамда Кармана ва Учқудуқ туманларида бирмунча кўпроқ. Ҳатто Зарафшон шаҳрида ҳам бу кўрсаткич ўртачадан паст - 47 ўрин (ўртача 50 та). Хатирчи ва Навбаҳор туманларида эса у, мос ҳолда, 30 ва 32 ўринни ташкил қилади. Амбулатория-поликлиника муассасаларининг нисбий даражаларида ҳам шунга ўхшаш туманлараро фарқлар кузатилади: ҳар 10 минг кишига ўртача 171 та, Томди ва Нуротада 237 ва 221 тадан, Навбаҳорда 118 та (5.7-жадвал).

Таълим географиясини чўл шароитида ташкил этиш ҳам ўзига хос муаммоларга дуч келади. Мактаблар сони бу ерда кўпроқ бўлсада, уларда ўқувчилар сони анча оз (айниқса, кичик ва майда қишлоқларда). Жами вилоятда 4 та академик лицей (ўқувчилар сони 3844 та), 47 та касб-ҳунар коллежлари (ўқувчилар сони 41094 та) ва 2 та олий ўқув юртлари бор. Жумладан, бу срда, аниқроғи Навоий шаҳрида республикамизда ягона – Тоғ-геология институти жойлашган.

Маълумки, чўл шароитида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ўта муҳим масала ҳисобланади (қадимдан ҳам бу муаммо кескинлигидан бундай сув танқис ҳудудларда сардобалар курилган). Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашнинг ҳозирги даражаси 74,8 %. Бу юқори кўрсаткич эмас, албатта, чунки ҳар 4 кишидан бир кишига бундай сув етмайди. Хусусан, ночор аҳвол Навбаҳор, Нурота ва Томди туманларида: мос ҳолда, 40,9; 44,5; 46,6 %.

Табиий газ билан таъминланиш даражаси бирмунча яхшироқ - ўртача 80,0 %. Бу борада энг юқори кўрсаткич Кармана туманида - 98,7 %, энг паст эса чўл туманларида, яъни Томди ва Учқудукда.

Транспорт ва ташқи савдо. Вилоятда транспорт тизими унча яхши ривожланмаган. Унинг жанубидан халқаро темир ва автомобил йўллар ўтади, ана шу йўлларга перпендикуляр шаклда Навоий - Учқудуқ темир йўли қурилган. Ҳозирги вақтда ушбу йўлнинг давоми, яъни Учқудуқ - Нукус йўналиши қурилиб битирилган.

5.7 - жадвал

Навоий вилояти шаҳар ва қишлоқ туманлари ижтимоий ҳолатининг баъзи бир кўрсаткичлари
(2009 й.)

Шаҳар ва туманлар номи	1 кишига тўғри келади ган уй - жой, кв. м	Ҳар 10 минг кишига нисбатан касалхона ўринлари	Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория-поликлиника муассасалари	1 сменада ўқувчи лар, %да	Ичимлик суви билан таъминлан ганлик даражаси, % да	Табиий газ билан таъминланган лик даражаси, %да	Ҳар 100 минг кишига нисбатан касалланган лар сони
Шаҳарлар:							
Навоий ш.	18,8	98	233	66,8	98,4	98,3	102112
Зарафшон ш.	15,8	47	219	67,1	93,4	82,9	77660
туманлар:							
Кармана	22,8	56	142	84,2	88,0	98,7	74029
Қошимех	18,8	53	195	80,5	83,4	93,3	49539
Навбахор	24,8	32	118	77,3	40,9	67,1	58698
Нурота	19,5	42	221	75,1	44,5	83,5	66932
Томди	12,0	50	237	98,6	46,6	50,0	76764
Учқудуқ	18,1	55	191	69,1	77,0	51,0	85261
Хатирчи	20,1	30	108	70,3	65,8	85,0	54088
Қизилтепа	24,5	40	162	88,9	69,9	78,8	71050
Вилоят бўйича	20,5	50	171	7 5,5	74,8	80,0	71671

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Унинг ишга тушиши билан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан бевосита темир йўл орқали, яъни Туркманистонга чиқмасдан боғланди. Натижада, Навоий шаҳрининг (Кармана билан бирга) транспорт тугуни вазифаси янада кучайди, Зарафшон, Учқудуқ, Конимех шаҳарлари ривожланишига, чўл ҳудуди табиий ресурсларидан фойдаланишга ҳам қулай имкониятлар яратилди.

2009 йилда вилоят бўйича юк айланмаси 2447,4 млн. т км ни, йўловчи айланмаси 1956,2 йўловчи километрни ташкил қилган. Умуман олганда эса бундай катта ҳудудга эга бўлган, ишлаб чиқариш ва аҳоли тарқоқ жойлашган минтақада транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ўта муҳим масаладир. Айниқса, бу муаммо вилоят ички, яъни қишлоқ туманларида (хусусан, Томди, Учқудуқ, Конимехда) йўловчилар қатновини яхшилаш кескин муаммо ҳисобланади.

2008-2009 йилларда ташқи савдо обороти 850-995 млн. АҚШ доллари атрофида бўлган, шундан экспорт 495-555, импорт 355-440 млн. доллар атрофида. Ташқи савдо айланмасининг асосий қисми, экспортнинг 85,9 % ва импортнинг 93,0 фоизи биргина Навоий шаҳрига тўғри келади. Зарафшон шаҳри ҳам бу борада фаолроқ. Қишлоқ туманлари миқёсида фақат Карманани ажратиш мумкин, қолганлари заиф; Нурота, Томди, Учқудуқ, Хатирчи туманлари эса 2009 йилда вилоят экспортида умуман қатнашмаган.

Экспорт таркибида кимё саноати маҳсулотлари 70,6 %, пахта толаси 5,5 %. Импортда машина ва ускуналар 54,7 %, кимё саноати маҳсулотлари 20,9 %, қора ва рангли металлар 11,2 %. Вилоятнинг ташқи иқтисодий алоқалари асосан "Узоқ" хориж мамлакатлари билан олиб борилади. Уларнинг ҳиссаси экспортда 86,5 %, импортда 55,6 % (2009 й.).

Ички ҳудудий тафовутлар. Вилоятнинг табиий шароити ва у билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари 2 та иқтисодий районни ажратишга асос сифатида хизмат қилади. Бири Жанубий район бўлиб, унинг таркибига Навоий шаҳри, Кармана, Хатирчи, Нурота, Навбаҳор ва Қизилтепа туманлари киради[1]. Ушбу районнинг майдони унча катта бўлмасада, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мужассамлашуви анча юқори. Жумладан,

[1] Мазкур район таркибига Конимехни ҳам киритиш мумкин. Бу туманнинг маркази жанубда, асосий ҳудуд эса ажралган ҳолда шимолда жойлашган.

Жанубий район ҳиссасига 11,4 % майдон, 80,1 %, аҳоли, 24,7 % саноат ва 89,8 % қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғри келади. Ижтимоий соҳалар, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар ҳам айнан шу районда ривож топган. Район маркази - Навоий шаҳри, айни вақтда республикамизнинг йирик саноат маркази. Шаҳар жуда кўркам ва обод, архитектура қурилиши намунавий. Чўл шароитида шаҳарсозликнинг бундай ютуқлари учун Навоий шаҳри 1972 йилда П. Аберкромби номидаги Халқаро архитекторлар мукофоти билан тақдирланган.

Шимолий районга иккита катта, чўл ҳудудларини эгаллаган Томди ва Учқудуқ туманлари киради. Аҳолиси сийрак, ишлаб чиқариш алоҳида "ўчоқлар" шаклида жойлашган. Бепоён чўл шароитида замонавий Зарафшон шаҳри қад кўтариб туради; Учқудуқ ҳам ривожланиб бормоқда. Район экстенсив чўл-яйлов чорвачилигига ва тоғ-кон саноатига ихтисослашган.

5.8 - жадвал

Навоий вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари (аҳоли жон бошига, 2009 й.)

т/р	Ҳудудлар	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизматлар
1.	Навоий ш.	0,018	4,355	1,289	1,361	1,772	3,089
2.	Зарафшон ш.	0,038	1,038	2,357	4,359	1,471	1,076
	туманлар:						
1.	Кармана	1,290	0,462	1,427	0,961	1,452	0,859
2.	Конимех	0,970	0,287	0,185	0,508	0,758	0,838
3.	Навбаҳор	1,607	0,129	0,155	0,382	0,265	0,647
4.	Нурота	0,824	0,207	0,243	0,651	0,392	0,250
5.	Томди	1,151	0,245	0,223	0,247	1,139	0,677
6.	Учқудуқ	0,551	0,280	4,962	0,251	1,642	1,383
7.	Хатирчи	1,630	0,240	0,175	0,219	0,586	0,265
8.	Қизилтепа	1,351	0,532	0,230	0,919	0,838	0,521
	Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, Кармана, Қизилтепа, Учқудуқ туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси юкорироқ. Хусусан, уларда қишлоқ хўжалиги, капитал қўйил-

малар, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Айни пайтда Томди ва Хатирчи, Навбаҳор қисман Конимех туманларининг ишлаб чиқариш ва демографик салоҳияти паст даражада. Бинобарин, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта эътибор қаратиш лозим. 1.01.2010 йилда рўйхатга олинган давлат дотациясида бўлган Навбаҳор, Нурота ва Хатирчи туманларида ҳам инвестиция муҳитини яхшилаш ва шу асосда уларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Асосий муаммолар. Навоий вилояти иқтисодиётининг истиқболи саноатнинг тармоқлар таркибини такомиллаштириш, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, аграр соҳани мустаҳкамлаш, транспорт тизимини яхшилаш билан боғлиқ. Шунингдек, қишлоқ инфратузилмасини ва саноатини ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш, Навоий шаҳри ва унинг атрофи экологиясини соғломлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Навоий вилояти катта ҳудудий ва ҳозирча тўла ўрганилмаган минерал хом ашё заҳираларига эга. Уларни аниқлаш ва хўжалик оборотига киритиш айни вақтда ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибини яхшилашга ҳам имконият беради. Навоий шаҳрида барпо этилаётган эркин иқтисодий – индустриал минтақа, шубҳасиз, вилоят ва республика иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлади ва мамлакатимиз миқёсида ҳақиқий ўсиш қутбларидан бирига айланади.

Олтинчи боб. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Наманган вилояти Ўзбекистон Республикаси Фарғона водийси қисмининг энг катта ҳудуди ҳисобланиб, унинг майдони 7,44 минг кв. км. Бу Фарғона иқтисодий районининг 40,2 фоизи, мамлакатимизнинг 1,6 фоиз майдони демакдир.

Аҳолиси, 2010 йил дастлабки маълумотларига қараганда, 2259,0 минг киши ёки республика аҳолисининг 8,1 фоизи шу минтақада яшайди. Водийда, гарчи вилоят ўзининг майдонини нисбатан катталиги билан ажралиб турсада, аҳоли сони бўйича у Фарғона ва Андижон вилоятларидан орқада туради. Бироқ шунга

қарамасдан, республика миқёсида Наманган вилояти аҳолиси зич жойлашган ҳудудлар қаторига киради.

Мамлакат меҳнат тақсимотида Наманган вилояти, энг аввало, деҳқончилик (пахта, пилла, мева етиштириш), енгил ва озиқ-овқат саноатига ихтисослашган. У республика ялпи ҳудудий маҳсулотининг 3,9, халқ истеъмол молларининг 3,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 7,2, чакана савдо ҳажмининг 6,0 фоизини беради (2009 й.).

Вилоят ҳозирги ҳолатда 18 декабр 1967 йилда ташкил топган. Аслида эса у даставвал 06.03.1943 йилда бу мақомга эга бўлган, сўнгра, яъни 25.01.1960 йилда Наманган ва қўшни Андижон вилоятлари қўшилиб, алоҳида бир маъмурий вилоятни ташкил қилган. Маълумки, бу даврда собиқ Иттифоқда вилоятларни йириклаштириш, "Совнархоз"ларни шакллантиришга катта аҳамият берилган. Худди шундай ўзгаришлар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам юз берган.

Наманган вилоятининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши вилоятга бўйсунувчи 1 та шаҳар, 11 та қишлоқ тумани, 7 та туманга бўйсунувчи шаҳар ва 120 та шаҳарчалардан иборат. Шунингдек, бу ерда 91 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва 403 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд.

Қишлоқ туманлари орасида майдони бўйича Поп ва Чуст ажралиб туради. Хусусан, Поп туманининг майдони энг катта бўлиб (2,91 минг кв. км), у вилоят умумий ҳудудининг 39,1 фоизини эгаллайди. Чуст туманининг майдони 0,91 минг кв.км, кичиги эса Норин тумани ҳисобланади. Бу борадаги географийлик коэффициенти 13,8 га тенг. Демак, вилоят табиий-хўжалик нуқтаи назаридан анча катта ички ҳудудий тафовутларга эга.

Вилоятда биринчилар қаторида ташкил этилган туманлар Наманган, Чуст, Поп ва Янгиқўрғон бўлиб, улар республикамизда дастлабки – 1926 йилда амалга оширилган маъмурий ислоҳотларга тўғри келади. Тарихий нуқтаи назардан энг сўнггиси эса Чортоқ тумани, у 1980 йилда Янгиқўрғон туманидан ажралиб чиққан (6.1-жадвал).

Географик ўрни ва табиий бойликлари. Наманган вилояти асосан Сирдарёнинг ўнг қирғоғи, Фарғона водийсининг шимолий қисмини эгаллайди. У Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг шарқий қисмида, Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилоятининг жанубида жойлашган; ғарбда Тожикистон Республика-

6.1 - жадвал

Наманган вилояти қишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган вақти	Маъмурий маркази	Майдони, минг кв.км	Аҳолиси, минг киши		1989-2010 йиллар да ўсиш, %	Аҳоли зичли ги, 1 кв.км киши
					1989	2010		
1	Косонсой	26.12.1793	Косонсой ш.	0,52	67,5	98,7	146,2	189,8
2	Мингбулоқ	22.12.1964	Жумашўй ш-ча	0,74	56,0	460,8	287,0	217,3
3	Наманган	29.09.1926	Тошбулоқ ш-ча	0,25	110,6	184,1	166,4	736,4
4	Норин	12.01.1973	Ҳаққулобод ш-ча	0,21	68,2	131,1	192,2	624,3
5	Поп	29.09.1926	Поп ш-ча	2,91	86,7	176,3	203,3	60,6
6	Тўрақўрғон	07.12.1970	Тўрақўрғон ш.	0,28	91,7	180,2	196,5	643,6
7	Уйчи	09.01.1967	Уйчи ш-ча	0,31	107,0	189,2	176,8	610,3
8	Учқўрғон	09.05.1935	Учқўрғон ш.	0,30	72,5	142,4	196,4	474,7
9	Чортоқ	27.12.1980	Чортоқ ш.	0,38	70,6	161,0	228,0	423,7
10	Чуст	29.09.1926	Чуст ш.	0,93	94,0	218,0	231,9	234,4
11	Янгиқўрғон	29.09.1926	Янгиқўрғон ш-ча	0,53	110,4	176,0	159,4	332,1
	Вилоят бўйича	18.12.1967	Наманган ш.	7,44	1477,1	2259,0	152,9	303,6

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

синиг Сўғд вилояти билан, республикамиз доирасида эса Тошкент вилояти, жанубда Фарғона, жануби-шарқда Андижон вилоятлари билан чегарадош.

Вилоят ҳудудининг ярмидан кўпроғи тоғ ва тоғолди районларидан ташкил топган. Бу ерда адир минтақаси кўшни вилоятларга қараганда кенг тарқалган ва у боғдорчилик, узумчилик ҳамда чорвачилик учун қулай. Шу жиҳатдан Наманган вилоятининг ер фонди ҳам каттароқ. Бироқ, унинг энг чекка шимоли-ғарбий қисми баланд тоғликлардан иборат (баландлиги 4000 метргача етади). Жумладан, Поп туманининг энг чекка шимоли-ғарбий қисмида 4008 метр баландликдаги жойлар бор.

Орографик жиҳатдан вилоятнинг ғарбий ва шимолий қисмидаги Чоткол, Қурама ҳамда Фарғона тизмалари Ғарбий Тяншан тоғ тизмаларига киради. Уларнинг асосий қисми Поп туманида кузатилади. Ушбу туманнинг ер усти тузилиши анча мураккаб бўлиб, баландлик амплитудаси энг жанубдаги 365-367 м баландликдан 4008 м нуқталар доирасида 3640 метрга тенг. Дарҳақикат, Поп тумани республикамизда типик тоғли ҳудудлар қаторига киради ва бу жойда "фойдали ер" коэффициенти вилоятнинг бошқа туманларига қараганда анча паст[1].

Вилоят ҳудудида айрим қазилма бойликлари ҳам мавжуд. Улар Чодоқ, Чоркесар, Уйғурсой полиметалл ва қимматбаҳо металлар ҳамда Мингбулоқ нефть конларидир. Аммо бу конларда қазилма бойликларининг захираси кўп эмас, бинобарин, улар минтақа иқтисодиётига кучли таъсир этмайди.

Ёғин-сочин миқдори ғарбдан шарққа томон ортиб боради (100-400 мм). Асосий гидрографик элементи Сирдарё бўлиб, у шу номда айнан вилоят ҳудудида, Норин ва Қорадарёнинг қўшилиши натижасида шаклланади. Бироқ Сирдарёнинг ерларни суғоришдаги аҳамияти катта эмас, чунки у анча пастликда оқиб ўтади. Бу жиҳатдан унинг ирмоқлари - сойларнинг аҳамияти юкорирок:

---

[1] Француз географи Э. Реклю фойдали ёки "самарали" ерларга денгиз сатҳидан 2000 метргача баландлик ва йиллик ўртача ҳарорат минус 20 С даражагача бўлган ҳудудларни киритган. Бизнинг шароитимизда, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш нуқтаи назаридан баландлиги 1000-1200 м ерларни олиш тўғрироқ бўлса керак. Иккинчи кўрсаткич ўрнига ёки унга қўшимча равишда йиллик ёғин-сочин миқдори олиниши максадга мувофик (200 мм дан кўп).

Резаксой, Ғовасой, Косонсой, Чортоқсой, Намангансой ва ҳ.к. Ушбу сойларнинг юқори қисмида кичик-кичик сув омборлари қурилган (Чортоқ, Кўксарой, Олмоссой, Ғовасой, Кенгкўлсой ва бошқалар).

Норин дарёси Қирғизистон ҳудуди, баланд тоғликлардан водийга чиққандан сўнг кенг ёйилиб кетади. Худди ана шу ердан водийнинг аксарият каналлари бошланади. Жумладан, Катта Наманган, Шимолий Фарғона, Катта Фарғона, Катта Андижон каналлари Учқўрғон шаҳри ва Шамолдисой шаҳарчаси яқинидан бошланади. Катта Наманган канали кейинги йилларда қурилган бўлиб, у адир зонасининг пастроқ қисмларини суғоришга мўлжалланган. Умуман олганда эса, Наманган вилояти, айниқса, унинг ғарбий қисми сув билан яхшироқ таъминланмаган. Айнан шу жойларда ва тоғолди ҳудудларда жуда кўп ариқлар бор. Улар сув омборларидан бошланади.

Наманган вилояти табиий бойликларига унинг дори-дармон учун фойдаланиладиган турли хил ўтлар (фармацевтика ресурслари) ҳамда рекреация масканларини ҳам киритиш мумкин. Бундай жойларга Чортоқ, Поп туманидаги Парда Турсун сихатгоҳлари, Янгиқўрғон, Чуст туманларининг гўзал ландшафтлари мисол бўла олади.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Яқин йилларгача Наманган вилояти республикамизда аҳолиси нисбатан жадал кўпайиб бораётган ҳудудлар қаторига кирар эди. Аммо сўнгги йилларда демографик ўсиш кўрсаткичлари бироз пасайиб бормоқда. Масалан, 1989-2000 йилларда вилоят аҳолиси йилига ўртача 2,50 фоиздан кўпайиб борган бўлса, 2000 йиллар бошида бу кўрсаткич 1,70 фоизга тушиб қолган. Энг сўнгги йилларда аҳоли сони қуйидагича кўпайган. 2008 йилда 43,0, 2009 йилда 42 минг кишига яқин. Бу мутлоқ рақамлар нисбий кўринишда 1,80-1,90 фоизларга тенг. Демак, демографик ривожланиш аср бошида бироз пасайиб, тахминан 2006 йилдан янада жадаллашган ва ўзига хос тўлқин сифатида қисқа муддатли ўтиш даврини намоён қилган.

Қишлоқ туманлари миқёсида аҳоли ўсиши анча ҳудудий тафовутларга эга. Жумладан, агар вилоят аҳолиси 1989-2010 йилларда 1,53 мартага ўсган бўлса, бу кўрсаткич Чортоқ, Чуст ва Мингбулоқ туманларида 2,2-2,9 мартани ташкил қилган. Шунингдек, Учқўрғон, Тўрақўрғон ва Поп туманларида ҳам бу ўсиш анча юқори бўлган. Айни вақтда Косонсой ва Янгиқўрғон туманларида аҳоли динамикасининг бироз паст даражалари қайд этилади (6.1 - жадвал).

6.2 - жадвал

Наманган вилояти қишлоқ туманларида аҳоли табиий ҳаракати
(ҳар 1000 кишига нисбатан)

т/р	Туманлар	1995			2000			2005			2009		
		туғи лиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғи лиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғи лиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғи лиш	ўлим	табиий кўпайиш
1	Косонсой	36,8	5,6	31,2	23,8	5,0	18,8	21,9	4,5	17,4	26,1	3,9	22,2
2	Мингбулоқ	35,4	6,1	29,3	22,8	5,0	17,8	21,2	5,1	16,1	19,8	3,9	15,9
3	Наманган	37,5	6,3	31,2	21,5	5,1	16,4	20,6	4,4	16,2	24,2	4,4	19,8
4	Норин	30,1	6,4	23,7	19,0	5,1	13,9	19,7	5,4	14,3	23,0	4,3	18,7
5	Поп	32,4	6,1	26,3	21,6	4,8	16,8	21,9	5,1	16,8	21,4	4,6	16,8
6	Тўрақўрғон	36,6	6,2	30,4	27,0	4,7	16,3	19,8	5,0	14,8	22,3	4,0	18,3
7	Уйчи	31,8	5,7	26,1	21,1	5,1	16,0	20,4	5,0	15,4	24,9	4,2	20,7
8	Учқўрғон	37,4	6,1	23,7	21,1	4,4	16,7	18,7	5,1	13,6	21,5	4,5	17,0
9	Чортоқ	36,4	6,2	30,2	19,7	4,7	15,0	20,3	4,9	15,4	22,3	3,7	18,6
10	Чуст	33,1	5,4	27,7	22,6	4,5	18,1	19,3	4,1	15,2	20,2	4,1	16,1
11	Янгиқўрғон	28,2	5,6	22,6	20,0	4,8	15,2	19,8	4,3	15,5	22,2	4,0	18,2

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Наманган вилоятида аҳолининг зичлиги ўртача 1км^2 га 304 кишини ташкил қилади. Бу рақам қўшни Фарғона ва, айниқса Андижон вилоятига қараганда бироз пастроқ бўлсада, у республика кўрсаткичидан 5 марта кўпдир.

Вилоят ҳудудида аҳоли зичлиги ҳар хил. Масалан, у Наманган шаҳрига бевосита яқин, суғорма деҳқончилик яхши ривожланган туманларда (Уйчи, Тўрақўрғон, Норин, Наманган) 610-736 кишига етади. Ваҳоланки, майдони бўйича энг катта Поп туманида зичлик 60 киши, холос. Бу эса бутун Фарғона иқтисодий районида энг кичик кўрсаткичдир. Шу қаторда, янги ўзлаштирилган Мингбулоқ туманида ҳам аҳоли жойлашуви унча зич эмас: 217 киши ва бу жиҳатдан у қўшни Андижон вилоятининг Улуғнор, Бўз, Фарғонанинг Ёзёвон туманларига ўхшаб кетади. Маълумки, бу маъмурий бирликлар Марказий Фарғона - Қоракалпоқ чўли ҳудудларида жойлашган.

Демак, вилоят туманларининг демографик сиғими бир-биридан анча фарқ қилади. Бундай ҳолат асосан сув ресурсларининг ҳудудий шаклланишига боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг минтақавий хусусиятларига ҳам таъсир кўрсатади.

Вилоятда аҳоли сонига кўра Чуст тумани олдинда туради. Бу ерда 218 минг киши истиқомат қилади. Қолган қишлоқ туманлари аҳолиси эса Косонсой туманидаги 98,7 минг кишидан Уйчи туманидаги 189,2 минг кишигача фарқ қилади (6.1-жадвал).

Аҳоли сонининг нисбатан юқори суръатларда ўсишига унинг табиий ҳаракати сабабчидир. Чунончи, 2001 йилда туғилиш 20,7 промилле, ўлим 4,7 ва табиий кўпайиш 16,0 промиллега тенг бўлган (1999 йилда бу кўрсаткичлар юқоридагиларга мос равишда 23,1, 4,9 ва 18,2 промиллени ташкил этган). 2009 йилда табиий ҳаракат кўрсаткичлари қуйидагича: туғилиш 23,0, ўлим 4,2, табиий кўпайиш 18,8 промилле.

Аҳолининг табиий ҳаракати ҳудудий фарқларга эга бўлиб, бу жойларнинг демографик вазияти, аҳолисининг ёш ва жинсий, миллий таркиби, миграция ва бандлиги, маълумотлилик ва урбанизация даражаси каби қатор омилларга боғлиқ. 6.2-жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатишича, сўнгги 15 йилда вилоят аҳолисининг такрор барпо этилиши умумий тарзда пасайиб бораётган бўлсада, у тўлқинсимон ўзгариб бормоқда. Бу ўзгариш ёки бурилиш тахминан 2005-2006 йилларга тўғри келиб, у, ўз навбатида,

авлодлар алмашуви, демографик жараёнлар ўтмишининг хусусиятлари билан изоҳланади.

Таҳлилларга биноан, туғилиш 1995-2009 йиллар мабойнида 15-20 промиллега қискарган. Агар 2005-2009 йиллар оралиғи олинса, катор туманларда туғилиш умумий коэффициентининг бироз кўтарилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Косонсой туманида у 21,9 дан 26,1 промиллега, Наманган туманида 16,4 дан 24,2 гача, Уйчида 20,4 дан 24,9 промиллега кўтарилган ва ҳ.к. Фақат Мингбулоқ туманида акс ҳолат қайд этилади, холос: 2005 йилда туғилиш даражаси 21,2 ‰ бўлган ҳолда, у 2009 йилда 19,8 промиллега тушиб қолган. 1995 йилда энг юқори туғилиш кўрсаткичи Косонсойда, энг пасти - Янгиқўрғонда, фарқ 8,6 промиллени ташкил қилган. 2000 йилда энг юқори кўрсаткичга (27,0 ‰) Тўрақўрғон тумани, энг пастига Норин (19,0 ‰) тумани эга бўлган, фарқ 8,0 ‰. 2005 йилга келиб туғилиш географиясида қуйидаги ўзгаришлар юз берган: энг юқори туғилиш даражаси – 21,9 ‰ (Косонсой ва Поп туманларида), энг пасти - 18,7 ‰ Учқўрғон туманида, улар ўртасидаги фарқ бор - йўғи 3,2 пунктни ташкил қилган.

2009 йилда вилоят туманлари орасида нисбатан юқори кўрсаткич Косонсойда (26,1‰), энг пасти Мингбулоқда (19,8 ‰) қайд этилади; фарқ 6,3 промилле. Кўриниб турибдики, 2000 йиллар ўртасида туғилиш кўрсаткичларидаги ҳудудий тафовутлар бироз текислашган, кейинчалик эса бу фарқ янада ортиб борган.

Ўлим коэффициенти ҳам бу йилларда пасайиб борган. Бироқ қишлоқ туманлари миқёсида катта фарқлар кузатилмайди. 1995 йилда энг юқори ўлим кўрсаткичи Норинда, энг пасти Чуст туманида, 2009 йилда уларни ўрнини мос равишда Поп ҳамда Чорток туманлари олган.

Аҳоли табиий ҳаракатининг якунловчи кўрсаткичи - табиий кўпайиш жараёнлари туғилиш коэффициентидаги ўзгаришларни такрорлайди. У кейинги йилларда 16,1 промилледан 22,2 промиллегача ёки фоизда олганда, 1,61 ва 2,22 фоизни ташкил қилади. Вилоят бўйича туғилиш 2009 йилда 23,0, ўлганлар 4,2 ва табиий кўпайиш 18,8 промилле ёки 1,88 фоизга тенг. Бу ҳақиқий аҳоли кўпайишидан бироз кўпроқ, холос. Сабаби ташқи миграция вилоятда салбий натижага эга. Чунончи, 2009 йилда ҳар минг кишига вилоятга келганлар 1,2, кетганлар 2,3 промиллега баробар бўлган; миграция қолдиғи минус 1,1 ‰ (6.3-жадвал). Келганлар

бўйича Наманган тумани олдинда – 2,7 ‰, кетувчилар даражаси ҳам айнан шу туманда юқори - 2,9 ‰. Аҳоли миграцияси билан шаҳарлар ривожланиши, урбанизация жараёни чамбарчас боғлиқ. Сабаби қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиши, шаҳарлар тўри ва таркибининг ривожланиши урбанизацияга олиб келади.

Наманган вилоятида, республикамизнинг бошқа минтақаларида бўлгани каби, шаҳар аҳолиси 1989-2008 йилларда деярли ўсмади ёки унинг ўсиши қишлоқ аҳолисининг кўпайишидан унча ортиқ бўлмади. Натижада, урбанизациянинг умумий демографик кўрсаткичи бу даврда кескин ўзгармади, аксинча, мамлакат ва катор вилоятларда у хатто қисқарди. Аммо 2009 йилга келиб "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш муносабати билан вазият кескин ўзгарди, яъни урбанистик тўлқин вужудга келди. Биргина Наманган вилоятида

6.3 - жадвал

Наманган вилояти аҳолисининг миграцияси (промилледа)

т/р	Туманлар	2008 й.			2009 й.		
		келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	Вилоят бўйича	1,1	1,2	-0,1	1,2	2,3	-1,1
	Наманган ш.	1,4	2,6	-1,2	1,1	2,9	-1,8
	туманлар:						
1	Косонсой	1,2	1,2	0,0	0,6	1,1	-0,5
2	Мингбулоқ	1,4	2,6	-1,2	1,0	2,0	-1,0
3	Наманган	1,3	1,0	0,3	2,7	2,9	-0,2
4	Норин	2,0	2,7	-0,7	1,8	2,5	-0,7
5	Поп	1,4	2,5	-1,1	1,7	2,9	-1,2
6	Тўрақўрғон	1,2	2,7	-1,5	0,7	1,6	-0,9
7	Уйчи	1,7	2,9	-1,2	1,9	2,5	-0,6
8	Учқўрғон	1,6	2,7	-1,1	0,8	1,8	-1,0
9	Чортоқ	0,5	2,4	-1,9	0,7	2,4	-1,7
10	Чуст	1,0	2,1	-1,1	1,3	1,4	-0,1
11	Янгиқўрғон	1,1	1,2	-0,1	1,5	0,8	0,7

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

109 та қишлоқ аҳоли пункти шаҳарча мақомига муяссар бўлди ва урбанизация кўрсаткичи 2008 йилдаги 37,1 дан 64,7 фоизга "сакради". Ҳозирда вилоят мазкур кўрсаткич бўйича республи-

камизда биринчи ўринга чиқиб олди. Ваҳоланки, саноат ишлаб чиқариш ва умуман ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бунга мос келмайди.

Ташкил этилган янги шаҳарчалар, тўғрироғи – агрошаҳарчалар аҳолиси 613,1 минг киши ёки 2008 йил қишлоқ аҳолисининг 44,8 фоизи, 2009 йил шаҳар аҳолисининг 42,7 фоизи демакдир. Ушбу рақамлар "маъмурий" урбанизациянинг ёки қишлоқ урбанизациясининг нақадар таъсирчанлигини исботлаб беради. Энг кўп агрошаҳарчалар Янгиқўрғон тумани харитасида вужудга келди - 18 та. Уларнинг энг катталари Қорачашуркентда 10557 киши, Искавотда 8490 киши истиқомат қилади. Туман жами шаҳарчалар аҳолиси 111,6 минг киши ёки вилоят янги шаҳарчалар аҳолисининг 1/6 қисмига тўғри келади.

Тўракўрғон туманида бундай манзилгоҳлар 12 та, уларнинг умумий аҳолиси 64,2 минг киши. Уйчи туманида, мос равишда, 11 та ва 47,3 минг киши. Поп ва Косонсой туманларида 10 тадан. Улар орасида энг йириклари Чодакда 13008, Сангда 12908 (Поп тумани), Озод шаҳарчасида 8040 киши (Косонсой тумани) истиқомат қилади. Шунингдек, Наманган туманининг Ғирвон шаҳарчасида 13638, Учқўрғоннинг Кайки шахарчасида 12813, Чуст туманининг собиқ Олмос қишлоғида 22939, Варзикда 11990 киши аҳоли бор.

Маълумки, Наманган вилояти Ўзбекистонда қишлоқ аҳоли пунктларининг катталиги билан алоҳида ажралиб туради. 2008 йилда ҳар бир қишлоққа ўртача 2672 киши аҳоли тўғри келган. Шу боис, янги шаҳарчалар сони ва улар аҳолисининг сони анча кўп бўлган. Агар фақат шу кўрсаткичлардан келиб чиқилса, янги шаҳарсозлик қоидаларнинг шу бандига кўра (шаҳарчалар аҳолиси 2000 кишидан кам бўлмаслиги керак) вилоятнинг деярли барча қишлоқларини шаҳар жойларига айлантириш мумкин бўлар эди. Бироқ бундай юзаки ёндашув ёлғон ёки сунъий урбанизацияга олиб келиши ҳам шубҳасиз ҳисобланади.

Вилоятнинг урбанистик таркиби ассимметрик кўринишга эга; бу ерда фақат битта катта шаҳар - Наманган бор, холос (Фарғона вилоятида улар 3 та). Вилоят марказида 2010 йил бошида 441,2 минг аҳоли хатлов қилинган. Чуст - вилоятнинг "иккинчи" шаҳ-рида 68,0 минг атрофида, Чортоқда 51,0, Косонсойда 47,0 минг аҳоли жойлашган. Поп, Тўракўрғон, Учқўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон "ярим

ўрта" шаҳарлар синфига мансуб (20,0-50,0 минг киши). Қолган барча 119 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг аҳолиси 20 мингдан ошмайди.

Шу ўринда Наманган шаҳри демографик ривожланишига алоҳида тўхтаб ўтмоқ зарур. Сабаби сўнги йилларда бу шаҳар ўзига хос "Наманган тезлигини" намоён қилмоқда. Ҳозирги кунда у аҳоли сони бўйича республикамизнинг иккинчи, пойтахт - Тошкентдан кейинги поғонани эгалловчи шаҳри ҳисобланади.

Қуйидаги таққослаш рақамларига мурожаат қилайлик (аҳоли сони, минг киши ҳисобида):

1979 йил
1. Тошкент - 1793;
2. Самарқанд - 346;
3. Андижон - 230;
4. ***Наманган – 227***
5. Бухоро - 185;

1989 йил
1. Тошкент - 2096;
2. Самарқанд - 367;
3. ***Наманган - 306***;
4. Андижон - 293;
5. Бухоро - 224;

1990 йил
1. Тошкент - 2118;
2. Самарқанд - 370;
3. ***Наманган - 306***;
4. Андижон - 297;
5. Бухоро - 228;

2000 йил
1. Тошкент -2142;
2. ***Наманган-386***;
3. Самарқанд -361;
4. Андижон -334;
5. Бухоро-239;

2010 йил
1. Тошкент - 2221;
2. ***Наманган- 441***;
3. Самарқанд - 400;
4. Андижон - 375;
5. Бухоро - 267;

Наманган шаҳри аҳолисининг бундай тез ўсиши қисман аҳоли табиий кўпайишининг таққосланаётган шаҳарларга нисбатан бирмунча юқорилиги, асосан эса унинг ҳудудини кенгайиши ҳисобига юз берган. Айни вақтда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида табиий кўпайиш пастроқ ва ташқи миграция кучлироқ бўлган.

Вилоят қишлоқ аҳолиси 783 минг киши, қишлоқ аҳоли пунктлари 403 та. Ҳар бир қишлоққа ўртача 1943 кишидан тўғри келади. Бу республикамизда энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Қишлоқлар географиясида сойлар ўзига хос ўринга эга. Нисбатан йирик қишлоқ аҳоли пунктлари сойларнинг пастки қисмида, канал ва ариқлар бўйида, Наманган шаҳри атрофида жойлашган. Айни вақтда тоғ ва тоғ олди ҳудудларда, хусусан, Поп туманида майда ва тарқоқ жойлашган қишлоқлар ҳам оз эмас. Бу эса уларда ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига анча ноқулайликлар туғдиради.

Наманган вилояти аҳолисининг миллий таркиби ҳар хил. Бу ерда ўзбеклардан ташқари тожик, қирғиз, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Ўзбеклар жами аҳолининг 88,3 фоизини ташкил қилади (2008 й.), тожиклар кўпроқ Чуст, Косонсой ва Поп туманларида, қирғизлар Янгиқўрғон ва Учқўрғон туманларида жойлашган.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони, 2010 йил 1 январ маълумотига кўра, 1285,3 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 833,1 минг, иқтисодиётда банд бўлганлар 784,3 минг киши. Шундан моддий ишлаб чиқаришда 68,3 фоиз, жумладан, саноатда 13,1 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 30,4 %, транспорт ва алоқада 2,8 %, қурилишда 7,4 % ҳамда савдо, умумий овқатланиш ва моддий-техник таъминотда 9,5 фоиз меҳнат ресурслари банд. Номоддий соҳалар орасида таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизматлар (12,7 %), соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот (8,0 %) ҳамда уй хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг номоддий қисмлари (3,2 %) ажралиб туради.

2009 йилда вилоятда жами 70762 та янги иш ўринлари яратилган. Ҳар бир иш ўрнининг қиймати 2268 минг сўмга тенг бўлган. Янги ташкил этилган иш ўринларининг кўпчилиги қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган (22158 та).

Минтақа иқтисодиёти, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркиби. Наманган вилояти иқтисодиёти аграр-индустриал йўналишга эга. Бу ерда иқтисодиётнинг барча тармоқлари мавжуд, уларнинг ривожланганлик ҳолати, ихтисослашуви ва муаммолари вилоятнинг географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари, демографик вазияти ва меҳнат салоҳияти, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма таъсирида шаклланган.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 7,1 фоизини саноат, 33,8 фоизини қишлоқ хўжалиги беради. Қурилишнинг улуши 7,3 фоизга, транспорт ва алоқаники 7,9, савдо ва умумий овқатланишнинг ҳиссаси 8,6 ва солиқлар салмоғи 7,2 фоизга тенг (таққосланг: вилоятда республика аҳолисининг 8,1 фоизи жойлашган). Агар ушбу кўрсаткичлар аҳоли бандлигининг тармоқлар таркиби билан солиштирилса, у ҳолда алоҳида соҳаларда меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий самарадорлик тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Энг аввало, икки асосий макроиқтисодий тармоқларни олайлик:

саноат ишлаб чиқаришида 13,1 % иқтисодий фаол аҳоли банд, ишлаб чиқариладиган маҳсулот эса 7,1 %, қишлоқ хўжалигида нисбатлар 30,4 ва 33,8 %. Кўриниб турибдики, бу ерда катта номутаносибликлар мавжуд. Қизиғи шундаки, вилоятда саноатга қараганда аграр соҳа унумдор туюлади. Чиндан ҳам минтақада саноат суст ривожланган, унинг ЯҲМ даги улуши республика вилоятлари орасида энг пастлардан бири (Жиззахда 6,5 %, Сурхондарёда 6,9 % ва Хоразмда 7,0 %).

Бундай ҳолат унинг урбанизация даражасига (64,7 % - мамлакатда биринчи) асло тўғри келмайди. Бинобарин, бу даражага мослашиш учун, энг аввало, кучли саноат сиёсати олиб борилиши, қишлоқ хўжалиги бўлмаган иқтисодиёт тармоқларини – транспорт, қурилиш, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантирмоқ зарур.

Бу хусусда кичик бизнесни ривожланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бироқ уларнинг сони ниҳоятда секинлик билан кўпаймоқда. 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 12278 та бўлган, ундан 10308 таси, яъни 83,9 фоизи фаолият кўрсатган. Уларнинг кўпчилигини микрофирмалар ташкил қилади. Кичик бизнес (КБ) ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 71,05, шу жумладан, саноатда 23,6 %, қурилишда 79,7 %, чакана савдода 46,8 %, аҳолига хизмат кўрсатишда 63,7 %. Демак, бу соҳа кўпроқ қишлоқ хўжалигида ривожланган. Умуман олганда, жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,3 фоизи шу соҳага тўғри келади, у экспорт ҳажмининг 30,9 % ва импортнинг 45,7 фоизини таъминлайди.

Албатта, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши асосида энг аввало капитал қўйилмалар - инвестициялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. 2009 йилда жами вилоятга киритилган инвестициялар ҳажми 478242 млн. сўм бўлган. Унинг тахминан 1/4 қисмига яқинини вилоят маркази - Наманган шаҳри олган. Қишлоқ туманлари миқёсида Наманган тумани (6,5 %), Учқўрғон (4,9 %), Янгиқўрғон (4,8 %), Тўрақўрғон (4.6 %) ва бошқалар бироз устунликка эга. Кўрилаётган йилда энг паст кўрсаткич Норин туманида қайд этилади - 2,1 %. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳам бу борада Норин, Уйчи ва Чорток туманлари орқада туради, нисбатан юкори даража эса Попда кўзга ташланади.

Саноати. Наманган вилояти саноати ривожланиши энг сўнгги йилларда юқори кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Жумладан, 2009 йилда вилоят ЯҲМ 109,9 фоизга ўсган ҳолда, саноат ишлаб чиқариши 113,0 фоизга ортган.

Шу ўринда айтиш жоизки, аввалги йилларда, хусусан, 90- йилларнинг биринчи ярмидаги депрессив ҳолат асосан вилоятнинг етакчи саноат тармоғи - тўқимачилик ҳисобидан юз берган. Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида мазкур вилоят, айниқса, ипак газламалар ишлаб чиқаришда республикада биринчи ўринда (ҳатто анъанавий Марғилондан ҳам олдинда) турган. Биргина Наманган шаҳрининг ўзида иккита йирик ипак газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналари - комбинатлар мавжуд бўлган. Айнан ана шу корхоналарнинг депрессия даврида инқирозга учраши вилоят саноат салоҳиятининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлган.

Ҳозирги вақтда (2009 й.) вилоятда жами фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 1601 та, шундан йириклари 42 та. Жами саноат корхоналарида 13,5 минг киши хизмат қилади. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 37 минг кишини ташкил этган. Умумий саноат маҳсулотининг 61,6 фоизини халқ истеъмол моллари ташкил қилади. Уларнинг 2/3 қисми эса озиқ-овқат маҳсулотларига, 13,1 фоизи енгил саноат маҳсулотларига тўғри келади. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган ХИМ 145,9 минг сўмга тенг.

6.4 - жадвал

Наманган вилояти саноатининг тармоқлар таркиби

(жамига нисбатан фоизда)

Саноат тармоқлари	2000 й.	2009 й.	2000-2009 й. ўзгариш, +,-
Ёқилғи саноати	0,0	1,0	+1,0
Кимё ва нефть кимёси	1,3	1,6	+0,3
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	3,9	3,8	-0,1
Қурилиш материаллари саноати	8,0	3,8	-4,2
Енгил саноат	45,8	44,5	-1,3
Озиқ-овқат саноати	25,0	29,9	+4,9
Ун-крупа ва омухта ем саноати	12,3	12,3	0,0
Бошқа саноат тармоқлари	3,7	3,1	-0,6

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган. 2000 йил маълумотлари А. Солиев, Э. Аҳмедов ва бошқаларнинг "Минтақавий иқтисодиёт" ўқув қўлланмасидан олинган (Т., 2003, б. 208).

Қуйида келтирилган 6.4 - жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят саноат ишлаб чиқаришида хамон енгил ва озиқ - овқат саноати тармоқлари етакчи мавқеларни эгаллайди.

Оғир саноат, хусусан, қурилиш материаллари саноатининг улуши 2000 йилга қараганда анча тушиб кетган. "Бошқа тармоқлар" орасида ўрмон, ёғочни қайта ишлаш саноати бирмунча ажралиб туради (2009 йилда - 2,1 %).

2009 йилда вилоятда 341,0 минг жуфт резина пойабзал ва 500,0 минг рубероид ("Узрубероид" МЧЖ ва "Роу-Том" қўшма корхонаси, Поп тумани), шунингдек, мазкур йилда 68,4 минг тонна омухта ем, 3330 тонна хўжалик совуни, 61,8 минг тонна пахта толаси, 5,8 млн. кв. м ип газлама, 1,1 млн дона трикотаж маҳсулотлари, 12,2 минг тонна тозаланган ўсимлик ёғи, 31,4 млн. шартли банка мева-сабзавот консервалари, 5,2 минг тонна гўшт, 22,1 минг тонна сут ва сут маҳсулотлари, 139,9 минг тонна ун ишлаб чиқарилган.

Таққослаш учун: 2000 йилда вилоятда 23 минг тонна нефть (Мингбулоқ тумани), 25 млн кв.м ип газлама, 1,4 млн. кв.м ипак газлама, 1,6 млн. кв.м жун газлама, 15 минг тонна ўсимлик ёғи, 70,6 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган. Жами саноат маҳсулотининг деярли 40 фоизи Наманган шаҳрига тўғри келган[1].

Вилоят саноат корхоналарининг кўпчилиги пахта тозалаш ва мева-консерва заводларидан иборат. Пахта тозалаш заводлари барча қишлоқ туманлари марказларида, консерва - Наманган, Тўрақўрғон, ёғ заводлари Наманган, Учқўрғонда жойлашган. Хорижий инвестициялар ёрдамида 49 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг энг кўпи Наманган шаҳри ва туманида ташкил этилган. Шунингдек, бу турдаги корхоналар Поп, Косонсой, Чуст, Уйчи, Тўрақўрғон ва бошқа қишлоқ туманларида ҳам мавжуд.

Саноат салоҳиятининг ҳудудий таркиби қуйидагича: Наманган шаҳри 39,2 %, Учқўрғон тумани - 14,1 %, Поп - 8,9 %, Тўрақўрғон - 6,5 %, Уйчи - 5,9 % ва ҳ.к (6.6 - жадвал). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2009 йилда вилоят бўйича ҳар бир кишига 236,6 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Шу жумладан, бу кўрсаткич Наманган шаҳрида 475,0, Учқўрғон туманида 531,0, Попда 269,0 минг сўмга баробар. Айни пайтда Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида саноат ниҳоятда суст ривожланган, ҳатто

[1] Солиев А., Ахмедов Э ва бошқалар "Минтақавий иқтисодиёт" - Т., 2003, б. 216.

Чуст туманида ҳам юқоридаги кўрсаткичлар анча паст; туман вилоят саноат маҳсулотининг 4,3 фоизини беради, аҳоли жон бошига 107 минг сўмлик саноат маҳсулотлари тўғри келади, холос.

Демак, таҳлиллар кўрсатишича, вилоят саноатининг ривожланишида қатор муаммолар мавжуд. Энг аввало, саноат салоҳиятини юксалтириш, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркибини ривожлантириш талаб этилади. Бунинг учун мавжуд қишлоқ хўжалиги хом ашёси, меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш, қурилиш ишларини кўпроқ олиб бориш зарур.

Вилоят агроиқтисодиёти. Минтақа иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи роль ўйнайди. Ҳудуднинг ер майдони, унинг агроиқлимий ресурслари, сойлар ва қатор ирригация инфратузилмаси кўп тармоқли қишлоқ хўжалигининг ривожланишига хизмат қилади. Хусусан, вилоят ҳудуди, унинг қатор адирлари қуёшга рўпара турганлиги ҳам ижобий аҳамиятга эга. Бу ерда Шимолий Фарғона канали, Катта Андижон, Катта Наманган ва Катта Фарғона каналлари асосий суғориш манбалари ҳисобланади.

Наманган вилоятининг умумий ер майдони 735,1 минг гектар, унинг 287,3 минг гектари қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлардир (39,1 %). Ернинг фойдали коэффициенти Наманган, Норин, Уйчи туманларида юқори, Поп туманида эса у анча паст - 19,5 %.

Маълумки, Ўзбекистон шароитида, айниқса, суғориладиган ер майдонлари муҳим саналади. Бундай ерлар вилоятда 235,1 минг га ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 81,8 фоизига тенг бўлиб, бу, албатта, анча юқори кўрсаткич. Норин, Мингбулоқ, Уйчи, Учқўрғон, Наманган туманлари қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг деярли 100 фоизи суғориладиган ерлардан иборат. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 68,9 фоизига экинлар экилади. Бу кўрсаткич Мингбулоқ, Учқўрғон, Норин ҳамда Уйчи туманларида юқори, унинг нисбатан паст даражаси эса Янгиқўрғон, Поп ва Чортоқ туманларида кузатилади. Пичанзорлар ва яйловлар улуши ўртача 18,3 % бўлган ҳолда, унинг юқорироқ кўрсаткичлари Поп ва Чортоқ туманларида қайд этилади (6.5 - жадвал).

Вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 3/5 қисмига яқинини деҳқончилик таъминлайди. Фермер хўжаликларининг ҳиссаси 2009 йилда 31,9 фоизга тенг бўлган. Жами экин майдони шу йилда 284 минг га бўлиб, у 2000 йилга нисбатан 6 минг гектарга қисқарган. Экин майдонларининг 85,8 фоизи фермерларга берилган.

6.5 - жадвал

Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладигаи ерлар таркиби
(2008 й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан, суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Косонсой	51,8	26,6	20,4	66,0	10,8	-	23,2
Мингбулоқ	74,1	35,5	34,7	94,2	2,9	0,6	2,4
Наманган	24,6	17,6	15,2	75,3	10,8	0,4	13,5
Норин	20,7	12,9	12,9	93,1	6,9	-	-
Поп	291,0	56,7	33,1	51,2	5,3	1,9	41,6
Тўрақўрғон	27,5	16,9	14,9	74,4	11,6	1,9	12,1
Уйчи	31,0	17,5	17,5	86,2	13,3	0,5	-
Учқўрғон	30,0	20,5	20,5	94,5	5,5	-	-
Чортоқ	37,8	21,5	15,3	50,1	18,9	1,8	29,2
Чуст	93,7	31,0	27,9	69,5	19,8	0,8	9,9
Янгиқўрғон	52,9	30,4	22,5	43,6	29,9	0,7	26,0
Вилоят бўйича	735,1	287,3	235,1	68,9	11,9	0,9	18,3

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана"- Ташкент, 2008.

Кўрилаётган йилда 97,3 минг гектар майдонга донли экинлар экилган, шу жумладан, буғдой (2000 йилда бу рақамлар, мос ҳолда 320, ва 300 минг тоннани ташкил қилган), ҳар бир гектардан 50 центнерга яқин буғдой олинган. Пахта майдони 91,0 минг га, ялпи ҳосил 240 минг тонна, ҳосилдорлик 26,7 ц/га. Бошқа техника ва мойли экинлардан кунгабоқар ажралиб туради. Унинг майдони фақат 2009 йилда 280 гектардан 1756 гектарга кўпайган; ялпи ҳосил 2078 тонна, ер ёнғоқ майдони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда, кўрилаётган йилда у 109 гектарга экилган.

Наманган вилояти мамлакатимизда картошка етиштиришда ҳам кўзга кўринарли мавқега эга. Бу экин, хусусан, Янгиқўрғон, Чуст, Чортоқ туманларида кўпроқ экилади. Вилоят бўйича бир йилда 133 минг тоннадан зиёдроқ картошка олинади. Шунингдек, сабзавот, полиз экинлари ҳам анча кўп. Сабзавотчилик Наманган шаҳри атрофида, полиз, ковун (шакарпалак, оби наввот ва б.) Чуст ва Поп туманларида кўп етиштирилади.

Ем-хашак экинларидан (13,8 минг га) кўпроқ силос учун маккажўхори экилади (6.1-расм). Вилоят адир минтақалари, айниқса, боғдорчилик учун қулай. Унинг майдони 20,3 минг га, ялпи ҳосил 116 минг тонна. Бу эса, ўз навбатида, мева-консерва саноати учун муҳим хом ашёдир. Токзорлар майдони ҳам анча - 11,4 минг га. Умуман вилоят ширин-шакар узум ва анорлари, "Наманган олмаси" кабилар билан машҳур.

2009 йилда йирик шохли қорамоллар сони 486 минг бош (2000 йилда 350 минг бош). Агар қорамолчилик учун вилоятда шароит бирмунча чекланган бўлса, қўй ва эчкичиликка бу ерда қулай имкониятлар мавжуд. Уларнинг сони 582 минг бош. Ваҳоланки, 2000 йилда бу ерда 480 минг бош қўй ва эчкилар боқилган.

6.1 – расм

Наманган вилояти экин майдонининг таркиби



Наманган вилояти, энг аввало, Поп тумани бу борада ажралиб туради. Бир йилда тирик вазнда 76 минг тонна гўшт, 360 минг т сут, 84 млн. дона тухум, 1090 тонна атрофида жун, 2500-2600 тонна пилла олинади. Вилоятнинг, хусусан тоғ этакларида асаларичилик ҳам яхши ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салмоғи бўйича Янгиқўрғон ва Чуст туманлари етакчилик қилади: 13,3 ва 11,2 %. Қизиғи шундаки, Наманган шаҳри ҳам вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 1/10 қисмидан кўпроғини беради (6.6-жадвал). Бу ҳозирги замон урбанизацияси нуқтаи назаридан антиқа ҳолатдир. Нисбатан кам кўрсаткичга Косонсой ва Норин туманлари эга. Албатта, реал вазият юқоридаги кўрсаткичларда эмас, балки аҳоли жон бошига ҳисоблаганда яққол намоён бўлади. Масалан, 2001 йилда вилоятда ҳар бир кишига 400 минг сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилган. Бу даража Янгиқўрғон (683 минг сўм), Мингбулоқ (644 минг сўм) юқори, Косонсой, Уйчи, Поп туманларида эса пастроқ.

Аввал таъкидлаганимиздек, вилоятда фермерчилик ҳам анча ривожланган. 2009 йилда 14026 фермер хўжаликлари бўлган ва уларга 243,7 минг гектар ер майдони бириктирилган; жами ишловчилар сони 95,8 минг киши. Ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 17,4 га ер ва 6,8 кишидан ишчи тўғри келади. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларига қараганда сезиларли даражада паст.

Фермер хўжаликлари ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 32,0 фоизга яқинини таъминлайди. Ушбу мулкчилик шакли айниқса Мингбулоқ, Поп ва Учқўрғон туманларида яхши ривожланган (41-45 %). Бундай ҳудудий тафовутлар қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви, ер-сув имкониятлари ҳамда геодемографик вазият таъсирида юзага келади. Таҳлиллар кўрсатишича, фермер хўжаликлари ғалла, пахта, ем-хашак, боғдорчилик ҳамда узум етиштиришда етакчи соҳа ҳисобланади. Деҳқон хўжаликлари эса кўпроқ сабзавот, полиз маҳсулотларини етиштиради, чорвачилик билан шуғулланади.

Шундай қилиб, юқоридаги ўрганишлар Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги салоҳиятининг катталигини яна бир бор исботлаб беради. Яқин келажакда ҳам бу макроиқтисодий соҳанинг аҳамияти сақланиб қолади.

Ижтимоий соҳалар. Минтақалар иқтисодиётининг ҳудудий мажмуа сифатида шаклланиши уларнинг ижтимоий соҳалари ри-

вожланишини ҳам талаб килади. Чунки, ижтимоий ва иқтисодий соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бирининг ривожланиши иккинчиси учун тегишли имкониятлар, шарт-шароитлар яратади.

Наманган вилояти номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида 250 минг кишига яқин ёки жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 31,7 фоизи хизмат қилади. Минтака ЯҲМ да эса уларнинг ҳиссаси 44,0 % (2009 й.). Таъкидлаш жоизки, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида савдо ва умумий овқатланиш ҳамда солиқлардан ташқари "бошқа" сегментларнинг улуши 28,2 %. Бу эса Хоразм вилоятидан кейинги энг юқори кўрсаткичдир (Хоразмда 28,6 %).

Вилоятда 2009 йилда чакана савдо айланмаси аҳоли жон бошига 441,5 минг сўмни, пуллик хизматлар ҳажми 150,6 минг сўмни ташкил қилган. Чакана савдонинг 43,7, пуллик хизматларнинг 62,4 фоизини Наманган шаҳри бажарган. Қишлоқ туманлари орасида савдода Тўрақўрғон ва Поп, пуллик хизматларда Чуст ва Наманган ўзларининг нисбатан юқори салоҳияти билан бироз ажралиб туради.

Эътиборлиси шундаки, Чуст тумани таҳлил этилаётган йилда вилоят чакана савдосининг 11,6 фоизини амалга оширган (6.6-жадвал). Бу борада энг паст кўрсаткичлар Мингбулоқ ва Норин туманларида кузатилади. Пуллик хизматларда ҳам бу ҳудудлар Учқўрғон билан биргаликда паст мавкега эга.

Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси, Наманган шаҳрини ҳисобга олмаганда, айнан Чуст туманида юқори - 533,3 минг сўм; пуллик хизматларда Чуст ва Косонсой туманлари олдинда. Соғлиқни сақлаш тизимида жами 91 та тиббиёт муассасалари мавжуд: ҳар 10 минг кишига беморлар ўринлари - 54,1 ни ташкил қилади. Шу жумладан, Наманган шаҳрида 110,1, Поп туманида 45,4, Косонсойда 44,7, Норин ва Наманган туманларида эса пастроқ.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, кўпгина ҳолатларда вилоят марказини қишлоқ туманлари каторида "кўриш" ҳақиқатга тўғри келмайди. Сабаби, ушбу тоифадаги шаҳарлар минтақа миқёсидаги вазифаларни бажаришга ихтисослашган ва айнан шунинг учун ҳам улар вилоят "пойтахти" ҳисобланади. Вилоят марказларининг саноат, аҳолига хизмат кўрсатиш, савдо каби соҳаларда энг катта кўрсаткичга эга бўлиши табиий. Бинобарин, оддий қишлоқ туманларининг бу борадаги улуши биргаликда қаралганда улар вилоят бош шаҳри "соясида" қолиб кетади. Айни вақтда, одатда,

6.6 - жадвал

Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг ҳудудий таркиби
(2009 йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан:									
Наманган ш.	39,2	57,8	10,2	23,1	25,1	43,7	62,4	33,6	48,9
туманлар:									
Косонсой	3,7	2,2	5,7	3,7	6,8	4,3	3,8	0,6	1,3
Мингбулок	4,1	0,4	7,0	2,7	4,4	2,8	2,2	-	1,1
Наманган	5,8	6,8	8,5	6,5	10,2	4,5	4,0	6,2	1,2
Норин	3,6	0,9	6,5	2,6	5,4	2,6	2,7	-	0,07
Поп	8,9	3,5	7,0	3,5	6,8	5,9	3,5	13,8	1,7
Тўракўрғон	6,5	2,9	7,9	4,6	6,6	6,2	3,2	33,8	6,9
Уйчи	5,9	1,6	7,0	3,8	7,7	5,2	3,5	0,01	1,6
Учқўрғон	14,1	13,3	8,4	4,9	5,4	5,4	2,9	-	2,0
Чортоқ	1,6	3,7	7,3	3,1	7,1	4,2	3,6	3,8	2,7
Чуст	4,3	3,0	11,2	4,5	7,3	11,6	5,9	2,7	1,7
Янгиқўрғон	2,3	3,9	13,3	4,8	7,3	3,6	3,3	0,01	1,3

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

вилоят марказига туташ қишлоқ туманларида ижтимоий соҳалар ривожланиши пастроқ кўрсаткичларга эга. Гап шундаки, бундай ҳудудларнинг аҳолиси ўзларининг ижтимоий эҳтиёжларини асосан вилоят маъмурий марказларида қондиришади.

Вилоятда ҳар 10 минг кишига 21 нафар врачлар ва 99 та ўрта медицина ходимлари тўғри келади. Қишлоқ врачлик пунктлари 236 та ёки ҳар бир қишлоқ туманига 21,5 тадан, қишлоқ аҳоли пунктларига нисбатан қаралганда эса 1,7 та қишлоққа (қулайроғи - 2 тага яқин қишлоқ манзилгоҳларига) битта ҚВП хизмат қилади.

Наманганда қадимдан халқ табобати ҳам ривожланган. Бу ерда турли хил доривор ўсимликлар кўп. Минтақада рекреация имкониятлари ҳам оз эмас. Вилоят марказидан ўтган магистрал каналлар соҳилларида ташкил этилган оромгоҳлар, чойхона ва ошхоналар ҳам кишиларга дам, роҳат-фароғат бағишлайди.

Марказлашган сув таъминоти вилоят бўйича ўртача 72,8 %. Ҳатто Наманган шаҳри ҳам 100 фоиз кўрсаткичга эга эмас (93,9 %). Вилоят қишлоқ жойлар орасида Норин (93,1 %), Чортоқ (85,7 %) ва Мингбулоқ (85,6 %) туманларида бу вазият бирмунча ижобий. Шу билан бирга Тўракўрғон тумани аҳолисининг атиги 46,5, Косонсой аҳолисининг 45,2 фоиз аҳолиси бундай имкониятларга эга, холос. Уйчи ва Учқўрғон туманларида ҳам мавжуд ҳолат яхшиланиши талаб этилади.

Газ билан таъминланиши марказлашган сув таъминотига қараганда бироз яхшироқ - 82,8 % (2009 й.). Наманган шаҳри аҳолиси 100 фоиз таъминланган ҳолда, юқорироқ кўрсаткичлар Чуст (92,0 %), Мингбулоқ (89,9 %) ва Наманган (88,4 %) туманларида кўзга ташланади. Бироқ Норин тумани хонадонлари бор-йўғи 61,2 фоизга таъминланган, холос. Шунингдек, бу муаммо Янгиқўрғон, Чортоқ туманлари учун ҳам хосдир.

Вилоятда 2009/2010 ўқув йилида халқ таълими тизимида жами 623 та мактабгача тарбия муассасалари мавжуд бўлган. Умумтаълим мактаблари 683 та, ҳар бир мактабда ўртача 587 нафар ўқувчи ўқиган.

Академик лицейлар 11 та, талабалар сони 10410 нафар, касб-ҳунар коллежлари 106 та, талабалар 45402 киши. Наманган шаҳрида 3 та олий ўқув юрти, шу жумладан Давлат университети фаолият кўрсатмоқда. Тиббиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежлари Чуст, Косонсой каби йирик қишлоқ туманлари марказларида жойлашган.

Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар. Наманган вилояти ҳудудининг ички тузилиши, географик қиёфаси (яъни ғарбдан шарққа чўзилганлиги, тоғ ва тоғ олди - адирларда жойлашганлиги), географик ўрни унинг транспорт инфратузилмаси ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Энг аввало таъкидлаш лозимки, республика марказининг Фарғона водийси вилоятлари, қолаверса, Қирғизистон ва ҳатто Хитой давлатлари билан автомобил транспорт алоқаси айнан Наманган вилояти ҳудудидан (Ангрен - Поп йўли Қамчиқ довони орқали) ўтади. Шу боис вилоятнинг трансчегаравий ва транзит хусусияти катта.

2009 йилда вилоят бўйича 33374 минг тонна турли хил халқ хўжалик юклари ташилган. Бу хусусда Наманган шаҳридан ташқари. Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон туманлари олдинда туришади. Йўловчилар ташиш ҳажми эса 290468 минг кишини ташкил қилиб, у Наманган шаҳри, шунингдек, Чуст, Наманган, Поп ва Тўрақўрғон қишлоқ туманларида нисбатан кўпроқ.

Таъкидлаш жоизки, Наманган вилоятининг экспорт-импорт салоҳияти ҳам унча катта эмас. 2009 йилда республика умумий кўрсаткичига нисбатан экспорт бор-йўғи 0,7, импорт 1,1 фоизга тенг бўлган, холос. Мутлоқ рақамларда экспорт ҳажми 52,8 млн. АҚШ доллари, импорт - 97,9 млн. доллар; ташқи савдо айланмаси - 150,7 млн. доллар. Экспорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари устунлик қилади - 41,4 %. Импортда машина ва ускуналарнинг улуши 48,2 фоизни ташкил қилади. Бундай товарларни келтирилиши, гарчи вилоят ташқи савдо айланмасида салбий қолдиққа эга бўлсада, ижобий ҳисобланади. Чунки янги, замонавий машина ва ускуналарнинг импорти ишлаб чиқаришни модернизация қилишда ва унинг истиқболда ривожланишига замин хозирлайди.

Минтақа экспортининг 48,0 фоизи, импортининг 68,9 фоизи "Узоқ" хориж ва Болтиқбўйи давлатлари билан амалга оширилади. Қолган қисми МДҲ мамлакатлари зиммасига тушади.

Наманган вилояти ташқи иқтисодий алоқаларининг заифлигига кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда қулай инвестиция муҳитининг ташкил этилмаганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, 2009 йил якунларига кўра, вилоят экспортининг 1/3 қис-мидан кўпроғи Наманган шаҳрига тўғри келади. Деярли шунча ҳисса Тўрақўрғон туманида ҳам қайд этилади. Шу билан бирга, Поп ва Наманган туманларининг ҳиссаси ҳам кўзга ташланади (13,8 ва 6,2 %).

Иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг ички таркиби ва районлаштириш. Қатор табиий ҳамда иқтисодий географик шароит, тарихий омиллар вилоятнинг ҳозирги ички таркибига сабаб бўлган. Соф географик жиҳатдан бу борада текислик ҳамда тоғ ва тоғ олди (адир) ҳудудларини, шаҳар атрофи хўжалиги - Наманган агломерациясини ажратиш мумкин. Чиндан ҳам Наманган агломерацияси вилоятнинг энг катта қисмини эгаллайди. Унинг якин ва асосий "йўлдош" шаҳар жойлари - Уйчи, Учқўрғон, Хаққулобод, Унҳаст, Косонсой, Тўрақўрғон, Оқтош кабилар ҳисобланади. Агар Наманган ва Тўрақўрғон шаҳарлари ўртасида бироз "бўшлиқ" бўлсада, Учқўрғон йўналишида у умуман кўзга ташланмайди; хонадонлар бир-бирига уланиб кетган ва бу ерда Наманган шаҳрининг ҳақикий чегарасини ажратиш қийин.

Умуман олганда, Наманган вилоятида 2 та ички иқтисодий районларни ажратиш мумкин: Наманган ва Чуст - Поп. Ўз номидан кўриниб турибдики, иккинчи район шу номли қишлоқ туманларидан ташкил топган. Унинг майдони вилоят майдонининг 51,6 фоизини, аҳолисининг эса 17,5 фоизига тенг. Саноат салоҳияти 13,2 %, қишлоқ хўжалиги 18,2 % (2009 й.). Бу район гарчи катта майдонни эгалласада, унинг нисбатан ноқулай табиий шароити туфайли унча юқори кўрсаткичларга эришмаган.

Бевосита вилоят маркази таъсирида шаклланган район эса минтақа ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг асосини тавсифлайди. Ҳатто, вилоятнинг иккинчи шаҳри – қадимий Чуст ҳам маълум даражада Наманган шаҳрига "тортилган". Шу ўринда айтиш лозимки, Чуст шаҳри республикамизнинг бир қатор тарихий, аммо суст ривожланган шаҳарлар рўйхатига киради (Денов, Хива, Ғиждувон, Нурота ва бошқалар). Бироқ унинг ўзига хос ва ўзига мос салоҳияти ҳозирча вужудга келмаган. Фикримизча, бу шаҳарни кандайдир қўшимча омиллар ёки кулайликлар асосида "уйғотиш", уни вилоятнинг ўсиш маркази сифатида ривожлантириш минтака ишлаб чиқариш кучларини бирмунча тўғрироқ ҳудудий ташкил этишга олиб келади. Сабаби оддий қишлоқ тумани маркази вазифаси Чуст шаҳрининг ривожланиши учун энди кифоя қилмайди.

6.7-жадвалдан кўринишича, Учқўрғон, Поп, Мингбулоқ қишлоқ туманларининг саноат салоҳияти (индекси) нисбатан юқорироқ, қишлоқ хўжалигида эса Янгиқўрғон, Чуст, Учқўрғон, Норин туманлари олдинда. Ижтимоий соҳалар ривожланиши бўйича,

6.7-жадвал

Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари

(2009 йил, аҳоли жон бошига)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Наманган ш	2,008	0,520	2,959	1,184	1,285	2,232	3,188
туманлар:							
Косонсой	0,516	0,796	0,315	0,516	0,959	0,606	0,536
Мингбулоқ	0,942	1,612	1,028	0,619	1,017	0,653	0,455
Наманган	0,710	1,037	0,836	0,796	1,257	0,554	0,494
Норин	0,630	1,115	0,116	0,456	0,929	0,453	0,419
Поп	1,137	0,902	0,452	4,537	0,865	0,765	0,452
Тўрақўрғон	0,816	0,996	0,363	0,583	0,823	0,766	0,408
Уйчи	0,706	0,837	0,199	0,453	0,924	0,628	0,413
Учқўрғон	2,244	1,338	2,104	0.784	0,853	0,850	0,458
Чортоқ	0,228	1,022	0,521	0,442	0,998	0,580	0,513
Чуст	0,452	1,157	0,315	0,468	0,752	1,208	0,056
Янгиқўрғон	0,266	1,709	0,514	0,622	0,919	0,459	0,410

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Наманган шаҳрини ҳисобга олмаганда, Чуст, Тўрақўрғон, Поп каби қишлоқ туманлари ажралиб туради.

Янги ўзлаштирилган ерлар негизида ташкил этилган Мингбулоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртачага яқин.

Шундай қилиб, Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қатор муаммолар мавжуд. Булар: Наманган шаҳри ва агломерация ривожланишини тартибга солиш, бошқариш, адир минтақаларини ўзлаштириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда геоэкологик муаммолардан иборат. Айниқса, минтақа ва унинг қишлоқ жойларида инвестиция муҳитини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани замон талаби даражасида шакллантириш ва шу асосда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини кескин кўтариш талаб қилинади. Чунки, республикада ижтимоий-иқтисодий салоҳият ва мазмунга эга бўлган урбанизациянинг энг юқори даражаси мавжуд ҳолатга асло тўғри

келмайди. Бинобарин, бу борада ҳам истиқболда давлатимиз минтақавий сиёсати доирасида анча ишлар амалга оширилиши керак.

Бежиз эмаски, 2010 йил ҳолатида Наманган вилоятининг 11 та қишлоқ туманларидан 8 таси бевосита Давлат тасарруфида - "қарамоғида". Улар Мингбулоқ, Косонсой, Норин, Тўрақўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон ва ҳатто Чуст туманларидир. Бу қишлоқ туманларини дотациядан қутқариш вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш демакдир. Айнан шу асосда минтақанинг умумий ижтимоий-иқтисодий вазияти ҳам тубдан ўзгаради.

Еттинчи боб. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқанд вилояти республикамизда энг биринчилар қаторида ташкил этилган. У 15 январ 1938 йилда ушбу маъмурий мақомни олган. Майдони 16,8 минг кв.км ёки Ўзбекистон ҳудудининг 3,7 фоизига тенг. Бундай унча катта бўлмаган минтақада, 1.01.2010 йилнинг дастлабки маълумотларига қараганда, 3119,8 минг аҳоли яшаган. Бу мамлакат аҳолисининг 11,1 фоизи демакдир. Ҳудудининг кўлами бўйича республикамизда 7-ўринда, аҳолисига кўра эса биринчи ўринда туради. Бундан тўғридан тўғри хулоса чиқариш мумкинки, вилоят аҳолисининг зичлиги ўртача мамлакат кўрсаткичига қараганда деярли 3 марта юқори.

Вилоятнинг демографик салоҳияти анча катта бўлсада, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича у унча ажралиб турмайди. Самарқанд вилояти республика ялпи ички маҳсулотининг 6,4 %, саноат ишлаб чиқаришининг 4,1 %, халқ истеъмол молларининг 10,0 %, капитал қўйилмаларнинг 4,4 %, курилишнинг 4,5 %, чакана савдо ҳажмининг 7,3% ва пуллик хизматнинг 10,2 фоизини таъминлайди (2009 й.). Экспорт салоҳияти ҳам анча заиф-атиги 1,4 %, фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши аҳоли кўрсаткичларидан юқорироқ, холос. Шундай қилиб, минтақа иқтисодиётини аграр-индустриал йўналишда баҳолаш мумкин.

Самарқанд вилояти маъмурий жиҳатдан 14 та қишлоқ туманлари, 11 шаҳар ва 88 та шаҳарчалардан иборат. Бу ерда 124 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 1871 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 7.1-жадвалдан аёнки, вилоят ҳудудидаги энг "қадимий" қишлоқ туманлари 1926 йилда ташкил этилган Булунғур, Нарпай,

Пайариқ, Пастдарғом ва Самарқанд ҳисобланади. Эслатиш ўринлики, бундай маъмурий-ҳудудий мақом айнан шу йилда қабул қилинган. Энг сўнгтиси эса вилоят маркази "бикинида" жойлашган Тойлоқ туманидир (1992 й.).

Майдони бўйича энг катта туман Нуробод - 4,86 минг кв. км ёки вилоят ҳудудининг 28,9 %. Вилоятнинг иккинчи "қаноти" – Қўшрабод тумани ҳам анча катта - 2,16 минг кв км. Айни вақтда Тойлоқ тумани ҳудуди атиги 0,28 минг кв км (7.1 - жадвал).

7.1-жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси (2010 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Туман маркази	Майдони, минг кв км	Аҳолиси, минг киши	Аҳоли зичлиги, 1 кв км, киши
1	Булунғур	29.09.1926	Булунғур ш.	0,76	149,9	197,2
2	Жомбой	07.12.1970	Жомбой ш.	0,55	135,2	245,8
3	Иштихон	18.05.1943	Иштихон ш.	0,72	195,0	270,8
4	Каттақўрғон	02.02.1929	Пайшанба ш-ча	1,39	219,9	158,2
5	Нарпай	29.09.1926	Октош ш.	0,44	170,3	387,0
6	Нуробод	26.11.1975	Нуробод ш.	4,86	116,8	24,0
7	Оқдарё	25.12.1968	Лоиш ш-ча	0,37	122,0	329,7
8	Пайариқ	29.09.1926	Пайариқ ш.	1,29	203,4	157,7
9	Пастдарғом	29.09.1926	Жума ш.	0,87	278,2	319,8
10	Пахтачи	12.04.1973	Зиёдин ш-ча.	1,38	121,9	88,3
11	Самарқанд	29.09.1926	Гулобод ш-ча.	0,48	283,3	590,2
12	Тойлоқ	09.04.1992	Тойлоқ ш-ча.	0,28	154,7	552,5
13	Ургут	31.12.1964	Ургут ш.	1,12	388,2	346,6
14	Қўшработ	03.04.1978	Қўшрабод ш-ча	2,16	103,5	47,9
	Вилоят бўйича	01.15.1938	Самарқанд ш.	16,8	3119,8	185,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Умуман олганда, ҳар бир қишлоқ туманининг майдони ўртача 1,20 минг кв км, бу борада географийлик коэффициенти 17,3 (демак, ҳудудий тафовут анча катта, қутбийлашган).

Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Самарқанд вилояти мамлакатимиз миллий иқтисодиётида муҳим мавқега эга. Бу ерда машинасозлик, озиқ-овқат саноатлари, пахта, узум, тамаки етиштириш, халқаро туризм ихтисослашган тармоқлар ҳисобланади.

Самарқанд вилояти қулай географик ўринда, республикамизнинг марказий қисмида жойлашган. У ғарб ва шимоли-ғарбда Навоий, шимоли-шарқда Жиззах, жанубда Қашқадарё вилоятлари билан, жануби-шарқда киска масофада Тожикистон Республикасининг Сўғд (Панжакент райони) вилояти билан чегарадош.

Бугунги Самарқанд вилояти қўшни вилоятларнинг туташ районлари билан ҳам азалдан боғлиқ (Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Бахмал, Навоий вилоятининг Нурота ва Хатирчи, Қашкадарёнинг Китоб ва Шаҳрисабз туманлари).

Ер усти тузилиши, асосан, баландлик, тоғолди ва тоғликлардан ташкил топган. Нисбатан пастқам жойлар Каттақўрғон шаҳридан ғарброқда ҳамда чекка жануби-ғарбда бор (Қарноб чўли). Вилоятнинг энг баланд нуқталари 2000-2100 метрга етади. Улар Зарафшон ва Нурота тизмаларида, Ургут ҳамда Қўшработ туманларининг энг чекка қисмларида қад кўтарган. Шунингдек, вилоят орографиясида Оқтов, Қарокчитоғ, Ғўбдинтов каби тоғ тизмалар, Пахтачи туманининг ўртасида Қарноб чўли атрофида 1000-1100 метр баландликлар ҳам кўзга ташланади. Умуман олганда, Самарқанд вилоятининг шарқий қисмида жойлашган Булунғур ва Жомбой, марказидаги Самарқанд, Тойлоқ, Оқдарё, Пастдарғом, Пайариқ ҳамда унинг ғарбий қисмидаги Иштихон, Каттақўрғон, Пахтачи ва Нарпай туманлари, демак, минтақа туманларининг кўпчилиги асосан текисликлардан ташкил топган. Бу текислик жануби-шарқдан шимоли-ғарб йўналишида, яъни ушбу тарихий-географик минтақанинг ўзига хос ўзаги, ижтимоий-иқтисодий "йўлаги" ҳисобланган. Зарафшон дарёси соҳиллари бўйлаб нишабликка эга. Қолган қисми, аниқроғи Ургут, Қўшработ ва Нуробод туманларини тоғ ва тоғ олди, чўл ҳудудларига киритиш мумкин.

Самарқанд вилояти табиий ресурсларга бирмунча бой. Жумладан, Қўшработ туманида олтин (Зармитон), Пахтачи туманида уран (Қарноб). Нуробод туманида вольфрам ва молибден (Ингичка), Ургут туманида мармар, Самарқанд туманида оҳак (Оҳакли) ва бошқалар бор. Бироқ бу табиий ресурс салоҳиятидан ҳозирча тўлалигича фойдаланилмаяпти.

Иқлими континентал, намгарчилик қўшни Навоий вилоятига қараганда бироз кўпроқ (300-400 мм). Энг кўп ёғин Омонқўтон атрофида - 1000 мм. Асосий дарё, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг «ўқи» Зарафшон бўлиб, у Самарқанддан сал

ўтгандан сўнг иккига, яъни Оқдарё ва Қорадарёга бўлинади, вилоят чегарасида эса (Хатирчи туманида) улар яна қўшилади. Икки дарё оралиғи Миёнқалъа деб аталади.

Зарафшоннинг доимий, айтарлича сув заҳираларига эга бўлган ирмоклари деярли йўқ. Самарқанддан юқорироқда, Тожикистон Республикасининг Панжакент туманига қўшни жойда, Зарафшоннинг тоғ оралиқларидан водийга чиқиш қисмидан каналлар бошланади. Улардан энг муҳими қадимги Дарғом ҳисобланади, айнан ана шу каналдан Эски Анҳор канали сув олади ва у Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманини ҳам суғоради. Каттақўрғон, Оқдарё, Тусунсой сув омборлари, Нарпай, Булунғур каналлари, Бешариқ ариғи ҳам деҳқончилик ривож топган ҳудудларни сув билан таъминлайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоят иқтисодиётини шаклланишида минерал ресурсларга кўра агроиқлимий шароитларнинг роли катта. Бундан ташқари, бу ерда туризм ва рекреация ресурслари мавжуд бўлиб, уларнинг аҳамияти ҳам сезиларли даражада юқори. Рекреация ресурслари, хусусан тоғ этакларида, сой бўйларида жуда кўп ва улардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Экотуризм нуқтаи назаридан ғорлар, Ургут чинор ва булоқлари дикқатга сазовор жойлардир.

Геодемографик вазият. Вилоят аҳолиси 3120 минг киши ва у бу жиҳатдан Ўзбекистонда олдинда туради. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида аҳоли сонининг ўртача йиллик кўпайиши 2,15 фоизга тенг бўлди. Аммо бутун мамлакатда бўлганидек, бу ерда ҳам демографик ривожланиш суръати пасайиб бормоқда. Умуман эса 1989-2010 йиллар мабойнида вилоят аҳолиси 147,8 фоизга ўсган.

Аҳоли сони бўйича Ургут тумани етакчи, унинг аҳолиси Каттақўрғон туманини вилоятга бўйсунувчи шу номли шаҳар билан қўшиб ҳисоблаганда ҳам кўпроқ (388,2 минг киши). Самарқанд туманида 283,3, Пастдарғомда 278,2 минг киши ва ҳ.к. Ушбу туманлар республикамизда демографик салоҳияти энг юксак қишлоқ туманлари сирасига киради. Энг кам аҳоли сони эса асосан чўл ва тоғликлардан иборат Қўшработ (103,5 минг киши) ва Нуробод (116,8 минг киши) кайд этилади. Ўртача бир қишлоқ туманига 188,7 минг кишидан тўғри келган ҳолда геодемографик вазиятдаги ҳудудий тафовут коэффициенти 3,75 га тенг.

7.2 - жадвал

Самарқанд вилояти аҳолисининг табиий ҳаракати

(1000 кишига нисбатан)

т/р	Ҳудудлар	2008 й.			2009 й.		
		Туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш
	шаҳарлар:						
1	Самарқанд ш.	17,8	6,1	11,7	17,0	5,2	11.8
2	Каттақўрғон ш.	25,1	5,7	19,4	22,5	5,4	17,1
	туманлар:						
1	Булунғур	29,7	4,9	24,8	26,2	4,0	22,2
2	Жомбой	24,8	4,7	20,1	23,0	3,6	19,4
3	Иштихон	27,3	3,8	23,5	25,0	3,3	21,7
4	Каттақўрғон	24,2	3,9	20,3	23,8	3,2	20,6
5	Нарпай	23,1	4,4	18,7	22,6	3,5	19,1
6	Нуробод	30,4	4,8	25,6	24,7	4,2	20.5
7	Оқдарё	25,4	4,1	21,3	25,5	3,7	21,8
8	Пайариқ	27,3	4,5	22,8	25,2	4,2	21,0
9	Пастдарғом	27,1	4,5	22,6	25,3	4,1	21,2
10	Пахтачи	22,4	4,8	17,6	22,0	4,5	17,5
11	Самарқанд	22,7	5,1	17,6	21,9	4,7	17,2
12	Тойлоқ	27,2	5,3	21,9	23,7	4,1	19,6
13	Ургут	32,0	4,2	27,8	27,0	3,6	23,4
14	Қўшработ	30,2	4,3	25,9	24,7	4,2	20,5
	Жами вилоят	25,6	4,7	20,9	24,2	4,3	19,9

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

7.2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, вилоятда 2009 йилда туғилиш 24,2, ўлим 4,3 ва табиий кўпайиш 10,9 промиллени ташкил этган.

Бу борада вилоят республика ўртача кўрсаткичларидан анча юқори туради (Ўзбекистонда бу кўрсаткичлар, мос ҳолда, 23,3; 4,7 ва 18,6 ‰).

Туғилиш даражаси Ургут, Булунғур, Нуробод ва Қўшработ туманларида юқори (айниқса, 2008 йилда, 7.2-жадвалга қаранг), унинг энг паст кўрсаткичи кишлоқ туманлари ичида нисбатан урбанизациялашган Самарқанд туманида қайд этилган. Самарқанд шаҳрининг ўзида туғилиш 17,0; ўлим 5,2 ва табиий кўпайиш 11,8 ‰ (2009 й.).

Аҳоли сонининг ўсишида миграциянинг роли катта эмас. 1997-2000 йилларда шаҳар ва кишлоқ жойларнинг ҳар бири ўртача бир йилда 3,0-3,7 минг кишидан «ютказган», яъни миграция қолдиғи

салбий бўлган. Энг сўнгги йилларда ҳам вазият деярли шундай; барча қишлоқ туманларида миграция натижаси салбий, энг кўп манфий миграция қолдиғи Пахтачи ва Иштихон туманларида, яъни қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, аҳолиси зич ҳудудларда 2008 йилда бу кўрсаткич минус 9,7 ва 5,0 промиллени ташкил қилган[1]. Аҳоли зичлиги ўртача 1 км^2 майдонга 185,7 киши; энг катта кўрсаткич Самарқанд қишлоқ тумани (590,2), Тойлоқ (552,5), Нарпай (387,0) ва Пастдарғомда (319,8). Тоғ олди ва чўл минтақаларининг аҳолиси эса ниҳоятда сийрак. Масалан, Қўшработ ва Нуробод туманлари вилоят ҳудудининг 40 фоизини эгаллаган ҳолда, унинг атиги 7,1 фоиз аҳолисини жамлайди, холос (зичлик 24-48 киши. 7.1-жадвалга қаранг).

Урбанизациянинг умумий демографик кўрсаткичи 2009 йилнинг "илиқ урбанизация баҳоридан" сўнг бир йилда 25,1 дан 37,4 фоизга кўтарилди. Аммо бу ҳам унча юқори кўрсаткич эмас ва минтақавий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши нуқтаи назаридан қараганда, реал ҳолатни акс эттиради. Ҳозирда Самарқанд вилояти Хоразм ва Сурхондарё вилоятларидан сўнг охирдан 3-ўринни эгаллайди. Албатта, бу Самарқанддек дунёга машҳур, Соҳибқирон Амир Темур империясининг пойтахти жойлашган ҳудуд учун анча паст кўрсаткич саналади.

Вилоятда жами 11 та шаҳар ва 88 та шаҳарчалар мавжуд. Самарқанд шаҳар кенгашида 400 мингга яқин, Каттақўрғонда 77 минг, Ургутда 60, Оқтошда 37, Булунғурда 27, Пайшанбада 22 минг кишидан аҳоли истиқомат килади. Қолган шаҳар ва шаҳарчалар кичик ёки майда шаҳарчалар синфига мансуб. Жами шаҳарчаларнинг 76 таси 2009 йилда "Қишлоқ" Давлат дастурига биноан ташкил топган. Уларда ҳаммаси бўлиб 384,0 минг аҳоли бор. Энг кўп шаҳарчалар Пастдарғомда (11 та), Иштихон (11 та), Пайариқ (9 та) туманларида, энг оз қисми Булунғурда (3 та), Қўшработ, Нарпай ва Самарқанд туманларида (2 тадан) ва Нуробод туманида (1 та - Нурбулоқ) вилоят маъмурий харитасидан жой олган.

Самарқанд вилояти ва, хусусан Ургут туманида йирик қишлоқлар кўп. Янги шаҳарчалар орасида бундай демографик салоҳиятга эга бўлганлари Ургут туманида Ўрамас (20,4 минг), Ғўс (25,6

[1] Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (кишлоқ жойлар географияси). – Т.: Фан ва технологиялар, 2009. - Б. 198-199.

минг), Жартепа (20,4 минг), Испанза (20,0 минг), Тойлоқ туманида Тойлоқ (12,6 минг), Пастдарғом қишлоғида (10,2 минг киши) ва ҳ.к.

Гарчи Андижон аҳоли сонига кўра Самарқанддан катта бўлсада (Андижонда 375,4 минг, Самарқандда 370,0 мингдан зиёдроқ), республикамизнинг анъанавий "иккинчи шаҳри", унинг дастлабки пойтахти Самарқанд ҳисобланади. Шаҳарнинг гаъсир зонасида йирик Самарқанд агломерацияси шаклланган. Агломерация таркибига Ургут, Жомбой, Булунғур, Хешрав, Кимёгарлар, Фарҳод, Жума, Лоиш, Челак каби "йўлдош" шаҳар манзилгоҳлари киради.

Самарқанд вилоятида жами 1873 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Бу борада у республикамизда биринчи ўринда. Қишлоқларнинг кўпчилиги ва катталари интенсив суғорма деҳкончилик ривожланган ҳудудларда, Самарқанд шаҳри атрофида жойлашган. Шунингдек, тоғ оралиғидан оқиб чиққан сойлар ҳам ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий географик хусусият касб этади. Бу ерда қишлоқлар, сой гидрорежимига мос ҳолда занжирсимон ўрнашган. Тоғ олди ва чўл ҳудудларида эса (Қўшработ ва Нуробод туманлари) қишлоқлар сийрак ва унча катта эмас.

Минтақа ўзининг демографик вазиятига биноан катта меҳнат ресурсларига эга. 01.01.2010 йил маълумотларига кўра, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 1726 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 1295 минг, иқтисодиётда банд бўлганлар эса 1211 минг киши. 2009 йил давомида жами 91,7 минг янги иш ўринлари яратилган (асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда). Кўрилаётган йилда иш сўраб меҳнат бўлимларига 64,3 минг киши мурожаат қилган, уларнинг 59,0 минг кишиси ишга жойлаштирилган. Умуман олганда эса, республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш муаммоси бу ерда ҳам долзарбдир.

Хўжалиги, унинг ихтисослашуви ва географияси. Самарқанд вилоятининг хўжалиги аграр-индустриал йўналишда бўлиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ижтимоий соҳалар, жумладан туризм ҳам ривожланиб бормоқда. Минтақа ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида саноат 10,7 %, қурилиш 5,7 %, қишлоқ хўжалиги 34,3 %, транспорт ва алоқа 6,1 %, савдо ва умумий овқатланиш 6,4 ва солиқлар 4,7 фоизни ташкил қилади (2009 й.). Қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси бўйича вилоят Сурхондарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан кейинги 4-ўринда туради.

Бозор ислоҳотларининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланмиш кичик бизнесга, инвестиция ва қўшма корхоналар фаолиятига катта эътибор берилмоқда. 01.01.2010 йил ҳолатига кўра, вилоятда жами 36,834 та кичик тадбиркорлик субъектлари сони мавжуд бўлган: уларнинг 93,2 фоизи турли хил микрофирмалардан иборат. Кичик бизнеснинг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида (74,7 %) ҳамда савдо ва умумий овқатланишда (10,4%) ташкил қилинган.

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида мавжуд. Уларнинг кўпроқ қисми Самарқанд шаҳри, Ургут, Пастдарғом ва Булунгур туманларида қайд этилади, Нуробод ва Қўшработда эса бироз камроқ.

Кичик бизнес иқтисодиётда банд бўлганларнинг 81,1 %ни ташкил килади, 35.0 фоиз ялпи ҳудудий маҳсулотни етказиб беради; унинг экспортдаги улуши 67,3, импортда 45,3 фоизга баробар. Алохида тармоқлар бўйича: саноатда 24,8 %, қишлоқ хўжалигида 97,6 %, инвестиция ҳажмида 32,1 %, қурилиш ишларида 76,9 %, чакана савдо айланмасида 58,0 %, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда 67,0 %, юк ташишда 59,7 % ва йўловчи ташишда 81,3.

2009 йил давомида жами киритилган инвестициялар ҳажми 551,4 млрд сўмга тенг бўлган, уларнинг ярмига якини Самарқанд шаҳрига тўғри келади. Қишлоқ туманлари орасида Ургут, Пастдарғом олдинда, Оқдарё, Нарпай, Тойлоқ туманларининг инвестицион салоҳияти пастроқ. Жами киритилган инвестицияларнинг 9,6 фоизи чет эл инвестициялари ва кредитларидир. Бундай инвестициялар асосан вилоят маркази Самарқандга, шунингдек, Ургут ва қисман Самарқанд ва Жомбой туманларига киритилган.

Қурилиш географиясида, Самарқанд шаҳридан ташқари, Самарқанд ҳамда Ургут туманлари пешқадам. Бу ҳудудларда турли хил объектлар, хусусан, ишлаб чиқариш ва инфратузилма шахобчалари, уй-жой, таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш ишлари бажарилган.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг умумий сони 184, уларнинг 177 таси 2009 йилда фаолият кўрсатган. Биргина таҳлил этилаётган йилда 17 та қўшма корхона ташкил этилган. Бу корхоналар вилоят экспорт ҳажмининг 13,7 фоизини таъминлайди. Бу борада, айниқса, Япония билан ҳамкорликда барпо этилган Самкочавто қўшма корхонасининг аҳамияти катта.

Жами қўшма корхоналарнинг 99 таси вилоят марказида, қишлоқ туманлари орасида эса фаолият кўрсатаётган корхоналар Ургутда 22 та, Самарқанд туманида 17 та, Жомбойда 11 та. Айни вақтда Пайариқ ва Нуробод туманларида улар атиги биттадан, Қўшработда эса умуман йўқ. Экспорт ҳажмида Самарқанд шаҳри-45,9 %; шунингдек, Пастдарғом (37,0 %) тумани қўшма корхоналари ҳам салмоқли ишларни амалга оширади.

Саноати. Самарқанд вилояти саноати кўп тармоқли хусусиятга эга. Бу ерда, айниқса, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил, кимё, фарфор саноати яхшироқ ривожланган. Мустақиллик йилларида қурилган автомобилсозлик заводи вилоят иқтисодиётини юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, ҚК тамаки, фарфор идишлар, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам фаол иштирок этмоқда; ҳаммаси бўлиб 2474 та, шу жумладан 36 та йирик саноат корхоналари бор, уларда 28,7 минг ишчи ходим хизмат қилади (2000 йилда бу рақам 50 минг киши атрофида бўлган).

2009 йил маълумотларига кўра, озиқ-овқат саноати жами саноат маҳсулотининг 46,9 фоизини берган. Иккинчи ўринда енгил саноат-21,0 фоиз, учинчи ўринда машинасозлик ва метални қайта ишлаш-12,0 фоиз, тўртинчида ун-крупа ва омухта ем ишлаб чиқариш – 6,7 фоиз. Кимё ҳамда қурилиш материаллари саноат тармоқларининг мавқеи ҳам анча сезиларли. Вилоятда шишачинни идишлар ишлаб чиқариш, енгил (пиллакашлик ва ип газлама ишлаб чиқариш), озиқ-овқат саноат тармоқларининг ҳудудий мужассамлашув даражаси ёки ихтисослашув индекси юқори.

Самарқанд вилоятида мамлакатимизнинг бошқа вилоятла-рида йўқ ёки жуда кам учрайдиган саноат тармоқлари мавжуд. Улар жумласига лифт, кино аппаратуралари, чой қадоқлаш, совутгич машиналар, автобус, тамаки ферментация каби заводлар киради. Бироқ, вилоятнинг электр энергетика ҳамда қурилиш базаси сустроқ, ип газлама ишлаб чиқариш ҳам энди ривожланмоқда ("Самтекс"-Жомбойда).

Бир йилда тахминан 1,5-2,0 млн. $м^2$ ип газлама, 13-15 минг тонна ўсимлик ёғи, 10-12 минг тонна тамаки маҳсулотлари, 78-80 минг тонна пахта толаси, 15-16 минг дона совутгич ва узаткичлар ишлаб чиқарилади. 2009 йилда 2039 та замонавий юк машиналар ва автобуслар «СамАвто» қўшма корхонасининг конвейерларидан

чиқди. Яқин келажакда бу рақам янада кўпаяди. Мазкур корхонада республикамизда илк бор мотоцикл ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган (115 дона). Шу билан бирга, 2009 йилда вилоятда 91,7 минг т омухта см, 3,9 минг т хўжалик совуни, 25903 млн. сўмлик мебел, 126,2 млн. шартли банка мева-сабзавот консервалари, 9,7 минг т гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 11,4 минг т сут маҳсулотлари, 139,4 минг т ун ишлаб чиқарилган. Самарқанд шаҳрида йирик пиллакашлик ва ипак газлама корхонаси ҳам бор.

7.1-расм

Самарқанд вилояти саноатининг тармоқлар таркиби (2009 й.)



Асосий саноат корхоналари Самарқанднинг ўзида жойлашган. Бу ерда лифт, автомобил, совутгич, шиша-чинни идишлар, кимё, консерва, вино заводлари, ипак газлама, тамаки, чой қадоқлаш фабрикалари каби корхоналар мавжуд. Каттақўрғонда машинасозлик, ёг, пахта тозалаш (республикада энг тўнғич) заводлари, Жомбойда йирик дон маҳсулотлари комбинати ва «Самтекс», Булунғурда вино заводи бор. Самарқанднинг «йўлдоши» шаҳарчаларида Хишров ГЭС, суперфосфат заводи жойлашган. Қишлоқ туманлари марказларининг кўпчилигида пахта тозалаш заводи, Ингичкада тоғ-кон корхонаси ишлаб турибди.

Саноатнинг ҳудудий ташкил қилиш тизимида, энг аввало, Самарқанд ва Каттақўрғон туманлари ажралиб туради. Умуман олганда, Самарқанд вилоят саноат маҳсулотининг ярмидан кўпини беради, Каттақўрғоннинг бу соҳадаги кўрсаткичи 2,9 фоизга баробар (7.3-жадвал). Қишлоқ туманлари орасида Жомбой, Нарпай, Самарқанд, Ургут, Пастдарғомнинг саноат салоҳияти каттароқ. Қолган туманлар, айникса, Нуробод (0,2 %) ва Қўшроботда (0,5 %) ҳозирча саноат ишлаб чиқариши яхши ривожланмаган.

7.3 - жадвал

Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

(жамига нисбатан фоиз ҳисобида, 2009 й.)

т/р	Ҳудудлар	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Халқ истеъмол моллари	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
	шаҳарлар:							
1	Самарқанд ш.	54,6	0,05	68,3	40,3	25,5	37,9	55,2
2	Каттақўрғон ш.	2,9	0,5	2,7	0,7	3,2	6,4	3,8
	туманлар:							
1	Булунғур	1,2	9,0	0,8	4,4	3,1	4,2	3,0
2	Жомбой	4,2	6,0	4,6	3,3	4,1	2,4	2,5
3	Иштихон	2,6	9,1	0,5	4,1	4,0	2,9	2,7
4	Каттақўрғон	2,7	7,0	1,5	4,3	5,8	3,0	3,3
5	Нарпай	5,3	4,1	3,5	3,2	4,2	3,0	2,8
6	Пуробод	0,2	2,6	0,4	4,2	5,2	1,8	1,3
7	Оқдарё	2,2	5,4	0,8	2,4	4,9	3,0	1,6
8	Пайариқ	3,6	9,7	0,9	3,9	5,8	5,4	2,3
9	Пастдарғом	4,4	8,6	2,0	7,0	6,3	5,8	3,9
10	Пахтачи	2,8	5,1	1,1	3,3	4,6	3,3	2,0
11	Самарқанд	5,4	8,5	5,4	4,2	7,9	7,6	6,5
12	Тойлоқ	2,6	9,0	2,3	3,1	4,3	2,6	2,2
13	Ургут	4,4	11,1	4,4	8,2	7,4	9,3	5,7
14	Қўшработ	0,5	4,1	0,8	3,5	3,5	1,4	1,1
	Жами вилоят	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2009 йилда жами 884,3 млрд. сўм ҳажмида турли хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган, уларнинг 70,7 фоизини ноозиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан 9,5 фоизини енгил саноат ташкил қилади. Вино-арок ва пиво ишлаб чиқаришнинг улуши 2,9 %. Аҳоли жон бошига 285,2 минг сўмлик ХИМ тўғри келади. Халқ истеъмол молларининг 2/3 қисмидан кўпроғи Самарқанд шаҳрида, 5,4 % Самарқанд туманида, 4,6 % Жомбойда, 4,4 % Ургутда ишлаб чиқарилади. Айни пайтда Қўшработ, Нуробод, Пайариқ, Оқдарё, Иштихон, Булунғур қишлоқ туманларининг бу борадаги улуши 1,0 фоизга ҳам етмайди (7.3-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги. Самарқанд вилояти республикамиз агроиқтисодиётида муҳим ўринга эга. У мамлакатнинг 1/10 қисмидан кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини беради. Минтақада, қолган вилоятлардан фарқ қилиб, қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли. Масалан, Самарқанд вилоятида пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари боғдорчилик, узумчилик, тамаки етиштириш анча яхши ривожланган. Узумчилик бўйича у Тошкент вилояти билан биргаликда Ўзбекистонда етакчи ҳисобланади.

Деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса, қўйчилик, қоракўл қўйларини боқиш (асосан, Қарноб чўлда) катта аҳамиятга эга. Деҳқончиликнинг жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркиби 59,3%, фермер хўжаликлари 28,2 % маҳсулотларни етказиб беради. Самарқанд вилоятида жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдони 1222 минг га ёки вилоят умумий ҳудудининг 73,3 % и демакдир. Нуробод (363 минг га), Қўшработ (192 минг га), Пахтачи (109 минг га) ва Пайариқ туманлари (103 минг га) ажралиб туради (7.4-жадвал).

Сугориладиган ерлар 308 минг га бўлиб, улар умумий қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 25,2 фоизини ташкил қилади (қишлоқ хўжалиги ер фондидан интенсив фойдаланиш коэффициенти ҳам шу даражада).

7.4-жадвалдан кўриниб турибдики, суғориладиган ерлар айниқса, Қўшработ, Нуробод ва Пахтачи туманларида жуда оз миқдорда, Нарпай, Оқдарё, Тойлоқ, Пастдарғом туманларида эса кўпроқ.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 35,7 фоизи экин экиладиган ерлар ва 59,4 фоизи пичанзор ҳамда яйловлардан иборат. Экин майдонларининг хиссаси Пастдарғом, Жомбой, Оқдарё

7.4 - жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби (2008 й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони, минг га	Шу жумладан суғорилади ган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Булунғур	76,5	54,3	24,6	49,9	18,6	0,2	31,2
Жомбой	54,7	31,4	24,0	78,4	7,7	0,3	13,6
Иштихон	72,0	48,7	25,0	65,2	12,0	0,3	22,4
Каттақўрғон	139,3	98,6	28,3	45,0	2,6	2,9	49,4
Нарпай	44,2	28,4	22,6	77,7	6,6	0,2	15,5
Нуробод	486,3	362,6	6,3	18,1	0,07	-	81,8
Оқдарё	37,5	23,5	22,1	83,7	10,6	2,4	3,3
Пайариқ	128,7	103,0	35,3	54,0	4,0	1,1	40,9
Пастдарғом	87,0	58,2	46,7	79,8	7,1	0,3	12,8
Пахтачи	137,6	108,5	19,2	18,3	1,6	0,1	80,0
Самарқанд	48,1	26,3	14,3	36,9	22,4	-	40,7
Тойлоқ	27,7	15,4	13,0	54,6	29,9	-	16,6
Ургут	112,0	71,1	24,0	28,8	10,8	0,08	60,3
Қўшработ	216,0	191,6	3,0	20,8	0,6	0,03	78,5
Жами вилоят	1667,3	1222,0	308,2	35,7	4,5	0,4	59,4

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана" - Ташкент, 2008.

ва Нарпай туманларида юкори, пичанзор ва яйловлар эса Нуробод, Пахтачи ва Қўшработ қишлоқ туманларида кўпчиликни ташкил қилади Жами экин майдонлари 377 минг га (2000 йилда 403 минг га) бўлган. Шундан 179 минг гектари бошоқли экинлар (Ўзбекистонда олдинги ўринларда), 99 минг га пахта, 7,6 минг га тамаки, 26,1 сабзавот ва 33,2 минг гектари ем-ҳашак етиштириш билан банд. 2009 йилда 142 минг гектарга буғдой экилган, ялпи ҳосил 709 минг тонна, ҳосилдорлик 49,9 ц/га. Пахта майдонларидан 238 минг т пахта хом ашёси ёки ҳар бир гектар ердан 24,0 центнердан ҳосил олинган.

Тамакичилик Ургут туманида ташкил этилган – ялпи ҳосили 12307 тонна, ҳосилдорлиги 16,2 ц/га.

Бошқа техника ва мойли экинлардан масхар (10.0 минг га), кунгабоқар (2,0 минг га), шунингдек зиғир ва кунжут ҳам экилади. Картошка 10,0 гектардан кўпроқ ерни эгаллайди, ялпи ҳосил 340 минг т. Узум 31,0 минг гектарда, ўртача бир йилда 333 минг тонна етиштирилади.

7.2-расм

Самарқанд вилояти экин майдонининг таркибий тузилиши



Вилоят бўйича йирик шохли моллар сони 1118 минг бошга яқин (республикада 1-ўринда туради), қўй ва эчкилар 1544 минг бош. Бир йилда етиштирилган қоракўл тери 87 минг донадан зиёд, пилла 2500-2600 тоннани, жун 3036 т, сут 728 минг т, гўшт (тирик вазида) 171 минг тоннани ташкил этади.

Интенсив қишлоқ хўжалиги асосан вилоятнинг марказий ҳудудларида яхши ривожланган. Умуман, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймати бўйича Ургут (11,1 фоиз), Пайариқ (9,7 %), Иштихон (9,1 фоиз), Булунғур ва Тойлоқ (9,0 фоиздан) туманлари олдинда туради; Каттақўрғон, Самарқанд туманларининг мавқелари ҳам яхшироқ. Айни вақтда Нуробод туманига вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 2,6 фоизи тўғри келади, холос (7.3-жадвал).

Қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви қуйидагича: Ургут туманида тамакичилик, боғдорчилик, узумчилик, Қўшработ ва Нурободда, асосан, чорвачилик, Булунғурда боғдорчилик ва узумчилик, картошка етиштириш, Самарқанд, Ургут ва Тойлоқ туманларида шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к. Пахта суғорма деҳқончилик районларида (Пастдарғом, Пахтачи, Иштихон, Нарпай, Пайариқ, Оқдарё ва б.), ғалла пахта билан биргаликда, шунингдек, лалмикор ерларда-тоғ этакларида етиштирилади.

Вилоят агроиқтисодиётида чорвачилик ҳам катта ўринга эга. Унинг географиясида гўшт етиштириш бўйича Ургут тумани

кескин ажралиб туради – минтақа жами гўшт маҳсулотининг 16,6 фоизини беради (7.5-жадвал).

7.5-жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ туманларида айрим чорвачилик маҳсулотларини етиштириш (2009 йил, жамига нисбатан фоизда)

т/р	Қишлоқ туманлари	Гўшт	Сут	Тухум
1	Булунғур	6,8	5,2	2,3
2	Жомбой	2,5	5.6	5,1
3	Иштихон	7,9	11.7	4.0
4	Каттақўрғон	8,7	11,5	3,6
5	Нарпай	2,1	4,4	0,5
6	Нуробод	4,8	2,9	0,6
7	Окдарё	5,4	5,0	2,0
8	Пайариқ	9,7	9,8	1,8
9	Пастдарғом	8,6	7,5	2,5
10	Пахтачи	5.6	5,5	2,2
11	Самарқанд	6,6	6,1	65,3
12	Тойлоқ	7,2	7,7	2,5
13	Ургут	16,6	11,9	3,9
14	Қўшработ	6,1	4,1	2,4

Жадвал Самарканд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Сут борасида ҳам Ургут, шунингдек Иштихон ва Каттақўрғон туманлари ихтисослашган ҳисобланади. Табиийки, паррандачилик, жумладан тухум етиштириш, одатда, йирик шаҳарлар атрофида ривожланган бўлади. Шу боис, мазкур чорвачилик маҳсулотининг 2/3 қисми биргина Самарқанд туманида тайёрланади.

Бошқа вилоятларда бўлганидек, Самарқандда ҳам фермер хўжаликлари кўпайиб бормоқда. 2010 йил 1 январ ҳолатида бу ерда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони жами 11749 та, уларга 495,4 минг га ер бириктирилган ва 187,4 минг киши меҳнат қилади (7.6-жадвал). Ҳар бир фермерга ўртача 42,2 га ер ва 16 кишидан ишчилар тўғри келади.

Фермер хўжаликлари асосан деҳқончилик ривожланган ҳудудларда кўп ташкил қилинган. Масалан, Булунғурда уларнинг сони 1412 та, Ургут туманида 1346 та, Тойлоқ туманида 1258 та; айни пайтда Қўшработда 348 та, Пахтачида 466 та, Нарпайда 485 та фермер хўжаликлари бор. Ер майдони бўйича эса Нуробод (103,1

7.6 - жадвал

Самарқанд вилояти фермер ва деҳқон хўжаликлари бўйича айрим маълумотлар
(01.01.2010 й. ҳолатига)

т/р	Қишлоқ туманлари	Фермер хўжаликлари				Деҳқон хўжаликлари			
		сони	бирикти рил ган ер майдони, минг га	1 та фермерга тўғри келадиган ер, га	ялпи к/х маҳсулоти-даги улуши, фоизда	сони	бирикти рил ган ер майдони, минг га	1 та деҳқон хўжалиги га тўғри келадиган ер, га	ялпи к/х маҳсулоти-даги улуши, фоизда
1	Булунғур	1412	37,8	26,8	52,4	25861	5,5	0,2	47,6
2	Жомбой	518	31,0	59,9	39,2	25058	6,2	0,2	58,7
3	Иштиҳон	841	38,1	45,4	28,6	35240	7,8	0,2	71,0
4	Каттақўрғон	647	55,3	85,4	26,9	45321	8,1	0,18	68,0
5	Нарпай	485	29,7	61,2	45,9	32879	5,4	0,16	53,8
6	Нуробод	680	70,1	103,1	29,5	17058	6,6	0,4	64,8
7	Оқдарё	740	22,1	29,9	36,6	21722	4,5	0,2	62,1
8	Пайариқ	779	55,7	71,5	37,4	34865	6,5	0,19	61,5
9	Пастдарғом	1125	55,3	49,1	41,6	50945	8,1	0,16	57,6
10	Паҳтачи	466	23,7	50,9	35,2	28351	5,1	0,18	64,1
11	Самарқанд	1104	15,8	14,3	29,8	41812	3,6	0,08	51,6
12	Тойлоқ	1258	12,7	10,1	36,8	30743	3,6	0,12	62,4
13	Ургут	1346	30,8	22,9	21,6	56353	7,8	0,14	78,4
14	Қўшработ	348	17,2	49,3	18,5	14466	4,8	0,33	81,0
	Жами	11749	495,1	42,2	34,2	512277	86,1	0,17	63,1

Жадвал Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

га 1 та фермерга), Каттақўрғон (85,4 га), Пайариқ (71,5 га), Нарпай (61,2 га) етакчилик қилади. Самарқанд ва Тойлоқ туманларида ташкил этилган фермерларга атиги 10-14 гектардан ер тўғри келади.

Деҳқон хўжаликларининг сони 512,3 мингта, бириктирилган ер майдони 86,1 минг га, ялпи маҳсулотдаги ҳажми 63,1 %. Фермер ва деҳқон хўжаликлари ўртасида ўзига хос "меҳнат тақсимоти" мавжуд. Бу қишлоқ хўжалигининг ихтисослашувига, ҳудудларнинг ер билан таъминланганлигига, аҳоли ва меҳнат ресурсларига боғлиқ. Масалан, жами экин майдонининг 80,6 фоизи фермер ва 16,7 фоизи деҳқон хўжалигига тўғри келгани ҳолда, фермер хўжаликларида атиги 30 фоизга якин маҳсулот яратилади. Фермер хўжаликларининг экин майдони ғалла, барча техника ва мойли экинларда, узумчиликда сезиларли даражада устунликка эга, пахтанинг деярли 100 фоизи ушбу мулкчилик шаклига тўғри келади. Сабзавот ва полиз экинларида, ем-ҳашак майдонларида бу устунлик камроқ, картошка, шунингдек, гўшт, сут, тухум, жун, пилла етиштиришда, чорва моллари сонида деҳқон хўжалиги асосий ўринда туради. Қоракўл терисини тайёрлаш эса қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқон хўжалиги зиммасига тушади.

Ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиши. Ижтимоий соҳалар, энг аввало, таълим, соғлиқни сақлаш тизимлари иқтисодий тараққиётнинг негизи ҳисобланади, уларнинг асоси эса ижтимоий инфратузилма билан ижтимоий соҳаларни ажратиш тўғрироқ бўлади. Сабаби кўпинча иккала тушунча маънодош, яъни синоним сифатида эътироф этилади. Ваҳоланки, бундай эмас, ҳар қандай инфратузилма, ички тузилма ("пойдевор") бевосита моддий ва маънавий бойликларни яратмайди, балки бунинг учун **шарт-шароит** муҳай ёқилади. Шу боис, ижтимоий соҳа объектлари, уларнинг мавжудлиги, замонавий даражада жиҳозланганлиги, хизмат кўрсатиш ўринлари ёки "сиғими" инфратузилма бўлса, таълим олиш, соғлиқни сақлаш кабилар эса бевосита халқ хўжалик тармоқларидир.

Самарқанд вилоятида номоддий ишлаб чиқаришда жами ишчи ва хизматчиларнинг 33,1 фоизи (401,5 минг киши) банд. Жумладан, 2009 йилда чакана савдо айланмаси 1195660 млн. сўм ёки аҳоли жон бошига 385,8 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич қишлоқ туманлари даражасида маълум ҳудудий фарқларга эга. Чунончи, чакана савдо айланмаси, бир кишига ҳисоблаганда Булунғур

(338,1 минг сўм), Пахтачи (323,9 минг сўм), Пайариқ (322,1 минг сўм) туманларида юқорироқ, Иштихон, Каттақўрғон, Қўшработ ва Тойлоқ туманларида эса паст (Тойлоқда энг оз кўрсаткич - атиги 20,6 минг сўм). Бу борада шуни эътиборга олиш лозимки, катта шаҳарлар атрофида қишлоқ туманлари ўзларининг ижтимоий соҳаларга бўлган эҳтиёжларини кўпроқ қўшни марказларда қондирадилар. Одатда, шаҳарларда бундай соҳа объектлари ҳам кўп, хизмат сифати ҳам яхшироқ. Айнан ана шундай объектив сабаблар билан Тойлоқ ва қисман Каттақўрғон туманларида қайд этилган паст кўрсаткичларни изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмасининг ўта катталиги (1136,4 ва 994,1 минг сўмдан) ҳам ушбу қонуниятни асослаб беради.

7.3-жадвал маълумотларига қараганда, чакана савдо айланмасининг 37,9 фоизи Самарқандга ва 6,4 фоизи Каттақўрғон шаҳарларига тўғри келади. Қишлоқ жойлар миқёсида Ургут (бу ерда савдо анъанавий ҳолда ривож топган), шунингдек, Пастдарғом ва Пайариқ туманлари ажралиб турса, Қўшработ ва Нуробод туманлари энг охирги ўринларни эгаллайди.

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳолати ва географияси ҳам тахминан шу тарзда. Чунончи, вилоятда кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажмининг 55,2 фоизи биргина Самарқанд шаҳрида амалга оширилган; Самарқанд (6,5 %) ва Ургут (5,7 %) туманларида ҳам бу кўрсаткич юқорироқ, Оқдарё, Нуробод ва Қўшработда паст.

Ҳар бир кишига ҳисоблаганда вилоятда ўртача 207,2 минг сўмлик пуллик хизмат қайд этилади. Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларини ҳисобга олмаганда, бу даража Самарқанд, Булунғур ва Жомбой туманларида юқори: мос ҳолда 147,8; 131,6; 120,8 минг сўм.

Вилоятда ҳар бир кишига 14,2 кв м уй-жой тўғри келади. Бу кўрсаткич Тойлоқ (18,6 $м^2$), Самарқанд (19,1 $м^2$), яъни бевосита вилоят марказига туташ ҳудудларда яхшироқ. Уй-жой билан таъминланиш даражаси нисбатан паст ҳудудлар Каттақўрғон шаҳри (11,8 $м^2$) ва Иштихон тумани (12,2 $м^2$) ҳисобланади.

Минтақа аҳолисининг табиий газ билан таъминланиши, айниқса, долзарбдир. Шу нуқтаи назардан ёндошганда юқори кўрсаткич Тойлоқ (98,3 %), Самарқанд (97,4%), Каттақўргон (95,2 %), Пахтачи (90,8 %) туманларида қайд этилади. Ночор вазият эса

Нуробод (44,7 %) ва Қўшработ (37,2 %) туманларида кузатилади. Айнан шу худудларга "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга оширишда жиддий эътибор қаратиш лозим.

Соғлиқни сақлаш тизимида жами 94 муассаса мавжуд, уларнинг кўпчилиги бюджет тасарруфида. Ҳар 10000 кишига тўғри келадиган бемор ўринлари 45,6 та. Амбулатория-поликлиника муассасалари 589 та, ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган куввати ёки сиғими бир сменада 117 қатновни ташкил қилади. Бундай нисбий кўрсаткичлар врачлар сони бўйича 28 ва ўрта тиббиёт ходимлари сони бўйича - 86 кишига тенг.

Фельдшерлик, акушерлик пунктлари 62 та, қишлоқ врачлик пунктлари 102 та бўлиб, ўртача битта қишлоқ туманида 7,3 тадан ҚВП жойлашган. Минтақада аҳоли саломатлигини тиклашга қаратилган кўплаб рекреация объектлари - оромгоҳ ва сиҳатгоҳлар ташкил этилган. Жумладан, Каттақўрғон тумани (Нагорный), Нуробод (Ибн Сино номидаги санатория), шунингдек, Булунғур, Ургут ва бошқа туманларда ҳам бор. Шу ўринда, Булунғур ва унга туташ бўлган ҳудудларнинг ўзига хос нозогеографик вазиятини кайд этиш зарур. Баъзи йилларда, асосан тоза ичимлик сувининг етишмаслиги сабабли, бу ерда вақти-вақти билан юқумли касалликлар, масалан, дизентерия, витилиго кабилар учрайди.

Умуман олганда, вилоят аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 86,2 %, табиий газ билан 84,7 %. Мазкур масаланинг ҳал этилиши, хусусан, тоғ ва чўл ҳудудларда жойлашган қишлоқ туманлари учун долзарбдир.

Халқ таълими ҳам энг муҳим ижтимоий соҳалардан биридир. Самарқанд вилоятида 2009 йилда жами 659 та мактабгача тарбия муассасалари бўлган. Улардаги ўринлар сони 66,6 минг киши. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир муассасага ўртача 101 кишидан тўғри келади. Табиийки, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини ташкил этиш чўл ва тоғликлардан иборат қишлоқ туманларида (Қўшработ, Нуробод, Пахтачи) анча муаммоларга дуч келади. Сабаби бу ҳудудларда аҳоли сийрак жойлашган, қишлоқлари эса унча катта эмас.

Умумтаълим мактаблари 1218 та, ўқувчилар сони 575,4 минг киши; бир мактабда ўртача 472 тадан ўқувчи таълим олади. Бу рақам айрим бошқа минтақаларга таққослаганда, унча катта эмас. Шу ўринда Самарқанд вилоятининг нисбатан "серқишлоқлигини"

унутмаслик лозим. Агар жами аҳолининг тахминан 22-23 фоизини мактаб ёшидагилар ташкил қилиши эътиборга олинса, ҳар бирида 500 кишигача ёки 250 кишигача эга бўлган қишлоқларда таълим муассасаларини ташкил этиш қийинчиликлари ўз-ўзича аён бўлади.

Вилоятда жами 14 та академик лицейлар мавжуд, ўқувчилар сони 11,5 минг киши. Улар, одатда, олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган. Касб-ҳунар коллежлари 156 та, ўқувчилар 156,9 минг нафар. Коллежлар минтақанинг барча шаҳар ва қишлоқ туманларида бор, уларнинг йўналишлари эса жойларнинг демографик вазияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хўжалигининг ихтисослашувига мувофиқ ҳолда ташкил қилинган.

Олий ўқув юртлари 7 та ва бу борада Самарқанд шаҳри Тошкент шаҳридан кейинги республикамизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш маркази саналади. Жами талабалар сони 23,2 минг киши. Улар Самарқанд давлат университети, хорижий тиллар, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, сервис ва архитектура институтларида таълим олишади.

Самарқанд вилояти мамлакатимизда туризм соҳаси билан ҳам ажралиб туради. Бу ҳудудда жойлашган, асосан соҳибқирон Амир Темур ва унинг набираси Мирзо Улуғбек томонидан барпо этилган оламшумул бинолар, масжиду-мадрасалар, тарихий ёдгорликлар - Регистон, Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Улуғбек обсерваторияси. Бибихоним мадрасаси, Даҳбед қишлоғида жойлашган Маҳдуми Аъзам, Пайариқ туманида республика Президенти ташаббуси билан барпо этилган яратилган Имом Бухорий қадамжолари нафақат мамлакатимизда, балки Ислом олами ва бутун дунёда ҳам машҳурдир. Бундай қадамжо ва зиёратгоҳлар вилоятнинг бошқа туманларида хам кўп (Ургут, Самарқанд, Қўшработ туманлари ва б.)[1] Шунингдек, Самарканднинг машҳур нони, ширинликлари ва миллий таомлари, архитектура ва шаҳарсозлик ёдгорликлари сайёҳлар учун катта қизиқиш туғдиради.

Вилоятда жами 59 та меҳмонхоналар – туристик инфратузилманинг энг муҳим объектларидан бири мавжуд, улардаги ўринлар сони 3200 та. Хусусий секторда ҳам меҳмонхоналар ташкил қилинган. 2009 йилда жами 95072 та сайёҳга, шу жумладан 66 мингга яқин хорижий фуқароларга туристик хизмат кўрсатилган. Ўзбекис-

[1] Самарқанд шаҳрида, унинг қадимги маркази – Регистонда ҳар йили "Шарқ тароналари" Халқаро фестивали (кўриги) ўтказилади.

тон Республикаси фуқоролари 29,1 минг киши. "Ўзбектуризм" Миллий компанияси томонидан 22,1 минг сайёҳга хизмат амалга оширилган.

Бирок вилоятнинг туристик салоҳиятидан ҳозирча тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу ерда туризмнинг турли шаклларини, жумладан, диний, илмий, эко ва агротуризмни ривожлантириш имкониятлари катта. Бунинг учун энг аввало ташкилий муаммолар, масалан, реклама, туристик инфратузилмани замон талабида шакллантириш зарур.

Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар. Самарқанд вилояти мамлакатимизнинг марказида жойлашганлиги боис, у қулай транспорт географик ўринга эга. Бу ерда трансчегаравий аҳамиятга молик халқаро ва миллий мақомдаги темир ва автомобил йўллари бор. Республикамизда биринчилар қаторида Тошкент-Самарқанд тезюрар йўловчилар қатновини амалга оширувчи "Регистон" электрлаштирилган темир йўли йўналиши ташкил этилган. Самарқанд шаҳридаги аэропорт ҳам ҳалқаро аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосида эркин иқтисодий зона барпо этиш имкониятлари мавжуд.

2009 йилда 45854 минг т юк, 314,6 млн йўловчилар ташилган. Вилоят доирасида ташилган юк ва йўловчиларнинг 100 фоизи автомобил транспорти зиммасига тушади. Автомобил транспортида ташилган юклар ҳажми Булунгур ва Самарқанд туманларида кўп: 6,8 ва 7,7 %, Тойлоқ ва Ургут туманларида эса, у нисбатан оз. Юк айланмаси Булунғур, Қўшработ ва Ургут туманларида юқори, Нарпай, Жомбой ва Пахтачи туманларида камроқ.

Ушбу транспорт турида йўловчилар ташишда ҳам худди шундай ҳудудий тафовутлар сезилади. Жумладан, Пастдарғом туманига жами вилоятда ташилган 314,5 млн. йўловчидан 23,3 миллиони тўғри келади. Бу ракам Каттақўрғон шаҳри ва Пахтачи, Самарканд туманларида ҳам анча катта. Бундай ҳудудий фарқлар туманларнинг географик ўрни, майдонининг ташқи қиёфаси, демографик салоҳияти, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси каби омилларга боғлиқ.

Самарканд вилоятининг ташқи савдо айланмаси 447,2 млн. АҚШ долларига яқин. Бу прогноз ва ўтган йилги кўрсаткичлардан бироз пастрок. Экспорт 151,8, импорт 295,4 млн. қолдиқ минус 143,6 млн. долларга тенг. Экспорт таркибида пахта толаси 38,2, озиқ-овкат маҳсулотлари 47,5, хизматлар 8,5 фоизни ташкил этади.

Импортда эса машина ва ускуналар улуши 48,2, кимё саноати маҳсулотлари 22,8, озиқ-овқат 11,8 фоизга баробар. Машина ва ускуналар ҳисобидан ташқи савдо айланмаси нисбий бўлса, бу ёмон эмас. Чунки сотиб олинган замонавий техник жиҳозлар, машиналар кейинги йиллар тараққиёти учун замин ҳозирлайди.

Вилоят ташқи иқтисодий алоқаларининг 58,9 фоизи, шу жумладан экспортнинг 53,5 ва импортнинг 61,3 фоизи "Узоқ" хорижий ва Болтиқ бўйи давлатлари билан амалга оширилади. Хорижий мамлакатлар орасида Япония ва Европа давлатлари етакчи ўринларга эга.

Ҳудудий жиҳатдан экспортнинг ярмига якинини Самарқанд шаҳри таъминлайди. Қишлоқ туманларидан Пастдарғомнинг экспорт салоҳияти катта - 35,2 %. Шунингдек, Самарқанд (5,7 %), Тойлоқ (2,6 %), Жомбой (2,2 %) туманлари ҳам бу жараёнда қатнашади, Нуробод, Пахтачи ва Қўшработ туманларида эса 2009 йилда умуман экспорт қилинмаган. Импортнинг 52,0 фоизи Самарқанд шаҳрига, 8,1 фоизи Нурободга (бу ижобий ҳол, сабаби - Нуробод вилоятда инвестицион фаолият ва умуман ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича энг орқада туради), 7,3 фоизи Тойлоқ ва 7,1 фоизи Самарқанд туманларига тўғри келади. Энг оз кўрсаткич Каттақўрғон шаҳрида кузатилади.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар 2009 йилда жами экспортнинг 1/3 қисмини таъминлаган. Уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳри (49,4 %), Пастдарғом (35,2 %) тумани ҳиссасига тушади. Импортда Самарқанд шаҳри қўшма корхоналари (51,9 %), Нуробод (9,7 %), Тойлоқ (7,6 %) туманлари фаол иштирок этишади. Шунингдек, Самарқанд, Ургут ва Жомбой туманларининг улушлари ҳам кўзга ташланади. Айни чоғда Қўшработ туманида импорт деярли йўқ даражада.

Ички тафовутлари ва иқтисодий районлари. Вилоятнинг табиий шароити, иқтисодий ва транспорт географик ўрни, тарихий ривожланиши омилларига асосланган ҳолда унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ўзига хос ҳудудий хусусиятлар касб этади. Бу ерда, энг аввало, вилоятнинг биринчи ва иккинчи марказлари - Самарқанд ҳамда Каттақўргон шаҳарлари муҳим район ҳосил қилиш кудратига эга. Бинобарин, вилоятда Самарқанд ва Каттақўрғон гуруҳ районлари ёки иқтисодий районларини ажратиш мумкин. Биринчисининг таркибига Самарқанд шаҳри, Самарқанд,

Ургут, Жомбой, Булунғур, Тойлоқ, Пастдарғом, Оқдарё ҳамда Пайариқ туманлари, иккинчисига Каттақўрғон шаҳри, Каттақўрғон, Иштиҳон, Пахтачи, Нарпай, шунингдек, шартли равишда вилоятнинг ички чўл ва тоғ олди ҳудуди эгаллаган Қўшработ ва Нуробод туманларини ҳам киритса бўлади.

Шу тартибда Самарқанд иқтисодий райони (шарқий район) ҳиссасига 32,2 % майдон, 67,8 % аҳоли, 82,6 % саноат ва 67,4 % қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғри келади. Саноат асосан Самарқанд шаҳрининг ўзида, аҳоли - Самарқанд шаҳар агломерациясида жойлашган. Фан ва таълим, барча ижтимоий соҳалар, жумладан, рекреация ва туризм ривожланган, қишлоқ хўжалиги - пахта ва ғалла, мева ва узум етиштиришга, шаҳар атрофи хўжалигига ихтисослашган.

Каттақўрғон ёки Ғарбий иқтисодий район вилоятнинг 67,8 % майдони ва 32,2 % аҳолисини эгаллайди. У ялпи саноат маҳсулотининг 17,4 %, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 32,6 % ни беради. Маркази Каттақўрғон шаҳри (77 минг киши). Саноат салоҳияти пастроқ, қишлоқ хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришга, чўл ва яйлов чорвачилигига мослашган.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий географияси қишлоқ туманларининг бир бирларидан фарқ қилишларида яққол кўзга ташланади. 7.7-жадвалда қишлоқ туманлари даражасида асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар (индикаторлар) келтирилган.

Жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳолларда Жомбой, Пастдарғом, Пайариқ, Пахтачи, Нарпай Самарқанд туманлари олдинда туради. Масалан, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатишда ҳам уларнинг улуши юқори. Айни вақтда Қўшработ Ургут, Иштихон туманларида қайд этилган соҳалар суст ривожланган. Умуман олганда, 01.01.2010 йил ҳолатига кўра, вилоятда Булунғур, Иштихон, Каттақўрғон, Қўшработ, Пайариқ ва Пастдарғом қишлоқ туманлари давлат дотацияси ҳисобида туради. Демак, якин келажакда айнан шу ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига устувор аҳамият бериш талаб этилади.

Хулоса ўрнида шуни эътироф этиш лозимки, Самарканд вилояти республикамиз, қолаверса, ундан ташқарида ҳам машҳур бўлишига қарамасдан, унинг умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, хусусан, саноат, туризм соҳалари имконият даражасида

7.7-жадвал

Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари

(2009 йил, аҳоли жон бошига)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
шаҳарлар:							
Самарқанд	4,260	0,004	5,310	3,134	1,987	2,976	4,335
Каттақўрғон	1,173	0,189	1,067	0,268	1,283	2,606	1,533
туманлар:							
Булунғур	0,226	1,872	0,161	0,915	0,641	0,875	0,634
Жомбой	0,980	1,391	1,067	0,762	0,958	0,553	0,583
Иштиҳон	0,414	1,458	0,084	0,654	0,649	0,459	0,430
Каттақўрғон	0,390	0,995	0,218	0,608	0,824	0,422	0,447
Нарпай	0,979	0,725	0,643	0,585	0,774	0,540	0,506
Нуробод	0,065	0,712	0,115	1,111	1,397	0,476	0,346
Оқдарё	0,578	1,374	0,203	0,631	1,261	0,760	0,616
Пайариқ	0,558	1,495	0,144	0,598	0,885	0,836	0,349
Пастдарғом	0,495	0,964	0,225	0,790	0,709	0,647	0,440
Пахтачи	0,727	1,291	0,291	0,838	1,166	0,845	0,506
Самарқанд	0,589	0,936	0,592	0,463	0,867	0,835	0,713
Тойлоқ	0,528	1,830	0,457	0,627	0,891	0,532	0,442
Ургут	0,355	0,898	0,352	0,661	0,596	0,752	0,456
Қўшработ	0,154	1,230	0,231	1,044	1,056	0,422	0,349

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

эмас. Ваҳоланки, у яқин ўтмишда катта саноат ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эди. Шу сабабдан ҳам мамлакатимиз минтақавий сиёсатида унга алоҳида эътибор каратиш лозим. Бу ерда тегишли хом ашё ва меҳнат ресурслари, транспорт ва бошқа инфратузилмалар бор. Асосий стратегик вазифа-ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш, уни модернизация ва диверсификация қилишдан, инвестиция муҳитини яхшилашдан (айниқса, қишлоқ туманларида) иборат бўлмоғи лозим.

Шу билан бирга, Самарқанд шаҳрининг анъанавий функцияси – "Сайқали рўйи Замин" эканлигини келажакда ҳам сақлаб колиш зарур. Бинобарин, бу шаҳар ўзининг **автобуслари** билан эмас, энг аввало, қадимий ёдгорликлари билан машҳурлигича қолиши керак.

Саккизинчи боб. **СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**

Сирдарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг майдони ва аҳоли сони бўйича энг кичик маъмурий бирликларидан саналади. У 16 февраль 1963 йилда ташкил этилган, майдони 4,28 минг кв. км ёки республика ҳудудининг бор-йўғи 0,95 фоизини ташкил этади, холос. Бу борада у мамлакатимизда охирги ўринда туради. Аҳолиси 2010 йил дастлабки маълумотларига қараганда, 713,2 минг киши. Бу Ўзбекистон жами аҳолисига нисбатан 2,5 фоиз демакдир. Аҳоли сони бўйича ҳам вилоят энг сўнгги ўринда.

Мамлакатимиз ҳудудий меҳнат тақсимотида бу минтақа аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, жумладан пахта, полиз экинлари, дон ва бошқа маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашган. Хўжалиги, умуман олганда, ҳудудий агроиндустриал мажмуасини ташкил қилади. Қолаверса, ушбу вилоятнинг ташкил этилишини асосий мақсади ҳам янги ерлар, яъни Мирзачўлни ўзлаштириш асосида пахтачиликни ривожлантириш бўлган. Бундан тахминан 100 йил муқаддам мазкур чўлнинг ўзлаштирилиши Чор Россияси томонидан бошланган ва у вактда жуда катта майдонни эгалловчи Сирдарё вилояти (бўлими) ҳам ташкил этилган.

2009 йил якунларига кўра, Сирдарё вилояти Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 1,7 фоизини беради, унинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса бундан ҳам оз - 1,1 %. Фақат қишлоқ хўжалигининг ҳудудий мужассамлашув кўрсаткичи анча юқори, яъни 3,8 фоизга тенг. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси даражасидан 0,8 фоизга юқори. Қолган асосий ижтимоий-иқтисодий индикаторлар 1,5-1,8 % атрофида, экспорт-импорт салоҳияти эса бундан ҳам паст.

Сирдарё вилояти маъмурий жиҳатдан 3 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар, 8 та қишлоқ туманлари ва 2 та туманга бўйсунувчи шаҳар, 21 та шаҳарчалардан иборат. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари 71 та бўлиб, улар жами 264 та қишлоқ аҳоли пунктларини бирлаштиради.

8.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, айрим қишлоқ туманлари вилоят ташкил топганидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Сирдарё тумани 1939 йилда, Гулистон 1952 йилда, Боёвут 1961 йилда ажратилган. Энг сўнгги туман 1988 йилда ташкил этилган (Мирзаобод).

8.1-жадвал

Сирдарё вилояти қишлоқ туманлари ҳақида баъзи бир маълумотлар

т/р	Туманлар	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони, минг кв км	Аҳолиси, минг киши (2009 й)	Аҳоли зичлиги 1 кв км киши
1	Боёвут	05.04.1961	Боёвут ш-ча	0,52	106,0	203,8
2	Гулистон	16.04.1952	Деҳқонобод ш-ча	0,35	57.9	165,4
3	Мирзаобод	02.09.1988	Наврўз ш-ча	0,64	59,0	92,2
4	Оқолтин	31.08.1971	Сардоба ш-ча	0,55	51,2	93,1
5	Сайхунобод	07.12.1970	Сайхун ш-ча	0,45	64,3	142,9
6	Сардоба	30.04.1964	Пахтаобод ш-ча	0,52	55,2	106,1
7	Сирдарё	10.02.1939	Сирдарё ш.	0,55	108.5	197,3
8	Ховос	25.08.1966	Ховос ш-ча	0,62	79,8	128,7
	Вилоят бўйича	16.02.1963	Гулистон ш.	4,28	703,4	164,3

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоят майдони кичик, унинг туманлари ҳам шунга мос ҳолда майда, ўртача ҳар бир қишлоқ туманларига 0,54 минг кв. км тўғри келади. Бироқ бу кўрсаткичлар ҳудуди бўйича деярли тенгдош Андижон вилоятига солиштирилса, улар нисбатан каттароқ туюлади.

Маълумки, Андижон вилоятининг майдони 4,30 минг кв. км бўлиб, шундай кичик ҳудудда 14 та қишлоқ туманлари бор, ҳар бир туманнинг майдони ўртача 0,31 минг кв км. Вилоятда энг катта туман билан энг кичик туман орасидаги нисбат (Мирзаобод ва Гулистон туманлари) 1,83 мартани ташкил қилади.

Иқтисодий географик ўрни ва табиий ресурслари. Сирдарё вилояти нисбатан қулай иқтисодий географик мавқега эга. Вилоят мамлакатимиз доирасида ғарб ва жануби-ғарбда Жиззах, шарқ ва шимоли-шарқда Тошкент вилояти билан чегарадош. Геосиёсий ўрни ҳам ўзига хос: Сирдарё вилояти шимолда Қозоғистон Республикасининг Жанубий Қозоғистон вилояти, жанубда Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти билан туташ. Вилоятнинг деярли кок ўртасини кесиб ўтган магистрал йўллар ("Сирдарё ўқи") ҳам унинг географик ўрнининг қулайлиги, транзит хусусиятга эгалигини кўрсатади.

Сирдарё вилояти ер усти тузилиши унча мураккаб бўлмаган ҳолда фойдали қазилмаларга ҳам бой эмас. Фақатгина қурилиш

материалларида ишлатиладиган ғишт ишлаб чиқариш учун хом ашёни ҳисобга олмаганда, деярли бошқа бойликлари йўқ. Ҳудуднинг аксарият қисми текисликлардан иборат бўлиб, Жиззах вилоятидан фарқ қилган ҳолда, у суғорма деҳқончилик қилишга яхши шароит яратади. Аммо умумий ер фонди нафақат иқтисодий районда, балки республикада ҳам нисбатан кичик ҳисобланади.

Вилоятда вегетация даври узун бўлиб, у 210-228 кунга етади. Иқлимининг иссиқлиги, вегетация муддатининг узоқлиги иссиқсевар экинлар етиштириш учун қулай. Асосий сув ресурсларига Сирдарё киради ва у ҳудуд ерларини суғоришга хизмат қилади. Республикамиздаги газ билан ишлайдиган энг йирик, қуввати 3000 кВт бўлган Сирдарё ИЭС вилоятнинг Ширин шаҳрида қурилган. Сирдарё вилоятидаги ўзига хос табиий-иқтисодий, географик омилларнинг мавжудлиги хўжаликнинг суғорма деҳқончилик ва шу асосда баъзи тармоқларнинг ривожланишига олиб келган.

Шундай қилиб, вилоятнинг табиий шароити, хусусан минерал ресурс салоҳиятининг заифлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатади. Минтақа ер усти тузилиши ҳам ижобий, ҳам бироз салбий аҳамиятга эга. Унинг баландлиги денгиз сатҳидан 310-320 метрдан ошмайди. Бундай текислик уй-жой қурилиши, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳоли жойлашуви учун қулай. Аммо қишлоқ хўжалиги, хусусан суғорма деҳқончилик нуқтаи назаридан ер бироз нишаб бўлгани ҳам маъқул. Сабаби бундай шароитда сув тўпланиб, ер захланиб қолмайди.

Қишлоқ туманларининг жойланиши, ташки қиёфаси (конфигурацияси) ҳам хўжаликни ҳудудий ташкил этиш ва бошқаришда бироз қийинчиликлар туғдиради. Масалан, Мирзаобод туманининг бир қисми унинг асосий қисмидан ажралган ҳолда Мирзаобод ва Оқолтин туманларининг ўртасида жойлашган; Сирдарё тумани меридианал (тик) ҳолда чўзилган бўлса, Ховос горизантал кўринишга эга. Фақат Сайхунобод тумани бироз ихчам (компакт) ҳудудий кўринишга эга, холос.

Вилоятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига маъмурий-ҳудудий тузилманинг ўзгарувчанлиги ҳам салбий таъсир кўрсатади. Вилоятларнинг қўшилиб яна қайта тикланиши, қишлоқ туманлари чегараларнинг ўзгариб туриши каби "географик ўйинлар" ҳудудларни бошқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш, қолаверса, ретроспектив илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳам кийинчиликларга олиб келади.

Вилоят аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Юқорида таъкидланганидек, минтақанинг демографик кўлами унча катта эмас. Бироқ бу ерда аҳоли зичлиги анча юқори, яъни анъанавий чўл худудларига хос эмас. Бу кўрсаткич ўртача 164 кишига тенг бўлган, у Боёвут туманида 200 кишидан ортиқ; ўртачадан юқори даража Сирдарё туманида ҳам кузатилади (8.1-жадвал).

Вилоят аҳолисининг ўсиши республиканинг баъзи турдош ҳудудларига қараганда бирмунча сустроқ. Масалан, у 2008-2010 йилларда 17,2 минг кишига ёки ўртача бир йилда 8,6 минг кишидан кўпайиб борган. Бу ўртача йиллик кўпайиш 1,20 фоиз демакдир. Ваҳоланки, мамлакатимиз аҳолиси сўнгги йилларда 1,70 фоиз атрофида ортиб бормоқда. Узоқроқ тарихий демографик давр олинса ҳам ўсиш суръатлари жуда катта эмас. Чунончи. 1989-2010 йиллар мобайнида Сирдарё вилояти аҳолиси 125,3 фоизга ошган. холос (1989 йилда бу ерда жами 569 минг киши яшаган).

Минтақа аҳолисининг бундай ўсиши унинг табиий ва механик ҳаракатига боғлиқ бўлган. Аҳоли табиий ва механик ҳаракати 8.2-жадвалда келтирилган.

Унга кўра, вилоятда туғилиш коэффициентининг тобора камайишини кўриш мумкин. Жумладан, у 2008 йилда 24,3 промиллега тенг бўлган, бир йилдан кейин эса 22,8 ни ташкил килган (2000 йилда туғилиш 22,1, ўлим 5,5 промилле бўлган). Бу, албатта, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм каби вилоятлар кўрсаткичидан пастроқдир.

Вилоят ичида туғилишнинг умумий коэффициенти Гулистон туманидаги 25,5 промилледан Сардоба туманидаги 19,7 гача фарқ қилади. 2008 йилда ҳам бундай ҳудудий тафовутлар унча катта бўлмаган: Ховос туманида 26,0, Оқолтинда 21,3 ‰. Қизиғи шундаки, шаҳар жойларда, масалан Ширин ва Янгиерда бу кўрсаткич қишлоқ жойларга қараганда юқорироқ - 27,6 ‰.

Ўлим кўрсаткичи анча паст; 2009 йилда у вилоят бўйича 4,8 промилле бўлган ҳолда, туманлар доирасида 3,8 дан (Мирзаобод) 6,5 промиллегача (Сирдарё туманида) ўзгаради. Энг юқори кўрсаткич эса Янгиер шаҳрида қайд этилади. Эҳтимол, бунга шаҳарнинг нозогеографик вазияти ҳам таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Аҳолининг табиий кўпайиши туғилиш даражасидаги ҳудудий хусусиятларга эга. Бир йилда у 18,0 промилле, фоизда олинса - 1,8 %. Ваҳоланки, вилоят аҳолисининг реал кўпайиш суръати 1,0 фоиздан ортиқроқ, холос. Демак, бундай демографик вазият

8.2-жадвал

Сирдарё вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати

(1000 кишига нисбатан)

т/р	Ҳудудлар	Аҳоли табиий ҳаракати			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	Вилоят бўйича	22,8 24,3	4,8 5,0	18,0 19,3	7,9 8,5	12,2 12,9	-4,3 -4,4
	Гулистон ш.	21,6 19,9	5,3 5,7	16,3 14,2	10,3 12,2	13,2 18,5	-2,9 -6,3
	Ширин ш.	24,9 27,6	5,3 5,1	19,6 22,5	12,0 17,8	22,6 22,0	-10,6 -4,2
	Янгиер ш.	23,3 27,5	6,9 7,3	16,4 20,2	19,3 20,1	18,3 21,0	1,0 -0,9
	туманлар:						
1	Боёвут	21,7 23,4	4,6 4,6	17,1 18,8	6,9 6,7	8,8 8,4	-1,9 -1,7
2	Гулистон	25,5 24,8	4,6 5,7	20,9 19,1	8,0 7,2	8,7 9,2	-0,7 -2,0
3	Мирзаобод	24,5 25,3	3,8 3,8	20,7 21,5	6,1 6,3	9,1 11,3	-3,0 -5,0
4	Оқолтин	21,3 23,3	3,3 3,5	17,0 19,8	10,3 9,5	18,0 14,9	-7,7 -5,4
5	Сайхунобод	25,1 25,5	3,9 4,5	21,2 21,0	5,0 4,2	13,4 11,5	-8,4 -7,3
6	Сардоба	19,7 24,3	3,6 4,1	16,1 20,2	7,0 7,4	15,4 11,9	-8,4 -4,5
7	Сирдарё	22,6 24,4	6,5 6,5	16,1 17,9	7,0 9,0	13,0 14,1	-6,0 -5,1
8	Ховос	22,9 26,0	4,5 4,6	17,4 21,4	5,1 6,4	7,6 10,8	-2,5 -4,4

Изоҳ: каср суратида 2009 йил, махражида 2008 йил маълумотлари келтирилган.

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

аҳолининг ташқи миграцияси туфайли вужудга келган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Сирдарё вилояти аҳолиси асосан миграция таъсирида шаклланган республикамиздаги ягона минтака ҳисобланади. Ўтган асрнинг дастлабки йилларида бу ерга рус фуқаролари (батраклари) кўчиб келган. Ўша пайтда русча номли аҳоли манзилгоҳлари вужудга келган (Крестянское, Славянский, Дмитровское ва ҳ. к).

XX асрнинг 60-йилларида Мирзачўл даштини комплекс ўзлаштириш дастури амалга оширилиши бошланган. Айнан шу мақсадда алоҳида вилоят ҳам ташкил этилган ва унга пойтахт сифатида дсярли "бўш" жойда Янгиер (исми жисмига монанд) шаҳри барпо этилган. Унинг қурилиши архитектор А. Зотов лойиҳаси бўйича 1956 йилда бошланган. Бирок у кўзланган мақсадига эриша олмади, бунга оддий географик омил, яъни Ховос ёки Урсатьевск шамоллари сабаб бўлди. Натижада, Сирдарё вилояти маъмурий маркази сифатида Гулистон (аввалги Мирзачўл) шаҳри олинди.

Мирзачўлни ўзлаштириш учун республиканинг бошқа вилоятларидан, асосан аҳолиси зич жойлашган ҳудудлардан аҳоли (дастлаб мажбурий, сўнг ихтиёрий равишда) кўчиб келган. Бу ерга кўпрок Андижон, Фарғона вилоятларидан деҳқонлар (аввал ўзлари, "вахта" кўринишида, кейинги йилларда оилалари билан бутунлай) кўчиб келишган. Чўлни ўзлаштириш жараёнининг кейинги босқичларида Самарқанд вилоятидан ҳам миграция бўлган. Улар кўпроқ чўлнинг ҳозирги кўшни Жиззах вилояти туманларига жойлашган (Пахтакор, Арнасой туманлари ва х. к).

Энг сўнгги йилларда ҳам Сирдарё вилояти аҳолиси анча "серқатнов", яъни миграцион ҳаракатчан; 2008-2009 йилларда вилоятга, ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда. 8,0-8,5 киши келган, 12-13 киши ундан кетган, миграция қолдиғи минус 4,0-5,0 промилле бўлган. Демак, аҳолининг умумий табиий кўпайиши 1,8 фоиздан, 0,5 фоиз олинса, демографик ўсишнинг реал ҳолатига яқин миқдорда эга бўлиш мумкин. Келиш интенсивлиги, айниқса, Янгиер шаҳрида юқори (12-19 ‰); Ширин шаҳрида ҳам бу кўрсаткич анча катта. Унинг паст даражаси эса Сайхунобод ва Ховос туманларида қайд этилади.

Вилоятдан охирги йилларда ҳар минг кишидан 12-13 киши ўз яшаш манзилгоҳини ўзгартирган. Бу борада ҳам Янгиер ва Ширин шаҳарлари кескин ажралиб туради. Бинобарин, айтиш мумкинки, мазкур шаҳарларда миграция жараёни анча интенсив хусусиятга эга бўлиб, уларнинг аҳолиси ўзининг кўпимсизлиги билан бошқа жойлардан фарқ қилади. Шунингдек, Оқолтин, Сардоба туманларида ҳам аҳолининг кўчиб келишига нисбатан кўчиб кетиши кўпроқ. Натижада уларда миграция қолдиғининг юқори кўрсаткичлари кўзга ташланади: минус 7,0-8,5 промилле (8.2-жадвал).

Вилоятда 2009 йилгача 5 та шаҳар (уларнинг 3 таси вилоятга бўйсунувчи мақомига эга) ва шунча шаҳарча мавжуд бўлган.

Уларда жами аҳолининг 31,1 фоизи истиқомат қилган. Урбанизация жараёнининг бундай демографик кўрсаткичи республика ўртача даражасидан (35,8 %) анча паст бўлган. 2009 йилга келиб эса вазият бутун мамлакатимизда юз берган "қишлоқ" ёки "маъмурий урбанизация" туфайли шаҳарчалар сони 16 тага кўпайган, урбанизация даражаси эса 41,3 фоизга етган.

Вилоятда 72,2 минг қишлоқ аҳолиси "шаҳарлик" бўлди. Бу хусусда Оқолтин тумани олдинда (25,3 минг киши), Сирдарё ва Сайхунобод туманлари ҳам "янги" шаҳарликлар бўйича бирмунча кўпроқ: 12,5 ва 10,9 минг кишидан. Айни пайтда Ховос, Сардоба туманларида бирорта қишлоқ аҳоли пункти бундай мақомга сазовор бўлмаган. Таъкидлаш ўринлики, янги агрошаҳарлар сони Сирдарё вилоятида унча кўп эмас; бу борада у Қорақалпоғистон Республикаси билан биргаликда (11 та) мамлакатимизда охирги ўринларни бўлиб олишган. Эътиборлиси шундаки, ҳатто 2000 киши аҳоли сонига эга бўлмаган қишлоқларга ҳам бу вилоятларда шаҳарча унвони берилган (8.3-жадвал).

8.3-жадвал

Сирдарё вилоятида ташкил этилган янги шаҳарчалар рўйхати

т/р	Номи	Тумани	Аҳолиси, киши
1	Марказ	Боёвут	4111
2	Боёвут-разъезд	Боёвут	2430
3	Дўстлик	Боёвут	2809
4	А. Турдиев	Гулистон	4000
5	Бешбулоқ	Гулистон	2514
6	Улуғбек	Гулистон	1942
7	Наврўз	Мирзаобод	1891
8	Оқолтин	Мирзаобод	3289
9	Сардоба	Оқолтин	14976
10	Фарғона	Оқолтин	10338
11	Гулистон	Сайхунобод	8065
12	Шўрўзак	Сайхунобод	2812
13	Қуёш	Сирдарё	3342
14	Малик	Сирдарё	3737
15	Охунбобоев	Сирдарё	2280
16	Ж. Маманов	Сирдарё	3122

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Сирдарё вилоятида ҳозирги кунда 268 та қишлоқ аҳоли пункти мавжуд - бу республикамизда энг паст рақам ҳисобланади. Ҳар бир қишлоққа ўртача 1540 киши аҳоли тўғри келади. Кўриниб турибдики, вилоят қишлоқ жойлар географияси ва демографияси кўпроқ ўртача катталикдаги аҳоли манзилгоҳлари борлиги билан тавсифланади (республикада бу кўрсаткич 1224 киши).

Вилоят қишлоқлари унча катта бўлмасада, уларнинг ташқи кўриниши, архитектура ва ободончилиги, ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлиги мамлакатимизнинг қадимги ўзлаштирилган минтақаларидан ўзларининг ижобий хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади. Чунки улар аввалбошданоқ махсус режа, шаҳарсозлик қоидаларига риоя қилинган ҳолда қурилган.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан суст ривожланганлиги унинг урбанистик таркибида ҳам ўз аксини топади. Вилоятда бирорта катта, яъни "юзминглик" шаҳар йўқ ва бу борада у республикамиз геосиёсий тизимида ягона ҳисобланади. Ҳатто вилоят маркази ҳам бу даражага етиша олмаган. Гулистон шаҳрида 57 минг, Янгиерда 32 минг, Ховос шаҳарчасида 27 минг аҳоли бор. Қолган шаҳар жойларнинг ҳар бирида 20 мингдан оз аҳоли яшайди. Демак, вилоятнинг урбанистик "пирамидаси" жуда суст ривожланган ва унинг поғоналари тўлиқ эмас. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва аҳолини худудий ташкил этишнинг, уларнинг ҳудудий мужассамлашув даражасининг ўзига хослигидан далолат беради; аҳоли нисбатан зич жойлашган, қишлоқ ва шаҳарлари эса унча катта эмас. Эътироф этиш зарурки, вилоят аҳолиси ўз моҳиятига кўра бошқа ҳудуд аҳолисига қараганда ўзининг юқори даражада тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Сабаби у миграция оқибатида шаклланган, миграция эса селектив, яъни "танловчанлик" хусусиятга эга.

Вилоят аҳолисининг сермиллатлиги ҳам қисман шу демографик омилларга боғлиқ. Бу ерда ўзбеклардан ташқари, қозоқ, тожик, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Ўзбеклар жами аҳолининг 75,4 фоизини, тожиклар 9,1, қозоқлар 2,4, қирғизлар 2.1 фоизини ташкил қилади (2008 йил).

Вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 2009 йилда 400 минг атрофида, иқтисодиётда банд бўлганлар 311,7 минг киши (2001 йилда 246 минг). Уларнинг 64,5 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳаларида хизмат қилишади, шу жумладан, саноатда 10,5 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 30,8 %, транспорт ва алоқада 2,5 %,

курилишда 9,7 %, савдо ва умумий овқатланишда 8,1 %. Номоддий соҳалар ичида бу борада таълим, маданият, санъат ва фан (14, 5), соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот (8,5 %) ҳамда уй хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш (3,3%) бирмунча кўзга кўринарли кўрсаткичларга эга.

Бир йилда 28-30 минг атрофида янги иш ўринлари яратилади. Уларнинг катта қисми қишлоқ жойларга тўғри келади. Кичик бизнес ва тадбиркорликда 21,4 минг янги иш ўринлари ташкил этилган.

Минтақа хўжалиги ва унинг таркиби. Сирдарё вилоятида ишлаб чиқариш кучлари, бошқа ҳудудлардан фарқ қилган ҳолда, асосан бир аср доирасида шакллана бошлаган. Ҳозирги вақтда у кўпроқ қишлоқ хўжалигига ихтисослашган район ҳисобланади. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 41,2 фоизини қишлоқ хўжалиги беради. Агроиқтисодиётнинг бундай катта улуши бўйича Сирдарё Сурхондарё вилоятидан кейинги (42,5 %) иккинчи ўринда туради. Саноат ЯҲМнинг 9,6, курилиш 5,7 фоизини таъминлайди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳиссаси Жиззах, Сурхондарё, Хоразм ва Наманган вилоятларидан юқори, қурилиш ҳам худди шундай ўртача мавқега эга. Транспорт ва алоқанинг зиммасига 7,3 %, савдо ва умумий овқатланишга 6,1, солиқларга 6,6 фоиз ЯҲМ ҳажми мос келади.

Бошқа вилоятлар қаторида бу ерда ҳам кичик бизнес ривожланиб бормоқда. У 2009 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 74,5 фоизини таъминлаган. Бундай юқори кўрсаткич республиканинг бирорта бошқа вилоятларида кузатилмайди (энг пасти Навоийда - 30,3 %, юқориси эса Жиззах вилоятида - 73,5 %).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик минтақа иқтисодиётининг турли тармоқларида ҳар хил ривожланган. Жумладан, у саноат маҳсулотининг 31,4 %, қишлоқ хўжалигининг 98,9 фоизини беради. Курилишда КБ нинг улуши анча катта - 79,4 %; иқтисодиётда банд бўлганлар таркибида ҳам унинг ҳиссаси тахминан шунча, чакана савдода эса пастроқ - 35,8 %. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (улар таркибига кичик корхоналар ва микрофирмалар киради) ҳудуд экспортининг 3-4 фоизини беради. Ушбу сектор субъектларининг умумий сони 4587, шундан кичик корхоналар 377 ва микрофирмалар 4210 тани ташкил килади.

Вилоят ҳудудлари доирасида ҳам КБ анча тафовутларга эга. Масалан, Янгиер ва Ширин шаҳарлари, Мирзаобод туманида 82-99 % саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Энг паст кўрсаткичлар

Сайхунобод, Гулистон ва Сардоба туманларида кузатилади. Қишлоқ хўжалигида кичик бизнеснинг мавқеи айниқса. Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё ва Ховос туманларида баланд - 100 %. Қурилиш ишларида бу кўрсаткичлар Боёвут ва Мирзаобод туманлари ҳамда Янгиер шаҳрида 100 %, унинг нисбатан паст даражаси Ширин шаҳри ва Сидарё туманида қайд этилади.

Маълумки, иқтисодиёт тармокларини ривожлантиришда инвестиция катта аҳамиятга эга. 2009 йилда Сирдарё вилоятига республика жами инвестиция ҳажмининг 1,7 фоизи киритилган. Бу эса ҳудудда қурилиш ишларини амалга оширишга хизмат қилган. Минтақада кўрилаётган йилда олиб борилган қурилиш ишларининг ҳажми мамлакат умумий кўрсаткичларига нисбатан 1,2 фоизини ташкил қилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқоридаги ҳар икки кўрсаткич ҳам республикада энг паст миқдорлардир. Саноат бўйича вилоят Хоразм билан бир даражага эга бўлса, қурилиш ишларида энг охирги ўринда туради.

Саноати. Юқорида таъкидланганидек, Сирдарё вилоятида саноат унча ривожланмаган, унинг тармоклар ва ҳудудий таркиби ҳам мукаммал кўринишга эга эмас. Вилоятда жами 579, шу жумладан, 22 та фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари мавжуд бўлиб, уларда 2009 йилда 6,9 минг киши банд бўлган. Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлар таркиби қуйидагича: ёқилғи - электр энергетика 1,1 %, машинасозлик ва метални қайта ишлаш 1,0%, қурилиш материаллари саноати 1,6%, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш 1,4 % ва ҳ. к. Макроиқтисодиётнинг етакчи тармоғи - енгил саноат (асосан пахта тозалаш заводлари) жами саноат маҳсулоти ҳажмининг 57,3 фоизини таъминлайди, озиқ-овқат саноати 25,4 % ва ун-крупа, омухта ем 9,3 фоизини беради. "Бошқа тармоқлар" орасида фармацевтика соҳасининг улуши кўпроқ - 2,3 %.

Саноат маҳсулот турлари ҳам унча бой эмас; вилоят саноати асосан минтақанинг ихтисосланган тармоғи - қишлоқ хўжалиги, аниқроғи пахтачилик билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, қурилиш материаллари ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш (Янгиер), пахта тозалаш (қишлоқ туманлари марказларида), ёғ ишлаб чиқариш (Гулистон шаҳри) кабилар айнан шу етакчи тармоқ билан биргаликда алоҳида ишлаб чиқариш мажмуасини шакллантиради.

Муҳим саноат маҳсулоти турларидан 3,0 минг метр куб миқдорида йиғма темир бетон конструкциялар ва тайёр буюмлар, 2,7

минг куб метр бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Шунингдек, 2009 йилда 78 минг тоннага яқин пахта толаси, 534 минг кв. метр хажмда нотўқима материаллар, 3561 млн. сўмлик ҳар хил дори-дармонлар тайёрланган.

Халқ истеъмол молларининг ¾ қисми озиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келади, енгил саноат улуши 11,5 %. Аҳоли жон бошига 186,9 минг сўмлик ХИМ ишлаб чиқарилади. Асосий истеъмол товарларидан 32,8 минг тонна омухта ем, 630 дона трикотаж маҳсулотлари тайёрланади; ўртача бир йилда 11-17 минг тонна тозаланган ўсимлик ёғи (унинг миқдори пахта ҳосилига қараб ўзгариб туради), 3,4 минг шартли банка атрофида мева-сабзавот консервалари, 4,8 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 14,5 минг тонна сут етиштирилади. Ун ишлаб чиқариш 35-40 минг тонна оралиғида, балиқ маҳсулотлари - 290 тоннага яқин.

Саноат географиясида Гулистоннинг ҳиссаси 12,7 %, Янгиер шаҳриники - 3,5 %. Қишлоқ туманлари орасида бу иктисодиёт тармоғи айниқса, Сирдарё туманида яхши ривож топган - 23,9%. Шу билан бирга, Сайхунобод, Оқолтин, Гулистон, Боёвут туманларининг улушлари ҳам кўзга ташланади. Нисбатан паст кўрсаткичлар эса Ховос ва, айниқса Мирзаобод туманида кузатилади.

Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда ҳам ҳудудий тафовутлар деярли шундай; уларнинг 29,4 фоизи Сирдарё тумани, 24,9 фоизини Гулистон шаҳри беради. Шунингдек, Сайхунобод туманининг мавкеи ҳам бирмунча юқорирок (8.5-жадвал).

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2009 йилда ҳар бир кишига 439,3 минг сўмлик саноат, шу жумладан 186,9 минг сўмлик ХИМ ишлаб чиқарилган. Саноат бўйича Околтин (732,8 минг сўм), Сирдарё (685,3 минг сўм) хамда Сайхунобод туманлари ва Гулистон шаҳри олдинда турса, ХИМ бўйича биринчи ўринда Гулистон шаҳри (429,3 минг сўм), иккинчи ўринни Сирдарё тумани (358,5 минг сўм) эгаллайди. Айни вақтда нисбатан паст кўрсаткичлар саноатда Мирзаобод ва Ховос туманларида, ХИМ - Боёвут, Мирзаобод ва Сардоба туманларида кайд этилади.

Вилоят саноатининг ҳудудий ташкил қилинишида Гулистон шаҳрини саноат маркази сифатида ажратиш мумкин. Шунингдек, Янгиер шаҳри ҳам худди шундай макомга эга. Бу икки шаҳарларда вилоятнинг йирик саноат корхоналари: ёғ-мой ва қурилиш материаллари корхоналари жойлашган. Бирмунча кичик саноат

марказлари каторида Ширин, Сирдарё ва Бахт шахарлари туради. Ширинда республикамизнинг энг йирик электр станцияси (ИЭС) фаолият кўрсатмоқда. Юкоридагилардан ташкари, Сирдарё шаҳридаги сут заводи ва курилиш материаллари корхоналари, тиббиёт соҳалари учун момик-пахта, дока, бинт, дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам қайд этиш жоиз.

Умуман олганда, Сирдарё вилоятида гарчи саноат ишлаб чиқариши яхши ривожланмаган бўлсада, бу ерда ушбу тармоқнинг жуда катта корхоналари барпо этилган. Бу эса бозор иқтисодиёти ва минтақалар иқтисодий мустакиллиги шароитида бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Масалан, Гулистон шаҳрида ўтган асрнинг 70-йилларида курилган ёғ-мой комбинатининг лойиҳа қуввати 1 суткада 1200 тонна пахта чигитини қайта ишлашга мўлжалланган, бундай хом ашё эса бугунги кунда вилоятнинг ўзида мавжуд эмас. Худди шундай, бир вақтлар пахта хом ашёсини қайта ишлаш учун бошқа вилоятларга, ҳатто Фарғона водийси пахта тозалаш заводларига жўнатилар эди, энди эса вилоятнинг ўзида ишга туширилган пахта тозалаш заводларига етиштирилган пахта озлик килади. Шунингдек, минтақада курилган йирик саноат корхоналарининг, жумладан Сирдарё ИЭС нинг атроф-муҳитга экологик таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги. Сирдарё вилояти республикамизнинг асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ва шу мақсадда ташкил этилган маъмурий ҳудуди ҳисобланади. Бироқ ҳозирги вақтда, хусусан собиқ Иттифоқ парчаланиши ва "Умумиттифоқ меҳнат тақсимоти"нинг барҳам топиши билан вилоят иқтисодиётида жиддий муаммолар юзага келди. Бундай шароитда, энг аввало, минтақа иқтисодиётини диверсификациялаш, пахта якка ҳокимлигини йўқотиш, ишлаб чиқаришнинг "юқори" технологик поғоналарини ташкил қилишдек жиддий муаммолар пайдо бўлди. Мустақиллик йилларида бу ва шунга ўхшаш масалалари босқичма-босқич ҳал этиб борилмоқда.

Маълумки, вилоят катта ер майдонига эга эмас; унинг жами майдони 418,4 минг гектар бўлиб, шундан 291,5 минг гектари ёки 69,7 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Бу республикамизнинг қатор ҳудудларига қараганда анча юқори кўрсаткич ҳисобланади (8.4 - жадвал).

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 92,8 фоизини суғориладиган ерлар ташкил қилади. Бу ҳам Хоразм, Андижон вилоятларига

8.4-жадвал

Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби (2008й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Боёвут	52,3	37,2	33,1	86,2	2.6	0,09	11,1
Гулистон	34,9	24,5	22,9	88,2	3,5	1,9	6,4
Мирзаобод	63,6	43,0	35,5	73,0	0,9	8,5	17,5
Оқолтин	55,1	42,9	42,7	96,0	1,0	2,4	0,6
Сайхунобод	45,1	30,6	29,1	93,1	1,3	0.8	4,8
Сардоба	51,8	39,1	37,1	90,2	1,7	3.1	5,0
Сирдарё	53,6	31,3	29,3	87,9	4,6	1,0	6,6
Ховос	61,9	42,8	41.1	85,1	2,1	9,0	3,8
Вилоят бўйича	**418,4**	**291,5**	**270,9**	**87,1**	**2,1**	**3.7**	**7,1**

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана" - Ташкент, 2008.

ўхшаш нихоятда юкори кўрсаткичдир. Демак, Сирдарёда ер-ресурс салохиятидан интенсив фойдаланиш коэффициенти анча катта.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ҳиссаси Оқолтин, Гулистон, Сардоба туманларида нисбатан юкори, суғориладиган майдонлар эса Оқолтин, Ховос, Сайхунобод каби туманларда 95-100 фоизни ташкил қилади. Айнан ерларни суғориш мақсадида вилоятда катор ирригация инфратузилма шахобчалари, жумладан магистрал канал ва ариқлар қазилган (Сарикисов номли Жанубий Мирзачўл, Дўстлик каналлари ва уларнинг марказий ҳамда чап, ўнг ирмоқлари, Жиззах машина канали, 1 ва 2 машина каналари).

Шунингдек, бошқа янги ерлар ўзлаштирилган минтақаларга хос бўлган қатор коллектор ва дренажлар, ташламалар ҳам қурилган. Масалан, Марказий, 1 ва 2 Сардоба, Боёвут, Шўрўзак ва бошқа коллекторлар, Шаркий ташламаси ва ҳ. к.

Канал, коллектор ва ташламалар вилоят ирригация ва мелиорация географиясининг ўзагини ташкил қилади. Каналлар вилоятнинг жанубида кўпрок бўлса, коллекторлар унинг қуйи ва марказий қисмларида зичроқ жойлашган.

Экин экиладиган ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдонларнинг ўртача 87,1 фоизини эгаллайди. Бу кўрсаткич айниқса, Оқолтин ва Сайхунобод туманларида юқори, унинг бирмунча пастроқ ҳолати эса Ховос туманига тегишли. Кўпгина минтақалардан фарқ қилиб, бу ерда яйлов ва пичанзорлар майдони унча катта ҳудудни эгалламайди -ўртача 7,1 %. Унинг нисбатан кўпроқ улуши Мирзаобод ва Боёвут туманларида кузатилади.

Вилоят қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 62,5 фоизини деҳқончилик ташкил қилади. Фермер хўжаликларининг агроиқтисодиёт тизимидаги улуши 36,7 %. 2009 йилда вилоятда жами 227,0 минг гектар ерга турли хил экинлар экилган (2000 йилда 260 минг га). Донли экинлар 105,5 минг гектарни эгаллаган (2000 йилда 217 минг га).

Шу йилда жами 417 минг тонна буғдой олинган; унинг ҳосилдорлиги 39,3 ц га бўлган. Донли экинлардан вилоятда қисман шоли ҳам экилади. Кўрилаётган йилда ушбу экин турига 7,7 минг га ер ажратилган бўлиб, ундан 30,6 минг т ҳосил олинган (ҳосилдорлик ўртача 39,8 ц/га). Пахта ҳар йили тахминан 110-115 минг гектар майдонда етиштирилади, ялпи ҳосил 240-250 минг тонна атрофида. Қайд этиш лозимки, пахтанинг ҳосилдорлиги юқори эмас - атиги 21,9 ц/га, ваҳоланки, мавжуд маълумотларга қараганда, сарф этилган ҳаражатларни қоплаш учун бу кўрсаткич камида 18 ц/га бўлиши талаб этилади. Демак, вилоят пахтачилигининг иқтисодий самарадорлиги унча катта эмас. Яна шуни таъкидлаш керакки, вилоятда пахта экин майдонлари йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Бу ижобий ҳол бўлиб, пахтадан бўшаган ерларга ғалла, полиз, сабзавотлар экилади. Агар 2000 йилда пахтазорлар барча экин майдонларининг 53,1 фоизини эгаллаган бўлса, 2009 йилда бу рақам 48,5 фоизга тушган.

Маълумки, Сирдарёда азалдан полизчилик, хусусан қовун, тарвуз етиштириш ("Мирзачўл қовунлари") яхши ривожланган. 2009 йилда полиз майдонлари 6,0 минг гектарга экилган ва 187,9 минг т ҳосил олинган. Бу ерда сабзавотчилик ҳам ривожланиб бормоқда; майдони 4,9 минг га, ялпи ҳосили – 154,6 минг тонна. Айни вақтда боғдорчилик ва узумчилик Сирдарёда нисбатан сустроқ ташкил этилган. Боғдорчиликка 4.9 минг га, узумзорларга 1,5 минг га ер ажратилган.

Йирик шохли қорамоллар сони 265,5 минг, қўй ва эчкилар 178,6 минг бош. Бир йилда тирик вазнда 37,5 минг тонна гўшт,

8.5-жадвал

Сирдарё вилояти иқтисодий ва ижтимоий соҳаларининг асосий кўрсаткичлари

(2009 йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100	100	100	100
шаҳарлар:									
Гулистон ш.	12,7	24,9	1,9	26,3	26,8	34,9	60,8	5,4	41,4
Ширин ш.	0,6	1,3	0,5	6,6	6,1	2,9	1,3	-	3,9
Янгиер ш.	3,5	4,4	0,2	13,8	4,4	9,0	5,2	1,5	2,1
туманлар:									
Боёвут	10,7	6,0	15,6	5,0	9,7	6,4	4,5	14,6	1,0
Гулистон	10,3	3,9	9,4	5,5	7,7	4,8	2,5	11,5	3,0
Мирзаобод	1,6	3,4	7,5	3,4	7,1	6,9	2,7	-	0,6
Оқолтин	12,1	4,3	13,3	8,6	3,3	4,4	2,2	18,6	1,9
Сайхунобод	13,4	10,9	12,6	9,2	5,5	3,3	2,8	15,5	0,1
Сардоба	7,6	3,5	13,8	5,3	3,3	4,2	2,2	11,4	0,6
Сирдарё	23,9	29,4	14,1	12,8	18,0	17,8	12,1	21,5	42,0
Ховос	3,6	8,1	11,1	3,5	8,0	5,4	3,7	-	2,5

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

182,5 минг т сут, 49,2 млн дона тухум, 373,0 тонна жун олинади. Чорвачилик соҳаларида маҳсулотнинг кўпчилик қисмини деҳкон хўжаликлари беради.

Қишлоқ хўжалик географиясида энг катта кўрсаткичларга Боёвут (жами маҳсулотнинг 15,6 %), Сирдарё (14,1 %), Сардоба (13,8 %) ва Оқолтин (13,3 %) туманлари эга. Бирмунча пастроқ улуш Мирзаобод ва Гулистон туманларига тўғри келади (8.5-жадвал).

Юқорида таъкидланганидек, Сирдарё вилоятида фермерчилик баъзи минтақаларга қараганда яхши ривожланган. Бунга ер майдонларининг аҳоли сонига нисбатан катталиги, тадбиркорликнинг кенг тарқалганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Табиийки, катта ер майдонларида механизациядан фойдаланиш имкониятлари ҳам катта. Бу ерда Фарғона водийсидан фарқ қилиб, экин майдонлари катта ва аҳоли манзилгоҳлари билан бўлинмаган. Бепоён пахтазорларни айнан шу ҳудудда кўриш мумкин.

Вилоятда 2009 йилда жами 4250 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлган ва уларга 275,6 минг га ер бириктирилган; ўртача ҳар бир фермер хўжаликларининг майдони 64,8 га, ишлайдиган ходимлар сони - 18,1 киши. Кўриниб турибдики, фермер хўжаликлари анча катта ер майдонларига эга (республикамизнинг баъзи минтақаларида у атиги 25-30 гектарга баробар). Айниқса, Ховос туманининг фермер хўжаликлари кенг майдонларни эгаллайди; 511 та фермер

8.6-жадвал

Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари ҳақида маълумотлар

(2009 й.)

т/р	Ҳудудлар	Фермер хўжаликлар сони	Бир фермерга тўғри келадиган ер майдони, га	Бир фермерга тўғри келадиган ходимлар сони, киши
1	Боёвут	682	52,7	18,2
2	Гулистон	515	40,3	15,7
3	Мирзаобод	420	71,0	15,5
4	Оқолтин	590	73,6	16,8
5	Сайхунобод	552	52,7	20,8
6	Сардоба	372	86,1	23,2
7	Сирдарё	599	47,0	18,4
8	Ховос	511	110,0	17,3
	Вилоят бўйича	4250	64,8	18,1

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

хўжаликларининг ҳар бирига ўртача 110,0 гектардан ер тўғри келади - бу республикада энг юқори кўрсаткичлардан саналади.

Шунингдек, Сардоба туманида ҳам бу кўрсаткич бирмунча юқори - 86,1 га, Гулистон ва Сирдарё туманларида эса у пастроқ (8.6-жадвал).

Шундай қилиб, Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги катта аҳамиятга эга. Бироқ иқтисодиётнинг бу тармоғида муаммолар ҳам оз эмас. Чунончи, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, канал, дренаж ва коллекторларни тозалаш, ерларнинг иккиламчи шўрланишига қарши кураш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, агросаноат мажмуасини ривожлантириш кабилар минтақанинг долзарб вазифаларидир.

Ижтимоий соҳалар. Чўл шароитида ижтимоий инфратузилма тизимини мукаммал яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланиши айниқса муҳимдир. Сабаби бу ҳудудда яшовчилар қачондир бошқа туман ва вилоятлардан кўчиб келган бинобарин, уларнинг муқим яшаши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш катта аҳамиятга эга.

2009 йилда Сирдарё вилоятида ҳар бир кишига 406,3 минг сўм ҳажмида чакана савдо айланмаси бажарилган. Албатта, вилоят маркази - Гулистон шаҳри айни вақтда асосий савдо маркази ҳисобланади. Янгиер ва Ширин шаҳарларида ҳам бу соҳа ривожланган (803,6 ва 501,9 минг сўмдан). Қишлоқ туманлари миқёсида савдо-сотиқ ишлари Мирзаобод туманида бирмунча яхши йўлга қўйилган. Энг паст кўрсаткичлар эса Оқолтин туманида - атиги 24,9 минг сўмдан. Чакана савдо айланмасининг салмоги бўйича Гулистон (вилоят жамига нисбатан 34,9 %), Сирдарё тумани (17,8 %) етакчи. Шу билан бирга Янгиер шаҳри ҳамда Боёвут ва Мирзаобод туманларининг улуши ҳам каттароқ.

Пуллик хизматлар аҳоли жон бошига 134,1 минг сўмга тенг. Уларнинг вилоят қишлоқ туманлари ва шаҳарлари бўйича тақсимланиши ҳар хил: бунда Гулистон шаҳрининг мавқеи янада баланд - 60,8 %. Демак, бу соҳа минтақада ўта марказлашган. Вилоят марказидан ташқари пуллик хизматлар ҳажми Сирдарё туманида ҳам каттароқ улушга эга (17,8 %). Аммо аҳолининг жон бошига ҳисоблаганда мутлақо бошқача хулосаларга келиш мумкин. Масалан, Гулистон шаҳрида бу кўрсаткич унча катта эмас - 75,3 минг сўм; аксинча, Янгиерда у юқорироқ - 153,2 минг сўм. Қишлоқ туманларидан яна Сирдарёда бу ижтимоий соҳа нисбатан яхшироқ ривожланган (асосан Сирдарё, Бахт ва уларнинг қулай транспорт географик ўрни ҳисобидан).

Чўл шароитида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор берилади. Вилоят бўйича бу кўрсаткич ўртача 80,9 фоизга тенг. Гулистон ва Ширин шаҳарларида 92 - 93 %, Сирдарё туманида ҳам худди шундай яхшироқ ҳолат кузатилади. Бироқ бошқа ҳудудларда, хусусан Сардоба ва Ховос туманларида у қониқарли даражада эмас (мос ҳолда 44 ва 64 %).

Табиий газ билан таъминланиш сувга қараганда бирмунча яхшироқ - 90,1 %. Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳарлари ҳамда Мирзаобод, Сардоба ва Сирдарё туманлари хонадонлари газ билан 100 фоиз таъминланган. Пастроқ кўрсаткичлар эса Боёвут (66,6%) ва Гулистон туманида (73,0 %) кузатилади. Қизиғи шундаки, вилоят марказига туташ бўлган ҳудудда мазкур соҳа кам ривожланган.

Сирдарё вилоятида жами 30 та тиббиёт муассасалари мавжуд; ҳар 10 минг кишига 50,2 та бемор ўринлари, 20,8 та врачлар ва 123,0 нафар ўрта тиббиёт ходимлари тўғри келади. ҚВП сони жами 149 та ёки ҳар бир туманга 18.6 тадан; тахминан 1,8 та қишлоқ аҳоли пунктига битта ҚВП хизмат кўрсатади.

Вилоятда 2009 йилда жами 190 та доимий мактабгача тарбия муассасалари мавжуд бўлган. Умумтаълим мактаблари 303 та, уларнинг ҳар бирида 400 якин ўқувчи бор. Бу кўрсаткич кўпгина бошқа вилоятларга қараганда пастроқ бўлиб, у аҳоли ва аҳоли пунктларининг жойлашув хусусиятлари билан тавсифланади. Академик лицейлар 4 та, ўқувчилар 3,4 мингдан кўпроқ. Касб-ҳунар коллежлари эса 48 та бўлиб, уларда 36,7 минг талаба ўқийди. Сўнгги йилларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва уларнинг фаолиятини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Вилоятда битта олий ўқув юрти - Гулистон давлат университети бор. У замонавий ўқув қуроллари, техник жиҳозлар билан яхши таъминланган. Шу билан бирга қайд этиш жоизки, республика миқёсида фақат Сирдарёда 1 та олий ўқув юрти ташкил этилган, холос.

Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар. Вилоятнинг транспорт географик ўрни қулай; унинг ҳудудидан қатор халқаро ва республика аҳамиятидаги темир ва автомобил йўллари ўтади. Гулистон, Ховос муҳим транспорт марказлари ҳисобланади. Умуман олганда, Тошкент - Ховос (Янгиер) – Бекобод Сирдарё ҳамда пойтахт вилоятларининг муҳим транспорт "учбурчаги" сифатида катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда қурилиши тугатилаётган, Гулистон шаҳрини четлаб ўтувчи, Зарафшон минтақаси ва Қуйи Амударё иқтисодий районини Фарғона водийси билан боғловчи

магистрал автомобил йўли ҳам вилоятнинг транспорт географик ўрнини, унинг транзитлиги ва марказийлигини янада кучайтиради.

Вилоятда 2009 йил якунларига кўра, жами 13,4 млн. тонна юк ташилган, унинг деярли ярми автомобил транспорти зиммасига тушади. Юк ташиш ва юк айланмаси бўйича Гулистон шаҳри, шунингдек, Мирзаобод, Оқолтин ва Ховос туманлари ажралиб туради.

Кўрилаётган йилда жами 115,3 млн. йўловчи ташилган; бу борада ва йўловчи айланмасида, вилоят марказидан ташқари Сирдарё ва Боёвут туманларининг салоҳияти каттароқ. Юк ташишда хусусий автомобил эгаларининг ҳиссаси 73,8 %, йўловчи ташишда - 73,3 %.

Таҳлиллар кўрсатишича, Сирдарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси, жумладан, экспорт ва импорти республика миқёсида анча паст, мос равишда, 0,7 ва 1,1 %. Бир йилда тахминан 100-115 млн. экспорт 60-80, импорт 35-40 млн. АҚШ доллари ҳажмида ташқи иқтисодий алоқалар олиб борилади (2000 йилда 83,1 млн. АҚШ доллар, экспорт 49,7 ва импорт 33,4 млн. доллар бўлган). Экспорт таркибида асосан пахта етакчилик қилади - 89,2%, импортда эса машина ва ускуналарнинг улуши деярли 50 фоизга яқин. Бу, албатта, ижобий ҳисобланади, чунки келтирилган машина ва жиҳозлар келгусида ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтиришга замин ҳозирлайди.

Ташқи иқтисодий алоқаларда "Узоқ хориж" ва Болтиқбўйи давлатлари фаолроқ иштирок этишади. Улар билан жами 78,6 % иқтисодий алоқалар ҳажми, шу жумладан, экспортнинг 87,4 % ва импортнинг 58,3 фоизи амалга оширилади (2008 йил).

Ташқи иқтисодий алоқаларда қисман хорижий инвестициялар ёрдамида курилган қўшма корхоналар ҳам қатнашади. 2009 йилда фаолият кўрсатаётган бундай корхоналар сони 32 та бўлиб, улар минтақада жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 7,5 фоизини, экспортнинг 12,0 фоизини таъминлайди.

Минтақа иқтисодиётининг ички ҳудудий таркиби. Сирдарё вилояти майдонининг кичиклиги ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда катта ҳудудий тафовутларнинг кўзга ташланмаслиги унинг доирасида иқтисодий районлар ажратишни бироз чеклайди. Бироқ шундай бўлсада, вилоят миқёсида, шартли равишда, Марказий (Гулистон шаҳри, Гулистон, Мирзаобод, Боёвут, Оқолтин туманлари), Жанубий (Ховос, Сардоба) ҳамда Шимолий (Сирдарё ва Сайхунобод туманлари) районларни белгилаш мумкин. У ҳолда Марказий район ҳиссасига 48,1 % вилоят майдони, 47,1 % аҳолиси, 47,4 % саноат ва 47,7 % қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғри келади.

Жанубий районннинг улуши, мос ҳолда, 26,6; 19,2; 11,2; 24,9%, Шимолий районники эса 23,4; 24,6; 37,3; 26,7 фоизга тенг бўлган.

8.7-жадвал

Сирдарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари

(2009 йил, аҳоли жон бошига индекс)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Гулистон ш.	1,172	2,296	0,152	2,432	2,475	3,224	5,634
Ширин ш.	0,263	0,545	0,220	2,854	2,630	1,235	0,578
Янгиер ш.	0,770	0,966	0,055	3,068	0,969	2,002	1,139
туманлар:							
Боёвут	0,712	0,399	1,030	0,331	0,648	0,428	0,300
Гулистон	1,248	0,471	1,143	0,667	0,938	0,576	0,310
Мирзаобод	0,197	0,403	0,902	0,414	0,854	0,831	0,330
Оқолтин	1,668	0,600	1,828	1,192	0,459	0,613	0,301
Сайхунобод	1,474	1,205	1,391	1,020	0,604	0,362	0,310
Сардоба	0,998	0,442	1,774	0,671	0,422	0,532	0,277
Сирдарё	1,560	1,917	0,921	0,832	1,170	1,162	0,794
Ховос	0,317	0,716	0,979	0,308	0,712	0,477	0,325

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

8.7-жадвал маълумотларига биноан, Гулистон шаҳридан ташқари Оқолтин, Сирдарё, Сайхунобод туманларининг саноат ишлаб чиқариш индекси вилоят ўртачасидан юқори; қишлоқ хўжалигида бу борада Оқолтин, Сардоба, Сайхунобод, Гулистон туманлари яхши мавқеларни эгаллайди.

Ижтимоий соҳалар, хусусан, чакана савдо ва пуллик хизматлар Сирдарё ва Гулистон туманларида нисбатан яхшироқ йўлга қўйилган. Шунингдек, Боёвут, Ховос туманларида мазкур соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим.

Умуман олганда эса, таҳлиллар кўрсатишича, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси етарли эмас. Шу жиҳатдан бу ерда катор ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Энг аввало, минтақа иқтисодиётини мукаммал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида шакллантириш, асосий ихтисослашган тармоқ - қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш зарур. Шу билан

бирга, саноат ишлаб чиқариши таркибини "юқори каватлар" ҳисобидан бойитиш, кучли саноат марказлари ва тугунлари, ўсиш қутбларини ривожлантириш талаб этилади. Ижтимоий соҳалар ривожланишида ҳам ҳозирча ҳал этилмаган муаммолар бор (масалан, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари).

2010 йил 1 январ ҳолатида 8 та қишлоқ туманидан 3 таси, яъни Боёвут, Гулистон, Мирзаобод туманлари давлат дотациясида ("боқувида") турибди. Бинобарин, минтақа ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда авваломбор уларни бу ҳолатдан чиқариш керак. Шунингдек, вилоят маркази ҳам ўзининг ҳуқуқий мавқеига тенг бўлган шаҳарлардан анча оркада. Бинобарин, Гулистон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, унинг демографик салоҳиятини кўтаришга ҳам эътибор бериш мақсадга мувофик. Ҳозирги вақтда бу шаҳар вилоят жами аҳолисининг 8,0 фоизини мужассамлайди. Бу, бошқа вилоят марказларига қараганда анча паст кўрсаткич (демак, иқтисодий жиҳатдан вилоят ҳам "бўшроқ", унинг бош шаҳри ҳам заиф). Қолаверса, кенгроқ микёсда Тошкент шаҳри иқтисодий ривожланишини бошқариш ва тартибга солиш, уни бирмунча чегаралашда ҳам Гулистон ўзига хос "контрамагнит" вазифасини бажариши мумкин.

Сирдарё вилояти Ўзбекистон геоиқтисодий муҳитида Тошкент ва Зарафшон минтақалари ўртасида ўзига хос иқтисодий географик депрессив ҳудуд кўринишига эга. Шу боис, бу бўшлиқни тўлдириш ёки оралиқни мустаҳкамлаш республика иқтисодий маконининг ривожланиши ва такомиллаштирилишига ёрдам беради.

Тўққизинчи боб. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Мамлакатимизнинг энг жанубида жойлашган Сурхондарё вилояти 6 март 1941 йилда ташкил топган. Унинг майдони 20,1 минг кв. км бўлиб, жами Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 4,5 фоизига тенг. Вилоятда, 2010 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, 2075,3 минг киши ёки мамлакат аҳолисининг 7,4 фоизи истиқомат қилади. Бундан кўринадики, минтақанинг демографик салоҳияти унинг майдонига нисбатан 1,6 марта юқори.

Сурхондарё вилояти республика ҳудудий меҳнат таксимотида ўзининг агросаноат мажмуаси, хусусан пахта ва ғалла етиштириш, чорвачилик маҳсулотлари билан ажралиб туради. Шунингдек, бу ерда тоғ-кон саноати (полиметал рудалар, тошкўмир, нефть, туз),

қурилиш ва фармацевтика саноати тармоклари ҳам ривожланиб бормоқда.

Минтака қатор ўзининг бетакрор хусусиятларига эга. Жумладан, у республикамизнинг энг жанубида, энг тоғли, энг иссиқ ҳудудида жойлашган; вилоят урбанизация ва саноатлашув даражаси энг паст, демографик ривожланиш, яъни аҳоли табиий кўпайиши энг юқори ҳудудлардан биридир. Маъмурий жиҳатдан Сурхондарё вилояти 14 та қишлоқ тумани, 8 та шаҳар ва 114 та шаҳарчалардан иборат. Ҳар бир қишлоқ туманига ўртача 1,44 кв км майдон ва 139,1 минг кишидан аҳоли тўғри келади.

Қуйида келтирилган жадвал маълумотларига кўра, вилоятнинг дастлаб ташкил этилган (1926 йил) қишлоқ туманлари Денов, Сариосиё, Термиз ва Шеробод, энг сўнгиси эса 1992 йилда таркиб топган Бандихон тумани саналади. Майдони бўйича энг катталари Сариосиё ва Бойсун, энг кичиги Бандихон (атиги 0,20 минг кв. км); улар орасидаги фарқ яқин 20 баробар. Умуман олганда, Бойсун, Сариосиё, Шеробод ва Қумқўрғон туманлари биргаликда 12,6 минг кв.км ёки вилоят майдонининг 62,6 фоизини эгаллайди.

География ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Сурхондарё Ўзбекистоннинг энг жанубида, Амударёнинг ўнг қирғоғида, Ҳисор тоғининг жанубий этакларида жойлашган. Ўзбекистон Республикаси доирасида у шимолда Қашқадарё вилояти билан, геосиёсий миқёсда эса ғарбда Туркманистон, шарқда Тожикистон ва жанубда Афғонистон давлатлари билан чегарадош. Мамлакатимизда фақат Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари 3 тадан давлатлар билан туташ, бироқ бундай сиёсий географик ўрин, геосиёсий вазият Сурхондарё вилояти учун ўзгача хусусият касб этади.

Сурхондарё ҳудудининг тахминан 70 фоиз майдони тоғликлардан иборат (Ҳисор, энг баланд нуқтаси 4643 м; Кўҳитанг ва б.). Табиий географик жиҳатдан у фақат жануб томонга "очиқ", холос; қолган уч томондан тоғлар билан ўралган. Бундай ер устининг тузилиши, орографик хусусият минтака иқлимининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Иқлими қуруқ, иссиқ, ёғин-сочин миқдори ўртача 130-180 мм, тоғ ён бағирларида 600 мм гача етади. Ҳарорат республика бўйича энг юқори, вегетация даври узоқ. Агроиқлимий шароитлар суғорма деҳқончиликни тақозо этади.

Бу ерда, мамлакатимизни бошқа ҳудудларидан фарқ қилиб, субтропик хўжалик яхши ривожланган. Асосий дарёлари Сурхон

9.1 - жадвал

Сурхондарё вилояти қишлоқ туманлари майдони ва аҳолиси

(01.01.2010 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Майдони, минг кв, км	Маъмурий маркази	Аҳоли сони, минг киши	Аҳоли зичлиги, 1 кв. км киши (2010 й)
1	Ангор	28.11.1978	0,39	Ангор пг-ча	102,6	263,1
2	Бандихон	18.05.1992	0,20	Бандихон ш-ча	45,3	226,5
3	Бойсун	29.11.1965	3,72	Бойсун ш.	95,0	25,5
4	Денов	29.09.1926	0,74	Денов ш.	315,5	426,3
5	Жарқўрғон	29.11.1965	1,14	Жарқўрғон ш.	169,5	148,7
6	Музработ	25.12.1968	0,74	Халқабод ш-ча	112,5	152,0
7	Олтинсой	23.11.1981	0,57	Карлук ш-ча	134,6	236,1
8	Сариосиё	29.09.1926	3,93	Сариосиё ш-ча	164,6	41,9
9	Термиз	29.09.1926	0,86	Учқизил ш-ча	86,5	100,6
10	Узун	29.03.1991	1,63	Узун ш-ча	139,4	85,5
11	Шеробод	29.09.1926	2,73	Шеробод ш.	148,9	54,5
12	Шўрчи	09.02.1935	0,85	Шўрчи ш.	166,0	195,3
13	Қизириқ	06.03.1975	0,35	Сариқ ш-ча	89,2	254,8
14	Қумқўрғон	23.03.1977	2,20	Қумқўрғон ш.	174,9	79,5

Жадвал Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

ва Шеробод вилоят хўжалиги ва аҳоли географиясини шакллантирувчи муҳим омил сифатида хизмат қилади; улардан барпо этилган қатор канал ва сув омборлари (Учқизил, Қумқўрғон, Жанубий Сурхон сув омборлари, Катта Ҳисор, Аму - Занг, Ҳазорбоғ ва бошқа каналлар) ёрдамида суғорма деҳқончиликда фойдаланилади. Тоғ ёнбағирларида лалмикор деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчилик учун шароит қулай. Умуман олганда, Сурхондарё республикамизда нисбатан сув ресурслари билан яхши таъминланган вилоят ҳисобланади.

Сурхондарё майдонининг ҳажми ва ер усти тузилиши бўйича республикамизда Жиззах вилоятига бироз ўхшаб кетади. Вилоят минерал - ресурс салоҳиятига ҳам эга - тошкўмир (Шарғун, Тўда, Бойсун), нефть (Хавотоғ, Кўкайди, Учқизил, Лалмикор), полиметал рудалар (Хонжизза), турли хил тузлар (Хўжаикон) кабилар саноат аҳамиятига эга. Айни вақтда минтақада хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда (Малайзия ва б.) геологик қидирув ишлари ҳам олиб борилмоқда. Асосий максад янги нефть ва газ конларини топишдан иборат.

Сурхондарё фармацевтика ресурсларига бой, бу ерда республика доривор ўсимликларининг 35-40 фоизи жойлашган. Шу ўринда минтақанинг рекреация ва туристик салоҳиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз (Омонхона, Учқизил, Хўжаикон ва б.). Вилоятнинг археологик топилмалари, тарихий ёдгорликлари, илк урбанизация колдиқлари, карст ғорлари, булоқ ва чашмалари, ўзига хос табиий ландшафти, қадамжо ва зиёратгоҳлари халқаро ва маҳаллий, диний ва экотуризмнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Бу борада Термиз шаҳрида ташкил этилган геологик музей ҳам катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, Сурхондарё вилоятининг ҳозирги иқтисодий ва сиёсий географик ўрнини унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун унча қулай эмас, табиий-ресурс салоҳиятини эса ижобий баҳолаш мумкин.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Сурхондарё вилояти аҳолисининг ўсиш суръати сўнгги йилларда Қашқадарё билан биргаликда мамлакатимизда энг юқори. Ҳозирги кунда вилоят ўзининг демографик салоҳияти бўйича республикамизда еттинчи ўринда туради. 2010 йил 1 январ ҳолатига кўра бу ерда 2075,3 минг киши яшайди. Таққослаш учун 1989 йилда, яъни сўнгги аҳоли рўйхати

бўйича 1253,8 минг, 2000 йилда 1771,2 минг киши аҳоли бўлган. Демак, 21 йилда аҳоли сони 821,5 минг кишига, шу жумладан, охирги 10 йилда 30,4 минг кишига кўпайган. Нисбий кўрсаткичларда вилоят аҳолиси 1989-2010 йилларда 165,5 ва 2000-2010 йилларда 117,2 фоизга ўсган, шу даврда ўртача бир йиллик кўпайиш 2,40 ва 1,60 фоизларга тенг бўлган. Гарчи демографик ривожланиш суръати сўнгги йилларда бироз пасайган бўлсада, у республикамизда энг юқори ҳисобланади. Биргина 2009 йилда аҳолиси 42,2 минг кишига кўпайган. Аҳоли сонининг бундай ўсиши янги иш ўринларини кўпайтириш, халк истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқаришни зарур қилиб қўяди.

Туманлар микёсида энг кўп аҳоли сони Денов туманида қайд этилади (315,5 минг киши, 2010 й.). У мамлакатимизнинг Ургут, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари сингари энг кўп аҳоли сонига эга бўлган бирламчи маъмурий бирликлар ҳисобланади. Умуман олганда, 1989-2010 йилларда аҳоли сонининг ўртача йиллик кўпайиш суръати юқори бўлган қишлоқ туманларига (2,2 % ва ундан ортиқ) Шўрчи, Шеробод, Термиз, Олтинсой, Музработ, Қумқўрғон, Жарқўрғон ва Денов, ўртача кўрсаткичларга (1,45-2,20 %) Қизирик ва Сариосиё ва паст кўрсаткичли ҳудудларга (1,45 % гача) Ангор, Бойсун, Бандихон ва Узун туманлари киради.

Аҳоли зичлиги вилоят бўйича 1 кв км майдонга ўртача 103,2 киши бўлиб, у Бойсун туманидаги 25,5 кишидан Денов туманидаги 426,3 кишигача фарқланади (9.1-жадвалга қаранг). Минтақа аҳоли географиясини асосан Сурхон дарёси (вилоят номи ҳам Сурхондарё) ва унга параллел ўтган темир ҳамда автомобил йўллари белгилаб беради. Аҳоли жойлашуви, энг аввало, янги ўзлаштирилган Сурхон - Шеробод массивида, кадимдан қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудудларда зич, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида эса у нисбатан сийрак (масалан, Бойсун ёки Сариосиё туманлари).

Аҳолининг бундай тез суръатларда ўсишига табиий кўпайиш ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Сурхон водийси Қашқадарё вилояти билан биргаликда республикамизда сўнгги йилларда кузатилаётган туғилиш ва табиий кўпайиш кўрсаткичларининг пасайиб бориш жараёни билан боғлиқ ***демографик тўлқиннинг*** энг сўнгги палласида туради. Бошқача қилиб айтганда, республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошланган бу жараён аста-секинлик билан айнан шу минтақада поёнига етади,

сўниб боради. Бинобарин, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари Ўзбекистон Республикаси демографик ривожланишининг ҳозирги ҳолатини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

9.2 - жадвал

Сурхондарё вилояти аҳолисининг табиий ва миграцион ҳаракати

(2009 йил, промилледа)

	Шаҳар ва туманлар номи	Табиий ҳаракат			Механик ҳаракат		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	Вилоят бўйича	24,8	3,8	21,0	5,1	5,9	0,8
	Термиз ш.	23,1	4,7	18,4	4,9	7.0	2,1
	туманлар:						
1	Ангор	26,9	4,4	22,5	4,9	5,0	0,1
2	Бандихон	24,8	2,2	22,6	14,7	10,4	-4,3
3	Бойсун	28,0	3,9	24.2	7,9	8,8	0,9
4	Денов	23,2	3,7	19,5	3,6	6,3	2,7
5	Жарқўрғон	24,2	4,0	20,2	5,1	4,1	-1
6	Музработ	22,8	3,3	19,5	8,4	9,2	0,8
7	Олтинсой	26,4	3,4	23,0	2,5	3,0	0,5
8	Сариосиё	26,1	3,5	22,6	4,7	5,4	0,7
9	Термиз	25,5	4,2	21,4	5,9	3,4	-2,5
10	Узун	25,4	4,1	21,3	4,0	5.4	1,4
11	Шеробод	23,8	3,7	20,1	4,6	5,3	0,7
12	Шўрчи	25,3	3,8	21,5	4,9	6,0	1,1
13	Қизирик	24,8	3,5	21,4	5,8	8,1	2,3
14	Қумқўрғон	24,8	3,7	21,2	4,7	5,4	0,7

Жадвал Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

9.2-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, Сурхондарё вилояти ва унинг барча қишлоқ туманларида аҳолининг туғилиш коэффициенти юқори. Биргина 2009 йилда туғилганлар сони 51,0 минг кишига баробар бўлган. Таъкидлаш жоизки, бу ерда ҳам туғилиш ва табиий кўпайиш тобора пасайиб бормоқда. Мазкур жараён республикамизнинг барча минтақаларига хос демографик вазиятдир.

Бироқ, Сурхондарёда туғилиш кўрсаткичлари камайиб бораётган бўлсада, у ҳамон мамлакат микёсида энг юқори. 2008 йилда вилоятда туғилиш 25,8 промилле бўлган ҳолда, у 2009 йилда 24,8 промиллени ташкил қилган; ўлганлар, мос равишда, 3,9 ва 3,8 ‰,

табиий кўпайиш - 21,9 ва 21,0 ‰. Жадвал маълумотларидан кўринадики, туғилиш коэффициенти хусусан, Бойсун, Ангор, Олтинсой ва Сариосиё туманларида юқори.Айни вақтда у Термиз ва Узун туманларида ўртача, Музработ, Денов ҳамда Шеробод туманларида эса нисбатан паст.

Туғилишнинг юқори бўлишига қатор сабаблар таъсир қилади. Улар жумласига аҳолининг миллий таркибида демографик майли юқори бўлган маҳаллий миллат вакилларининг (ўзбеклар, тожиклар) кўплиги, урбанизация ва аҳоли бандлиги даражаларининг пастлиги, урф-одатлар ва бошқалар киради. Вилоят аҳолисининг 83,6 % ўзбеклар, 12,5 % тожиклардан иборат (2008 й.).

Мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида бўлганидек, Сурхондарёда ҳам ташқи миграция натижаси салбий оқибатларга эга. Айниқса, Бандихон, Музработ ва Бойсун қишлоқ туманларида бу кўрсаткич анча юқори. Иш ўринларининг етишмаслиги ҳам аҳолининг кўчиб юришига олиб келмоқда.

1.01.2010 йил ҳолатига вилоятда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 1129,5 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли - 796,7 минг, иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 752,1 минг кишини ташкил қилган; 2009 йилда жами яратилган иш ўринлари 63,7 минг та, уларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига тўғри келади.

Жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг асосий қисми моддий ишлаб чиқаришга тўғри келади. Саноатда 6,4 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 39,1 %, транспорт ва алоқада 2,2%, қурилишда 8,0 %, савдо, умумий овқатланиш, моддий-техник таъминотда 9,1 % банд. Номоддий соҳалар таркибида бу борада таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш ҳамда соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот етакчилик қилади. Юқоридаги рақамлар минтақа хўжалигининг таркиби ва урбанизация даражасини ҳам ўзида акс эттиради. Хусусан, саноатда бандлик коэффициентининг пастлиги вилоят иқтисодиётини кўпроқ аграр хусусиятга эгалигидан далолат беради.

Сурхондарё вилоятида 2010 йил маълумотлари бўйича, 8 та шаҳар ва 114 та шаҳарчалар қайд этилган. Уларда жами аҳолининг 37,2 фоизи яшайди. Бу жиҳатдан у мамлакатимизда фақат Хоразм вилоятидан олдинда туради, холос (34,2 %). Таъкидлаш учун, 2008 йилда урбанизация даражаси Сурхондарёда 19,1 % бўлган.

Ҳозирги мавжуд 114 та шаҳарчаларнинг 107 таси 2009 йилда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга оширилиши билан ушбу мақомни олган (республика янги шаҳарчаларининг 10,7 %). Бундай шаҳарчалар, аниқроғи – агрошаҳарчалар вилоятнинг барча қишлоқ туманларида бор. Уларнинг энг кўпи Олтинсойда (14 та), Деновда ва Ангорда (11 тадан), Қумқўрғон ва Музработда (10 тадан) кузатилади. Энг ками эса Бандихон туманига тўғри келиб, бу ерда биргина туман маркази – Бандихон шаҳарча унвонига муяссар бўлган.

Вилоят урбанистик таркиби ҳам иқтисодиётнинг тармоқлар ва ҳудудий таркибига мос ҳолда яхши ривожланган. Термизда 130 мингга яқин аҳоли бор, иккинчи шаҳар Деновда 70,0 мингдан зиёдроқ. Шеробод, Бойсун, Жарқўрғон, Шўрчининг ҳар бирида 20-30 минг кишидан аҳоли яшайди. Қолган юздан ортиқ шаҳар жойлар кичик ва майда синфларга мансуб (жами 116 та).

Қишлоқ аҳоли пунктлари 740 та, ўртача ҳар бир қишлоққа 1758 кишидан тўғри келади. Бу рақам чўл ҳудудида жойлашган Навоий ва Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидан катта, интенсив деҳқончилик ривожланган воҳа ва водийлардан (масалан, Фарғона водийси вилоятлари) озроқ. Демак, Сурхондарёда ўртача катталикдаги қишлоқлар кўп.

Тоғли ҳудуд ҳисобланган Сурхондарё вилоятида қишлоқ аҳоли пунктлари баландлик минтақалари бўйича турлича тақсимланган. Жумладан, Ангор, Бандихон, Жарқўрғон, Музработ, Термиз ва Қизирик туманларининг қишлоқлари тўлиқ денгиз сатҳидан 500 метргача бўлган баландликда жойлашган. Бойсун, Сариосиё ва Узун туманларида эса бундай гипсометрик масофада бирорта қишлоқлар йўқ, уларнинг аксарияти тоғ олди ҳудудларида ўрнашган. Фақат Олтинсой тумани қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари барча баландлик минтақаларидан ўрин олган.

Хўжалиги, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркиби. Сурхондарё вилояти хўжалиги минтақанинг географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари, тарихий ривожланиш хусусиятлари асосида шаклланган. Умуман олганда, вилоят иқтисодиёти кўпроқ аграр йўналишга эга. У республика ялпи ички маҳсулотининг 3,5, саноат ишлаб чиқаришининг 1,7, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 8,1, чакана савдо ҳажмининг 5,4 ва пуллик хизматларнинг 2,8 %ни беради. Халк истеъмол моллари ишлаб чиқаришда вилоят

улуши 1,9, капитал қўйилмаларда 4,1, экспорт ҳажмида 1,6 ва импортда бор-йўғи 0,2 % (2009 й.). Эслатиб ўтамиз, Сурхондарёнинг мамлакат аҳолисидаги улуши 7,4 фоизга тенг.

Демак, юқоридаги статистик маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, бу ерда асосан қишлоқ хўжалиги республика аҳамиятига эга, колган соҳалар эса суст ривожланган. Айникса, демографик салоҳияти катта ва тез юксалиб бораётган ҳудудда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажминиш камлиги катта муаммони юзага келтиради. Инвестиция муҳитининг унча яхши эмаслиги, ташқи савдо айланмасининг озлиги ҳам минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг пастлигини кўрсатиб турибди. Жумладан, 2009 йилда импорт ҳажмининг атиги 0,2 % га баробарлиги (республикада охирги ўрин) юқоридаги фикрни исботлаб беради.

Вилоят иқтисодиётининг ички таркиби қуйидагича (жами ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмига нисбатан, 2009 й.): саноат - 6,9 %, қурилиш - 8,2 %, қишлоқ хўжалиги - 42,5 %, транспорт ва алоқа - 11,2 %, савдо ва умумий овқатланиш - 7,0 %, солиқлар - 4,7 %, бошқа тармоқлар - 19,5 %. Қизиғи шундаки, 2000 йилда саноат вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 18,6 фоизини таъминлаган. Кўриниб турибдики, макроиқтисодиётнинг ушбу тармоғи вилоятда янада заифлашган, хўжалик йўналиши янада аграрлашиб борган.

Саноат бўйича у республикамизда фақат Жиззах вилоятидан олдинда (6,5 %), агроиқтисодиётда биринчи ўринда туради.

Кичик тадбиркорлик ёки бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги ҳиссаси тобора ошиб бормоқда (70,0 %). Бу эса бозор ислоҳотларининг изчил амалга оширилишидан дарак беради. Қишлоқ хўжалигида унинг улуши 99,2, қурилишда 74,3, пуллик хизматларда 62 - 68 % ва саноатда эса 16,7 %.

2009 йилда умумий инвестиция миқдори 511,8 млрд. сўм бўлиб, унинг 91,2 фоизи корхоналар ва аҳоли маблағлари, 4,2 фоизи бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан қопланади; хорижий инвесторлар томонидан киритилган маблағ 2,3 % га тенг. Жами инвестициянинг 2/3 қисми ишлаб чиқаришга, жумладан, 39,2 фоизи саноатга (унинг таркибида ёқилғи энергетиканинг улуши катта), 11,4 фоизи транспорт ва алоқага, 8,9 фоизи қишлоқ хўжалигига йўналтирилган. Тошгузор – Бойсун - Қумқўрғон темир йўли ҳамда ёқилғи ресурсларини аниқлаш бўйича геологик - қидирув ишлари билан боғлиқ ҳаражатлар қисман хорижий инвесторлар (Япония,

Малайзия ва б.) ҳисобидан амалга оширилмоқда. Ноишлаб чиқариш тармоқлари орасида бу борада уй-жой қурилиши, таълимнинг улуши юқори; жами инвестиция ҳажмига нисбатан 14,3 ва 15,5 %.

9.1 - расм

Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотининг тармоклар таркиби

(жамига нисбатан фоизда, 2009 й.)



Саноати. Юқорида таъкидланганидек, вилоятда саноат ишлаб чиқариши, мавжуд хом ашё ва минерал ресурсларга қарамасдан, анча суст ривожланган. Ҳатто, олинган пахта толасининг шу жойда қайта ишлаш даражаси ҳам коникарли эмас.

Шаклланиб бораётган саноат мажмуаси таркибида ёқилғи саноатининг улуши 13,0%, қурилиш материаллари 4,6 % бўлган ҳолда, енгил саноат жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 48,7 фоизини, озиқ-овқат саноати 15,0 фоизини таъминлайди. Ёқилғи саноатида асосан кўмир (Бойсун, Шарғун), енгил саноатда кўпроқ пахтани қайта ишлаш, озиқ-овқатда омухта ем ва ун – ёрма саноати етакчилик қилади. Шу билан бирга, оғир саноат тармоқлари, хусусан машинасозлик ва метални қайта ишлаш, кимё, электр энергетика, қурилиш материаллари саноати жуда паст кўрсаткичларга эга. Айниқса, вилоятнинг электр энергетика ва қурилиш базасининг заифлиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, жумладан, "Қишлоқ" дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишга тегишли имкониятлар яратмайди. Бу ерда атиги кичкина Тўпаланг ГЭС бор, холос; цемент заводи эса ҳозирча умуман йўқ (у Шерободда қурилмоқда).

Саноат корхоналарининг умумий сони 466 та, шундан 22 таси фаолият кўрсатаётган йирик саноат корхоналари ҳисобланади. Кўрилаётган йилда 169,3 млрд сўмлик халк истеъмол моллари ишлаб

чиқарилган, унинг 70,0 фоизини озиқ-овқат, 4,2 фоизини енгил ва 8,3 фоизини вино-ароқ ва пиво ичимликлари ташкил қилади. Озиқ-овқат саноати таркибида ёғ-мой, консерва ишлаб чиқариш яхшироқ ривожланган. Бу саноат тармоқларининг асосий маркази Денов шаҳри - бу ерда йирик ёғ - экстракция, вино-ароқ заводи бор.

Умуман олганда, бир йилда 102,2 минг тонна пахта толаси (бу Жиззах, Хоразм вилоятларига қараганда анча кўп ёки республикага нисбатан 9,2 %), 66,2 минг т омухта ем, 113,7 минг т ун ишлаб чиқарилган. Пахта тозалаш заводлари аксарият пахта етиштиришга ихтисослашган қишлоқ туманлари марказларида жойлашган, омухта ем ва ун эса асосан "Сурхондонмаҳсулотлари" ва "Шўрчидонмаҳсулотлари"да ишлаб чиқарилади.

Вилоятда нефть конлари Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ишга туширилган, ушбу саноатнинг асосий ташкил қилучи маркази Жарқўрғон шаҳри. Бироқ қазиб олинадиган нефть ҳажми кўп эмас ва у тобора камайиб бормоқда - 13,4 минг тонна (2000 йилда - 143 минг т).

Кўмир қазиб олиш эса бироз кўпайган. Ҳозирги вақтда йилига 200 минг тоннадан ортиқроқ кўмир қазиб олинади. Таъкидлаш жоизки, республикамизда сифатли тошкўмирни фақат шу вилоят етказиб беради. Нефть ва кўмир саноати негизида Ҳавотоғ, Кўкайди, Лалмикор, Шарғун каби "ресурс" шаҳарчалар ташкил топган.

Сўнгги йилларда қурилиш материаллари саноати ҳам ривожланиб бормоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда Шерободда маҳаллий хом ашё асосида йирик ва умуман Жанубий Ўзбекистонда ягона цемент заводи қурилмоқда. Термиз ва қишлоқ туманлари марказларининг кўпчилигида ғишт заводлари бор. Ривожланиб бораётган қурилиш базаси вилоятда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган катта ҳажмдаги уй-жой, транспорт ва бошқа инфратузилмаларни қуришга қулай имконият яратади.

2009 йилда 20,5 минг т тозаланган ўсимлик ёғи, 2,7 минг т совун олинган (Денов шаҳри). Саноат географиясида Шўрчи ва Денов шаҳарлари олдинда; уларнинг ҳар бирига 14-15 фоиздан вилоят саноат маҳсулоти тўғри келади. Энг стакчи саноат маркази эса Жарқўрғон бўлиб, у вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 1/5 қисмини беради (2000 й. - 16,4 %), унинг йирик корхонаси "Сурхонтекс" қўшма корхонаси ҳисобланади. Шероботнинг улуши 9,6%, вилоят маркази Термиз эса атиги 7,6 % саноат маҳсулотини

9.3 - жадвал

Сурхондарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

(2009 й. жамига нисбатан фоизда)

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Саноат ишлаб чиқариш	ХИМ	Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
	Термиз ш.	7,6	12,5	0,09	6,4	18,6	20,0	31,7	10,3	30,1
	туманлар:									
1	Ангор	5,2	1,8	5,8	3,2	4,1	5,0	2,8	5,8	1,4
2	Бандихон	0,2	0,5	3,0	3,6	2,5	0,6	0,9	-	0,6
3	Бойсун	1,2	2,8	4,2	16,6	8,6	4,5	2,6	-	2,2
4	Денов	14,0	29,5	13,4	5,5	9,3	19,4	23,6	6,0	4,4
5	Жаркўрғон	19,4	3,1	8,9	7,9	8,0	6,8	5,3	22,2	10,3
6	Музработ	5,6	3,1	7,2	4,2	3,1	3,8	3,4	9,9	4,0
7	Олтинсой	0,7	1,8	6,0	5,3	5,2	4,9	2,4	0,1	-
8	Сариосиё	5,6	2,8	5,8	17,4	12,0	5,2	4,7	2,8	17,9
9	Термиз	1,2	3,1	4,8	5,7	3,7	1,8	2,7	0,3	9,5
10	Узун	3,3	2,6	8,0	3,7	5,9	5,0	5,9	2,9	1,9
11	Шеробод	9,6	6,8	8,4	4,3	5,1	4,6	3,1	14,0	3,1
12	Шўрчи	15,1	26,4	6,9	3,9	4,7	7,4	4,9	8,1	6,1
13	Қизирик	5,5	1,2	7,5	4,0	3,6	5,1	1,7	4,9	0,6
14	Кумқўрғон	5,8	2,6	9,9	8,3	5,4	5,9	4,1	5,3	-
	Вилоят	100	100	100	100	100	100	100	100	100[1]

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

беради. Бу билан у Ўзбекистон вилоятлари марказлари орасида алоҳида ажралиб туради. Шаҳар саноат салоҳиятининг пастлиги, энг аввало, унинг географик ўрни билан боғлиқ.

9.3-жадвал маълумотлари кўрсатишича, Бандихон, шунингдек Термиз туманида саноат ишлаб чиқариш деярли йўқ даражада. Олтинсой ва қизиғи шундаки, Бойсун туманининг кўрсаткичлари ўта паст.

Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда ҳам географик манзара шунга ўхшаш; бу борада Денов ва Шўрчи шаҳарлари асосий мавкега эга (биргаликда 55,9 %). Мазкур шаҳарларда ёғ, ун, вино-арақ каби истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Паст кўрсаткичлар Бандихон, Қизириқ, Олтинсой ва Ангор туманларида қайд этилади.

Реал ҳолат аҳоли жон бошига ҳисоблаганда яққол кўзга ташланади. Масалан, саноат ишлаб чиқаришида бу кўрсаткич ўртача 226,2 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, у Жарқўрғон, Шўрчи, Шеробод ва Қизириқ туманларида юқори; Олтинсой, Музработ, Бандихонда ўта паст, Термиз, Узун, Бойсунда ҳам у ўртачадан анча паст. Халқ истеъмол молларида ҳам вазият деярли шунга ўхшаш (9.5-жадвал).

Юқорида таъкидланганидек, вилоятда фармацевтика ресурслари, яъни турли хил доривор ўсимликлар кўп. Улар асосан тоғ ва тоғ олди ҳудудларда ўсади. Мавжуд хом ашё негизида Термиз шаҳрида "Ажанта" ўзбек-ҳинд қўшма корхонаси қурилган бўлиб, у турли хил дори-дармонлар ишлаб чиқаради.

Агрогеография. Сурхондарё вилояти қулай агроиқлимий шароитларга эга. Вегетация даври узоқ, хароратлар йиғиндиси 5500^0-5900^0 ни ташкил қилади. Шу боис, бу ерда турли хил иссиқсевар субтропик мевалар етиштирилади. Бу борада минтақа республикамизда алоҳида ажралиб туради. Водийда анжир, анор, бодом, писта, ёнғоқ, узум, хурмо, цитрус мевалари кўплаб етиштирилади. Дастлаб хурмо мамлакатимизнинг асосан шу ҳудудида етиштирилган бўлса, ҳозирги кунда унинг географияси кенгайди, бошқа вилоятларни ҳам қамраб олади (янгиликларнинг диффузион тарқалиши рўй берди). Сўнгги йилларда сифатли ингичка толали пахта республикамизда фақат шу ерда етиштирилади, бироқ унинг майдони ва ҳосили камайиб бормоқда.

2009 йил якунларига қараганда, жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 58,2 фоизини деҳқончилик берган; фермер хўжа-

ликларининг ҳиссаси 37,2, деҳқон хўжалигига эса 62,8 фоиз ялпи маҳсулот тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг умумий майдони 1009 минг га ёки вилоят жами майдонининг ярми. Ердан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш коэффициенти, айникса, Узун, Сариосиё каби тоғли ҳудудларда жойлашган туманларда паст. Масалан, Узун туманида 38,6, Сариосиёда эса 16,5 % га тенг. Интенсив асосда қишлоқ хўжалиги, аниқроғи – суғорма деҳқончилик вилоятнинг пасттекислик ҳудудларида жойлашган янги ўзлаштирилган ерларда олиб борилади.

Жами экин майдони 273,5 минг га, суғориладиган ерлар 270,9 минг га. Бу қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 27,7 фоизи демакдир. Мазкур кўрсаткич Қизирик. Ангор, Бандихон туманларида юқори, Бойсун ва Қумқўрғонда эса энг паст (9.4-жадвалга қаранг).

Донли экинлардан буғдой, шоли, маккажўхори экилади. Уларнинг умумий майдони 122,3 минг га, ялпи ҳосил 675,7 минг тонна, ҳосилдорлик ўртача 52,8 ц/га. Шу жумладан, буғдой 117,4 минг гектар майдонга экилади, қисман у тоғли ҳудудларда лалмикор ерларда ҳам етиштирилади. 2009 йилда 641,4 минг т буғдой ҳосили ёки республикада етиштирилган буғдойнинг 1/10 қисмидан кўпроғи олинган; ўртача ҳосилдорлик 53,6 ц/га. Шоли Сурхон ва Амударё бўйларида, нисбатан серсув ерларда етиштирилади. Бир йилда 8-9 минг тонна атрофида шоли олинади.

Пахтачиликка 119,4 минг га ер ажратилган, ялпи ҳосил 350 минг тонна (бу борада у республикамизда олдинги ўринларда туради), ҳосилдорлик 29,3 ц/га - бу мамлакатимизнинг кўпчилик ҳудудларига қараганда анча юқори. Пахта тўлиқ фермер хўжаликларида етиштирилади. Бошқа техника экинларидан асосан масхар экилади (майдони 3,0 минг гектардан зиёдроқ). Картошка 6,7 минг га ерга экилиб, улардан 2009 йилда 111,2 минг тонна ҳосил олинган. Сабзавот майдони 9,5 минг га, ялпи хосил 425,0 минг т. Қишлоқ хўжалигининг бу тармоғи хусусан Термиз туманида яхши ривожланган. Вилоятда картошка, саримсоқпиёз, помидор, бодринг, булғор қалампири, ҳар хил кўкатлар эрта етиштирилиб, республика марказларига, жумладан, Тошкент бозорларига келтирилади.

Вилоятда экин экиладиган ерларнинг 10,2 минг гектари ем-хашак экишга ихтисослаштирилган. Бундай майдонлар тоғ ва

9.4 - жадвал

Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

(2008 й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғорилади ган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзор лар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Ангор	38,7	17,5	16,5	89,7	4,6	-	5,7
Бандихон	20,1	12,7	11,6	83,4	7,9	-	8,2
Бойсун	371,8	230,6	4,5	9,5	0,6	0,1	89,8
Денов	74,2	82,0	27,6	33,4	4,4	-	62,2
Жарқўрғон	114,3	57,2	22,2	34,6	4,2	-	61,1
Музработ	73,9	34,7	33,1	92,8	2,5	-	4,6
Олтинсой	56,8	42,8	16,6	30,6	14,8	-	54,8
Сариосиё	393,3	64,7	13,0	21,8	5,1	-	70,0
Термиз	86,0	25,2	14,1	51,6	4,3	-	44,0
Узун	163,1	63,6	12,1	22,5	3,3	-	74,1
Шеробод	272,8	158,8	35,7	25,4	1,4	-	73,2
Шўрчи	85,2	47,4	16,3	31,6	2,9	-	65,6
Қизирик	35,1	26,4	25,6	91,7	5,1	-	3,3
Қумқўрғон	220,3	145,4	21,9	12,4	2,7	-	84,9
Вилоят бўйича	2006,0	1009,0	270,9	27,7	3,1	-	69,1

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана" - Ташкент, 2008.

тоғолди ҳудудларида жойлашган қишлоқ туманларида кўпроқ. Тоғ ва хусусан тоғолди ҳудудлар боғдорчилик ва узумчилик учун қулай. Бу ерда турли хил мевалар, айникса олма, хурмо, узум кўп етиштирилади, тоғли ҳудудларда пистазорлар мавжуд. Жами мевазорлар билан 14,1 минг гектар ер банд; ялпи ҳосил 84,1 минг т. узум, мос равишда 14,4 ва 67,5. Узум стиштириш бўйича Олтинсой тумани қисман ажралиб туради. Бу ерда кўплаб майиз хам тайёрланади, Денов тумани бошка ҳудудларга караганда субтропик боғдорчилик ва цитрус мевaларини етиштиришга кўпрок ихтисослашган.

9.2 - расм



Вилоят агросаноат мажмуида 2009 йилда 105 минг т гўшт (тирик вазнда), 476 минг т сут, 139 минг дона тухум, 1800 т жун олинган бўлиб, уларнинг аксарият қисми деҳқон хўжаликларида етиштирилади. Шунингдек, бу ерда 9 минг донага яқин қоракўл териси, 1,5 минг т пилла хам олинади. Қумқўрғон туманида ташкил этилган "Оққапчиғай" заводи наслдор қўйлар етиштиришга ихтисослаштирилган. Вилоятда зотдор ҳисор қўйлари, ангор эчкилари боқилади. Уларнинг сони бўйича Сурхондарё вилояти Ўзбекистонда 3-ўринда туради. Умуман олганда, минтақада жами 648 минг бош йирик шохли қорамоллар ҳамда 1592 минг бош қўй ва эчкилар бор (2009 й.).

Қишлоқ хўжалик географиясида Денов тумани кескин ажралиб туради, у вилоятнинг бу тармоқлардаги ялпи маҳсулотини 13,4 фоизини таъминлайди. Кейинги ўринларда эса Қумқўрғон. Жарқўрғон, Шеробод, Узун туманлари туради. Айни вақтда Термиз, Бандихон туманларининг агроиқтисодий салохияти анча паст (9.3-жадвал). Бироқ аҳоли жон бошига хисоблаганда, ўзгача

хулосалар чиқариш мумкин. Масалан, 2009 йил якунлари бўйича етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўртача бир кишига 490,8 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткич Қизирик туманида - 868,0, Бандихонда - 693,7, Музработда - 661,1 минг сўмга тенг. Энг паст кўрсаткичлар Сариосиё, Шўрчи, Бойсун, Денов туманларида кузатилади (9.5 - жадвал).

Бошқа минтақаларда бўлганидек, Сурхондарё вилоятида ҳам фермерчилик ривожланиб бормоқда. Мулкчиликнинг ушбу шакли, хусусан, пахтачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларда кенг таркалган. Вилоятда жами фермер хўжаликлари сони 7071 та, уларга бириктирилган ер майдони 714,4 минг га, банд бўлган аҳоли сони 145,5 минг киши. Демак, ўртача бир фермер хўжалигига 101 га ер ва 20,5 кишидан ишчи тўғри келади. Кўриниб турибдики, бу минтақада фермер хўжаликларининг ер майдонлари, айниқса, Фарғона водийси ва Хоразм вилоятига қараганда анча катта. Бу ҳам бўлса вилоятнинг табиий шароити ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашувига боғлиқ.

Фермер хўжаликларининг асосий кўрсаткичларига жойларнинг табиий шароити ва хўжаликнинг ихтисослашуви катта таъсир кўрсатади. Масалан, Бойсун туманида бир фермерга 298,4 га ер тўғри келади, Олтинсойда 26,4 га ташкил қилади. Бойсун тумани боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашган, туманда бир фермер хўжалигида атиги 3 киши ишлайди, Жаркўрғонда эса 29 киши (2009 й.).

Алоҳида таъкидлаш лозимки, келажакда республика агроиқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда мевачилик ва узумчиликка устувор аҳамият қаратилади. Улар орасида турли хил шарбат ва мева консервалари, вино маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш мамлакатимиз валюта фондига катта миқдорда маблағ тушириши мумкин. Бундай миллий аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ривожланиш имкониятлари Сурхондарё вилояти қишлоқ туманларида етарли.

Социал география. Мамлакатимиз минтақавий сиёсатида ижтимоий соҳалар, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, турли инфратузилма шахобчаларини кенг миқёсда ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Айниқса, бу масала аҳоли сони тез кўпайиб бораётган ва республика асосий марказларидан узоқда жойлашган Сурхондарё вилояти учун долзарбдир.

Ижтимоий соҳалар орасида чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш муҳим ўринга эга. Жумладан, 2009 йилда вилоятда чакана савдо айланмаси 897778 млн. сўм ёки аҳоли жон бошига 436,1 минг сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич бўйича Денов ва Қизирик туманлари олдинда, Бандихон, Термиз туманлари орқада туради. Термиз тумани аҳолиси ўзининг бундай эҳтиёжларини асосан вилоят марказида қондирганлиги сабабли мазкур кўрсаткичлар бу ерда паст. Бандихон туманидаги вазият эса яхшиланишни талаб қилади.

Аҳоли жон бошига бир йилда 86,6 минг сўм миқдорида турли хил пуллик хизматлар кўрсатилган. Бу борада Денов тумани кескин ажралиб туради - 134,0 минг сўм. Олтинсой, Қизирик, Бандихон каби қишлоқ туманларида эса вазият бирмунча салбийроқ (9.5- жадвал).

Вилоятда марказлашган сув манбалари билан 81,7 фоиз аҳоли таъминланган, табиий газ таъминоти эса 63,8 %. Бинобарин, бу ерда аҳолини тоза ичимлик суви, хусусан, табиий газ билан таъминланиши муаммоси, айниқса, тоғ ва тоғ олди ҳудудлар учун ўта долзарб ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятида нозогеографик ва нозоэкологик вазият унча соғлом эмас. Трансчегаравий ҳаво ва сув манбаларининг таъсири, маҳаллий "Афғон" шамоли, тоза ичимлик сувининг баъзи жойларда танқислиги турли хил касалликлар келиб чикишига сабаб бўлади. Вилоятда жами 83 та соғликни сақлаш муассасалари мавжуд, умумий бемор ўринлари 7614 та ёки ҳар 10000 кишига 36,6 та. Бу, албатта, етарли эмас. Шифокорлар сони ҳар 10 минг кишига 18,6 та, ўрта тиббиёт ходимлари 98,2 та. Қишлоқ врачлик пунктлари 241 та ёки ҳар бир қишлоқ туманига 17,2 тадан тўғри келади (2009 й.).

Вилоятда жами 850 та умумтаълим мактаблари мавжуд. Уларда 414,8 минг ўқувчилар таълим олишади. Касб-хунар коллежлари 103 та, ўқувчилар сони 104264 киши; академик лицейлар 5 та, талабалар 4274 киши. Термиз шаҳрида давлат университети жойлашган. Мазкур олийгоҳ кириш – тест синовларига қатнашувчилар сони бўйича Ўзбекистонда олдинги ўринларда туради. Шу билан бирга вилоятда олий ўқув юртларининг бошка йўналишларини, жумладан, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт соҳаларини ташкил қилиш хам максадга мувофик ҳисобланади.

9.5-жадвал

Сурхондарё вилоятининг асосий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари

(2009 й., аҳоли жон бошига минг сўмда)

Қишлоқ туманлари	Саноат маҳсулотлари	Халқ истеъмол моллари	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизматлар
Ангор	236,5	27,6	584,3	155,7	83,7	438,4	48,4
Бандихон	22,4	20,1	693,7	411,6	116,3	127,8	36,7
Бойсун	55,4	51,1	450,9	905,2	192,7	427,4	49,8
Денов	209,0	159,8	437,6	89,8	62,0	557,5	134,0
Жарқўрғон	539,0	31,0	543,0	242,1	99,0	365,9	56,9
Музработ	234,7	46,8	661,1	194,2	58,4	304,2	54,7
Олтинсой	24,8	19,5	464,3	204,5	81,2	328,7	31,1
Сариосиё	160,3	28,9	363,5	548,5	152,9	281,6	51,4
Термиз	66,7	59,6	574,0	340,3	91,2	192,2	57,6
Узун	111,6	31,1	594,1	136,2	89,1	324,6	76,5
Шеробод	304,6	78,0	584,0	150,6	71,9	279,1	37,1
Шўрчи	423,8	271,4	424,4	120,2	58,9	403,3	53,0
Қизириқ	289,0	21,5	868,0	231,9	84,8	515,9	35,2
Қумқўрғон	154,8	25,4	581,9	244,9	64,7	304,3	42,1
Вилоят бўйича	226,2	82,4	496,8	249,1	101,2	436,1	86,6

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар. Майдони катта, ер усти тузилиши мураккаб, географик жойлашган ўрни узоқ бўлган Сурхондарё вилоятида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ниҳоятда муҳимдир. Хусусан, бу ерда транспорт хавфсизлигини, мамлакатимиз ягона темир йўл транспорти тизимини шакллантириш катта ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан 2007 йилда қуриб ишга туширилган 294 км узунликдаги Тошгузор – Бойсун - Қумқўрғон темир йўлининг аҳамияти беқиёсдир. Ушбу йўл республикамизнинг энг жанубида жойлашган минтақани яқинлаштирди, уни қўшни Қашқадарё вилояти билан янада жипслаштиради ва ягона иқтисодий районни шакллантиради. Айни пайтда у вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишига туртки беради, темир йўл атрофидаги турли хил қазилма бойликлар, рекреация ва туристик имкониятлардан кенг фойдаланиш имкониятлари туғилади, Сурхондарёни мамлакатимиз марказигача бўлган масофасини тахминан 120-130 кмга қисқартиради.

2009 йил якунларига қараганда, вилоятда 44748 минг тонна турли хил юклар, 405,0 млн. йўловчилар ташилган. Бу ички транспорт кўрсаткичлари тўлиқ автомобил транспорти зиммасига тушади. Темир йўл эса ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда иштирок этади. Бир вақтлар фаолият кўрсатган Амударёда ташкил этилган сув транспорти ҳозирги кунда ишламайди, ҳаво транспорти эса вилоят аҳолисини республикамизнинг бошқа ҳудудлари ва хорижий мамлакатлар билан алоқасида аҳамиятлидир.

Термиз шаҳрида йирик аэропорт қурилган. У хорижий мамлакатлар, хусусан, Афғонистон билан Ўзбекистон алоқаларини амалга оширишда хизмат қилади. Бу борада вилоят марказини қўшни Афғонистон Республикаси билан боғловчи, Амударёда қурилган Ҳайратон кўприги ва темир йўли ҳам муҳим аҳамиятга эга. Келажакда шу асосда Термиз халқаро миқёсдаги йирик транспорт тугунига айланиши ва бу ерда ҳам катта терминаллар, эркин иқтисодий минтақалар барпо этиш имкониятлари пайдо бўлади.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2009 йилда 206,9 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. Шу жумладан, экспорт 190,7, импорт 16,2 млн. доллар. Импортнинг озлиги кўп жиҳатдан минтақада ҳозирча қулай инвестиция муҳитининг шаклланмаганлиги билан изоҳланади.

Экспорт таркибида пахта толаси 63,2 фоизни, энергия ресурслари 21,0 ва озиқ-овқат маҳсулотлари 7,9 фоизни ташкил қилади.

Импортда машина ва ускуналар (70,9 %) асосий мавқени эгаллайди. Ташқи иқтисодий алоқалар кўпроқ Узоқ хориж ва Болтиқ бўйи давлатлари билан олиб борилади, МДҲ давлатларига эса ташқи савдо айланмасининг 9,7 фоизи тўғри келади. Вилоят ташқи иқтисодий алоқаларида 2009 йилда Афғонистон (22,3 %), Хитой (17,0 %), Сингапур (11,9 %), Корея Республикаси (11,7 %) мамлакатлари етакчилик қилган. Шунингдек, Покистон, Россия давлатларининг иштироклари ҳам салмоқли даражада. Энг сўнгги йилларда Озарбайжон, Корея, Швецария, Ироқ мамлакатлари билан алоқалар кучайган, Хитой, Россия, Қозоғистон каби давлатлар билан эса камайган. Келажакда Афғонистон бозори, шунингдек, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари билан Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга оширишда Сурхондарё вилояти асосий бўғин сифатида муҳим ўринга эга бўлади.

Вилоят ташқи иқтисодий алоқаларининг шаклланишида барча қишлоқ туманлари ва шаҳарлари ҳам бир хил иштирок этмайди. Чунончи, 2009 йилда жами экспорт ҳажмининг 22,2 фоизи Жарқўрғон туманига, 14,0 фоизи Шерободга, атиги 1/10 қисмигина Термиз шаҳрига тўғри келган. Шу билан бирга, Бандихон ушбу иқтисодий фаолиятда мутлақо иштирок этмаган, Бойсун туманида ҳам бу кўрсаткич деярли йўқ даражада.

Сурхондарё вилоятида хорижий сармоялар ҳисобига 72 та қўшма корхона қурилган, уларнинг 63 таси кўрилаётган йилда фаолият кўрсатган. Қўшма корхоналар томонидан 105,0 млрд. сўмлик маҳсулот ва хизматлар кўрсатилган, улар вилоят жами экспортининг 16,7 фоиз ҳажмини беради.

Ички тафовутлари. Сурхондарё вилояти аҳолиси ва хўжалигининг ҳудудий таркиби унинг табиий географик ҳолатига мос равишда шаклланган. Минтақада шимоли-шарқдан жануби-ғарб йўналишида жойлашган вилоятнинг асосий "иқтисодий йўлаги", янги қурилган темир йўл зонаси ўзига хос унинг ривожланиш "ўқи" бўлиб хизмат қилади. Транспорт географик ўрни қулайлашиб бораётган Қумқўргон, Шеробод ва Бойсун минтақанинг ўсиш нуқта ва марказлари ҳисобланади.

Вилоятда ҳозирги вақтда 2 та ички иқтисодий районлар ажратилади: Денов ва Термиз; қишлоқ туманлари, сиёсий ва иқтисодий географик ўрин нуқтаи назаридан эса Марказий (янги темир йўл зонаси), Жанубий, Ғарбий ва Шарқий районлар белгиланиши

9.6-жадвал

Сурхондарё вилояти қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари

(2009 й. аҳоли жон бошига)

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	ХИМ	Инвестиция	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
	Термиз ш.	1,190	0,014	1,976	0,014	2,944	3,167	5,010
	туманлар:							
1	Ангор	1,044	1,176	0,329	0,625	0,827	1,005	0,559
2	Бандихон	0,097	1,396	0,244	1,652	1,149	0,293	0,424
3	Бойсун	0,243	0,908	0,634	3,634	1,904	0,980	0,576
4	Денов	0,925	0,881	1,951	0,360	0,613	1,278	1,549
5	Жарқўрғон	2,380	1,093	0,378	0,972	0,718	0,839	0,658
6	Музработ	1,035	1,331	0,561	0,780	0,577	0,697	0,632
7	Олтинсой	0,111	0,935	0,232	0,821	0,802	0,754	0,359
8	Сариосиё	0,708	0,732	0,354	3,679	1,511	0,646	0,594
9	Термиз	0,296	1,155	0,719	1,366	0,901	0,441	0,666
10	Узун	0,495	1,196	0,378	0,547	0,880	0,744	0,884
11	Шеробод	1,345	1,175	0,951	0,605	0,710	0,640	0,429
12	Шўрчи	1,876	0,854	3,317	0,482	0,582	0,925	0,613
13	Қизирик	1,279	1,747	0,256	0,931	0,838	1,183	0,410
14	Қумқўрғон	0,681	1,171	0,305	0,983	0,609	0,698	0,487
	Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

мумкин. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши маълум даражада чегарадош давлатлар – Афғонистон, Туркманистон ва Тожикистон мамлакатлари билан муносабатларига боғлиқ.

Таҳлиллар кўрсатишича, қишлоқ туманлари асосий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига кўра бир-биридан фарқ қилади (9.6-жадвал).

Масалан, саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича Шеробод, Қизирик, Музробот ва Ангор туманлари олдинги ўринларни эгалласа, Бойсун, Олтинсой каби туманларнинг кўрсаткичлари анча паст. Шунингдек, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Денов ва Шўрчи туманларида нисбатан юқори даражага эга бўлса, унинг пастроқ кўрсаткичлари Бандихон, Олтинсой ва Қизирик туманларида, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатишда эса Термиз шаҳ-

ри, Ангор ва Денов туманларидан ташқари барча қишлоқ туманларининг кўрсаткичлари вилоят даражасидан паст. Бу эса ўз навбатида мазкур соҳаларда ечимини кутаётган муаммолар етарлича эканлигидан далолат беради.

2010 йил маълумотлари бўйича Сурхондарё вилоятида 7 та дотацияда бўлган қишлоқ туманлари қайд этилган. Бу жами қишлоқ туманларининг ярми демакдир. Улар: Ангор, Бойсун, Бандихон, Қумқўрғон, Қизириқ, Музробот, Олтинсой, Термиз, Узун, Шеробод туманларидир.

Бу ҳудудларда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, маҳаллий минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларидан кенг миқёсда фойдаланиш негизида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни фаоллаштириш талаб этилади.

Ўнинчи боб. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Тошкент вилояти республикамизда ўзининг иқтисодий ва демографик салоҳиятига кўра алоҳида ажралиб туради. У маъмурий жиҳатдан биринчилар қаторида 15 январ 1938 йилда ташкил топган.

Вилоят майдони 15,26 минг кв. км бўлиб, у мамлакатимиз умумий ҳудудининг 3,4 фоизига тенгдир. Бу ерда, 2010 йилнинг дастлабки маълумотларига қараганда, 2568,8 минг киши ёки Ўзбекистон аҳолисининг 9,2 фоизи яшайди. Демак, минтақанинг аҳолиси нисбий кўрсаткичларда унинг эгаллаган майдонидан кўп.

Тошкент вилояти иқтисодий нуқтаи назардан ривожланган минтақа ҳисобланади. Унинг ҳиссасига мамлакат ЯҲМнинг 9,2 фоизи, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 13,3 фоизи тўғри келади. Халқ истеъмол моллари ни ишлаб чиқариш аҳоли ҳудудий мужассамлашувидан бироз пастроқ – 8,5 %. Шунингдек, пойтахт минтақаси зиммасига республикада 2009 йилда фойдаланилган жами инвестиция ҳажмининг 10,0, қурилиш ишларининг 4,9, чакана савдо айланмасининг 11,2 ва пуллик хизматларнинг 6,4 фоизи тушади. Ўзининг экспорт салоҳияти бўйича Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи ўринда туради (9,0 %), импорт эса 8,6 фоизга баробар.

Вилоят маъмурий жиҳатдан анча мураккаб тузилмага эга. Унинг таркибига 15 та қишлоқ туманлари киради. Туманлар ўзла-

рининг эгаллаган майдони, ташкил топган йили, демографик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Қишлоқ туманларидан дастлабкилари Ўртачирчиқ, Янгийўл ва Юқоричирчиқ бўлиб, улар 1926 йилда ташкил этилган. Энг "янги" туман – Қуйичирчиқ 1973 йилда бу маъмурий мақомга эга бўлган. Бинобарин, айтиш мумкинки, пойтахт вилоятининг ички маъмурий тузилиши анча олдин шаклланган.

Қишлоқ туманлари майдони ўртача тахминан 1,0 минг кв. км ни ташкил этган ҳолда, у энг кичик Тошкент (0,17 минг кв. км) туманидан энг йирик – Бўстонлиқ (4,93 минг кв. км) туманигача фарқланади; улар орасидаги нисбат 29 мартага тенг (10.1-жадвал). Бундай катта географийлик коэффициент вилоят ҳудудининг табиий географик жиҳатдан турли-туманлигидан, уларда ишлаб чиқариш ва аҳолини ҳудудий ташкил этиш хусусиятларидан дарак беради. Чиндан ҳам, айнан тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган Бўстонлиқ ва Оҳангарон туманларининг майдони бошқаларга қараганда кескин фарқ қилади. Ушбу икки туман вилоят жами майдонининг ярмидан кўпроғини ёки 53,1 фоизини эгаллайди.

Айни вақтда минтақанинг қуйи қисмида жойлашган туманлар ҳудуди унча катта эмас, бевосита пойтахт – Тошкентга туташ туманлар эса бу борада энг кичиги ҳисобланади.

Вилоятнинг географик ўрни, табиий шароити ва табиий ресурслари. Тошкент вилояти ўзига хос табиий, иқтисодий ва сиёсий географик ўринга эга. У 3 та хорижий мамлакат билан чегарадош: шимолда Қозоғистон, шарқда Қирғизистон, жануби-шарқда Тожикистон республикалари билан туташган. Республика доирасида эса минтақа Наманган ва Сирдарё вилоятлари билан қўшничилик қилади. Пойтахт вилоятининг сиёсий географик ўрни кайси бир маънода Сурхондарё ўрнига ўхшаб кетади.

Табиий географик нуқтаи назардан ҳам Тошкент вилояти анча мураккаб тузилишга эга. Унинг шимолий, шимоли-шарқий ва жануби-шарқий қисмлари тоғ ва тоғолди ҳудудларидан иборат. Бу ерда Ғарбий Тяншанга қарашли Угом, Писком ва Чотқол тоғ тизмалари, жануби-шарқда Қурама тизмаси жойлашган. Энг баланд жойлар вилоятнинг чекка шимоли-шарқида бўлиб, уларнинг баландлиги денгиз сатҳидан 4395-4400 метрга етади (Талас Олатови тизмаси). Писком тизмасидаги Бештор чўққисининг баландлиги 4299 метр.

10.1-жадвал

Тошкент вилояти қишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси

	Туманлар	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони, минг кв км	Аҳолиси, минг киши		1989-2010 йй ўсиш, %	Аҳоли зичлиги, киши/кв.км
					1989 йил	2010 йил		
1	Бекобод	23.09.1963	Зафар ш-ча	0,76	101,0	144,1	142,7	189,6
2	Бўка	18.05.1943	Бўка ш.	0,59	82,1	109,6	133,5	185,8
3	Бўстонлик	25.12.1968	Ғазалкент ш.	4,93	124,9	148,2	118,6	30,1
4	Зангиота	01.12.1933	Эшонгузар ш-ча	0,22	130,8	169,9	129,9	772,3
5	Оҳангарон	31.12.1971	Оҳангарон ш.	3,18	64,3	83,0	129,1	26,1
6	Оққўрғон	09.02.1935	Оққўрғон ш.	0,40	71,0	94,3	132,8	235,7
7	Паркент	06.12.1979	Паркент ш.	1,08	82,4	127,5	154,7	118,0
8	Пискент	07.12.1970	Пискент ш.	0,79	72,7	88,3	121,4	111,8
9	Тошкент	26.06.1975	Келес ш.	0,17	108,3	143,5	132,5	844,1
10	Чиноз	12.04.1973	Чиноз ш.	0,34	96,2	120,8	125,6	355,3
11	Юқоричирчиқ	29.09.1926	Янгибозор ш-ча	0,44	88,8	117,4	132,2	266,8
12	Янгийўл	29.09.1926	Гулбаҳор ш-ча	0,42	131,6	165,6	125,8	394,3
13	Ўртачирчиқ	29.09.1926	Тўйтепа ш.	0,49	133,1	171,9	129,1	350,8
14	Қибрай	31.12.1964	Қибрай ш-ча	0,56	137,3	169,2	123,2	302,1
15	Қуйичирчиқ	26.12.1973	Дўстобод ш.	0,56	88,4	97,8	110,6	174,6
	Вилоят	15.01.1938	Тошкент ш.	15,26	2143,5	2568,8	119,8	168,3

Изоҳ: 1) Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар жадвалга киритилмаган.

2) 2010 йил сентябр ойида Зангиота ва Тошкент туманлари бирлаштирилган.

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Умуман олганда, вилоят ер усти тузилиши шимоли-шарқдан жануби-ғарб йўналишида пасайиб боради. Тошкент атрофида гипсометрик ҳолат 600 метрлар атрофида, жануб ва ғарбий туманларда эса баландлиги 300 метрдан пастроқ. Вилоятнинг бундай мураккаб ер усти тузилиши, орографик хусусияти, ўз навбатида, унинг минерал-хом ашё ва агроиқлимий шароитларини ҳам белгилаб беради. Бу ерда турли хил фойдали қазилма бойликлар бор. Улар жумласига, энг аввало, кўмир, рангли ва нодир металлар (олтин, мис, қўрғошин ва б.), қурилиш материаллари хом ашёлари киради. Ангрен қўнғир кўмир ҳавзаси республикамизнинг асосий ёқилғи базаси ҳисобланади. Шунингдек, Қалмоққир мис кони, Кўчбулоқ, Октурпоқ, Қизилолма олтин конлари, Саричек, Дальная полиметал конларнинг саноат аҳамияти ҳам катта. Мавжуд минерал ресурс салоҳияти минтақа иқтисодий ривожланишининг энг муҳим омиллари сифатида хизмат қилади. Бу борада Тошкент вилояти Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари қаторида туради.

Иқлими кескин континентал; январ ойининг ўртача ҳарорати минус 1^0 - 3^0, июлники + 26^0, йиллик ёғин миқдори ҳар хил: тоғ ва тоғолди ҳудудларда, хусусан, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида у 600 мм ва ундан кўпроқ. Текисликда жойлашган ҳудудларда эса намгарчилик 400-500 мм атрофида.

Тошкент вилояти асосан Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида жойлашган. Улар Сирдарёга бориб қуйилади. Сирдарёнинг ўзи эса вилоятнинг жануби-ғарбий қисмидан ўтади; у бу жойларда Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг маъмурий чегара чизиғи бўлиб хизмат қилади.

Чирчиқ республикада ўзининг катта гидроэнергетик имкониятлари билан ажралиб туради. Шу боис ҳам унда МДҲ мамлакатларида энг катта қатор ГЭСлар (каскади) барпо этилган. Дарёнинг айни вақтда минтақада суғорма деҳқончиликни ривожлантириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда, рекреация, балиқ овлаш ва бошқа соҳаларда ҳам аҳамияти катта. Бу ерда энг йирик Чорбоғ, шунингдек, Ғазалкент, Хўжакент сув омборлари барпо этилган, Қибрай, Паркент каналлари қурилган. Тошкент шаҳрининг асосини ташкил этувчи Салар, Анҳор, Бўзсув ва бошқа каналлар ҳам Чирчиқ дарёсидан сув олади.

Оҳангарон дарёси кўшни Қирғизистон ҳудудидан бошланиб, у ҳам Сирдарёга қўшилади. Бу дарёда Оҳангарон, Туябўғиз (Тош-

кент денгизи) сув омбори барпо этилган. Бироқ, бу дарёнинг гидроэнергетика салоҳияти анча паст, унда бирорта ГЭС қурилмаган.

Вилоят рекреация ресурсларига ҳам бой. Айниқса, Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида ушбу соҳани ривожлантириш шароитлари қулай. Минтақада Угом - Чотқол давлат табиат миллий боғи, Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси ташкил этилган.

Шундай қилиб, Тошкент вилоятининг табиий шароити иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратади. Бинобарин, бу ерда ҳудудий меҳнат тақсимоти кенг миқёсда шаклланган: тоғ-кон саноати, деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик ва улар билан боғлиқ агросаноат мажмуалари, шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги, рекреация, спорт, балиқчилик, тоғ туризми кабилар яхши ривожланган.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига транспорт ва умуман иқтисодий географик ўрни ҳам анча яхши шароит яратади. Хусусан, унинг транспорт инфратузилмаси билан таъминланганлиги, минтақа ҳудудида республика бош шаҳри – Тошкентнинг ўрнашганлиги катта аҳамият касб этади.

Аҳолиси, шаҳарлари ва меҳнат ресурслари. Тошкент вилояти аҳоли сони бўйича мамлакатимизда Самарқанд, Фарғона вилоятидан кейинги 3-ўринда туради. 1989-2010 йиллар оралиғида унинг аҳолиси 425,3 мингга ёки ўртача ҳар йили 20,3 минг кишидан кўпайиб борган. Биргина 2009 йилда вилоят аҳолиси 32,5 минг кишига ёки 1,3 фоизга ортган.

Қишлоқ туманлари миқёсида аҳоли сонининг ўсиш суърати Паркент, Бекобод, Бўка, Оққўрғонда юқорироқ. Кўрилаётган 20 йилдан ортиқ даврда уларнинг аҳолиси 1,3-1,5 марта кўпайган (вилоятда ўртача 119,8 %). Айни вақтда Қуйичирчиқ ва Бўстонлиқ туманларида демографик ўсиш кўрсаткичлари бирмунча пастроқ бўлган. Шунга мувофиқ аҳоли зичлиги ҳам ўзгариб турган. Ҳозирги кунда энг юқори зичлик Тошкент (844 киши) ва Зангиота (772 киши) туманларида кузатилади. Вилоят бўйича бу кўрсаткич 168 кишига тенг бўлган ҳолда, у Қибрай, Ўртачирчиқ, Янгийўл, Чиноз туманларида ҳам анча юқори. Айни чоғда тоғ ва тоғ олди ҳудудларни эгаллаган Бўстонлиқ ва Оҳангарон туманларида аҳоли анча сийрак жойлашган: мос равишда, 30 ва 26 киши 1 кв. км га.

1989-2010 йилларда ўрта ва катта шаҳарлар орасида Ангрен аҳолиси тез суръатларда кўпайиб борган (10.2-жадвал). Жадвалда

келтирилган шаҳарларнинг кўпчилиги оғир саноатга ихтисослашган. Маълумки, бозор муносабатларига ўтиш даврида аввалги иқтисодий алоқаларнинг ўзгариши туфайли бундай саноат марказларида ривожланиш, шу жумладан демографик ўсиш кўрсаткичлари паст бўлган. Масалан, Чирчиқ шаҳрининг аҳолиси атиги 9,2 фоизга кўпайган, холос, Янгийўлда ўсиш деярли йўқ даражада. Вилоят аҳолиси, республикамизнинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари, деярли фақат унинг табиий ҳаракати асосида кўпайиб бормоқда.

10.2-жадвал

Тошкент вилояти ўрта ва йирик шаҳарларининг аҳолиси

(минг киши)

Шаҳарлар	1979 йил	1989 йил	2010 йил	1979 - 2010 йй. ўсиш, %
Ангрен	105,8	131,0	166,3	157,2
Бекобод	67,5	81,5	87,7	129,9
Олмалиқ	101,0	113,9	123,7	122,5
Оҳангарон	25,9	30,9	32.4	125,1
Чирчиқ	131,2	156,4	143,3	109,2
Янгийўл	62,8	57,7	64,3	102,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, вилоятда туғилиш коэффициенти мамлакатимиз доирасида нисбатан пастроқ, ўлим даражаси эса энг юқори.

Мавжуд маълумотларга қараганда туғилишнинг умумий коэффициенти 2008 йилда 21,8, 2009 йилда 22,5 промилле, ўлим, мос ҳолда 6,0 ва 5,6 промилле бўлган. Табиий кўпайиш 15,8 ва 16,9 промиллега ёки 1,58 ва 1,69 фоизга тенг бўлган.

Кўрилаётган йилларда қишлоқ туманлари даражасида туғилиш Оҳангарон, Паркент ва Қуйичирчиқда, шаҳарлар орасида эса Янгийўлда юқорироқ, нисбатан паст кўрсаткичлар Ўртачирчиқ, Пискент, Қибрай туманларида ҳамда Чирчиқ шаҳрида қайд этилади. Ўлим коэффициенти Юқоричирчиқ, Қибрай ва Қуйичирчиқ туманларида, шаҳарлар орасида эса Ангрен ва Бекободдан ташқари қолганларида анча юқори. Масалан, Янгийўлда у 7,8, Чирчиқда 7,6, Олмалиқ ва Оҳангаронда 7,4 промиллени ташкил қилади (10.3-жадвал).

10.3–жадвал

Тошкент вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати

(ҳар минг киши ҳисобида, 2009 й.)

Шаҳар ва туманлар	Аҳоли табиий ҳаракати			Механик ҳаракат		
	туғилиш	ўлим	табиий кўпа йиш	келган лар сони	кетган лар сони	миграция сальдоси
Вилоят бўйича	**22,5**	**5,6**	**16,9**	**6,2**	**10,6**	**-4,3**
шаҳарлар:						
Олмалиқ	20,3	7,4	12,9	16,7	15,6	1,1
Ангрен	21,1	5,8	15,3	7,9	9,8	-1,9
Оҳангарон	20,6	7,4	13,2	15,3	16,5	-1,2
Бекобод	20,7	6,3	14,4	5,7	8,7	-3,0
Чирчиқ	17,9	7,6	10,3	9,7	17,2	-7,4
Янгийўл	22,1	7,8	14,3	8,1	11,7	-3,7
туманлар:						
Оққўрғон	23,1	4,6	18,5	5,6	10,2	-4,7
Оҳангарон	25,0	5,2	19,8	5,0	10,8	-5,9
Бекобод	23,4	4,3	19,1	3,8	5,2	-1,4
Бўстонлиқ	23,2	5,4	17,8	5,3	11,9	-6,6
Бўка	23,2	4,4	18,8	2,3	6,1	-3,8
Зангиота	23,5	4,4	19,1	4,2	6,2	-2,0
Қибрай	21,6	5,8	15,8	13,3	15,8	-2,4
Қуйичирчиқ	24,0	5,8	18,2	5,3	19,6	-14,4
Паркент	25,6	4,2	21,4	1,4	3,5	-2,1
Пискент	20,2	5,2	15,0	7,6	16,3	-8,6
Тошкент	23,8	5,4	18,4	3,5	6,4	-3,0
Ўртачирчиқ	21,8	5,7	16,1	4,3	7,1	-2,7
Чиноз	23,3	5,5	17,8	3,1	11,0	-7,9
Юқоричирчиқ	23,4	6,0	17,4	3,6	8,7	-5,1
Янгийўл	23,6	5,5	18,1	4,6	12,0	-7,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Табиий кўпайиш вилоят бўйича 2009 йилда 16,9 ‰ (1,69%), амалда аҳолининг ўсиши эса 1,3 фоиз. Бундай фарқ, ўз навбатида, ташқи миграциянинг вилоят учун салбий натижага эга эканлигидан дарак беради. Биргина 2009 йилда миграция қолдиғи 11,2 минг кишига баробар бўлган. Демак, агар ташқи миграция сальдоси "0" – га тенг бўлганда, вилоят аҳолиси 32,5 минг эмас, 43,7 минг кишини ташкил этган бўлар эди. Кўриниб турибдики,

миграция деярли барча шаҳар ва қишлоқ туманларида салбий натижага эга. Чунончи, ҳар минг кишига ҳисоблаганда, 2008 йилда миграция қолдиғи минус 4,0, 2009 йилда минус 4,3 промилле бўлган. Энг катта миграцион йўқотиш Қуйичирчиқ (минус 14,4 ‰) ва Чиноз (7,9 ‰) туманларида, шаҳарлар орасида эса Чирчиқ шаҳрида кузатилади. Вилоятнинг асосий шаҳарлари орасида фақат Олмалиқ ижобий миграция натижасига эга. Тошкент вилоятига келганларнинг нисбий кўрсаткичи Қибрай туманида, кетганлар ҳам айнан шу ҳамда Қуйичирчиқ, Пискент туманларида кўзга ташланади. Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида миграция айланмаси анча катта. Худди шундай миграцион фаоллик Олмалиқ аҳолисига тегишли, бироқ бу шаҳарда миграция қолдиғи, аввал таъкидлаганимиздек, ижобий (10.3-жадвал).

Умуман олганда, Тошкент вилояти Тошкент шаҳри билан биргаликда республикамиз аҳоли миграциясида энг фаол минтақалар саналади. Фақат 1990-1995 йилларда, яъни ташқи миграциянинг энг авж олган йилларида вилоятда миграция сальдоси минус 143,8 минг кишини ташкил этган (республикамизда 502,3 минг киши, вилоят улуши 28,6 %), айниқса, Ангрен шаҳрининг ўзи миграция туфайли шу йилларда 22,3 минг кишисини йўқотган (жами 1989-2006 йилларда 38,3 минг киши).

Энг юқори кўрсаткич 1994 йилда минус 6896 киши, энг паст кўрсаткич 2006 йилда минус 231 киши бўлган.

Тошкент вилояти республикамизда нисбатан урбанизациялашган ҳудуд саналади. Унинг умумий даражаси 2009 йилда 50,1 %. Гарчи бу рақам мамлакат ўртача кўрсаткичидан ва, айниқса Фарғона водийси вилоятларидан анча паст бўлсада, урбанизациянинг реал ҳолати мазкур ҳудудда энг юқори. Сабаби, бу ерда шаҳарлар тўри жуда ривожланган; вилоятда жами 16 та шаҳар ва 97 та шаҳарчалар мавжуд, уларнинг орасида Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ "юзминглик" шаҳарлар ҳисобланади. Бундай учлик фақат Фаргона вилоятида бор, холос. Қолаверса, вилоятнинг кўпчилик шаҳар ва шаҳарчалари юкори урбанизациялашган Тошкент агломерацияси таркибига киради.

Айни вақтда минтақада кичик ва майда шаҳарчалар ҳам кўп. Уларнинг сони, айниқса, 2009 йилда амалга оширилган янгича урбанизация сиёсат туфайли янада кўпайди. Шу йилда вилоятда жами 79 та қишлоқ аҳоли пунктига шаҳарча мақоми берилди.

Биргина Бўстонлиқ туманида 15 та қишлоққа шаҳарча "тўни" кийдирилди. Улар орасида энг йириги Хумсон - 5,1 минг киши, Қибрай туманида янги шаҳарчалар 14 та, уларнинг аҳолиси 2000-3500 киши атрофида, 10 та агрошаҳарлар Зангиота туманида, 9 та Тошкент туманида пайдо бўлди. Зангиотада энг катталари Назарбек (6775 киши), Пастдархон (5762 киши); Тошкент туманида А. Навоий (7716 киши), Шамсиобод (7499 киши), Кенсой (7137 киши) ва ҳ.к.

Кўриниб турибдики, бевосита шаҳарга туташ қишлоқ жойларда, яъни Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманларида янги шаҳарчалар кўпроқ ташкил этилган. Демак, Тошкент агломерациясида шаҳарлар зичлиги, ҳакикий урбанизация даражаси янада ошган. Шу билан бирга чеккароқ ҳудудларда бундай шаҳарчалар озроқ. Масалан, Янгийўл ва Паркент туманларида уларнинг сони 3 тадан, Юқоричирчиқ, Пискент ва Қуйичирчиқда иккитадан, Оққўрғонда эса атиги битта (Ҳамзаобод).

Шундай қилиб, бир томондан 3 та катта шаҳарнинг борлиги, кўпчилик шаҳар жойларнинг Тошкент ҳамда Ангрен-Олмалиқ агломерациялари доирасида эканлиги, иккинчи томондан, чекка ҳудудларда майда шаҳарчаларнинг жойлашганлиги Тошкент вилоятининг ҳақиқий урбанистик ҳолатини белгилаб беради. Юқорида (10.2-жадвалда) келтирилган шаҳарлардан ташқари вилоят аҳоли географиясида Паркент (50,0 минг), Пискент (34,0 минг), шунингдек, Ғазалкент, Бўка, Салар, Келес, Чиноз ва Тўйтепа шаҳарларининг ҳар бирида 20,0 минг кишидан зиёд аҳоли яшайди, қолганлари эса кичик ва майда шаҳарлар синфига тааллуқли.

Тошкент вилоятида жами 875 та қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари бор, уларнинг ҳар бирига ўртача 1456 киши тўғри келади. Каттароқ қишлоқлар бевосита Тошкент шаҳрига яқин жойларда ҳамда суғорма деҳқончилик ривожланган Бўка, Бекобод, Оққўрғон, Пискент туманларида жойлашган. Вилоятнинг қишлоқлари республикамизнинг бошқа минтақалари қишлоқ жойларига қараганда анча урбанизациялашган.

Пойтахт вилояти демографик вазиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг аҳолисини кўп миллатлигидир. Бу ерда туб миллат ўзбеклардан ташқари рус, татар, корейс, тожик, қирғиз, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. 2008 йил маълумотларига қараганда, ўзбеклар жами вилоят аҳолисининг 64,3 фоизини, руслар 7,0 фоизни, қозоқлар 13,5 фоизни, тожиклар 5,3

фоизни ташкил қилади. Рус ва татарлар асосан шаҳарларда, қозоқ ва тожиклар кўпроқ Бўстонлиқ туманида, қирғизлар Бўкада, корейслар Юқори ва Ўртачирчиқ туманларида истикомат қилишади.

Вилоятда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 1467,8 минг, иқтисодиётда банд бўлганлар 1109,1 минг киши (2000 йилда бу кўрсаткичлар 1291,1 ва 989,8 минг киши бўлган). 2009 йилда жами банд аҳолининг 70,7 фоизи моддий ишлаб чиқаришда, шу жумладан, саноатда 20,2 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 27,7 %, транспорт ва алоқада 3,1 %, қурилишда 7,1 %, савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминотида 8,7 % фаолият кўрсатишади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳалари таркибида таълим, маданият, санъат, фан ва илмий тадқиқот ишларида 12,2 %, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг номоддий тармоқларида 2,4 % иқтисодий фаол аҳоли банд.

2009 йилда вилоят бўйича 85,3 минг янги иш ўринлари ташкил қилинган, уларнинг 72,2 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда янги иш ўринларининг асосий қисми яратилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятида юкори малакали ва маълумотли меҳнат ресурслари бошқа минтақаларга қараганда кўпроқ. Бу ҳам бўлса унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади.

Минтақа иқтисодиёти, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркиби. Тошкент вилояти республикамиз ҳудудий меҳнат тақсимотида ўзининг кўп тармоқли иқтисодиёти билан ажралиб туради. Вилоят саноат ишлаб чиқаришида машинасозлик, кўмир, электр энергия, курилиш материаллари, минерал ўғитлар, енгил ва озиқ-овқат саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Агроиктисодиёт тизимида эса пахта, мева ва узум етиштириш, гўшт ва сут чорвачилиги, шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган. Ўзбекистонда бундай мукаммал ва мураккаб тизимга эга бўлган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси бошқа минтақаларда шаклланмаган.

2009 йил якунларига кўра, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 27,5 фоизи саноатга, 25,8 фоизи қишлоқ хўжалигига, 13,4 фоизи транспорт ва алокага, 7,6 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 4,4 фоизи қурилишга тўғри келади. Агар минтақада қишлоқ хўжалигини маълум даражада саноатлашганлиги ҳисобга олинса, унинг иқтисодиётини индустриал-аграр йўналишда эканлигини эътироф этиш мумкин. Шу билан бирга юқоридаги кўр-

саткичлар республика бошқа ҳудудлари билан таққослаганда қурилиш кўрсаткичининг энг пастлиги, транспорт ва алоқанинг эса энг юқорилиги кўзга ташланади.

Кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши 51,4 %. Бу борада вилоят анча орқада туради. Таққослаш учун: Сирдарё вилоятида у 74,5%, Жиззахда 73,5%, Наманганда 71,9% ва Самарқанд вилоятида 71,1% фоизини ташкил қилади.

2010 йилнинг 1 январ ҳолатига вилоятда жами 34,7 минг кичик бизнес субъектлари расмийлаштирилган. Вилоят бўйича саноат маҳсулотининг 16,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 55,7 фоизини айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик таъминлайди. География нуқтаи назардан қаралганда эса Паркент туманининг 100 фоиз саноат маҳсулоти, Пискент, Бекобод, Бўка, Оққўрғон туманларининг 100 фоиз қурилиш ишлари мазкур соҳа зиммасига тушади.

Албатта, ҳар қандай ҳудуд ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодиётнинг ривожланиши энг аввало капитал қўйилмаларга боғлиқ. 2009 йилда жами инвестиция ҳажми 1247,3 миллиард сўмни ташкил қилган. Унинг каттароқ қисми Қибрай (6,9 %), Ангрен ва Янгийўл (5,6% фоиздан) шаҳарларига тегишли. Мазкур йилда капитал қўйилмаларнинг нисбатан пастроқ кўрсаткичи Пискент, Бекобод ва Оҳангарон туманларида ва Оҳангарон шаҳрида кузатилади. Қурилиш ишлари инвестиция ва капитал қўйилмаларни амалга тадбиқ қилишнинг асоси ҳисобланади. Бу борада Ангрен шаҳри (12,3%), Қибрай (11,0%), Юқоричирчиқ (8,5%), Бўстонлиқ (6,8%), Янгийўл (6,0%) ажралиб туради. Пискент, Қуйичирчиқ туманларида эса кўрилаётган йилда унча катта қурилиш ишлари олиб борилмаган (10.4-жадвал).

Саноати. Юқорида таъкидланганидек, Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқаришининг турли тармоқлари мавжуд. Бунга минтақанинг минерал хом ашё ва меҳнат ресурслари, транспорт ва иқтисодий географик ўрни катта таъсир кўрсатган.

Вилоятнинг кўп тармоқли саноат ишлаб чиқаришининг таркиби 2009 йилда қуйидагича бўлган (жами маҳсулотга нисбатан фоизда):

Ёқилғи-энергетика	2,2 %;	Рангли металлургия	27,7%;
Қора металлургия	14,5%;	Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	5,6%;

Кимё ва нефть кимёси	11,5%;	Қурилиш материал-лари саноати	10,7%;
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза қоғоз	1,6%;	Озиқ-овқат саноати	13,8%;
Енгил саноат	10,5%;	Бошқа саноат тармоқлари	1,9%;

Вилоятда жами 2921 та саноат корхоналари, шу жумладан, 86 та йирик корхоналар мавжуд. Уларнинг барчасида 47,3 минг ишчи ва хизматчилар банд. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда озиқ-овқат маҳсулотлари (41,4 %) етакчилик қилади. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари 30,9 %, вино-ароқ ва пиво ичимликлари 27,7 фоизни ташкил қилади. Аҳоли жон бошига кўрилаётган 2009 йилда 292,6 минг сўмлик ХИМ ишлаб чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткич Оҳангарон шаҳрида (1184,2 минг сўм), Қибрай (888,3 минг сўм), Зангиота (865,9 минг сўм) анча юқори. Бекобод, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка, Паркент, Пискент, Чиноз туманларида эса у 100 минг сўмга ҳам етмайди. Келтирилган кўрсаткичлар 2000 йил маълумотларига таққосланса, металлургия, хусусан, рангли металлургия, кимё ва нефть кимёси саноат тармоқларининг юқори суръатларда ривожланишини илғаш мумкин. Айни вақтда анъанавий енгил ва машинасозлик саноатининг улушлари бирмунча пасайган.

Тошкент вилояти қудратли электр энергетика базасига эга. Бу ерда 19 та ГЭСдан иборат Чирчиқ-Бўзсув каскади, қатор ИЭС мавжуд. Сув электр станциялари орасида энг каттаси Чорбоғ ГЭС ҳисобланади (қуввати 660 минг кВтдан ортиқ). Тошкент ИЭСнинг қуввати 1920 минг кВт га яқин, Янги Ангрен ИЭСники 2400 минг кВт (Нуробод шаҳарчаси). Шунингдек, Ангрен шаҳрида Ангрен - 1 ИЭС (600 минг кВт) ҳам ишлаб турибди. Иссиқлик электр станциялари кўмир, мазут ва газ асосида ишлайди. 2009 йилда вилоятда 18,7 млрд. кВт/соат электр энергия (2000 йилда 21,6 млрд. кВт/соат) ишлаб чиқарилган. Бу республикага нисбатан 37,4 % демакдир.

Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг асосий кўмир ишлаб чиқарадиган минтақаси ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ангрен конидан кўмир қазиб олиш бироз ривожланмоқда (3338 минг тонна). Бу ердан олинадиган қўнғир кўмир иссиқлик электр станцияларда ва коммунал хўжаликларда ишлатилади. Ангрен ҳавзаси республика кўмирининг 95,0 фоизини беради. Ушбу кондан кўмир катламлари

орасида жойлашган каолин ҳам олинади. У керамика ва алюминий саноати учун хом ашё ҳисобланади. Ҳозирда "Каолин" қўшма корхонаси ҳам ишлаб турибди.

Қора металлургия вилоят саноатининг асосий тармоқларидан биридир. Бу ерда ўтган асрнинг 40-йилларида Бекобод (Ўзбек) тўлиқ циклга эга бўлмаган металлургия комбинати қурилган. У темир-терсакдан фойдаланади. Комбинат Ўрта Осиёда ягона корхона ҳисобланади. Корхонада 2009 йилда 731 минг тонна пўлат ва 687 минг тонна тайёр прокат ишлаб чиқарилган. Бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мазкур маҳсулотнинг 100 фоизини ташкил қилади.

Тошкент вилоятининг энг етакчи саноат тармоғи рангли металлургия минтақа ялпи саноат маҳсулотининг 27,7 фоизини беради. Бу борада энг аввало Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ажралиб туради. Комбинатда мис, қўрғошин, рух ва бошқа нодир ҳамда қимматбаҳо металлар олинади. Бундан ташқари, Ангренда олтин бойитиш фабрикаси, Чирчиқда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли қотишмалар комбинати бор. Комбинат Ингичка (Самарқанд вилояти) ва Қўйтош (Жиззах вилояти) вольфрам ва молибден конлари асосида ишлайди.

Кимё ва нефть кимёси саноатининг етакчи корхоналари Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларида жойлашган. Кўрилаётган йилда 502 минг тонна сунъий аммиак, 459 минг тонна минерал ўғитлар (азот, аммофос) ва 225 минг тонна карбамид тайёрланган. Шунингдек, бу тармоққа "Махам Чирчиқ" ОАЖ, Олмалиқ маиший кимё заводлари ва бошқа корхоналар ҳам киради. Тошкент вилояти республиканинг 39,7 % сунъий аммиак, 42,8 % минерал ўғитлар ва 43,8 % карбамидини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати маълум сабабларга кўра бироз суст ривожланмоқда. Вилоятда трактор култиваторлари (1,7 минг дона), шунингдек, компрессор, трансформатор ва бошқа машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Асосий маркази – Чирчиқ шаҳри. Бу ерда Чирчиқ метал қурилмалари, "Чирчиққишмаш", "Трансформатор", "Ўзбеккимёмаш" каби йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Тошкент туманида "Хайтек кабел" қўшма корхонаси, Тўйтепада метал қурилмалари заводи ҳам бор.

Қурилиш материаллари саноати вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзига хос асос, муҳим инфратузилма сифатида

катта аҳамиятга эга. Ушбу саноат тармоғининг етакчи корхоналари Бекобод ва Оҳангарон шаҳрида жойлашган. Бир йилда 2670 минг тонна цемент (Ўзбекистон Республикасига нисбатан 39,0 %), 281 млн. шартли плитка шифер, 128 минг куб метрга яқин йиғма темир-бетон қурилмалари ишлаб чиқарилган. Маҳсулот қийматига кўра "Бекободцемент" ва "Оҳангаронцемент" ОАЖ олдинда туради. Шунингдек, Бекобод ва Оҳангарон шифер ишлаб чиқарувчи заводлар, Бўстонлик туманидаги энергия қурилиш индустрияси корхонаси, Қибрай тумани ғишт заводлари ҳам мазкур тармоқ ривожланишида салмокли ўринларга эга. Бўстонлик туманида (Искандар шаҳарчаси) "Ғазалкент ойна", Ғазалкент шаҳрида мармарни қайта ишлаш (қирқиш) заводлари ишлаб турибди.

Енгил саноат маҳаллий хом ашё ва кўп сонли меҳнат ресурслари ҳамда аҳоли эҳтиёжи - истеъмол омиллари таъсирида шаклланган. Бу ерда 10 га яқин пахта тозалаш заводлари бор; энг йириклари Алимкент, Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ туманларида жойлашган. Ўртача бир йилда 75-80 минг тонна пахта толаси тайёрланади. Ўртачирчиқ туманида "Spen tex Тойтепа текстил" қўшма корхонаси ташкил этилган, Олмалиқ шаҳрида гилам фабрикаси бор.

Таҳлилларга кўра, вилоятда трикотаж маҳсулотларини тайёрлаш бироз ривожланиб бораётган бўлсада, газлама, гилам ва гилам маҳсулотлари, пайпоқ ишлаб чиқариш кўрсаткичлари сўнгги йилларда кескин пасайган. Тўқимачилик корхоналари Чиноз, Янгийўл ва бошка шаҳарларда, асосан хорижий инвестициялар кўмагида фаолият кўрсатмоқда. Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида пойабзал саноати ҳам жойлашган, Чирчиқда "Ғунча" ОАЖ ишлаб турибди.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондиришда озиқ-овқат саноатининг аҳамияти катта. Ушбу тармоқ вилоят жами саноат маҳсулотининг 13,8 фоизини беради ва бу борада у рангли ва қора металлургиядан кейинги 3-ўринда туради. Бир йилда 1,8 минг тонна балиқ овланади, кўплаб нон ва нон маҳсулотлари, сут, ўсимлик ёғи, маъданли сувлар ва вино, арақ, пиво ишлаб чиқарилади. Тайёрланадиган ун ҳар йили 65-100 минг тонна, ўсимлик ёғи 10-15 минг тонна, омухта ем 30-40 минг тонна оралиғида тебраниб туради. Ушбу саноат тармоғининг асосий корхоналари Янгийўл ёғ-мой ва кондитер корхоналари, Олмалиқ пиво, Қибрай пиво ва Паркент шампан заводлари, Қибрай ва Тошкент

туманларининг мева-шарбат корхоналари, "Оҳангарондон" ОАЖ ва бошқалар. Булар қаторида Бўстонлиқ, Қуйичирчиқ, Зангиота туманларида ҳам озиқ-овқат саноатининг турли хил корхоналари бор. Ўртаовулда йирик гўшт комбинати жойлашган, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар Ангрен, Ғазалкент, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларида ташкил этилган. Таъкидлаш лозимки, вилоятда озиқ-овқат саноатининг ривожланиши бу ерда йирик мегаполис – Тошкент шаҳри жойлашганлиги, катта истеъмол омилининг мавжудлиги билан ҳам тавсифланади.

Вилоят саноат географиясида, энг аввало, Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари, шунингдек Ўртачирчиқ ва Қибрай туманлари ажралиб туради (10.4-жадвал). Биргина Олмалиқ шаҳри пойтахт вилояти саноат маҳсулотининг деярли 1/3 қисмини беради. Бекобод шаҳрининг улуши 18,0 %, Чирчиқ шаҳриники 12,2 %. Шу билан бирга, Ангрен ва Янгийўл шаҳарларининг саноат салоҳияти жуда паст: 3,3 ва 1,9 %; Бўка, Паркент, Пискент, Оҳангарон туманларида қишлоқ саноати ўта суст даражада. Қибрай туманида мустақиллик йилларида фармацевтика ва тиббиёт жиҳозлари тайёрловчи корхоналар қурилган.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда вилоят бўйича 1291 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Бундан юқори кўрсаткичларга Олмалиқ, Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари эга. Қишлоқ туманлари орасида эса нисбатан каттароқ даража Ўртачирчиқ, Қибрай ва Тошкент туманларида қайд этилади (700-800 минг сўм атрофида).

Вилоят саноатини ҳудудий ташкил этишда энг аввало Ангрен - Олмалиқ тоғ-кон саноати кўзга ташланади. Саноат марказлари сифатида Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон, Янгийўл кабиларни белгилаш мумкин. Қолган шаҳар жойларнинг кўпчилиги саноат пункти даражасида.

Минтақада саноатнинг келажакда ривожланиши, энг аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тармоқлар таркибини диверсификациялаш, мавжуд минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда экологик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ. Айниқса, оғир саноат марказлари – Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларини депрессив ҳолатданчиқариш, ўсиш қутб ва марказларини, янги саноат тугунларини шакллантириш, қишлоқ саноатининг жадал ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

10.4 - жадвал

Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг ҳудудий тузилиши

(2009 й., жами вилоятга нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Олмалиқ ш.	31,9	3,8	0,4	5,4	5,1	6,5	6,7	34,3	14,8
Ангрен ш.	3,3	2,9	1,2	5,6	12,3	7,0	6,7	0,1	1,7
Оҳангарон ш.	5,7	5,1	0,4	1,1	2,0	3,4	1,6	1,8	2,3
Бекобод ш.	18,1	3,9	0,5	4,8	5,4	4,4	4,2	16,2	16,8
Чирчиқ ш.	12,2	7,4	0,6	4,8	4,2	4,9	11,4	8,5	10,6
Янгийўл ш.	1,9	5,5	0,3	5,6	2,7	5,1	10,8	0,0	0,4
Бекобод т.	1,1	1,1	8,8	1,1	3,0	2,1	2,9	0,0	0,1
Бўстонлиқ т.	1,9	4,5	7,2	1,7	6,9	4,2	3,5	1,9	1,7
Бўка т.	0,9	1,1	5,5	1,2	3,4	3,7	1,0	0,0	0,0
Зангиота т.	3,5	19,6	6,6	2,9	4,8	16,6	11,0	1,7	4,7
Оҳангарон т.	0,7	0,8	3,9	1,1	4,8	1,1	1,2	5,2	0,7
Оққўрғон т.	1,0	1,0	6,1	1,2	2,3	2,6	1,5	0,0	0,0
Паркент т.	0,7	1,7	4,8	1,7	4,1	4,0	3,3	1,5	1,4
Пискент т.	0,8	0,7	6,0	0,9	1,7	2,1	1,4	0,0	0,2
Тошкент т.	3,3	10,8	5,3	3,6	4,0	7,0	6,9	1,1	3,3
Чиноз т.	1,2	1,4	6,8	1,3	3,6	2,7	5,4	0,7	1,3
Юқоричирчиқ т.	1,3	2,3	5,3	1,3	8,5	4,1	2,7	0,4	0,7
Янгийўл т.	1,1	2,4	7,2	1,9	6,0	1,6	3,3	1,6	1,1
Ўртачирчиқ т.	4,2	2,2	7,3	1,5	2,4	4,2	3,8	5,4	1,2
Қибрай т.	4,1	20,0	7,8	6,9	11,0	5,0	7,6	2,6	7,9
Қуйичирчиқ т.	1,1	1,8	6,5	1,1	1,6	4,0	3,2	0,3	0,2

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги. Тошкент вилояти республикамизда нисбатан юқори урбанизацияланган ва саноатлашганлиги билан бир қаторда катта агроиқтисодий салоҳиятга ҳам эга. Минтақа мамлакат қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 13,3 фоизини беради, унинг ҳудудий маҳсулоти таркибида эса бу макроиқтисодий тармоқ 25,8 фоизга тенг. Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланишига агроиқлимий шароит, меҳнат ресурслари, бирмунча сув ресурслари билан яхши таъминланганлиги, ирригация инфратузилмасининг барпо этилганлиги ҳамда йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияси таъсирида катта истеъмол омилининг мавжудлиги сабаб бўлган.

Вилоят ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотида деҳқончилик устунлик қилади (2009 й. -56,7 %). Ушбу маҳсулотнинг 35,2 фоизини фермер хўжаликлари беради. Фермер хўжаликлари асосан деҳқончиликда, хусусан, пахта, буғдой ва бошқа экинларни етиштиришда катта мавқега эга.

Пойтахт вилоятида қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 577,5 минг га ёки умумий ер майдонининг 38,7 фоизига тенг. Албатта, бу рақам, минтақа қисман тоғли ҳудудлардан иборат эканлиги сабабли, унча катта эмас. Суғориладиган ерлар 334,1 минг га бўлиб, улар жами қишлоқ хўжалик ерларининг 59,6 фоизини ташкил қилади. Бундай майдонлар нисбати, хусусан, Зангиота, Куйичирчиқ, Тошкент, Янгийўл туманларида катта, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманларида эса энг кичик (10.5-жадвал).

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 58,8 фоизига турли хил экинлар экилади. Экин майдонлари кўп ёки интенсив қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик) ривожланган туманлар Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Чиноз, Оққўрғон, Бекобод кабилардир. Айни пайтда бундай ерлар улуши Бўстонлиқ (15,9 %), Паркент (28,0 %) ва Оҳангарон (30,2 %) туманларида сезиларли даражада паст. Бироқ айнан шу ҳудудларда пичанзор ва яйловлар катта майдонларни эгаллайди.

Жами экин майдони 350 минг гектарга яқин, унинг 83,7 фоизи фермер хўжаликлари тасарруфида. Донли экинлар 157,0 минг га ёки жами экин майдонининг 44,8 фоизини эгаллайди (10.1-расм). 2009 йилда 758,5 минг тонна турли хил дон (асосан буғдой - 644,5 минг тонна) ялпи ҳосил олинган, ҳосилдорлик 47,4 ц/га. Донли экинлар таркибида 10 минг гектарга яқин майдонда маккажўхори экилиб, ундан 56 минг тоннага яқин ҳосил олинган.

10.5-жадвал

Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

(2008 й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланила диган ерлар, минг га	Шу жумладан суғорила диган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзор лар	бўз ерлар	ичанзор ва яйловлар
Бекобод	75,6	46,4	39,8	85,3	2,6	0,8	11,3
Бўстонлик	493,0	83,7	10,2	15,9	6,8	-	77,3
Бўка	59,0	45,2	35,8	78,6	2,6	0,3	18,4
Зангиота	22,4	10,4	9,7	78,8	16,8	-	4,4
Оҳангарон	318,4	105,3	22,8	30,2	2,4	0,07	67,3
Оққўрғон	40,0	30,8	26,8	85,0	2,3	-	12,7
Паркент	108,0	54,0	11,7	28,0	14,8	0,1	57,1
Пискент	79,4	31,2	22,2	71,8	2,2	-	25,9
Тошкент	16,5	8,0	7,8	71,2	26,9	-	2,0
Чиноз	34,0	21,4	19,2	86,9	4,6	-	8,5
Юқоричирчиқ	44,0	29,4	23,2	81,8	2,8	-	15,4
Янгийўл	42,3	24,0	23,0	81,8	13,7	0,2	4,3
Ўртачирчиқ	49,0	33,0	29,8	91,8	3,2	-	5,8
Қибрай	55,5	17,4	14,9	81,6	16,6	-	1,8
Қуйичирчиқ	55,8	37,3	37,0	94,9	4,1	0,3	0,8
Вилоят жами	1493,4	577,5	334,1	58,8	6,0	0,1	35,1

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана" - Ташкент, 2008.

10.1-расм

Тошкент вилояти экин майдонлари таркибий тузилиши



Асосий қишлоқ хўжалик экинларидан пахта 106,1 минг гектарни эгаллайди; ялпи хосил 259 минг тонна, ҳосилдорлик 24,4 ц/га. Пахта кўпроқ Бўка, Оққўрғон, Пискент, Чиноз ва Бекобод туманларида экилади. Шоли кўрилаётган йилда 6,0 минг гектарда етиштирилган (Бекобод тумани), ялпи ҳосил 27,0 минг тонна. Бошқа техника ва мойли экинлардан кейинги йилларда масхар ва кунгабоқарнинг ҳам майдонлари кенгайиб бормоқда.

Кўп миллионли Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун катта миқдорда картошка ва сабзавот етиштириш талаб этилади. 2009 йилда 7,7 минг га ердан 251 минг тонна картошка олинган. Барча турдаги сабзавотларга эса 31,3 минг га майдонлар ажратилган бўлиб, 1193,0 минг тонна хосил етиштирилган. Сабзавот ва картошкага асосан Тошкент шаҳри атрофи хўжаликлари, шунингдек, Бекобод, Пискент ва Чиноз туманлари ихтисослашган. Полизчилик ҳам текислик ҳудудларда жойлашган қишлоқ туманларида кўпроқ ривожланган. Тошкент вилоятида, хусусан, тоғли ҳудудларда ўрнашган Бўстонлиқ ва Паркент туманларида боғдорчилик яхши йўлга қўйилган. Олдинги йилларда бу қишлоқ хўжалиги тармоғи Янгийўл туманида ҳам ривожланган эди. Ҳозирги вақтда турли хил мевалар 17,3 минг гектардан 130 минг тоннадан кўпроқ ҳосил олинган. Узумчилик ҳам боғдорчилик билан бирга ҳудудий ташкил этилади. Узум етиштиришда Паркент туманига нафақат вилоятда, балки республикада ҳам рақобат йўқ. Таҳлил қилинаётган йилда у 13 минг гектардан кўпроқ майдонни эгаллаган ва 100 минг тоннадан зиёдроқ ҳосил тайёрланган.

Вилоятда чорвачиликнинг асосан сут-гўшт йўналиши кўпроқ ривожланган. Жами 590 минг бош йирик шохли қорамол, 613 минг

бош қўй ва эчкилар боқилади. Отлар сони ҳам нисбатан кўпроқ - 37,7 минг бош. 2009 йилда тирик вазнда 156,6 минг тонна гўшт, 531,6 минг тонна сут, 743 млн. дона тухум, 1,5 минг тоннага яқин жун ва шунчалик миқдорда пилла етиштирилган. Паррандачилик кўпроқ Қибрай, Зангиота туманларида ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги географиясида (10.4-жадвал маълумотлари бўйича) Бекобод (8,8 %), Қибрай (7,8 %), Ўртачирчиқ (7,3 %) ва Янгийўл (7,2 %) туманлари олдинда. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса (ўртача 656 минг сўм хар бир кишига) Оққўрғон, Бекобод, Қуйичирчиқ ва Пискент туманлари етакчи. Уларда бу кўрсаткич 1000-1100 минг сўмга етади.

10.6-жадвал

Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудий таркиби (вилоят жамига нисбатан фоизда, 2009 й.).

т/р	Қишлоқ туманлари	бошоқли дон	сабзавот	картошка	мева	узум	гўшт	сут	тухум	йирик шоли қорамол	қўй ва эчкилар
1	Бекобод	9,7	12,8	6,7	4,4	0,9	6,8	9,7	1,7	8,1	4,0
2	Бўстонлик	2,5	9,1	9.6	12,4	10,5	7,8	9,3	2,2	7,7	13,3
3	Бўка	12,1	1,6	3,8	1,7	0,3	6,1	6,5	1,7	8,1	6,4
4	Зангиота	1,6	8,2	6,3	8,0	5,3	7,6	6,0	13,1	5,2	2,2
5	Оҳангарон	5,7	2,7	1,4	3,2	6,4	5,0	5,3	1,1	6,9	20,9
6	Оққўрғон	8,1	6,0	4,6	3,7	0,7	5,5	6,5	2,4	7,0	3,3
7	Паркент	2,6	2,2	2,2	6,6	36,7	4,4	5,7	0,2	6,0	12,5
8	Пискент	8,3	5,0	11,2	1,6	1,7	5,1	6,3	3,5	6,2	5,9
9	Тошкент	1,6	6,3	7,8	7,4	9,2	5,0	5,1	6,2	3,4	1,6
10	Чиноз	6,0	8,7	11,6	3,5	1,1	5,8	5,9	1,9	5,9	4,1
11	Юкоричирчиқ	10,7	3,5	3,4	6,4	2,4	5,7	6,3	3,0	6,0	2,4
12	Янгийўл	6,0	9,6	5.8	17,3	9,4	5,9	6,3	3,8	6,3	5,4
13	Ўртачирчиқ	10,6	5,9	6,6	2,0	0,9	8,9	5,7	12,5	6,6	5,4
14	Қибрай	2,6	7,1	11,3	12,4	5,9	5,6	5,3	42,2	5,2	3,1
15	Қуйичирчиқ	11,8	4,8	5,4	2,9	4,1	4,6	6,4	2,8	5,8	1,6
	Шаҳар жойлар	0,0	6,5	2,2	6,4	4,3	10,2	3,8	1,7	5,5	7,2

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

10.6-жадвалда вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳудудий таркиби келтирилган. Бу маълумотларга кўра ғалла етиштиришда Бўка, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари пешқадам. Сабзавот бўйича Бекобод, картошкада Чиноз, Пискент, Қибрай ажралиб туради. Боғдорчилик Янгийўл, Қибрай ва Бўстонлиқ туманларида ривожланган; уларнинг ҳиссаси вилоят бўйича етиштирилган меваларда 42,1 %. Узумчилик эса Паркент туманидан ташқари (36,7 %) Бўстонлиқ туманида ҳам қисман ривожланган. Мазкур икки туман вилоят узумининг ярмига яқинини беради.

Чорвачилик географиясида ҳам анча фарқлар кўзга ташланади. Масалан, йирик шохли қорамоллар Бекобод ва Бўка, қўй ва эчкилар эса Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманларида кўпроқ боқилади. Бу тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган туманларга вилоят қўй ва эчкиларининг 1/3 қисмидан ортиғи тўғри келади.

Вилоятда, 2009 йил якунлари бўйича, жами 7471 та фермер хўжаликлари қайд этилган, умумий ер майдони 445 минг га, ишчи ва хизматчилар сони 118,3 минг киши. Ҳар бир фермерга ўртача 59,6 га ер ва 15,8 кишидан ишчи тўғри келади.

Ер майдони кўрсаткичларига қараганда энг катта майдонлар Ўртачирчиқ, Бекобод, Бўстонлиқ, Чиноз туманларида кузатилади. Жумладан, Бўстонлиқ туманида ҳар бир фермерга 109,7 га ер тўғри келади (бу туман қишлоқ хўжалигининг ихтисослашувига боғлиқ). Юқоридаги қолган туманларда мазкур кўрсаткичлар 80 гектардан ортиқроқ. Айни вақтда Қибрай ва Зангиотада, яъни Тошкент шаҳри атрофи хўжаликларида фермерларнинг ер майдони энг кам (мос ҳолда 19 ва 26 гектардан). Ишчи ходимлар сонига кўра юқори кўрсаткичлар Қуйичирчиқ ва Бўка туманларида. Уларда ташкил этилган фермер хўжаликларининг ҳар бирида 30-35 кишидан ишчи банд. Ишчиларнинг энг кам сони Оҳангарон (ўртача 6,2 киши), Паркент (4,8), Қибрай (4,2), Бўстонлиқ (4,3 ишчи ва ходимлар) туманларида қайд этилади.

Фермер хўжаликлари вилоят ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 35,2 фоизини етиштирган ҳолда, бу борада Қуйичирчиқ, Чиноз, Янгийўл ва Пискент туманлари ажралиб туради (10.7-жадвал). Шу билан бирга мулкчиликнинг бу шакли Зангиота ва Қибрай туманларида бирмунча суст роқ ривожланган.

Ижтимоий соҳалар географияси. Баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш, аҳоли турмуш шароити ва даражасини яхшилаш

кўп жиҳатдан ижтимоий соҳалар, ижтимоий инфратузилма тизимини ривожланишига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, мустаҳкам иқтисодий заминга асосланади.

Тошкент вилоятида ижтимоий соҳаларнинг барча тармоқлари ривожланган. Бунга унинг географик жойлашган ўрни, пойтахт минтақаси эканлиги, малакали ишчи кадрлар ва фан техника салоҳиятининг мавжудлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Вилоятда номоддий соҳаларда жами иқтисодиётда банд аҳолининг 30 фоизга яқини хизмат қилади.

2009 йилда аҳоли жон бошига 719 минг сўмлик ҳажмда чакана савдо айланмаси бажарилган. Ҳудудий таркибда унинг энг катта қисми, яъни 16,6 фоизи Зангиота туманига тўғри келади. Тошкент, Қибрай ёки бошқача қилиб айтганда, пойтахтга туташ ҳудудларнинг ҳам бу борадаги кўрсаткичлари анча юқори - 7,0 ва 5,0 %. Шаҳарлар миқёсида эса Ангрен ва Олмалиқ олдинда туради. Айни вақтда Оҳангарон ва Янгийўл туманларида бу кўрсаткич жуда паст (10.4-жадвал).

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳам Зангиота ва Тошкент туманлари ажралиб туради; мос ҳолда 1804 ва 901 минг сўмдан. Шу билан бирга Янгийўл шаҳрининг ҳам бундай функцияси нисбатан ривожланган (1457 минг сўм). Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, шаҳарларнинг савдо, пуллик ёки бошқа хизмат турларининг нисбий кўрсаткичлари, одатда, жуда юқори бўлади. Сабаби шаҳарлар нафақат ўзининг аҳолисига, балки яқин атрофдаги қишлоқ аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади. Бу уларнинг шаҳар ёки район ҳосил қилувчи функцияси - вазифаси доирасига киради. Жумладан, вилоятда бажарилган пуллик хизматларнинг 22,2 фоизи фақат икки шаҳар, яъни Чирчиқ ва Янгийўл зиммасига тушади. Қишлоқ туманлари миқёсида эса Зангиота тумани етакчи - 11,0 %. Бироқ пуллик хизматларнинг ҳудудий кўрсаткичларида Бўка, Оҳангарон, Пискент туманлари унча кўзга ташланмайди.

Аҳоли жон бошига олинганда вилоятда ўртача 156,4 минг сўм, энг баланд кўрсаткич Янгийўл шаҳри ва Зангиота туманида (674,6 минг сўм) кузатилади. Бўка, Оҳангарон, Пискент, Бекобод туманлари аҳолисига эса ўртача атиги 37-63 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган.

Вилоятда тиббиёт муассасалари сони 544 та, шундан бюджет тизимида 398 та. Ҳар 10 минг кишига 38,3 та бемор ўринлари, 21,5

10.7 - жадвал

Тошкент вилояти фермер хўжаликлари ҳақида маълумотлар

(2009 й.)

	Қишлоқ туманлари	Фермер хўжаликлари сони	Бирик тирилган ер майдони, минг га	Ишлайдиган ходимлар, минг киши	1 фермер хўжалигига тўғри келадиган:		Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотидаги улуши, %
					ер майдони, га	ишчи ходимлар сони	
	Вилоят жами	7471	445,0	118,3	59,6	15,8	35,2
1	Бекобод	517	43,4	11,8	83,9	22,8	33,3
2	Бўстонлиқ	437	47,9	1,9	109,7	4,3	30,6
3	Бўка	604	43,8	20,9	72,5	34,6	38,8
4	Зангиота	315	8,3	3,2	26,4	10,2	25,9
5	Оҳангарон	560	41,9	3,5	74,8	6,2	31,3
6	Оққўрғон	437	27,7	9,7	63,4	22,2	38,8
7	Паркент	1054	37,3	5,1	35,4	4,8	38,5
8	Пискент	382	29,1	7,7	76,3	20,1	40,3
9	Тошкент	289	6,0	4,0	20,9	13,8	43,8
10	Чиноз	254	21,2	6,8	83,4	26,8	42,4
11	Юқоричирчиқ	343	27,6	6,5	80,4	18,9	38,7
12	Янгийўл	437	25,7	10,9	34,9	14,8	41,9
13	Ўртачирчиқ	390	34,5	7,0	88,4	17,9	37,7
14	Қибрай	548	10,5	2,3	19,1	4,2	28,3
15	Қуйичирчиқ	555	39,4	16,9	71,1	30,4	47,4

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

нафар врачлар ва 99,4 киши ўрта тиббиёт ходимлари тўғри келади. Қишлоқ врачлик пунктлари жами 261 та, ҳар бир қишлоқ туманига – 17,4, ҳар 3,4 та қишлоқ аҳоли пунктига 1 тадан ҚВП хизмат кўрсатади. Ҳар 100 минг аҳолига нисбатан касалланганлар сони вилоят бўйича 2009 йилда 41,4 минг киши. Бу кўрсаткич Бекобод шаҳри, Чиноз ва Янгийўл туманларида юқорироқ, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Паркент ва Оққўрғонда эса пастроқ.

Касалхонадаги ўринлар билан таъминланишида ҳам ҳудудий тафовутлар мавжуд. Чунончи, ҳар 10 минг кишига вилоятда 38,3 та бемор ўринлари тўғри келган ҳолда, у Янгийўл, Олмалиқ, Ангрен шаҳарларида 60-70 тани ташкил қилади. Бироқ қишлоқ жойларда бу борада ҳозирча тўлиқ ҳал қилинмаган муаммолар бор. Масалан, Янгийўл туманида бу кўрсаткич атиги 14,1, Оққўрғонда 19,1 ва ҳ.к.

Аҳоли соғлиғини сақлаш ва унинг кундалик ҳаётида табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланганлик муҳим ўрин тутади. Вилоятда табиий газ билан ўртача 84,0 фоиз аҳоли таъминланган. Қизиғи шундаки, кўпгина ўрта ва катта шаҳарларда мазкур даража 100 фоизга тенг бўлган шароитда у Ангрендек шаҳарда бор-йўғи 37,3 %. Бу кўрсаткич ҳатто қишлоқ туманлари даражасидан ҳам паст. Зангиота, Тошкент, Юқоричирчиқ аҳолиси табиий газдан тўлиқ фойдаланади, фақат Бўка, Пискент, Бекобод, Оққўрғон ва Оҳангарон туманларида бироз муаммолар бор.

Ичимлик суви билан таъминланганлик кўрилаётган 2009 йилда ўртача 82,0 %; шаҳарларнинг кўпчилигида у 100 фоиз. Қишлоқ туманлари миқёсида эса Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Оққўрғон туманлари анча орқада. Ўртача даражадан юқорироқ кўрсаткич фақат Тошкент ва Қибрай туманларида қайд этилади.

Пойтахт вилоятида таълим тизими ҳам бошқа минтақаларга қараганда анча ривожланган. Бу ерда жами 888 та умумтаълим мактаблари бор. Уларда 408,7 минг нафар ёки ҳар бир мактабда 460,2 тадан ўқувчи таълим олади. Академик лицейлар 6 та, талабалар сони 3276 та киши. Касб-ҳунар коллежлари 114 та бўлиб, уларнинг ҳар бирида 912 тадан талаба бор.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда умумтаълим мактаблари ўқувчилар сонига кўра анча катта, касб-ҳунар коллежлари эса минтака хўжалигининг ихтисослашуви ҳамда демографик вазиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудий ташкил этилган. Ангрен шаҳрида Тошкент вилояти Давлат педогогика институти бор.

Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар. Вилоятда транспорт тизимининг барча турлари мавжуд. Пойтахт – Тошкентни республикамизнинг жануби-ғарбий ва узоқ шимолий ҳудудларини боғловчи темир ва автомобил йўллар вилоят ҳудудидан ўтади. 2010 йилда 114 км масофада Тошкент (Тўқимачи) – Ангрен оралиғида электрлаштирилган йўловчи ташувчи йўналиш ҳам ишга туширилди. Тошкент – Бекобод, Тошкент – Ангрен автомобил йўллари Ўзбекистон Миллий автомагистрали Давлат дастури доирасида таъмирланмоқда. Хусусан, Фарғона водийсини боғловчи Ангрен – Поп автомобил йўлининг бу борадаги аҳамияти катта. Ўз навбатида, йўл бўйи инфратузилмаси ва сервис хизмати иқтисодий ривожланишда муҳим ўрин тутади.

2009 йил давомида вилоятда 160 млн. тоннага яқин юк ташилган, юк айланмаси 4768,5 млн. тонна/км га тенг. Юк айланмасида хусусий юк ташувчиларнинг ҳиссаси катта – 84,3 %. Шу йилда минтақада 1140 млн. киши атрофида йўловчи ташилган. Юк ташиш сингари транспорт хизматининг бу тури ҳам вилоят доирасида тўлиқ автомобил транспорти томонидан амалга оширилган.

Вилоятда қатор транспорт тугун ва марказлари шаклланган. Уларга Чирчиқ, Бекобод, Ангрен каби шаҳарлар киради. Шунингдек, вилоятнинг сиёсий географик ўрнидан келиб чиққан ҳолда бу ерда қўшни давлатларни боғловчи халқаро транзит авто ва темир йўллар ҳам бор. Уларнинг барчаси Тошкентдан турли томонларга тарқалган йўллар ва четида барпо этилган катта-кичик шаҳарлар пойтахт минтақаси иқтисодиётининг "қон томири" ва асосий таянч нуқталари сифатида хизмат қилади.

Тошкент вилояти республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқаларида фаол қатнашади. Унинг ташқи савдо айланмаси бир йилда ўртача 1900-2125 млн. АҚШ доллари оралигида. Масалан, 2008 йилда вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2359658 минг доллар (2009 йилда - 1866114), шундан экспорт 1262925 минг, импорт 866994 минг доллар. Экспорт таркибида қора ва рангли металлар унинг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Иккинчи ўринда озиқ-овқат маҳсулотлари туради (16,2 %). Импортда эса машина ва ускуналар (30,1 %), қора ва рангли металлар (14,8 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (10,7 %), кимё саноати маҳсулотлари (10,4 %) асосий мавқеларга эга.

Таҳлиллар кўрсатишича, Тошкент вилоятининг 92,2 фоиз ташқи савдо алоқалари 2009 йилда "Узок хориж" ва Болтиқбўйи давлатлари билан амалга оширилган. Алоҳида мамлакатлар доирасида қараладиган бўлса, Россиянинг улуши 28,1 %, Туркияники 17,3 % ва ҳ. к. Кейинги ўринларда Қозоғистон, Афғонистон, Украина, Эрон, Хитой давлатлари туради.

Табиийки, вилоят ташқи савдо алоқаларининг шаклланишида унинг маъмурий-таркибий қисмлари бир хил иштирок этмайди. Жумладан, биргина Олмалиқ шаҳри минтақа ташқи савдо айланмасининг 30,0 фоизини таъминлайди. Бекобод шаҳрининг улуши ҳам анча катта – 15,7 %. Чирчиқ шаҳри вилоят ташқи савдо айланмасининг деярли 1/10 қисмини бажаради, бироқ Ангрен шаҳри бу борада жуда заиф – атиги 0,7 % (2009 й.).

Қишлоқ туманларидан бу борада Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Зангиота ва Паркент туманлари ажралиб туради. Баъзи туманлар эса, масалан, Оққўрғон, Бекобод, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Пискент вилоят ташқи иқтисодий алоқаларида деярли қатнашмаган.

Тошкент вилояти ташқи савдо айланмасида хорижий инвестициялар ёрдамида қурилган қўшма корхоналарнинг ўрни ҳам сезиларли. Бу ерда жами 329 та фаолият кўрсатаётган ҚК қайд этилган. Жумладан, Зангиота туманида уларнинг сони 48 та, Кибрайда 41 та, Тошкент туманида 24 та, Ўртачирчиқда 18 та, Бўстонликда 15 та ва ҳ. к. Шаҳарлар доирасида эса энг кўп ҚК: Чирчиқда 31 та, Ангренда 19 та, Янгийўл ва Оҳангаронда 17 тадан, Олмалиқда 16 та. Фаолият кўрсатаётган ҚК томонидан 2009 йилда 238,0 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт, 130,6 млн доллар ҳажмида импорт ишлари бажарилган. Экспортда Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари ва Ўртачирчиқ тумани, импортда Чирчиқ шаҳри, шунингдек, Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманлари қўшма корхоналари нисбатан фаол иштирок этган. Умуман олганда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар вилоят экспортининг 1/5 қисмидан кўпроғини, импортининг 14,3 фоизи тўғри келади.

Ички ҳудудий тафовутлари. Тошкент вилояти иқтисодиётининг ҳудудий таркибини, энг аввало, Чирчиқ ва Оҳангарон дарё ҳавзалари белгилаб беради. Улардан ташқари, нисбатан кичикроқ Жанубий районни ҳам ажратиш мумкин (Бекобод ва Бўка туманлари).

Чирчиқ ҳавзаси – иқтисодий районига Бўстонлик, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Паркент, Қибрай,

Зангиота, Тошкент ва Чиноз туманлари киради. Улар вилоят умумий майдонининг 59,0 фоизини, аҳолисининг 55,7 фоизини ташкил қилган ҳолда, саноат маҳсулотининг 22,4 ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 64,8 фоизини беради.

10.8-жадвал

Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари (2009 йил., аҳоли жон бошига)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Олмалиқ ш.	6,619	0,086	0,782	1,125	1,067	1,347	1,400
Ангрен ш.	0,507	0,191	0,442	0,862	1,902	1,075	1,027
Оҳангарон ш.	4,533	0,310	4,050	0,852	1,582	2,721	1,263
Бекобод ш.	5,315	0.132	1,146	1,406	1,582	1,297	1,225
Чирчиқ ш.	2,182	0,106	1,336	0,858	0,758	0,875	2,043
Янгийўл ш.	0,759	0,995	2,179	2,216	1,095	2,027	4.316
туманлар:							
Бекобод	0,187	1,561	0,202	0,197	0,543	0,374	0,518
Бўстонлиқ	0,330	1,247	0,785	0,288	1,187	0,730	0,609
Бўка	0,212	1,278	0,254	0,280	0,791	0,866	0,239
Зангиота	0,530	0,991	2,959	0,440	0,733	2,509	1,656
Оҳангарон	0,228	1,210	0,255	0,335	1,477	0,431	0,380
Оққўрғон	0,263	1,650	0,277	0,336	0,624	0,696	0,403
Паркент	0,133	0,967	0,336	0,350	0,834	0,815	0,656
Пискент	0,242	1,749	0,200	0,261	0,499	0,619	0,394
Тошкент	0,595	0,941	1,925	0,650	0,712	1,253	1,226
Чиноз	0,262	1,438	0,299	0,281	0,763	0,571	1,148
Юкоричирчиқ	0,283	1,153	0,496	0,279	1,869	0,888	0,598
Янгийўл	0,165	1,122	0,376	0,302	0,927	0,242	0,517
Ўртачирчиқ	0,635	1,094	0,334	0,220	0,365	0,634	0,566
Қибрай	0,616	1,189	3,041	1,050	1,671	0,751	1,153
Қуйичирчиқ	0,296	1,695	0,481	0,280	0,415	1,040	0,852

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Оҳангарон иқтисодий райони Оҳангарон, Пискент ва Оққўрғон туманларини ўз таркибига олади. Уларнинг майдони вилоятга

нисбатан 28,6 %, аҳолиси 10,3 %, саноат маҳсулоти 2,5 %, қишлоқ хўжалик маҳсулоти 16 % (2009 й.).

Юқоридаги 10.8-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ туманлари орасида саноат ишлаб чиқариши Ўртачирчиқ, Қибрай, Тошкент, Зангиота туманларида яхши ривожланган. Инвестиция ҳажми бўйича Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманлари ажралиб туради. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги бўйича деярли барча туманлар кўрсаткичлари вилоят ўртача даражасидан юқори.

Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари, шунингдек, мавжуд минерал хом ашё, агро ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, йирик саноат марказларида модернизация ва диверсификация жараёнларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш каби масалалар муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга агросаноат мажмуасини, рекреация ва туризмнинг ривожланиши, геоэкологик ва нозогеографик вазиятни яхшилаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ҳам катта амалий аҳамият касб этади.

Ўн биринчи боб. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.

Фарғона вилояти республикамизда 1938 йилда ташкил топган 5 та вилоятлардан бири ҳисобланади. Унинг майдони 6,76 минг кв км бўлиб, бу борада Сирдарё, Андижон ва Хоразм вилоятла-ридан олдинда туради. Ўзбекистон Республикаси майдонига нисбатан эса Фарғонанинг ҳудуди атиги 1,5 фоизга тенг, холос. Ваҳоланки, бу ерда, 1.01.2010 йил маълумотларига кўра, 3075,2 минг ёки мамлакат аҳолисининг яқин 11,0 фоизи яшайди. Ўзининг демографик салоҳияти бўйича у мамлакатимизда Самарқанд вилоятидан кейинги 2-ўринда туради.

Маъмурий тузилишига кўра 4 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар, 15 та қишлоқ туманлари мавжуд. Шунчалик қишлоқ туманлари яна фақат Тошкент вилоятида ташкил этилган, холос. Юкорида келтирилган рақам ва ҳолатлар шундан далолат беради-ки, Фарғона вилоятининг демографик "юки" оғир, аҳолиси зич, ҳудуди юқори даражада ўзлаштирилган, бошқарув тизими мураккаб. Вилоят даражасида

энг аввало тузилган қишлоқ туманлари Олтиариқ, Бешариқ ва Учқўприк саналади. Улар 1926 йилда ташкил этилган. Нисбатан "янгироғи" эса Фурқат тумани, у 1992 йилда ушбу мақомни олган.

Асосий шаҳарлари, хусусан, Қўқон ва Марғилон ҳам 2000 йиллик тарихга эга. Вилоят маркази 1877 йилда Фарғона водийси Россия томонидан босиб олингандан сўнг Янги Марғилон, кейинчалик Скобелев номи билан барпо этилган. Бу ҳозирги мустақил мамлакатимиз ҳудудида руслар асос солган 3 та шаҳарлардан биридир. Қолган иккитаси Коғон (Янги Бухоро) ва Тўрткўл (Петроалександровск) ҳисобланади.

Вилоятнинг маъмурий-сиёсий жиҳатдан "зичлиги" унинг қишлоқ туманларини унча катта эмаслиги ва бир-биридан бу борада катта фарқ қилмаслигига сабаб бўлади. Чиндан ҳам минтақанинг ҳар бир қишлоқ туманига ўртача 0,45 минг кв. км майдон тўғри келади. Бу республиканинг айрим ҳудудлари, жумладан, чўл ва тоғли минтақаларига қараганда жуда кичик рақам ҳисобланади.

Вилоятнинг энг катта тумани - Бешариқ 0,77 минг кв км майдонни эгалласа, Тошлоқ туманида 0,24 минг кв. км майдон бор; фарқ 3,2 мартага тенг. Ҳудуди бирмунча каттароқ қишлоқ туманлари вилоятнинг тоғолди, адир ёки "чўлроқ" қисмларида жойлашган. Масалан, Ўзбекистон ёки Бешариқ туманлари шулар жумласидандир. Типик тоғли туман - Сўх майдони бўйича унча йирик эмас, у Риштон туманидан ажралиб чиққан. Анча қумликларга эга бўлган Фурқат тумани эса бир вақтлар Бешариқ тумани таркибида бўлган.

Фарғона вилояти республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўринни эгаллайди. У мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 7,5 фозини, саноат ишлаб чиқаришини 8,9 %, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 8,4 % таъминлайди; инвестициялар ҳажми 5,3 ва капитал қурилишлар 4,5 %. Вилоятга Ўзбекистон экспортининг 4,3 ва импортнинг 5,3 фоизи тўғри келади. Кўриниб турибдики, Фарғона вилояти баъзи соҳаларда кўзга кўринарли нисбий кўрсаткичларга эга бўлсада, бу рақамлар кўп ҳолларда унинг мавжуд демографик сиғимидан паст. Демак, бу ерда ҳам ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтариш масаласи долзарбдир.

Географик ўрни ва табиий шароити. Вилоят Фарғона водийсининг ғарбий ва жанубий қисмида жойлашган. У ғарбда ва жануби-ғарбда Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти, жанубда Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Боткен вилоят-

лари билан чегарадош, республикамизда эса, шимолда Наманган ва шарқда Андижон вилоятлари билан қўшничилик қилади. Вилоятнинг шимоли-ғарбидаги чегараси Сирдарё оқими бўйлаб ўтади.

Фарғона вилоятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унинг ҳудуди географик жиҳатдан яхлит эмас; Фарғона туманининг бир қисми (Шоҳимардон) ва Сўх тумани тамомила Қирғизистон ҳудудининг ичида, эксклав ҳолатда жойлашган. Бундай геосиёсий вазият хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, сув ва ер заҳираларидан фойдаланиш ва умуман, ҳудудни бошқариш тизимида баъзи қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ушбу геосиёсий ҳолат айниқса ҳозирги даврда, маълум қийинчиликларга олиб келади.

Ер усти тузилиши унча мураккаб эмас, у жанубдан шимолга томон пасайиб боради. Шимолда мутлақ баландлик денгиз сатҳидан 360-380 м, жанубда энг баланд нукталар 2200 м дан ортади (Туркистон тизмасининг шимолий қисми, Сўх тумани ҳудудида Сариқамиш давони). Рельеф шаклининг бундай тузилиши вилоят жанубий қисмини тоғлардан оқиб чиқадиган сойлар суви билан суғориш учун табиий қулайлик яратади.

Фарғона вилояти ҳам, қўшни ҳудудлар сингари, қазилма ресурсларга бой эмас. Бу ерда бироз нефть ва қурилиш саноати учун хом ашё мавжуд, холос. Нефть заҳираларини қазиб олиш ўтган асрнинг дастлабки йилларида чет мамлакатлар сармояси ёрдамида (Бельгия ва бошқалар) қазиб олина бошлаган. Республикадаги энг қадимий нефть кони ҳам шу вилоятда (Чимён). Шўрсувда илгари олтингугурт ва озокерит қазиб олинарди, ҳозирда эса унинг заҳираларини саноат аҳамияти қолмаган.

Вилоят ҳудудида, шунингдек, қурилиш материаллари – цемент ҳамда чинни, ойна ишлаб чиқариш хом ашёси мавжуд.

Умуман олганда, вилоятнинг минерал-ресурс салоҳияти катта эмас, бинобарин, уни район ҳосил қилувчи ёки минтақавий ривожланишининг асоси сифатида баҳолаш қийинроқ.

Иқлими қуруқ, континентал; йиллик ёғин-сочин миқдори Наманган вилоятидан сал кўпроқ, Андижондан эса бироз камроқ (300-400 мм атрофида). Вилоятнинг жанубий қисмида Марказий Фарғона чўллари - Қорақалпоқ ва Ёзёвон чўллари мавжуд бўлиб, уларнинг давоми қўшни Наманган ва Андижон вилоятларига ўтиб кетади. Вилоятнинг чекка ғарбида, хусусан, Бешариқ ва Фурқат

туманларининг Сирдарё қирғоғида чўл худудлар бор (масалан, Қайроккум кумлари). Ушбу чўлларни ўзлаштириш фақат сунъий суғориш ёрдамида бўлиши мумкин. Чегарадаги Сирдарёни хисобламаганда, бу ерда катта сув манбалари йўқ. Фарғона вилояти хам Наманган вилоятига ўхшаш **сойлар** ўлкасидир. Бу ерда сойлар қадимдан классик типдаги воҳаларни вужудга келтирганки, бундай маданий ландшафтлар республикамизда жуда кам учрайди. Чунончи, Сўх ва Исфара сойлари тоғ оралиқларидан текисликка чиқиш қисмида панжасимон таралиб кетади, жуда кўп канал ва ариқларни сув билан таъминлайди. Бинобарин, Фарғона вилоятида **ариқлар** жуда кўп. Масалан, Сўх сойи Риштон, Самарқанд, Нурсук ариқларига, Қўқонсой, Янгишайман, Томоша, Авғонбоғ, Шоҳимардон, Наймансой, Турксой, Сассиқсой канал ва ариқларга тақсимланиб кетади, Исфара дарёсининг қуйи қисмидан эса Олтиариқ, Янгиқишлоқ ариқлари, Бешкапа, Исфара, Жанубий Исфара, Жўга, Гамбой, Рапқон каналлари бошланади.

Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Шоҳимардонсой ва Исфайрамсойларнинг ҳам аҳамияти катта. Шоҳимардонсойнинг давоми Марғилонсой, Олтиариксой ва улардан таралиб кетган кўплаб ариқлар муҳим суғориш манбаи ва агроландшафтларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шоҳимардонсой Исфайрамсой билан биргаликда Фарғона, Олтиариқ, Охунбобоев, қисман Тошлоқ ва Ёзёвон туманларини сув билан таъминлайди. Исфара дарёсининг таъсир доираси эса асосан Бешариқ тумани билан чегараланади. Айни вақтда энг катта ва серсув Сўх ўзининг типик географик ёйилмаси (конусини) ташкил этган ва унинг сувлари бутун Қўқон воҳаси, яъни Данғара, Яйпан, Учкўприк, Бувайда, Сўх, Риштон, Фурқат туманларини суғоради.

Ўтган асрнинг ўрталарида қурилган Сариқўрғон (Сирқўрғон) гидроузели, Сўх дарёсидан тўсиб, унинг сувини асосий қисмлар-га тақсимлайди. Қизиғи шундаки, сойлар ўзларининг гидрологик хусусиятларига мос ҳолда (энг аввало, сув ҳажмига кўра) ўзига хос ва мос гидрохўжалик районларни ташкил этган. Улар горизантал йўналишда ўтказилган Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали ҳамда Жанубий Фарғона ва Катта Андижон каналлари билан бирга минтақанинг тарихий-географик ўзаги, "ковурғаси" хисобланади ва ягона Фарғона воҳасини ташкил қилади. Сув режими ва миқдорига қараб бу сойлар турли йирикликдаги шаҳарларга

11.1 - жадвал

Фарғона вилояти қишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони минг кв. км	Аҳолиси, минг киши		Ўсиш, %	Зичлиги 1кв. км киши
					1989 йил	2010 йил		
1	Бешариқ	29.09.1926	Бешариқ ш.	0,77	140,9	181,2	128,6	235,3
2	Боғдод	31.12.1964	Боғдод ш-ча	0,33	108,0	174,8	161,8	529,7
3	Бувайда	26.12.1973	Янгиқўрғон ш-ча	0,28	111,2	178,9	160,9	639,0
4	Данғара	07.12.1970	Данғара ш-ча	0,43	87,3	144,1	165,1	335,1
5	Ёзёвон	27.12.1980	Ёзявон ш-ча	0,41	45,9	85,5	186,3	111,9
6	Олтиариқ	29.09.1926	Олтиариқ ш-ча	0,63	97,3	175,7	180,6	278,9
7	Охунбобоев	16.04.1952	Лангар ш-ча	0,37	111,5	152,3	136,6	411,6
8	Риштон	09.01.1967	Риштон ш.	0,31	119,4	165,8	138,9	534,8
9	Сўх	27.02.1990	Равон ш-ча	0,31	-	61,5	-	198,4
10	Тошлоқ	12.04.1973	Тошлоқ ш-ча	0,24	88,4	158,2	178,9	659,2
11	Учкўприк	29.09.1926	Учкўприк ш-ча	0,28	113,9	183,3	160,9	654,6
12	Фарғона	22.02.1964	Водил ш-ча	0,62	154,2	183,9	119,3	296,6
13	Фуркат	09.04.1992	Навбаҳор ш-ча	0,31	-	97,1	-	313,2
14	Ўзбекистон	17.04.1963	Яйпан ш.	0,69	142,6	194,5	136,4	281,9
15	Қува	10.02.1939	Қува ш.	0,44	105,0	203,7	194,0	462,9
	Вилоят	**15.01.1938**	**Фарғона ш.**	**6,76**	**1425,6**	**3075,2**	**215,7**	**454,9**

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилди.

ҳаёт бағишлайди. Масалан: Сўх Қўқонни, Шоҳимардонсой (Марғилонсой) Марғилон ва Фарғонани сув билан таъминлайди. Вилоят суғориш тизими ёки ирригация инфратузилмасида Каркидон, Шўрсув, Қўрғонтепа сув омборлари катта аҳамиятга эга. Улар сой сувларини йиғиб, вегетация даврида пастки ҳудудларни сув билан таъминлайди. Айни пайтда аксарият сув манбалари қўшни мамлакатлар ҳудудидан бошланганлиги сабабли улар стратегик аҳамият ҳам касб этади ва халқаро тартиб-қоидалар асосида давлатлараро тўғри фойдаланишни талаб этади. Фарғона вилоятининг қуйи, яъни шимолий қисмида мелиорация тизимига дахлдор зовур ва коллекторлар курилган. Улар жумласига Пастки Қизилтепа, Ўрта Қизилтепа, Шимолий Боғдод, Риштон - Боғдод коллекторлари ва қатор зовурлар киради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тоғ ва адирларда курилган сув омборлари, суғориш каналларининг пастки қисмида ер ости сувлари (грунт сувлари) сатҳи юқори ва ерга яқин. Шу боис, зах жойлар ва улар билан боғлиқ зоо ва геоэкологик вазиятлар, турли хил термитлар, кемирувчиларнинг баъзан кўпайиш ҳолатлари юзага келади.

Шундай қилиб, вилоят табиий шароити, аниқроғи сув ресурслари - сой, улар асосида ўтказилган ариқлар, қазилган каналлар минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стакчи омили ҳисобланади. Бу ердаги кўплаб оромгоҳлар, рекреация манбалари (Шоҳимардон, Водил, Рапқон ва б) ҳам айнан гидрологик омиллар сабабли вужудга келган.

Аҳоли географияси ва демографик жараёнлар. "Табиат - аҳоли - хўжалик" учлик тизимида аҳоли марказий ўринда туради. У табиатга таъсир қилади, ундан олади, фойдаланади, хўжалигини ташкил этади ва ўз ҳаётини кечиради. Табиат, аҳоли ва хўжаликнинг ўзаро муносабати умумгеографик ва, айни вақтда, геоэкологик вазиятни юзага келтиради. Шу сабабдан ҳам бу "учлик" география фанида олиб борилаётган тадқикотларда муҳим методологик аҳамият касб этади.

Фарғона водийси, жумладан, Фарғона вилоятида табиат, аҳоли ва хўжалиги пирамида шаклида тасвирланса, табиати "юпқа" ва нозик, демографик юки катта, хўжалиги ўртача кўринишга эга бўлади[1]. Аҳоли ва хўжаликнинг биргаликдаги таъсири ўзига хос

[1] Фарғона вилоятининг республикамиздаги улуши, юқорида таъкидланганидек, майдони бўйича 1,5 %, аҳолиси 11,0 % ва ялпи ички маҳсулотда – 7,5 % (2009 й.).

бўлади[1]. Аҳоли ва хўжаликнинг биргаликдаги таъсири ўзига хос зўриқиш, кучли антропоген босимни келтириб чиқаради. Минтақанинг асосий ижтимоий географик муаммоси ҳам ана шу босимни енгиллаштириш, аҳоли ҳаёти ва фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Сабаби, айнан демографик босим, ер-сув заҳираларининг етишмаслиги, озлиги минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишида янгича, замонавий, индустриал-инновацион ривожланиш стратегияси ва йўналишларини тақозо этади.

Вилоятда аҳоли ўсиш суръати ўртача даражада, қишлоқ туманларидаги 1989-2010 йиллардаги ўсиш кўрсаткичлари эса 11.1-жадвалда келтирилган. Кўрилаётган икки ўн йиллик давр мабойнида энг юқори ўсиш даражаси Қува, Ёзёвон ва Олтиариқ туманларида қайд этилади. Шу билан бирга, Фарғона, Бешариқ, Риштон, Охунбобоев ва Ўзбекистон туманларида аҳолининг ўсиши нисбатан пастроқ бўлган. Бешариқ ва Риштон туманларида бундай вазият асосан уларнинг таркибидан янги маъмурий бирликларни ажралиб чиқиши – Фурқат ва Сўх туманларининг ташкил этилиши туфайли юзага келган.

Фарғона вилояти республикамизда аҳолиси ўта зич жойлашган минтақалардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар бир кв. км майдонга 455 киши тўғри келади. Бу ҳам демографик босимнинг юқорилигидан дарак беради. Бу хусусда, айниқса, Бувайда (639 киши), Учкўприк (655 киши) ва Тошлоқ (659 киши) кескин ажралиб туради. Шу сабабдан мазкур туманларда ер майдонининг танқислиги яққол кўзга ташланади. Бу эса, ўз навбатида, етарли иш ўринларнинг озлиги туфайли ички ва ташқи миграцияни зарурият қилиб қўяди. Зичлик кўрсаткичи энг паст Ёзёвон туманида – 112 киши. Бироқ бу даража республика ўртача кўрсаткичидан деярли икки марта зиёд. Ёзёвон Фарғона вилоятининг чўл ҳудудларини ўзлаштириш асосида вужудга келган тумандир. Тоғли Сўх туманида ҳам, маҳаллий нуқтаи назардан қараганда, аҳоли зичлиги пастроқ (198 киши).

Умумдемографик салоҳиятига қараганда фақат Қува тума-нида аҳоли сони 200 мингдан ортиқроқ. Вахоланки, Қашқадарё, Андижон,

[1] Фаргона вилоятининг республикамиздаги улуши, юқорида таъкидланганидек, майдони бўйича 1,5 %, аҳолиси 11,0 % ва ялпи ички маҳсулотда – 7,5 % (2009 й.).

асосан Сўх туманида яшашади. Рус ва маҳаллий бўлмаган миллатлар Қўқон ва айниқса, Фарғона шаҳарларида кўпроқ.

Аҳоли сони тўлиқ унинг табиий кўпайиши негизида кўпайиб бормоқда. Тугилиш бошка вилоятларда кузатилганидек, бу ерда ҳам аста-секинлик билан кўтарилиш тенденциясини намоён қилмоқда. Бизнинг таҳлилларга кўра, бу жараён мамлакатимизда 2006 йилда бошланган бўлиб, у аҳолининг демографик таркиби, унинг такрор барпо бўлиш хусусиятлари билан изоҳланади. Қизиғи шундаки, республикамизда баркарор иқтисодий ривожланиш асосан 1996 йилдан бошланган бўлса, демографияда бу давр ёки бурилиш ўн йил кейин юзага келди.

11.2-жадвал

Фарғона вилояти аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси

(ҳар минг аҳолига нисбатан, 2009 й.)

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	Марғилон ш.	21,7	5,2	16,5	3,4	5,6	-2,2
	Фарғона ш.	19,0	6,1	12,9	13,2	12,7	0,5
	Қувасой ш.	20,8	4,8	16,0	4,0	5,0	-1,0
	Қўқон ш.	21,5	6,0	15,5	5,5	7,5	-2,0
	туманлар:						
1	Бешариқ	25,7	4,7	21,0	2,7	3,4	-0,7
2	Боғдод	24,3	4,2	20,1	3,3	2,9	0,4
3	Бувайда	24,0	3,9	20,1	3,0	2,9	0,1
4	Данғара	24,2	5,2	19,0	2,2	3,1	-0,9
5	Ёзёвон	24,7	4,0	20,7	4,0	2,3	1,7
6	Олтиариқ	21,8	4,0	17,8	0,6	2,0	-1,4
7	Охунбобоев	23,2	4,5	18,7	1,9	3,2	-1,3
8	Риштон	22,2	4,5	17,7	2,6	3,9	-1,3
9	Сўх	33,6	4,0	29,6	0,8	0,7	-0,1
10	Тошлоқ	22,2	4,6	17,6	4,4	4,4	0,0
11	Учкўприк	23,5	4,5	19,0	3,8	3,0	0,8
12	Фарғона	19,6	4,3	15,2	2,2	3,3	-1,1
13	Фуркат	22,7	5,7	17,0	0,7	3,4	-2,7
14	Ўзбекистон	24,0	5,3	18,7	5,3	3,4	1,9
15	Қува	21,1	4,7	16,4	4,7	5,0	-0,3
	Вилоят	22,7	4,8	17,9	4,0	4,5	-0,5

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2009 йилда Фарғона вилояти бўйича туғилиш ҳар минг кишига 22,7 промиллени ташкил қилган (республика даражасидан юқорирок). Қайд этиш лозимки, мазкур кўрсаткич Бешариқ ва айникса, Сўх туманида анча юқори; 25,7, ва 33,6 ‰ (11.2-жадвал). Геодемографик вазиятнинг мамлакат миқёсида таҳлили туғилишнинг айнан тоғли ёки тоғ олди ҳудудларда жойлашган туманларда кўплигини кўрсатади (Чирокчи, Нуробод, Қўшробот, Бойсун, Сариосиё туманларидаги ҳолат шунга яқин ёки шу даражада). Сўх туманида 2000 йилда ҳам энг юкори туғилиш коэффициенти кузатилган - 24,7 ‰. Туғилиш шаҳар жойларнинг баъзиларида 2008 - 2009 йилларда бирмунча пасайган. Масалан, у Фарғона шаҳрида 19,5 дан 19,0 промиллега, Марғилонда 22,4‰ дан 21,7 га тушган. Агар Фарғона шаҳрида туғилиш "урбанистик муҳит"га хос бўлса, Марғилонда у анча юқори, ҳатто Фарғона (19,6 ‰) ва Қува туманларидан (21,1 ‰) олдинда.

Аҳолининг табиий кўпайиш географиясини унинг туғилиш даражасидаги ҳудудий тафовутлар белгилаб беради. Бинобарин, ушбу кўрсаткич Сўх, Бешариқ, Ёзёвон, Боғдод, Бувайдада юқори, Олтиарик, Фарғона, Фурқат ва Қува қишлоқ туманларида бироз пастрок.

Юқорида таъкидланганидек, аҳоли зич, унинг нисбий ва мутлоқ кўплигидан миграция ҳам келиб чиқади. Фарғона вилояти бу қоидадан мустасно эмас. Сўнгги йилларда ташқи миграция минус 0,5-0,6 промиллени ташкил қилган. Агар бу кўрсаткич, аҳоли табиий кўпайиши, яъни 22,7 дан олиб ташланса, у ҳолда ҳақиқий демографик ўсиш 22,2 промилле ёки 2,2 фоизга тенг бўлади. Бу, албатта, анча юқори кўрсаткич ҳисобланади. Салбий миграция, айникса, Фурқат туманида (минус 2,7 ‰) ҳамда Марғилон (-2,2 ‰) ва Қўқон (минус 2,0 ‰) шаҳарларида кўпроқ, Сўх ва Қува туманларида озроқ, Тошлоқда деярли йўқ. Ўзбекистон, Учкўприк, Ёзёвон, Бувайда ва Боғдодда ижобий.

Аслини олганда, аҳолининг миллий таркибидан келиб чиқиб, Фарғона шаҳрида ташқи миграция кучлирок бўлиши мумкин эди. Эҳтимол, олдинги йиллардаги катта миграцион "йўқотиш" бу шаҳарда тўхтади ва унинг миграция ресурси ёки имконияти анча пасайди. Марғилон шаҳридаги бундай вазият тасодифий эмас, чунки дунёнинг кўпгина мамлакатларида иктисодий муаммолар (бу марказлар "моношаҳарлар", яъни бир соҳага тор ихтисослашган ҳисобланади) туфайли ана шундай демографик ҳолат кузати-

лади. Ўзимизнинг кўмирчилар шаҳри – Ангренда ҳам шунга ўхшаш жараёнлар кечмоқда. Демак, бундай саноат марказларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, функционал таркибини диверсификациялаш зарур.

Вилоятнинг ҳудудий-урбанистик таркиби яхши ривожланган, бу ерда 3 та катта, яъни ҳар бирининг аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар мавжуд: Фарғона (190 минг киши), Қўқон (210 минг), Марғилон (173 минг киши). Бундай "триоград" республикамизда фақат Тошкент вилоятида бор, холос - Чирчиқ, Ангрен ва Олмалиқ. Бироқ пойтахт вилоятига таққослаганда Фарғонада ўрта бўғин шаҳарлар тизими ривожланмаган. "Элликминглик" шаҳар вилоятда умуман йўқ; Қува шаҳрида 40 минг, Риштонда 33 минг, қолганларида аҳоли сони бундан кам. Кичик шаҳар ва шаҳарчалар сони 2009 йилда янада кўпайди, демак, урбанистик таркиб майдалашди, кичик шаҳарлар муаммосининг долзарблиги янада кучайди. Шу йилда бирданига 196 та қишлоқларга янги шаҳарча мақоми берилди, бундай бетакрор урбанистик ҳолат бўйича республикамизда вилоят биринчи ўринда туради. Маълумки, Ўзбекистонда жами 966 та янги шаҳарчалар - агрошаҳарлар вужудга келган бўлса, уларнинг ҳар бештадан биттаси (1/5 қисми) айнан биргина Фарғона вилояти харитасида пайдо бўлган.

Ҳозирги вақтда вилоятда 9 та шаҳар 206 та шаҳарчалар бор (шаҳар жойлар сони бўйича республикамизда биринчи ўринда) ва уларда жами аҳолининг 58,8 фоизи истиқомат қилади. Бу кўрсаткич атиги бир йил олдин 27,8 фоизга тенг эди, ва бу борада вилоят Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидан олдинда турган эди, холос. Энди эса Фарғона умумий урбанизация даражаси бўйича Наманган вилоятидан кейинги иккинчи ўринга "сакради". Янги шаҳарчаларнинг энг кўпи Ўзбекистон (21 та), Фарғона ва Боғдод (20 тадан) туманларида қайд этилади. Уларнинг сони Қува, Охунбобоев ва Олтиариқда ҳам кўпроқ. Аҳоли сони бўйича эса Фарғона ва Олтиариқ туманлари олдинда.

Янги шаҳарчалар Фарғона ва Қувасой шаҳар ҳокимиятларида ҳам ташкил этилган. Таъкидлаш жоизки, Охунбобоев, Бувайда, Учкўприк ва Фурқат туманларида 2008 йилда бирорта шаҳар ёки шаҳарча бўлмаган. Бинобарин, уларнинг ҳозирги урбанистик вазияти айнан 2009 йилнинг "янги урбанистик сиёсати" натижасида вужудга келган (11.3 - жадвал).

11.3 - жадвал

Фарғона вилояти янги шаҳарчаларининг ҳудудий таркиби

т/р	Қишлоқ туманлари	Сони		Аҳолиси (2009 й.)		1. 01. 2008 йилда	
		та	фоизда	минг киши	фоизда	жами қишлоқ аҳолиси, минг киши	шундан аҳолисининг янги шаҳарчалардаги улуши, %
1	Бешариқ	10	5,1	42,3	4,5	151,1	27,8
2	Боғдод	20	10,2	77,4	8,3	154,3	50,2
3	Бувайда	10	5,1	97,6	10,4	171,8	56,8
4	Данғара	8	4,1	22,7	2,4	129,0	17,5
5	Ёзёвон	8	4,1	41,9	4,5	69,9	59,9
6	Олтиариқ	13	6,6	106,2	11,3	144,7	73,4
7	Охунбобоев	14	7,2	63,2	6,7	147,3	42,9
8	Риштон	13	6,6	74,9	8,0	127,7	58,6
9	Сўх	7	3,6	38,8	4,1	58,2	66,7
10	Тошлоқ	9	4,6	24,1	2,6	137,0	17,6
11	Учкўприк	11	5,6	33,7	3,6	176,3	19,1
12	Фарғона	20	10.2	119,8	12,8	174,9	68,5
13	Фурқат	8	4,1	22,7	2,4	94,5	24,0
14	Ўзбекистон	21	10,7	63,2	6,7	162,7	38,8
15	Қува	15	7,7	53,4	5,7	157,3	33,9
	Фарғона шаҳар ҳокимияти	3	1,5	40,2	4,3	40,2	100,0
	Қувасой шаҳар ҳокимияти	6	3,0	15,8	1,7	47,1	33,5
	Жами	196	100	938,0	100	2145,0	43,7

Жадвал муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Янги шаҳарчаларнинг ҳар бирини аҳолиси Олтиариқ туманида кўп - 16,9 минг киши; Фарғона шаҳар ҳокимиятига қарашли шаҳарчалар ҳам анча каттароқ - 13,4 минг киши. Ўртача ҳар бир янги шаҳарчага 4786 кишидан тўғри келади. Улар орасида энг катталари Фарғона шаҳрига қарашли Бешбола, Ёрмозор, Оқариқ, қишлоқ фуқаролар йиғинлари; қишлоқ туманлари миқёсида Олтиариқ туманида Олтиариқ (13108 киши), Эскиараб (14200), Полосон (13831), Янгиқўрғон (14769); Бувайда туманида Бекобод (15500), Бувайда (14853), Янгиқўрғон (18335); Фарғона туманида Водил (18786), Ҳонқиз (11324), Ёзёвонда - Коратепа (11843 киши) ва ҳ.к.

Фарғона вилоятида ҳозирги вақтда жами 993 қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд, уларнинг ҳар бирида ўртача 1255 киши яшайди. 2008 йилда эса бу рақамлар, мос ҳолда, 1189 ва 1804 кишига тенг бўлган.

Вилоят қишлоқлар географияси ўзига хос ва бетакрор; ажойиб ва ғалати номли қишлоқлар, каналлар, сой ва йўллар бўйларида занжирсимон, йирик шаҳарлар атрофида уларга "ёпишиб" жойлашган. Қадимдан кўп кўл меҳнати талаб қилувчи суғорма деҳқончилик бу ерда катта-катта қишлоқларга ҳаёт бағишлаган. Аҳоли пунктларининг ғуж жойлашиши шаҳарларнинг мураккаб ҳудудий тизими - агломерациялар шаклланишига олиб келган. Вилоят аҳолиси ва иқтисодиёти энг аввало Фарғона - Марғилон, шунингдек, вужудга келаётган Қўқон агломерациясида мужассамлашган.

Вилоятнинг катта бойлиги - бу унинг меҳнат ресурсларидир. 2010 йил 1 январ маълумотига кўра, жами меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 1711 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 1384,1 минг ва иқтисодиётда банд бўлганлар 1311,7 минг киши.

Жами банд бўлганларнинг 66,2 % моддий ишлаб чиқаришда, жумладан: саноатда - 15,0 % (2000 йилда - 13,7 %), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида - 28,2 % (41,9 %), транспорт ва алоқада - 2,7 %, қурилишда - 6,4%, савдо, умумий овқатланиш, моддий техник таъминотда - 9,0 % аҳоли хизмат қилади.

Номоддий соҳаларга 33,8 фоиз иқтисодиётда банд бўлганлар тўғри келади; уй хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда 3,7 %, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда 8,0 %, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизматда 13,1 % аҳоли банд (2009 й.).

2009 йилда вилоятда жами 90050 янги иш ўринлари яратилган. Уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ташкил этилган.

Минтақавий иқтисодиёт ва унинг ҳудудий ташкил этилиши. Фарғона вилояти хўжалиги кўп тармоқли ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил қилади. Минтақавий иқтисодиёт, умуман олганда, индустриал-аграр йўналишга эга. 2009 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 22,6 фоизини саноат ишлаб чиқариши берган, қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси эса 19,4 %; қурилиш - 4,9 %, транспорт ва алоқа - 8,0 %, савдо ва умумий овқатланиш - 7,0 %, солиқлар - 17,3 %. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг нисбати тахминан республика ўртача даражасига тўғри келади. Саноат кўрсаткичи бу ерда Навоий, Қашкадарё, Тошкент ва Андижон вилоятларидан пастроқ, қолганларидан эса юқори. Қишлоқ хўжалигининг улуши бўйича фақат Навоий вилояти Фарғонадан пастроқ, холос.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 55,9 %, хизматларнинг 35,9 % кичик бизнес ҳиссасига тушади. Вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 41148 та, шундан 3041 таси кичик корхоналар, қолганлари микрофирмалардан иборат. Ушбу сектор 8,8 % саноат, 99,5 % қишлоқ хўжалиги маҳсулотини беради, курилишда унинг улуши 76,1 %, чакана савдода - 46,1 %. Кичик бизнесда иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,1 % ишлайди, ҳудуд экспортида унинг ҳиссаси 20,4 %, импортида 27,0 %. 2009 йилда мазкур секторда жами 51125 янги иш ўринлари яратилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари).

Кўрилаётган йилда вилоятда капитал қўйилмалар хажми 663,4 млрд сўм ёки республикага нисбатан 5,3 фоизга баробар бўлган. Унинг 1/3 қисми Фарғона шаҳрига, 14,0 % Қўқонга, 13,2 фоиз Охунбобоев туманига йўналтирилган. Фақат Бувайда ва Ёзёвон туманларида бу улуш 2,0 фоиздан камроқ, қолган ҳудудларда у кўпрок.

Қурилиш географияси маълум даражада инвестициянинг ҳудудий таркибини акс эттиради. Масалан, 24,0 фоиз курилиш ишлари вилоят марказида, 9,5 % - Қўконда, 9,0 % - Олтиариқ, 8,6 % - Учкўприк, 6,0 % - Данғара туманларида бажарилган. Ҳозирги вақтда Қўқон шаҳрида республика Президенти кўрсатмаси асосида катта ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

Хорижий инвестициялар асосида 89 та корхоналар ташкил этилган, 79 таси 2009 йилда фаолият кўрсатган. Улар жами 370042 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган (ялпи маҳсулотнинг 18,2 фоизи). Экспортда хорижий инвесторлар ёрдамида ташкил этилган

корхоналарнинг улуши 18,7 % ёки 94,0 млн. АҚШ долларига тенг. Таққослаш учун: 2000 йилда қўшма корхоналар 32,4 млн. АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарган, уларнинг экспортдаги улуши 20 фоизга якин бўлган.

Саноати. Минтака саноати ўзининг кўп тармоқли йўналишлари билан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан фарқ қилади. Бу ерда анъанавий енгил ва озиқ-овқат саноати билан бир қаторда оғир саноат тармоқлари корхоналари ҳам мавжуд. Хусусан, кимё ва нефть кимёси, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат ва бошқалар яхши ривожланган. Кўпгина корхоналар Фарғона иқтисодий районида ягона ҳисобланади (масалан, ИЭМ, Фарғона фурен бирикмалари заводи, Қувасойцемент ва б.).

Вилоятда жами 2278 фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари қайд этилган, уларнинг йириклари 52 та. Саноатда банд бўлган ишчи ходимлар 57961 киши. Халқ истеъмол моллари ишлаб чикариш ҳажми ҳам анча катта, аҳоли жон бошига 206,1 минг сўмлик маҳсулот тўғри келади. ХИМ таркибида ноозиқ-овқат маҳсулотлари 60,8 фоизга баробар, шундан енгил саноат - 7,8 %.

Вилоят саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлар таркиби қуйидагича (2009 й.): ёкилғи саноати - 45,5 %, кимё ва нефть кимёси - 8,6 %, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш - 1,9 %, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза - қоғоз саноати - 0,7 %, қурилиш материаллари саноати - 9,0 %, фарфор - фаянс саноати - 4,2 %, енгил саноат - 18,5 %, озиқ-овқат саноати - 7,2 %, ун-ёрма ва комбикорма саноати - 3,8 %. Таққослаш учун: 2000 йилда ёқилғи саноатининг маҳсулот қиймати 50,4 %, кимё ва нефть кимёси - 5,8 %, қурилиш материаллари - 5,0 %, енгил саноат - 19,6 %, озиқ-овқат - 5,7 фоизни ташкил қилган.

Вилоят оғир саноатининг йирик корхоналари Фарғона нефтьни қайта ишлаш заводи (у Япония фирмалари билан биргаликда қайта таъмирланди, бунинг учун 250 млн. АҚШ долларига яқин маблағ сарфланган), Фарғона азот, Фарғона кимёвий тола заводлари, Қўқон суперфосфат заводи, "Евразия ТАПО - ДИСК" ҚК, Фарғона ва Қўқон механика заводлари ва бошқалар. Шунингдек, бу ерда Фарғона фурен бирикмалари заводи, "Қувасойцемент" "Кварц" АЖ, "ДЭУ текстил интернейшл" ҚК, "Осиётекс" ва "Хумо" АЖ, "Қува текстил", "Риштон текс", "Рус-Ўзбектекс" қўшма корхоналари, "Водий Тошлоқ текстил", "Алэста - Гласс" ва

ҳоказолар ҳам фаолият кўрсатишмокда. Фарғонада 1927 йилда қурилган, ҳозирги номи ўзгарган тўқимачилик комбинати республикамизда бу турдаги саноат корхоналарининг дастлабкиси ҳисобланади. Олтиарик (Ҳамза) нефтни қайта ишлаш заводи эса ўтган асрнинг бошларида қурилган[1].

2009 йилда вилоятда 835 минг тонна бензин, 891 минг тонна дизел ёқилғиси, 268 минг тонна минерал ўғитлар, 310 минг тонна аммиак селитраси, 287 минг тонна карбамид, 6,3 минг т пахта целлюлозаси, 1038 минг т цемент, 284 млн. дона шиша банкалар, 54,4 минг т калава ип (55,8% ни "ДЭУ текстил" ишлаб чиқарган), 94,0 минг т омухта ем, 14,2 минг т хўжалик совуни тайёрланган. Юқоридагилардан ташқари, шу йилда 67,5 млн. кв м ип-газлама, 2213 минг дона трикотаж, 22-25 минг т атрофида ўсимлик ёғи, 28,2 минг т гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 23,4 минг т сут ва сут маҳсулотлари, 271 минг т ун ва бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилган. Агросаноат мажмуида ўртача бир йилда, пахта ҳосилига қараб, 80-95 минг тонна пахта толаси тайёрланади. Таққослаш учун: 2000 йилларда вилоятда 130-140 минг тонна нефть, 1,1 млн тонна бензин, 1,5 млн. тонна дизел ёқилғиси, 140 минг тонна атрофида минерал ўғитлар, 750 минг т цемент, 100 минг тоннага яқин пахта толаси, 53 млн. кв. м ип ва 2,0 млн. кв. м ипак газлама, 10 млн жуфт пайпоқ, 26,5 минг тонна тозаланган ўсимлик ёғи тайёрланган эди. Умуман олганда, Фарғона вилояти ҳозирги вақтда ўзининг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича республикамизда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Қашқадарёдан кейинги ўринда туради (7,5 %, 2000 йилда - 12,7 %).

Электр энергетика базасини Фарғона ИЭМ ва Қувасой ИЭС ташкил этади. Мамлакатимиз миқёсида вилоят ёқилғи, нефть ва нефть кимёси, минерал ўғитлар, цемент кабиларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, бу ерда спирт (Қўқон), Асака автомобиллари учун ойна ("Кварц" Қувасой), ўсимлик ёғи ва хўжалик совунлари (Фарғона ва Қўқон), консерва (Фарғона), қандолат ва мебел (Қува) ишлаб чиқариш ҳам ривожланган. Пахта тозалаш заводлари барча қишлоқ туманлари марказларида мавжуд.

Вилоят саноатини ҳудудий ташкил этишда Фарғона – Марғилон саноат тугуни етакчи мавқега эга. Бу ерда минтақанинг асосий саноат

[1] Ўзбекистон ҳудудида биринчи нефть казиб олиш 1902 йилда Чимён конида бошланган.

корхоналари мужассамлашгани боис, ишлаб чиқаришнинг агломерация самарадорлиги юқори. Шу билан бирга, Қўқон саноат тугунининг ҳам саноат географиясида мавқеи кўзга кўринарли.

Фарғонада қадимдан ҳунармандчилик ва косибчилик ривож топган. Дўппи тикиш, сопол буюмлар ясаш - кулолчилик, ёғочда ўймакорлик ишларини бажариш кабилар Қўқон, Марғилон, Риштон, Боғдод ва бошқа шаҳарларда тарихан шаклланган.

Саноат маҳсулотининг 60,2 фоизи биргина Фарғона шаҳри зиммасига тушади; Қувасой вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 11,8 %, Қўқон 7,3 %, Тошлоқ тумани 7,1 % ни берган. Айни вақтда Бувайда, Ёзёвон, Олтиариқ, Охунбобоев, Сўх, Учкўприк, Фарғона, Фурқат туманларида қишлоқ саноати ниҳоятда суст даражада (11.5-жадвал). Бир вақтлар дунёга машҳур бўлган Маргилон шаҳри (“хон атласи”) ҳозирги вақтда депрессив ҳолатда. У бор-йўғи вилоят саноат маҳсулотининг 1,3 фоизини беради, холос. Қўқон пайпоқ ишлаб чиқариш корхонасининг ҳолати ҳам шунга ўхшаш.

ХИМ ишлаб чиқаришда Фарғона шаҳрининг хиссаси - 57,4 %, Қўконники - 14,8 %, Қувасойники - 4,6 % ва ҳ.к. Бу борада ҳам Бувайда, Охунбобоев, Фурқат туманлари орқада. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, саноат маҳсулоти шаҳарларда ва қишлоқ туманлари орасида фақат Тошлоқда юқори; халқ истеъмол моллари ўртача 206,1 минг сўмни ташкил этган ҳолда, Боғдод туманида энг катта - 104,1 минг сўм. Юқоридаги ўртача кўрсаткич асосан шаҳарлар ҳисобидан (Фарғона, Қўқон ва Қувасой) шаклланган.

Қишлоқ хўжалиги географияси. Фарғона вилояти республикамизда муҳим қишлоқ хўжалиги райони ҳам ҳисобланади. Вилоят мамлакат ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 8,4 фоизини беради. Бу ерда пахта ва пилла етиштириш, сабзавотчилик ва боғдорчилик яхши ривожланган. Жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 63,6 фоизи деҳқончиликка тўғри келади. Фермер хўжаликлари бу маҳсулотнинг 35,8 фоизини таъминлайди.

11.4-жадвалда келтирилган маълумотларга қараганда, вилоят умумий ер майдонининг 46,6 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Риштон, Учкўприк, Боғдод, Бувайда ва Охунбобоев туманларида юқори (жами майдоннинг 60-70 фоизи атрофида), Сўх, Олтиариқ, Бешариқ, Ўзбекистон, Фарғона туманларида нисбатан озроқ. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркибида суғорила-

11.4 - жадвал

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

(2008 й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан, суғорилади ган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йил-лик дарахт-зорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Бешариқ	77,4	27,5	25,2	75,9	13,0	-	11,1
Боғдод	33,3	22,7	20,7	76,9	13,9	-	9,2
Бувайда	27,9	18,1	16,9	88,0	5,2	-	6,8
Данғара	43,5	20,8	19,1	87,6	4,2	-	8,2
Ёзёвон	40,7	17,6	17,6	95,0	4,5	-	0,5
Олтиариқ	63,1	19,2	19,2	90,4	8,2	-	1,4
Охунбобоев	36,8	22,3	22,3	93,8	5,3	-	0,9
Риштон	30,7	23,0	20,5	75,1	11,6	-	13,3
Сўх	22,1	3,8	3,1	47,0	35,9	-	17,1
Тошлоқ	24,3	14,3	14,3	90,7	7,9	-	1,4
Учкўприк	27,5	18,9	17,0	80,9	8,8	-	10,3
Фарғона	61,7	25,5	25,5	75,0	23,5	-	1,5
Фуркат	30,5	16,5	15,2	90,3	1,6	-	8,1
Ўзбекистон	68,8	23,4	21,6	60,6	26,6	-	12,8
Қува	43,8	21,0	21,0	78,3	20,6	-	1,0
Жами	632,2	294,7	279,3	81,3	12,1	-	6,6

Манба:"Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана"-- Ташкент, 2008.

диган ерлар улуши ўртача 94,7 %. Бундай ерлар ҳам Охунбобоев, Бувайда, Олтиариқ, Тошлоқ, Ёзёвон қишлоқ туманларида кўпроқ. Айни пайтда Сўх, Риштон, Учкўприк туманларида суғориладиган ерлар улуши озроқ.

Экин экиладиган майдонлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 81,3 фоизини ташкил қилади, яйлов ва пичанзорлар 6,6 %. Интенсив қишлоқ хўжалиги, яъни суғорма деҳқончилик, хусусан, Олтиариқ, Охунбобоев, Қува, Тошлоқ туманларида яхши йўлга қўйилган, яйлов ва пичанзорлар эса Сўх, Риштон, Ўзбекистон, Бешариқ туманларида кўпроқ (11.4-жадвалга қаранг).

Жами экин майдони вилоят бўйича 291 минг гектар (2000 йилда 300 минг га), унинг 245 минг гектари фермер хўжаликларига бириктирилган (11.1-расм).

11.1-расм

Фарғона вилоятининг экин майдони (фоизда)



Донли экинлар 2009 йилда 137 минг гектарга экилиб, ундан 751 минг тонна ҳосил олинган; ҳосилдорлик 54,5 ц/га (шу жумладан, буғдой майдони 133,3 минг га, ялпи ҳосил - 724,6 минг тонна). Бошқа донли экинлардан қисман маккажўхори ҳам экилади (2,5 минг га ер у билан банд). Таққослаш учун: 2000 йилда вилоятда 125 минг гектар ердан 450 минг тонна ғалла олинган, ҳосилдорлик буғдойда 35,8 ц/га бўлган.

Таъкидлаш жоизки, бошқа минтақаларда бўлгани каби бу ерда ҳам пахта майдонлари бироз қисқариб бормоқда. Масалан, 2000 йилда пахтазорлар жами экин майдонининг 41,0 фоизини ташкил қилган бўлса, 2009 йилда бу рақам 36,4 фоизга тушиб колган. Умумий майдони 106 минг гектар ерга пахта экилиб, ундан 293 минг тонна ҳосил олинган, ҳосилдорлик 27,6 ц/га (2000 йилда 363 минг т пахта, ҳосилдорлик - 29,4 ц/га).

Таҳлиллар кўрсатишича, республикамизда сўнгги йилларда кунгабоқар етиштиришга кўп эътибор берилмоқда. Агар ундан инсон саломатлиги учун сифатли ёғ олиниши ҳисобга олинса, бу жараённи алоҳида ижобий баҳолаш лозим. 2009 йилда Фарғонада 43 гектар ерга кунгабоқар экилиб, 119 тонна ҳосил етиштирилган. Ёғ олиш мақсадида ер ёнғоқ ҳам экилади: майдони 45 га, ҳосили 90 тонна. Зиғир ва кунжут, масхар Фарғонада экилмаган, ваҳоланки, бу мойли ва техник экинлар Зарафшон водийси ва Қашқадарё вилоятида мавжуд. Фарғона вилояти картошка етиштиришга ҳам ихтисослашган. Бу экин айниқса Сўх, Риштон, Ўзбекистон туманларида кўпроқ етиштирилади. Вилоят бўйича картошка майдони 6,9 минг га, ялпи ҳосил 158 минг тонна атрофида. Сабзавотчилик Қўқон ва Фарғона шаҳар атрофларида ривожланган.

Қишлоқ туманлари орасида, Олтиариқ тумани булғор қалампири, турп, шолғом, бодринг кабиларни етиштириш билан машҳур. Вилоят, хусусан, Қўқон гуруҳ туманларида аччиқ қалампир ҳам кўп етиштирилади ва кўп истеъмол қилинади. Турли хил сабзавот экинлари билан 12,4 минг га ер банд; бир йиллик ҳосил 420 минг тонна. Сабзавотчилик билан картошка етиштириш сингари, асосан деҳқон хўжаликлари шуғулланишади. Ем-ҳашак экинлари 27,6 минг гектарни эгаллайди. Асосан, силос учун маккажўхори экилади. Бир йилда 910,2 минг тонна ҳосил олинган (2009 й.).

Фарғона водийси, шу жумладан, Фарғона вилоятида боғдорчилик ва узумчилик яхши йўлга қўйилган. Бу ерда ўрик, олма, анор, анжир, шафтоли, нок, беҳи, сўнгги йилларда хурмо, шу-нингдек, турли навли узумлар етиштирилади. Жами мевазорлар майдони 32,2 минг га, бу соҳа кўпроқ фермер хўжаликларига тегишли. Ялпи ҳосил 233,3 минг тонна. Узумзорлар майдони 4,3 минг га, ялпи ҳосил 60 минг тонна. Узум кўпгина қишлоқ туманларида етиштирилади, бироқ бу борада Олтиариқ ўзининг ҳусайни узумлари билан донг таратган.

Фарғонада чорвачиликни ривожлантириш имкониятлари республикамизнинг чўл минтақалари, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларига қараганда бироз чекланган. Бу ерда 1.01.2010 йилда йирик шохли қорамоллар сони 664 минг бош, қўй ва эчкилар – 587 минг бош. Бир йилда гўшт (тирик вазнда) 90,3 минг тонна, сут 536 минг тонна, тухум 153812 минг дона, пилла 2397 тонна олинади.

Бевосита агрогеография нуқтаи назаридан боғдорчилик нисбатан адир зоналарда кўпроқ, пахта вилоятнинг қуйи қисмида жойлашган

барча туманларида, сабзавотчилик йирик шаҳарлар атрофида ривожланган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда Қува, Фарғона, Олтиариқ, Бешариқ туманлари етакчи, уларнинг улуши вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотига нисбатан, мос ҳолда, 7,0; 7,0; 7,3 ва 7,1 %. Пастроқ кўрсаткичлар Сўх, Ёзёвон, Фуркат туманларида кузатилади (11.5-жадвал). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса Ёзёвон, Фуркат, Охунбобоев, Данғара туманлари бирмунча ажралиб туради. Бу ҳолат қисман уларнинг демографик салоҳиятининг озлигидан ҳам юзага келади. Вилоятда ўртача бир кишига 2009 йилда 346,7 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган, бундан пастроқ кўрсаткичлар Учкўприк (313,4 минг сўм), Ўзбекистон (319,8 минг сўм) туманларида қайд этилади. Умуман олганда эса бу борада катта ҳудудий тафовутлар кўзга ташланмайди. Бу ҳам бўлса, вилоятда қишлоқ хўжалигини яхши ривожланганлигидан дарак беради.

Юқорида таъкидланганидек, фермер хўжаликларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Мулкчиликнинг бу турини минтақавий хусусиятлари шундан иборатки, у аҳоли зич, ер-сув ресурслари чекланган ҳудудда ривожланмоқда. Фарғона вилоятида 2009 йилда жами 14440 та фермер хўжалиги қайд этилган, ҳар бир хўжаликка ўртача 23,1 га ер ва 11,9 ишчи тўғри келган. Кўриниб турибдики, вилоят фермер хўжаликларининг ер майдонлари республиканинг бошқа, масалан, Бухоро, Навоий вилоятларига қараганда анча, деярли 2 марта кичик, ишчилар сонида эса бунчалик катта фарқ йўқ. Бу, табиийки, фермер хўжаликларининг фаолияти, уларнинг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Фермер хўжаликлари вилоят ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 35,9 фоизини беради. Бу кўрсаткич Боғдод (48,3 %), Бешариқ (42,8 %), Фуркат (47,3 %) туманларида анча юқори, Сўх туманида эса у атиги 13,5 фоизга тенг, холос.

Шундай қилиб, вилоят иқтисодиётида ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан ташкил қилиш нуқтаи назаридан нефть-газкимё, агроиндустриал, текстил индустриал ҳамда қурилиш материаллари циклларини ажратиш мумкин. Хусусан, нефтьни қайта ишлаш ва ундан тегишли ёнилғи ва кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, пахта у билан ҳудудий – даврий жиҳатдан уйғунлашган пиллачилик, уларни хом ашёсини қайта ишлаш, газлама, трикотаж ва тикувчилик, тўқимачилик машинасозлигининг мавжудлиги агроиндустриал энергия ишлаб чиқариш циклини ҳам мукаммал, тўлиқ даражада шаклланганлигини кўрсатади.

11.5-жадвал

Фарғона вилояти иқтисодий ва ижтимоий соҳаларининг ҳудудий таркиби

(2009 йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Марғилон ш.	1,3	4,3	1,8	3,4	6,2	9,4	5,9	0,5	1,5
Фарғона ш.	60,2	57,4	4,7	33,8	24,0	20,8	48,0	49,0	64,2
Қувасой ш.	11,8	4,6	4,9	3,3	3,2	2,9	1,6	2,5	11,5
Қўқон ш.	7,3	14,8	1,5	14,3	9,5	15,0	10,3	4,4	3,7
туманлар:									
Бешариқ	1,6	1,5	7,1	2,2	2,7	3,5	2,2	4,3	0,6
Боғдод	2,0	2,9	6,5	2,4	3,1	4,3	2,2	2,7	0,6
Бувайда	0,1	0,4	5,8	1,8	2,7	3,9	1,8	2,9	0,8
Данғара	1,2	0,9	6,1	2,7	6,0	2,1	2,7	2,4	7,1
Ёзёвон	0,4	1,3	4,4	1,2	2,3	2,4	1,0	0,2	-
Олтиариқ	0,3	1,2	7,3	2,2	9,0	4,7	4,0	4,8	0,9
Охунбобоев	0,1	0,4	6,5	13,2	2,3	2,2	1,5	-	-
Риштон	1,7	1,2	6,0	4,1	3,1	4,1	2,7	3,5	0,3
Сўх	0,1	0,4	2,6	1,6	2,2	1,7	1,0	0,05	-
Тошлоқ	7,1	1,0	5,4	2,0	2,3	2,3	1,7	16,3	2,0
Учкўприк	0,5	1,1	5,4	3,0	8,6	3,0	2,5	0,05	0,7
Фарғона	0,4	1,2	7,0	2,3	3,0	4,2	3,7	0,3	0,6
Фурқат	0,1	0,4	4,4	1,8	3,0	1,4	1,2	0,2	0,3
Ўзбекистон	1,3	1,1	6,0	2,0	3,0	4,6	2,2	2,5	0,3
Қува	2,2	3,5	7,0	2,5	4,0	7,5	3,7	2,9	0,2

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Ижтимоий соҳалар ва уларнинг географияси. Аҳоли зич, уни иш билан банд қилиш муаммоси кескин бўлган минтақаларда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ўта долзарб ҳисобланади. Янги иш ўринларининг кўпроқ қисмини қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ташкил этилиши ушбу муаммони, қисман бўлсада, ечишга ёрдам беради.

Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида асосий эътибор номоддий ишлаб чиқаришни устувор ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юқори даражада ташкил этишга қаратилган. Республикамиз, шу жумладан, Фарғона вилоятида ҳам бу соҳалар, айниқса "Қишлоқ" Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида ривожланиб бормоқда. Жумладан, чакана савдо айланмаси биргина 2009 йилда 114,6 фоизга ўсган, аҳоли жон бошига 124,0 минг сўм миқдорида савдо олиб борилган.

Вилоят чакана савдо айланмасининг 20,8 фоизи Фарғона, 15,0 фоизи Қўқон шаҳрига тўғри келади. Сабаби, бу шаҳарлар катта район ҳосил қилувчи ва районга хизмат кўрсатувчи йирик марказлар саналади. Қишлоқ туманлари даражасида эса Қува (7,5 %), Олтиариқ (4,7 %), Ўзбекистон (4,6 %), Боғдод (4,3 %) олдинда туради. Бироқ бу салоҳиятни белгиловчи кўрсаткичлар реал ҳолатни акс эттирмайди. Бу борада аҳоли жон бошига тўғри келадиган рақамлар катта мазмун касб этади. Шу нуқтаи назаридан Ёзёвон ва Олтиариқ туманларида нисбатан яхшироқ.

Вилоятда ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 84,4 % бўлгани ҳолда, у шаҳарларда, шунингдек, Бувайда, Данғара, Олтиариқ туманларида юқорироқ. Айни чоғда Риштон туманининг 71,6 %, Бешариқ туманининг 74,0 %, Сўх туманининг 74,3 фоизи бундай имкониятларга эга, холос.

Газ билан таъминланиш минтақада ўртача 81,3 %. Албатта, шаҳар жойлар аҳолиси бу борада кулай шароитларга эга. Қишлоқ туманларида эса мазкур кўрсаткич Боғдод, Бешариқ шаҳарларида 63-64 фоиздан Олтиариқнинг 98,6 фоизигача фарқ қилади (11.6-жадвал).

Нозогеографик вазият ва аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳар қандай мамлакат ёки минтақа ижтимоий ривожланишининг мухим кўрсаткичидир. Баркамол авлодни тарбиялашда ҳам бу соҳанинг аҳамияти беқиёс. Фарғона вилоятида жами 149 та муассасалар сони мавжуд, ҳар 10000 кишига тўғри келадиган бемор ўринлари 45,1

та. Қўқон шаҳрида у 77,5 та бўлган ҳолда Қувасой шаҳри, Боғдод, Данғара, Охунбобоев, Учкўприк, Фарғона ва Ўзбекистон туманларида 30,0 тага ҳам етмайди.

Ҳар 10 минг кишига 20,1 врачлар, 116,2 та ўрта тиббиёт ходимлари тўғри келади. Қишлоқ врачлик пунктлари 293 та, бир қишлоқ туманига 19,5 тадан, тахминан 3,5 та қишлоққа биттадан. Ҳар 100 минг кишига нисбатан касалланганлар сони 56919 нафар, энг юқори кўрсаткич Учкўприк туманида, энг пасти Қувасой шаҳрида (11.6 - жадвал).

Аҳоли зич, сони нисбатан тез кўпайиб бораётган ҳудудда халқ таълими географияси ҳам ўзига хос бўлади. Чунончи, вилоятда 2009 йилда 866 та доимий мактабгача тарбия муассасалари мавжуд бўлган, болалар қамрови 21,4 %. Умумтаълим мактаблари 917 та, ўқувчилар сони 534,1 минг киши; битта мактабга ўртача 588 ўқувчи тўғри келади. Табиийки, аҳоли зич, қишлоқлари катта ҳудудларда мактаблар ҳам катта, чўл ва тоғолди районларида аҳолининг бирмунча сийрак жойлашиши мактабларнинг ҳам унча катта бўлмаслигига сабаб бўлади.

Академик лицейлар 11 та, ўқувчилар сони 7492 нафар, касб-ҳунар коллежлари 141 та, ўқувчилар 149137 киши. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолатига мос ҳолда касб-ҳунар коллежлари ҳам турли йўналишларда шакллантирилган ва жойлаштирилган.

Фаргонада 4 та, шу жумладан, университет, Қўқон шаҳрида республикамизнинг энг дастлабки олий ўқув юртларидан бири – педагогика институти бор. Талабалар сони 20757 нафар. Келажакда Фаргона шаҳри ўзига хос индустриал - инновация маркази бўлиши мумкин. Шунингдек, Қўқон, Кува каби шаҳарларда ҳам ўрта махсус ва олий таълим тизими ривожланиб бормоқда.

Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар. Вилоятда транспорт инфратузилмасининг барча турлари мавжуд. Аммо юк ва йўловчи ташишда асосан автомобил транспортининг аҳамияти катта. Қўқон, Марғилон шаҳарлари йирик транспорт тугун ва марказлари вазифасини бажаради. Вилоят ҳудудидан Ўзбекистон Республикасини қўшни Қирғизистон ҳамда Хитой республикалари билан боғловчи халқаро автомобил йўллари ўтган.

2009 йил жами ташилган юк 79,6 млн. тонна бўлиб, унинг 84,2 фоизи автомобил транспорти зиммасига тушади. Шу йилда умумий ҳисобда 485,4. млн йўловчи ташилган, бу миқдорни тўлиқ автомобил транспорти амалга оширган. Хусусий автомобилларда жами йўловчиларнинг 2/3 кисмига яқини ташилган.

11.6-жадвал

Фарғона вилояти ҳудудларида ижтимоий соҳалар ҳолатининг айрим кўрсаткичлари (2009 й.)

Шаҳар ва туманлар	Ҳар 10 минг кишига нисбатан		Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория-поликлиника муассасалари	Ичимлик суви билан таъминлан ганлик даражаси, %	Газ билан таъминланганлик даражаси, % да	Ҳар 100 минг кишига нисбатан касаллан ганлар сони
	касалхона ўринлари	амбулатория-поликлиника муассасалар				
Марғилон ш.	12,0	47,8	183,0	92,4	88,7	46534
Фарғона ш .	18,6	39,4	242,2	99,5	98,2	59477
Қувасой ш .	17,9	29,8	177,9	86,7	90,6	13476
Қўқон ш.	15,7	77,5	173,8	99,9	99,9	41548
туманлар:						
Бешарик	15,5	32,6	93,8	74,0	64,2	50493
Боғдод	15,2	26,7	105,7	77,8	63,9	63835
Бувайда	11,9	34,3	129,1	89,7	71,0	67946
Данғара	13,6	24,1	129,2	87,6	71,1	67527
Ёзёвон	14,7	30,1	128,6	76,5	68,8	44523
Олтиарик	17,3	43,1	163,2	88,2	98,6	63644
Охунбобоев	15,2	27,6	105,9	82,7	87,8	47775
Риштон	14,5	32,2	114,9	71,6	71,6	55616
Сўх	12,3	32,1	118,8	74,3	74,4	53871
Тошлоқ	13,7	32,6	137,9	86,8	76,7	57693
Учкўприк	14,1	28,9	98,7	84,0	86,3	78036
Фарғона	12,4	26,3	105,4	86,2	70,6	54345
Фуркат	15,5	32,6	140,6	83,4	73,5	43243
Ўзбекистон	14,5	24,2	108,4	87,3	73,5	56797
Қува	16,3	34,0	112,9	80,4	84,4	47520
Вилоят бўйича	14,4	45,1	144,6	84,4	81,3	56919

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Фарғона вилояти мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқаларида фаол иштирок этади. Бир йиллик ташқи савдо айланмаси, дастлабки маълумотларга кўра, 1012,4 млн АҚШ долларига тенг, шундан экспорт ҳажми - 509,0 млн, импорт - 503,4 млн. доллар (2009 й.). Экспорт таркибида энергия ресурслари 30,9 %, пахта толаси - 18,1 %, кимё саноати маҳсулотлари - 13,1 %, озиқ-овқат маҳсулотлари - 12,2 %. Импортда энергия ресурслари - 44,2 %, машина ва ускуналар - 20,7 %, озиқ-овқат маҳсулотлари - 7,9 %. Жами ташқи савдо айланмасининг 47,1 фоизи "Узоқ хориж" мамлакатлари билан амалга оширилади. МДҲ мамлакатлари орасида асосий алоқалар Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар билан олиб борилади. Кўриниб турибдики, Фарғона вилояти, республикамизнинг кўпгина минтақаларидан фарқли равишда, МДҲ мамлакатлари билан фаолроқ иқтисодий муносабатларга эга.

Ҳудудий таркибида экспортнинг 49,2, импортнинг 64,2 фоизи Фарғона шаҳрига тўғри келади. Экспортда, шунингдек, Тошлоқ (16,3 %), Олтиарик (4,8 %) ва Қўқон шаҳри (4,4 %) ҳам иштирок этади. Импортда Қувасой шаҳри ҳамда Данғара тумани 2009 йилда каттароқ улушга эга бўлган.

Вилоят иқтисодиётининг ҳудудий таркиби. Фарғона вилоятида 2 та ички иқтисодий район яққол кўзга ташланади. Бу районлар кўпроқ гидрографик омиллар, яъни сойлар, улар суғорма деҳқончилик, қайта ишлаш саноати асосида шаклланган.

Биринчи район яъни Фарғона - Марғилон райони таркибига Қувасой шаҳри, Фарғона, Қува, Тошлоқ, Олтиарик, Ёзёвон, Охунбобоев қишлоқ туманлари киради. Район ҳосил қилувчи марказ Фарғона - Марғилон агломерацияси. Унинг ҳиссасига вилоятнинг 40,1 % майдони, 47,9 % аҳолиси, 83,8 % саноат ва 42,0 % қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғри келади; инвестицион салоҳияти -- 63,9 % (2009 й.).

Иккинчи ижтимоий-иқтисодий район тарихан Қўқон шаҳри таъсирида шаклланган. Унинг таркибига Ўзбекистон, Бешариқ, Риштон, Фуркат, Боғдод, Бувайда, Данғара, Сўх, Учкўприк туманлари мансуб. Вилоятга нисбатан майдони 59,9 %, аҳолиси 52 %, 16,2 саноат ва 51,4 фоиз қишлоқ хўжалик маҳсулоти; инвестицион муҳити биринчи районга нисбатан бирмунча нокулайроқ.

Фарғона - Марғилон иқтисодий районида нефтьни қайта ишлаш, кимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат саноат

тармоқлари, электр энергетика яхшироқ ривожланган. Бу ерда боғдорчилик, хусусан, узумчилик ва сабзавотчилик ҳам етакчи қишлоқ хўжалиги тармоқларидан ҳисобланади. Қўқон гуруҳ райони эса асосан озиқ-овқат (спирт, ўсимлик ёғи) минерал ўғитлар (супер фосфат), трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, агроиқтисодиётда пахта ва мева етиштиришга ихтисослашган.

Туманлар орасида Тошлоқ, Қува саноати яхшироқ ривожланган (вилоятга нисбатан 5,9 ва 3,5 фоиздан). Риштон, Боғдод туманларида ҳам қишлоқ саноати бирмунча шаклланган. Айни вақтда у Сўх, Фурқат, Охунбобоев, Данғара ва Бувайда каби туманларда суст даражада. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича олдинги ўринларда Фарғона, Қува, Учкўприк, Олтиариқ ва Бешариқ туманлари туради, ўртача мавқега Боғдод, Бувайда, Данғара, Охунбобоев ва Риштон туманлари эга (11.7-жадвал). Қолган туманларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти пастроқ (энг кичик кўрсаткич Сўх, Ёзёвон ва Фурқат туманларида). Вилоятнинг Марказий Фарғона ёки Қорақалпоқ чўлида ўрнашган ҳудудлари ҳамда тоғ оралиғида жойлашган Сўх тумани нисбатан суст ривожланган (11.7-жадвал). Бинобарин, келажакда ушбу ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, қишлоқ меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, Фарғона - Марғилон агломерацияси экологик вазиятини яхшилаш минтақанинг долзарб муаммоларидир.

Фарғона вилоятида 1.01.2010 йил ҳолатида тўқимачилар шаҳри - Марғилон ва, энг қизиғи шундаки, 15 та туманлардан 12 таси Давлат дотацияси доирасида (бу рўйхатга фақат Данғара, Учкўприк, Олтиариқ кирмайди, холос).

Бундай вазият республикамиз геоиқтисодий маконида камдан-кам учрайди. Дарҳақиқат, аҳоли сонининг кўплиги, унинг сонини ошиб бориши, ер ва сув заҳираларининг етишмаслиги минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатади. Бундай кескин вазиятдан чиқиш йўлларидан бири саноатлашув ва урбанизацияни қўллаб қувватлаш, замонавий инфратузилмаларни шакллантириш асосида индустрия - инновация, ўсиш қутб ва марказларини вужудга келтириш бўлиши мумкин. Айнан шундай стратегик йўналиш мамлакатимизнинг аҳоли зич бошқа воҳа ва водийлари учун ҳам мос келади.

11.7-жадвал

Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари

(аҳоли жон бошига, 2009 йил)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Марғилон ш.	0,193	0,445	0,270	0,519	1,886	0,796	0,889
Фарғона ш.	7,836	7,468	0,622	4,424	3,108	2,515	6,227
Қувасой ш.	4,760	1,864	1,969	1,351	1,285	1,174	0,644
Қўқон ш.	1,002	2,042	0,204	1,981	1,320	2,059	1,417
туманлар:							
Бешариқ	0,269	0,263	1,202	0,371	0,459	0,590	0,367
Боғдод	0,352	0,505	1,143	0,422	0,543	0,756	0,393
Бувайда	0,020	0,072	0,994	0,311	0,454	0,666	0,315
Данғара	0,260	0,192	1,304	0,579	1,276	0,454	0,567
Ёзёвон	0,137	0,469	1,597	0,418	0,847	0,853	0,348
Олтиариқ	0,056	0,213	1,285	0,390	1,547	0,832	0,682
Охунбобоев	0,031	0,094	1,310	2,665	0,473	0,445	0,309
Риштон	0,325	0,223	1,108	0,769	0,578	0,763	0,496
Сўх	0,061	0,236	1,280	0,789	1,100	0,836	0,509
Тошлоқ	1,392	0,201	1,047	0,396	0,475	0,452	0,335
Учқўприқ	0,083	0,305	0,904	0,506	1,442	0,508	0,425
Фарғона	0,070	0,197	1,164	0,387	0,494	0,699	0,625
Фуркат	0,046	0,163	1,373	0,572	0,958	0,445	0,367
Ўзбекистон	0,214	0,181	0,922	0,315	0,458	0,733	0,354
Қува	0,335	0,525	1,049	0,382	0,606	1,340	0,554
Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Ўн иккинчи боб. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикаси таркибида дастлаб 20 январ 1943 йилда ташкил этилган, 1960-1964 йиллар оралиғида у Сурхондарё вилояти билан қўшилган ва 7.02.1964 йилда қайта тикланган. Вилоят майдони 28,6 минг кв. км бўлиб, мамлакат худудининг 6,4 фоизини эгаллайди. Бу борада Қашқадарё Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларидан сўнг 4-ўринда туради.

Аҳолиси, 1 январ 2010 йил маълумотларига кўра, 2589,6 минг киши (республика аҳолисига нисбатан 9,2 фоиз). Ўзининг демографик сиғими ёки салоҳияти бўйича Ўзбекистон минтақалари ичида Самарқанд, Фарғона вилоятларидан кейинги 3-поғонани эгаллайди. Ваҳоланки, у бундан 7-8 йил муқаддам 5-ўринда эди. Бундан кўринадики, Қашқадарёда аҳоли сони тез ўсиб, у кейинги йилларда пойтахт Тошкент ва Андижон вилоятларидан ўтиб кетган.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат тақсимотида Қашқадарё етакчи мавқелардан бирида туради. Жумладан, 2009 йил якунларига қараганда, бу ерда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 7,8 саноат ишлаб чиқаришининг 14,6 қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 8,5 капитал қўйилмаларнинг 17,5 қурилиш ҳажмининг 7,0 ва экспортнинг 17,6 фоизи яратилган. Ялпи ички маҳсулот улушига кўра вилоят - 3, саноатда - 2, қишлоқ хўжалигида – 5, экспорт ҳажми бўйича эса Тошкент шаҳридан кейинги 2-ўринда туради (таққослаш учун: 2000 йилда вилоят республиканинг 6,4 % ялпи ички маҳсулоти, 8,3 % саноат, 7,2 % қишлоқ хўжалик маҳсулотини берган). Агар бу нисбат кўрсаткичлари унинг демографик салоҳиятига таққослаб қаралса (9,2 %), минтақанинг миллий иқтисодиёт шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни ўз-ўзидан яққол намоён бўлади.

Қашқадарё вилояти маъмурий-худудий тузилишида 13 қишлоқ туманлари мавжуд. Ташкил топган муддатига кўра энг "қадимги" қишлоқ туманлари Яккабоғ, Косон, Ғузор ва Шаҳрисабз ҳисобланади (улар 1926 йилда ташкил этилган). Бир қатор туманлари эса Қарши даштини ўзлаштириш муносабати билан (Муборак, Нишон, Касби, Миришкор) вужудга келган. Майдонининг кўлами бўйича энг катта туман Деҳконобод; шунингдек, Миришкор ва Муборак туманлари ҳам нисбатан катта ҳисобланади. Юқоридаги уч қишлоқ туманларининг майдони 10,3 минг кв. км ёки минтақа

12.1-жадвал

Қашқадарё вилояти қишлоқ туманлари ҳақида баъзи бир маълумотлар

(1.01.2010 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Туман маркази	Майдони, минг кв км	Аҳолиси, минг киши	Аҳоли зичлиги, 1 кв.км/киши
1	Деҳконобод	31.08.1971	Қарашина ш-ча	4,00	116,3	29,1
2	Касби	25.12.1968	Муғлон ш-ча	0,65	150,1	230,9
3	Китоб	25.12.1968	Китоб ш.	1,75	212,1	121,1
4	Косон	29.09.1926	Косон ш.	1,88	223,3	118,8
5	Миришкор	25.04.2003	Янги Миришкор ш-ча	3,21	93,0	29,0
6	Муборак	13.091978	Муборак ш.	3,07	68,9	22,4
7	Нишон	06.03.1975	Янги Нишон ш.	2,11	109,4	51,8
8	Чироқчи	22.02.1964	Чироқчи ш.	2,84	311,4	109,6
9	Шаҳрисабз	29.09.1926	Шаҳрисабз ш.	1,66	297,8	179,4
10	Яккабоғ	20.09.1926	Яккабоғ ш.	1,10	209,4	190,4
11	Қамаши	31.12.1964	Қамаши ш.	2,66	209,9	78,9
12	Қарши	04.10.1931	Бешкент ш.	0,91	191,3	210,2
13	Ғузор	29.09.1926	Ғузор ш.	2,65	160,7	60,6

Жадвал Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

ҳудудининг 36,0 фоизи демакдир. Энг кичик туман - Касбида 0,65 минг кв. км ер бор. Шундай қилиб, вилоят маъмурий бирликларининг "географийлик" коэффициенти 6,1 га тенг; ўртача ҳар бир қишлоқ туманига тахминан 2 минг кв. кмдан зиёдроқ ер майдони тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, Қашқадарёнинг иккита тумани Андижон ва Сирдарё вилояти майдонига тенг.

География ўрни ва табиий ресурслари. Қашқадарё вилояти мамлакатнинг жанубида жойлашган, у шимоли-ғарбда Бухоро, шимолда Самарқанд ва қисқарок масофада Навоий вилоятлари, жануб ва жанубий-шарқда Сурхондарё вилояти билан чегарадош. Геосиёсий мавкеи ҳам ўзига хос; вилоятнинг ҳудуди ғарб ва жанубий-ғарбда Туркманистон, шарқда Тожикистон Республикаси билан туташган.

Ер усти тузилиши анча мураккаб - унинг тахминан ярмидан кўпроқ қисми текислик ва унча баланд бўлмаган тепаликлардан иборат (250-500 метр денгиз сатҳидан баланд). Катта майдонга эга бўлган Қарши чўли ҳам айнан шу ерда жойлашган. Вилоят шимоли-шарқ, шарқ ва жанубий-шарқда тоғликлар билан ўралган. Бу ерда Зарафшон ва Ҳисор тизмалари, Чақчар тоғлари кўтарилиб туради, уларнинг энг баланд нукталари 3750-4400 метргача етади. Шаҳрисабз туманининг энг чекка шарқий қисмида 4100-4400 метрлик баландликка эга бўлган тоғ чўққилари бор, масалан, Ғова довонининг баландлиги 4415 м.

Умуман олганда, Шаҳрисабз, Қамаши, Деҳқонобод, Китоб ва қисман Чироқчи туманининг шимолий қисми тоғликлардан иборат. Нисбатан баланд (денгиз сатҳидан 1400 м баланд) жойлар Яккабоғ туманининг шарқий ҳудудларида ҳам бор.

Вилоятнинг қолган марказий ва ғарбий қисмлари эса паст текисликлардан ташкил топган. Шундай қилиб, минтақанинг ер усти, орографик тузилиши шимоли-шарқ, шарқ ва жанубий-шарқдан ғарб, шимоли-ғарб йўналишида пасайиб бориши билан тавсифланади. Қолаверса, Қашқадарё, яъни шу номли гидрографик тизимнинг, унинг ҳавзасини шаклланиши, оқим йўналиши ҳам вилоят рельефини ўзида акс эттиради.

Вилоят рельефининг бундай турли-туманлиги ўзига хос табиий бойликларга эгалигини асослаб беради ва ички ҳудудий меҳнат тақсимоти, иклим шароитларининг шаклланишига сабаб бўлади. Жумладан, Қашқадарёнинг қуйи қисми қишлоқ хўжалигида фойда-

ланиш учун қулай бўлган катта ер майдонларига эга. Шу билан бирга, бу ер республикамизда нефть ва табиий газ заҳираларининг кўплиги бўйича биринчи ўринда туради. Чунончи, кўрилаётган ҳудудда Кўкдумалоқ, Муборак, Помук каби йирик нефть-газ, Шўртан, Зеварди, Қўлтиқга ўхшаш табиий газ конлари мавжуд. Вилоятнинг Деҳқонобод тумани эса турли хил туз конлари, қурилиш материаллари хом ашёсига бой. Айниқса, катта заҳирага эга бўлган калий тузларининг борлиги мамлакатимизда калий ўғитларини ишлаб чиқариш саноатини ташкил қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда Тубигатан туз кони асосида республикамизда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган калий ўғитлари ишлаб чиқарувчи дастлабки завод барпо этилмоқда.

Вилоятнинг юқори - Шаҳрисабз минтақасида мармар ва бошқа конлар ҳам мавжуд; бу ерда Китоб геологик қўриқхонаси ташкил қилинган. Шундай қилиб, Қашқадарёда, хусусан, ёқилғи-энергетика, тоғ-кон ва газ кимёси, қурилиш материаллари саноатини кенг кўламда ривожлантиришга қулай имкониятлар бор. Минтақа бундай улкан минерал ресурс салоҳияти бўйича республикамизда алоҳида ажралиб туради. Бу хусусда Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилояти сингари мамлакат миллий иқтисодиёти, энг аввало, тоғ-кон ва ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Иқлими континентал, ёғин-сочин миқдори, айниқса, чўл минтақасида жуда оз. Бинобарин, бу ерда деҳқончиликни ривожлантириш учун ирригация инфратузилмаси талаб этилади. Айни вақтда тоғ олди ва тоғ минтақасида йиллик ёғин-сочин миқдори 800-900 мм гача етади. Бу эса дарёларнинг тўйинишига қулай шароит яратади ва минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишига табиий асос бўлиб хизмат қилади.

Вилоят ҳудуди Қашқадарё ҳавзасида жойлашган, унинг номи ҳам, тарихи, географияси ҳам айнан шу сув манбаи билан боғлиқ. Қашқадарёга Жондирдарё, Оқсув, Танхоздарё, Оёқчидарё, Қизилдарё ва бошқалар келиб қўшилади. Натижада, вилоятнинг юқори (Шаҳрисабз) минтақасида гидрографик тизим анча ривожланган. Бироқ, Қашқадарё қуйи минтақага борган сари унинг суви камайиб боради ва бир вақтлар Зарафшон дарёсигача бориб етган бу дарё ҳозирда Қарши-Косон атрофида тамоман тугаб қолади.

Қашқадарёда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида 70-йилларда Қарши дашти ўзлаштирилиши кенг миқёсда олиб

борилган. Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида қатор сугориш иншоотлари барпо этилган. Масалан, Ҳисорак, Қалқамин, Чимқўрғон, Камаши сув омборлари қурилган, Ғузор туманини асосан Пачкамар сув омбори ва Ғузордарё суғоради. Йирик Қарши магистрал канали Амударёдан бошланади ва қисқа масофада кўшни Туркманистон ҳудудидан ўтади, сўнгра у катта Толимаржон сув омборига қуйилади, ундан сув кудратли насос станциялари ёрдамида 132 метр баландликка кўтариб берилади. Бундан ташқари, чўл минтақаси Миришкор (аввалги Ульянов) канали сувлари билан ҳам суғорилади, вилоятнинг шимолий қисмига, асосан Чироқчи туманига Зарафшон сувлари Эски анҳор канали оркали етиб келади.

Республикамизнинг шунга ўхшаш бошка ҳудудларида бўлганидек, бу ерда ҳам кўплаб зовурлар (коллекторлар) ва тўпланиб қолган шўр, окова сувлардан ташкил топган туз кўллар бор. Улар кўпроқ Қарши даштида учрайди. Демак, бир томондан канал ва сув омборлари ерларни суғоришда хизмат қилса, ободонлаштирса, иккинчи томондан, зовур ва сунъий кўлчалар ҳудуд агроэкологиясининг ноқулайлигидан дарак беради. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан коллектор - дренаж тизимларини таъмирлаш, тозалаш ва янгиларини қуришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу муаммо айниқса, Қарши дашти миқёсида жойлашган қишлоқ туманлари учун долзарбдир.

Қисқача таҳлилдан кўриниб турибдики, вилоят агроиқлимий шароитлари ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Чунончи, унинг юқори қисмида интенсив деҳқончиликни ривожлантириш, боғдорчилик ва узумчиликни ташкил қилиш учун имкониятлар мавжуд бўлса, қуйи - чўл минтақасида табиий шароит қадимдан ғалла ва чорвачилик учун қулайлик килган. Кейинчалик бу ерда хам суғорма деҳқончилик ривожланиб борган. Ғаллачилик қисман тоғ этакларида лалмикор деҳкончилик асосида ҳам ташкил этилган.

Қашқадарё вилоятида рекреация ва туризм ресурслари ҳам бор. Рекреация мақсадида ажойиб табиий ландшафт турларидан, сиҳатгоҳ ва дам олиш зоналаридан фойдаланиш мумкин. Бундай имкониятлар, энг аввало, вилоятнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида кўп (масалан, Мироқи). Туристик объектлар сифатида эса кўҳна Шаҳрисабз - соҳибқирон Амир Темурнинг ватани, у барпо этган тарихий ёдгорликлар (Оқсарой ва б.), эски Насаф қолдиқлари, ғорлар, шунингдек, экотуризм аҳамиятига молик масканлар

мавжуд. Шаҳрисабз туманининг юқори қисмида Ҳисор давлат қўриқхонаси ташкил қилинган; Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларида қадамжо ва зиёратгоҳлар ҳам кўп.

Аҳоли ва меҳнат ресурслари. Қашқадарё вилояти ўзининг аҳоли сони бўйича Ўзбекистонда Самарканд ва Фарғона вилоятларидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. У айни вақтда, аҳоли сонининг ўсиши жиҳатидан Сурхондарё вилояти билан биргаликда мамлакат демографик вазиятида етакчилик қилади. Жумладан, агар Ўзбекистон аҳолиси 1989 - 2010 йилларда 123,8 фоизга ўсган бўлса, Сурхондарёда бу кўрсаткич 139,2 ва Қашқадарёда 136,0 фоизга тенг. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу икки вилоят умумреспублика ҳозирги демографик вазиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Вилоят табиий географик муҳитига мос ҳолда аҳоли унинг ҳудудида бир текис жойлашмаган. Ўртача зичлик 1 км^2 га 91 киши, бу рақам республика ўртача кўрсаткичидан деярли 1,5 марта юқори. Аҳоли, хусусан, Касби (214 киши), Қарши (213 киши), Шаҳрисабз (175 киши) ва Яккабоғ (161 киши) туманларида зич жойлашган. Айни пайтда бу кўрсаткич Муборак, Деҳқонобод, Миришкор қишлоқ туманларида анча паст: мос ҳолда 22, 29 ва 30 киши.

Аҳоли сони бўйича вилоятда Чирокчи тумани олдинда туради (311,4 минг, 2010 йил); Шаҳрисабз туманида ҳам, Шаҳрисабз шаҳрини қўшиб ҳисоблаганда, аҳоли 300 минг киши атрофида. Шунингдек, Қамаши, Косон, Китоб ва Яккабоғ туманларининг ҳар бирида 200 минг кишидан кўпроқ аҳоли бор. Умуман, юқорида келтирилган қишлоқ туманлари бу жиҳатдан республикамизда ҳам ажралиб туради. Аҳоли сони фақат Миришкор ва Муборак туманларида 100 минг кишидан оз, холос (12.1-жадвал).

Зичлик кўрсаткичларида ҳам ҳудудий тафовутлар деярли шунга мос ҳолда шаклланган; энг юқори кўрсаткич Қарши, Касби, Шаҳрисабз, паст кўрсаткичлар эса Муборак, Миришкор ва Деҳқонобод туманларида кўзга ташланади. Қарши гуманида демографик (антропоген) "юкнинг" кўплиги унинг бевосита вилоят маркази атрофида жойлашганлиги билан изоҳланса, Шаҳрисабз туманида бундай вазият деярли 100 минг аҳоли сонига эга бўлган Шаҳрисабз шаҳри туфайли вужудга келган.

Кейинги 20 йил мабойнида, яъни 1989-2009 йиллар оралиғида аҳоли сони анча тез кўпайиб борган: Муборак туманида ўртача йиллик кўпайиш 5,75, Косонда 4,75 ‰, Китоб ва Нишон туман-

ларида 4,10 фоизни ташкил қилган. Нисбатан пастроқ демографик ўсиш Дехконобод (2,45 %), Қарши (2,50 %) ва Касби (2,55 %) туманларида кузатилади. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, мазкур кўрсаткичлар бўйича Муборак тумани республикамизда энг олдинги ўринларни эгаллайди. Туман аҳолисининг бундай тез ўсиши нафақат табиий кўпайиш, балки аҳоли миграцияси билан ҳам боғлиқ (табиий ресурсларни ўзлаштириш натижасида аҳоли бу ерга кўплаб кўчиб келган).

Юқори минтақа (Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманлари) кўп жиҳатдан республикамизнинг аҳолиси зич, хўжалиги интенсив ривож топган воҳа ва водийларига ўхшаб кетади. Шу билан бирга аҳоли зичлик кўрсаткичлари қуйи минтақанинг айрим туманларида (Касби, Қарши) ҳам анча юқори.

Вилоятда табиий ҳаракат кўрсаткичлари бошқа ҳудудларга қараганда (Сурхондарёдан ташқари) сезиларли даражада фарқ қилади. Чунончи, бу ерда туғилиш коэффициенти ҳар 1000 киши аҳолига 24,3 кишини ташкил этади (2009 йил). Энг юқори даража 2000 йилда Чироқчи туманида бўлиб, у бу ерда яқин 34 кишига баробар (Ўзбекистонда олдинги ўринларда). Муборак туманида ҳам туғилиш анча юқори - 30,7 ‰. Айни вақтда умумий туғилиш коэффициенти Шаҳрисабз туманида паст, Қарши шаҳрида эса у 16,7 промилле.

Қайд қилиш лозимки, Қашкадарёда ҳам туғилиш камайиб бормоқда, бироқ бу жараён мамлакатнинг бошқа вилоятларига нисбатан аста-секинлик билан содир бўлмоқда (12.2-жадвал). Сурхондарёда ҳам худди шунга ўхшаш демографик вазият. Демак, уларнинг бир иқтисодий районга бирлаштирилиши геодемографик омил бўйича ҳам асосланган.

Умуман олганда, жадвал таҳлили вилоят аҳолисининг туғилиш даражасида катта тафовутлар кўрсатмайди, энг юқори ва энг паст кўрсаткич қишлоқ туманлари миқёсида 2,8 5‰ га баробар, холос, ваҳоланки, 2000 йилда бу фарқ 9,2 промиллега тенг бўлган.

Аҳоли ўлим коэффициентида ҳам катта рақамлар қайд этилмайди. У 2008 йилда Ғузор туманида 5,0 ‰, Қамаши ва Муборакда 4,0 ‰ кўрсатган. Аҳоли табиий ҳаракатининг якуни, яъни табиий кўпайиш эса кўпроқ туғилиш даражаси таъсирида шаклланган, энг юкориси Чироқчида (23,8 ‰), энг пасти Миришкорда (19,8 ‰) қайд этилади.

Миграциянинг аҳоли сони ўсишига таъсири унча кучли бўлмасада, у салбий. Масалан, 1997 йилда шаҳар жойларда миграция қолдиғи минус 1440, 1998 йилда 1765 кишини ташкил этган. Қишлоқ жойларда бу кўрсаткич, юқоридагиларга мос ҳолда, минус 2910 ва 2205 кишидан иборат бўлган. 2008 йил натижаларига кўра,

12.2-жадвал

Қашқадарё вилояти қишлоқ туманлари аҳолисининг табиий ҳаракати (промилледа)

т/р	Қишлоқ туманлари	2000 йил			2008 йил		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш
1	Деҳқонобод	27,9	4,9	23,0	25,2	4,1	21,1
2	Касби	28,8	4,2	24,6	25,0	4,3	20,7
3	Китоб	28,3	4,3	24,0	27,2	4,2	23,0
4	Косон	28,.1	4,0	24,1	27,1	4,1	23,0
5	Миришкор	25,5	4,3	21,2	23,9	4,1	19,8
6	Муборак	30,7	4,8	25,9	26,1	4,0	21,9
7	Нишон	27,0	2,8	24,2	27,0	4,2	22,8
8	Чироқчи	33,8	4,5	29,3	28,0	4,2	23,8
9	Шаҳрисабз	24,6	4,4	20,2	21,1	4,3	16,8
10	Яккабоғ	27,2	4,1	23,1	25,0	4,2	20,8
11	Қамаши	27,3	4,4	22,9	25,7	4,0	21,7
12	Қарши	24,7	4,2	20,6	26,0	4,3	21,7
13	Ғузор	28,1	4,8	23,3	25,0	5,0	20,0

Жадвал Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

ҳар минг киши ҳисобига Деҳқонобод туманига 6 киши келган ва 4 киши кетган, миграция қолдиғи 2 кишини ташкил этган. Нишон туманида келиш коэффициенти 8,0, кетиш 5,0 промилле, миграция натижаси 3,0 промилле ёки 0,3 %. Қизиғи шундаки, Қашқадарё вилоятининг аксарият қишлоқ туманлари ва Қарши шаҳрида аҳоли миграциясининг натижаси ижобий бўлган. Масалан, у 2008 йилда фақат Яккабоғ ва Муборак туманида салбий натижани кўрсатган, холос (-1,0 промилле), ваҳоланки, республикамизнинг қолган барча қишлоқ жойларида бундай вазият жуда кам учрайди (Андижон ва Бухоро вилоятлари бундан мустасно)[1]. Шу билан таъкидлаш жоизки, Қуйи минтақанинг айрим туманларини аҳолиси (масалан, Муборак, Касби, Нишон, Миришкор) асосан миграция натижасида шаклланган.

[1] Солиев А, Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси) – Т. ; Фан ва технологиялар, 2009. - Б. 197-200).

Вилоятнинг умумий урбанизация даражаси 43,6 % - бу республика кўрсаткичидан анча паст (51,7%). Вилоятда ҳаммаси бўлиб 12 шаҳар ва 123 та шаҳарча бор. Улардан Қарши Ўзбекистоннинг 17 катта шаҳарлари қаторига киради (225 минг киши атрофида). Шаҳрисабзда 95 минг, Косонда 62 минг аҳоли яшайди; Қамаши ва Китоб шаҳарларида 35-40 мингдан аҳоли бор. Колган шаҳар ва шаҳарчаларда аҳоли сони бундан озроқ.

2009 йилда "Қишлоқ" Давлат дастурини қабул қилиниши муносабати билан вилоятнинг 119 та қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақоми берилган. Натижада, умумий урбанизация даражаси 2008 йилдаги 24,6 фоизга тенг бўлгани ҳолда, у бирданига 19,0 фоизга ортди. Янги шаҳарчалар (агрошаҳарчалар), айникса, Шаҳрисабз, Қарши, Китоб ва Яккабоғ туманларида кўп. Жумладан, Шаҳрисабзда бундай унвонга 18 та, Қаршида 15 та, Китобда 14 та, Яккабоғда 13 та қишлоқлар эга бўлган. Маълумки, Қашқадарёнинг юқори зонасида жойлашган қишлоқ туманларида интенсив суғорма деҳқончилик яхши ривожланган ва шу асосда аҳоли зич, катта-катта қишлоқлар шаклланган. Нисбатан озроқ янги шаҳарчалар Миришкор (3 та) ва Деҳқонобод туманларида (2 та) пайдо бўлган. Янги шаҳарчаларни аҳоли сони бўйича энг катталари: Денов - 14,9 минг киши, Фазли - 10,1 минг (Касби тумани), Янги Миришкор - 14,6 минг, Помук - 11,8 минг (Миришкор), Карлик - 14,9 минг (Муборак туманида), Карашина - 9,8 минг киши (Деҳқонобод тумани) ва ҳ.к.

Вилоятда 1046 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд, қишлоқ фукаролар йиғинлари 148 та. Деҳқонобод, Қамаши, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларининг ҳар бирида 100 дан ортиқ қишлоқлар бор (энг кўпи Китоб туманида - 144 та). Сон бўйича энг оз қишлоқлар Муборак (15 та), Миришкор (23 та) ва Нишон (30 та) туманларида. Бу маъмурий ҳудудларнинг барчаси янги ерларни ўзлаштириш муносабати билан ташкил этилган.

Қишлоқ аҳоли ва аҳоли пунктлари географиясининг асосий хусусиятлари табиий шароит ва унинг таъсирида хўжалик тармоқларининг ҳудудий ташкил этилиши ва ихтисослашуви билан тавсифланади. Масалан, Шаҳрисабз гуруҳ туманларида нисбатан катта қишлоқлар, тоғ ва тоғолди ҳудудларда эса кичикроқ қишлоқлар жойлашган.

12.3-жадвал

Қашқадарё вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг таркибий тузилиши (2009 й.)

Қишлоқлар, аҳоли сони бўйича	Қишлоқ аҳоли пунктлари		Аҳолиси	
	сони	фоизда	минг киши	фоизда
250 кишигача	46	4,4	7693	0,5
251-500 киши	129	12,3	51284	3,6
501-1000 киши	310	29,6	230546	15,9
1001-2000 киши	369	35,3	515004	35,6
2001-3000киши	105	10,1	255843	17,7
3000 киши ва ундан ортиқ	87	8,3	386418	26,7
Вилоят бўйича жами	1046	100	1446848	100

Жадвал Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлилидан кўриниб турибдики, вилоят қишлоқ аҳоли географиясини асосан ўрта даражадаги қишлоқлар, яъни ҳар бирида 1000-3000 аҳоли бор аҳоли манзилгоҳлари белгилаб беради. Бундай қишлоқлар сони 474 та ёки жами қишлоқларнинг 45,4 фозини ташкил қилиб, улар вилоят умумий қишлоқ аҳолисининг 53,3 фоизини ўзида мужассамлаштиради. Катта қишлоқларнинг демографик салоҳияти эса 21,7 фоизга тенг. Демак, ўрта ва катта қишлоқларда деярли 4/5 минтақа аҳолиси яшайди. Шу билан бирга қайд этиш жоизки, 500 кишигача бўлган қишлоқлар сони ҳам кам эмас - 175 та, аммо уларда борйўғи 4 фоиздан ортиқ аҳоли яшайди, холос. Маълумки, "Қишлоқ" Дастурида кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижти-моий инфратузилмаларни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантиришда, энг аввало, аҳоли пунктларининг катта-кичиклиги муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан бундай қишлоқларда мазкур муаммоларни ҳал қилиш анча қийинчиликларга учрайди.

1 январ 2010 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, Қашқадарёда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 1434 минг киши. Шундан 990,5 минг киши иқтисодий фаол ҳисобланади. Иқтисодиёт тармоқларида банд аҳоли 940,2 минг киши. 2009 йил якунлари бўйича бир йилда 5,7 минг янги иш ўринлари яратилган (асосан қишлоқ жойларда). Бироқ шунга қарамасдан, вилоятда, хусусан, унинг аҳолиси зич туманларида меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш ва меҳнат бозори фаолиятини яхшилаш муҳим муаммодир.

Иқтисодиётда банд аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади (35-40 %). Шу билан бирга ижтимоий соҳаларда ҳам бу кўрсаткич анча юқори, саноат, транспорт ва алоқада эса у пастроқ. Умумий ҳолат вилоят урбанизация даражасининг иқтисодий жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Вилоят иқтисодиётининг умумий таърифи. Қашқадарё вилоятининг иқтисодиёти ривожланиб бораётган аграр-индустриал йўналишга эга. Яқин келажакда унинг индустриал – аграр хусусиятини олишига тегишли имкониятлар мавжуд. Ҳозирги вақтда вилоят юксак иқтисодий салоҳиятига эга бўлган минтақалардан бири ҳисобланади. У республика миллий иқтисодиётида ўзига хос "локомотив" вазифасини бажаради. Бу ерда нефть-газ, тоғ-кон кимёси, пахта, ғалла, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш яхши ривожланган. Хусусан, нефть ва газ, пахта ва ғалла етиштиришда у мамлакатимизда биринчи, кимёвий маҳсулотлар (полиэтилен ва б.) ҳамда чорвачилик бўйича олдинги ўринларнинг бирини эгаллайди.

Бошқа ҳудудларда бўлганидек, бу ерда ҳам бозор ислоҳотларига катта эътибор берилмоқда. Аммо вилоят саноатини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ўзига хос хусусиятга эга. Сабаби саноатнинг асосан ёқилғи-энергетикага ихтисослашганлиги, яъни стратегик аҳамият касб этиши туфайли нодавлат сектори бу соҳада нисбатан пастроқ.

2009 йилда капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 2193 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг энг катта қисми Миришкор (23,0 %) ва Муборак (20,6 %) туманларига тўғри келади. Шунингдек, Нишон (13,8 %) ва Ғузор (14,6 %) туманларининг инвестицион салоҳияти ҳам юқори. Энг сўнгги йилларда Деҳқонобод туманида республикамизда ягона калий заводини қуриш муносабати билан бу ҳудудга йўналтирилган инвестицион маблағлар ҳам ортиб бормоқда. Шу билан бирга. Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Касби, Қамаши қишлоқ туманларида 2009 йилда таҳлил этилаётган кўрсаткичлар анча паст бўлган (12.4-жадвал).

Саноати. Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республика саноати маҳсулотининг 7,8 фоизини беради. 2009 йил якунларига кўра, саноатининг ички тузилиши қуйидагича: ёқилғи саноатининг улуши (маҳсулот қиймати бўйича) 84,7 фоиз, енгил саноат - 7,8, озиқ-овқат 3,5, ун-крупа, омухта ем саноати - 2,6 фоиз. Таққослаш учун: 2000 йилда юқоридаги кўрсаткичлар, мос ҳолда, 56,4; 18,1;

12.4 - жадвал

Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳудудий жиҳатлари

(2009 йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Қарши ш.	13,6	43,6	0,8	5,7	37,6	40,4	26,4	1,02	24,3
туманлар:									
Деҳконобод	0,1	0,5	3,7	8,5	3,0	2,9	2,0	-	9,1
Касби	1,2	0,8	9,1	0,9	3,0	1,8	2,0	0,9	0,05
Китоб	0,6	3,8	6,5	1,2	6,9	7,3	11,3	-	0,05
Косон	1,8	11,0	11,2	2,8	6,1	4,9	6,6	1,0	0,3
Миришкор	0,9	1,3	8,0	23,0	1,8	1,9	2,0	0,7	0,3
Муборак	43,0	1,2	4,7	20,6	7,2	3,0	3,4	23,0	33,8
Нишон	1,2	0,9	7,4	13,8	3,6	2,5	5,4	0,7	6,5
Чиракчи	0,6	3,9	10,7	1,2	3,3	4,8	5,2	0,3	0,4
Шаҳрисабз	1,8	23,1	6,6	1,5	9,1	9,7	8,5	0,6	0,6
Яккабоғ	2,3	4,4	7,7	1,4	4,2	6,4	7,3	0,4	0,2
Қамаши	1,2	2,6	9,3	1,5	3,0	3,1	6,6	0,6	0,05
Қарши	1,1	2,0	7,6	3,2	6,1	7,2	7,5	0,7	0,3
Ғузор	30,6	0,9	6,4	14,6	4,8	4,0	5,5	70,0	30,5
Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

9,2; ва 2,6 фоизни ташкил қилган. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, сўнгги 10 йил давомида минтақа саноатининг "А" қисми, яъни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ёки оғир саноат тармоқлари жадал ривожланиб борган. Бу ҳам бўлса вилоят иқтисодиётини янада индустриялаштиришнинг натижаси саналади.

Қашқадарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотининг ички таркиби ҳам унинг иқтисодиётини тобора индустриал - аграр йўналишга ўтиб боришини асослаб беради. Жумладан, 2008 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 33,0 фоизи саноат ишлаб чиқаришига тўғри келган бўлса, 2009 йил у 35,4 фоизга баробар бўлган. Қурилиш ЯҲМнинг 6,6 %, транспорт ва алоқа 4,6 %, савдо ва умумий овқатланиш 4,4 %, солиқлар 8,6 фоизини таъминлайди. Айрим бошқа минтақаларга қараганда бу ерда кишлоқ хўжалигининг улуши пастроқ - 20,0 %, ваҳоланки, бу кўрсаткич Сурхондарёда - 42,4 %, Сирдарёда - 41,2 %, Жиззахда - 39,7 %, Самарқандда - 39,3 % ва ҳ.к. Айни вақтда бу ерда машинасозлик суст ривожланган; кимё ва электр энергетика саноатига эса катта эътибор қаратилмоқда. Шўртангаз мажмуаси, Деҳқонободда қурилаётган калий заводи, биринчи навбатида ишга туширилган Толлимаржон ИЭС фикримизга далил бўла олади. Шунингдек, вилоят энергетика базасида Муборак иссиқлик энергетика маркази ҳам муҳим ўрин тутади.

2009 йилда саноат маҳсулоти 2008 йилга нисбатан таққослама нархларда 16,5 фоизга кўпайди. Ана шу йилда вилоятда жами 116 та саноат корхоналари мавжуд бўлиб (йириклари 41 та), уларнинг барчасида банд бўлган ишчи ходимлар 31,9 минг кишини ташкил қилган. Бир йилда тахминан 1,6-2,0 млн. т нефть, 54,2-57,0 млрд. $м^3$ табиий газ, 2,0 млн. т атрофида газ конденсати (суюлтирилган газ), 262 тоннага яқин олтингугурт, 129,4 минг т полиэтилен, 1,2 млн. $м^2$ ип-газлама, 148-154 минг тонна пахта толаси, 25-35 минг тонна ўсимлик ёғи, 23-24 млн. шартли банка консерва, 182 минг т ун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Нисбий кўрсаткичларда ҳисоблаганда Қашқадарёга Ўзбекистонда қазиб олинадиган нефтьнинг (газ конденсати билан бирга) 95 фоизи, табиий газнинг 92 ва олтингугуртнинг деярли 100 фоизи тўғри келади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, бундан 9 йил муқаддам мутлоқ кўрсаткичларнинг баъзилари анча юқори бўлган. Масалан, 2000 йилда нефть қазиб олиш 3,6-4,0 млн. т, суюлтирилган газ 3,5 млн. т, ип-газлама 5,0 млн. кв метрдан зиёдроқ, консервалар 75

млн шартли банкани ташкил қилган; фақат пахта толаси ва ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш бу даврда кўпайган.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, вилоятнинг ёқилғи саноатидаги "силжишлар" республика умумий ёқилғи - энергетика саноати ҳолатига жиддий таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, ип-газлама ҳамда мева консервалар ишлаб чиқариш ҳажмининг қискаришини ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. Пахта ҳосилининг, жумладан, пахта толасини ишлаб чиқаришни ортиб боришига қарамасдан уни қайта ишлаш ҳажми, ип-газлама маҳсулотларини тайёрлаш жуда катта миқдорда қисқарган. Албатта, бу ерда ҳам вазият қоникарли эмас.

Саноатнинг ҳудудий ташкил этилишида Қарши, Шаҳрисабз тугунлари катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга Муборак (ИЭМ, газ - кимё мажмуаси), Косон (ёғ - экстракт, пахта тозалаш, ғишт заводи), Шўртан (нефть-газ-кимё), Толлимаржон (ИЭС), Кўкдумалоқ (нефть), Чироқчи (консерва заводи) ва бошқа саноат пунктларининг аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Қарши ва Қамашида тўқимачилик корхоналари, Шаҳрисабзда ип-газлама ("Оқсарой - тўқимачи" ҚК, ипакчилик), аксарият туман марказларида пахта тозалаш заводлари мавжуд.

Вилоятда газ конденсатини Муборак нефть-газ конлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, "Шўртан нефть-газ" шўъба корхонаси, Шўртангаз кимё мажмуаси ҳамда "Ҳисор нефть-газ" қўшма корхоналари ишлаб чиқаради. Айнан шу корхоналар нефть ва табиий газ конларидан фойдаланишади. Уларнинг орасида газ конденсати бўйича Муборак нефть-газ конлари бошқармаси ва Шўртан нефть-газ, нефть ва табиий газ қазиб олишда Муборак нефть-газ конлари етакчилик қилади[1]. Суюлтирилган газнинг ярмига яқинини Шўртангаз кимё мажмуаси етказиб беради, иккинчи ўринда Шўртан нефть-газ шўъба корхонаси туради. Олтингугуртнинг деярли 100 фоизга яқинини Муборак газни қайта ишлаш заводи таъминлайди.

Жами саноат маҳсулотининг 13,6 фоизи вилоят маркази - Қарши шаҳрига тўғри келади. Муборак туманида саноат мужассамлашув кўрсаткичи бундан ҳам юқори – 43 фоиз. Шунингдек, Ғузор туманида ҳам саноат ишлаб чиқариши юқори даражада - 30,6 %. Демак, бу икки қишлоқ тумани вилоят маркази билан биргаликда жами саноат маҳсулоти ҳажмининг 87,2 фоизини беради (12.4-жадвал). Қолган ҳудудларда саноат суст ривожланган. Бу борада

[1] Чироқчи туманида ҳам оз миқдорда бўлсада нефть казиб олинади.

бироз Шаҳрисабз ва Косон туманлари ажралиб туради, Деҳконободда эса ушбу макроиктисодиёт тармоғи яқин йилларда ривожланиб боради.

Қашқадарё вилояти демографик вазияти, аҳолисининг тез кўпайиб бориши халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўламини оширишни тақозо этади. 2009 йилда аҳоли жон бошига 109,4 минг сўм ҳажмида истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлиб, у олдинги йилга нисбатан 109,2 фоизга кўпайган. Агар аҳоли сонининг бу даврдаги 2,2 фоизга ортганини ҳисобга олсак, истеъмол молларини устувор даражада кўпайиб боришининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпроқ ўсган (125,0 %).

Кўрилаётган йилда мебел, хўжалик совуни, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, минерал сув ишлаб чиқариш ҳажми анча кўтарилган. Хусусан, трикотаж маҳсулотлари тез кўпайган (2,3 марта). Бироқ ўсимлик ёғи 2008 йилдаги 35,1 минг тоннадан 2009 йилда 25,1 минг тоннага камайган.

ХИМ ишлаб чиқариш бўйича Қарши шаҳри, Шаҳрисабз ва Косон туманлари олдинда. Айнан шу ҳудудларда енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари яхшироқ ривожланган. Уларнинг ҳиссасига 77,7 % вилоятда олинган ХИМ тўғри келади (жумладан, Қарши шаҳрига - 43,6 %). Бу соҳа, айни пайтда Деҳконобод, Ғузор, Касби ва Нишон туманларида жуда суст. Аҳоли жон бошига вилоятда 109,4 минг сўм миқдорида ХИМ ишлаб чиқарилгани ҳолда, Деҳконобод туманида у атиги 12,8, Касбида 13,8, Ғузор туманида 16,1 минг сўмни ташкил этган. Вилоятнинг бу борадаги "ўртача" кўрсаткичи асосан Қарши шаҳри (523,2 минг сўм) ва Шаҳрисабз тумани (219,6 минг сўм) ҳисобидан шаклланган.

Қишлоқ хўжалиги. Вилоятда аграр соҳа ҳам яхши ривожланган. 2009 йилда барча тоифадаги хўжаликларда яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олдинги йилга нисбатан 3,4 фоизга ортган. Жами маҳсулот ҳажмида деҳкончилик 51,8 фоизни ташкил қилади. Умумий ҳажмда минтақа Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 8,5 фоизини беради.

Қашқадарё вилоятининг умумий ер майдони 2849 минг га, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 2047 минг га ёки жами майдонга нисбатан 71,8 %. Бу чўл минтақасида жойлашган бошқа минтақалар - Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларига қараганда юқорироқ кўрсаткич ҳисобланади.

12.5-жадвал

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

(2008й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланила диган ердар, минг га	Шу жумладан суғорила диган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Деҳконобод	399,7	255,6	2,3	17,4	0,2	1,4	80,9
Касби	65,0	51,1	46,3	87,0	3,7	-	9,3
Китоб	174,5	81,1	16,1	26,2	8,8	1,6	63,4
Косон	188,1	143,7	66,1	50,9	1,6	1,8	45,6
Миришкор	321,1	276,8	58,2	19,9	0,5	0,8	79,0
Муборак	307,0	250,2	32,1	13,3	0,3	-	86,4
Нишон	211,0	153,5	53,6	33,7	1,3	-	65,0
Чироқчи	283,7	240,2	25,3	50,6	1,1	3,7	44,6
Шаҳрисабз	166,4	71,8	22,0	34,3	6,1	0,7	58,9
Яккабоғ	110,1	96,3	29,4	40,6	5,0	2,3	52,1
Қамаши	267,0	133,1	29,9	47,0	1,4	0,01	50,9
Қарши	91,0	64,8	43,3	67,8	3,9	-	28,3
Ғузор	265,6	228,7	32,6	27,0	0,4	0,3	72,4
Вилоят бўйича	**2849,2**	**2046,8**	**457,3**	**33,1**	**1,6**	**1,1**	**64,2**

Манба:" Альбом сельскохозяйственных карт республики Каракалпакстан и областей Узбекистана" – Ташкент, 2008.

риш соҳалари, яъни саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича Муборак ва Ғузор туманлари ажралиб туради. Ижтимоий соҳалар Китоб, Муборак ҳамда Нишон туманларида нисбатан яхшироқ ривожланган. Ҳозирча энг суст ривожланган қишлоқ туманлари Деҳқонобод ва Чироқчи ҳисобланади. Умуман олганда эса вилоятнинг Деҳқонобод, Қамаши, Китоб, Чироқчи ва Яккабоғ туманлари давлат дотациясида турибди (1.01.2010 йил ҳолатига).

Яқин келажакда ишлаб чиқаришни тўғри ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш, меҳнат ресурслари, рекреация ҳамда туристик имкониятлардан фойдаланиш, тўқимачилик ва қурилиш саноати базасини мустаҳкамлаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Қишлоқ саноати ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, геоэкологик вазиятни яхшилаш ҳам минтақавий муаммолар сирасига киради.

Сўнгги йилларда Толлимаржон ИЭС ва Тошгузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Улар вилоят иқтисодий географиясига катта ўзгаришлар киритади.

Шу билан бирга, келажакда янги ички темир ва автомобил йўлларини қуриш бундай катта ҳудудга эга бўлган минтақа учун зарурдир. Жумладан, Яккабоғ ва Айритом бекатларини бирлаштирувчи янги темир йўл қурилса, вилоятнинг иккинчи шаҳри - Шаҳрисабз республика марказий районлари билан қисқароқ масофада боғланиш имкониятига эга бўлади ва транспорт ҳаракати камаяди, Қарши станциясининг "юки" бироз енгиллашади. Қолаверса, бу йўл вилоятнинг ички ҳудудларининг ривожланишига туртки беради, натижада Қашқадарёнинг асосий иқтисодий ўзаги (қовурғаси) Қарши – Ғузор – Қамаши – Яккабоғ (Шаҳрисабз) – Чироқчи – Айритом халқаси ёки тўртбурчаги шаклланади. Айни вақтда Ғузорнинг транспорт тугуни сифатидаги аҳамияти кучаяди, Деҳқонобод туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши фаоллашади ва у Қашқадарёни Сурхондарё вилояти билан боғлашга хизмат қилади, шу асосда ягона Жанубий иқтисодий район шаклланиб боради.

Демак, истиқболда Ғузор, Тошгузор, Яккабоғ, Айритом, Қарашина, Чин каби ўсиш нуқта ва марказлари вужудга келади, Қарши ва унинг агломерацияси такомиллашади, худди шундай аҳоли ва хўжаликни ҳудудий ташкил этиш шакли Шаҳрисабз негизида ҳам пайдо бўлади.

12.7-жадвал

Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари

(аҳоли жон бошига, 2009 йил)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Қарши шаҳри	1,341	4,780	0,089	0,622	4,129	4,435	2,899
Деҳконобод	0,026	0,117	0,834	1,898	0,677	0,656	0,447
Касби	0,180	0,126	1,580	0,154	0,531	0,323	0,344
Китоб	0,053	0,469	0,789	0,151	0,847	0,889	1,379
Косон	0,106	1,291	1,302	0,326	0,705	0,838	0,866
Миришкор	0,236	0,365	2,237	4,045	0,507	0,492	0,566
Муборак	15,950	0,451	1,775	7,757	2,702	0,925	2,056
Нишон	0,253	0,196	1,759	3,265	0,843	0,706	0,800
Чироқчи	0,044	0,324	0,894	0,099	0,273	0,402	0,441
Шаҳрисабз	0,146	2,007	0,527	0,132	0,794	0,845	0,740
Яккабоғ	0,241	0,535	0,955	0,174	0,526	0,794	0,906
Қамаши	0,125	0,327	1,145	0,180	0,380	0,606	0,810
Қарши	0,131	0,280	1,032	0,428	0,825	0,425	0,906
Ғузор	5,132	0,147	1,038	1,415	0,780	0,648	0,896
Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

млн. т) автомобил транспортига тўғри келади. 2009 йилда жами 296,3 млн. йўловчи ташилган, унинг 295,3 млн. кишиси автомобил транспортида амалга оширилган.

Қашқадарё нефть ва газ конларидан мамлакатимизнинг турли районларига ҳамда қўшни давлатларга қувур транспорти тарқалган; Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, кўпгина йирик иссиқлик электр станцияларига айнан шу ердан ёқилғи етказиб берилади. Шунингдек, яқинда қурилган Тошгузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўлининг аҳамияти ҳам катта. Қарши шаҳрида йирик аэропорт бор, у вилоят аҳолисининг ташқи алоқаларига хизмат қилади.

Ташқи савдо айланмаси 273114,7 минг АҚШ доллари, шундан экспорт 2362815,9 минг ва импорт 371298,8 минг доллар. Демак, савдо баланси вилоят фойдасига – 1991517,1 минг доллар (2009.) Экспорт таркибида ёқилғи (асосан табиий газ) 90,1 %, пахта толаси - 6,0 фоизни ташкил қилади. Бундай экспорт таркиби республикамизнинг кўпгина бошқа вилоятларида кузатилмайди. Бу ердан кимёвий маҳсулотлар, жумладан, полиэтилен ҳам экспорт қилинади.

Импорт таркибида машина ва ускуналар (69,3 %) ҳамда қора ва рангли металлар етакчилик қилади (22,8 %). Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий қисми, "Узоқ хориж" мамлакатларига тўғри келади.

Вилоят иқтисодиётининг ҳудудий таркиби ва асосий муаммолар. Қашқадарё вилоятида, энг аввало, иккита шаклланган асосий ички иқтисодий район ажратилади. Қуйи минтақа ёки Қарши минтақаси пахта ва ғалла, чорвачиликка, нефть-газ, тоғ-кон ҳамда электр энергетикага ихтисослашган. Унинг таркибига Қарши шаҳри, Қарши, Нишон, Муборак, Косон, Ғузор, Касби ва Миришкор туманлари киради.

Юқори ёки Шаҳрисабз минтақасида кўпрок агросаноат мажмуаси ривожланган. У Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманларини бирлаштиради. Бу иккита - шаклланган районлардан ташқари Қашқадарё географи М.Янгибоев яна икки Шимолий (Чироқчи тумани) ва Жанубий (Деҳқонобод ва Қамаши туманлари) районларни ҳам ажратган. Албатта, бу янги районларда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси энди шаклланиб бормоқда. Балким, Деҳқонобод, Қамаши ва Чироқчи туманларини оралиқ ёки ўрта иқтисодий район сифатида ажратиш ҳақиқатга яқин бўлар.

Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ички тафовутлар қишлоқ туманлари миқёсида янада аниқроқ кўзга ташланади (12.7-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, асосий ишлаб чика-

кишига 19,8, ўрта медицина ходимлари 99,6 киши (бу рақамларни бошқа вилоятлар билан солиштириш мумкин). Касалланиш эса ҳар 100 минг аҳолига 47,2 минг киши. Қишлоқ врачлик пунктлари 258 та, ўртача тўртта қишлоқ аҳоли пунктига битта ҚВП тўғри келади.

Уй-жой таъминоти вилоят бўйича ўртача хар бир кишига 13,1 кв. м тўғри келгани ҳолда, бу кўрсаткич Китоб (18,9) ва Муборак (19,7) туманларида юкори, Косон туманида у паст (7,7 $м^2$). Ҳар 10 минг кишига нисбатан касалхона ўринлари, Қарши шаҳрини ҳисобга олмаганда, Ғузор туманидаги 19,8 дан Китоб туманидаги 63,8 тагача фарқланади. Қарши туманида ҳам бу кўрсаткич паст, бирок туман аҳолиси Қарши шаҳри имкониятларидан ҳам фойдаланади.

Ичимлик суви билан таъминланиш даражаси Муборак ва Китоб туманларида бирмунча яхшироқ (89 % га якин). Деҳконобод туманида эса у ўта ночор ҳолатда (51,1 %). Табиий газ билан таъминланиш қуйидагича: Қарши туманида 80,0 %, Касбида 84,9 % бўлган ҳолда, Ғузорда 44,4 % (Шўртангаз мажмуаси шу ҳудудда), Қамашида 44,8 %. Шунингдек, Яккабоғ туманининг ҳам вазияти унча яхши эмас (52,7 %).

Юқоридаги келтирилган статистик рақамлар баъзи ижтимоий соҳаларнинг қишлоқ туманлари миқёсидаги реал ҳолатини акс эттиради. Ўз навбатида, бу кўрсаткичлар вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларининг ҳудудий жиҳатларини яққол намоён қилади.

Қашкадарё вилоятида ўрта таълим мактаблари 1116 та, касб-ҳунар коллежлари 125 та, 7 та академик лицей ва 2 та олий ўқув юрти бор. Қарши давлат университетида турли йўналишлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади.

Минтақада катта рекреация ва туристик ресурсларнинг мавжудлиги ушбу соҳалар ривожланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги вақтда 2750 йиллик тарихга эга бўлган Шаҳрисабз, 2500 йилга тўлган Қарши шаҳрининг халқаро ва маҳаллий туризмни ривожлантиришда аҳамияти катта. Вилоятнинг бу ва бошқа жойларида туристик индустрия ва туристик инфратузилмани замонавий шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари. Вилоятда транспорт тизимининг турли хиллари мавжуд. Аммо юк ташишда автомобил транспорти олдинги ўринда туради. Масалан, 2010 йилда умумий 36,3 млн. тонна ташилган юкнинг деярли барчаси (30,0

Ижтимоий соҳалар. Иқтисодий ривожланиш ижтимоий соҳалар яхшиланишига замин ясайди, шу билан бирга аҳоли иқтисодий тараққиётда муҳим омил сифатида (у ишлаб чиқарувчи ва айни вақтда истеъмолчи) хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу икки жабҳа ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бири иккинчисини тақозо этади.

Ижтимоий соҳаларнинг устувор ривожланиши ўзига хос демографик вазиятга эга бўлган Қашқадарё вилояти учун ҳам долзарбдир. Бу соҳада, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, савдо ва турли хил хизматлар асосий аҳамият касб этади. Масалан, 2009 йилда чакана савдо айланмаси олдинги йилга нисбатан 15,1 фоизга кўпайган, бу рақам эса аҳоли сони кўпайишига қараганда қарийб 7 марта юқоридир.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси 368,7 минг сўмдан иборат. Бу даражанинг энг юқориси, Қарши шаҳрини ҳисобга олмаганда, Муборак туманида (341,0 минг сўм), энг пасти эса Касби (119,3 минг сўм) ва Чироқчи (148,4 минг сўм) туманларида кузатилади. Салоҳият нуқтаи назаридан эса Шаҳрисабз, Китоб ва Қарши қишлоқ туманлари ажралиб туради; жами вилоят чакана савдо айланмасининг 40,4 фоизи биргина Қарши шаҳри зиммасига тушади (12.4 ва 12.6-жадваллар). Бу унинг йирик район ҳосил қилувчи ёки районга хизмат қилувчи вазифасини кўрсатиб турибди.

Пуллик хизматларда бир йиллик ўсиш 107,4 %, аҳоли жон бошига тўғри келиши 110,5 минг сўм. Ҳудудий фарқлар: Деҳқонободда 49,4 минг сўм, Муборак туманида 227,2 минг сўм; фарқ деярли 5 карра. Демак, бу ерда мазкур муаммонинг катта ҳудудий ёки географик жиҳати мавжуд ва у амалдаги "Қишлоқ" Дастурида ҳал этилиб борилиши керак. 12.4 ва 12.6-жадвалларда пуллик хизматнинг географияси келтирилган ва улардан тегишли хулосалар чиқариб олиш мумкин.

Вилоят аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши ўртача 82,2 %, табиий газ билан эса - 71,1 %. Ажабланарлиси шундаки, энг катта табиий газ ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган бундай минтақада мазкур кўрсаткич унча юқори эмас (айтиш мумкинки, ҳар 10 та хонадондан 3 тасида табиий газ йўқ).

Тиббиёт ўринларининг умумий сони 102, ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган бемор ўринлар сони 41,8 та. Врачлар ҳар 10 минг

12.6- жадвал

Қашқадарё вилоятида аҳоли жон бошига баъзи бир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар (2009 й., минг сўм)

т/р	Туманлар	Саноат	ХИМ	Қишлоқ хўжалиги	Чакана савдо айланмаси	Пуллик хизматлар
1	Деҳқонобод	46,0	12,8	348,3	241,9	49,4
2	Касби	315,9	13,8	659,8	119,3	38,0
3	Китоб	93,7	51,3	329,7	327,7	152,4
4	Косон	185,0	141,2	543,8	308,9	95,7
5	Миришкор	413,2	39,9	934,1	181,6	62,6
6	Муборак	27282,4	49,4	741,3	341.0	227,2
7	Нишон	443,6	21,4	734,5	260,4	88,4
8	Чиракчи	76,7	35,4	373,4	148,4	48,7
9	Шаҳрисабз	255,5	219,6	238,9	211,6	81,8
10	Яккабоғ	421,5	58,5	399,0	292,6	100,1
11	Қамаши	229,5	35,8	478,0	223,6	89,5
12	Қарши	215,0	30,6	430,8	156,6	100,1
13	Ғузор	8978,4	16,1	433,4	239,0	99,0
	Қарши шаҳри	2211,4	523,2	37,2	1635,0	320,3

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ер майдонлари ва уларда ишлайдиган ходимлар сони ҳам бир хил эмас. Масалан, Муборак туманида 1 та фермерга 68,3 га ер ва 7,2 кишидан ишчи ходимлар тўғри келади (вилоятда ўртача 24,1 ва 5,2 киши). Шаҳрисабз туманида бу кўрсаткичлар, мос равишда, 12,9 ва 4,3; Қарши туманида 14,5 ва 67,0. Интенсив суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларда фермер хўжаликларининг ер майдони кам, ишловчилар сони эса кўпроқ бўлади. Жумладан, Касби туманида ҳар бир фермер хўжалигига 19,4 гектар ер бириктирилган бўлиб, уларда ўртача 5,9 киши ишлайди, ваҳоланки, Деҳқонободда бу кўрсаткичлар 34,7 ва 2,4 кишини ташкил қилади.

Ҳудудий ихтисослашув жиҳатидан қаралганда, Юқори зонада ёки Шаҳрисабз гуруҳ туманларида пахтачилик, боғдорчилик ва галлачилик, Қуйи зонада, яъни Қарши даштида пахтачилик ривожланган. Чорвачилик, хусусан, қўй ва эчкиларни бокиш чўл ва тоғолди ҳудудларда кўпроқ тарқалган. Вилоят маркази ҳамда Шаҳрисабз атрофида шаҳар атрофи кишлоқ хўжалиги, сабзавот ва картошка, кўкатлар етиштириш ривожланган.

12.2-расм.

Қашқадарё вилояти саноат ва қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби (2009 й., фоизда)



саноат мажмуида 167,3 минг т тирик вазнда гўшт, 617,0 минг т сут, 171,2 млн. дона тухум, 5,0 минг т жун, 121,5 минг дона қоракўл териси, 2,6 минг т пилла олинади (2009 й.). Таққослаш учун баъзи маълумотлар (2000 йилда): умумий экин майдони 461 минг га ёки республикага нисбатан 12,2 %, ғалла майдони 202 минг га (республикада биринчи ўринда), пахта майдони 150 минг га, ем-хашак майдони 55 минг га, йирик шохли қорамоллар сони 580 минг бош (2-ўринда), қўй ва эчкилар 1,9 млн. бош (1-ўринда), қоракўл териси 110 минг дона, пилла 1,8-1,9 млн. т Бундан 9 йил муқаддам жами экин майдонининг 45 % ғалла, 32 % пахта, 12 % ем-хашак, 2 фоизи сабзавотчилик билан банд бўлган.

Қишлоқ хўжалик географиясида Косон (11,2 %), Чироқчи (10,7 %) туманлари етакчи, Деҳқонобод ва Муборак туманлари орқада. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда кўрилаётган йилда вилоятда ўртача 417,6 минг сўмлик маҳсулот яратилган. Бундан юқори кўрсаткичлар Миришкор, Муборак, Косон, Касби туманларида, пастлари эса Китоб, Яккабоғ, Деҳқонобод туманларида қайд этилади (12.6 - жадвал).

Вилоятда жами 29785 та фермер хўжаликлари мавжуд, уларга 717,1 минг га ер бириктирилган ва 155,9 минг киши ишлайди. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибида фермер хўжаликларининг ҳиссаси ўртача 40,6 %. Бу кўрсаткич Деҳқонободда жуда паст (4,2 %), Нишон, Миришкор туманларида эса у энг баланд (60,3 ва 63,1 %). Ҳудудий фарқлар асосан аграр соҳанинг ихтисослашувига боғлиқ. Одатда, деҳқончилик, хусусан пахта экишда фермерлар етакчилик қилади.

Суғориладиган ерлар 457,3 минг га, бу жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 23,3 фоизи демакдир. Бу борадаги интенсивлик коэффициенти паст - 23,3 га тенг. Суғориладиган ерлар улуши энг юқори Касби туманида - 90,6 %; иккинчи ўринда Қарши тумани туради - 66,8 %. Нишон, Косон, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва айникса, Деҳқонобод туманида у жуда паст (атиги 1,0 фоизга яқин).

Жами экин майдони 481,3 минг га, унинг 415,7 минг гектари фермер хўжаликларида. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркибида экин майдонлари 1/3 қисмини ташкил қилади. Бу хусусда Касби (87,0%), Чироқчи (50,6 %), Қарши (40,6 %) туманлари олдинда, Муборак (13,3 %), Деҳқонобод (17,4 %) ва Миришкор (19,9 %) охирги ўринларда туради. Деҳқонобод тумани қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 80,9 фоизи яйлов ва пичанзор билан банд. Муборак, Миришкор, Ғузор туманларида ҳам бундай ерлар кўп (12.5-жадвал). Бошоқли экинлар майдони 2009 йилда 241,2 минг га бўлиб, унинг 205,7 минг гектарига буғдой экилган; ялпи ҳосил 915 минг тонна, ҳосилдорлик 44,5 ц/га. Ҳосилнинг 86,9 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилади. Буғдой барча туманларда, шунингдек, Чироқчи, Қамаши ва Яккабоғ туманларида лалмикор ерларга ҳам экилади.

Қишлоқ хўжалигининг иккинчи етакчи экини - пахта 160,4 минг гектарни эгаллайди (2008 йилда 173 минг га, 2000 йилда 150 минг га). 2009 йилда 401 минг тонна пахта етиштирилган, бу олдинги йилга қараганда қарийб 50 минг тоннага камроқ, ҳосилдорлик 23,4 ц/га, (2008 йилда - 26,0 ц/га).

Картошка 5,5 минг гектар ерга экилган, ялпи ҳосил 114,4 минг т; сабзавот майдони 14,6 минг га, хосил 286,0 минг т, полиз экинлари 5,6 минг га ва ялпи ҳосил 82,3 минг т. Ем-ҳашак экинлари 32,1 минг гектарни эгаллайди, унинг ярмидан кўпроғи беда билан банд. Мевалар майдони 10,2 минг га, ялпи ҳосил 63,5 минг т. Боғдорчилик тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган (Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Қамаши ва б.) туманларда ривожланган. Бу ерларда узум етиштириш ҳам йўлга қўйилган. Унинг умумий майдони 6,4 минг га, ҳосил 42,1 минг т (2009 й.). Китоб тумани ўзининг анорлари билан ҳам машҳур (Варганза ва б.)

01.01.2010 йил маълумотларига қараганда, вилоятда 972,1 минг бош қорамоллар, 2966 минг бош қўй ва эчкилар бор. Минтақа агро-

Ўн учинчи боб. **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**

Вилоят 1938 йилда Ўзбекистон республикаси таркибида ташкил топган. Ҳозирги кунда у 10 қишлоқ туманларидан иборат: Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Янгибозор, Қўшкўпир ва Хазорасп.

Хоразм вилоятининг майдони 6,05 минг км^2 ва бу жиҳатдан у республикада фақат Сирдарё ва Андижон вилоятларидан каттарок. холос. Вилоят аҳолиси, 1.01.2010 йил маълумотларига кўра, 1562 минг киши. Маъмурий маркази - Урганч шахри.

Вилоят маъмурий - ҳудудий бўлиниши географик жиҳатдан ўзига хос. Бу кўпчилик қишлоқ туманлари майдонининг деярли бир хиллигида кўринади. Фақат Хазорасп туманининг ҳудуди (асосан, Амударёнинг ўнг қиргоғи ҳисобига) бирмунча катта бўлиб, у минтақа жами майдонининг 34,0 фоизини ташкил қилади. Энг катта ва энг кичик қишлоқ туманлари орасидаги фарк ёки географийлик коэффициенти 6,1 ни ташкил қилади.

Хоразм вилояти ҳудуди жиҳатидан унча катта бўлмасада, унинг иқтисодий салоҳияти анча юқори. Республика ҳудудий меҳнат тақсимотида у ўзининг интенсив қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати билан ажралиб туради.

Географик ўрни ва табиий бойликлари. Вилоят Амударёнинг қуйи қисмида, Ўзбекистон Республикасининг шимоли-ғарбида жойлашган, Қорақалпоғистон Республикаси ва жанубда Бухоро вилояти билан, ғарбда ва жануби-ғарбда Туркманистон давлати билан чегарадош.

Вилоят ҳудудининг асосий қисми Амударёнинг сўл соҳилида жойлашган. Амударё бой тарих ва маданиятга эга бўлган Хоразм тақдирида катта рол ўйнаган; Нил дарёси қадимги Миср учун қанчалик аҳамиятли бўлган бўлса, Амударё (Окс) ҳам Хоразм ўлкаси учун шунчалик муҳим бўлган. Бинобарин, бу дарё Хоразм вилояти ва қўшни ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий тарихий географик омили ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, бу ҳудуднинг қадимги маданияти, тили ва менталитетининг сақланиб қолиши кўп жиҳатдан унинг географик ўрнига ҳам боғлиқ. Хоразм минтақасининг чор атрофи чўллар билан ўралганлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган.

13.1-жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси.

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Майдони, минг кв. км	Аҳолиси, минг киши (01.01.2010)
1.	Боғот	07.12.1970	0,44	134,2
2.	Гурлан	29.09.1926	0,44	125,7
3.	Урганч	29.09.1926	0,45	160,8
4.	Ҳазорасп	19.09.1926	2,06	208,0
5.	Хонка	26.12.1973	0,43	154,5
6.	Хива	29.09.1926	0,46	197,9
7.	Шовот	29.09.1926	0,46	139,4
8.	Янгиарик	29.09.1926	0,40	93,1
9.	Янгибозор	23.11.1981	0,34	71,7
10	Қўшкўпир	17.02.1936	0,54	141,4

Жадвал Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Хоразм ҳудудини Туркманобод – Тошҳовуз - Бейнау темир йўли кесиб ўтади. Бу унинг ривожланишига, Туркманистон, Қозоғистон, Россия Федерацияси ва бошка давлатлар билан алока қилишида анча қулайликлар туғдиради. Бироқ вилоятнинг экологик – географик ўрни, яъни унинг Орол денгизига яқинлиги, ушбу минтақада вужудга келган экологик вазият ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади.

Вилоят ер усти тузилиши мураккаб эмас, унинг ҳудуди Турон пасттекислигига киради. Ер сатҳининг нисбатан баландлиги дарёдан узоклашган сари жанубга томон бироз кўтарилиб боради. Бундай геоморфологик ҳолат ва у билан боғлиқ ер ости сувларининг жойланиши аҳоли манзилгоҳлари ва хўжалик тармокларини ҳудудий ташкил этиш хусусиятларини белгилаб беради.

Хоразм ҳудудининг геологик тузилиши айни вақтда унинг қазилма ресурсларига бой эмаслигидан ҳам дарак беради. Дарҳақиқат, бу ерда кўзга кўринарли қазилма бойликлар топилмаган (эҳтимол, унинг жанубий ва ўнг қирғоқ қисмида келажакда ёқилғи ресурслари, жумладан, табиий газ конлари аникланиши мумкин). Вилоятда минерал хом ашё ва ёқилғи ресурсларининг ўта танқислиги оғир саноат тармокларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Бу ерда қурилиш материаллари хом ашёси ҳам кўп эмас.

Иқлими континентал, намгарчилик кам. Шу сабабли қадимдан бу ҳудудда деҳкончиликнинг ривожланиши асосан сув, суғориш

иншоотлари билан боғлиқ бўлган. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам иқлимнинг қуруқ келиши, Амударёда сувнинг камайиши суғорма деҳқончиликдан ташқари, электр энергиясини ишлаб чиқаришга, дарё транспорти фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Қадимдан ташкил топган суғорма деҳқончилик маданияти, сувдан самарали фойдаланиш, ирригация инфратузилмаси – канал ва ариқлар (ёп ва солмалар) минтақа ижтимоий-иқтисодий географиясининг асоси ҳисобланади.

Шундай қилиб, Хоразм вилояти иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан агроиқлимий ресурсларга, сув заҳиралари, Оролбўйи экологик муаммоларини ҳал қилишга ҳамда қўшни ҳудудлар билан иқтисодий интеграция қилишига боғлиқ.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Хоразм вилоятининг энг катта бойлиги унинг мехнатсевар халқидир. Вилоят аҳолиси 1989-2010 йилларда 154,5 фоизга ёки ҳар йили 2,7 фоиздан кўпайиб борган. Сўнгги йилларда вилоят аҳолиси йилига ўртача 30 минг кишиданга ёки 2,00 фоиз атрофида ортиб бормоқда. Аҳоли жойлашувида қўшни Қорақалпоғистонга ўхшаш катта ҳудудий тафовутлар йўқ. Ўртача зичлик 1 км^2 га 255,3 кишини ташкил этган ҳолда у 208,5 кишидан (Янгибозор тумани) 418,2 кишигача (Хива тумани) фарқ қилади. Шунингдек, Урганч, Хазорасп туманларида ҳам аҳоли анча зич жойлашган. Демак, "географийлик" коэффициенти атиги 2,00 га тенг. Бу эса Хоразм ҳудудининг асосий қисмини бир текис ўзлаштирилганлиги, ижтимоий-иқтисодий ва демографик сиғимининг ўзига хослигидан далолат беради.

Вилоятда урбанизация даражаси паст - 34,2 фоизга яқин, аҳоли мавжуд 3 шаҳар (Урганч, Хива ва Питнак) ҳамда 58 шаҳарчада яшайди. Урбанизация кўрсаткичи ҳамда шаҳарлар сони бўйича у энг охирги ўринда туради. Вилоятнинг маъмурий маркази - Урганчда 135 минг, «иккинчи» шаҳар - Хивада 50 минг киши истикомат қилади.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида жами 51 та қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақоми берилди. Энг кўп янги шаҳарчалар Гурлан ва Хива туманларида ташкил этилди. Гурлан туманида улар Ёрмиш, Қарғалар, Бўзқалъа, Дўсимбий, Тахтакўпир, Нукус ёп, Марказий Гулистон, Чаккалар, Хива туманида эса - Парчанхос, Сувитлиёп, Юқориқум, Тозабоғ, Уста Хўжамад, Қишлоқ-қишлоқ, Гулланбоғ, Шўркалъадан иборат.

13.2 - жадвал

Хоразм вилояти қишлоқлари ва уларнинг ҳудудий таркиби

(1.04.2009 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Майдони, Минг км^2	Қишлоқ аҳолиси, минг киши		1989 – 2009 йй. ўсиш, %	Аҳоли зичлиги, км. кв. киши	ҚФЙ сони	ҚФЙ ўртача аҳолиси, киши	ҚАП сони	Битта ҚФЙ тўғри келадиган ҚАП	Ўртача ҚАП аҳолиси, киши	Янги шаҳарчалар
			1989	2009								
1.	Боғот	0,44	80,1	108,0	134,8	245,4	10	10,8	62	5,7	1742	5
2.	Гурлан	0,44	60,0	70,6	117,7	160,4	9	7,8	31	3,4	2277	8
3.	Урганч	0,45	90,4	135,4	149,8	300,9	10	13,5	72	7,2	1880	4
4.	Хазорасп	2,06	107,2	156,4	145,6	75,8	11	14,2	85	7,7	1836	3
5.	Хива	0,46	83,7	119,4	142,6	259,6	9	13,3	83	9,2	1438	8
6.	Хонка	0,43	67,2	96,3	143,3	223,9	9	10,7	45	5,0	2140	4
7.	Шовот	0,46	68,4	98,8	144,4	214,8	11	9,0	65	5,9	1520	6
8.	Кўшкўпир	0,54	76,8	101,1	131,6	187,2	12	8,4	36	3,0	2808	5
9.	Янгиарик	0,40	58,5	69,3	118,4	173,2	9	7,7	35	3,9	1980	6
10.	Янгибозор	0,34	45,5	55,9	122,9	164,4	8	7,0	45	5,6	1242	2
	Вилоят бўйича жами	6,05	733,3	1011,0	137,9	167,1	98	10,3	561	5,6	1802	51

Жадвал Хоразм вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилган.

Шунингдек, Янгиариқ, Шовот, Қўшкўпир, Боғот туманларида ҳам бундай шаҳарчалар сони кўпроқ - ҳар бирида 5-6 тадан. Энг кам янги шаҳарчалар Янгибозор туманида қайд этилган (Янгиёп ва Манғитлар). Аҳоли сони бўйича нисбатан йириклари Янгиариқ ва Боғот туманларининг маъмурий марказлари бўлиб, уларда, мос равишда 10,9 ва 10,0 минг кишидан аҳоли яшайди.

Сўнгги йилларда вужудга келган қишлоқ урбанизацияси, умуман олганда ижобий хусусиятга эга бўлиб, у, айни вақтда, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳам келтириб чикарди. Бу борада асосий масала янги шаҳарчаларда шаҳарга хос ва мос иқтисодиёт ва инфратузилмани ривожлантиришдир. Янги шаҳарчаларнинг пайдо бўлиши билан вилоят қишлоқ аҳоли пунктларининг таркибида ҳам ўзгаришлар юз берди; қишлоқлар сони камайди, уларнинг ўртача аҳоли кўрсаткичи пасайди, асосан майда ва ўрта катталикдаги аҳоли пунктлари қишлоқ жойлар географияси ва демографиясини белгилаб берувчи омилга айланди. Ушбу фикрларни қисман 13.2 ва 13.3-жадвал маълумотлари ҳам исботлайди.

13.3 - жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг таркибий тузилиши (1.01.2009 й.)

ҚАП	ҚАП		Аҳолиси	
	сони	фоизда	минг киши	фоизда
Жами	559	100,0	1006,9	100,0
шу жумладан, аҳоли сони бўйича, киши				
500 кишигача	52	9,3	14,4	1,4
500-1000 киши	86	15,4	67,4	6,7
1000-2000 киши	215	38,5	312,3	31,0
2000-3000 киши	131	23,4	320,3	31,8
3000-5000 киши	68	12,2	243,0	24,1
5000 киши ва ундан ортик	7	1,2	49,6	4,9

Жадвал Хоразм вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

Аҳоли сонининг ўсишида унинг табиий ҳаракатининг роли катта. Туғилиш ҳар минг киши ҳисобига 2009 йилда вилоят бўйича 25,4 (республикага нисбатан юқори кўрсаткич хисоблана- ди), ўлим 4,3 кишига, табиий кўпайиш эса 21,1 промиллега тенг бўлган. Туғилиш коэффициенти Шовот (25,5 ‰), Янгиариқ ва Урганч (25,0 ‰) ҳамда Боғот туманида анча юкори (24,7 ‰). Ҳатто Урганч

шаҳрида ҳам у 22,0 промиллени ташкил қилади. Шу билан бирга, вилоят марказида ўлимнинг умумий даражаси ҳам каттароқ - 6,5 промилле. Энг паст кўрсаткичлар (3,8-3,9 промилле) Қўшкўпир, Шовот ва Боғот туманларида кузатилади (13.4-жадвал).

13. 4-жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ туманлари аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси (ҳар минг аҳолига нисбатан, 2009 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	Вилоят бўйича	25,4	4,3	21,1	3,8	4,9	-1.1
1	Боғот	24,7	3,8	20,9	2,8	3,3	-0,5
2	Гурлан	25,4	4,4	21,0	1,2	3,7	-2,5
3	Урганч	25,0	4,4	20,6	8,9	4,9	4,0
4	Хазорасп	25,5	4,0	21,5	2,4	3,0	-0,6
5	Хива	26,8	4,2	22,7	3,1	3,2	-0,1
6	Хонқа	26,7	4,0	22,7	3,1	2,9	0,2
7	Шовот	25,5	3,9	21,6	3,4	3,9	-0,5
8	Қўшкўпир	26,5	3,9	22,6	4,9	5,1	-0,1
9	Янгиариқ	25,0	4,1	20,9	4,1	3,8	0,3
10	Янгибозор	25,1	4,7	20,4	5,2	4,7	0,5

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Вилоятда аҳоли миграцияси республиканинг бошқа ҳудудларига қараганда анча суст. Масалан. 1997 йилда вилоят шаҳар жойларига атиги 360 киши келган ва бу ердан 1980 киши кетган (миграция қолдиғи минус 1621); 1998 йилда бу кўрсаткичлар юқоридагиларга мос ҳолда 1890; 3680 ва минус 1790 кишини ташкил қилган. Энг сўнгги маълумотлар ҳам вилоят қишлоқ туманларида аҳоли миграцияси мамлакатнинг бошқа ҳудудларига қараганда анча пастлигини кўрсатади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда фақат Хоразм вилояти қишлоқ жойларида аҳолининг миграция алоқалари кўп ҳолларда салбий натижага эга эмас, холос. Қолган вилоятларда эса ташқи миграция мунтазам равишда салбий оқибатларга – натижаларга эга.

Хоразм вилояти демографиясининг яна бир хусусияти шундаки, унинг аҳолиси асосан бир миллатли ҳисобланади. Масалан, 2008 йил маълумотларига қараганда, вилоят аҳолисининг 97,1 фоизини ўзбеклар ташкил этган. Албатта, юқорида келтирилган

аҳолининг ўсиши, жойланиши, табиий ва миграция ҳаракати, миллий таркиби, вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эътиборга олиниши керак.

Жами аҳолидан 868 минг киши меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ҳисобланади; иқтисодиётда банд бўлганлар сони 588 минг киши, меҳнат биржасида расман ишсиз сифатида қайд этилганлар 1190 киши атрофида. Бошқа вилоятларда бўлгани каби бу ерда ҳам меҳнат ресурсларидан фойдаланишга жиддий аҳамият берилмоқда. Жумладан, биргина 2009 йил вилоятда 59192 янги иш ўринлари яратилган бўлиб, уларнинг 35,0 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорликка тўғри келган; 17,0 минг ўрин янги объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан, 15,2 минг ўрин хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яратилган. Жами банд аҳолининг тахминан 40 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги, 8-9 фоиздани саноат ва қурилишга тўғри келади.

Иқтисодиёти. Хоразм вилояти иқтисодиёти аграр-индустриал йўналишга эга. Вилоят Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 3,2 фоизини, саноат маҳсулотини 1,4 ва қишлоқ хўжалигини 6,1 фоизни беради (2009 й.). Вилоятда энг аввало агросаноат мажмуи яхши ташкил этилган. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 7,0 фоизи саноатга, 34,9 фоизи қишлоқ хўжалиги, 9,5 фоизи транспорт ва алоқа, 7,8 % қурилишга, 7,1 фоизи савдо ва умумий овқатланишга тўғри келади. Таққослаш учун: республикада бу кўрсаткичлар саноатда 58,2, қишлоқ хўжалигида 26,2 ва қури-лишда - 14,1 фоиз (2009 й.). Ҳудудий меҳнат тақсимотида Хоразм вилояти енгил ва озиқ-овқат саноатига, қишлоқ хўжалигида эса пахта ва шоли етиштиришга ихтисослашган.

Вилоятда бозор ислоҳотлари кенг кўламда амалга оширил-моқда. Жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорликка катта аҳамият берилган. 2009 йил якунларига кўра ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 67,4 фоизи айнан ушбу сектор ҳиссасига тушади. Бу соҳада жами банд бўлган аҳолининг 77,4 фоизи ишлайди. Кичик бизнес субъектлари саноат маҳсулотининг 26,4 фоизини таъминлайди; минтақа иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг деярли ярми ҳам шу секторга тўғри келади. Умуман олганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 99,3 фоизини, қурилишнинг 72,5 фоизини, пуллик хизматнинг 66,9 ва савдонинг 47,3 фоизини айнан кичик бизнес беради.

Саноати. Хоразм вилояти саноатининг тармоқлар таркиби унчалик мураккаб эмас (масалан, Тошкент ва Фарғона вилоятла-

рига таққослаганда). Биргина енгил саноат ялпи саноат маҳсулотининг 42,8, озиқ-овқат саноати 23,0 фозини таъминлайди. Мустақиллик йилларида вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ўсди. Бу борада у Андижон ва Бухоро вилоятлари билан

13.1 - расм

Хоразм вилояти саноатининг тармоқлар таркиби (2009 й.)



бир қаторда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида ажралиб туради. Бир йилда вилоятда 507 510 млн. кВт/с электр энергия, 70-90 минг тонна атрофида пахта толаси, 16-21 минг тонна ўсимлик ёғи, тахминан 70 минг тонна ун, 10 минг тонна нон маҳсулотлари, 1,2-1,5 минг т гўшт, 3,8-4,0 минг т сут, 55 минг тонна омухта ем ишлаб чиқарилади.

Аҳоли сонининг ортиб бориши халқ истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқаришни тақозо қилади. Биргина 2009 йилда бундай товарларни ишлаб чиқариш олдинги йилга нисбатан 6,5 фоизга ўсган (жами саноат маҳсулоти - 3,2 фоизга). Халқ истеъмол молларининг 2/3 қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари, 1/4 қисмини ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилади (жумладан, енгил саноатда ноозиқ-овқат маҳсулотларининг 35 фоизи яратилади). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ўртача ҳар бир кишига йилига 134,7 минг сўмлик ХИМ ишлаб чиқарилади.

Кейинги йилларда вилоятда трикотаж, нон ва нон маҳсулотлари, омухта ем, алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ўсиб бормоқда. Айни вақтда саноат мажмуида оғир саноат, хусусан, ёқилғи-энергетика, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қора ва рангли металлургия суст ривожланган. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Туямўйин ГЭС ягона электр энергия ишлаб чиқарувчи манба саналади. Демак, минтақа саноати тармоқлар таркибини

модернизация қилиш ва бойитиш, корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, мавжуд хом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим муаммолар сирасига киради.

Кўриниб турибдики, вилоятда қишлоқ хўжалиги ва аҳоли эхтиёжи билан боғлиқ саноат тармоқлари кўпроқ ривожланган. Енгил саноат, жумладан, тўқимачилик Урганч, Гурлан ва Хонқада, гилам ишлаб чиқариш Хивада йўлга қўйилган. Хива гилам комбинати Ўзбекистонда бу турдаги саноат корхоналарининг йириги ҳисобланади. Аксарият қишлоқ туман марказларида пахта тозалаш заводлари мавжуд. Озиқ-овқат саноати эса Урганч, Хазорасп, Хонқа ва бошқа шаҳарларда нисбатан ривожланган. Хонқада йирик дон маҳсулотлари комбинати бор. Шу билан бирга, хорижий давлатлар фирмалари иштирокида қатор саноат корхоналари қурилиб ишга туширилган. Масалан, Хитой технологияси ёрдамида Урганчда "Хоразм ипаги" тўқимачилик корхонаси, Буюк Британия асбоб-ускуналари билан жиҳозланган Боғотдаги тиббий пахта (момиқ) ишлаб чиқарувчи фабрика, Россиянинг Камышин фабрикаси билан ҳамкорликда Хонқада ип калава ва ип газлама ишлаб чиқарувчи корхона, "Гурлантекстил" кабилар шулар жумласидандир. Булардан ташқари, Хива гилам комбинатига Германиядан асбоб-ускуналар келтирилган, Боғотда шиша заводи, Ҳазораспда республикамизда ягона завод - "Хоразмшакар" ишлаб турибди.

Таҳлиллар кўрсатишича, саноатининг ҳудудий таркиби ҳам унча ривожланмаган. Бу борада энг аввало, вилоят маъмурий маркази - Урганч етакчилик қилади. 13.5-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили бўйича Урганч шаҳри вилоят жами саноат маҳсулотининг 27,7 фоизини, истеъмол молларини 57,2 фоизини беради. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмига кўра Хонқа ва Хазорасп туманлари ҳам бирмунча ажралиб туради, энг паст кўрсаткич эса Хива туманида қайд этилади.

Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш қишлоқ туманлари орасида фақат ёки асосан Хонқада яхши йўлга қўйилган. Ушбу туман ҳиссасига вилоятнинг бу турдаги маҳсулотларининг 1/10 қисми тўғри келади. Хонқа шаҳарчасида жойлашган йирик дон маҳсулотлари комбинатининг истеъмол молларини ишлаб чиқаришдаги аҳамияти катта.

Саноатни ҳудудий ташкил этиш бўйича Хоразм вилоятида фақат Урганч саноат тугунини белгилаш мумкин. Қолган шаҳар

13.5-жадвал

Хоразм вилояти саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркиби (2009 й.)

т/р	Ҳудудлар	Саноат маҳсулоти		Халқ истеъмол моллари	
		млн.сўм	фоизда	млн.сўм	фоизда
	Урганч ш.	111128,7	27,7	119294,6	57,2
	туманлар:				
1.	Боғот	34370,2	8,0	9685,1	4,6
2.	Гурлан	27504,1	6,8	5881,0	2,8
3.	Урганч	23211,9	5,8	12386,3	5,0
4.	Хазорасп	6366,9	11,5	6527,6	3,1
5.	Хива	13786,0	3,4	14358,0	6,9
6.	Хонқа	52804,4	13,2	20987,2	10,0
7.	Шовот	28044,8	7,0	12329,8	5,9
8.	Қўшкўпир	22217,0	5,5	3423,4	1,6
9.	Янгиариқ	20521,1	5,1	1642,8	0,8
10.	Янгибозор	21397,0	5,4	2049,0	1,1
	Вилоят бўйича	401352,1	100	208564,8	100

Жадвал Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

ва шаҳарчалар эса кўпроқ саноат пунктлари, айримларигина саноат маркази (Хива, Гурлан ва б.) ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқарилишини технологик жиҳатдан ташкил этишда эса, асосан агроиндустриал энергия ишлаб чиқариш цикл шаклланган, холос. Бинобарин, вилоятда саноатнинг тармоқлар ва ҳудудий таркиби ҳам суст ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги. Хоразм вилояти 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 6,1 фоизини (1999 йилда 8,7 фоизини) берган. Жами агроиқтисодиёт тизимида етиштирилган маҳсулот ҳажми 774826 млн. сўм бўлиб, унинг 48,4 фоизини деҳқончилик ташкил қилади. Фермер хўжаликлари 29,6, деҳқон хўжаликлари эса 64,3 фоиз ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотини таъминлайди.

Вилоят бўйича қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 264,9 минг га ёки жами майдоннинг 44,1 фоизини ташкил қилади (13.6-жадвал). Суғориладиган ерлар 231,3 минг га бўлиб, бу қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 87,3 % демакдир. Алоҳида қайд этиш жоизки, бу борада, яъни ерлардан қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиш нуқтаи назаридан Хоразм вилояти республикамизда ажралиб туради. Боғот Гурлан, Қўшкўпир,

Хонқа, Хива, Янгиариқ ва Янгибозор туманларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 100 фоизи суғориладиган майдонлардан иборат. Фақат Ҳазорасп туманида бундай нисбат ўзгача, холос. Ушбу туманнинг 59,2 минг га қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларидан 34,5 минг гектари суғориладиган ерлар ҳисобланади. Пичанзор ва яйловлар билан банд бўлган ер майдони бу ерда анча катта.

Жами экин майдони барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 220,6 минг га, шу жумладан, фермер хўжаликларида 179,7 минг га, деҳқон хўжаликларида 38,7 минг га. Бошоқли экинлар майдони 49,0 минг га (шундан шоли - 13,3 минг га).

Вилоят деҳқончилигининг етакчи йўналиши пахта 95,2 минг га майдонни эгаллайди. Картошка 4,2 минг гектарга, сабзавот 12,6 минг гектарга, полиз экинлари 5,0 минг гектарга экилади. Ем-хашак эса 32,2 минг га, мева ва узумзорлар 13,8 минг га майдонни эгаллайди (13.2-расм).

13.2-расм

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби (2009 йил, минг га ҳисобида)



2009 йилда 236,2 минг т буғдой (ҳосилдорлиги 48,5 ц/га), шоли 76,5 минг т (42,8 ц/га), 258,0 минг т пахта (27,1 ц/га), 75,5 минг т картошка (177,5 ц/га), 357,3 минг т сабзавот (127,1 ц/га), 91,0 минг т полиз (181,4 ц/га) етиштирилган. Таққослаш учун: 2000 йилда дон 200 минг т, шоли - 40 минг т, пахта 200 минг т атрофида бўлган. Вилоят бўйича барча тоифадаги хўжаликларда 675,7 минг бош йирик шохли қорамоллар, 344,2 минг бош қўй ва эчкилар мавжуд. Кўрилаётган йилда тирик вазнда 89,0 минг т гўшт, 595,8 минг т сут, 210,1 минг дона тухум, 827, 0 т жун, 4,8 минг дона қоракўл териси, 2,0 минг т пилла олинган. Таҳлиллар кўрсатишича, йирик шохли моллар қўй ва эчкилар сўнгги 10 йилда анча кўпайган.

13.6 - жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби (2008 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Майдони минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
					экин ерлари	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
1	Боғот	44,3	18,1	18,1	88,2	9,3	2,6	-
2	Гурлан	43,8	26,0	26,0	95,8	4,1	0,2	-
3	Урганч	44,6	36,4	28,5	70,7	3,9	2,9	22,5
4	Хазорасп	204,9	59,2	34,5	44,2	2,5	1,1	52,4
5	Хива	45,8	15,3	15,3	89,0	6,6	4,4	-
6	Хонка	43,3	23,4	23,4	93,8	5,8	0,4	-
7	Шовот	45,5	25,6	24,5	87,8	6,3	1,6	4,3
8	Қўшкўпир	53,9	26,0	26,0	92,7	4,8	2,9	-
9	Янгиарик	40,3	14,3	14,3	92,3	7,4	0,3	-
10	Янгибозор	34,3	20,7	20,7	92,8	5,8	1,4	-
	Вилоят бўйича	600,8	265,0	231,3	78,2	4,9	1,8	15,1

Манба: "Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана" – Ташкент, 2008.

Чунончи, 2000 йилда вилоятда 447 минг бош йирик шохли моллар, 218 минг бош қўй ва эчкилар бўлган.

13.7-жадвалда вилоят агроиктисодиёт тизимининг ҳудудий таркиби келтирилган. Унинг таҳлили кўрсатишича, минтақанинг барча қишлоқ туманларида бошоқли дон, асосан буғдой етиштирилади. Бу хусусда Боғот, Гурлан, Урганч, Хазорасп, Хонка, Шовот ва Янгибозор туманларининг ҳар бирида вилоят ғалласининг 10 фоиздан кўпроғи олинади. Сабзавотчилик бўйича, энг аввало, Хива ва Боғот, картошка ҳосилига кўра Гурлан, Урганч, Хива ва Шовот олдинги ўринларда туради. Боғдорчилик маҳсулотининг ҳажми Шовот ва Хивада, узум Боғот туманида кўпроқ.

Чорвачилик маҳсулотларининг географияси ўзига хос. Гўшт Хазорасп, Урганч ва Шовотда, сут етиштириш Урганч, Хазорасп, Гурлан ва Хива, паррандачилик Хива, Урганч ва Хонка туманларида нисбатан ривожланган. Урганч тумани шаҳар атрофи қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Қорамоллар сони бўйича ҳам Урганч тумани етакчи. Шунингдек, чорвачиликнинг бу сохаси (сут – гўшт чорвачилиги) Хазорасп ва Хонқа туманларида ҳам бирмунча яхши кўрсаткичларга эга. Қўй ва эчкилар сони бошқа туманларга қараганда Қўшкўпир, Боғот, Хазорасп ва Урганч туманларида, паррандачилик Урганч, Хонқа, Хива ва Боғот туманларида кўпроқ.

Хоразм вилоятининг демографик вазиятига боғлиқ равишда **ижтимоий соҳалар** ҳам ривожланиб бормоқда. 2009 якунларига кўра чакана савдо айланмаси 69226 млн. сўм, пуллик хизматлар 231999 млн. сўм. Аҳоли жон бошига, мос равишда, 447,7 ва 150,0 минг сўмлик ишлар бажарилган.

Жами тиббиёт муассасалари сони 37 та, бемор ўринларининг сони 6563 та, амбулатория - поликлиникалар 295 та, врачлар 4122 киши, қишлоқ врачлик пунктлари 166 та. Ҳар 10 минг кишига ҳисоблаганда вилоятда 42,4 та бемор ўринлари, 25,4 нафар врачлар, 93,4 та ўрта тиббиёт ходимлар тўғри келади. Ҳар 100 минг аҳолига нисбатан касалланиш 54526 киши (2009 й).

Ҳудудий жиҳатдан чакана савдо, Урганч шаҳрини ҳисобга олмаганда, Хазорасп туманида яхши ривожланган (бу туман қадимдан ўзининг бозорлари билан машҳур бўлган). Пуллик хизмат ҳажмининг 40 фоизи Урганч шаҳрига тўғри келган ҳолда, Хива, Хазорасп ва Хонқа туманларида ҳам бу ҳудудий мужассамлашув даражаси каттароқ.

13.7-жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигининг ҳудудий таркиби (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)

т/р	Ҳудудлар	Жами қишлоқ хўжалик маҳсулоти	бошоқ ли дон	сабзавот	картош ка	мева	узум	гўшт	сут	тухум	йирик шохли корамол лар сони	қўй ва эчкил ар сони	парран далар сони
	Урганч ш	3,0	-	-		-	-	8,2	3,7	1,0	1,0	0,6	0,8
1.	Боғот	10,2	10,9	15,0	2,7	10,8	31,8	8,5	8,1	7,5	8,2	13,5	10,1
2.	Гурлан	12,1	13,0	9,1	18,0	7,8	7,0	9,7	10,5	7,6	9,2	3,2	12,9
3.	Урганч	11,1	10,7	9,8	13,3	9,1	12,6	11,2	11,7	17,0	13,2	12,2	15,1
4.	Ҳазорасп	10,5	10,0	7,3	3,3	8,8	9,8	10,5	11,5	6,0	11,2	17,9	6,4
5.	Хива	10,3	8,7	15,8	11,5	12,9	13,4	9,9	10,1	21,7	9,5	8,6	11,3
6.	Хонқа	9,5	12,3	11,1	13,3	7,7	7,1	8,4	8,6	17,1	10,9	6,5	12,4
7.	Шовот	10,0	11,3	7,4	13,1	15,0	5,3	10,8	10,2	5,8	9,9	7,6	9,2
8.	Кўшкўпир	8,6	7,6	9,2	5,0	7,3	4,0	8,6	10,7	5,3	9,8	18,9	9,3
9.	Янгиарик	7,3	5,1	8,2	12,3	8,9	2,3	7,5	8,1	6,1	7,8	9,0	5,7
10	Янгибозор	7,6	10,4	7,1	7,5	11,7	6,7	6,7	6,8	4,9	9,3	2,0	6,8
	Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Вилоятда 2009/2010 ўқув йилида 529 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлган, ўқувчилар сони 278,1 минг киши. Демак, битта мактабга ўртача 525 нафардан ўқувчи тўғри келади. Академик лицейлар 5 та, касб-хунар коллежлари 86 та (ўқувчилар сони 85,5 минг киши). Шунингдек, вилоятда, аниқроғи унинг маркази - Урганч шаҳрида 3 та олий ўқув юрти, шу жумладан, Урганч давлат университети бор. Бу ерда Хива шаҳрида қадимги Маъмун академияси тикланган бўлиб, у ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Хоразмда туризм анъанавий аҳамиятга эга. Минтақада 20 та меҳмонхоналар (ўринлар сони 1014 та) мавжуд. Жами сайёҳлар 48,5 минг киши (2000 йилда - 24,6 минг киши), шундан 39,2 минг киши хорижий мамлакатлардан келган фуқаролардир.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга ошириш натижасида аҳолининг табиий газ билан таъминланиш даражасига катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида тўлиқ ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Бу хусусда Қўшкўпир, Хонқа ва Шовот туманларида вазият бирмунча яхши эмас. Айнан тоза ичимлик сувининг етишмаслиги сабабли у билан боғлиқ касалликлар анча кўп ва умумий нозогеографик вазиятда ҳам муаммолар йўқ эмас.

Инвестиция, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар. 2009 йилда Хоразм вилоятига 219279 млн. сўм ҳажмида хорижий инвестиция киритилган бўлиб, унинг 52,2 фоизи корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келган; чет эл инвестицияларининг улуши жами инвестиция миқдорининг 5,0 фоизига тенг бўлган. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 1/3 қисмига яқини ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган. Саноатнинг бу борадаги ҳиссаси 8,0%, транспорт ва алока - 15,0 %, қишлоқ хўжалиги - 5,1 %. Ноишлаб чиқариш тармоқлари жами киритилган инвестициянинг 67,3 фоизини олган, унинг 62,0 фоизи (барча инвестиция хажмининг 41,7%) уй-жой қурилишига тегишли.

Қурилиш ишларини амалга оширишда ҳудудий тафовутлар кўзга ташланади. Масалан, 2009 йилда уларнинг 26,5 фоизини Урганч шаҳри таъминлаган, қишлоқ туманлари орасида эса Хива (16,0%) ва Урганч (11,0%) олдинда. Гарчи бошқа туманларда қурилиш бирмунча сустроқ бўлсада, "Қишлоқ" Дастурини амалга ошириш жараёнида бу кўрсаткичлар анча кўтарилади.

Таҳлил қилинаётган йилда 35,6 млн. т юк ташилган, юк айланмаси 866,4 млн. т/км га тенг. Вилоят доирасида ташилган юклар тўлиқ автомобил транспорти зиммасига тушади, темир йўл транспорти эса асосан ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этади. Йўловчилар ташиш (313,7 млн. киши) ва йўловчи айланмасида (2825,5 млн. йўловчи/км) ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Шунингдек, йўловчиларни бошқа минтақалар ва мамлакатларга ташишда ҳаво транспортининг аҳамияти катта. Урганч шаҳрида қурилган халқаро тоифадаги аэропорт бундай алоқаларни амалга оширади.

2009 йилда Хоразм вилояти ташқи савдо айланмаси 151605,7 минг АҚШ долларини ташкил этган. Шу жумладан экспорт 109943,6, импорт 41662,1 минг долларга тенг. Экспорт таркибида пахта толаси (85,1 %) устунлик қилса, импортда эса машина ва ускуналар (27,5 %), кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (18,2 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (6,5 %) етакчилик қилади. Олдинги, яъни 2008 йилга нисбатан экспорт ҳажми 106,1 фоизга ўсган ҳолда, импорт 7,8 фоизга қисқарган.

Ташқи савдо айланмасининг 28,7 фоизи, экспортнинг 15,0 ва импортнинг 65,0 фоизи МДҲ давлатларига тўғри келади. Ташқи савдо алоқаларида (айланмасида) Эрон давлатининг улуши 43,4 %, Хитойники 15,0%, Украинаники 5,8 % ва Туркияники 2,4 %. Вилоят ташқи иқтисодий алоқаларининг шаклланишида барча туман ва шаҳарлар қатнашишади. Улар орасида Хонка (13,6 %), Боғот (12,4 %) ва Гурлан қишлоқ туманлари олдинда туради, Урганч шаҳрининг ҳиссаси 7,1 %.

Экспортнинг ҳудудий таркиби қуйидагича: Хонка тумани - 17,4 %, Боғот – 15,6 %, Гурлан - 12,8 %, Хазорасп - 11,0, Янгиариқ - 11,1%. Импорт ҳажмининг 1/5 қисмини Урганч олган, шу билан бирга бу борада Урганч тумани ҳам (14,7 %) кўзга ташланади. Қолган ҳудудларда бу кўрсаткичлар анча паст, Янгибозор, Янгиариқ, Қўшкўпир туманларида эса улар 2009 йилда йўқ даражада бўлган.

Экспорт-импорт жараёни ва унинг таркиби инвестиция муҳитининг қулайлиги ҳамда қўшма корхоналар фаолияти билан ҳам боғлиқ. Қўшма корхоналар эса асосан Урганч, Хива, Гурлан, Хонка шаҳарларида барпо этилган.

Хоразм вилояти ҳудудининг унча катта эмаслиги, унинг компакт (ихчам) эканлиги, аҳоли ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятнинг деярли бир текис тақсимланганлиги бу ерда, бошқа вилоят-

ларда бўлганидек, ички иқтисодий районларни ажратишни объектив ҳолда зарур қилиб қўймайди. Бироқ шунга қарамасдан, қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларида айрим ҳудудий тафовутлар кўзга ташланади (13.8-жадвалга қаранг).

Саноат ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича Урганч шаҳрини ҳисобга олмаганда, Хонқа, Янгибозор, Боғот туманлари юқори кўрсаткичларга эга бўлса, Хива ва Урганч қишлоқ туманлари нисбатан паст. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмида деярли барча туманлар (Хазорасп, Хива, Хонқадан ташқари) вилоят даражасидан юқори. Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясида Урганч шаҳридан ташқари, жами қишлоқ туманларида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар борлигини кўриш мумкин.

Хоразм вилоятининг истиқболда ривожланиши, энг аввало, мавжуд меҳнат ресурслари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш билан, ҳудудий агроиндустриал мажмуани шакллантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ. Бу хусусда унинг транзит ҳолатига эга бўлган иқтисодий географик ўрнидан ҳам фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

13.8-жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индекслари (2009 й.)

т/р	Ҳудудлар	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	Инвестиция	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
	Урганч ш.	3,178	6,565	0,351	2,279	3,040	5,328	4,566
туманлар:								
1.	Боғот	0,998	0,541	1,185	0,860	0,613	0,601	0,509
2.	Гурлан	0,854	0,351	1,502	0,821	0,777	0,625	0,685
3.	Урганч	0,563	0,576	1,077	0,515	1,067	0,652	0,668
4.	Ҳазорасп	0,866	0,234	0,787	0,507	0,500	0,765	0,608
5.	Хива	0,271	0,543	0,810	0,506	1,263	0,501	0,740
6.	Хонқа	1,331	1,018	0,958	0,633	0,745	0,567	0,737
7.	Шовот	0,782	0,662	1,105	0,778	0,702	0,565	0,745
8.	Қўшкўпир	0,613	0,182	0,948	0,686	0,536	0,349	0,550
9.	Янгиарик	0,859	0,132	1,219	0,735	0,789	0,553	0,644
10.	Янгибозор	1,161	0,214	1,674	0,945	1,117	0,652	0,707
	Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000

Жадвал Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Умуман олганда эса, Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишини у билан қўшни бўлган Қорақалпоғистон Республикаси билан интеграция асосида, яго на иқтисодий макон доирасида амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу борада Қуйи Амударё иқтисодий районини ташкил этувчи бу икки маъмурий бирлик бир-бирини тўлдирувчи имкониятларга эга.

Ўн тўртинчи боб. **ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

Тошкент шаҳри - мустақил Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, у 2200 йиллик тарихга эга. Шаҳар айни вақтда Тошкент вилояти ҳамда Тошкент (пойтахт) иқтисодий районининг ҳам маркази ҳисобланади. Майдони 334,8 кв.км, аҳолиси 1 январ 2010 йил маълумотларига қараганда, 2220,7 минг киши.

Тошкент маъмурий жиҳатдан 11 та шаҳар туманларидан ташкил топган. Тарихий ривожланиш жараёни натижасида унинг майдони тобора кенгайиб бормоқда. Бундай ҳудудий ривожланиш дастлаб шарқий, яъни Чирчиқ йўналишида кўпрок бўлган бўлса, кейинчалик у жануб томонга ҳам кенгайиб борган.

Шаҳар ҳудудида ташкил этилган маъмурий бирликлардан дастлабкилари ҳозирги Миробод ва Шайхонтохур туманлари бўлиб, улар 1929 йилда ажратилган. Улардан кейин Мирзо Улуғбек (1935 й.) ҳамда Юнусобод ва Яккасарой туманлари (1939 й.) ташкил қилинган. Энг сўнгги туман - Бектемир 1990 йилда вужудга келган. У аввалги Наримонов шаҳри асосида, Тошкент шаҳрининг Чирчиқ дарёсининг сўл соҳилига "сакраб" ўтиши натижасида ташкил этилган. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимиятига Улуғбек шаҳарчаси ҳам бўйсунади.

Шаҳар майдони туманлар миқёсида турлича тақсимланган; уларнинг энг катталари Сергели 56,0 кв.км майдонни ёки пойтахт умумий ҳудудининг 16,7 фоизини эгаллайди. Шу билан бирга Юнусобод, Олмазор ва Ҳамза туманлари ҳам нисбатан катта ҳисобланади. Айни вақтда Яккасарой ва Миробод туманлари анча кичик майдонларга эга: мос ҳолда, 14,6 ва 17,1 кв км (14.1-жадвал).

Шаҳарнинг географик ўрни. Тошкент Ўзбекистон Республикасининг шимоли-шарқида, Тяньшан (Тангритоғ) тизмасининг ғарбий этакларида, Чирчиқ дарёси бўйида жойлашган. Унинг шар-

14.1 - жадвал

Тошкент шаҳар туманларининг майдони ва аҳолиси

т/р	Туманлар	Ташкил топган йили	Майдони, кв.км	Аҳолиси, минг киши						Зичлик, 1 кв. км киши (2010 й.)
				1980	1985	1990	1995	2000	2010	
1	Бектемир	1990	20,5	-	-	24,5	29,0	30,5	27,6	1346,3
2	Мирзо Улуғбек	1935	31,9	246,2	273,2	270,0	253,5	249,6	246,5	7727,3
3	Миробод	1929	17,1	139,9	150,8	137,1	126,6	124,7	123,3	7210,5
4	Сергели	1967	56,0	58,7	87,3	138,0	155,9	156,2	149,5	2789,3
5	Олмазор	1970	34,5	202,1	239,3	259,0	263,3	280,7	308,6	8944,9
6	Учтепа	1977	28,2	204,8	221,3	216,4	221,5	226,7	239,3	8485,8
7	Ҳамза	1968	33,7	207,6	230,0	218,8	211,4	211,0	205,5	6097,9
8	Чилонзор	1963	30,0	229,3	240,7	231,0	219,0	218,3	218,1	7270,0
9	Шайҳонтоҳур	1929	27,2	213,6	236,6	219,0	242,3	257,9	288,2	10595,6
10	Юнусобод	1936	41,1	200,9	225,9	288,8	285,5	289,1	298,5	7262,8
11	Яккасарой	1936	14,0	120,0	131,4	116,7	106,4	111,9	115,6	7917,9
	Жами, Тошкент ш.	2 аср ор гача	334,8	1823,1	2036,5	2100,0	2116,1	2164,0	2220,7	6632,9

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

қий томонида тоғ тизмаларининг мавжудлиги, шимол ва шимоли-ғарб томонга очиқлиги шаҳар иқлимининг шакллани-шига катта таъсир кўрсатади. Шаҳарнинг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 440-480 метр бўлиб, бундай топографик ҳолат шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон пасайиб боради. Энг баланд нуқтаси 515 метр - шаҳарнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида жойлашган.

Шаҳар иқлими континентал, яъни қуруқ - қиши анча совуқ, ёзи эса иссиқ. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $13,8^0$, июлники - 27^0, январ ўртача ҳарорати минус 1^0 атрофида. Ёғинсочин миқдори бир йилда ўртача 425 мм атрофида, унинг асосий, яъни 2/3 қисмига яқини октябр-март ойларида кузатилади. Фасллар бўйича олганда эса ёғинларнинг 2/5 қисмидан кўпроғи баҳор ойларида, 1/3 қисмидан ортиқроғи қишга тўғри келади. Уларнинг энг кам миқдори ёзда. Шу боис, ёзнинг ҳавоси жуда иссиқ ва қуруқ бўлади.

Тошкент шаҳрининг ўзига хос тарихий-географик асоси ёки негизини Чирчиқ дарёси ва ундан тарқалган қатор қадимги ва нисбатан янги каналлар ташкил қилади. Улар жумласига Бўзсув, Кайковус, Қорақамиш, Салар, Бўрижар, Анҳор, Қорасув ва бошқалар киради. Айнан шу гидрографик шахобчалар шаҳар ички тузилиши, планировкаси, унинг даҳа ва маҳалларини ҳам белгилаб беради.

Шаҳарнинг иқтисодий ва сиёсий географик ўрни ўзига хос. У республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган қулай транспорт-географик ўринда жойлашган. Айни вақтда, сиёсий географик жиҳатдан пойтахтнинг мамлакат чекка шимоли-шарқий қисмида, Қозоғистон Республикасининг жанубий чегараларига жуда яқинлиги унинг геосиёсий мавқеини белгилаб беради.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Тошкент шаҳри аҳолиси сони бўйича МДҲ мамлакатларида 4 - (Москва, Санк-Петербург ва Киев шаҳарларидан кейинги) ўринда туради, Марказий Осиё минтақасида эса у энг йирик шаҳар ҳисобланади.

Бу ерда собиқ Россия империясида ўтказилган дастлабки аҳоли рўйхати – 1897 йил маълумотлари бўйича (у даврда Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази вазифасини бажарган) 156,0 минг аҳоли яшаган. Бу рақам тахминан 28 йилда деярли 2 марта ортган ёки бошқача қилиб айтганда, 1925 йилда 301 минг кишига етган. Кейинги 2 марта аҳоли сонининг ошиши эса нисбатан қискароқ даврда рўй берган (1940 йилда 600 минг). Бироқ аҳоли сонининг навбатдаги 2 баробар кўпайиши учун чорак асрдан

кўпроқ вақт талаб этилган; 1966 йилда, яъни тарихий Тошкент зилзиласи арафасида шаҳарда 1209 минг киши яшаган. Бу даврда аҳоли сонининг бирмунча суст рок ўсиши Иккинчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари туфайли юз берган.

Шаҳар аҳолиси 2 миллионлик "маррага" 1984-1985 йиллар оралиғида эришган, шундан сўнг унинг демографик ўсиш суръати пасайиб борган. Хусусан, 90-йилларда пойтахт аҳолиси барқарор ўсиш кўрсаткичларига эга бўлмаган; аҳоли сони гоҳ камайиб, гоҳ бироз кўпайиб борган. Масалан, 1988 йилда у 2211 минг кишини ташкил қилган бўлса, 1996 йилгача тўлқинсимон ўзгариб бориб 2095 минг кишига тушиб қолган.

Маълумки, айнан шу йилдан бошлаб республикамизда иқтисодий ўсиш барқарор ўсиб борган. Шунга мос ҳолда пойтахт демографик салоҳиятида ҳам аввалгидек катта пасайиш-кўтарилишлар кузатилмаган, аммо йиллик ўртача кўпайиш унча катта миқдорни ташкил қилмаган. Жумладан, 2000-2009 йиллар мобайнида Тошкент аҳолиси 78 минг кишига ёки ўртача бир йилда 7,8 минг кишиданга ортиб борган. Агар яқин ўтмишдаги демографик ўсиш жараёни ҳисобга олинса, бу рақам анча пастдир. Ваҳоланки, ўтган асрнинг 70-80 йилларида шаҳар аҳолиси ҳар йили 40-45 минг кишидан кўпайиб борган.

Шаҳар аҳолиси сонининг динамикаси унинг ички маъмурий қисмларида - туманларида бир хил кечмаган. Масалан, 1980-2010 йиллар оралиғида Сергели туманининг аҳолиси 2,5 марта ортган ҳолда (шаҳар бўйича ўсиш бу даврда 121,8%), Миробод, Ҳамза, Чилонзор ва Яккасарой туманлари аҳолиси қисқарган, Мирзо Улуғбек туманида эса у 2010 йилдагидан деярли фарқ қилмайди.

Албатта, 30 йилга яқин бу даврда демографик ўзгаришлар бир тусда рўй бермаган. Чунончи, Ҳамза. Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Яккасарой туманларида аҳоли сони 1980-1985 йилларда ўсиш кўрсаткичларини намоён қилган, 90-йиллардан бошлаб у камайиб борган. Таҳлиллар кўрсатишича, 2000 йилдан кейин ҳам айрим бурилишлар кўзга ташланади. Масалан, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва ҳатто Сергели туманида ҳам аҳоли сони 2000 йилга қараганда бирмунча қисқарган (14.1-жадвал).

Ҳозирги кунда ўзининг катта демографик салоҳияти бўйича Олмазор, Юнусобод ва Шайхонтохур туманлари етакчилик қилади. Аҳоли сонининг энг кам миқдори эса Бектемир туманида - 27,6

минг киши. Ўртача ҳар бир туманга 201,9 минг кишидан аҳоли тўғри келади, туманлар орасидаги фарқ 11,2 га тенг.

Аҳоли сонининг шаҳар туманлари доирасида турли-туманлиги унинг зичлик кўрсаткичларида яққол кўзга ташланади. Шаҳар бўйича ҳар бир кв. км майдонида 6633 киши жойлашган бўлиб, энг юқори кўрсаткич Шайҳонтоҳур (10596 киши) ва Олмазор (8945 киши), яъни шаҳарнинг қадимий, эски қисмида қайд этилади. Бу борада Тошкент Африканинг Қоҳира ёки Жазоир, Осиёнинг Шанхай шаҳарларига ўхшаб кетади. Айни пайтда шаҳарнинг нисбатан янги ташкил қилинган туманларида – Сергели ва Бектемирда аҳоли зичлиги ўртачадан анча паст.

Алоҳида қайд этиш жоизки, агар аввал, яъни 80-йилларга қадар Тошкент аҳолиси табиий кўпайиш ва миграция ҳисобидан ортиб борган бўлса (бунда ижобий миграция қолдиғи кўп ҳолларда устунликка эга бўлган), сўнгги йилларда унинг ўсиши деярли тўлалигича табиий ҳаракат натижасида юз берган. Қизиғи шундаки, кейинги 10 йил оралиғида аҳолининг туғилиш кўрсаткичи барча туманларда ортиб борган. 14.2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Бектемир туманида 2000 йилда туғилишнинг умумий коэффициенти 15,1 промиллени ташкил қилган, 2009 йилда эса у 10 промиллега ортган. Сергели туманида ҳам бу кўпайиш сезиларли даражада юқори бўлган - 15,0 промилледан 23,2 промиллегача, фақат Яккасарой, Учтепа туманларида бу даврда туғилиш кўрсаткичлари камроқ кўпайган.

Айни вақтда алоҳида қайд этиш жоизки, Тошкент шаҳрида ўлим кўрсаткичлари республика минтақалари орасида энг юқори. Бунга қатор омиллар, жумладан, аҳолининг ёш таркиби, урбоэкологик вазият ва нозогеографик ҳолат ўз таъсирини кўрсатган. 2009 йил якунлари Сергели, Миробод ва Бектемир туманларида ўлим даражасининг юқорилигини кўрсатади. Миробод ва Сергели бу хусусда 2000 йилда ҳам "етакчилик" қилган. Шу билан бирга Шайҳонтоҳур, Яккасарой ва Олмазор туманларида мазкур кўрсаткич шаҳар миқёсида пастроқ. Ўлим даражасининг бундай ҳудудий тафовутлари туманларнинг географик ўрнашган жойи ҳамда аҳолининг ёш-жинс таркиби билан ҳам изоҳланади. Жумладан, Бектемир, Сергели, Миробод туманларининг экологик-географик ўрни унча қулай эмас; улар йирик саноат маркази - Чирчиқ шаҳридан келаётган, нисбатан тоза бўлмаган ҳаво ва сув йўналишида жойлашган.

Аҳоли табиий ҳаракатининг якуний кўрсаткичи, яъни унинг табиий кўпайиши асосан туғилиш даражасидаги фарқларни такрорлайди. Бинобарин, у Собир Раҳимов, Шайхонтохур ва Бектемир туманларида юқорироқ, Ҳамза, Яккасарой ва Мирзо Улуғбек туманларида пастроқ даражага эга. Умуман олганда эса аҳолининг табиий кўпайиши 2000 йилга қараганда кескин ўсган (14.2-жадвал). Мавжуд маълумотларга қараганда, баъзи туманларда аҳолининг табиий кўпайиши 10-18 промиллени ёки 1,0-1,8 фоизни ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, бу даража шаҳар аҳолисининг реал кўпайишидан анча паст (у сўнгги йилларда ўртача 0,4 фоиз атрофида). Демак, бундай арифметик номувофиқлик аҳоли миграцияси туфайли содир бўлган.

Юқорида қайд қилинганидек, бир вақтлар миграция Тошкент аҳолисининг ўсишида етакчи омил ҳисобланган. Сўнгги йилларга келиб эса у тескари тус олди, яъни келганларга нисбатан кетаётганлар кўп бўлди. Маълумотларга мурожаат қилайлик: Тошкент шаҳрига 1996 йилда 32,7 минг киши келган, 35,0 минг киши кетган; миграция қолдиғи (сальдоси) минус 2,3 минг кишини ташкил қилган. Унгача бўлган даврда миграция қолдиғи қуйидагича бўлган: 1990 йилда минус 30,7 минг; 1991 йилда - 12,6; 1992 йилда - 34,5; 1993 йил - 27,0; 1994 йилда - 46,9 ва 1995 йилда - 20,2 минг киши (барчаси минус). 1997 йилда Тошкент шаҳрига 29,5 минг киши келган, 31,1 минг киши ундан кўчиб кетган; миграция натижаси минус 1,6 минг киши. 1998 йилда бу кўрсаткичлар мос ҳолда, 32,0; 31,1 ва плюс 0,9 минг киши (шу йилда оз бўлсада миграция ижобий сальдога эга бўлган). 1990 - 1997 йиллар мобайнида Ўзбекистон пойтахти миграция оқибатида 175,8 минг кишини "йўқотган". Бу оралиқда энг юқори кўрсаткич 1994 йилда қайд этилган. 2000 йилларда ҳам Тошкент шаҳри учун аҳолининг миграция айланмаси кўп ҳолларда ижобий аҳамият касб этмаган. Масалан, ҳар минг кишига ҳисоблаганда, миграция сальдоси 2000 йилда минус 8,1, 2001 йилда минус 6,4, 2002 йилда - 4,9, 2003 йилда минус 8,0 промиллени ташкил этган. Олдинги йилларда бу кўрсаткич қуйидагича бўлган: 1996 йил минус 1,1; 1997 йил 7,3; 1999 йил 7,1‰ (барчаси минус). 2004 йилда миграция қолдиғи мутлоқ кўрсаткичларда минус 17,1 минг киши бўлган. 2006 йилда Тошкент шаҳрига келувчилар 24,8 минг, кетганлар 21,1 минг кишини ташкил қилган. Бу йилда ҳам 1998 йилдаги сингари миграция шаҳар учун ижобий натижа берган (3,7 минг киши).

14.2 - жадвал

Тошкент шаҳри аҳолисининг табиий ҳаракати (ҳар 1000 кишига нисбатан)

т/р	Ҳудудлар	2000 йил.			2008 йил.			2009 йил.		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш
1	Бектемир	15,1	8,4	6,7	23,9	9,3	14,6	25,4	8,4	17,0
2	Мирзо Улуғбек	12,3	9,8	2,5	16,5	9,0	7,5	16,7	8,0	8,7
3	Миробод	14,7	10,3	4,4	20,1	9,6	10,5	20,0	8,8	11,2
4	Сергели	15,0	9,8	5,2	21,5	10,5	11,0	23,2	9,2	14,0
5	Собир Раҳимов	17,1	6,8	10,3	24,7	6,4	18,3	23,9	5,8	18,1
6	Учтепа	16,3	8,2	8,1	19,1	7,1	12,0	19,9	7,0	12,9
7	Ҳамза	12,2	9,7	2,5	16,2	9,0	7,2	16,4	8,3	8,1
8	Чилонзор	12,8	9,3	3,5	16,4	8,6	7,8	17,8	7,7	10,1
9	Шайҳонтоҳур	18,4	6,1	12,3	22,1	5,3	16,8	22,2	5,0	17,2
10	Юнусобод	13,6	8,3	5,3	18,4	8,4	10,0	18,1	7,3	10,8
11	Яккасарой	11,8	7,9	3,9	12,9	6,0	6,9	13,8	5,7	8,1

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Маълумки, Тошкент шаҳри аҳолиси миграциясининг салбий оқибатлари, асосан, русийзабон ва бошқа ғайри маҳаллий миллат вакилларининг ўзларининг аввалги юртларига кўчиб кетиши туфайли юзага келган. Масалан, биргина 2004 йилда жами 17,1 минг миграция қолдигининг 13,4 минг кишисини ёки 78,4 фоизини руслар ташкил қилган. Шунингдек, татар, корейс, қозоқ, украин каби миллат вакиллари ҳам кўпроқ кўчиб кетишган.

Тошкент шаҳри аҳолисининг миграцияси умумий тарзда бутун Ўзбекистон Республикаси миграцион вазиятини белгилаб беради. Яна фактик рақамларга мурожаат қилайлик: 1990 йилда республика бўйича жами миграция қолдиғи 179,5 минг кишини ташкил қилган ҳолда, унинг 30,7 минг киши ёки 17,1 фоизи Тошкент шаҳри зиммасига тушган. 1991 йилда республика ва Тошкент шаҳри аҳолисининг миграция қолдиғи, мос равишда, 95,9 ва 12,6; 1992 йилда - 74,4 ва 34,5; 1993 йилда - 54,0 ва 27,0; 1994 йилда - 138,9 ва 46,9; 1995 йилда - 89,0 ва 20,2 минг киши бўлган. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб республика ва пойтахт аҳоли миграциясининг якуний кўрсаткичлари пасайиб борган. Масалан, 1996 йилда юқоридаги кўрсаткичлар 50,3 ва 2,3; 1997 йилда 48,4 ва 1,6 минг кишига баробар бўлган. 1998 йил натижалари, аввал қайд этилганидек, Тошкент шаҳри учун ижобий тус олган.

Кейинги йилларда вазият қуйидагича бўлган: 2004 йилда Ўзбекистон бўйича миграция қолдиғи 96,1 минг киши, Тошкентда 17,1; 2006 йилда бу рақамлар 65,2 ва 3,6 минг кишига тенг бўлган.

14.3-жадвалда Тошкент шаҳри туманлари миқёсида энг сўнгги миграция жараёнлари ўз аксини топган. Кўриниб турибдики, ҳозирги вақтга келиб пойтахтда аҳоли миграцияси бирмунча мўътадиллашган ва унинг натижаси кўпгина туманларда ижобий хусусият касб этган. Ваҳоланки, 1997-2004 йилларда бу кўрсаткичлар салбий ва анча юқори бўлиб, ялпи табиий кўпайишни ҳам "ютиб" юборган ва баъзи ҳолларда шаҳар аҳолиси сонининг мутлоқ қисқаришига олиб келган.

Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати таъсирида унинг миллий таркиби шаклланади. Тошкент кўп миллатли аҳолига эга бўлган шаҳар ҳисобланади. 2008 йил маълумотларига қараганда, ўзбеклар жами шаҳар аҳолисининг 64,0 фоизини, руслар 19,5 %, татарлар 4,4 % ни ташкил қилади. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, яъни Шайҳонтоҳур, Олмазор каби туманларида маҳаллий миллат, яъни

ўзбеклар улуши катта бўлса, Чилонзор, Ҳамза, Сергели туманларида бошқа миллат, жумладан, русларнинг ҳиссалари ҳам анчагина. Шу сабабдан ҳам мазкур туманларнинг миграцион фаоллиги юқорирок.

Тошкент шаҳрида 1.01.2010 йилларда 1508,8 минг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли қайд этилган (жами аҳолининг 67,9%). Иқтисодий фаол аҳоли сони 1193,1 минг, иқтисодиётда банд аҳоли сони 1146,5 минг киши. 2009 йилда меҳнат органларига иш сўраб 46,6 минг киши мурожаат қилган, уларнинг 38,1 минг кишиси иш ўринлари билан таъминланган. Шу йилда жами 74,1 минг янги иш ўринлари ташкил қилинган.

Меҳнат ресурслари иқтисодиётнинг турли тармоқларида, жумладан, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ҳамда турли хил ижтимоий соҳаларда банд. Тошкент кўп функцияли ва айни вақтда пойтахт шаҳри бўлганлиги сабабли унда аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш кабиларда, шунингдек, бошқарув органларида аҳолининг бандлик кўрсаткичлари анча юқори.

Шаҳар хўжалиги. Маълумки, пойтахт шаҳарлар одатда, ўзига хос ("пойтахтга хос") вазифаларни бажаради. Уларни пойтахт сифатида танлашда шаҳарнинг мумкин қадар мамлакат (ўртасида) ҳамда асосий туб миллатларнинг тарихий шаклланган ҳудудида жойлашганлиги катта аҳамиятга эга.

Шу билан бирга бундай шаҳарлар, айниқса, ҳозирги вақтда, мамлакатнинг аҳоли сони бўйича энг йирик шаҳри бўлиши асло шарт эмас; уларда саноат ишлаб чиқаришининг юқори даражада ҳудудий мужассамлашуви ҳам шарт эмас.

Шу сабабдан ҳам баъзи давлатларда махсус пойтахт шаҳари мақомида унча катта бўлмаган, деярли "саноатсиз" марказлар танланмоқда (АҚШ, Покистон, Мьянма, Австралия, Қозоғистон ва б).

Тошкент шаҳри пойтахтлик функциясини 1930 йилдан бошлаб бажариб келмоқда. Унга қадар бу мақомда Самарканд шаҳри бўлган. Тошкентнинг ҳозирги ҳолати - саноати, транспорт ва бошқа инфратузилма шахобчалари, ижтимоий соҳалар, дипломатик функцияси, бошқарув органларининг кўплиги борган сари унинг замонавий пойтахтлик хусусиятидан далолат бермоқда. Тошкент катта шаҳар – мегаполис, у республиканинг асосий иқтисодий, маданий, сиёсий маркази, шаҳар, энг аввало, кўп сонли аҳолининг яшаш, яъни социал муҳити, шу билан бирга у ягона иқтисодий

14.3 - жадвал

Тошкент шаҳри аҳолисининг миграцияси

т/р	Туманлар	2008 й.			2009 й.		
		келганлар	кетганлар	Миграция қолдиғи	келганлар	кетганлар	Миграция қолдиғи
1	Бектемир	0,1	0,2	-0,1	0,1	0,1	0,0
2	Мирзо Улуғбек	1,7	1,5	0,2	1,7	1,6	0,1
3	Миробод	0,4	0,5	-0,1	0,5	0,5	0,0
4	Сергели	0,5	0,6	-0,1	0,4	0,5	-0,1
5	Собир Раҳимов	0,6	0,4	0,2	0,3	0,3	0,0
6	Учтепа	1,2	1,2	0,0	0,8	0,5	0,3
7	Ҳамза	0,8	0,8	0,0	0,5	0,7	-0,2
8	Чилонзор	1,6	1,7	-0,1	1,4	1,4	0,0
9	Шайхонтоҳур	0,1	0,1	0,0	0,1	0,2	-0,1
10	Юнусобод	2,1	1,7	0,4	1,7	1,6	0,1
11	Яккасарой	1,2	1,0	0,2	1,0	1,0	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

макон, инвестиция, инновация, ўзига хос геоэкологик (урбоэкологик), нозогеографик муҳит ҳамдир. Бундай катта салоҳият ва айни вақтда масъулият Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаб беради. Халқаро миқёсда, жаҳон ҳамжамияти ва геосиёсий тизимида мустақил Ўзбекистон Республикаси кўпинча "Тошкент" номи билан танилади ва эътироф этилади.

Тошкент шаҳри мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишида кўзга кўринарли мавқега эга. Жумладан, 2009 йилда у республиканинг 17,7 фоиз ялпи ҳудудий маҳсулоти, 15,8 фоизи саноат ишлаб чиқаришини таъминлаган. Чакана савдода унинг улуши 27,0 %, пуллик хизматларда 30,0%, экспортда 29,1 % ва импортда 57,8 %. Мамлакат бўйича жами инвестиция ҳажмининг 16,0 фоизи, қурилиш ишларининг 16,4 фоизи айнан Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Табиийки, Тошкентнинг катта район ҳосил қилувчи ва районга хизмат қилувчи функцияси унда халқ истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқариш (22,0 %) ҳамда барча ижтимоий соҳаларнинг юқорироқ даражада ва кенгроқ миқёсда ривожланишни тақозо этади. Мамлакатимизда у, шубҳасиз, барча янгиликлар, инновация маркази, шаҳар катта инфратузилма ва интеллектуал салоҳиятига ҳам эга. Шу боис республикамизда барча янгиликлар айнан Тошкентдан диффузион равишда бошқа ҳудудларга тарқалади.

Тошкент шаҳри иқтисодиётининг ички таркиби ҳам унинг пойтахтлик хусусиятини ифодалаб беради. 2009 йил якунлари бўйича саноат шаҳар ялпи ҳудудий маҳсулотининг 13,6 фоизини таъминлаган, қурилишнинг улуши 7,6 %, транспорт ва алоқаники - 16,9%, савдо ва умумий овқатланиш ЯҲМнинг 10,4, солиқлар унинг 11,9 фоизини беради.

Маълумки, иқтисодиёт тизимида бозор муносабатларини шакллантиришда кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. 2009 йилда Тошкент шаҳрида жами 31883 та фаолият кўрсатаётган бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Уларнинг таркибида 5280 та кичик корхоналар ва 26603 та микрофирмалар мавжуд. КБ ва ХТ субъектларининг турли соҳалардаги улуши 2009 йилда қуйидагича: ЯҲМ да 46,1%, саноат ишлаб чиқаришида 34,6%, қурилишда 40,3 %, чакана савдода 49,3%, хизмат кўрсатишда 30,2 %. Ушбу секторга иқтисодиётда банд бўлганларнинг 57,1 фоизи, мамлакат экспортининг 19,6 ва импорти-

нинг 50,8 фоизи тўғри келган. Кичик бизнес субъектлари томонидан таҳлил этилаётган йилда 52,0 минг янги иш ўринлари яратилган.

Албатта, ҳар қандай кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг моддий негизини капитал қўйилмалар – инвестиция ташкил қилади. 2009 йилда шаҳар бўйича инвестицияларнинг жами ҳажми 2008 млрд. сўмга тенг бўлган. Туманлар миқёсида Чилонзор (16,4%), Миробод (15,4%) ва Яккасарой (12,7%) етакчилик қилишган. Инвестициянинг нисбатан кам улуши эса Бектемир, Учтепа ва Юнусобод туманларига тегишли бўлган.

Капитал қўйилмаларга мос ҳолда курилиш ишлари ҳам туманлар доирасида бирмунча фарқ қилади. Масалан, 2009 йилда амалга оширилган курилиш ишларининг 32,2 фоизи Чилонзорга, 22,2 фоизи Миробод туманига тўғри келади. Демак, фақат шу 2 туман пойтахтда бажарилган курилишларнинг 55,4 фоизини таъминлаган. Бинобарин, ушбу ҳудудларда яқин йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларини кутиш мумкин.

Саноати. Тошкент саноати кўп йиллар давомида шаклланган. Унинг даражаси ва тармоқлар таркибига шаҳарнинг географик ўрни, меҳнат ва инновация салоҳияти, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт чизиқларидан эвакуация қилинган саноат корхоналари, шунингдек, яқин атрофдаги табиий ресурслар (қурилиш материаллари хом ашёси, сув ресурслари ва б.) ўз таъсирини кўрсатган.

Шаҳарда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2009 йилда Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозига қарамасдан 110,2 фоизга (ЯҲМ - 117,6 %) ўсган. Шу йилда шаҳарда жами 6971 та турли йириклик-даги саноат корхоналари фаолият кўрсатган. Уларнинг 127 таси йирик саноат корхоналари ҳисобланади; саноат ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг умумий сони 126,2 минг кишини ёки бу иқтисодиётда банд бўлганларнинг 11,0 фоизи демакдир.

Мазкур йилда ХИМ ни ишлаб чиқариш 111,0 фоизга кўпайган. Уларнинг ярмидан кўпроғини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилади; енгил саноат маҳсулотлари эса 6,5 %. Аҳоли жон бошига ўртача 867 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич, хусусан, Бектемир, Чилонзор, Учтепа ҳамда Миробод туманларида анча юқори. Нисбатан паст кўрсаткичлар эса Ҳамза, Собир Раҳимов ва Юнусобод туманларида кўзга ташланади.

14.4-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги 10 йилга яқин даврда пойтахт саноати тармоқ таркибида

анча ўзгаришлар содир бўлган. Масалан, металлургиянинг улуши ортган, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати ҳам устуворрок ривожланиб борган. "Бошқа тармоқлар" таркибида, хусусан, ёқилғи саноати тез ривожланган, унинг жами саноат маҳсулотларидаги ҳиссаси 2009 йилда 14,1 фоизга тенг бўлган. Шу билан бирга шаҳар учун анаънавий саноат тармоқларидан бири - енгил саноатнинг мавқеи сезиларли даражада пасайган. Бу бошқа қатор давлатларда, шунингдек, ўзимизнинг Марғилон, Қўқон, Наманган шаҳарларида бўлганидек, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик корхоналарининг инқирози туфайли юз берган.

14.4-жадвал

Тошкент шаҳри саноатининг тармоқлар таркиби

Саноат тармоқлари	Жамига нисбатан фоизда		2000-2009 йилларда ўзгариш, +,-
	2000 йил	2009 йил	
Жами саноат тармоқлари	100	100	-
шу жумладан:			
Қора ва рангли металлургия	1,5	4,5	+3,0
Кимё ва нефть кимёси	10,2	6,0	-4,2
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	27,9	26,9	-1,0
Ўрмон целлюлоза - қоғоз саноати	3,9	3,3	-0,6
Қурилиш материаллари саноати	3,7	4,0	+0,3
Енгил саноат	11,4	4,9	-6,5
Озиқ - овқат саноати	24,3	23,3	-1,0
Ун, крупа ва омухта ем саноати	6,8	2,1	-4,7
Полиграфия саноати	6,1	4,4	-1.7
Фармацевтика саноати	1,4	2,2	+0,8
Бошқа саноат тармоқлари	2,8	18,4	16,4

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган

Айни вақтда шаҳар саноати таркибида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат саноати тармоқларида жиддий силжишлар кузатилмайди. Аммо уларнинг маҳсулот турларида маълум ўзгаришлар содир бўлган.

Саноат тармоқлари миқёсида алоҳида корхоналарнинг аҳамияти ҳар хил. Чунончи, ёқилғи саноати маҳсулотининг 95,0 фоизини "Лукойл Ўзбекистон оперейтинг компани" МЧЖ беради. Металлургия саноатида эса Тошкент труба заводи (63,4 %) ҳамда иккиламчи қора ва рангли металлар корхоналарининг ўрни катта.

Шаҳар кимё ва нефть кимёси саноатида Тошкент лок-бўёк ва "Олпласт" қўшма корхонаси, машинасозлик ва металлни қайта ишлашда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзэлектроаппарат", "Ўзбеккабель" ва "Дойче кабель" қўшма корхоналари етакчилик қилишади. Шу билан бирга, мазкур тармоқда Агрегат заводи, "Зенит электроника" қўшма корхонаси, Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш, "Алгоритм" каби корхоналар ҳам ўзларининг салмоқли маҳсулот ҳажмлари билан ажралиб туришади.

Енгил саноатнинг асосий корхоналари "БФ-текстил-Продакшн", "Байтекстисарет", "Muruvvat-teks" ва бошқалар ҳисобланади. Озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг кўпчилик қисмини эса Бектемир спирт заводи, ёғ-мой, вино ва шампан ишлаб чиқарувчи корхоналар таъминлайди. Шунингдек, тармоқ жами маҳсулотнинг 28,0 фоизини берувчи "Хоразм шакар" қўшма корхонаси ва Самарқанд чой фабрикаси ҳам молиявий-иқтисодий жиҳатдан Тошкент шаҳри тасарруфида фаолият кўрсатишади.

Ун-крупа ва комбикорм "Ғалла Алтек" ва "Тошкент дон маҳсулот" акционерлик жамиятларида ишлаб чиқарилади. Фармацевтика саноатида эса "Фарм Гласс" ҳамда "Жўрабек лабораторис" корхоналари муҳим аҳамиятга эга. Бу икки корхона жами тармоқ маҳсулотининг 40 фоизини беради. Полиграфия саноатида "Шарқ" АЖ ва "Ўзбекистон" нашриётлари олдинда туради.

2009 йилда Тошкент саноат корхоналари томонидан 780 тонна атрофида пўлат, 70 тоннага яқин пўлат қувурлар, 1125 км узунликдаги назорат кабели ишлаб чиқарилган. Юқоридагилардан ташқари, шаҳарда бир йилда ўртача 20-35 дона кўтарма кранлар, 1600-1700 дона трактор прицеплари, 2500-700 та трактор ва 1400-1450 та трактор сеялкалари, 50 тоннадан зиёд лок-бўёқ материаллари тайёрланади.

Асосий истеъмол товарларидан 71,3 минг тонна омухта ем, 60,3 минг дона кондиционерлар, 21,5 мингта маиший қандиллар, 92 мингга яқин рангли телевизорлар, 1,7 минг дона маиший музлаткичлар ва музхоналар яратилади. Бир йилда 30-33 минг дона трикотаж маҳсулотлари, 10-15 минг жуфт пайпоқ, 15-20 минг тонна тозаланган ўсимлик ёғи, 1,8-1,9 минг тонна гўшт ва 11-14 минг тонна сут маҳсулотлари, 25-27 минг тонна шакар, 18-21 минг тонна оралиғида ун тайёрланади.

Шу ўринда қайд этиш: жойзки, баъзи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хусусан, агросаноат мажмуасига тааллуқли маҳсулотлар кундалик эҳтиёж ҳамда об-ҳаво, иқлим шароитларига кўра ўзгариб туради (масалан, ўсимлик ёғи, хўжалик совуни, ун, омухта ем, гўшт ва сут маҳсулотлари ва ҳ.к). Баъзи саноат маҳсулотлари ҳажми эса маълум сабаблар туфайли қискариб бормоқда (ипгазлама, пайпоқ ва б.). Айни вақтда мебел, кондиционер, маиший кандиллар, пойабзал, минерал сув, узум шарбати, пиво, макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш сўнгги йилларда анча тез ўсган.

Келажакда шаҳар экологик муҳитини ифлослантирувчи, кўп меҳнат ва хом ашё талаб қилувчи, аҳоли кундалик эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ бўлмаган саноат корхоналари, яъни пойтахт муҳитига мос бўлмаган ишлаб чиқаришлар шаҳар ҳудудидан чиқарилади. Айни чоғда замонавий технологиялар билан жиҳозланган саноат тармоқларининг "юқори" қаватлари, экологик тоза, инновация ва фан-техника ютуқлари билан боғлиқ ҳамда тажриба конструктор аҳамиятга молик саноат корхоналари кўпайиб боради.

Саноат корхоналари шаҳар ҳудуди бўйича нотекис тақсимланган. Бу жойларнинг қайси мақсадда барпо этилганлиги, экологик ва транспорт географик ўрни билан ҳам боғлиқ. Умуман олганда, Тошкент шаҳри саноатида Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек туманларининг мавқеи катта (14.5-жадвал).

14.5-жадвал

Тошкент саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркиби

т/р	Туманлар	Жамига нисбатан фоизда		Ўзгаришлар, +,-
		2000 йил	2009 йил	
1	Бектемир	12,3	4,6	-7,7
2	Мирзо Улуғбек	10,9	12,8	+1,9
3	Миробод	12,4	9,3	-3,1
4	Олмазор	4,7	5,4	+0,7
5	Сергели	7,5	7,5	0,0
6	Учтепа	2,0	3,1	+1,1
7	Ҳамза	23,6	12,9	-10,7
8	Чилонзор	5,6	14,1	+8,5
9	Шайхонтоҳур	5,5	21,2	+15,7
10	Юнусобод	6,4	4,8	-1.6
11	Яккасарой	9,1	4,3	-4,8
	Жами шаҳар бўйича	100	100	0,0

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Мавжуд маълумотлар таҳлили кўрсатишича, сўнгги йилларда Шайхонтоҳур, Чилонзор ва қисман Учтепа ҳамда Мирзо Улуғбек туманларида саноат ишлаб чиқариши жадалроқ ривожланган. Масалан, Шаҳонтоҳур туманида 2000 йилда жами шаҳар саноат маҳсулотининг 5,5 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 21,2 фоизга етди. Шунингдек, Чилонзор туманининг мавқеи ҳам кескин кўтарилди. Бектемир туманининг улуши эса бу даврда 12,3 фоиздан 4,6 фоизга, Ҳамза гуманиники 23,6 фоиздан 12,9 фоизга тушиб қолди ва ҳ.к.

Юқоридаги шаҳар саноатининг ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар туманларнинг қайси саноат тармоқларига ихтисослашувига ҳам таъсир кўрсатади. Сабаби оғир саноатга ихтисослашган (самолётсозлик, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё) корхоналарда кооперация алоқаларидаги муаммолар ва истеъмол (эҳтиёж) омиллари таъсирида ишлаб чиқариш анча пасайган. Бундай тармоқларнинг ривожланиши ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам бирмунча қийинроқ кечди. Шу билан бирга бу ўзгаришлар кичик бизнес – кичик корхоналар ривожланиши туфайли ҳам юзага келиши мумкин.

Транспорти. Майдони катта, аҳоли сони кўп бўлган шаҳарда транспорт муҳим роль ўйнайди. Тошкентда транспортнинг барча турлари – автобус, троллейбус, трамвай, метрополитен мавжуд. Марказий Осиёдаги ягона Тошкент метроси 1977 йилда ишга туширилган, унинг йўналишлари ва бекатлари тобора кўпайиб бормоқда. Шаҳар кўчаларида қатнаётган автобус ва енгил машиналарнинг кўпчилиги ўзимизнинг республикамизда – Самарқанд ва Асака шаҳарлари корхоналарида ишлаб чиқарилган.

Тошкент республика, Марказий Осиё ва халқаро миқёсда муҳим транспорт тугунидир. Бу ерда халқаро аэропорт, темир ва автомобил йўллари вокзаллари ва шоҳ кўчалар бор; уларда замонавий сервис хизмати ҳам ташкил этилган. Шу билан бирга трамвай ва троллейбус қатновлари борган сари ҳозирги кун талабларига жавоб бермаяпти. Бинобарин, уларнинг аҳамияти охирги йилларда анча пасайган.

Таҳлиллар кўрсатишича, жами йўловчилар ташиш йилдан-йилга кўпайиб бораётган бир пайтда электрон транспорти турларининг ҳиссаси пасайиб бормоқда. Масалан, 2009 йилда метрополитенда ташилган йўловчилар сони 2008 йилга нисбатан 7,3 фоизга, трамвайда 20,0 фоизга, троллейбусда эса 40,7 фоизга қисқарган.

2009 йилда Тошкентда барча транспорт турлари бўйича 85045 минг тонна ҳар хил юклар ташилган. Уларнинг аксариятини автомобил транспорти амалга оширган; хусусий автомобил эгалари томонидан 29,5 фоиз юк ташилган.

Йўловчилар ташиш бир йилда 1343,0 млн. киши; автомобил транспортининг улуши 92,2 % (хусусий автомобиллар орқали унинг 56,5 фоизи бажарилган). Метрополитенда жами йўловчилар ташиш ҳажмининг 4,7 %, трамвайда 2,5% ва троллейбусда 0,25 % тўғри келади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида шаҳар кўча ва йўлларини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили магистрал йўллар, кўчалар кенгайтирилиб, қатор кўприк ва бошқа транспорт қатновини қулайлаштирувчи мосламалар қурилмоқда. Бироқ шаҳарда автомобиллар сони ҳам жуда тез кўпайиб бораётганлиги сабабли асосий кўчаларда, айниқса, эрталабки ва кечки соатларда "пробкалар" вужудга келмоқда. Шу сабабдан пойтахт транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммолари сифатида энг муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий соҳалар. Шаҳарлар, айниқса, йирик шаҳарлар, энг аввало, аҳоли яшайдиган жой, социал муҳит ҳисобланади. Бу маконда кишилар дам олади, даволанади, ўқийди, хуллас яшайди. Шу боис, ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бу соҳалар ўз навбатида мураккаб бўлиб, улар таълим, соғликни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш кабиларни ичига олади.

Шаҳар аҳолиси жон бошига 2009 йилда 845,6 минг сўмлик пуллик хизмат ва 1989,2 минг сўм ҳажмида чакана савдо ишлари тўғри келади. Чакана савдода Бектемир тумани кескин ажралиб туради (15177,6 минг сўм). Пуллик хизматларнинг нисбий кўрсаткичларида Миробод ва Яккасарой туманлари олдинда. Шу билан бирга чакана савдо Олмазор ва Мирзо Улуғбек туманларида анча суст йўлга қўйилган. Пуллик хизматлар эса Юнусобод, Шайҳонтоҳур, Учтепа ва Ҳамза туманларида заифроқ ривожланган. Ушбу соҳаларнинг ҳудудий мужассамлашувида ҳам фарқлар бор. Жумладан, чакана савдо ҳажмининг 18,6 фоизи биргина Чилонзор туманига тўғри келади; Шайҳонтоҳурда бу кўрсаткич 12,7 %, Учтепада 10,5, Бектемирда 10,0 %. Мужассамлашувнинг паст даражаси эса Олмазор ва Мирзо Улуғбек туманларида қайд этилади (14.6-жадвал).

14.6-жадвал

Тошкент шаҳри иқтисодиётининг ҳудудий таркиби

(2009 йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Тошкент шаҳри бўйича	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Бектемир	7,3	2,6	4,4	10,0	1,4	0,8	1,3
Мирзо Улуғбек	6,4	10,9	8,6	4,6	9,8	7,6	6,6
Миробод	7,2	15,4	22,2	9,1	22,5	26,4	33,4
Собир Раҳимов	4,5	13,7	3,5	3,2	14,7	1,3	4,3
Сергели	5,0	4,3	3,1	7,6	4,9	1,0	3,1
Учтепа	3,8	2,1	2,1	10,5	6,2	0,7	2,4
Ҳамза	19,4	9,2	5,7	9,6	5,1	2,1	6,4
Чилонзор	29,1	16,4	32,2	18,6	8,2	2,6	17,1
Шайҳонтоҳур	8,3	7,3	8,5	12,7	7,4	0,8	7,0
Юнусобод	5,2	5,9	5,1	7,8	6,7	5,7	9,3
Яккасарой	3,8	12,2	4,6	5,3	13,1	42,9	6,9

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган

Шаҳарнинг турли жойларида катта-катта бозор ва ярмаркалар ташкил этилган: Қўйлиқ, Фарҳод, Паркент, Чорсу, Олой, Юнусобод, Сергели ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар нафақат Тошкент халқига, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам савдо-сотиқ ишларини бажаради.

Пуллик хизматларда Миробод тумани олдинда 22,5%, шунингдек, Собир Раҳимов (14,7 %), Яккасарой (13,1 %) туманларининг ҳам улушлари катта. Айни вақтда ушбу ижтимоий соҳа корхоналари Бектемир туманида озроқ.

Марказлашган сув таъминоти шаҳар бўйича 99,7 %, табиий газ билан таъминланиш 99,7 %. Ушбу соҳалар бўйича туманлар миқёсида кескин фарқлар кузатилмайди. Ичимлик суви билан таъминланиш Бектемир туманида пастроқ, табиий газ билан таъминланиш эса барча туманларда деярли бир хил даражада.

Шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида 110 та тиббий муассасалар бор; ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган бемор ўринлари 84,5 та (2000 йилда 80,9). Бу кўрсаткич Миробод, Мирзо Улуғбек ва Олмазор туманларида ўртача даражадан 1,6-2,0 марта юқори. Аммо Сергели ва Учтепада у жуда паст: 29,4 ва 47,5 тадан ўринлар. Шаҳар бўйича ҳар 10 минг аҳолига 63,1 та врачлар ва 124,6 та ўрта медицина ходимлари хизмат кўрсатишади. Ҳар 100 минг кишига нисбатан касалланганлар сони 76644 кишини ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткич Яккасарой, Ҳамза ва Бектемир туманларида юқорироқ, Олмазор ва Сергелида пастроқ.

Шаҳарда марказлашган ва республика аҳамиятидаги касалхоналар, санатория ва бошқа соғликни сақлаш муассасалари мавжуд. Семашко, Чинобод, Турон каби сиҳатгоҳлар замонавий жиҳозлар билан таъминланган, уларда беморлар ва дам олувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатилади.

Тошкентда 2009 йилда жами 517 та доимий мактабгача тарбия муассасалари, 326 та умумтаълим мактаблари бор. Ўртача бир мактабга 988 нафар ўқувчи тўғри келади. Бу рақам республика бошқа минтақаларига қараганда анча юқори. Академик лицейлар 39 та, уларда таълим олаётган талабалар сони 26,7 минг киши; жами 81 та касб-ҳунар коллежларида 125,1 минг талаба ўқийди.

Тошкент йирик фан ва олий таълим маркази ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва унинг қатор илмий тадқикот институтлари жойлашган. Шунингдек, кўплаб ихтисослашган илмий текшириш ва лойиҳалаш институтлари ҳам фаолият кўрсатади.

Республикамиз пойтахтида 30 та олий ўқув юртлари бор. Улар жумласига Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент техника, иқтисодиёт, ислом, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, жаҳон тиллари, аграр университетлари, тиббиёт академияси ва бошқалар киради. Булардан ташқари, Тошкентда Буюк Британия, Италия, Россия, Сингапур олий ўқув юртларининг бўлинмалари бор.

Шаҳарнинг ижтимоий ривожланишида маданият, спортнинг ҳам роли катта. Бу ерда кўплаб музей, театр, истироҳат боғлари ташкил этилган. Айни вақтда Тошкентда туристик индустрия ҳам ривожланиб бормокда. Шаҳарда сайёҳлик учун 37 та замонавий меҳмонхоналар мавжуд, улар 2009 йилда жами 255,0 минг туристларга хизмат кўрсатишган.

Шунингдек, Тошкент аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, шаҳар экологиясини яхшилашга ҳам катта аҳамият берилади. Бу эса, ўз навбатида, пойтахтимизнинг ижтимоий (социал) функциясини янада кучайтиради.

Ташқи иқтисодий алоқалар. Тошкент шаҳри Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларида фаол қатнашади. Унинг ҳиссасига республика экспортининг 29,1 фоизи, импортининг эса 57,8 фоизи тўғри келади.

Мутлоқ рақамларда шаҳарнинг ташқи савдо айланмаси 2009 йилда 8886962,7 млн. АҚШ доллар, шу жумладан, экспорт 3428562,9, импорт 5458399,8 млн. доллар. Олдинги йилга нисбатан ўсиш ташқи савдо айланмасида 107,3 %, экспортда 110,0 %, импортда 105,6 % бўлган.

Экспорт таркибида энергия ресурслари 57,3 %, хизматлар – 26,0 %, озиқ-овқат маҳсулотлари 9,4 фоизни ташкил қилади. Импортда эса юқори кўрсаткичлар машина ва ускуналар (32,0 %), қора ва рангли металларга (30,3 %) тўғри келади. Озиқ-овқат ҳамда кимё саноати маҳсулотларининг улуши деярли тенг – 11,8 %.

Тошкент шаҳри ташқи иқтисодий алоқаларининг кўпроқ қисми МДҲ мамлакатлари билан амалга оширилади. Уларнинг ҳиссаси экспортда 72,7 %, импортда 41,9 %, жами ташқи савдо айланмасида 53,8 %. Ушбу давлатлар билан экспортида энергия ресурслари, хизматлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари, импортда қора ва рангли металлар, машина ва ускуналар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари асосий қисмини ташкил килади. "Узоқ хориж" мамлакатларига товарларни экспорт қилишда ҳам худди шундай вазият кузатилади.

Пойтахтда хорижий инвестициялар ёрдамида ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар 3052 та. Улар шаҳар экспортининг 18,3 фоизини таъминлайди. Шаҳар ташқи иқтисодий алоқаларининг ҳудудий таркибида энг юқори ўринни Яккасарой тумани эгаллайди – 42,9 %. Миробод туманининг улуши 22,5 %. Фақат шу икки туманлар шаҳар ташқи савдосининг деярли 2/3 қисмини таъминлайди. Қолган ҳудудлар орасида Мирзо Улугбек ва Юнусобод туманлари бироз ажралиб туради.

Импортнинг 1/3 қисми Миробод, 17,1 фоизи Чилонзор, 9,3 фоизи Юнусобод туманига тўғри келади. Экспортда энг паст кўрсаткичлар Бектемир, Учтепа ва Шайҳонтоҳур, импортда эса бундай

суст мавке Бектемир ва Сергели туманларида қайд этилади (14.6-жадвал).

Тошкент шаҳрининг ички тузилиши. Шаҳарнинг микрогеографик ва транспорт географик ўрни, ер-сув билан таъминланганлиги туманлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига ўз таъсирини кўрсатган. Умумий тарзда шаҳар ҳудудини тарихий географик жиҳатдан икки катта қисмга ажратиш мумкин: эски шаҳар ва янги шаҳар. Шартли чегара сифатида Анҳор канали хизмат қилади. Шаҳарнинг эски қисмида ҳозирги Шайҳонтоҳур, Олмазор ва Учтепа туманлари жойлашган. Унинг "янги" қисми асосан Чирчиқ йўналиши ва жанубий ҳудудларни эгаллайди. Шарқий йўналиш қадимдан Тошкентнинг асосий дам олиш (рекреация) ва дала ҳовли (дача) зонаси ҳисобланади.

Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ички тафовутлар туманлар даражасида янада яққолроқ кўзга ташланади. 14.7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, саноат ишлаб

14.7-жадвал

Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари (2009 йил, аҳоли жон бошига)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Жами шаҳар	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Бектемир	3,723	5,602	2,108	3,504	7,630	1.103
Мирзо Улуғбек	1,156	0,581	0,982	0,778	0,411	0.886
Миробод	1,670	1,294	2.764	3,998	1,632	4,020
Собир Раҳимов	0,389	0,325	0,987	0,256	0,234	1.061
Сергели	1,115	0,745	0.647	0.460	1,130	0,732
Учтепа	0,288	2,099	0,201	0,195	0,978	0,557
Ҳамза	1,394	0,357	0,990	0,617	1,041	0,553
Чилонзор	1,433	2,960	1.666	3,279	1,899	0,840
Шайҳонтоҳур	1,632	0,640	0,559	0,657	0,981	0,568
Юнусобод	0,356	0,378	0,441	0,376	0,582	0,503
Яккасарой	0,830	0,723	2.340	0,876	0,995	2,515

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

чиқариши бўйича Бектемир, Миробод ҳамда Шайҳонтоҳур туманларининг кўрсаткичлари юқори, Учтепа ва Юнусободда эса мазкур соҳа анча пастлигини кўриш мумкин. Халқ истеъмол моллари бўйича эса асосан Бектемир, Чилонзор, Учтепа туманларининг

мавқеи катта. Асосий ижтимоий соҳалар, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда Бектемир ва Миробод туманлари етакчилик қилса, Юнусобод ҳамда Мирзо Улуғбек туманларининг даражаси анча паст.

Тошкентдек улкан мегаполиснинг ўз атрофи билан яқиндан алокада ривожланиши табиий ҳол. Чунки шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, дам олиш, дала ҳовли ҳудудлари билан таъминлайдиган яқин атрофлари бўлиши шарт. Бундай вазифани Тошкент ва Қибрай туманлари бажаради. Қолаверса, уларда Тошкент шаҳрига хизмат қилувчи омборхоналар, бозорлар, подстанциялар, дам олиш зоналари, шунингдек, қадамжо ва қабристонлар ҳам жойлашган.

Пойтахтнинг шаҳар атрофи қишлоқ хўжалик ва рекреация зонасидан ташқари, унинг таъсири янада каттароқ ҳудудларни қамраб олади. Бундай минтақада Тошкент агломерацияси шаклланган. Шу нуқтаи назардан, Тошкентни унинг яқин атрофи, агломерацияси, вилояти ва бутун Ўзбекистон Республикаси доирасисиз тасаввур қилиш қийин.

Ҳозирги кунда Тошкент Ўзбекистон аҳолисининг 8,0 фоизга яқин аҳолисини ўзида мужассамлаштиради. Бу кўрсаткич унча катта эмас ва умуман олганда, меъёрида. Шаҳарнинг ҳаддан ташқари кенгайиши ҳам қатор муаммоларни келтириб чикаради.

Бинобарин, Тошкентнинг келажак истиқболи унинг амалдаги функцияси, авваламбор мустақил Ўзбекистон Республикасининг сиёсий пойтахти вазифасини бажариши, иқтисодий географик ўрни ва ички имкониятларига боғлиқ. Пойтахт - бу демак, ҳам ўз аҳолисига, ҳам республикага хизмат қилиши, уни бошқариши, ўз давлатини жаҳон ҳамжамияти ва геосиёсий тизимида муносиб кўрсата олиши керак. Шу маънода у республикамизнинг бу борадаги "ишончли вакили" ҳисобланади. Бундай масъулиятли ва "кўп қаватли" вазифани бажариши унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ривожланишининг устувор йўналишларини, бундай юксак мавқе ва масъулиятини белгилаб беради.

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилмасининг асосий бўғинлари: Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва мамлакат пойтахти - Тошкент шаҳри унинг геосиёсий ва геоиқтисодий гизимини шакллантиради. Уларнинг ҳар бирини иқтисодий география ва минтақавий иқтисодиёт фанлари нуқтаи назаридан ***минтақа*** сифатида таърифлаш маъқулроқ ҳисобланади. Сабаби, айнан маъмурий вилоятлар, уларда маъмурий-бошқарув тизимининг мавжудлиги ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имконияти ва заруриятининг борлиги давлатимизнинг минтақавий сиёсатини асосий субъекти бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, ушбу монографияда қўлланилган "минтақа" тушунчасини анъанавий табиий география фанидаги минтақалардан (иқлим минтақалари, табиий минтақалар ва ҳ.к.) фарқ қилиши зарур[1].

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, гарчи минтақа ҳудуд, район маъносини англатсада, ҳар қандай ҳудуд ёки районни ҳам минтақа даражасида кўриш нодурустдир. Масалан, Талабалар шаҳарчаси, Бўка тумани кабилар ҳудуд, район саналади, аммо уларни минтақа мақомида талқин қилиш нотўғри. Минтақанинг энг қуйи қисмини йирикроқ, иқтисодиётининг ҳудудий таркиби ўзининг ихтисослашувига кўра бир-биридан фарқ қилувчи вилоятлар (Фарғона вилоятида Фарғона – Марғилон ва Қўқон гуруҳ районлари, Қашқадарёда – Шаҳрисабз ва Қуйи Қашқадарё гуруҳ районлари ва ҳ.к.) доирасида ажратиш мумкин. Энг мақбули эса, юқорида таъкидланганидек, вилоят даражаси ҳисобланади. Айни вақтда Фарғона ёки Зарафшон асосий иқтисодий районлари ҳам минтақа миқёсида қаралишига ҳақли. Улар (жами Ўзбекистонда 6 та) тизим – таркиб қоидасиги мувофиқ "минтақаларнинг минтақаси" ёки юқори поғонаси саналади.

Мазкур монографияда таҳлил ва гадқиқ қилинган вилоятлар ҳудудий ижтимоий–иқтисодий тизим (мажмуа) мазмунига ҳам эга. Уларга ҳозирги ишлаб чиқариш ва бошқарувни либераллаштириш шароитида кенг имтиёзлар берилган. Хусусан, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, қўшма корхоналарни куриш, ташқи иқтисодий алоқаларни олиб боришда вилоятларга анча катта ҳуқуқлар берилган. Шу билан бирга, вилоятлараро иқтисодий интег-

[1] Бу срда "минтақа" сўзи кўпроқ инглиз тилидаги "Регион" (region) тушунчасига мос келади.

рация жараёнларини ривожлантириш ягона геоиқтисодий макон ва миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш ҳам муҳим масала ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, республика вилоятлари (минтақалари) ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қатор қулайликлар билан бир вақтда айрим чекловчи омилларга ҳам эга. Бу борада SWOT усулини қўллаш яхши натижалар беради[1]. Унинг ёрдамида ҳар бир ҳудуднинг кучли ва заиф томонларини, қулай ва ноқулай омилларни, рақобатбардошлик хусусиятларини аниқлаш мумкин. Бироқ минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини нафақат унинг қулай омиллари (имкониятлари), балки заиф томонларини кучайтириш, муаммоларини мақсадли дастурлар доирасида хал этиш орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Чунки ҳар қандай муаммо уни бартараф этиш учунгина муаммодир ёки бошқача қилиб айтганда, муаммо, қисқа муддатли депрессив ҳолат, турғунлик навбатдаги ривожланиш, юксалиш босқичини белгилаб беради.

Минтақаларнинг иқтисодий географик ўрни ҳам ўзига хос ижтимоий–иқтисодий ривожланиш омили, ресурсидир. Шу нуқтаи назардан вилоятларнинг чеккада ("периферияда") ёки марказда жойлашганлиги, трансчегаравий хусусиятлари уларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этади. Айни пайтда, қайси бир вилоятнинг рақобатга чидамлилигини унинг минерал хом ашё ресурслари (Тошкент, Навоий, Қашқадарё каби вилоятлар) белгиласа, бошқасининг ривожланишида агроиқлимий ресурслар (Сурхондарё вилояти) муҳимроқ ҳисобланади. Демак, бу ўринда Д. Рикардонинг "қиёсий афзаллик" ёки Хекшер - Олинларнинг ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ҳудудий меҳнат тақсимотида "омиллар қиймати" ғоясини қўллаш мумкин.

SWOT таҳлилида кучли томон ва имкониятлар, заиф ва хавфлар нисбати минтақанинг ривожланиш ёки депрессив ҳолатини белгилаб беради. Жумладан, Қорақалпогистоннинг имкониятлари унинг тўлиқ ўрганилмаган минерал ва ёқилғи ресурслари бўлса, минтақа ривожланишига хавф туғдирадиган энг муҳим омил экологик вазият - Орол ва Оролбўйи муаммоси ҳисобланади. Сурхондарё вилоятининг кучли томони агроиқлимий ва меҳнат

[1] SWOT – инглиз тилидан "Strengths" – кучли томонлар, кучли; "Weaknesses" – заиф томонлар, омиллар; "Opportinities" – имкониятлар; "Treats" – хавфни билдиради.

ресурслари, имкониятлари – табиий бойлиги, заифлиги – унинг иқтисодий ва сиёсий географик ўрнидир.

Маълумки, аксарият қиёсий таҳлилларда асос сифатида минтақанинг демографик салоҳияти, яъни унинг мамлакат аҳолисидаги улуши хизмат қилади ёки "умумий махраж" вазифасини ўтайди. Шу жиҳатдан ёндашганда, 2009 йил натижаларига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг нисбий кўрсаткичи фақат Навоий ва Тошкент шаҳрида уларнинг демографик сиғимидан кўпроқ, холос. Тошкент вилоятида бу кўрсаткичлар ўзаро тенг. Энг паст салоҳият эса (аҳоли сонига таққослаганда) Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятларида кузатилади. Ваҳоланки, Наманган вилояти республикамизда урбанизация даражаси бўйича энг олдинда туради.

Саноат Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Андижон, Тошкент ва Навоий вилоятларида, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш Андижон вилоятида (Ўзбекистон Республикасига нисбатан 29,0 %) ва Тошкент шаҳрида (22,0 %) яхши ривожланган. Агроиқтисодиёт тизимида эса Самарқанд ва Тошкент вилоятлари, шунингдек, Андижон ва Бухоро ажралиб туради. Капитал қўйилмаларда Бухоро (хусусан, хорижий инвестицияларни жалб этишда), Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри етакчи. Ижтимоий соҳалар географиясида ҳам худди шундай ҳудудий тафовутлар қайд этилади. Ташқи иқтисодий алоқаларда эса энг аввало, Тошкент шаҳри (экспортда - 29,1 %, импортда – 57,8 %, 2009 й.) кескин кўзга ташланади. Шу билан бирга, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятларининг ҳам экспорт салоҳияти каттарок.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг минтақавий хусусиятлари юқоридаги географик вазиятни акс эттиради. Бу кўрсаткичлар (индекс) республикада 1,000 га тенг бўлган ҳолда, саноат, Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда, Навоий (3,660), Қашқадарё (1,736), Андижон (1,394) ва Тошкент вилоятида (1,281) каттарок. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш фақат Андижон вилояти ва Тошкент шаҳрида, қишлоқ хўжалиги - Фарғона, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистондан ташқари колган минтақаларнинг барчасида 1,000 дан юқори.

Инвестиция ҳажми бўйича индекс Бухоро (3,384), шунингдек, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Тошкент ва Навоий вилоятлари ажра-

либ туради. Қурилишда Бухоро ва Навоий вилоятлари фаолроқ, чакана савдода Тошкент, Навоий ва Бухоро вилоятларининг кўрсаткичлари ўртача даражадан юқори, пуллик хизматлар асосан Тошкент шаҳри ҳисобидан ривожланган.

Аксарият кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида паст. Айни вақтда ижтимоий инфратузилма, айниқса, ичимлик суви билан таъминланиш даражаси Хоразм, Жиззах, Наманган, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида анча суст (72-74 %). Табиий газ билан таъминланганлик эса Сурхондарё (63,8 %), Андижон (73,2 %), Жиззах (76,3 %) вилоятларида муаммоли ҳолатда. Ажабланарлиси шуки, бу кўрсаткичлар табиий газга бой, республикамизда деярли "яккаҳоким" Қашқадарё вилоятида ҳам жуда паст – 71,0 %. Демак, юқоридаги минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида мавжуд ҳолатларга аҳамият бермоқ талаб этилади.

Шундай қилиб, қиёсий ҳудудий таҳлил минтақаларнинг кучли ва заиф, имконият ва хавф туғдирувчи томонларини, истиқболда ривожланишининг устувор йўналишларини, ўсиш қутб ва марказ, "йўлакларини" аниқлашга ёрдам беради. Одатда, минтақалар ривожланишининг стратегияси ва концепциясини ишлаб чиқишда уларнинг географик ўрни, табиий шароит ва ресурслари (минерал хом ашё, агроиқлимий ва рекреация имкониятлари), демографик ва социал – экологик вазияти, инвестиция муҳитини баҳолаш катта амалий аҳамиятга эга.

Умуман олганда айтиш мумкинки, ҳар қандай минтақа; ҳудуд ҳам қандайдир имкониятларга эга. Асосий вазифа - айнан шу имкониятларни аниқлаш ва баҳолашдан иборат бўлмоғи лозим. Масалан, Хоразм ёки Сирдарё вилоятининг минерал хом ашё ресурси жуда оз. Бироқ Хоразмда меҳнат ресурслари, Сирдарёда унинг қулай транспорт – географик ўрни, Тошкент вилоятига ва мамлакат пойтахтига яқин жойлашганлиги ижобий аҳамиятга эга.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизнинг ҳар бир асосий иқтисодий районида мумкин қадар ўзининг электр энергетика, тўқимачилик саноати ва мустаҳкам қурилиш индустрияси бўлмоғи мақсадга мувофиқ. Қолаверса, ҳар бир вилоятда ва ҳатто туманлар ва туманлараро аҳамиятга эга бўлган ҳудудларда ҳам қурилиш базаси талаб этилади. Бундай ишлаб чиқаришни ҳудудий

ташкил этиш "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун ҳам зарурдир.

Жаҳон мамлакатлари тажрибаси бўйича, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги ўзаро фарқ бирмунча кўпайиб боради. Ҳар қандай давлат ўзининг миллий иқтисодиётини шакллантириш мақсадида, энг аввало, имконияти катта бўлган минтақаларга эътибор қаратади. Бизнинг республикамизда минтақавий сиёсат "локоматив" ҳудудларнинг фаол ривожланиши билан бирга мавжуд ҳудудий тафовутларни мумкин қадар юмшатиб боришни ҳам назарда тутади.

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида ҳозирги вақтда минтақалар саноатлашув ва урбанизация даражасини яхшилаш, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишга устувор аҳамият берилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий муаммоларни изчил ҳал қилиб бориш, аҳоли саломатлиги ва яшаш шароитини яхшилаш ҳам энг долзарб масаладир. Қолаверса, иқтисодиётимиз ривожланишининг пировард мақсади ҳам айнан ижтимоий манфаатларга йўналтирилган. Ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши эса кўпроқ маҳаллий шароитга, қишлоқ туманлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва ҳатто алоҳида қишлоқлар даражасидаги тадқиқотларни тақозо қилади. Бундай кўп қатламли ва кенг миқёсли ёндашувлар эса энг аввало, ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий география фанининг асосий (хусусий) вазифасидир.

Адабиётлар

1. Каримов И. А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. – Т.: "Ўзбекистон", 2010.

2. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: "Ўзбекистон", 2009.

3. Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. – Т.: "Янги аср авлоди", 2009.

4. Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана". - Т.: Госкомземгеодезкадастр, 2008.

5. Ата – Мирзаев О, Тухлиев Н. Узбекистан: природа, население, хозяйство. – Т.: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси", 2009.

6. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002.

7. Ахмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. – Т.: "Ўзбекистон", 2006.

8. Бугаев В. К. Социально – экономическая регионалистика – Спб Издателство "ВВМ" , 2007.

9. Домаьский Р. Экономическая география: динамический аспект. Перевод с польского – М.: Новый хронограф, 2010.

10. Назаров М., Тожиева З. Ижтимоий география. Ўқув қўлланма. – Т., 2003.

11. Россия регионов : в каком социальном пространстве мы живем ? – М., 2005.

12. Расулов А. Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д. П. Гидрология асослари. – Т.: "Университет", 2003.

13 Садыков А М Основы регионального развития : теория, методология, практика. – Т.: "Iqtisod - moliya", 2005.

14 Солиев А. , Аҳмедов Э., Маҳамадалиев Р ва б. Минтакавий иқтисодиёт. – Т.: "Университет", 2003.

15. Солиев А, Назаров М Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси).- Т.: "Fan va texnologiya", 2009.

16. Тожиева З. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (монография) . – Т.: "Фан ва технология", 2010.

17. Қаюмов А., Назарова Ҳ., Эгамбердиев Ф. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.,2004

18. Қишлоқ жойлар демографияси. Проф А.С.Солиев таҳрири остида. – Т., 2005.

19. Ғуломов П., Ҳасанов И. Ўзбекистон табиий географияси. – Т., 2007.

20. Экономическая, социальная и политическая география: мир, регионы, строны. Под ред. проф И. А. Родионовой – М.: Элиц – Информ, 2008.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ўзбекистон республикаси минтақалари ялпи ҳудудий маҳсулотининг таркиби

(2009 йил, жамига нисбатан фоизда)

Минтақалар	Саноат	Қурилиш	Қишлоқ хўжалиги	Транспорт ва алоқа	Савдо ва умумий овқатланиш	Солиқлар	Бошқалар
Қорақалпоғистон Республикаси	8,3	8,4	21,0	7,0	6,5	5,8	43,0
вилоятлар:							
Андижон	26,7	4,5	26,4	6,5	6,3	3,9	25,6
Бухоро	12,0	10,2	28,9	5,9	5,9	15,5	21,6
Жиззах	6,5	8,0	39,7	6,4	5,4	5,9	28,0
Навоий	46,5	6,9	14,0	7,9	4,3	3,5	16,8
Наманган	7,1	7,3	33,8	7,9	8,6	7,2	28,2
Самарканд	10,7	5,7	39,3	6,1	6,4	4,7	27,1
Сурхондарё	6,9	8,2	42,5	11,2	7,0	4,7	19,5
Сирдарё	9,6	5,7	41,2	7,3	6,1	6,6	23,5
Тошкент	27,5	4,4	25,8	13,4	7,6	7,3	13,9
Фарғона	22,6	4,9	19,4	8,0	7,0	17,3	20,8
Хоразм	7,0	7,8	34,9	9,4	7,1	5,0	28,6
Қашкадарё	35,4	6,6	20,0	4,6	4,4	8,6	20,5
Тошкент шаҳри	13,6	7,6	-	16,9	10,4	11,9	39,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2-илова

Ўзбекистон Республикаси минтақалари меҳнат ресурслари ҳақида баъзи маълумотлар

(2009 йил.)

Ҳудудлар номи	Минг киши ҳисобида				яратилган янги иш ўринлари	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда
	01.01.10 й ҳолатига аҳоли сони	меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони	иқтисодий фаол аҳоли	иқтисоди ётда банд аҳоли сони		
Қорақалпоғистон Республикаси	1630,6	928,0	612,2	570,9	48064	21282
Андижон	2530,3	1490,9	1115,1	1079,1	77889	26612
Бухоро	1612,6	943,8	777,8	750,6	72904	35316
Жиззах	1117,3	614,1	387,7	370,8	43297	16235
Навоий	851,3	512,4	573,5	520,7	39870	21732
Наманган	2259	1285,3	833,1	784,3	70762	22158
Самарканд	3119,8	1725,8	1294,9	1211,0	91712	42336
Сурхондарё	2075,3	1129,5	796,7	752,1	63686	31921
Сирдарё	708,2	405,9	312,4	311,7	37899	21354
Тошкент	2568,8	1489,4	1140,9	1128,5	85333	25563
Фарғона	3075,2	1711,0	1384,1	1311,7	90050	28452
Хоразм	1561,7	868,2	591,4	588,2	59192	20588
Қашкадарё	2589,6	1433,7	990,5	940,2	85734	24014
Тошкент ш	2220,7	1508,8	1193,1	1146,5	74140	52022

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

3-илова

Ўзбекистон минтақалари аҳолисининг табиий ва механик харакати

(ҳар минг кишига нисбатан, 2009 йил)

т/р	Минтақалар	Аҳоли табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келганлар	кетганлар	миграция қолдиғи
	Қорақалпоғистон Республикаси	24,6	4,9	19,7	8,0	18,5	-10,5
	вилоятлар:						
1	Андижон	24,5	4,6	19,9	2,4	2,7	-0,3
2	Бухоро	21,7	4,2	17,5	3,4	6,1	-2,7
3	Жиззах	24,5	4	20,5	5,9	9,3	-3,4
4	Навоий	21,4	4,7	16,7	13,6	16,1	-2,5
5	Наманган	23	4,2	18,8	1,2	2,3	-1,1
6	Самарқанд	24	4,3	19,9	3,5	4,6	-1,1
7	Сурхондарё	24,8	3,8	21,0	5,1	5,9	0,8
8	Сирдарё	22,8	4,8	18,2	7,9	12,2	-4,3
9	Тошкент	22,5	5,6	16,9	6,2	10,6	-4,3
10	Фарғона	22,7	4,8	17,9	4	4,5	-0,5
11	Хоразм	25,4	4,3	21,1	3,8	4,9	-1,1
12	Қашқадарё	24,3	3,8	20,5	3,9	4,4	-0,5
	Тошкени ш	19,6	7,1	12,5	8,5	8,2	0,3

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

4-илова

Ўзбекистон минтақаларида фермер хўжаликлари хақида маълумот

(2009 йил.).

т/р	Минтақалар	Фермер хўжаликлари сони, бирлик	Уларга бириктирилган ер майдони, минг га	Уларда ишлайдиганлар сони, минг кишн	Ҳар бир фермер хўжалигига тўғри келадиган		Вилоятда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан фермер хўжаликлари улуши, %
					ер майдони, га	ишчилар сони, киши	
	Қорақалпоғистон Республикаси	9322	590,8	85,8	63,4	9	37
1	Андижон	7296	250,8	135,2	34,4	18	33,7
2	Бухоро	15366	806,7	111,5	52,5	7	28,5
3	Жиззах	6710	457,6	61,6	68,2	9	36,8
4	Навоий	2437	247,8	31,4	101,7	13	13,5
5	Наманган	14026	243,7	95,8	17,4	7	32,0
6	Самарқанд	11749	495,3	187,4	42,2	16	34,2
7	Сурхондарё	7071	714,4	145,6	101,0	20	37,2
8	Сирдарё	4250	275,6	77,0	64,8	18	45
9	Тошкент	7471	444,9	118,3	59,5	16	35,2
10	Фарғона	14440	334,2	172,1	23,1	12	35,9
11	Хоразм	10276	242,3	120,3	23,6	12	29,7
12	Қашқадарё	29785	717,1	155,9	24,0	5	40,6

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

5-илова

Ўзбекистон Республикаси минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

(2009 йил., жамига нисбатан фоизда)

т/р	Минтақалар	Саноат махсулоти	Қишлоқ хўжалиги махсулоти	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
	Республика бўйича	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**
шу жумладан:										
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1,2	3,0	1,3	5,2	2,6	3,0	2,4	0,8	0,4
2.	Андижон	12,7	9,7	29,0	3,6	3,7	7,6	8,9	2,9	12,5
3.	Бухоро	3,8	8,8	5,6	19,5	6,8	5,8	4,5	1,7	1,4
4.	Жиззах	1,1	5,4	1,5	1,8	2,5	2,5	2,1	0,6	0,3
5.	Навоий	11,2	4,2	2,0	4,7	4,5	3,6	2,8	4,2	3,8
6.	Наманган	1,9	7,2	3,7	3,8	3,4	6,0	5,4	0,7	1,1
7.	Самарканд	4,1	13,4	10,0	4,4	4,5	7,3	10,2	1,4	3,5
8.	Сурхондарё	1,7	8,1	1,9	4,1	3,0	5,4	2,8	1,6	0,2
9.	Сирдарё	1,1	3,8	1,5	1,7	1,2	1,8	1,5	0,6	0,5
10.	Тошкент	11,8	13,3	8,5	10,0	4,9	11,2	6,4	9,0	8,6
11.	Фарғона	8,9	8,4	7,2	5,3	4,5	8,8	7,5	4,3	5,3
12.	Хоразм	1,4	6,1	2,4	1,7	3,1	4,2	3,7	0,9	0,4
13.	Қашқадарё	14,6	8,5	3,2	17,5	7,0	5,8	4,5	17,6	4,2
	Тошкент ш.	15,8	0,0	22,0	16,0	16,4	27,0	30,0	29,1	57,8

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

6-илова

Ўзбекистон Республикаси минтақалари ижтимоий ривожланишининг баъзи кўрсаткичлари
(2009 йил.)

Шаҳар ва туманлар номи	1 кишига тўғри келадиган уй-жой, кв.м	Хар 10 минг кишига нисбатан касалхона ўринлари	Хар 10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория-поликлиника муассасалари	Ичимлик суви билан таъминланганлик даражси, %да	Табиий газ билан таъминланганлик даражаси, %да	Ҳар 100 минг кишига нисбатан касалланганлар сони, минг киши
Қорақалпоғистон Республикаси	15,5	53,3	145,4	72,0	94,1	39,2
Андижон	10,0	47,3	151,8	88,8	73,2	46,4
Бухоро	14,6	46,0	178,2	83,9	98,1	65,2
Жиззах	13,5	41,2	146,0	72,2	76,3	37,5
Қашқадарё	13,1	41,7	1,3	82,2	71,0	17,7
Навоий	20,5	50,0	171,0	74,8	80,0	71,6
Наманган	14,2	54,1	123,0	72,8	82,8	48,5
Самарқанд	14,2	45,6	117,1	86,2	84,7	80,7
Сурхондарё	13,3	36,6	98,9	81,7	63,8	38,7
Сирдарё	15,5	2,6	221,0	80,9	90,1	32,6
Тошкент	14,2	38,3	191,0	82,0	84,0	41,4
Фарғона	14,4	45,1	144,6	84,4	81,3	56,9
Хоразм	24,5	42,4	140,2	63,7	95,6	54,5
Тошкени ш	18,2	84,5	231,3	99,7	97,7	76,6

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

7-илова

Ўзбекистон минтақаларида ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар

(2009 йил., минг сўмда)

Минтақалар	ЯҲМ	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Чакана савдо айланмаси	Пуллик хизмат	Жами хизматлар
Қорақалпоғистон Республикаси	766,2	213,0	72,7	232,3	300,7	91255,2	281,3
Андижон	1274,8	1404,8	1010,3	485,9	498,0	222,6	
Бухоро	1627,8	660,3	658,5	698,9	595,1	178,0	741,8
Жиззах	1081,3	283,6	119,9	615,2	365,5	115,5	395,1
Қашқадарё	1439,3	1749,5	109,4	417,6	368,7	110,5	470,7
Навоий	3038,7	3689,5	203,5	622,8	705,0	207,8	1226,6
Наманган	762,0	236,6	145,9	399,6	441,5	150,6	424,1
Самарқанд	1002,0	369,4	286,1	547,6	383,2	205,9	2160,0
Сурхондарё	828,7	22,6	8,2	496,8	436,1	86,5	378,5
Сирдарё	1117,1	439,3	186,9	673,6	406,3	134,1	42,2
Тошкент	1711,3	1291,1	292,6	656,2	719,0	156,4	1055,5
Фарғона	1183,3	812,5	206,1	346,7	476,0	155,0	-
Хоразм	1001,1	259,2	134,7	496,1	447,7	150,0	453,0

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

8-илова

Ўзбекистон Республикасининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари

(2009 й.)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Аҳоли сони (1.01.2010 йил ҳолатига)	минг киши	28000,8
Саноат		
электр-энергия	млрд кВт/с	50,0
нефть ва газ конденсати	млн/т	4,5
табиий газ	млн куб/м	61408,2
бензин	минг т	1621,9
дизел ёқилғиси	минг т	1302,3
мазут	минг т	498,6
пўлат	минг т	731,7
прокат	минг т	687,1
аммиак селитраси	минг т	1265,3
минерал ўғитлар	минг т	1073,2
олтингугурт кислотаси	минг т	954,6
кальций содаси	минг т	76,8
енгил автомобиллар	дона	205011,0
юк автомобиллари	дона	722,0
автобуслар	дона	1317,0
тракторлар	дона	2737,0
цемент	минг т	6852,8
йиғма темир бетон курилмаси	минг м куб	145,4
пахта толаси	минг т	1055,3
чигит	минг т	1578,9
ип-калава	минг т	145,5
трикотаж маҳсулотлари	минг дона	33968,0
гилам ва гилам маҳсулотлари	минг кв м.	2360,2
сут	минг т	5779,0
шакар	минг т	275,1
ўсимлик ёғи	минг т	223,3
ун	минг т	1270,1
гўшт	минг т	1367,7
тухум	млн дона	2715,9
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари		
Жами	млрд сўм	12642,6
шу жумладан:		

Фермер хўжаликларида	%	34,5
Деҳкон хўжаликларида	%	63,3
Қишлоқ хўжалик корхоналарида	%	2,2
Дони экинлар		
майдони	минг га	1610,5
ялпи ҳосил	минг т	7391,6
ҳосилдорлик	1 га/ц	45,2
Картошка		
майдони	минг га	62,8
ялпи ҳосил	минг т	1524,5
ҳосилдорлик	1 га/ц	197,9
Мева ва сабзавотлар	минг га	225,9
майдони	минг т	1542,9
ялпи ҳосил	1 га/ц	87,4
ҳосилдорлик		
Узум	минг га	125,5
майдони	минг т	899,6
ялпи ҳосил	1 га/ц	85,2
ҳосилдорлик		
чорва моллари		8510,8
		14438,3
йирик шохли корамоллар	минг бош	24980,0
қўй ва эчкилар	минг бош	897,9
жун	тонна	24,0
коракўл териси	минг дона	33025,8
пилла	минг т	
парранда	минг бош	
Ташқи савдо айланмаси		
Жами	млн. доллар АҚШ	21209,6
Экспорт	млн. доллар АҚШ	11771,3
Импорт	млн. доллар АҚШ	9438,3
Ижтимоий соҳалар		
Чакана савдо айланмаси	млрд сўм	16488,9
Пуллик хизмат	млрд сўм	6298,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши....3
Биринчи боб. Қорақалпоғистон Республикаси....5
Иккинчи боб. Андижон вилояти....24
Учинчи боб. Бухоро вилояти....53
Тўртинчи боб. Жиззах вилояти....79
Бешинчи боб. Навоий вилояти....97
Олтинчи боб. Наманган вилояти....120
Еттинчи боб. Самарқанд вилояти....145
Саккизинчи боб. Сирдарё вилояти....169
Тўққизинчи боб. Сурхондарё вилояти....189
Ўнинчи боб. Тошкент вилояти....211
Ўн биринчи боб. Фарғона вилояти....238
Ўн иккинчи боб. Қашқадарё вилояти....265
Ўн учинчи боб. Хоразм вилояти....289
Ўн тўртинчи боб. Тошкент шаҳри....306
ХУЛОСА....328
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР....333
ИЛОВАЛАР....335

65.04(5Ў)
С77
Солиев, А.
Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши / А.Солиев, М.Назаров, Ш.Қурбонов; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. 348 б.

I. Назаров М. II. Қурбонов Ш.

ББК 65.04(5Ў)

Ўқув-услубий нашр

Нашриёт муҳаррири: Махкам Маҳмудов
Мусаҳҳиҳа: Камола Болтабоева
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO'Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Нашриёт лицензияси AI № 103. 15.07.2008.
Нашриёт рақами: 398. Теришга берилди: 09.12.2010.
Босишга рухсат этилди 28.12.2010.
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози. Times New Roman
гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 21,5.
Шартли босма тобоғи 18,5. Адади: 150.
Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-60-33

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 39/10.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-81-20